


МУҲАММАД АЛИ

УЛУФ САЛТАНАТ

Тарихий роман

Иккинчи китоб

УМАРШАЙХ МИРЗО



«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАХРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 2006

Муҳаммад Али.

Улуғ салтанат. Тарихий роман 2-китоб. «Умаршайх Мирзо» — Т.: «Шарқ», 2006. — 336 б.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Алининг соҳибқирон Амир Темур ҳақидаги «Улуғ салтанат» романининг биринчи китоби нашриётимиз томонидан чоп этилган эди. Бу асар адабий жамоатчилик ва китобхонлар томонидан кизгин кутиб олинди. Биз шу асарнинг «Умаршайх Мирзо» деб аталган иккинчи китобини эътиборингизга хавола этаётирмиз, ўйлаймизки, асар сизга манзур бўлади.

БИРИНЧИ БОБ

I

Сирдарёнинг этаклари-ю Тангритоғнинг гарбий ёнбағирларидан то юнонлар Борисфен деб атагувчи Днепр-гача кенгликлар аро бепоён дашту далалар ястаниб ётади. Шамоллар шип-шийдам чўлларда қуриган шўраларни тўп-тўп қилиб шимолдан жанубга юмалатиб ўйнайди. Ёйиқ¹ бўйларидан йўлга чиққан шўра тўпи жазирама офтобда жизғанак бўлиб Жайхун кўли, — уни гоҳ-гоҳда Орол денгизи ҳам дейишади, — сохилларига юмалаб етиб келгунча бир неча ойлар ўтади. Кейин Дашти Қипчоқнинг худудсиз чўлларида изғиринлар изиллай бошлайди... Ўхшаш манзара ҳар йили такрорланади, такрорланаверади...

Бу жойларни Жўжи улуси дейдилар.

Тарих мелодий 1376 йилнинг ёзида Оқ Ўрда хони Ўрусхон Ҳожитархон шаҳрида нуфузли қурултой чақиртирди. Идилнинг ёйилмасида, дарёнинг сўл қирғоғида жойлашган хушманзара бу шаҳар билан Ҳазар денгизи орасида йигирма тошча масофа бор эди.

Шаҳар марказида баланд тепаликда савлат тўкиб турган Ҳожитархон ҳокимининг маҳобатли саройи олдидаги катта майдонда бир тўп одамларнинг ивирсиб юргани кўзга ташланарди. Элликка яқин суворийлар қоровуллик қилишмоқда. Учмоққа шай гижинглаган отлар сувликларини чайнаб сабрсизлик билан ер тепинишади. Нарирокда, хиёл куйирокда катта кўчада узок-яқиндан келган амирлару нўёнларнинг соқчилари у ёқдан-бу ёққа от ўйнатиб юришади. Бурнининг учида нўхатдай келадиган жигарранг холи қалин тук билан қопланган йигирма саккиз-ўттизлардаги норғул соқчи йигит рўпарадан келаётган иккинчи соқчига узангилар бир-бирига тегар дара-

¹ Урал дарёсининг қадимий номи.

жада яқинлашиб келар экан, пишқирган от жиловини тортиб сўради:

— Кимнинг ўрамидан бўласен, баходир?..

Албатта, баходир деб мурожаат қилганлари баходир эмас, оддий навкар холос. Қачондир баходир бўлишни орзу қилган навкарлар, ҳиммат юзасидан бир-бирларини ўзаро шундай атайдилар, кўнгилларини кўтардилар. Одатлари шунақа...

Иккинчи соқчи — миқтидан келган биткўз чапдастгина йигит ўнг қўлини нақшин эгар қошига қўйганча бошини баланд кўтариб жавоб берди:

— Манғишлоқ амири донғли Тўйхўжа ўғлонни биласанма?.. Ана ўшанинг ўрамиданман, эй баходир! Тўйхўжа ўғлон кўзининг нури, юрагининг қўри Тўхтамиш ўғлоннинг йигитлариданман! Отимни Тармочук, — дейишади. Ўзинг қайдансен?

Норғул соқчи салобат билан томоқ кириб қўйди-да, — деди:

— Сарой-Беркадан... Манғит элатининг зодагонларидан, Жўжи улусининг амирул умаросу Идику манғит хақида эшитганмисен?

— Эшитганман, эшитганман... Эшитмай бўлама...

— Ўша марди майдоннинг йигитлариданмен. Отим Кўкаман, Кўка ботир ҳам дейишади. Энди Кўка-да, Кўка... Кўка деявер.

Кўкаман хириллаб гапирарди.

— Қурултой узок кетама?.. — сўради Тармочук Кўкамanning кўзига эмас, бурнининг учидаги тукига термилар экан.

— Узок бўлади, чўзилади бу... — Кўкаман бир оз жим қолди. — Қурултойга қандай баходирлар келибди, хабаринг бўлдими? Мен кўпда одам танимаймен... Эсимда турмайди. Жуда ҳам одам кўп... Ўрусхон Жўжи улуси тахтига мингач, икки ўрдани бирлаштириб олди, ўзиям кучайиб кетди-ёв...Вой-баёв!..

— Кучайгандан кучайди хонимиз... — Тармочук маъноли жилмайди. — Кўрмадингма, баходир, хоннинг уллари Темур Малик ўғлон, Қутлуғ Буға, Тўхтақиёларни юришларини! Ўх-хў, Жўжи амирзодаларини санай десанг санок етмайди! Темур Қутлуғ ўғлон, Кунчи ўғлон, Қозончи баходир... Султон Махмуд ибн Амир Кайхусрав ҳам шу ерда... Бухоро хокими Махмудшоҳ Бухорий...

— Ие, ҳаммасини биламан дегин? Секинроқ гапир! Хай... наmunча бидиллайсан-а! Бидилламай гапирсангчи, худо хайрингни бергур баходир! — илтижо қилди Кўкаман.

— Ҳаммасини биламан... — бир оз секинлади Тармочук, кейин шивирлагандай деди: — Мен сенга айтсам, Тўхтамиш ўғлоннинг ўрамида ҳар бири душманни зириллатадиган йигитлар жам бўлган... Алибек кўнғиротнинг ўзи ўнтасига тенг келади, Оқ Буға баҳрин беш ботмонни бир қўлида кўтара олади, Ўрунг Темур, Исабек дейсанма... Элийғмиш ўғлон бўлса-ку...

— Тўхтамиш ўғлон ҳам шу ерда дегин? — Тармочук сўзини бўлди Кўкаман.

— Шу ерда, валинеъмат Тўйхўжа ўғлон ёнида... Отасини ҳеч ёлғиз қўймайди. Доим ёнида юради... Ҳаммаси шу ерда, саройда...

— Тўхтамиш ўғлон ҳақида эшитганмен, — Кўкаман ўйланиб деди. — Жуда мард, ақлли йигит эмиш-да. Идику манғит жаноблари уни фақат алқаб гапиради... Шундай ўғлинг бўлса, дейди...

Сухбатга берилиб кетиб эгар қошига ётиб қолай деган Тармочук Тўхтамиш ўғлонга яқинлигидан гурурланиб кўкрагини кўтарди ва Кўкаманга беписандлик билан кўз кирини ташлади.

— Мўғулистон ҳокими амир Қамариддинни ҳам шу ерда дедилар, аммо мен кўрмадим...

— Амир Қамариддин ҳам шу ерда дегин? — Кўкамanning овози зўрға эшитилди. — Бугун олам йиғилибди-я... Тумонот одамни йиғиб нимани гапиришар экан-а...

— Билмадим, баходир...

Ҳожитархонда кутилмаганда шошилишч курултой чақирилиши икки навкаргагина эмас, балки нақшиннигор кенг саройнинг кўринишхонасида чордана қуриб ўлтиришган аркони давлат вакилларига ҳам англашиларсиз эди. Чап ёқда сирноқлик, манғқишлоқлик, сабронликлар, Иртиш бўйларидан келганлар кўринишади, Булғору Буртосдан, Саройчиқдан келганлар ўнг томонни эгаллашган, қримлик ва сарой-беркаликлар рўбарўни банд қилишган. Амиру амирзодалар, ўзини бировдан кам кўрмайдиган нўёнлар, калондимоғ беклар, майдонталаб лашкарбошилар, турфа хил зодагонлар гўё дунё ишларини ҳал

этиш фақат уларгагина боғлиқдай ўзларини мағрур тутишади.

Эни ўттиз, узунлиги қирқ қадам чиқадиған маҳобатли кўринишхонанинг шимол ва жануб томонларида йигирмага яқин деразалари бор бўлиб, атроф манзара баралла кўриниб турарди. Жануб ёққа қараган одам Идилдай азим дарёнинг майда-майда ирмоқларга айланиб Хазар томон шошаётганини кўрарди. Гўё минг-минг чақирим ерлардан елиб келган пуршиддат дарё ногаҳонда мустақкам Ҳожитархон қалъасига урилиб кетиб, парча-парча бўлгану шундай ҳолатга тушиб қолгандай.... Шимол ёқда, олис-олисларда Сарой-Боту шахрининг ғариб миноралари булутлар пардаси ичра зўрға кўзга чалинади.

Жўжихоннинг ўғли Ботухон милодий 1227 йилда Кўк Ўрда давлатига асос солганда Идил бўйида бир шаҳар қурдирди, унга Сарой-Боту деб ном қўйиб ўзига пойтахт қилиб олди. Йигирма саккиз йил даврон сурган оғасидан кейин тахтга минган Беркахон пойтахтни шимолга, янги шаҳар — Сарой-Беркага кўчиртирди-ю, Сарой-Ботунинг аввалги шукухидан асар ҳам қолмади. Улуснинг жанубий музофотларини Жўжихоннинг яна бир ўғли Ўрда Иченхон авлодлари идора қилардилар. Улар сиртдан қараганда марказий ҳукуматни тан олардилар, аммо ичларида ҳамиша озод бўлиш истагида кун санардилар. Оқ Ўрда ана шундай вужудга келди. Сирдарё этакларида жойлашган энг кўркам қалъага эга Сигноқ шахри Оқ Ўрданинг пойтахти сифатида ном чиқарди. Сарой-Берка билан Сигноқ ўртасида киши билмас рақобат пайдо бўла бошлади. Айниқса, Оқ Ўрда хони Ўрусхонда бу иддао кучайгандан кучайиб кетди. Ҳамма «Ўрусхон» деган ном қаердан келган экан, деб ҳайрон қоларди. Айтишларича, у сап-сарик туғилган эмиш, онаси ўрис маликаси бўлган экан, шу сабабли шунақа аталиб кетибди. Орқаворатдан оти «Сарикхон» эмиш...

Кўринишхонанинг кунботишдаги тўрида каттагина супада маҳобатли заррин тахт жойлаштирилган бўлиб, орқасида деворда икки одам бўйичалик тепада буғунинг катта сершоҳ бош суяги қоқиб қўйилганди. Тахтда савлат тўкиб ўлтирган Ўрусхон кўз узмай Сарой-Боту томонга тикиларкан, ичида хўрсиниб қўйди. Эҳ, Жўжи улуси бир замонлар қандай қудратли давлат эди, Овру-

пою Осиёга даҳшат солиб турарди! Шухрати оламни тутганди. Уни барча мамлакатлар тан оларди, ҳатто ма-наман деган рус князлари солиқ тўлашга мажбур эди-лар. Аммо Жўжи улусининг бир заиф томони Жўжихон-нинг ўн тўрт ўғлидан ҳар бирига бир вилоят инъом этилганида эди, ҳар бир мулк бир хонзодага қарарди. Жўжи улуси бошиданок «улусча»ларга бўлиниб кетган-ди. Бўлинишлар давом этса этдики, тўхтамади. Дар-воқе, Ўрусхоннинг бобокалони Тўқай Темурхон Жўжи-хонга ўн учинчи ўғил бўларди, айна мана шу Ҳожитар-хон вилояти Тўқай Темурхон чекига тушганди. Шу важ-данмикин, Ўрусхон ўша замонлардан мерос бўлиб қол-гандай Ҳожитархон мулкини қўнглига яқин олади, ўзи-ники санайди, Сифноқдан ҳам кўра шу шаҳарда тез-тез бўлишни яхши кўради. Қурултойнинг шу шаҳарда ўта-ётгани сабабларидан бири ҳам шу бўлса керак.

II

...Ўн тўртинчи асрнинг бошларида юз берган турли бош-бошдоқликлар, харажу мараж, чиндан ҳам Жўжи улусининг энка-тинкасини қуришиб ташлади. Бу давр-ларни эслаганда Ўрусхоннинг юраги увишиб кетади. Буюк Чингизхоннинг авлодлари бўлган боболарининг бир-бир-ларини тушунмаганликлари, бирлашиш ўрнига ўзаро кир-пичок бўлганликларини ўйлаб қалби ўртанади. Афсус, минг афсус! Вақти-вақти билан юз бериб турган кўзго-лонлар бутун улусни япроқдай титратар эди. Хайрият-ки, милодий 1312 йилда юрт бошига келган Ўзбекхон замонида тахт талашини низоларига, тўс-тўполонларга чек қўйилди. Султон Муҳаммад Ўзбекхон Кўк Ўрда билан Оқ Ўрдани бирлаштириб қудратли давлатга айлантириб, ўттиз йил комронлик курсида қарор топди. Бу давлат дунёда даставвал Жўжи улуси, кейинчалик Олтин Ўрда номи билан машҳур бўлиб кетди. Ўрусхон ўзини қўпроқ Ўзбекхонга менгзар, салтанат ишларида унга ўхшаб ҳара-кат қилишга тиришарди. Ўзбекхон эса улуф Чингизхонга ўхшаб кетади Ўрусхон назарида...

Ўзбекхоннинг иккинчи ўғли Жонибек Жўжи улуси куч-қудратини яна ҳам оширишга интилди. Бироқ у 1357 йилда фитначилар томонидан ўлдирилди, мамлакатда та-вин кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган бесаранжомликлар

палласи бошланди. Хонлар кун алмашгандай алмашарди, қисқа вақт ичида бу тахти бевафога йигирма бешга яқин хон келиб кетди.

Кўк Ўрда билан Оқ Ўрдани бирлаштирмоқ, улуснинг шаън-шавкати ўрнига қўймоқ, Жўжи улуси бўй-басти-ни дунёга кўрсатмоқ керак! Ўзбекхон замонида қандай бўлса шундай бўлмоғи зарур! Ахир ўша даврларда Жўжи улуси чегаралари қарийб поёнсиз эди, бу томони Идил бўйларигача, Булғор, Қрим, Мовароуқофқоз¹, рус князликлари, у томони Дашти Қипчоқ, Хоразм, Фарбий Сибирь, то Иртиш дарёсигача мамлакатлар Ўзбекхонга қарарди. Кучсизланиб қолган улусни қудратли давлатга айлантириш энди Ўрусхоннинг зиммасига тушиб турибди... Тақдирнинг шундай сийловидан бемисл гурур туйган Ўрусхон милодий 1364 йилда тахтга мингач, ўн икки йил давомида фақат улусни тиклаш билан банд бўлди. Энди Ўзбекхон замонидагидек мамлакат қўшинининг ўнг қўлини Кўк Ўрда, сўл қўлини Оқ Ўрда лашкарлари эгаллади, ички нифоқлару жанжал-суронлар ҳам бир оз барҳам топгандай бўлди. Аммо барча адоват, низо-ю нифоқ ташқаридан эмас, балки тахтга талабгор чингизий хонзолалар юрагида яширин эди. Ҳаммаси ошқора дўст кўринадилар, аммо зимдан бир-бирларига душманликлари аён... Ўрусхон бунни биларди. Мамлакатни қамраб олган ана шу кўнгилхирачилик орадан кўтариб ташланиши керак...

Сарой ичи сув қуйгандай жимжит эди. Хийла вақт ўтди, ҳамма шимолдаги деразага тикилиб хаёлларга берилган Ўрусхондан кўз узмай қурултой бошланишини кутади. Бирор-бир киши сўз қотишга журъат этмайди. Мамлакат хони гўё бу ерда вакиллар тўпланиб турганлигини, нуфузли қурултой бўлиб ўтиши лозимлигини унутиб юборгандек эди. Ниҳоят, хон аввал тахтнинг икки томонини банд қилган аркони давлат кишиларига назар ташлади. Кейин бошқаларни бирма-бир кузатиб чиқди. Хоннинг назари тушганда ҳар бир киши ўзини найзага илиниб қолгандай ўнғайсиз сезарди.

Бирдан кимдир жимликни бузиб: «Омон бўлсин улус хонимиз!» деб қичқириб юборди. Кўринишхона ичи портлагандай гувиллади. Ҳар ёқдан Ўрусхонни шарафловчи садолар янгради:

¹ Мовароуқофқоз — Закавказье, маъносида.

- Бошлари тошдан бўлсин!
- Омон бўлсин улуғ хонимиз!
- Ёвларга офатдир улуғ хонимиз!
- Энди улусимиз доврўғи дoston бўлади!
- Достон бўлади!
- Бўлади! Бўлади-и-и-и!..
- Ур-хо! Ур-хо-о-о!.. Ур-хо-о-о-о!.. — овозлар келарди чап томондан.
- Ур-хо-о-о-о!.. — жарангларди алқовлар ўнг томондан...

Барча ўрнидан туриб олган, сарой ичини юқорига кўтарилган кўллар ўрмони тутиб кетган, шу алфозда мамлакат хонини олқишлашар эдилар.

Фақат ўртароқда, манглайи қат-қат ажиндан тиришган, қошлари сийрак, гирдиғумдан келган бир амир атрофга аланглар экан, бақириб-чақириб Ўрусхонга шараф тўнини бичаётган издиҳомга вижиниб қарар, иложи бўлса барчанинг оғзини ёпиб қўйишга тайёрдай эди. Ёнида турган ёш йигитга тап тортмай бошқалар эшитадиган қилиб:

— Булар эсини еганми, Тўхтамиш ўғлон?.. — деди кўзлари чақчайганча. Унинг овози ингичка, ёкимсизроқ эди. — Қара-я, ўғлим! Ҳаммаси анови ўрисга қараб дон еган хўроздай кекиртагини чўзадир!..

Тўхтамиш ўғлон у ёқ-бу ёққа қараб қўяр экан, ҳалиги одамнинг қулоғига шивирлади:

— Секинроқ гапирингиз, эй валинеъмат! Тингчилар эшитиб қолмасин тагин? Атрофда изғиб юришибди...

Бақириб-чақириб, шовқин-сурон ичида, хайриятки, уларнинг гапини биров эшитмади.

Кўйиб берса, хон шаънига алланималарнидир айтиб юбориши мумкин бўлган табиатан шартаки ва кўрс Тўйхўжа ўғлон тишларини нижирлатиб кўйди-ю ортиқ бир сўз дейишдан ўзини тийди. Мангқишлоқ ҳокими авваллари ҳам ҳамиша машваратларда ҳадди сизиб гапни бўлар, норозилик билдириб, хоннинг сўзи қудратини кесишга мойиллигини яширмасди. Унинг назарида Ўрусхон макру алдовлар билан Жўжи улуси тахтига ўлтирди, асло юрт бошқаришга лаёқати йўқ, устига устак шарти кетиб парти қолган, бир оёғи гўрда одам... Аслини олганда-ку, улар бир отанинг болалари, суриштириб борилса томирлари бир чиқади. Жўжихоннинг ўн учинчи

ўрли Тўқай Темурхон иккисига ҳам бобо бўлади. Тўқай Темурхон тўрт ўғил кўрган. Тўйхўжа ўғлон ана шу ўғиллардан тўнғичи Авранг Маъмур султоннинг авлоди, Ўрусхон эса иккинчи ўғил Ўз Темурхоннинг палаги... Тахт Тўқай Темурхон тўнғич ўғлининг авлодларида бўлиши керак-да. Тўйхўжа ўғлоннинг ана шунга ичи куяди. Бу ёғи-ку шундоқ, лекин Ўрусхон нафақат Тўйхўжа ўғлон, балки барча чингизийларга ҳам душман! Учига чиққан душман... Аммо ақлли ва айёр душман! Ўх-хў!.. Орадаги адоват, гина-кудурат, мухолифлик мадда боғлай бошлаганига хийла вақт бўлиб қолди...

Шу палла Ўрусхоннинг янграган салобатли йўғон овози Тўйхўжа ўғлон хаёлини бўлди:

— Салтанат пешволари!..

Сарой сукунатга чўмди.

— Салтанат пешволари! Нима сабабдан қурултойга йиринганимизни фаҳмласангиз керак? Сўзни бежаб ўлтирмаймен. Ундоқ одатим йўқ. Бир ҳафта бўлди, туш кўрибмен. Улуғ боболаримиз Чингизхон билан Ўзбекхон бирга юрганмишлар. Чингизхон қачон яшагану, Ўзбекхон қачон? Буни ўйлаб кўринг-да! Бу фаройиб аломат... Чингизхон Ўзбекхонга дер эмиш: «Дунёни олдим, қиличим тин билмади. Илгингизга гижинглаган тойдай дунёни жиловидан тутқазиб қўйдим... Дунё баликдек қўлингиздан сирғалиб чиқди-кетди... Нечун қўлдан бердингиз? Бунга қандай журъат этдингиз?.. Ландовур сўтаклар!..» Ўзбекхон ҳеч нарса дея олмас эмиш... Шу палла уйғониб кетибмен...

Яна саройга лахзалик жимлик чўкди. Ўрусхон гунгурсдай тўладан келган, қисик кўзли, пешонаси тор, ўсик қошу киприкларидан қалин мўйловигача сарғайиб кетган олтмиш бешлардаги баджаҳл бир одам эди. Омонатгина кўндирилгандай маҳобатли олтин тожидан сарик сочлари тошиб чиқиб турарди. Ҳазабланиб гапирганда киприклари қошларига қўшилиб кетар, узун ўнг мўйловининг учи оғзига кириб қолиб халал бераверганидан, чиқариб юбориш учун сўз орасида дам-бадам катта оғзининг бурчагини чўччайтириб «пуф», «пуф» деб қўярди.

— Буюк хоқон Чингизхон барчамиздан бағоят норизодурлар... Ўша тушни кўрганимдан бери уйқум йўқ... Жўжи улуси бўғзидан ички низолар ботқоғига ботиб ётибди. Бир маҳаллар дунёга довруқ таратган Жўжи

салтанати қани? Чингизийлар бир-бири билан кўшпак итдек таллашиб, тишлашиб, олам-жаҳон олдида кулгуга қолиш билан оворалар... Юрт пароканда... Ҳой! Сен, анови билан масхара бўлиб уришмадингму?.. — Ўрусхон бирдан қўлини бигиз қилиб кимларгадир дўқ қила бошлади. — Сен ириллаб ановининг оёғидан олмадингму?.. Сен-чи?.. Мановининг кўзига чанг солмадингму?.. Тумшуғи-ю овзи-бурни қонга беланиб тишлашган сенмасмусен?.. Қачон бу нарса йўқ бўлади?.. Ҳаммангни биламен! Нима еб, нима ичиб юрганингни биламен, ўзини шер санаётган кўшпаклар!..

Курултой аҳли, аёнлар бундай аччиқ гапларга ўрганиб ҳам қолгандилар. Улар кўп марта хонга эътироз билдириш, сўзини бўлиш жуда мудҳиш оқибатларга олиб келишининг гувоҳи бўлганлар-да. Ўрусхон шартта ўлимга буюриб юбораверар эди.

Хоннинг сочма гаплари аниқ кимгадир йўналтирилган бўлмаса-да, ҳаммага баробар тааллуқли эди, шу сабабдан ҳамманинг ҳам жон-жонидан ўтиб кетди.

Аммо ҳеч кимдан сас чиқмади...

Тўйхўжа ўғлонгина ўлтирган жойида безовта бўлиб қимирлаб-қимирлаб қўяр, эшитилар-эшитилмас «Ўзинг кўшпак, сариқ! Ўзинг кўшпак, сариқ!.. Сарикнинг сўзларини кўрингиз!..» дея пичирларди. Тўхтамиш ўғлон безовта бўлиб унга қараб-қараб қўярди.

... — Ҳаммангни биламен!.. Мени билмайди дема!... — зуғум билан деди, Олтин Ўрда хони. Унинг овози ингичкалашиб борарди. — Кўзингни оч, пандавакилар!.. Галварслар!..

Ўрусхон кейин Оқ Ўрда-ю Кўк Ўрдани катта қийинчиликлар орқасида бирлаштирганини, буни улуг боболар унинг кўнглига солганини, ўзига қолса, Оқ Ўрда хонлиги унинг битта жонига-ю авлодларига кифоя қилишини урғулаб гапирди. Бу юмушларни буюк Чингизхон шаънини ўйлаб қилаётир, буюк бобокалоннинг руҳини эъзозлаб шод этиш учун уринаётир холос... Эндиги иш Жўжи улуси шон-шухратини тиклашдир, Московияга юриш қилмоқ бу йўлдаги энг қутлуғ қадам бўлур. Олтин Ўрданинг худудини кенгайтириш зарур. Бир маҳаллардаги Олтин Ўрда қани?.. Фарба Византия-ю, шимолда рус князликларигача, шарқда Иртиш бўйлари-ю жанубда Дарбандга қадар ерлар унга қарарди. Энди-

чи? Мовароуннахрда бўлса аллақандай Темур оқсоқ деган зотининг ҳам тайини йўқ бир одам ўзбошимчаликларга бош урмакда, ҳаддидан ошиб Хоразмни босиб олибдир, Фарғона музофотида Амир Қамариддиндай биродаримизни нафас олдиришга қўймайдир эмиш, бу кетишда эртага бизларга ҳам иддао қилишдан тоймайдир...

Хон оғзига кириб қолган мўйловининг учини чиқариш учун «Пуф!», «Пуф!» — деб қўйди.

— Темир оқсоқни гапирдингиз, аммо у жуда кўп оёғи бутунлардан илдамроқ юрадир... — заҳарханда аралаш деди бирдан Тўйхўжа ўғлон, бемалол эътироз билдира олиши мумкинлигини кўрсатмоқчи бўлгандай. У Ўрусхоннинг тагдор гапларини худди игнанинг устида ўлтиргандай бўлиб эшитди.

Ҳамма ялт этиб ингичка овоз чиққан томонга ўгирилди. Жўжи улуси тахтига қаттиқ кўз тикканлардан бири мана шу Мангқишлоқ ҳокими Тўйхўжа ўғлон эканлигини ҳамма биларди. Ўрусхоннинг ўзи ҳам буни яхши тушунар, юқоридагидек паст-баланд гапларни тахт иддаосига йўяр, деса дебди-да, дея эътибор бермасди. Тўйхўжа ўғлон Олтин Ўрдадаги тангликдан фойдаланиб, ўзига тарафдорлар тўплаб, фикрни бир жойга жамлаб Сарой-Беркага юриш қиламан деб турганда, пойтахтни аллақачон Ўрусхон ишғол қилганлигини эшитди ва ўзининг ландавурлигидан нечанчи бордир қаттиқ ранжиди, афсус-надоматда тилини тишлаб қолаберди. Оқибатда эса Чингизхон салтанатини бошқаришга қувватдор, кўрқмас ва ботир Тўйхўжа ўғлон мана бундоғ мажмағилу латта хон насихатларини тинглаб ўлтирибди...

— Хон ҳазратлари! — деди масхараомуз Тўйхўжа ўғлон атай. Ҳамма унинг беписандлик билан гапирганига хайратда боқарди. — Аслида Московияга боришнинг ҳожати йўқ. Нимамизга керилиб борамиз? Ҳозир бир чертकिга ҳам ярамаймиз. Адо бўламиз-ку! Ахир бундоқ кўрпага қараб оёқ узатайлик-да! Тўғри, номимиз улуғ, Чингизхон авлодимиз, аммо ҳолимиз ночор... Кўк Ўрдани кўшиб олдик... Керакмиди? Оқ Ўрданинг ўзи кифоя эди-ку! Оқ Ўрдани улуғ мамлакатга айлантирайлик кучимиз, қудратимиз етса... Московияга ёки Мовароуннахрга юриш қилмоқ худди ўз инига сифмаган, думига галвир боғлаб олган сичқоннинг ҳолини эслатади. Сичқон инига сифмайди, думига галвир боғлайди... Хе-хе-хе... Хе-хе...

Тўйхўжа ўғлоннинг ёлғизланиб қолган заҳарханда кул-гуси тездагина тинди.

Тўхтамиш ўғлон икки ўт ўртасида эди. Бир тарафдан ўрнидан туриб бошини роз кўтарганча хонга қараб жасорат билан гапираётган отаси Тўйхўжа ўғлон тутумидан гурур туяр, қувонар, иккинчи тарафдан тахтда ғазабнок ўлтирган Ўрусхонга боқиб даҳшатли қўрқув хиссидан юраги дам-бадам зирилларди. Ёнма-ён туришган Алибек қўнғирот, Оқбуға баҳрин, нарироқда чўнқайган Султон Маҳмуд ибн Кайхусрав, Маҳмудшоҳ Бухорийлар воқеани ханг-манг бўлиб кузатардилар. Ундан ҳам нарироқда тиз чўккан нуфузли амирлардан Идику қандайдир мудҳиш воқеани ҳис қилгандек қўнгли увишиб-увишиб қўярди.

— Нима деяпти ўзи анови нокас?.. Пир урган?.. Бу қандай гап?.. — Сўзга қўшилган хоннинг кенжатоғи Темур Малик ўғлон йигитларидан паҳлавон келбат Қозончи баҳодир эди. — Олампаноҳ! Мангқишлоқ ҳокимининг сичқондай ўлғиси келди шекилли... Негадир сичқондан гапириб қолди... Сичқон, сичқон дейдир нукул... Сичқоннинг инини минг танга қилиб қўямми?..

— Телбанинг оғзини ёпиб қўйиш керак, ҳазрат!.. — кичқирди Ўрусхоннинг ўғли Тўқтакиё... — Бир очилиб қолди-да... Изи берингиз!..

— Боши олинсин! — деб юборди хоннинг бошқа ўғли Қутлуғ Буға...

— Олинсин! Олинсин!

— Изи қирилсин! Қирилсин!.. — кабилида сўзлар янгради.

Шов-шув кучая бошлади.

Навкарлари қуршовида савлат тўкиб ўлтирган озгиндан келган, чиройли юзли, аммо кўринишидан журъатсиз Темур Малик ўғлон апил-тапил тахт томонга қаради! Одатда салга жаҳл отига минадиган ҳоқон фавқуллодда қутурган қаҳру ғазабдан тили калимага келмай қоларди. Ҳозир ҳам шундай бўлди: қисик кўзлари йўқолгудай қисилиб кетган, аммо лом-мим дея олмасди.

Мангқишлоқ ҳокими Тўйхўжа ўғлон асли падари бузруқворига ёкмайди, Темур Малик ўғлон буни биларди. Ҳамиша хоннинг қитиқ пастига теккани теккан... Уч ой

олдин Сабронда бўлган машваратда ҳам шундай тантиқликларга йўл қўйганди, аммо Ўрусхон, худо инсоф бериб, кенглик қилди, жаҳли чиққанини билдирмади. Қилич яланғочлаб отилган навкарларни ҳам тўхтатиб қолди... Темур Малик ўғлонники тутиб кетди. Борди-ю ҳозир хонзода хос йигитларига буюриб Тўйхўжа ўғлон бошини танидан жудо этса, отаси ашаддий душманидан қутулганига фақат хурсанд бўлади, бу аниқ. Токайгача бу калондимоғ амир ҳаддидан ошади? Ким ўзи? Ким?..

Дарғазаб бўла бошлаган Темур Малик ўғлоннинг бурун катаклари кенгайиб, қисик кўзларида ғазаб учқунлари чакнади. У Қозончи баҳодирга қараб имо қилди. Боши танасига номутаносиб каттароқ, энгагида уч-тўрттагина соқол худди омонатга ёпиштириб қўйилгандай тикрайган, паҳлавон келбат, қабарик кўкракли баҳодирнинг ўзи шунга маҳтал бўлиб турганди. Хонзоданинг гапини эшитиб, фармон деб тушунди-да, шартта ўрнидан турди, йигирмага яқин навкарлари билан шитоб бориб Тўйхўжа ўғлонга ташланди! Тезда Манғқишлоқ ҳокимининг қўлларини қайириб боғлашга киришдилар. Бундай бўлишини кутмаган Тўхтамиш ўғлон жон ҳолатда:

— Тўхтангизлар! Нима қиялпсизлар?.. Нима қиялпсизлар?!.. Қаёққа олиб кетялпсизлар?.. — деб бақирди ва ҳанг-манг бўлганча навкарларга отилганини билмай қолди. Кимдир уни қаттиқ нарига итариб юборди, бошига муштли ёки бошқа нарсами, нимадир тегди... Ўзини ўнглаган Тўхтамиш ўғлон шартта қиличини суғуриб: «Қўлларини маҳкам боғланг!..», «Оғзига лагта тикинг!..», «Маҳкамроқ ушланг даюсни!..» деб буйруқлар бериб турган Қозончи баҳодирга даф қилди! Баҳодир ҳам қараб турмади, чаптастик билан Тўхтамиш ўғлоннинг қўлига бир урди ва ерга тушаётган қилични илиб олди.

— Буни асра, йигитча!.. Худа-беҳуда кўтараверма! Ҳали керак бўлади. Бошқа ерда ишлатасен!

Қозончи баҳодир шундай деди-да, хотиржам қилични Тўхтамиш ўғлонга иргитди. Савашинга шайланаётган Алибек кўнғирот, Оқбуға баҳринларнинг буни кўришиб шиддатлари кесилди, қўллари қиличга чўзилганча саросимада тўхтаб қолишди. Султон Маҳмуд ибн Кайхусрав билан Маҳмудшоҳ Бухорийлар ҳам тарадудда эдилар. Нарирокда Тўхтамиш ўғлон ўрамидаги бошқа йигитлар билан Қозончи баҳодир навкарлари ўртасида аллақачон

киличбозлик бошланиб кетганди. Тўс-тўполон авжга чиқди, ит эгасига боқмас, кимдир муштлашар, кимдир ёқалашар, кўринишхона ичи бузилган ари уясини эслатар эди.

Қозончи баҳодир навкарлари қўллари боғланган Тўйхўжа ўғлонни қалин ўровга олишиб ҳеч кимни яқинлашишга қўймай ташқарига чиқа бошладилар.

— Кетдик, шахзодам! — шивирлади Алибек кўнғирот Тўхтамиш ўғлоннинг қўлтиғидан оларкан. — Бу ерда қолмоқ хатарли! Тезроқ ташқарига чиқайлик! Падари бузрукворингизни қутқариш йўлларини ўйлайлик! Қутқарамиз, худо хоҳласа!.. Кетдик!..

Оқбуга баҳрин ҳам уни қўллаб-қувватлади.

Шу пайт кимдир одамлар орасидан қийинчилик билан ўтиб келиб уларга яқинлашди-да, шивирлаб деди:

— Тезроқ кетингиз! Тезроқ кетингиз бу ердан! Сиз кетмасангиз... бошингиз кетади!..

Тўхтамиш ўғлон зодагонлардан эканлиги кўриниб турган нотаниш одамдан сўради:

— Ким бўладилар, нўён жаноблари?

— Идику бўламен, манғитлардан...

Идику ўттиз бешларга борган, жуссали, ўрта бўйли, деярли ярғоқбош, дўнгманглай, кўринишидан ваҳимали, қисик кўзларининг ўйнаб туришидан маккорлигини яшира оладиган ақли, хушёр киши эди. У шундай деди-да, шитоб одамлар орасига кириб йўқолди.

Тўхтамиш ўғлон ва унинг шериклари алғов-далғовлар ичида Тўйхўжа ўғлон изидан ташқарига отилдилар.

И К К И Н Ч И Б О Б

I

Улуғ салтанатнинг шукуҳли пойтахти Самарқанди фирдавсмонанд кўчаларида ёлғиз кўк кийган одамларни учратиш мумкин эди...

Жаҳонгир Мирзони она шахри Кешда Дор ут-тиловат мавзеида дафн этдилар. Дафн маросимига Самарқанддан эл оқиб борди. Кеш йўлидагилар сафини мамлакатнинг турли пучмоғларидан келган нўёнлар, амирлар, беклар, сарой аъёнлари, оқсоқолу кадхудолар тўлдирган

эди. Улар сал орқарокда борардилар. Олдинда эса, то-
бут солинган маофа билан изма-из дийдаи гирён бўлиб
маликалар, амирзодалар қадам ташлардилар...

Амир Темур Кешда салтанат буржининг ёруф юлду-
зи, жаҳондорлик шаън-шавкати аломатлари манглайида
аён кўриниб турган шахзода Жаҳонгир Мирзонинг пок
рухига атаб турфа хайру эҳсонлар қилди, етим-есир,
бева-бечораларга инъому садақалар берди. Хайру эҳсон-
лар муаззам пойтахт Самарқандда Кешдагидан кўра ўн
чандон ортиқроқ даражада адо этилди...

... Кажрафтор дунё!.. Энг суюкли ўғли Жаҳонгир
Мирзо йиғирмага кирганда дунёга қўл силтагандай кетди
қолди. Дунёси шулми? Энди нима бўлади? Бу азоб-
укубатларга у қандай чидайдими-ю қандай чора қила ола-
ди? Ким унга мадад беради Аллоҳдан бошқа? Э, Аллоҳ,
ўзингга шукур, барига ўзинг мададкорсан, ёлғиз ўзинг,
ўзинг...

Жудоликнинг аччиқ шарбатидан тотган, мотам либо-
сига ўралган Амир Темурнинг фигони чексиз эди...

Оғир мусибат тап тортмас, унинг қудратли қаддини
букишга орзуманд эканлигини яширмасди.

Сохибқироннинг, менга энди ҳеч нарса керак эмас,
дунёси ҳам, салтанати ҳам, бас, дунёдан илик уздум, дея
Боғи Чинорга кириб, кўкрагини ерга бериб ётиб олгани-
га уч кун бўлди. Муҳаммад Чуроға додхоҳга, ёнига ҳеч
кимни йўлатмасликларини қаттиқ тайинлади.

Учинчи куни кечаси бирдан Амир Темурнинг ўпкаси
тўлиб кетди. Жаҳонгир Мирзо қайтиб келмайди! Бу
аччиқ ҳақиқатни гўёки энди англаб етгандай, сохибқи-
рон аламу оташ ичида кўз ёшини тиёлмасди. Оёқ томон-
да тиз чўкканча мудраб ўлтирган Сароймулкхоним сезиб
қолмасин учун, юзини ёстиққа қаттиқ босиб олди. Бах-
мал ёстиқ унинг ичидан отилиб чиқаётган ингрок сасла-
рини ўз ичига ютар, кўз ёшларидан ёқасини хўл қилар
эди.

Кўзлари киртайиб кетган, афтодаҳоллик пардаси ичра
барибир ботиний гўзаллиги кўриниб турган Сароймулк-
хоним кейинги пайтларда кам гапирадиган бўлиб қолди..
Ҳамиша кўзга ташланиб турадиган чап юзидаги қора холи
ҳам рангсизланиб кетгандек кўринади. Маҳди улё муси-
батдан изтироблар чекиб кўп гапирди, кўп йиғлади, аф-
тидан энди сўзи ҳам, йиғиси ҳам қолмаган эди. Жаҳон-

гир Мирзо унинг тукқани эмас эса-да, бундан-да ортиқроқ бир жигарпорасига айланиб қолгани энди кучлироқ билиниб борарди.

У хар гал Амир Темур ётган хос хоналарига кирад-ю, оҳиста чўккалаб аввал соҳибқироннинг бошини уқалайди, кейин елкаларини... Ҳазратни безовта қилмаслик учун бир оғиз ҳам гапирмайди. Фақат ичида: «Илоё, азиз бошлари омон бўлсун! Илоё, азиз бошлари омон бўлсун...» деб қўяди. Бу сўзларни Сароймулкхонимнинг ўзи ҳам баъзўр эшитади. Оёқларини уқалаб бўлгач, куйроқда ўнг тиззасига иягини тираб маъюс нигоҳини соҳибқиронга тикканча хаёлларга берилади... Кейин кўзларини юмиб, пичирлаганча «Ихлос» сурасини қайта-қайта қироат қила бошлайди... Буни бежирим ёқут лабларнинг нафис қимирлашларидангина билиш мумкин.

Ҳаммадан ҳам Амир Темурнинг бошдан-оёқ кўкка ўралиб олган эгачиси Қутлуғ Туркон оқа қаттиқ ташвишда... Аҳвол шундай давом эта берса, мамлакат издан чиқиб кетиши ҳеч гап эмас. Жетадан қайтиб келган тинғчи хабарига кўра, Темурбекдан калтак еб кетган Одилшоҳ жалойир қўшин тўплаб Ўтрор яқинидаги тоғларда муштумини қисганча, нима қиларини билмай саргашта юрганмиш. Ул бадбахт вазиятдан хабар топса, Самарқандга от солишдан ҳам қайтмайди. Қамариддиннинг эса Мовароуннаҳрга эскидан иддаоси бор... Соҳибқирон кўп марта Жетага юриш қилди, аммо бу уришқоқ амирни ҳали хануз бартараф эта олмади. Уни тағ-томири билан йўқ қилишга юборилган шавкатли қўшиннинг қорасини кўрди дегунча, маккор Қамариддин ҳамма нарсасини ташлаб уялмай жуфтакни ростлаб қочиб қолади, тоғларнинг бирон қавак-кандигида жон сақлайди. Бир оздан кейин яна ўша уйнинг куйгурнинг Андижон ёқларда босқинчилик қилиб юргани ҳақида хабар келади, яна унга қарши қўшин юборилади, яна у қочиб қолади... Аҳвол шу тарзда давом эта беради...

— Сулаймоншоҳ... — мурожаат қилди Амир Довуд дуглатга сабри чидмай Қутлуғ Туркон оқа бодом қовоклари уюлиб. Улар Кўксаройнинг кўринишхонаси эшиги олдида турардилар. — Кўрдингизму, соҳибқироннинг кўнгиллари жуда ҳам чўкиб кетибдур... Яратган ўз паноҳида асрасин, жуда ҳам шаштлари паст... Юпатай деб худонинг зорини қилдим, йўк, йўк, менга ҳеч нарса

керакмас, деганлари деган. Мамлакат тартиби-ю давлат юмушларини ҳам ёдидан чиқариб юбордилар... Қараб ўлтирмангизлар-да... Ахир...

Шу пайт рухлари сўник бир кайфиятда Умаршайх Мирзо билан Амир Сулаймоншоҳ келиб қолдилар. Қутлуф Туркон оқа «Айланайин» дея кўришиб пешоналаридан ўпиб кўйди, Амир Довуд дуғлат уларни хийла бағридан кўйиб юбормади. Оғир мусибатдан, валинеъмат соҳибқироннинг аҳволотидан каттиқ изтироб чеккан амирзодаларнинг ияклари сўрайибгина қола қолган эди.

— Энди нима бўлади, энажон?.. Нима бўлади?.. Валинеъмат соҳибқирон... нега бундай қиладилар?.. Ўзларини аясинлар-да... — йиғламсирагандай деди Умаршайх Мирзо онасига суйкалган қулундай Қутлуф Туркон оқа кўкрагига аста бош кўйиб.

Юмалоқ юзли, хушсурат, кўзлари онаси Тўлун оқага тортган кўйкўз Умаршайх Мирзо ориятли йигит бўлиб ўсди, айни пайтда тезоб, жиззакилиги бор, кўрсрок, баъзан дағалроқ феъллари ҳам йўқ эмас. Шунданмикин, сирдош дўстлари ҳам камроқ.... Амир Сулаймоншоҳ, давраларда, сафарларда, маъракаларда ҳамиша амирзодани кўздан кочирмас, бирон нохуш ҳодиса юз бергудай бўлса, олдини олишга тиришарди. У Жаҳоншоҳ ибн Жокуга ҳам ҳамиша амирзодадан бохабар бўлишни, хушёр туришни гайинлаган.

Умаршайх Мирзо оғаси Жаҳонгир Мирзога ўхшаб олисдан туриб бирор маҳбубани севиб қолмади, кечалари сулув ёр деб ухламай чиқмади, унда ҳар бир йигитда бўладиган одатий ишқий саргузаштлар ҳам юз бермаган... Вояга етганда уйлантириб кўйдилар, бир неча йил ўтиб, Пирмухаммад деган ўғиллик бўлди. Иккинчи хотинидан эса амирзода Рустам туғилди...

Оғаси вафотидан кейин, катта ўғил бўлиб қолган амирзода сипо тортиб, ҳамма нарсага ўзини бошқалардан кўра масъулроқ сеза бошлади. Амир Темур, салтанат ёки Самарқанд, умуман, нима ҳақда сўз кетмасин, унга тегиб кетар, барини ўзига олар, ўзини жавобгар хис қиларди.

— Иншооллоҳ, яхши бўлади, амирзодам!.. — юпантириб деди Қутлуф Туркон оқа.

— ...Йў-ў-қ, қараб ўлтирмаймиз, онаси! — деди Амир Довуд дуғлат юзидаги билинар-билинемас қилич излари-

ни силаб. — Ўзимнинг ҳам бошим қотган... Худди бурчакка қисилиб қолган макиёндай чорасизмен, онаси... Эҳ, Жаҳонгир Мирзо! Жаҳонгир Мирзо! Соҳибқироннинг суянчиғи, умиди, тирағи эди-я!.. Қўлимдан келсаю, Темурбекнинг дардларини аритсам! Кошкийди! Бандасининг не чораси бор... Бор умид парвардигордан-да энди, онаси...

Чиндан ҳам сўзини ҳамиша яширмай айтадиган, гулдираб, босиқ оҳангда гапирадиган, чорпахилдан келган, бақувват дуғлат амирининг аҳволи ночор кўринарди. Амир кўзларида филтиллаган ёшини завжасидан яшириб ўлтирмади.

Кутлуғ Туркон оқа ўйланиб деди:

— Рост дедингиз! Умид ёлғиз парвардигордан, албатта... Иншооллоҳ, бунга асло шубҳам йўқ, Аллоҳнинг ўзи мададқордир... Аммо бандаси ҳам жим турмаслиги керак-да. Пири муршид жаноблари... — Шавҳари¹ нимадир демоқчи эди, аммо Темурбекнинг эгачиси бунга йўл бермади. — Пири муршид жаноблари соҳибқирон ҳузурига кирсунлар. Юпатсунлар, насихат қилсунлар, йўлга солсунлар! Не бўлса ҳам, соҳибқироннинг бағирларини зах ердан узиб, қўлларидан етаклаб ёруғ дунёга олиб чиқсунлар, гўшанишинликдан халос этсунлар! Ётавериш жонидан ўтиб, ер кўкракларига ботиб ҳам кетгандир укажонимни ...

Кутлуғ Туркон оқа охириги сўзларини йиғламосираб гапирди:

— Англадим, онаси! Дилимдагини сўзладингиз. Хўп, хўп! Ҳозироқ Суюрғатмишхон жанобларини топурмен, амирларни йиғиб кенгаш қилурмиз. Пири муршид ҳазратларига, барчамизнинг илтижо-ю шижоатимизни сизга берайлик, барини ўзингизга олингиз-да, мамлакат султонини оёққа турғизингиз, деймиз!

— Худо хайрларингизни берсун! Аллоҳ ёрингиз бўлсун!

Кутлуғ Туркон оқанинг катта-катта маъюс кўзларида умид учқунлари чакнади...

Амирзодалар, бизлар нима қилайлик, айтингиз, тоғни кўпорингиз, десангиз, кўпорамиз, душманлар додини берингиз, десангиз, берамиз, дегандай термилиб турардилар.

¹ Шавҳар — умр йўлдоши.

П

— Ассалому алейкум...

Мир Саййид Барака хос хонага кирганда, Амир Темурнинг ерга бағрини бериб юзтубан ётганини кўрди. Сароймулкхоним сохибқироннинг бошида, Хонзода хоним билан Улус оқа оёқ томонда чўккалаб сукутда ўлтиришар эдилар. Пири муршид кирганини кўришиб охиста ўринларидан турдилар-да, ортга чекиндилар ва эпкиндай сирғалиб ташқарига чикдилар...

Амир Темур пири муршид хурматига ўрнидан турмоқчи бўлган эди, унинг ҳаракатлари сустигини кўрган Мир Саййид Барака бунга йўл қўймади:

— Зинҳор безовта бўлмасунлар! Ижозат, ижозат!..

— Адо бўлган одаммен, пирим... — деди Амир Темур ҳолсиз...

— Аллохнинг ўзига ҳамду санолар айтайлук...

Мир Саййид Барака бошқа ҳеч нарса демади, сохибқироннинг ёнига чўк тушди-да, кўзларини юмганча, овоз чиқариб, охиста тиловат қила бошлади, қўллари тасбеҳ доналарини санашдан тўхтамади. У одатда ҳар бир каломни дона-дона қилиб ўқирди. Ора-орада кўзларини очиб таважжуҳ ила: «Куф! Суф!» деб нафас қилар, қўлидаги тасбеҳини сохибқироннинг гоҳ чап, гоҳ ўнг елкасига уриб-уриб кўяр эди.

Пири муршиднинг тутуми Амир Темурга бир қадар кутилмаган ҳол бўлиб туюлди. У ўзини яхши насихатлар, ётабермасдан туриб давлат ишларини қўлга олишлар зарурлиги тўғрисидаги хитобларни эшитишга шайлаб турганди, ҳатто нима деб жавоб беришнинг ҳам ташвишини чекарди... Аммо пири муршид ҳеч қандай насихатлардан оғиз очмади, хитоб ҳам этмади.

— Аъзу биллаҳиминаш-шайтонир рожим, Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм... Йа-а-сиин. Ва-л-Қуръани-л-ҳаким. Иннака ламина-л-мурсалина ʔала сиротим мустақим...¹ — охиста «Йасин» сурасини ўқишга турди энди пири муршид... У сохибқиронга Қуръони мажиднинг қалби бўлган ушбу сура бағоят ёқишини биларди. Авваллари ҳам кўп бор ўқиб берган...

¹ *Қуръони карим*. Йасин сураси, 1–4 оятлар. Мазмуни: Йасин. Ҳикматли Қуръонга қасамки, ҳеч шак-шубҳасиз, Сиз Тўғри Йўл устидаги пайғамбарларданурсиз... *Тарж.*

Хонада илоҳий каломлар парвоз қилиб юрарди.

Мир Саййид Бараканинг залварли аллаловчи овози Амир Темурни элита бошлади, у беихтиёр кўзларини юмди... Рухий азобларни енгиллаштиргувчи, кўнгилга бемисл таскинлар бергувчи каломларни тинглар экан, қандайдир жуда узоқларга кетиб қолгандай хис этди ўзини. Ҳа, жуда ҳам узоқларда юрарди бу палла, юрардими ёки шундай туюляптими?.. Тушими, ўнгими, хаёлими... Чунон уринса-да, буни аниқ билолмади. Ҳар қалай тобора ўзини енгил сезарди. Дилининг тубида тош бўлиб ётган андуху аламлар ҳам эриб, қайгадир чекинишга турдилар.

Бирдан мўъжиза юз берди: хонани тўлдирган Қуръон каломлари томдан ҳам ўтиб осмон-фалакка ўрлай бошлади! Қизиғи шундаки, уларнинг қанотида худди ўзини фаришталардай вазнсиз сезган Амир Темур ҳам учиб борарди. Атрофда ям-яшил фазо, тип-тиниқ осмон ўз салтанатини намойиш қилар, юксак-юксакларда арши аълони ўз бағрига олганлигидан жамоли нурафшон эканлигини яширмасди. Соҳибқирон назарида боқий дунё билан фоний дунё чегараси шу ерда ўз интиҳосига етиб бирлашиб кетгандай эди. Орадан қанча вақт ўтди, бир кунми, юз йилми, минг йил... — фарқига бора олмади. У ломакондан кўз узиб, буюк илтижо билан юкори-юкориларга, минг-минг куёшдан ҳам кучлироқ шуълаланиб ётган арши аълота юз бурди ва юзлари куяр даражадаги хароратдан кўллларини пана қилганини билмай қолди...

— Халлоқи безаволга салламно!.. — беихтиёр шивирлади ўз-ўзига Амир Темур...

Олис-олислардан пири муршиднинг ширали овози ва саловатнинг сўнгги каломни кулоғига чалинди:

— ...Иннама амруху иза арада шайъан ай-йақула лаху кун-фаякун. Фасубҳаналлазий биядиҳи малакуту куллу шайъин ва илайҳи туржаъун....¹ Омийн! Куф!.. Суф!.. Куф! Суф!

Пири муршид тасбеҳи билан беозоргина Амир Темур елкаларига уриб-уриб қўйди-да, мамнун деди:

— Ўзларига келиб қоладилар, ҳа... Иншооллоҳ, оёққа туриб кетадилар, Амир соҳибқирон!

¹ *Ҳасин сураси*. 83-оят. Мазмуни: Бас, барча нарсанинг эгаллиги Ўз қўлида бўлган пок зотдир. Ёлғиз Унгагина қайтарилурсизлар.

Сохибқирон кўкракни зах ерга бериб ётавериш дамлари тугаганлигини, азот ўрнидан туриб ёруғ дунёга чиқиш пайтлари етганлигини англади. Кеча энди тўнғич ўғил бўлиб қолган Умаршайх Мирзо ҳам келиб кўзларида ёш билан илтижолар қилди. Салтанатнинг эртаси бўлган амирзодаларнинг шахтлари қайтиб қолмаслиги керак, уларни авайлаш лозим...

Пири муршид рўбарўсида ғамнок турган муриди эмас, муҳибининг сўлгин юзларига қарар экан, ногаҳон келган қайғу, ғам-андух, мусибат ҳар қандай кишини ҳам эгиб қўйиши мумкинлигини кўрди. Суянчи, сирдош дўсти, дунёда одамларни бахтли қилишга бел боғлаган валламатнинг шунчалар афтода бир ҳолга тушиб қолганидан Мир Саййид Бараканинг бағри увалди. У оҳиста Амир Темурнинг боши-ю елкаларини уқалашга турди. Пирнинг қўллари майин ва юмшоқ эди, ундан сохибқирон вужудига қандайдир сеҳрли қувват оқиб кирмоқдайди. Амир Темур турмоққа ўзида хоҳишу куч сеза бошлади.

Шу палла бирдан:

— «Ё пирим!» деб туриб кетсунлар энди, Амир сохибқирон! — таважжуҳ ила амр этди Мир Саййид Барака... — Бу бандасига ҳам, худога ҳам хуш келгай! Алхамду лиллаҳи раббил оламин!

Амир Темурнинг қўлтиғидан олмоққа шошиларкан, пири муршид бутун фасоҳатини ишга солиб деди:

— ...Оре, рост. Буни дунёи бевафо дерлар. Анинг кирдикорларидан наҳотки беҳабар бўлсалар? Ситамкор фалакнинг нағмаларини наҳотки билмасалар? У кимга бир фароғат бахш этдики, ортидан ранжу изтиробларини юбормади? Кимга муаттар бўйли гул бердики, гўзал барглари орасига захролуд тиканини яшириб қўймади?.. Аллоҳнинг қазосига ризо бўлмаган ким бор экан ўзи?..

Амир Темур диққат билан тингларди.

— Подшоҳларнинг улуғлиги ўзгалардан беш хислат билан ажралиб турадир, Амир сохибқирон, — давом этди Мир Саййид Барака. — Фуқарога кўргизган марҳамати-ю муруввати, мамлакат низомидаги адолати, мазлумни золимдан ҳимоя қила олиш қудрати, донишмандлиги-ю зукколиги, ва ниҳоят, фурсатни ғанимат билиб, оқибатни англай олиш санъати... Дам ғаниматдур! Вовайлолар бўлсунким, мамлакат қаровсиз, чаман-боғ мех-

рибон борбон назарисиз қолиб турибдур... Тарийқи ин-зиво¹ подшоларга ярашмайдурғон ишдур. Фурсатни гани-мат билмак лозим, оқибатни англай олиш зарур... Аллоҳнинг бандасига юклағон вазифасини адо этмаслик ҳам бир гуноҳи азимдур... Англадингизму?

— Англадим, пирим... Англадим... Куллуқ... — қўли-ни кўксига қўйиб охиста синиқ овозда деди соҳибқирон.

— Шукур қилмак керак...

— Ҳа, шукур қиламен, беадад шукур!.. Етказганига шукур, пирим...

Амир Темур чеккан оғир азобу уқубатлардан кейин Аллоҳнинг бемисл қудратига иймон келтириб турганда, шу лаҳзаларгача саботига путур етмаган пири муршид-нинг ўзи энди негадир тўлиқиб кетди. Қандайдир бир ўкинчми, афсусми, алам томоғидан ғиппа бўғиб олди. Кўзларида қалқиб чиққан ёш тўкилмоққа мойиллик кўргизар эди. Ўқраб юборишига бир баҳя қолган Мир Саййид Барака ичидан келган кучли изтиробни тўхтатиш умидида сир бой бермай Амир Темурни бағрига босди, тили эса «Аллоҳга шукур!», «Аллоҳга шукур!»дан бўшамасди...

Шу палла узоқдан қараган одам бир-бирига туташ икки елканинг ўқтин-ўқтин титраётганини кўрарди.

Мир Саййид Барака ташрифидан сўнг, Амир Темур дил жароҳатига бир оз малҳам топгандай бўлди. Дунёга эътиқоди яна қулф уриб, муборак назарини паришон мамлакат забтига қаратди.

Ш

Соҳибқирон Жаҳонгир Мирзо маросимлари билан банд бўлиб, олам вазиятидан яхши хабардор эмас эди. Танишиш асносида шу нарса маълум бўлдики, Жета томонларда Қамариддин ҳали ҳам ёғийлик туғини баланд кўтариб, кўнглидаги бад ниятларидан қайтмаслигини тап тортмай, ошқора намойиш этиб юрибдир. Амир Сорибуға жалойир ёмон одамларнинг сўзига кириб тўғри йўлда кетаётиб, куппа-кундузда адашиб, нечундир қочмоққа юз тутибдир. Дашти Қипчоқда Ўрусхон кучайиб бораёт-

¹ Тарийқи инзиво (араб) — жамиятдан чекинши, хилватда ўлтириш.

ган эмиш. Тингчилар хабарига кўра, у Жўжи улусини тагин қудратли давлатга айлантирмоқчи экан...

Жўжи улуси Турон салтанатининг шимолдаги энг ашаддий душмани эканлигини соҳибқирон дилдан хис этар ва бу билан ҳисоблашмаслик мумкин эмаслигини яхши биларди. Хоразмшоҳ Юсуф Сўфи эса қариндош эканлигини фаромуш айлаб, ахир улар куда-андаларку, гоҳ-гоҳда Хевақ билан Бухорога чоққун уюштириб турибди... Дунёдан эрта кетган Жаҳонгир Мирзо хоразмшоҳлар куёви эди-ку! Куёвнинг иззати, куда-андачилик ҳурмати шунчами? Ҳеч бўлмаса, гўрида тинч ётсин... Куёвни пайғамбарлар ҳам сийлаганлар ахир... Ақалли шундай мотаму қайғуга чўмган кунларда ўзини тийиб турса бўларди. Ажабки, Хонзода хоним кўзига қандай қараркин? Ахир Туркистонзамин Хонзода хоним юрти бўлди, малика эса Юсуф Сўфининг жигаргўшаси-ку! Қандай қилиб жигаргўшаси юртига, хеш-акраболар устига қилич ўқталиб келиш мумкин?..

Бари инсон боласи тушуниши қийин бўлган саволлар эди.

Мана, Қамариддинга қарши Жетага отланишга яна мажбур бўлиб турибдилар... Соҳибқирон шу пайтгача ул ножинсни бир ёқли қила олмаганидан ўзининг олдида ўзи хижолат эди. Бас, бу сафар ўшал ҳўл балони, албатта, топади, ҳайикмай салтанатни ҳуда-беҳуда бесаранжом қилаверишдан зерикмаган бетавфикнинг муносиб жазосини бермасдан қайтмайди!.. Вассалом!

Амир Темур қатъий фикрга келди. Шу ниятда саодат қутисининг гавҳари, манглайда комронлик аломатлари ярқираб турган Умаршайх Мирзони бош қилиб, Амир Шохмалик, Муҳаммад Мирак ва Амир Мусонинг ўғли Муҳаммадбекларни, чамаси бари йигирма ёшларда эди, — уларга Аббос баҳодир қипчоқни ҳам қўшиб қўйди, — икки юз навкар кузатувида ўзидан илгарироқ жўнатишга қарор қилди. Дарвоқе, Амир Мусо завжаси Орзумулк оқа, шавҳарининг энг биринчи хотинидан туғилган, онаси анча йиллар аввал қазо қилган, ўзининг боласидай бўлиб қолган Муҳаммадбек учун Оқа Беги хонимни келинликка сўрагани, Сароймулк-хоним бу гапни Амир Темурга етказгани, ҳатто тўйни ҳам ўтказишмоқчи эди-ю, орага амирзода мотами тушиб қолди.

Жетага отланишдан олдин Амир Темур даставвал ҳарам аҳли билан кўришмоқни кўнглига тугиб қўйди. Аммо учрашув яқинлашганда маликаларни қандай сўзлар билан юпатишни ўйлаб қолди-ю фикридан қайтди. Шундай сўзларни топа олмаса керак... Айниқса, Жаҳонгир Мирзо фироқида куйиб адои тамом бўлган суюкли келини Хонзода хонимга нима дейди? Уни қандай юпатади?.. Шаҳрисабздан келганларидан бери кўрмади. Ўшанда Хонзода хонимнинг рангида ранг йўқ, япроқлари сўлиб қовжираб қолган гулнинг нақ ўзи эди. Тўғри, Боғи Чинорда ётган чоғида маликалар Сароймулкхоним етагида зиёратга келдилар, уларнинг ичида Хонзода хоним ҳам бор эди, аммо соҳибқироннинг кимгадир қарашга холи-ю хоҳиши бўлмади. Кўришиб қолганларида эса соҳибқирон ҳам, Хонзода хоним ҳам ҳеч нарса демайдилар, биров бировдан бирон нима сўрамайди, Амир Темур келинига назар ташлайди-да, бошидан оҳиста кучиб бағрига босиб, манглайдан ўпиб қўяди холос. Дунё ягонаси бўлган маликадай қамарсиймо ўзининг монанди йўқ гўзаллиги, нодир ақлу фаросати ила тақдир томонидан шундай сийловга муносиб кўрилдими?.. Ҳаёт лаззати-ю яшаш завқини ҳали туюб, тотиб улгурмаган соҳибжамол келини ўн етти ёшида... тул қолиб ўлтирибди-я! Бу қандай адолатсизлик!..

Начора, тақдир иши шундоқ ... Уни бошқариш қудратли подшоларнинг ҳам қўлидан келмас экан. Шўрликкина Хонзода хонимни юпатгунча соҳибқироннинг ўзи тасалли-ю таскинга муҳтож бўлиб қолиши аниқ . Бировдан ҳол сўрамоқдан ёмони йўқ . Сўраганда ҳам нимани сўрайди? Сўрайди-ю ўзини беҳол қилади, кўнгилларни эзади холос...

Амир Темур, яхшиси, маликаларнинг дардлари янги-ланмасин, бир оз ўзларини ўнглаб олсинлар, худди шу нарса менинг ўзимга ҳам керак, деган хаёлга борди. Йўқса, маликалар олдида улар аҳволини кўриб, кўнгли бўш, ўзини тутолмай йиғлаб юбориши мумкин, бу эркак кишига ярашадиган ишми...

Кўрмайин ҳам, куймайин ҳам деган ақида этагидан тугган Амир Темур юртга ёғий қадами етганлигини, вазият танглигини баҳона қилиб шошилишч Қамаридинни баргараф этгани Иссиқкўл томонларга жўнаб кетди.

У Ч И Н Ч И Б О Б

I

Боғи Чинорга ҳам куз келди...

Боғнинг теварагидаги мағрур бўй чўзган тераклар барги сарғая бошлаган, шовуллашлари ҳам негадир мунгли туюлади. Чорчаманлар орасидаги йўлакларга тўшалган хазон япроқлари оёқлар остида шитирлайди. Боғбон ҳар куни кам деганда икки кучоқ-икки кучоқ сарғайган барглари ташқарига олиб чиқиб ташлайди. Боғнинг ўртасидаги қаср рўпарасидаги таги феруза лаппакчалар билан қопланган ҳамиша зилол сувга тўлиб турадиган, Хонзода хоним яхши кўрадиган каттагина ҳовуз ҳам нечундир у қадарли файзли эмас... Бир-бирига туташиб рангбаранг мусамман юлдуз ҳосил қилган гулбоғчаларда эртароқ хазон бўлган гуллар кўзга ташланади, куз фаслининг тараддуди уларга ҳам ўз таъсирини ўткази бошлаган...

Авваллари боғнинг ўртасидан қараганда тўрт ошёнали қаср ёнида, Сароймулкхоним билан Хонзода хоним «ота-бола чинорлар» деб ардоқлашадиган икки азамат чинор ҳамиша савлат тўкиб турар, нигоҳларни қувнатарди. Бироқ чап томондаги чинорни эрта қуриб қолганидан кўчириб ташладилар. Энди ўнг томондаги чинор алпдай бўй чўзиб турса ҳам ёлғиз мунғайиб кўринади... Маликалар гоҳ-гоҳда боғ сайрига чикқанларида, чинорлар томонга қарамасликка тиришишар, барибир яширинча кўз ташлашдан тийилишолмас, аммо бу ҳақда сўз қотишга ҳеч қайсиларининг юраги бетламасди.

Соҳибқироннинг Жета томонларга кетишдан олдин ҳарам аҳли билан кўришмаганини Сароймулкхоним ўзича ёғийнинг шитоб юртга бостириб келгани-ю вақтнинг тигиз эканлигига йўйди. Амир Темур, агар душман мамлакатнинг қай еридадир юртга бостириб кирибди, деса бунга асло чидай олмаслигини, бошқа ҳамма юмушларни бир четга суриб қўйишини, ўша куниёқ йўлга чиқиш чораларини кўришини яхши биларди. Амир Темур жўнаб кетарди, малика эса ҳар гал кузатиб қолар экан, шу онданок ихлос билан жону жаҳони, суянчиғи, ёри ғамгүзорининг дуосига киришар, илоё, соҳибқирон ҳазратла-

рини ўз паноҳингда асра, унга шунчалар ташвиш ортти-
раётган душманлар юзини тескари кил, деб худога ёлво-
рарди. Бу то дийдорлашгунларигача давом этарди.

Мана, уларнинг айрилишганларига икки ой бўлди,
бу икки ой йилларга айланиб кетмасмикин, маҳди улё
ана шундан кўрқади.

Амир Темурдан бирон хабар келишини ҳамиша ор-
зиқиб кутадиган Сароймулкхоним бу гал интизорликдан
ўзини анча олдириб қўйди. Кўзлар нигоронлигида ўн
кун ўтди, йигирма кун ўтди... Бир ярим ой бўлгандаги-
на чопар бундай хабар олиб келди: салтанат лашкари
тоғу чўллар кезиб, ниҳоят Буғом Ойқўл¹ дарасида май-
дон танобини тортиб маккор Қамариддинга каманд таш-
лабди, савашиб, уни жуфтакни ростлаб қочишга мажбур
қилибди, элини талаб, асир этибди. Амир Темур Кўра-
гон сўнг Кўчқор² мавзеига йўналибдилар. Бу гал албатта
Қамариддинни кўлга киритаман, деган аҳдлари қатъий
эмиш... Вой худоё, Амир соҳибқироннинг сафарлари кан-
чага чўзиларкин, ваними қаерда тутаркинлар? Бу, ўша
ер юткур ҳўл балони бир ёкли киламан деб бешинчи
марта уринишлари! Ўша, Аллоҳ қаҳрига учрагур қачон-
гача қочиб юраркин? Чунки шу пайтгача орада қанча
жанг бўлган бўлса, маккор, ҳавосини олган экан, ҳами-
ша қочиб қолгани қолган...

Ўшанда чопар пойтахтдаги вазият ҳамда ҳарам аҳли
аҳволидан Амир соҳибқиронга хабар етказиши лозимли-
гини айтди. Сароймулкхонимнинг ўзи ҳам сўзлаб бериш-
ни кўнглига тугиб қўйганди. Бу нарса Амир Темур ҳаз-
ратларини хотиржам қилиш учун ниҳоятда зарур экан-
лигини малика идрок этарди, шу вайдан чопарга батаф-
сил тушунтириб берди.

...Бонуий кубро эгачи Қутлуғ Туркон оқа жаноби
олияларининг сихҳатлари тузук, Аллоҳга шукур. Ҳами-
ша ҳарам аҳли ҳолидан хабар олиб турибдилар.

Кўзлари қийиқ Улус оқа соғ-саломат юрибди. Тўлин
оқа билан Менгли бикалар Жаҳонгир Мирзодан аввал-
роқ вафот этишганди, буни соҳибқирон яхши билаци-
лар. Офатижон Дилшод оқа жуда одобли, Сароймулкхо-
ним ҳалигача унинг бирон марта тик қараганини эслай

¹ Буғом Ойқўл — ҳозирги Иссиқкўлнинг ғарбидаги жарликлари кўп дара-
нинг номи

² Қирғизистондаги жой номи, ҳозир Кочкорка деб аталади.

олмайди, доим жилмайиб ерга тикилиб туради... (Аммо маҳди улё унинг хийлагина заҳар эканлиги ҳақида ҳеч нарса демади). Шахло кўз канизак, канизак эмас, маъшуқа Тағой Туркон оқа, ажабки, сал инжиқ бўлиб қолди, юзларида битта-яримта билинар-билинемас доғ ҳам борми-ей... Ҳа, аниқ, ул нозик адо вужудида бир гавҳар пайдо бўлган... Гарчи маъшуканинг бекусур қадди ниҳолида ҳозирча бирон ўзгариш билинемаса-да, шундоқ эканлигига Сароймулкхонимда асло шубҳа йўқ. Аммо бу ҳақда чопарга индамади. Буни маҳди улё ҳазратга ўзи айтади ва суюнчисини олади... Алқисса, чопар ҳарам аҳлининг Аллоҳ паноҳида омон-эсон юрганликларини, барча нарса муҳайёлигини, фақат бир нарсада тўлдириб бўлмас камлик сезаётганларини — Ҳазратларининг офтобдай дийдорларига зору интизор эканликларини, музаффарият ила сафардан тезроқ қайтишларини интиқ бўлиб кутаётганларини Амир соҳибқиронга етказсин...

Фарзандлари ичида энг аввал сўрайдиганлари Оқа Беги хоним бўлишини Сароймулкхоним яхши билади. Ўн еттини қоралаб қолган ҳалим табиат, юмшоқ кўнгил, тортинчок, кўҳликкина Оқа Беги хонимнинг ҳам хуснига хусн кўшилиб бормоқда. Аслан чиройли мунгли кўзлари оғасининг вафотидан сўнг яна ҳам ичига тортиб кетди, бу кўзларни ғам-андух уммони дейиш мумкин эди. Орзумулк оқа: «Мана, Жаҳонгир Мирзо маросимлари ўтди. Ҳой киз, тезроқ Оқа Беги хоним билан Муҳаммадбекнинг тўйларини қилайлик, ёшлари етиб қолди», — дея Сароймулкхонимни шошилтиргани шошилтирган. Амир Мусо бўласи ҳам, кўзимнинг тиригида кўриб қолай, дермиш...

Ҳаракагчан, шўх, шаддод, ерга урсанг осмонга сапчийдиган Султон Бахт бегим бутунлай бошқа олам, бўй тортиб қолди, ўзи дуркунгина эди, ҳозир ўсиб опасидан ўтиб кетай дейди. Қизларнинг оналари вафот этганларига кўп бўлди. Етти йилдирки, улар ҳамиша маҳди улё билан биргадирлар... Ўзининг қадди камолида халигача фарзанд нишонасини кўриш насиб этмаган, эртанги кундан умидини узмаган Сароймулкхоним ҳар иккисини ҳам ўз қизидай кўради. Улар маликаларнинг қизлари-да! Э, парвардигор, бировга фарзанд берасан-да, норасида гўдакни волидасидан жудо қиласан, бировни эса тирноққа зор этасан! Фарзандни тир-

ноққа зорга берақолсанг бўлмайдами? Бири кам дунё деб шуни айтсалар керак-да... Шуларни кўнглидан ўтказаркан, беихтиёр маҳди улёнинг кўзларига ёш келди, аммо чопар олдида хижолат бўлишдан кўрқиб, хайриятки, ерга бир томчи ҳам туширмасликка ўзида куч топа олди.

Жангари Мироншоҳ Мирзо мударрисдан сабоқлар олиш, қиличбозлик, найзабозлик машқларини ўтказиш билан кун кечиради... Аткасининг айтишича, амирзода жуда чаққону чапдаст эмиш. Тунов кунли маликанинг ўзи ҳам бунинг шоҳиди бўлди. Мироншоҳ Мирзо Боғи Чинорнинг каттагина майдончасида Жаҳонгир Мирзо раҳматликнинг ўнбошиси Ахий Жаббор баҳодир билан қиличбозлик машқини ўтказмоқда эди. Амирзода сира эндигина ўн бирга қадам қўйган болага ўхшамайди. Кўрқув нималигини билмайди. Қилич тутишлари ҳам нақ катталарникидек. Атрофдан янграб турган мақтов овозлари остида амирзода рақибига жон-жаҳди билан ташланарди, Ахий Жаббор баҳодир ўзини ёш шогирдига атай ютқазиб бераётган моҳир устоздай тутарди. Мироншоҳ Мирзо ниҳоят рақибини «енганидан» қичқириб юборди. Енгилганлик белгиси сифатида, жанг вақтида рақиб қўлини кўтариб, сўнг таъзим қилиб ортга чекиниши ва қиличи учини ерга тираши лозим эди. Ахий Жаббор: «Енгилдим, амирзодам! Енгилдим!..» деди ва ортга чекинди...

Муҳаммад Султон эса Сароймулкхоним ҳузурда, кун сайин эмас, балки соат сайин ўсмоқда, худога шукур, яқинда ярим ёшга тўлади. Қилиқлари чиқиб қолди, соҳибқирон келсалар кулиб беради. Тўрт ойлик бўлган иккинчи набира Пирмуҳаммад Жаҳонгир ҳам Аллоҳнинг паноҳида соғ-саломат... Ардоқли келинлари Хонзода хоним Сароймулкхоним ёнида, бир қадам нари жилмайди. Аммо шўрлик маликанинг на ётарида роҳат бор, на турарида... Ҳеч ўзини қўйгани жой тополмайди, пинхона оҳ тортгани тортган. Офат шамоли нозик қаддини хийла букиб қўйди, кўникиши қийин бўлаётир, аммо начора?.. Маҳди улё уни юпатай деб кўп уринади, кўп кунларни бандасининг тақдирга тан бермай иложи йўқ эканлигини англатишга кеткизади. Соҳибқироннинг суюкли қизлари Оқа Беги хоним билан Султон Бахт бегимлар кечаси ҳам, кундузи ҳам хонимойимлари Хонзо-

да хоним ёнидадурлар, бир лаҳза бўлсин ёлғиз қолдирганлари йўқ.... Буни уларга ҳурмати сарбаланд аммалари Қутлуғ Туркон оқа тайинлаганлар.

Сохибқироннинг хабарлари бор, Хоразмдан Хонзода хонимнинг падари бузруквори Оқ Сўфи, онаси Шакар бика, Хусайн Сўфининг кизи Иқбол бика билан хоразмшоҳ Юсуф Сўфининг қизи Сиймин бикалар келишганди. Жаҳонгир Мирзонинг барча маросимларида бирга бўлишди, афтодаҳол Хонзода хоним билан бирга фарёд чекишди, йиғлашди-сиқташди, ёнишди-куйишди, қўлларида келганча чўпдай озиб кетган, ёш боладай ожизу ночор бўлиб қолган шўрлик маликани юпатишга, овутишга ҳаракат қилишди... Қудалар яқиндагина Хоразмга жўнаб кетишди.

Шу орада Сароймулкхоним Хонзода хонимни олиб Шаҳрисабзга бориб ҳам келди. Бир неча туяга ўрнатилган кўк маофалар маржондай тизилиб пойтахтдан йўлга чиқди. Маҳди улё маофаси жойлашган туяга осилган кўнғироқ ёқимли сас бериб борарди... Гапнинг рости, маҳди улёнинг ўзи ҳам юраги сиқилиб ҳеч Самарқандга сирмай қолди, суянган тоғлари Амир Темур ҳазратлари сафардалар, Жаҳонгир Мирзо эса... О, маҳди улё тукқан ўғлини ҳам бунчалар яхши кўрмаган бўларди. Ҳам ўзини, ҳам кечалари тўлғаниб ухламай чиқаётган Хонзода хонимни чалғитиш, келинининг оғир дардини енгиллатиш мақсадида, Шаҳрисабз сафарини ўйлаб топди. Тўғри қилган экан. Хушманзара йўл, дарахтлар, вижир-вижир қушлар, даралар, тоғлар, тип-тиник осмон ва ҳавода эмин-эркин юзиб юрган бедарду бедоғ ошпоқ булутларни томоша айлаш чиндан ҳам завқли эди.

Тахти Қорача довоида тўхтаганларида ажойиб манзара намоён бўлди. Шарқ томонда бўй чўзган улкан зирвали тоғлар, жанубда, шимолда, кунботишда ястаниб ётган даралар, водийлар, қишлоқлар, боғлар, сойлар, чўллар... кўзга ташланарди. Аммо буларнинг бари амирзода мусибатидан диллари зада маликаларга барибир татимади. Хонзода хонимнинг эса, аксинча, эски яраси янгиланди... Масъуд ва бахтли кунларини эсига тушириб қўйди.

Бор-йўғи бир йил олдин Жаҳонгир Мирзо иккиси шу ердан ўтишган, энг тепадаги ана бу кўшқда ҳордик олишганди. Шунда қизиқ бўлди. Амирзода Ахий Жаб-

бор баходир йигитлари билан бир қоп-қора чиройли кийик боласини тутиб келиб маликага тухфа этдилар. Қувониб кетган Хонзода хоним ўзини бахтиёр сизди. Тутқунликдан азоб тортаётган кийикча узоқ-узоқ мунг тўла чиройли кўзларини Хонзода хонимдан узмас, гўёки «Мени қўйиб юбор... Кўрмайпсанму, жоним қийналмоқда...» дея ёлвораётгандай эди. Маликанинг раҳми келди, кийикчанинг каттагина оқ доғи бор пешонасини силаб-силаб, кўзи қиймаса ҳам бўшатиб юборди. Сакраб-сакраб қочиб кетаётган кийикча ҳозиргидек кўз ўнгида... Эҳ, агар кийикни олиб қолганида, ҳозир маликанинг ёнида овунчоқ бўлар эди! Амирзодасини эслатиб юрарди... Энди амирзода ҳам йўқ, кийикча ҳам...

— Ана бу кўшқда ҳордиқ олгандик амирзодам билан, маҳди улё жаноби олиялари... — деди ўксиганча Хонзода хоним.

Сароймулкхоним маъюс бош тебратарди.

Шахрисабзда Жаҳонгир Мирзо қабрини зиёрат этганларида маликаларнинг ёниб турган ўксик кўнгиллари бир оз таскин топгандай бўлди.

— Оҳ, Жаҳонгир Мирзо!... Ўғлим! Ўн гулидан бир гули очилмаган ўғлим!.. — нола чекарди Сароймулкхоним кўз ёшлари юзларини ювганча сағана атрофида парвона бўлиб.

— Оҳ, амирзодам, жоним амирзодам!.. Амирзодам!.. Мен қаерда эдим? Сиз бетоб бўлганингизда мен қаерда эдим-а?.. Армонда қолдириб кетдингиз!.. Эй воҳ!.. — ўртанганча пичирларди Хонзода хоним сағананинг оёқ томонида қабр тошига ойдай юзларини босар экан.

Ўн беш кунни шу алфозда ўтказдилар...

Чопар Амир соҳибқиронга мана шуларни етказса кифоя қилур...

II

Амир Темур Мўғулистон¹ томон сари илгарилаб борарди. Милодий 1376 йил куз фасли эди. Йўл-йўлакай соҳибқиронга Умаршайх Мирзо қўшинидан хабарлар етиб турарди. Маълум бўлишича, амирзода навкарлари Етти-

¹ *Мўғулистон* — XIV аср ўрталаридан XV асргача ҳукм сурган давлат номи. Унга Кошғар, Еттисув, Или воҳаси ва Иртиш дарёсигача бўлган ерлар қараган.

сувнинг Қоратепа мавзеида Қамариддинга қарашли лашкарлардан бирига етиб олибдилар, душманни қочишга мажбур қилиб, ҳисобсиз ўлжа-ю ганиматларни қўлга туширибдилар. Соҳибқирон мамнун бўлди, кейин уларни ўз ёнига чорлаб чопар юборди, чунки шундай вазиятда бирга баҳамжихат ҳаракат қилмоқни энг тўғри йўл деб ҳисоблади. Қамариддинни ер остидан бўлса ҳам, осмон устидан бўлса ҳам албатта излаб топишади, тутишади, шундан кейингина Самарқандга қайтишади! Бошқа йўл йўқ! Вассалом!

Хумоюн ўрдуининг яшил саропардаси Чу дарёсининг Қўчқор деган лим-лим тўлиб оқадиган ирмоғи бўйида баландликда қад ростлади. У тўрт томондан яққол кўзга ташланиб турарди. Саропарда олдида амирлару беклар, лашкарбошилар у ёқдан-бу ёққа кезиб юришар, кенгашга таклиф қилишларини кутардилар. Ўтган куни Умаршайх Мирзо кўшини ҳам етиб келди. Ҳали-замон Мўғулистон ҳокими билан бўлажак жанг тартиби-ю русумига бағишланган машварат бошланади... Бу жанг қаттол Қамариддинни бир ёқли қилиб бериши керак!..

Атроф водий бағоят хушманзара, кишининг икки суядиган файзиёб ерлар дилларни эркалаб, ўзига меҳр тилайди. Шимоли-ғарб томонда олисларда яккам-дуккам арчалар билан қопланган тоғлар нимқора-кўкиш тусда кўзга ташланади. Ундан тепароқда, ортда тоғларнинг баланд чўққиларида оппоқ қорнинг чойшаби жилва қилади. «Кузнинг охирлари, ҳазонрезгилик бўлишига қарамай бу жойлар шунчалар гўзал, — ўйланди Амир Темур. — Баҳорда жаннатнинг ўзи бўлар экан-да...»

Соҳибқирон одатдагидек илми нужум ва фолдан хабари бор Амир Сайфиддин некўзни хузурига чорлаб, қачон йўлга отланиш ҳақида кенгаш олмоқчи бўлди. Кейин доим ёнида ҳамқадаму ҳамнафас юрадиган, кам айрилишган дўстининг шу кунларда сафарда эканлигини эслади. Амир Сайфиддин некўз Жаҳонгир Мирзо вафотидан сўнг қаттиқ изтиробга тушди, барча ишдан илик ювиб ҳажга боришни ихтиёр этди, у шундай сафарни кўпдан орзулаб юарди. Соҳибқирон қошида тиз чўкиб, ялиниб-ёлвориб турган амирни кўриб, ижозат бермасликнинг иложини топа олмади. Фақат:

— Омон-эсон бориб қайтингиз! — деди. — Айтгандай, бир юмуш бор... Хуросону Эрон, Ироқу Шом ўлка-

ларидаги вазиятларга бир кўз ташлаб келингиз, амир жаноблари!.. Воқеанавис, тинғчи ва қуловузлар хабарлари бир-бирига мос келмайдур...

Амир Сайфиддин некўз ёнига Ҳинду Қарқара қипчоқни ва бошқа бир-икки аскарни олди-да, ҳаж сафарига жўнаб кетди...

Соҳибқирон Қамариддинга қарши жангга отланиш муддатини, ғойибона Амир Сайфиддин некўз маслаҳатларини эсда тутган ҳолда чоршанбаи муродбахшнинг тонгсахарига белгилашни ўйлаб қўйди.

Лашкарбошилар Умаршайх Мирзо, Аббос баҳодир қипчоқ, Муҳаммадбек ибн Мусо, Муҳаммад Мирак ва Амир Шохмаликлар ярим ой шаклида пойгакроқда тиз чўқдилар. Амир Темур ҳали сўзга оғиз очиб улгурмаган эди, кутилмаганда Самарқанддан Ахий Жаббор баҳодирнинг шошилинич чопар бўлиб келганини хабар қилдилар.

— Амир соҳибқирон!

Ахий Жаббор баҳодир юкунганча саропардага кириб келди ва Амир Темур тўнининг пешини ўйиб кўзларига суртди, мамлакат тинчлигидан хабар бергач, деди:

— Дашти Қипчоқдан хабар етди: Мангқишлоқ ҳокими Тўйхўжа ўғлоннинг фарзанди Тўхтамиш ўғлон ҳузурингизга келмақда экан...

— Тўхтамиш ўғлон?.. — ҳайратда сўради Амир Темур. — Мангқишлоқ ҳокими Тўйхўжа ўғлоннинг ўғли?..

— Ҳа, ҳа, ҳазрат, ўша Тўхтамиш ўғлон... — Ахий Жаббор баҳодир шошиб қолди. — ...Ҳожитархондаги қурултойда Ўрусхон Тўйхўжа ўғлонни қатл этдирибди, Тўхтамиш ўғлон отасининг ўчини оламан деб уринибди, аммо енгилиб, сиздан паноҳ тилаб қочиб келаётган эмиш... Бу ҳақда чопар юборибди... Бетоб ётган Суюрғатмишхон жаноблари ҳузурларига чорлаб, бу хабарни зудлик билан ҳазратимнинг шарафли кулоқларига етказишимни тобшурдилар!..

Бу кутилмаган янгилик эди. Амир Темур даставвал бунга унчалар эътибор бермади. Салтанат удумида шундай паноҳ истаб, бош уриб келгувчиларни очиқ юз билан қарши олиш одати бор... Тўхтамиш ўғлон келаётган бўлса, келса келар, бундайлар бисёр, у ҳам ўшаларнинг бири-да. Соҳибқирон ўзига ўзи шундай деди-ю ўйланиб қолди...

Шимол томонлар кўпдан нотинч, Жўжи улуси хони

Ўрусхон бутун Олтин Ўрда шаън-шавкати тиклаш ниятдалиги маълум, ҳатто ўтган кунни ўша ёқлардан келган тинғчи хоннинг Московияга ва Мовароуннаҳрга бостириб келмоқчи эканлиги ҳақида хабар ҳам олиб келди. Бошқа тарафда эса Анқо Тўра, Қамариддин сингари бетавфиқлар тинчимайдилар. Турон салтанатига асли яхши таянч ва кўрғон бўлишга қодир бир кўл зарур-да Дашти Қипчоқ томонда... Соҳибқирон шу ҳақда кўпдан бош қотириб юрарди, парвардигор чеварлигини аён этиб, ўзи етказиб турибди чоғи... Аммо Тўхтамиш ўғлон деганлари ким ўзи, дўстми, душманми?.. Ўша Чингизхон авлоди, соҳибқирон истаган «кўл» бўла олармикин, бўлишга бўйни ёр берармикин?.. Эҳтимол, эҳтимол... Ноумид шайтон ахир. Бироқ комил ишонч билан шундай бўлади, деб айтиш ҳам қийин... Синамаган отнинг сиртидан ўтма, деганлар. Қадам олишини обдан синаб кўриш керак....

Шундай шубҳа-гумонларга фарқ соҳибқирон қандай йўл тутмоқ кераклиги ҳақида ўйлаб боши қотди... У меҳмонни кутиб олиш учун Самарқандга қайтиши керак. Қайтилса, албатта, бадбахт Қамариддинни бир ёқли қилгандан кейингина қайтиши даркор... Бу ҳақдаги қатъий қарордан қўшиннинг хабари бор, аскарлар аллақачон қурол-яроғларини тахт қилишган, ўқлар садокда, суворийлар эса отларнинг эгар-жабдуқларини кўздан кечиршиб, абзаллаб, айилларини тортишиб қўйишган, барчаси сафарга шай туришибди, фақат фармонни кутишмоқда...

Бироқ, агар соҳибқирон Исиккўл томонларда тоғларнинг дараларида, пана-пастқам жойлари-ю ғор-порларида писиб қочиб юрган Қамариддинни топаи деб бешолти ой қолиб кетса, Тўхтамиш ўғлон билан учрашув кейинга сурилиб кетиши аниқ, бу «кейин» қачон бўлишини ёлғиз Аллоҳнинг ўзи билади... Наҳот, Жета хокими қайсар дуглат амирини бир ёқли қилиш яна кейинга қолса?..

Амир Темур ниҳоят Тўхтамиш ўғлон билан учрашув салтанат учун Қамариддинни тутишдан кўра муҳимроқ эканини англади, бир жихати, Тўхтамиш ўғлоннинг Дашти Қипчоқда қарор топишига кўмак берса Қамариддинга ўхшаган маккор бузғунчиларнинг томири ҳам ўз-ўзидан қирқилади-ку...

Машварат бошланмай туриб ўз-ўзидан тугади.

Хумоюн ўрдудан, Аббос баҳодир қипчоқ билан Муҳаммад Мирақлар тезу жадал Хоразм томонга, зарур бўлса ундан ҳам йироқ Хожитархон тарафларга Тўхтамиш ўғлонга ўтрў борсунлар, эъзозу икром ила қаршиласунлар, подшоҳзодага муносиб қандай эхтиром лозим кўрилса адо этсунлар ва юксак мақомда Самарқандга олиб келсунлар, деган олий фармон бўлди.

Сохибқирон шу куниеқ от бошини Самарқанд томон буришга қарор қилди.

Т Ў Р Т И Н Ч И Б О Б

I

Кейинги ярим йил ичида Сароймулкхонимнинг заъфарон бўлиб кетган қирмизи оқ юзларига нур югургандай бўлганини Хонзода хоним биринчи бор кўриб турибди. Бирон хушхабар бормикин, деб ўйлади Хонзода хоним... Маҳди улёнинг кўз қарашлари маъюс, ҳамиша гажак бўлиб ўзини намоёиш этишга ҳавасманд икки қора зулфи ҳам қулоқлар ортига яшириниб олган, чиройли оғзи қулфланиб қолгандай гоҳ-гоҳда бир гапириб кўяр эди холос...

Боғи Нақши жаҳонда Жаҳонгир Мирзо рухига бағишлаб «мушкулкушод» қилдилар. Бонуйи кубро эгачи Қутлуғ Туркон оқа салтанатнинг барча аёлларини битта ҳам қолдирмай чорлашни буюрди. Бу ерда ҳарам ахлдан ташқари Амир Жоқу барлоснинг завжаси Кайқубод Хутталонийнинг қизи Одилмулк оқа, Амир Мусонинг завжаси Орзумулк оқа ва ҳоказо нуфузли амирлару нўёнлар, ашрофу акобирлар хотинлари йиғилишган, одам кўп эди. Ҳар қалай, яхшилиқни дилида туйган Хоразм маликаси издахомда маҳди улёдан нима гап деб сўрай олмади, бунга имкон ҳам бўлмади, Сароймулкхонимдаги бу тағайюр сабабини кейин билди. Катта малика одатда шундай қувончли хабарларни, кўз тегмасин, дея дарров суюнчилашни хуш кўрмасди.

Хонзода хонимга бу муждани кейинроқ канизак Оққиз етказди. Подшо келини бу палла Боғи Чинорда, энага

эгачи Холдона биби йўргаклаётган Муҳаммад Султон бошида эди, у дўмбоққина чақалогининг қўл-оёқчаларига термилиб турар, ҳар гал шундай қилганда суюкли ёридан қолган ёлғиз ёдгори юрагини орзиқтирар эди... Вужудининг бир бўлаги, ёш умрининг порлоқ кўшиги бўлган жигарғўшасини кўлига олар экан, мана шу, ушласанг синаман деган мурғаккина жон замонлар келиб паҳлавон келбатли йигитга айланишини ҳеч тасаввурига сиғдиролмасди. Дунёдан беҳабар гўдакнинг жимит бурунчасига бурнини теккизаркан: «Суюнчим, юпанчим, худо берган ёдгорим!..» дер, юз-кўзларидан тўйиб-тўйиб ўпар, эркалар, кейин қоникмай бағрига босганча унсиз юм-юм йиғларди. Ҳозир ҳам кўз узмай энага эгачи Холдона бибининг чақалокни йўргаклаб бўлишини кутиб турарди.

— Суюнчли хабар, маликам! Суюнчли хабар!..

Канизак отилиб кирди-ю маликасининг узун кўйлаги пешини ўпиб кўзларига суртди:

— Нима дединг, Оқ?.. Суюнчли хабар, дедингми?..

Хонзода хоним киртайиб кетган шахло кўзларини канизакка тикди-ю уни худди биринчи марта кўриб тургандай хайрон бўлиб қолди. Ажабо, шу қиз кечаю кундуз ёнида парвона бўлиб юргани, канизаги, дугонаси, сирдоши, меҳрибони Оққизми ёки бошқами?.. Ўзгариб кетибди-я... Малика ҳеч эътибор бермаган экан-а... Бу ёнига қаралса, амирзоданинг аччиқ фироғи ҳаммани ҳам ўзи билан ўзини овора қилиб қўйди-ку. Биров бировдан ўпкалайдиган, биров бировга қарайдиган замон бўлдимиз ўзи...

Хонзода хоним яхшироқ қаради: бир пайтлардаги ўйноқи кўзли, тикмачоққина, қорачадан келган суюмли Оққиздан асар ҳам қолмабди, парвардигор гўёки оғир мусибатни малика эмас, балки унинг бошига солгандай... Озиб-тўзиб кетибди. Аммо ҳозир қоронғида хароба ичидан чироқ йилтиллаб кўрингандай, кўзларида қандайдир нур ёниб турарди:

— Суюнчли хабар, маликам!

— Айтақолсанг-чи! Чўзмай ўлақолинг!.. Шу одатинг қолмади қолмади-да!.. — ўпканди Хонзода хоним.

— Хўп, жоним маликам, хўп! Кеча чопарликка борган Ахий Жаббор баҳодир жаноблари Иссиққўл томонлардан хушхабар, мужда келтирибдилар. Соҳибкирон хаз-

ратлари Самарқанд азимати қилибдурлар! Пойтахтга қайт-
моқда эканлар!

— А?..

Бу хабар Хонзода хоним учун Аллохнинг бемисл,
кутилмаган инояти эди.

Подшо келини хайратда энага эгачига қаради.

Холдона бибининг кўзларида табассум жилва қилар-
ди. Ҳатто оқ шоҳи йўргакларга ўралган гўдак ҳам буни
эшитиб кулиб қўйгандек бўлди...

Сарой аъёнларидан тортиб катта-кичик, бутун Самар-
қанд аҳли қувончу ташвиш аралаш жунбишга тушди.
Соҳибқирон келаётгани ҳақидаги хабарни эшитиб, уч
ойдан бери сирқовланиб ётган амирул умаро Амир Жоку
барлос ҳам оёққа туриб кетди. Етти йил аввал, ҳали
соҳибқирон салтанат бошига келмай туриб, Қаршида қаро-
навслар¹ билан оғир жангда отдан йиқилиб бели қаттиқ
лат еганди. Кейинги пайтларда бели тез-тез оғрийдиган,
бўксаси санчиб-санчиб қўядиган одат чиқарди. Яқинда
ўша дарди кўзиб, амирул умарони тўшакка михлаб қўй-
ди-ю умрида биринчи марта соҳибқиронни чорасиз куза-
тиб қолишга мажбур бўлди.

Пойтахт доруғаси Амир Довуд дувлатни ҳамма депа-
раларда кўриш мумкин эди. Гоҳ Кўксаройда бўлса, ун-
дан Боғи Нақши жаҳон тарафга йўл солар, ора-орада
Боғи Чинорга бориб маликалардан хабар олиб қўйиш
лозимлигини ҳам эсдан чиқармасди. Кўпроқ шаҳар ши-
молида янги барпо этилаётган хушманзара бокқа елиб-
югурар, соҳибқирон келгунча ораста қилиш ташвишини
чекарди. Қўл бўшади дегунча, амирул умаро иккиси бирга
маҳаллаларни кезишар, оқсоқоллар билан учрашишиб,
кўчаларни тозалаш, деворларнинг унда-бунда тушиб кет-
ган жойларини уриб қўйиш, дарахтларнинг ортиқча шох-
ларини кесиб ташлаш, кўприкларни тузатиш ва ҳоказо-
лар ҳақида жўяли маслаҳатлар беришарди.

— Шатранждаги пиёда каби бурчакка қисилиб мот
бўлиб қолмайлик, орқа-олдингизга қарангизлар! Ҳушёр
турингизлар! — дерди Амир Жоку барлос япаски бур-
нини силаб қўяркан.

— Амир соҳибқирон сафарлардан қайтганларида ма-

¹ Қаронавс — Мовароуннаҳрда яшаган кўчманчи мўғулларни шундай ата-
дилар.

ҳаллаларни бир-бир кўриб назардан ўтказиш одатлари бор, биласизлар, — уқтирарди Амир Довуд дурлат. — Гап эшитиб ўтирмайлик тагин?.. Агар забтига олсалар, макиёндай қочишга жой тополмай қоламиз-а, эсимизда бўлсин!..

II

Маҳди улё Сароймулкхоним Хонзода хонимни кўчириб олиб кетгани Боғи Нақши жаҳонга ташриф буюрганда, офтоб найза бўйи кўтарилган эди...

Ҳар қандай дардни ҳам вақт даволайди, деган ҳикматда катта маъно-мазмун жамланганлиги аччиқ ҳақиқат... Бошига тушган одамнинг бунга иқроор бўлмай иложи йўқ.

Жаҳонгир Мирзо вафотидан сўнг, Хоразм маликаси, ўн етти ёшли келинчак, дунёдан кўрганим шу экан, буни пешона дейдилар, энди бошқа бирон умидга кўнгил боғлаш йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас, деган қатъий қарорга келди. Бу палла амирзоданинг қирки ўтиб, хоразмликлар юртга қайтишган эдилар.

Яшашнинг кизиғи қолмагандай туюларди маликага. Ҳаётнинг гуркираб туриши, тўқис-туғаллиги, гўзаллиги бари Жаҳонгир Мирзо туфайли экан, энди мирзоси йўқ. Нимага боқса, уни эслатади, ҳамма нарсадан амирзоданинг иси келади, ҳатто ҳаволарда унинг бўйи қолгандек... Кечалари шифтга қараб ётганда, бирдан саси эшитилгандай туюлади.

...Мана ҳозир, амирзода ана бу нақшинкор эшикнинг бир қанотини очиб кириб келади-ю қўлидаги шамни бурчакка қўяди. Интиқлигини билдирмай ётган Хонзода хонимни қучоғига олиб эркалайди. Малика қўллари эрининг бўйнига солар экан, оҳистагина қилиб: «Соғиндингизму?..» деб сўрайди.

Амирзода жавоб бериш ўрнига, маликанинг ўзи ҳаминша суядиган бир одатини қилади — ўнг сийнасига бошини қўйиб юрагининг уришини эшитмоқчи бўлади:

— «Юрагингиз шу ердаму?..»

— «Анови шумни кўрингиз!..Ҳали ҳануз юрагимнинг қайдалигини билмайдурлар!..» — қув амирзодадан ўпкалаган бўлади малика...

Ниҳоят, «узок изланиш»лардан сўнг чап сийна то-

мондан юракни топиб кулоқ солади-да, маҳбубасининг гулдай юзларидан, кўзларидан, ғунча лабларидан тўйиб-тўйиб бўсалар ола бошлайди. Кейин бурчакдаги шамни уялтиришиб ҳар сафаргидек шўхликлари ошиб, юмалайдилар, юмалайдилар ва... ишқий ўйинларнинг сеҳрли комига отилганларини билмай қоладилар...

Йўқ... Хонзода хоним энди аниқ билади: қанчалар эшикка тикилмасин, амирзода кириб келмайди. Ҳеч қачон кириб келмайди, ҳеч қачон...

Малика ўзини қўйгани жой тополмасди, осмон узок, ер қаттиқ. Ёстикка бош қўйса куйдиради. Момикдай юмшоқ ўрин ёнига тошдай ботади. Кўзини юмай деса юмилмайди. Ўзи Боғи Нақши жаҳондаги қасрда, хаёли кифтида уни Шаҳрисабзга олиб кетади.

Шаҳрисабз унинг амирзодасига ўз бағридан жой берган маскан... Амирзодаси, суйгани ўша масканда, ёлғиз, суман япроғидек бадани қора ерга нисор бўлиб ётибди. Чидай олиш мумкинмикан?.. Маликанинг жойи ҳам ўша ерда, бас, амирзодасининг ёнида!..

Ногаҳон келган бу фикр бутун борлигини банд қилди. Кеча-ю кундуз ўйи шу бўлиб қолди. Аллақандай оғулар ҳақида сўраб-суриштиравериб шўрлик Оққизни ҳам чарчатди.

Илк бор сўраганида Оққиз парво қилмади, худди оддий нарса ҳақида сўз кетаётгандай тутди ўзини. Улар умуман турли ходисалар борасида, салтанат синоатларидан кўнгил сирларигача бўлган мавзуларда гаплашардилар. Оғуларга қизиқиш тобора кучайиб бораётганини кўрган Оққизнинг хаёли тиниклашгандай бўлди-ю бирдан юраги орқасига тортиб кетди!

«Вой худо! Малика қандай йўлга қадам қўймоқчилар-а! Нима қилмоқчилар ўзи?.. Худо сақласин! Оққиз, хушёр бўлишинг керак! Ҳар лаҳза малика аҳволдан хабар олиб турмоғинг лозим, таомларига назар қилишинг, асло ёлғиз қолдирмаслигинг даркор!..» — дер эди ўзига ўзи бечора қиз.

Хонзода хоним амирзода маросимлари ўтиб, азадорлик бурчлари адо этилгандан кейин ҳам канизақлари-ю хизматкорлари қуршовида Боғи Нақши жаҳонда яшаб келарди. Подшо келини атрофи ҳамиша гавжум: кунда, кун ора Қутлуғ Туркон оқа, Сароймулкхоним, Улус оқа, Дилшод оқа, Орзумулк оқа, Одилмулк оқа, бошқа амир-

лару вазирларнинг хотинлари галма-гал келиб-кешиб турардилар. Амирзода ўнбошиси Ахий Жаббор баҳодир бошчилигидаги хос кўриқчилар ҳамиша соғ ва сергак эдилар.

Кўп ўтмай улуғ эгачи Қутлуғ Туркон оқа, муборак бешик бекаси бўлган ёш келинчакни у ерда ёлғиз қолдириш ноўриндир, ҳар нарсага кўзи тушиб дарди янгила-наверади, соҳибқирон келгунларигача уни алдаб-сулдаб ёнингизга олиб келингиз, дея Сароймулкхонимга кенгаш берди. Бу гап ўзингиздан чиққан бўлсин, — қўшиб қўйди яна эгачи, — Муҳаммад Султон Боғи Чинорда, олдингизда, энага эгачи Холдона биби кўлида ўсиб вояга етмоқда, Хонзода хоним ҳам ўғилчаси ёнида юрсин, овунади ахир...

Холдона биби йигирма бешга кирган, юмалоқ юзли, сулувгина, кишининг икки суядиган хушбичим қад-қоматли бўлиб, ўнг юзининг бурнига яқин ерида мошдеккина чиройли қора холи бор, кўзлари ҳамиша кулиб турарди. Уни энага эгачиликка Қутлуғ Туркон оқанинг ўзи танлаганди, номзод қидириб Кумушкент қишлоғига борганда кўриб ёқтириб қолганди. Холдона бибининг онаси ҳам беклар оиласида энагалик қилган, доялик вазифасини адо этган экан. Муҳаммад Султонга доялик қилди, жуда кўли энгил, деб таърифладилар. Жаҳонгир Мирзо билан Хонзода хоним чимилдикка кирганларида, бош-қош бўлишган чечан янгалардан бири, келин-куёв қовушганда улар тепасида фаришталар қувончдан чарх ураркан, дея лутф қилган ҳам мана шу Холдона биби эди.

Сароймулкхонимнинг ўзида ҳам шундай фикр пайдо бўлганди. Хонзода хонимдай ёш нарсанинг ҳайхотдай боғда бир ўзи яшаши мумкин эмас, яшаса ҳам қачонгача яшайди?.. Бироқ маҳди улё буни қандай билдириш чорасини тополмай юрди. Қолаверса, катталар бир нима демагунча, минг истиҳолада қандай йўл тутишни ҳам билмайди киши. Азалик келиннинг кўнгли нозик, гулнинг нафис баргидек титраб турибди, ҳар нарсани ҳам кўтара олмайди... Шундай паллада Қутлуғ Туркон оқа таклифи жуда жойига тушди. Сароймулкхоним дарҳол Муҳаммад Чуроға додхоҳга маофа тайёрлатишни буюрди, эҳтиёти шарт кўч-кўрон учун аробалар шай қилишни ҳам тайинлаб қўйди.

— Келинжоним! — кучоқ очиб кўришаркан деди Хон-

зода хонимга маҳди улё. Улар бир ҳафта аввал учрашгандилар. — Эсонмисиз-омонмисиз?

Хонзода хоним қақраган шахло кўзларини Сароймулкхонимга тикди. Катта малика бу кўзларда лоқайдлик, сўниб битган ҳавас, чорасизликдан обод вайрона қалбни кўрди.

— Худого шукур, маҳди улё жаноби олиялари... — хиёл эгилганча жавоб қилди Хонзода хоним. — Ўлтирибмиз-ку... Ўзингиз яхшимисиз...

— Жумла мўминлар қаторида юрибмиз, маликам...

— Амир соҳибқирон ҳазратларининг пойтахтга қачон қадам қўйишларидан хабар борму?

— Иншооллоҳ, бўлиб қолар... Балки, бугун-эрта...

— Аллоҳ ўз паноҳида асрасун... Амир соҳибқирон валинеъматимиз ва меҳрибон онаизор қаторида бўлмиш сиз маҳди улё жаноби олияларидан бошқа ҳеч кимимиз йўқ энди...

— Нега ундоқ дейсиз, маликам?.. Вой!.. — Қошлари чиройли чимирилди катта хонимнинг. — Ундоқ демангиз! Сизни Амир соҳибқирон, ўғлим ўрнида ўғлим, деганлар-а! Ўғлим ўрнида ўғлим!.. Ҳеч кимни бундоғ мартабага кўтарганлари йўқ, маликам! Ундоқ демангиз! Жаҳонгир Мирзонинг йўқлигини билдирмаслигингиз керак...

Шундай дер экан, Сароймулкхоним тўлиқиб кетишига оз қолди, сўнг ўзини ўнглаб олди-да, давом этди:

— Ҳаммамиз ёнингиздамиз-ку... Вой, амирзода Муҳаммад Султон-чи, мен сизга айтсам... Худо кўчқордай ўғил ато этди... Зурёд берди! Тирноққа зорлар бор... — Маҳди улёнинг томоғига нимадир тикилгандай бўлди, у нозик қўлини титраган бежирим ёкут лабларига босди...

Хонзода хоним Сароймулкхонимдаги ўзгаришни менинг аҳволимга қуйинишдан деб тушунди, ичида миннатдор бўлди ва уни аяб деди:

— Хафа бўлмангиз, жаноби олиялари...

— Ҳа... Амирзода Муҳаммад Султон жуда аломатлар... Бўлар бола бошидан маълум, дейдилар-да. Вой, келинжон, мен сизга айтсам, Амир соҳибқирон Муҳаммад Султонни валиаҳд деб атамоқдалар! Ҳа, ҳа, валиаҳд! Билдингизму, валиаҳд! Бўлмаса, тахтга ворислик даъво қилгувчи ўғиллар бор... Аммо уларни валиаҳд деганлари йўқ! Муҳаммад Султон энди ярим ёшга кир-

ди... — Сароймулкхоним мамнунлигини яширмади. — Боқингиз! Амирзодам соҳибқирон сафардалиқ вақтларида дунёга келганди, ўзим чопар йўллагандим-да, отини қўйиб берсунлар деб... Ўшанда «Муҳаммад Султон» деб айтиб юборибдилар... Эсингиздаму?

— Эсимда, эсимда...

— Ҳозирдан шўх, қарамасангиз, ўрмалаб кетиб қолади... Гоҳ-гоҳ кулиб қўяди. Иншооллоҳ, падари бузрукворининг ўрнини босади, султон бўлишлиги билиниб туради. Бари бежиз эмас... Ахир Муҳаммад Султон бир томони буюк бобомиз Чингизхонга уланади-да...

Хонзода хоним ялт этиб маҳди улёга қаради. Сароймулкхоним жилмайиб турарди. Унинг кўз қарашида, сиз билан биз буюк зот авлодимиз ва бошқа буюк бир зот ихтиёридадурмиз, бунга шукур қилайлик, деган маъно яширинган эди...

— Айтганингиз келсин, отасининг ўрнини боссин, султон бўлсин...

Хонзода хоним маъюс бош эгди. «Илоё, кўз тегмасин, бемаҳал шоҳи синмасин... — ўйлади Хоразм маликаси. — Отасига ўхшасин, аммо умри ўхшамасин. Аллоҳдан тилагани шу. Жаҳонгир Мирзога, уларнинг покиза севгиларига кўз тегди, афсуски, асрай олмадилар... Ёмонларнинг кўзи тегди...»

Орага жимлик чўкди. Деразадан қаср ҳовлисидаги ҳовуз кўриниб турарди. Ҳовузда сув йўқ эди. Маҳди улё билан Билқиси Суғро¹ меҳмонхонада суҳбат қилмоқда эдилар.

— Маликам... Сизни олиб кетгани келдим... — деди бирдан маҳди улё...

Сароймулкхоним, гапим қандай таъсир қилар экан, дегандай маликага зимдан назар ташлади.

Хонзода хоним тим қора ҳиллол қошлари чимирилганча ҳайратда тикилиб қолди. Катта малика ҳазиллашяптиларму, жиддий гапиряптиларму?..

Сароймулкхоним, ҳеч нарсани сезмагандек давом этди:

— Ҳалиги... Ҳим-м... Биласиз-ку... Боғи Нақши жаҳон қасрини таъмирлаш лозим эмишми... Амир Довуд дуғлат жаноблари шул ҳақда гапирибдилар-да... Маро-

¹ Билқиси Суғро — Сулаймон пайғамбар хотини Билқис номидан олинган. «Суғро» — кичик маъносига. Кичик Билқис — кичик маликаларга бериладиган сифат.

симлар, келди-кетди билан қаср анча оёқости бўлибди-да... Шунга сизни олиб кетгани келдим...

Хонзода хонимнинг таажжуби ортганча деди:

— Мен... қандай кетамен? Кета оламенму?.. Амирзодам, ўзимизнинг боғимизни ёлғиз ташлаб-а? Ахир унинг рухи бу ерда кезиб юрибди...

— Йўқ, йўқ, ташлаб кетмайсиз, маликам, зинҳор ташлаб кетмайсиз! — Сароймулкхоним маликани тинчлантиришга шошилди. — Боғ сизларнинг боғингиздур. Фақат боққа парвариш даркор, оро бериш керак, қасрни таъмирламак лозим эмиш холос. Амирзодам вақтида қандай файзиёб бўлса ўшандай кўркам ҳолга келтирилиши керак эмиш. Афтидан фармон берилган шекилли...

— Боғнинг аввалгидек файзиёб, кўркам бўлиши учун амирзодамнинг ўзлари керак-да... — хўрсинди Хонзода хоним. — Қасрни таъмир этмак соз юмушдир, жаноби олиялари!.. Биз шу ерда яшайверамиз. Биздан ҳеч кимга ҳалал етмагай...

— Албатта, албатта... Аммо азиз жонингиз койишини зинҳор истамаймен... Алқисса, Боғи Чинор ҳам ўз уйингиз, маликам! Ёдингиздаму, ўша ердан келин қилиб тушириб келган эдик?.. Боғи Чинорда ҳамдаму ҳамдард бўлайлик. Муҳаммад Султон амирзодам ўша ердалар, агарда сиз ҳам борсангиз кўнглимиз тинч, бошимиз осмонга етарди... Шунга тилаймен холос, келинжоним!..

Хонзода хоним ўйланиб қолди. Холисанилло айтганда, малика кун ора Муҳаммад Султонни кўраман, деб Боғи Чинорга ошиқади, ўвилчасини суюб-ардоқлаб қўлидан қўймайди, эркалайди, яна бағри узилгандай бўлиб Боғи Нақши жаҳонга қайтади... Балки кўчиб ўтса яхши бўлармиди?..

Сароймулкхоним ичида, хайрият, сал оғдирдим шекилли, малика хаёлга чўмдилар, яна бир химо, ҳаракат лозим-да, деб қўйди.

— Биласизми, маликам, улуғ эгачи бонуйи кубро Қутлуғ Туркон оқа жаноби олиялари ҳам шундай қилмоқни тайинладилар. Балки, ҳазратимнинг ўзлари айтган бўлсалар керакми... — гапнинг оқовасини мужмалроқ қилди Сароймулкхоним. — Ҳазратимнинг йўллари-га ўша ердан бирга чиқамиз-да...

Шундан сўнг Хонзода хонимнинг бу таклифга кўнмай иложи қолмади...

Бир кундан кейин Хонзода хоним ўз мулозимлари-ю канизаклари билан Боғи Чинорга кўчиб ўтди.

Б Е Ш И Н Ч И Б О Б

I

Чопар кеча Амир Темур қароргоҳидан хабар келтирди: ҳазрат Андижондан эртага йўлга чиқар эканлар...

Қутлуғ Туркон оқа дарҳол Амир Довуд дуглатга маслаҳат солди:

— Амир соҳибқиронни уйимизда кутиб олсак, нима дейсиз, Сулаймоншоҳ?..

— Айни муддао бўларди...

— Ўзингиз биласиз, соҳибқирон сафарлардан қайтганларида доим бизнинг уйга тушадилар... — шавҳарининг сўзини бўлди Қутлуғ Туркон оқа. — Балхда подшоликқа эришиб келганларида ҳам даставвал бизнинг уйимизга ташиф буюрган эдилар-ку...

— Рост сўзни дедингиз, онаси! Бирок...

— Таклиф этмасак кўнгилларига оладиларму, дейман... — яна шавҳарини гапиришга қўймади соҳибқирон эгачиси.

— Ҳа, ҳа... бирок...

— Бошқалар оғиз очмасдан олдин сиз таклиф қилингиз! Илиб кетгувчилар кўп...

— Хўш, хўш...

Ўнг юзидаги билинар-билимас қилич изини силар экан, Амир Довуд дуглат босиқ деди:

— Амир соҳибқиронни уйимизда қаршиламоқ бизга Аллоҳнинг бемисл инояти бўлур эрди. Бирок, ҳумоюн ўрдуда машваратда ҳазратнинг Боғи Баландга тушишлари ҳақида айтилди, бу ўзларидан чиққан фикр шекилли... Боғнинг ишлари ҳам битиб қолди...

Чиндан ҳам, хушхабар олиниши биланок, Суюрғатмишхон бетоблигига қарамай дарҳол соҳибқиронни қандай ва қаерда кутиб олиш ҳақида машварат ўтказганди. Баъзилар, барча аҳли сарой ва аҳли ҳарам биргаликда Дизаққа бориб қаршилаш лозим, дея таклиф этдилар. Ўзгалар эса, аҳли ҳарамнинг боришига зарурат йўқ, маликалар, хоним ва оқалар ҳориб-чарчаб қоладилар,

яхшиси, пойтахти фирдавсмонандда кутганлари тузук, кабилида фикр билдирдилар. Оқибатда Самарқанд билан Дизақ оралигидаги хушманзара Қатвон мавзеида фақат сарой аъёнлари соҳибқиронга пешвоз чиқсунлар, аҳли ҳарам эса жамулжам бўлиб соҳибқиронни янги боғда — Боғи Баланднинг мухташам қасрида муборакбод этсунлар, деган қарорга келинди...

— Бошқа томондан, — давом этди Амир Довуд дуглат, — тўғри англашимиз лозим, энди подшойи олам Амир Темур Кўрагон ҳазратлари бизнинг товук катагидай кулбамизга сиғмайдилар ҳам, онаси... Таъмирламоқчийдик, бунга вақт топилмади... У ер-бу ери тушиб кетган, қаралмаган уйга улуғ меҳмонларнинг келмоғи ножозидур...

— Вой, ахир... — деди холос шавҳарининг мантиқли гапларидан лол Қутлуғ Туркон оқа гап топа олмай...

Амир Довуд дуглатнинг «вақт топилмади» деган сўзларида жон бор эди. Бу эр-хотинга баб-баравар тааллуқли бўлиб, иккиси ҳам худонинг қурмоқни яхши кўрган бандаларидан саналардилар, гапнинг сираси, уларнинг умри қурилиш билан ўтарди ҳисоб. Амир Довуд дуглат пойтахтни ободонлаштириш, мадраса-ю хонақоҳлар, ҳаммомлар, бозорлар бунёд этиш ишларига муқкасидан шўнғиб кетганди. Шаҳардан чиқаверишда Шаҳрисабз йўлида бунёд этилаётган бозор аллақачон битган. Соҳибқирон кўриб мамнун бўлганлигини айтди. Шу кунларда эса Боғи Баландни барпо этиш, Чорсу майдонидан Тошкент томонга тахти равон йўл солиш, пойтахт кўркига доғ бўлиб тушаётган эски уйларни бузиб олиб ташлаш, икки томонга қават-қават савдо расталари тиклаш, Кўксаройдан пастроқда шу йўл бўйида катта тупроқли майдонда яна бир бозор қуриш ишлари уни батамом банд қилганди.

Қутлуғ Туркон оқада ўтган улуғларнинг қабрларини обод этиш истаклари устун эди, хос мулозимлари ва канизақлари кузатувида Чокардиза қабристонига тез-тез бориб Шайх Абу Мансур Мотуридий билан «Ал-Ҳидоя» соҳиби Шайх Бурҳониддин Марғинович мазорларини зиёрат этиб турарди. У икки улуғ сиймога атаб хонақоҳ қуришни бошлаб юборди. Ўтган йили Самарқанд яқинидаги Хартанг қишлоғига йўли тушди ва Имом ал-Бухорий қабрини тавоф этди, буюк муҳаддис жамлаган

«Сахиhi ал-Бухорий» соҳибқирон эгачиси ардоқлаб мутолаа қиладиган китоблардан эди. Расулиллоҳ ҳаётининг бебаҳо лавҳалари билан яқиндан танишганда, муштипар аёл кўзларига беихтиёр ёш келиб кетар, хотам ан-набийнинг теран мазмунли ҳикматлари мағзини чақиб етишга уринарди. Ўша боргандаёқ Аллоҳнинг инояти билан унинг кўнглида муҳаддислар султонига атаб бир хонақоҳ қуриш нияти япроқ ёзди... Умид улким, у ердаги қад кўтаражак масжидда шайхлар, дарвишлар жам бўлишиб малолсиз зикру самоъ қила олсунлар, улуг имом руҳларини шод этсунлар...

Табиийки, шундай юмушлар билан банд эр-хотинларнинг ўз уйларига қарашга фурсатлари бўлмади...

— Ўксинмангиз! — деди Амир Довуд дувлат. — Боғи Баланд қурилишида ўзим бош-қошдурмен... Ўша ер ҳам боғимиздур... Амир соҳибқиронни хеш-акраболару ҳарам аҳли ўша ерда бақамти кутиб олғаймиз...

Қутлуғ Туркон оқа энди ҳеч нарса демади.

Хушхабар кулоқларга етган куниек Суюрғатмишхон бошлиқ салтанат пешволари шайланиб Қатвон томонга жўнаб кетдилар. Пири муршид Мир Саййид Барака Андхойга бориб хешу акраболарни кўриб келгани соҳибқирондан ижозат сўраганиди, балки қишни ҳам ўша ерда ўтказиб қайтса керак...

Соҳибқироннинг келиши хабари каттадан кичик барчани тараддудга солиб қўйди... Айниқса, буни ҳарам аҳли орасида яхши кузатиш мумкин эди.

Сароймулкхоним соҳибқирон ташрифини эшитиб худди қаллиғини кутаётган ёш келинчақдай бутун вужудини ҳаяжон чулғади. Бўлажак висол онларини ўйлар экан, юраги қафасдаги қушдай потраб, соҳир сийнаси дамбадам кўтарилиб тушар, қирмизи оқ юзларига қон тепар, чап юзидаги кичкина чиройли холи ортиқ қорайгандай туюларди. Ҳазил эмас, тўрт ойга яқинлашиб қолаётир, маҳди улё соҳибқирони билан кўришмади, унинг катта-катта кўзларига тикилмади, роҳатбахш қўллари билан ногирон оёғини укалаб қўймади...

Қандай либосларини кийсун? Соҳибқиронга қайси бири ёқарди?.. Соҳибқирон дебони, агар ичида дебоча¹

¹ Дебо — заррин ипак матодан бўлган кийим. Дебоча — зар билан тикилган кўйлак.

кийилган бўлса жуда хуш кўрарди... Тўрқа¹ шунингдек, занданачадан², кимхобу кундалдан кўйлаклари бор. Волойи мовий, волойи аҳмар ипак кийимлари ҳам ададсиз. Атласдан тикилган ҳашамли иксун қабо³, маъданий, маликий, микрозий қаболари анчагина... Хусусан, яшил қуддусий қабоси бирам чиройлики... Қасава ўрашини ҳам суярдилар... Айниқса, соҳибқирон фикрича, чеҳрани сирли ёпиб тургувчи ҳарир парда билан қўшилиб кетадиган бош кийим — култапўшак кийиши катта хонимга жуда ҳам ярашар эмиш... Лекин қишнинг кўзи кўр-да. Қандай чиройли кийим бўлса ҳам, устидан бари-ни ўзинг беркитиб тўн киймоққа мажбурсан...

Сароймулкхоним тезроқ бонуйи кубро Қутлуғ Туркон оқага учрашиб барча хонимлару оқаларни Боғи Баландга олиб бориш ва ўша ерда қутлуғ дийдорлашув тадорикини кўриш лозим деган қарорга келди. Маҳди улё эгачига учрашдан аввал маликалар билан кенгашиб олгани Бўстонсаройга йўналди.

Икки йил аввал, Кўксаройдан эллик қадамлар нарида дарахтзор ичида янги сарой бино қилинганди, унинг лойиҳасини соҳибқироннинг ўзи чизиб берди. Бўстонсарой деб аталган тўрт ошёнали қаср асосан ҳарам аҳли учун мўлжалланганди. Қасрнинг тўксон тўққиз деразаси бўлиб, тўксон тўққиз фонус осиглиқ эди. Окшомда ушбу фонуслар баб-баравар ёнганда чироклар чаманзори намоен бўлар, бамисли ўзидан нурлар таратаётган сирли кошона бутун шаҳар бағрини ёритиб туришга қодирдай эди. Хос саройда соҳибқирон маҳрамлари — хотинлари ва маъшуқаларига атаб алоҳида-алоҳида бўлмалар безатилди. Иккинчи ошёнада ўртада эни ҳам, бўйи ҳам йигирма беш газ келадиган тўйлар ва бошқа йиғинларга мослашган маҳобатли хона мавжуд. Бўстонсарой ўз номига яраша чиндан ҳам мохирўй-махлиқолар бўстони бўлиб, соҳибқироннинг суюб келиб турадиган дилтортар гўшанишин маскани эди. У бу ерда ёруғ дунё лаззатларидан баҳраманд бўлар, истироҳат қиларди.

Катта хонимдаги руҳий ҳолатга ўхшаш манзара ўзга маликаларда ҳам юз бермоқдайди. Саҳройи офатижон Дилшод оқа ва кўзлари кийик бодомқовоқ Улус оқалар

¹ Тўрқа — қимматбаҳо катон кийимнинг номи.

² Занданача — Бухоронинг Зандана қишлоғида тўқиладиган машхур мато.

³ Қабо — енгсиз кийим.

хам ҳар бири соҳибқирон билан яқин-орада кўришажак-лари ҳақида ўйларга ботардилар. Ҳаммадан ҳам кўра кўпроқ канизак Тоғой Туркон оқа ҳаяжонланмоқда эди... Оғзи бемаза бўла бошлаганини кўрган бошқа кундошлар канизакнинг олдида: «Ҳай, ўзингизни эҳтиёт қилингиз... Жудаям уриниб кетмангиз...» қабилда меҳрибончилик кўрсатсалар-да, орқаворатдан ғашлари келиб: «Бўйида бўлганмиш... Аталадан суяк чиқмай ўл! Қаёқданам лўп этиб ўртамиздан чиқиб қолди?..» деб ёзғиришар, пичир-пичир қилишарди. Аммо буни Сароймулкхонимга билдирмасдилар. Шарттаки Тоғай Туркон оқа эса гўё ҳеч нарсани сезмас, ёлғиз қолганда: «Ажаб бўпти! Ҳамманг куйиб ўл!» дея ғойибона кундошларини узиб-узиб оларди.

II

...Сафар айрилиқ жафосидан ўртанган Амир Темурни ростдан ҳам чалғитди, мусибат аламини сал бўлса-да йироқлаштирди. Тўхтамиш ўғлоннинг паноҳ излаб келаётгани эса уни тетиклантириб юборди. Рост, парвардигор ҳамиша бандасининг ғамини ўзи ейди. Буни кўп бошидан кечирган. Мухтарам падари бузруквори раҳматлик Амир Тарағай доим: «Худо бор, нима ғамим бор!..» деган сўзларни такрорлаб юришни ёқтирарди. Тўғри экан. Худо бор, соҳибқироннинг нима ғами бор?.. Аммо ҳаракатда — баракат, ҳам деганлар...

У Самарқанд тупроғига қадам кўяркан, даставвал Шоҳи Зинда ва Чокардиза қабристонини зиёрат қилди, сўнг янги боғ — Боғи Баландга тушди.

Боғи Баланд шаҳарнинг шимолида Зарафшон дарёсининг чап қирғоғида, Чўпонота яқинида бунёд этилган эди. Милодий 1374 йил, ёз кунларининг бирида Амир Темур Тошкентга бораётиб, Зарафшон дарёси бўйида тўхтади ва баланд ерга чиқиб шаҳар томонга суқланиб назар ташлади... Соҳибқирон кўз ўнгида фавкулудда гўзал ва дилга ёқар даражада чиройли манзара намоён бўлди. Чап томонда ҳов анови Ургут йўлигача Кониғил ўтлоғи ястаниб ётибди, олис-олисларда Ургут тоғлари кўкка бўй чўзган. Офтобда ялтираб Панжакент томонлардан оқиб келаётган Зарафшон Самарқанддан ўтиб иккига бўлиниб кетади... Ўнг томонда Чўпонота тоғи...

Рўбарўда эса шахар бутун маҳобати билан яққол кўри-
ниб турибди. Ногаҳон кўнглига келдики, шу ерда бир
боғ қилса... Боғнинг тарhini қандай чизишни ҳам меъ-
мору муҳандисларга ўзи айтиб берса, бунёд қилдирса...
Баланддаги боғ бўлади, Боғи Баланд...

Қалин ва баланд девор билан ўралган боғнинг ши-
мол томони Зарафшон соҳили эди. Девордан соҳилга
қаратиб қўйилган нақшиннигор эшик орқали тошдан
қилинган зиналар билан дарё бўйига тушиш мумкин.
Зиналарнинг сони элликдан ошарди.

Боғнинг кўркига кўрк қўшиб турган нарсa, албатта,
унинг ўртасида Табризнинг машҳур оқ мраммарида қад
ростлаган йироқ-йироқлардан ҳам кўриниб турадиган уч
ошёналик, учинчи ошёнаси очиқ айвондан иборат баланд
қаср эди. Тархи хочсимон шаклга эга қасрнинг хонала-
ри зарҳал ва зангори рангли кошинлар, турфа хил
нақшлар билан безатилган бўлиб ярақлаб турар, оёқ
остлари олти қиррали рангин фиштар билан қопланган-
ди. Қаср атрофидаги узумзор, анжирзор ва олмазорлар
эса бокқа файзу кўрк бағишлаб турарди.

Қиш кириб, қор ёғиб, ер музлади дегунча, соҳибқи-
рон одатда Боғи Чинор қасри ёнига қадаб қурилган
бўйи ўттиз, эни йигирма беш газ келадиган даҳлизли
меҳмонхонага борар, тўрдаги сандални бозиллатиб иси-
тишга буюрар, кейин шоҳи кўрпага оёқларини киритиб,
паркув болишга ёнбошлаб оларди. Унинг фикрича, қаҳра-
тон қишда ўрик чўғли сандалга оёқ узатиб мозий қисса-
ларидан тинглаб ўлтирмақ дунё роҳатларидан биридир.
Меҳмонхонани, икки йил бўлди, махсус бино этдирган-
ди. Ёз паллалари эса сандал олиб қўйилар, ўрнини ноз-
неъматларга тўла дастурхон ёзилган катта хонтахта эгал-
ларди. Меҳмонхона қабулхона вазифасини ҳам ўтарди.

Боғи Баландда ҳам шундай қилишларини буюрди,
меҳмонхона лойиҳадаёқ ўз ифодасини топди. Бино худ-
ди Боғи Чинордагидек қилиб тикланди. Деворларини
қасрники сингари ложувард зарҳаллар зийнатлади, хуш-
манзара суратлар ва сирли кошинлар безади. Жанубий
деворга мусаввир ям-яшил майсазорни — Конирилнинг
бахорий манзарасини туширган эди. Киши бамисоли гўзал
ўтлокнинг бир четида ўлтиргандай, агар туриб юрилса
худонинг бу беҳиштдай гўшасини кезиб айланиб чиқиш
мумкиндай таассурот қоларди.

Қаср олдидаги гиламлар ёзилиб ораста килинган майдон соҳибқироннинг қишга мос кийинишиб олган ҳаяжонга чулганган эгачи-сингиллари, хотинлари ва маъшуқалари, ўғил-қизлари, жиянлари билан тўлганди. Ҳаво этни жунжиктирмас даражада мўътадил совук...

Шу палла жарчининг кучли овози борликни тўлдирди:

— Соҳибқирон Амир Темур Кўрагон ҳазрати олийлари Боғи Баландга ташриф буюрмакда-а-ла-а-р!..

Нихоят муюлишда соҳибқироннинг бўз оти кўринди. Отнинг номи Хонўғлон бўлиб, учқурликда шамолни ҳам ортда қолдирадиган, тезликда чакинга сабоқ берадиган, охудан ҳам ўзгир, доврўғи дoston бир от эди. Пишқирганда тумшугидан ҳовурлар пуркарди. Хонўғлон сувдай текис йўрғалаб, ўйноқлаб келар, Амир Темур олтин эгар устида кўр тўкиб ўлтирарди. Қора қулоқчинини бостириб олганидан кичик пешонаси қарийб йўқ бўлиб кетган Муҳаммад Чуроға додхоҳ билан чамаси йўл юрганидан ҳаллослаб қолган Амир Довуд дуглат бедовнинг жилондан тутишган, елкадор Амир Сулаймоншоҳ ҳамда Умаршайх Мирзолар рикоббоши ўрнида олтин узангиларга қўл қўйишганча икки ёнда шундай олий мартабага эришганларидан мамнун юриб келишарди. Соҳибқирон бўз отда боғнинг остонасига оқ поёндоз солинган дарвозасидан кириб келди. Майдонга яқинлашганда отдан гиламга тушди... Барча ҳазратни тавоф қилишга турди...

Даставвал Қутлуғ Туркон оқа соҳибқиронга пешвоз чиқди. Бонуи кубро эгачи Амир Темурнинг елкасидан олиб пешонасидан ўпиб қўйди. Эгачининг чехрасидан хурсанду хуррам эканлиги кўриниб турар, жуда кўп гаплари борлигидан, барибир истаса ҳам ҳозир айтиб улгуролмаслигини, бунга вақт мусоида этмаслигини англаб, ҳаммасини кейинга қолдирди, фақат кўзлари ёшланганча: «Қадамлари қутлуғ бўлсин!» дея шивирлади. Измаиз Ширинбика оқа келиб кўришди. Амир Муайяд арлот оламдан ўтгандан кейин синглиси ёлғиз қолди, хайриятки, ёнида ўғли Мирзо Алибек бор. Мирзо Алибек ақлли йигит бўлган...

Навбат Сароймулкхонимга етди. Арғувоний тўн кийиб олган маҳди улё товусдай юриб келиб соҳибқирон пойига эгилди ва довудий совут устига ташланган заррин тўн пешини ўпиб кўзларига суртди. Кейин Дилшод оқа,

Улус оқа, Тағой Туркон оқалар, улар изидан исмат пардасидаги қизлари Оқа Беги хоним билан Султон Бахт бегимлар тавофга шошилдилар... Ўн икки ёшли Мироншоҳ Мирзо билан жияни Мирзо Алибеклар ҳам изма-из келиб юкундилар.

Келинлари, Жаҳонгир Мирзо хотинлари Хонзода хоним ва Бахт Малик оқа билан кўришганда соҳибқирон ўзини зўрға тутиб турди. Ҳар икки келин ҳам шоҳона йўрғакка ўралган олти ойлик гўдақларини кўтариб олгандилар. Буни уларга эгачи Қутлуғ Туркон оқа тайинлаган эди. Амир Темур Хонзода хонимнинг бошидан кучиб, манглайдан ўпди ва Муҳаммад Султонни қўлига олди. Хонзода хоним шундан кейин эгилиб тавофни бажо келтирди. Соҳибқирон Бахт Малик оқани имлади ва кўришгач, ундан Пирмуҳаммадни беришни сўради... У икки набирани икки қўлига кўтариб олганча, кўзларига ёш тўлиб осмонларга боқар, ҳеч нарса демас, ўзини шу топда ниҳоятда бахтиёр сезар, дил-дилида Аллоҳга шукроналар келтирар эди...

Шу пайт Муҳаммад Чуроға додхоҳ Амир Темурга яқинлашди ва фақат иккиси эшитадиган йўсинда қарийиб шивирлаб деди:

— Хевақдан чопар етди: Амир соҳибқироннинг Жетага кетгонларидан хабар топиб хоразмшоҳ Юсуф Сўфи Кот билан Хевақни босиб олибдир...

Соҳибқирон сездирмади, фақат Хоразм томонларга бир қараб қўйди...

Атроф барча фарахли туйғуларга чулганганди, опасингиллар ҳам, ҳарам аҳли ҳам, фарзандлар ҳам суянган тоғлари келганидан ўзларини осмонда ҳис қилишар, ҳеч ким ҳеч нарса демас, сўзга ҳожат йўқ эди.

— Меҳмонхонага марҳамат қилсунлар Амир соҳибқирон! — таклиф этишди Амир Довуд дуғлат билан Қутлуғ Туркон оқа қўлларини кўксиларига қўйишиб. — Янги қасрга ҳали ҳеч кимнинг оёғи етмаган... Биринчи бўлиб ўзлари муборак этиб берсунлар...

Бир четда турган машшоқлар ишора билан «Шодиёна»ни бошлаб юбордилар.

Амир Темур ҳурмат бажо келтириб Қутлуғ Туркон оқага деди:

— Ўзингиз бошлаб берингиз, Опа! Изингиздан кирурмен...

Бонуйи кубро эгачи таъзим қилганча инисининг қўлтигидан олди ва «Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм!» деди, сўнг иккиси нақшинкор эшикли меҳмонхона остонасига солинган бахмал поёндозга баробар қадам қўйдилар...

Барча улар ортидан меҳмонхонага йўналди...

III

Соҳибқирон сарой аъёнлари билан Қатвон мавзеида кўришганидан кейин бир ойдан бери шаҳарга чиқмай Боғи Баландда яшарди.

Саксовул чўғи солинган танчанинг гуриллаган иссиғи кўрпага ўраниб олган соҳибқироннинг ногирон оёғига хуш ёқар, бемисл оромдан бутун аъзои бадани яйрарди. Серманак, ўрта бўйли, озғиндан келган, калласи кичик, қисқ кўзлари ҳамиша кулиб турадиган, пагак сокол қиссахон Мавлоно Убайд мозий воқеалари, ҳоқону шаҳаншоҳлар қисмати, замона зайлининг кирдикорларидан ҳикоя қилар, охирида ҳар гал «Валлоҳи аълам биссаवоб!» дейишни унутмасди. Кунда, кун ора уларнинг гурунглари баъзан оқшомгача давом этарди.

Чошгоҳдан гупиллатиб ёға бошлаган қор, ажабки, пешин бўлиб қолди, ҳали тингани йўқ...

Амир Темурнинг энг ёқтирган фасли баҳор эди. Гўё киш фасли табиатнинг ўлими — баҳор эса ҳаётнинг янғидан бошланиши. Ҳамма нарса уйғонади, кўз олдинда мўъжизалар юз беради. Қуригандай кўринган қора оғоч ям-яшил япроқ чиқаради. Анови шафтоли қуриб қолган эмас, ўша шип-шийдам кўринган дарахт бағрида не-не анвойи гуллар, гунчалар яшириниб ётибди. Пардоз-андозини қилишга улгурмай қолган соҳибжамолдай жозибасиз кўринган замин парвардигорнинг каромати билан кўзларни қувнатадиган ғаройиб ям-яшил либосга бурканади. Сойлар қошига ўсма тортади, далалар кўксига лола такади, адирлар яшил рўмолларини елкаларига ташлаб оладилар... Узумлар бўйнига шода-шода дур-маржонлар боғлашни, гилослар шохларига дона-дона ёқутлар, ноклар эса ёмби олтинларни осиб олиб ҳаммага кўз-кўзлашни орзу қиладилар... Олам тамом ўзгариб кетади!..

Жонсиз табиатга ана шундай қутқулар сола олган

бахор, инсонни юз чандон ортиқ завқу хиссиётларга кўмиб ташлайди... Буни соҳибқирон ҳар сафар ўз бошидан кечиради. Назарида, ҳар бир киш фасли ўтган умрга сарҳисобдек вазифани адо этади. Ҳар бир баҳор эса янги орзуларга кучоқ очади, шахту шижоатлар бахш этади, ғайрат камарини инсон белига боғлайди...

Турон султони азалдан киш фаслини хушламас, кишда сафарларга чиқмас, ялдо кечаларини одатда Самарқандда, гоҳ-гоҳда Бухоро ёки Тошкентда ўтказарди. Фақат бир марта, бундан уч йил аввал, кишнинг қоқ ўртаси эканлигини била туриб, Жетага отланганлари соҳибқироннинг эсида. Амир Қамариддиннинг таъзири-ни бериб қўйиш иштиёки кучлилигидан шунга мажбур бўлганди. Самарқанддан чиқиб Қатвон мавзеига борганларида жуда қаттиқ совуқ тушди. Қор бетиним уриб турибди. Совуқнинг қаттиқлигидан қўлни чиқариб юриб бўлмайди. Сокол-мўйлаблар қалин шовуш боғлади, оғизбурунларни қиров қошлаб олди. Тупук ерга муз бўлиб тушарди. Айрим навкарлар нобуд ҳам бўлди. Зудлик билан пойтахтга қайтишга фармон қилган эди ўшанда...

Бугун яна Мавлоно Убайдни хузурига чорлатди, унга кейинги вақтларда хос муншийлик вазифаси ҳам юклатилганди. Соҳибқирон қиссахоннинг чиройли хуснихатига эътибор қилди, у чиндан ҳам хаттотлардай кўркем ва бежирим ёзарди.

Саройда беш-олтита туркча, форсча, уйғурча ва арабча тилларда ёзадиган муншийлар бўлиб, соҳибқирон топшириғига биноан улар, элчилар ташрифи, амирлар мулоқоти, вазирлар анжумани ва бошқа муҳим воқеалар тафсилотини тарих дафтарига синчковлик билан ёзиб борардилар. Мавлоно Убайд хос мунший сифатида ҳамisha соҳибқирон ёнида бўлар, жузвдонида ҳар хил рисо-лалар, дафтарлар, довоту қалам ва олий навли султон қоғозидан олиб юрарди.

Ўн кун аввал худди шу ерда ўлтирар эдилар, мавлононинг Султон Санжари Мозий ҳақидаги ҳикоясини тинглаб бўлгач, Амир Темур бирдан хос муншийга тарих дафтарини очиб бундоқ ёзишни буюрди. Қалин кўк дафтарга ёза бошлаган бу воқеалар тарихи кейинчалик катта ҳаёт китобининг ибтидоси бўлиб қолишини Мавлоно Убайд ҳали билмас эди албатта.

— Кўп йиллар аввал, ҳали мамлакат маснадига ўлтир-

май туриб, салтанат ойини¹, русуми хақида хаёлларга ботардим. Салтанатга албатта тузуклар лозим, мавлоно. Тажрибамдан ва мозий султонун шаҳаншоҳу ҳоқонлари сиёсатидан улги олиб билдимки, давлат агар дину ойин асосида бунёд бўлмас экан, салтанатнинг шукуҳи, қудрати ва низоми йўқолур. Бундай салтанат либоссиз кимсага ўхшарким, кўрган одам юзини ўгиргай. Ёхуд касу нокас тап тортмай кириб чиқаверадиган томсиз, эшиги йўқ чалдевор уйга менгзагай...

Шу йўсинда тузуклар иншоси бошланиб кетди. Қисқа кунлар ичида мавлоно кўк дафтарнинг бир неча саҳифасини тўлдиришга улгурди. У бундай доно фикру кенгашларни эшитишга ва қозоғга туширишга жуда қизиқиб колди.

...Қиссахон одатдагидек қора жуздонини қўлтиқлаганча Боғи Баланднинг нақшинкор ва зийнатдор меҳмонхонасига кириб келди. Соҳибқирон бугун нимадандир мамнун эди, Мавлоно Убайд бунга эътибор қилди.

Салом-алиқдан сўнг:

— Кечаги битғонимизни ўқусунлар, мавлоно! — бурди Амир Темур.

Қиссахон қўлини кўксига қўйиб: «Бош устига!» дедида, кўк дафтарни очиб ўқий бошлади: «...Мамлакатларни фатҳ айлагувчи бахтли фарзандларим ва жаҳонни идора этгувчи қудратли набираларимга маълум бўлсинким, Тангри таоло даргоҳига умид боғлаб, салтанат қуриш, давлат тутиш ҳақида дастуриламал ёзишга қарор қилдим. Токи фарзандларим, авлодимдан бўлгонларнинг ҳар бири унга мувофиқ иш юрутгайлар... Собит меҳру қарору меҳнат-машаққатлар билан тангрининг меҳрибончилиги, инояти ҳамда расули акрам Муҳаммаднинг, — унга тангри марҳаматлари-ю саломлари бўлғай, — толеи баланд миллатининг шарофати, онҳазратнинг улғувор авлоди, ҳурматли саҳобаларига қилгон муҳаббату дўстлигим орқали қўлга киритгон давлатим ва салтанатимни сақлағайлар. Бу тузуклардан ўз салтанат ишларини бошқаришда дастур сифатида истифода этгайлар, токи менадан уларга етадургон давлат ва салтанат зарару таназзулдан омон бўлғай...»

¹ Ойин — тартиб, қоида. Бу ерда: давлат қонунари маъносида.

— Халлоқи безаволга салламно!... — деди тингларкан ўзига ўзи Амир Темур, кейин давом этди: — Мавлоно! Андхойдан пирим Мир Саййид Барака ҳазратлари мактуб юборибдурлар. Ажабким, худди Ал-Форобий жаноблари билан маслаҳатлашгандай битибдурлар... Муаллими соний рисоласини ўқуғонлари аёнди. Жуда ҳам бебаҳо мактуб... Албатта дафтарга туширсунлар!.. Ёзсунлар!

Соҳибқирон пир мактубини олган заҳоти кўздан кечириб чикқан эди, уни тарих дафтарига кўчиришга топширса ҳам бўларди, аммо негадир ҳозир қиссаҳонга ўзи ўқиб бергиси келиб қолди:

— «Ассалому алейкум, Темурбек жаноблари! — бошлади мактубни соҳибқирон. — Мўғулистон сафаридан сов-саломат қайтғонларини эшитиб кичик бошим кўкларга етди... Иншооллоҳ, яқин айёмларда дийдор кўриш-гоймиз. Ҳозирча, сизга ушбу кенгашимни еткурмакка ошиқамен, зеро бу кўпдан кўнгил лавҳида асраб юрган мақсудим эрди...

Буюк зафарлар соҳибул кироми Амир Темур Кўрагон жаноби олийларига, Аллоҳ ҳамиша уни ўз паноҳида асрасун, маълум бўлсунким, унинг салтанат корхонаси Тангри таоло корхонасининг кичик бир нусхасидурким, унда турли мансабдаги ходим ва хизматкорлар (амале ва фаъле), ноиблар, эшик оғалари, яъни хужжоблар бордур. Жаноби олийлари ҳамиша хушёр ва эҳтиёткор бўлсунлар, токи вазиру лашкарбошилар, мансабдорлар, корчалонлар, сипоҳсолорлардан ҳеч бири ўз мартабалари чегарасидан чиқмасунлар ва доимо фармонингизга илҳақ бўлиб турсунлар... Ҳар тоифа ва ҳар қавми ўз ҳурматларида тутунгизким, андин сўнггина салтанат низомга келгай, давлат интизомга киргай...

Ҳазрати Муҳаммад Мустафо авлодидан бўлғонларнинг мартабасини бошқалардан юқори кўтариб, уларнинг иззат-икромини жойига қўйсунлар. Уларга қанча кўп илтифот билдурсалар ҳам, уни зинҳор исроф деган ҳаёлга бормасунлар, зеро қайси иш худо йўлида бўлса, асло исроф саналмайду... Мазкур ўн икки тоифа бирлан салтанатга зийнат бериб, шулар воситасида давлат тахтини устивор этсунлар...»

Амир Темур ўқишдан тўхтади.

— Ўн икки тоифа... Қандай тоифалар хусусида сўз кетмакда? Бу сўзларнинг маъноси недур, ҳазрат? — қисик

кўзларини соҳибқиронга тикиб сўради мавлоно. Беихтиёр муаллими ас-соний Абу Наср Форобий айтган давлат раиси учун зарур бўлган ўн икки фазилат ёдига тушди, аммо у ҳақда сўз очмади.

Мавлоно Убайд бир вақтлар соҳибқиронга муаллими ас-соний ҳақида сўзлаб, алломанинг «Фозил шаҳар кишиларининг қарашлари» рисоласидан ҳикоя қилган ва кейин уни соҳибқирон сўровига кўра кутубхонадан келтириб берганди. Соҳибқирон ўшанда рисола катта қизиқиш билан мутолаа қилиб, фозил шаҳар раисига ўн икки фазилат зарурлиги тўғрисида билиб олди ва сеҳрли «ўн икки» иборасига меҳр кўйиб қолди. Ўн икки ой, ўн икки бурж, ўн икки фазилат... Шу сабабдан пири муршиднинг мактубда ўн икки тоифа ҳақида битганлари оҳанрабодай эътиборини ўзига тортди. Соҳибқирон фикрича, салтанат бамисли бир уй, унинг учун бақувват устунлар, тўсинлар, катта чорчўплар, мустаҳкам синчлар, вассажуфтлар лозим, заминдай барқарор пойдевор керак. Салтанат ва раиятнинг турли табақалари, ёки пири муршид таъкидлаган «тоифа»лар Амир Темур назарида худди ана шулардир. Тоифалар ҳақида соҳибқироннинг ўз мулоҳазалари бор. Юртни мўғуллар босган пайтларда бу тоифалар — халқ-улуснинг теран томирлари оёғости бўлиб, забунликка юз бурди, илдизлар қуриб битди. Барини тикламоқ керак...

Амир Темур қиссахонга, ўн икки тоифа ҳақида ҳозир эшитгайлар, дегандай, мактубни ўқишда давом этди:

«...Амир соҳибқирон! Оре, рост. Камина бандангиз зинҳор-базинҳор бировга, айниқса Сиздек зоти олийларига, худо алқаган инсони комилга ақл ўргатмакдан жуда йироқдурмен. Бироқ ожизу ночор фикрларимни билдириб қутлуғ ёдингизда асли бор нарсаларни яна бир элатиб кўймак истагидан тийила олмайдурмен. Сидқидил узримни қабул айлагайсиз, деган умиддамен... Барчасини, зеро, туққан ерини обод этмакка киришғон, жаҳонда халқларни бахтли қилмакка бел боғлағон жаҳонгирга қайишғонлик, салтанатимизни қурчу бадавлат айламакка қуйинғонликдан деб билгайлар...

Алқисса. Даставвал саййидлар, уламо-ю фозилларни ёнларига чорласунлар. Улар ҳамиша саройга қадам ранжида қилишиб, мажлисларга безак бўлсунлар. Диний, ҳуқуқий ва ақлий масалаларни ўртага ташлаб фикрлар

билдурсунлар. Ҳалол ва ҳаромга оид мушкул масалаларни улардан ўргансунлар.

Бир тоифа ақлли кенгаш соҳиблари, кўзи пишган хушёру зийрак арбоблар, олисни кўриб қадам қўйгувчи оғир-босиқ кишилардан иборатдур. Уларни хос мажлисларига киритсунлар, суҳбатларидан, баҳсларидан гула кўтариб, тажрибалар ҳосил қилсунлар...

Яна бир тоифа — амирлар, сарҳангу сипоҳсолорлар, сипоҳлар. Аларга мажлисларидан жойни аямасунлар, мартабаларини юқорига кўтарсунлар. Ҳарб майдонларида рустамона саваш қурган шижоат аҳлини ҳамиша дўст тутсунлар.

Сипоҳийлардан чикқан баҳодирлар, жасорат соҳибларига, марди майдонларга фахрли ўтоға, камар ва таркаш тақдим этсунлар, эл кўзида мартабаларини эъозласунлар. Сипоҳ ва раиятни шундоқ тутсунларки, кимса кимсадан устунлик қилиб, лузумсиз сўз отмасунлар. Даражаларига қараб андоқ сақласунларки, ҳаддан ташқари бирон қадам қўя олмасунлар. Сипоҳийларнинг мартабаларини кўп кўтармасунларки, ховлиқиб кетгувсидир, кўп тушириб юбормасунларки, кўнгиллари чўккувсидур...

Яна бир тоифага етдик. Булар — мулоҳазакор ва зирлар, чаққон бош котиблар, заҳматкаш девон муншийларидурлар. Уларни тобе мамлакатлар кўзгуси деб билсунлар. Давлат хазинаси, сипоҳ ва раиятга оид ишларни тартибга солишларини, салтанат хазинасининг кирим-чиқимига тегишли масалаларни одилона олиб боришларини кўздан қочирмасунлар...

Ҳақимлар, табиблар, мунажжиму муҳандисларни алоҳида тоифага киритдук. Улар, иншооллоҳ, салтанат корхонасига ривож бергувчилардур. Ҳақим ва табибларни хасталарни даволашга, мунажжимларни қутли ва қутсиз кунларни аниқлашга, муҳандисларни эса олийшон иморатлар, боғу бўстонлар тархини чизишга ва барпо этишга сафарбар айласунлар...

Яна бир тоифа — муҳаддислар, пайғамбар ва унинг авлодлари ҳақида нақлу ривоятлар келтиргувчи муаррихлар ҳамда қиссаҳону ровийлардан ташкил бўлғай. Набийлар ва авлиёлар ҳақидаги қиссаларни, ўтмиш подшоларининг салтанатга қандай етишғони-ю қандай завоул топғони сабабларини алардан сўраб билиб олсунлар, дунёдаги воқеаларни эшитсунлар.

Бошқа бир тоифа — касбу ҳунар соҳибларидурлар. Аларнинг ҳар бир синфидан давлатхоналарига олиб келсунлар ва ўрдадан жой ажратсунлар. Уларга сафарда ва ҳазарда¹ сипоҳлари учун лозим қурол-аслаҳа, жиба-ю сипар, тўра-қалқон, таркашу ўқ ҳозирлашни буюрсунлар...

Тагин бир тоифа — ҳар мамлақату кишварлардан келган сайёҳлару мусофирлар. Аларнинг бошларини силасунлар, чунки турли диёрлардан хабарлар келтуруб тургайлар. Тагин. Ҳар кишварда тужжорлар ва карвон-бошилар тайинласунларки, турли мамлакат кишиларининг ҳол-аҳволи, туриш-турмушлари, ҳукмдорларнинг ўз раиятига қандай муомала-ю муносабатда эканликлари борасида сизга мунтазам хабар етказсунлар...

Алқисса... Салтанатларини зикр этилгон тоифаларга бўлиб, қонун-қоидаларини шунга мослаб тузиб чиқсунлар. Ўн икки тоифани салтанатлари осмонининг ўн икки буржи ва давлатлари корхонасининг ўн икки ойи деб ҳисобласунлар...»

Вожаб! Пири муршиднинг теран мазмунли сўзларини ўқир экан, соҳибқиронга бу мактубни худди ўзи ёзгандек туюлиб кетди. Мабодо шундай нома ёзиш зарурати тувилса, соҳибқирон ҳам айнан ўхшатиб битиши муқаррар эди! Салтанатни мустаҳкам тутиб тургувчи ана шундай тоифалар сурати соҳибқирон кўнглида ҳам кўпдан бўй кўрсатиб келарди. Айрим фаслларни янада теранлаштириш, бойитиш мумкиндир. Бу борада анча-мунча фикрлар ҳам йўқ эмас...

Чунончи, салтанат ишларида мураса-ю мадора, муруват ва сабр-тоқат бўлмоғи зарур, кўп нарсани билиб турилса ҳам, ўзни билмаганга олмоқ шарт... Адолату инсоф билан сипоҳу раиятни умид ва кўрқув ўртасида сақламоқ... золимлардан мазлумлар ҳаққини олмоқ... жазога фақат гуноҳкорнинг ўзини мустаҳиқ этмоқ... гийбатчи одамларга мажлис йўлини кесмоқ... раият аҳволидан огоҳ бўлмоқ, улугларини оға ўрнида, кичикларини фарзанд қаторида кўрмоқ... жоиздур.

Пири муршид ўн иккинчи тоифа ҳақида жуда ўринли айтибдурлар. Филҳақ, ҳар бир кишвар аҳли аҳволдан огоҳ бўлиб турмоқ учун диёнатли, одил қаламли

¹ Ҳазар — бир жойда туриш маъносига.

кишилардан вокеанавислар — хабаргирлар белгиламоқ зарур. Ҳокимлар, сипоҳ ва раиятдан қай бирларининг халққа жабр-зулм қилганлари хабари етса, зудлик билан чора кўрмоқ инсофдандур. Ҳар жойда сипоҳийларни қўллаб-қувватламоқ шарт, чунки улар боқий мато бўлган жонларини фоний дунё моли деб сотадилар, ўзларини ҳалокат гирдобига отадилар...

— Парвардигор пири муршидга фавқулудда илхом селини ёғдирибдур, мавлоно... — деди соҳибқирон.

— Ҳақ сўзни дедингиз, Амир соҳибқирон! — Мавлоно Убайд дафтардан бош кўтармай ҳафсала билан ёзар экан, давом этди:

— Тангри азиз айлаган зотдурлар пири муршидимиз, нақиблар пешвоси!.. Ҳар каломдаги узоқ мулоҳаза-ю мушоҳадалардан пайдо бўлгон теран мантиқ зийнати кўрингиз! Инсон заковатининг чеки-чегараси йўқлигини исбот айлабдилар...

Орага жимлик чўкди.

Пири муршид Мир Саййид Барака мактуби ҳар иккисининг ҳам хаёлини банд қилган эди...

Соҳибқирон деразадан ташқарига қаради: улар ўзлари билан ўзлари бўлишиб гупиллаб ёғаётган қорнинг тиниб қолганини ҳам сезишмаган эканлар. Шу палла хонсолор¹ таом фурсати етганлигини билдириб дастурхон ёзишга ижозат сўради.

ОЛТИНЧИ БОБ

I

Орадан беш кун ўтгач, соҳибқирон мукаррама эгачиси Қутлуғ Туркон оқа билан Хонзода хоним ва Муҳаммад Султонни кўргани Боғи Чинорга йўл олдилар... Уч кундан бери қаттиқ совуқ бўлиб турган ҳаво анчагина юмшаганиданми, ҳар нечук соҳибқироннинг кайфияти яхши эди. Аммо кўнглининг бир чети сал хижил ҳам бўлиб турибди. Чунки, Тўхтамиш ўғлонни қарши олишга кетишган Аббос баҳодир билан Муҳаммад Мираклардан ҳали ҳануз дарак йўқ.... Нахотки уни киди-

¹ Хонсолор — подшоҳ дастурхонини безатувчи.

ришиб топиша олмаётган бўлса?.. Ёки Тўхтамиш ўғлон Самарқандга келмайдиган бўлдимикин?..

Опа-укалар Боғи Чинорга қадам қўйганларида чошгоҳга яқинлашиб қолганди.

Амир Темур салтанат тахтига дохил бўлгандан бери улар камроқ учрашишарди. Чунки соҳибқироннинг кўпинча ихтиёри ўзида бўлмай вазиятга боқиб турарди. Улуғ амирнинг хос ҳаёти-ю салтанат ҳаёти орасидаги чегара йўқолиб, иккинчиси зўрлик билан биринчисининг улушини ҳам тасарруф этишни истарди.

Амир Темур уларни кузатиб келган Муҳаммад Чурога додхоҳга буюрди:

— Мамат! Совға-саломларни меҳмонхонага олиб кираберсунлар!

— Бош устига, онҳазрат! — деди Муҳаммад Чурога додхоҳ ва хизматга машғул бўлди.

Соҳибқирон ҳар гал Боғи Чинорга келганда даб-дурустан меҳмонхонага кирмас, даставвал боғни сайр этиб чиқиш одати бор эди. У бу боғни ёқтирарди. Буни ҳамма биларди. Ўша эсига тушди-ю бонуйи куброга деди:

— Боғни бир айланиб келайлик...

Қутлуғ Туркон оқа рози бўлди. У ҳам кўпинча соҳибқирон сафарга кетган вақтларида Боғи Чинорга келар ва Сароймулкхоним билан бирга боғ кезишни яхши кўрарди, анчадан бери айлангани йўқ. Унинг устига, укасининг ҳеч ким йўғида айтадиган гапи бор шекилли. Опа-ука дийдорлашувлари ҳамиша мушгоқона ўтарди.

Улар қаср рўпарасидаги катта ҳовуз томон юрдилар. Амир Темур атрофга назар ташлади. Қишки боғ... Боғ эмас, курук, шип-шийдам дарахтлардан иборат бир маскан... Либоссиз оғочлар совуқда жунжикиб туришибди. Қор-қировда қолган юпун кийинган одамнинг нақ ўзи. Ҳовузда феруза лаппакчалардан бошқа ҳеч вақо йўқ, унда-бунда қор қолдиқлари кўзга ташланади. Баҳору ёзларда мусамман юлдуз шаклини ҳосил қилиб нигоҳларни яйратадиган гулбоғчалар ҳам йўқ, бир-биридан ажралиб турадиган ранг-баранг анорзор, шафтолизор, нокзор, беҳизорлар бир хил тусда маъюсликка чўмган... Қасрнинг ўнг томонидаги ёлғиз чинор қаққайиб кўринади.

— Жаҳонгир Мирзо бу боғни бағоят хуш кўрарди, унга худди боғбондай қарарди... Боғнинг ҳам файзи кетди... — деди Амир Темур қалби тирналиб. — Ана,

барча дарахтлар боғбонсиз қолиб, жимгина қайғуларга ботгонлар, нашъалари йўқ, ховуз ҳам гўё йиғидан кўзи куригондек...

— Ундай боғбон энди қайда?.. Во-ей, ёш кетди-да амирзодам! Ёш кетди. Бағримизни ўйиб кетди... Ўн гулидан бир гули ҳам очилмагон эди...

Қутлуғ Туркон оқа уф тортди ва шоҳи дастрўмоли билан кўзларини артди. Анорзор ёнига борганларида Амир Темур тўхтади ва эгачига илтижоли кўзларини тикди:

— Опа...

Эгачи назарида Амир Темур ҳозир Туркистон юртини мусаххар этган, салтанат кутбул аъзами, мамлакат подшоси эмас, балки шунчаки кўчанинг нариги томонидаги ховлида яшайдиган бир ука, қондош жигардай кўришиб кетди. Аслида ҳам шундай, кимларгадир балки соҳибқирондир, Абулмансур Абулмузаффар Амир Темур Кўрагондур, лекин Қутлуғ Туркон оқа учун — у даставвал меҳрибон ини, ука, бир қориндан талашиб-тортишиб тушган жигарбанди... Соҳибқироннинг худди айб иш қилиб қўйиб, каттанинг олдида хижолат бўлган боладай ёлвориш, эркаланиш оҳангида сўзлашидан эгачи кўнгли алланечук бўлиб кетди:

— Қулоғим сизда, Амир соҳибқирон! Сўзласунлар, жоним тасаддук!

— Маслаҳатгўйим ўзларидурлар, Аллоҳга шукур... — деди Амир Темур. — Дунёнинг юмушлари чигал экан, учи-кети йўқ катта савдоларга отилгон эканмиз, опажон! Қарасангиз, гардуннинг кўзи юмук, адолат дийдаси ожизу нотавон... Англамайдурмен, не ёзуғим бор эрдик, парвардигор менга шундай меҳрибончиликни раво кўрди? Ҳавоий нафсга банди бўлмасам, турли фитна-ю фасод, фисқу фужур аҳлидан йироқ юрсам, покиза рўзгор айласам, пайғамбар саллаллоҳи алайҳи васаллам айтгонларига риоя қилиб, кечиримлилик мақомини баланд тутсам, ёмонларнинг жазосини берсам, юртнинг тинчлигини ўйласам... Раоё ва бароёга илгимдан келгунча яхшилик кўргизсам... Нечун энди арслондай дилбандимни, дунёга келиб, ҳали яшашнинг маъно-мазмунини англаб етмагон, умр лаззатини тотиб улгурмагон покиза хилқатни бағримдан юлиб олди?.. Қайси гуноҳларим учун?.. Нечун энди бир нигори ҳурдан ҳам аъло, кўрку ҳуснда танҳо, япроқ ёзмокқа чоғланган гулдек нозик, нур бамисли маҳлиқон

мукаррама қизим Хонзода хоним, ойдек кўнгли тугмадек тугилиб, ўн етти ёшида суйанган тоғини, вафодор ёрини тупрокка қўйиши керак?.. Ахир улар жумла мўминлар қатори умр кечиришлари мумкин эди-ку, Опа?..

Қутлуғ Туркон оқа кўпдан соҳибқирон билан ўхшаш суҳбат бўлишини билар, вақти-соатини кутар ва ўзича шайланар эди.

— Амир соҳибқирон... Хўлу куруққа, озу кўпга бардош бера олғон одам еру осмоннинг шоҳидур, деган экан машойихлар... — юпатмоққа уринди эгачи соҳибқироннинг елкаларини меҳрибонларча силаб. — Не чорамиз бор? Бу ҳодиса бандасининг ихтиёридан буткул четдадур. Охири шодлик бўлғон ғам ғам эрмас... Бари Аллоҳнинг буюрғони.

— ...Бундан ўн беш йил муқаддам — давом этди Амир Темур гўё опасининг сўзларини эшитмагандек. — Али Жониқурбонийнинг рўшнолиги йўқ зах ертўласида, асфаласофилиннинг катагидай дўзахий бир хужрада бургаларга таланиб ётғонимда, яратганга илтижолар айладимки, мени шу зиндондан эсон-омон ёруғ дунёга чиқаргил, тилагимни ато этгил, салтанат тузишимда мадад бергил, фарзандларим умрини узоқ қилгил, улар мендан кейин ҳам юртни ақлу идрок, тафаккур билан бошқарсунлар, Туркистонзамин донғини дунёга таратсунлар, даври давронлар сурсунлар, деб...

Амир Темур тин олди. Қутлуғ Туркон оқа соҳибқироннинг изтиробли чеҳрасидан кўзини олмай, босиқ деди:

— Парвардигор тилагонларини берди, мана ўша ер юткур зиндондан соғ-саломат чикдилар... Ёдингиздаму, ўшанда икки ой бизнинг уйда яшагон эрдингиз. Мана, салтанат туздилар... Амир соҳибқирон, буни бири кам дунё дейдилар-да...

— Бири кам дунё... дейсизму? Дунё... Ахир мен ўша дунё эгаси бўлиб турибмен-ку...

— Ҳа, бири кам дунё... Ўша сиз эгаллаб тургон дунёнинг бири кам, укажоним... Ҳар тўқисда бир айб экан... Кўрингиз, бизнинг ёлғизгина ўғлимиз бор, Амир Сулаймоншоҳ. Умримиз яна бир фарзанд бер, деб худога ёлвориш билан ўтди-я! Шукур, худо берди... Шодимулк оқа, қизимиз туғилди. Аммо вояга етмай худонинг ўзи олди... Йиғлаб-йиғлаб Шоҳизиндага кўмдик. Сароймулкхоним, гулдай келиним, бундай ақлли, гўзал ва оқила

аёл зоти камдан-кам дунёга келади. Ҳамма маҳди улё — улуғ бешик соҳибаси, деб мақтов сўзларини айтади. Аммо бечора келиним бир тирноққа зор, қани энди ўша бешикни тебратиш унга насиб этса!.. Парвардигори эгамнинг иродаси шундоқ эрса, бандаси не қилсун?..

Тўғри, Бибининг кечалари қандай изтироб чекиб чиқишларини Амир Темур яхши биларди. Ўзи ҳам зор-зор йиғлаган муштипар аёлни кўп бор юпатган, кўз ёшларини артиб қўйган...

Эгачининг мантиққа бой сўзлари Амир Темурга худди ёниб турган чўкка сув сепилгандай таъсир қилди. Бирдан бутун аъзои бадани сесканиб кетди! У шу палла чархи кажрафторнинг аччиқ ҳақиқатини — ҳамма нарсанинг ўткинчи эканлигини, муқаррар кун етгач, тожу тахт ҳам, давру даврон ҳам, дўсту ёрон, қавму қабила, мулку хонумон ҳам — барча-барчаси бирор-бир наф етказа олмаслигини англаб етган эди!

— Халлоқи безаволга салламно... — деб қўйди беихтиёр...

II

Улар беҳизор томон юрдилар. Энди Амир Темур гапирмас, хаёлга чўмиб ерга тикилганча охиста қадам ташларди.

— Бергувчи ҳам ўзи, олгувчи ҳам... — деди бирдан Қутлуғ Туркон оқа. — Бир нарса берса эвазига бошқа нарса оладир, Амир соҳибқирон! Ўзлари биладилар, бобомиз Барқал баҳодир хазратлари тезроқ набира, яъни ўғил кўришни истагонлар, аммо Тарағай баҳодирга фарзанд насиб этавермагон. Кейин ўғил кутиб турганларида мен туғилибмен... Бобомизнинг кўнгиллари чўккандай бўлиб қолибди... Набира кута-кута тоқати тоқ бўлгон бобомиз, э бор худо-ё, агар жон керак бўлса шу жонимни олу Тарағай баҳодирга бир ўғил ато эт, дегандай оламдан ўтибдилар. Шундан олти ойдан сўнггина ўзлари, Темурбек, дунёга келгон экансиз... Бобо эвазига набира туғилгандай... Шундоқ экан. Парвардигор ўзларига, Амир соҳибқирон, салтанатни раво кўрди, жаҳон ахли аро азизу муқаррам этди, дунё берди, эвазига ардоқли нарсангизни олди... Ўзи бергонини олди холос...

Амир Темур ялт этиб эгачига қаради:

— Яъни, Опа... Яъни, менга салтанатни берди-ю... эвазига кўзимнинг оқу қораси бўлгон ўғлимни олди, де-моқчимилар?..

— Балки шундоқдир... Буни ёлғиз Аллоҳ биладур...

— Оҳ, агар Жаҳонгир Мирзо ўғлим қайтиб келгонида эрди, тожу тахтини ҳам олсунлар эди мендан!.. Олсунлар эди!.. Рози эдим!!! — деб юборди ҳасратда Амир Темур.

— Йўк, Амир соҳибқирон! Бу ношукурчилик бўладур, — Қутлуғ Туркон оқанинг бодом қовоқлари уюлди. — Тавба деб гапирмоқ керак, шукур қилмоқ керак. Бундай сўзларни сира айтмасунлар, сира айтмасунлар! Сизга ярашмайдур. Эсингиздаму, Куръони каримда: «Аллоҳдан унинг ўзи қилгон иш ҳақида сўралмайдур...» дейилгон. Ҳамма нарса Аллоҳнинг мулки, бизлар ожиз бандалармиз холос. Худойимнинг қаҳри келиб бу кунимизни ҳам кўп кўрмасин тагин? Тавба деб гапирсунлар, шукур этсунлар!..

— Тавба қилдим, тавба қилдим!.. — деди Амир Темур маҳзун бир ҳолатда. — Ношукурчилик зинҳор ҳаёлимда йўк, асло! Бу сўзлар борлигимни кемириб тинчлик бермай келар эди. Айтиб юборибмен... Ниятим бошқа нарса эди, Опа!

Қутлуғ Туркон оқа, тушундим дегандек, соҳибқирон бошини эгиб суюб манглайдан ўпиб қўйди, ўша асно кўзларидан бир томчи ёш ерга юмалади. Кейин яна укасининг елкаларини меҳр билан силай бошлади.

— Бандаси шундоқмиз-да: бергонда нега бердинг, деб сўрамаймиз, аммо олгонда нега олдинг, деб даъво эта-миз... Шукур қилмоқ керак. Мана Муҳаммад Султонни берди, от изини той босади, худо хоҳласа... Тагин бир гап бор, Амир соҳибқирон. Шабистонингиз махрами сулув маъшуқангиз Тағой Туркон оқа ҳам, худонинг каромати билан юкли бўлгон... — Қутлуғ Туркон оқа силашда давом этаркан, укаси елкасига уриб-уриб қўйди. — Яқиндагина, иншооллоҳ, арслондай ўғил туғиб беради...

Амир Темур изо тортиб, ёш йигитлардай кизарганча ерга тикилди. Уни бир лаҳза ҳаёл олиб кетди.

Чиндан ҳам бу қувончли ходиса эди. Милодий 1366 йилда Мироншоҳ Мирзо туғилгандан бери — шунга, мана, ўн бир йил бўлмоқда — ҳарам ўрамида ҳали биронта хотини ёки маъшуқасида шундай мужда юз бер-

маганди. Мўъулистондан қайтилган кун чоршанба эди, Боғи Баланд меҳмонхонасига кирганларидан сўнг Сароймулкхоним фурсат топиб, подшолик бўстонида бир гулнинг гунча очаётгани хусусида пичирлаб соҳибқирон кулоғига шипшитиб қўйди... Махди улё ўзини бутун ҳарамга жавобгар сезганидан аёллар икир-чикир гапларидан юқорида бўлишга ҳаракат қилар, кўп нарсани ичига ютар, кундошлик жиҳатидан ҳеч ким билан баҳслашмас, бирон жанжал чиқса дарҳол оналардай тинчителишга уринарди. Кундошлар ҳам унга рақиб сифатида қарашмас, гапига кулоқ солардилар. Бу нарса соҳибқиронга ёқарди. Амир Темур юраги ҳаприқиб, маъшуқасига назар солди, аммо ҳеч қандай ўзгариш кўрмади... Шу ондаёқ шанба оқшоми Бўстонсаройга, Тағой Туркон оқа хузурига боражагини ҳарам оғасига маълум қилди.

...Салгина тўлишиб яна ҳам гўзаллашиб кетган ёш жувоннинг ҳазрат ташрифидан боши осмонга етди. Ҳали бўйида бўлгани ҳам ошкор эмас эди, аммо оппоқ юзида битта-яримта жигарранг доғлар пайдо бўла бошлаганди. Амир Темур маъшуқасини эркалаб тиззасига ўтқазар экан, қора шахло кўзларига қаради, қора шахло кўзлар ўтли нигоҳга чидай олмай ерга тикилди...

Соҳибқирон чўнтагидан бир шода дур олиб, ҳаяжондан қалби гурсиллаб уриб турган сулув дилдорнинг толма бўйнига такди... Ҳазратнинг кенг кўкрагига бош қўйган Тағой Туркон оқа бир томондан ҳарамда хотинлар ва маъшуқалар орасида юкли бўлиб мартабаси ошганидан, иккинчи томондан, бу Амир Темур Кўрагон «юк»и эканлигидан бемисл ғурур туярди. Нозик бадан ҳарорати соҳибқирон завқини жўштириб юборди... Жуда ҳам айтадиган гаплари кўп эди, аммо ёнгинадаги шоҳона жой, ҳозир сўз фурсати эмас, дегандай ўзига имларди...

Кутлуғ Туркон оқа бирдан соҳибқирон хаёлини бўлди:

— Темурбек, юрагингизга азоб бераётгон нарсани кўриб, билиб турибмен, хатто ўйлаб юрибмен... Балки сиздан кўра мен кўпроқ изтиробдадурмен... Албатта, сиз эркак кишисиз, бу сўзларни айтиш ўнғай эрмас...

— Шундоқми, Опа...

— ...Сиз, бечора келинимиз Хонзода хоним ҳақида, унинг тақдири қандай кечиши тўғрисида чексиз ғаму андух денгизига ботгонсиз... Топдимму?

— Ох, Опа! — деди хайратда Амир Темур. —

Кўнглимни аён кўриб турибсиз... Топдингиз! Қандай топдингиз?.. Худди ана шу дард борлиғимни чулғаб, мени қийноқларга соладир! Асли шуниси сизга айтмоқчийдим!.. Айтингиз-чи, энди унинг тақдирини нима бўладир?..

— Ёш нарса... ёлғиз ўтиши мумкин эрмас. Ёлғизлик ёлғиз худога ярашадир... — деб қўйди Қутлуф Туркон оқа.

— У холда... Нахотки, менинг жон қизим кимларнингдир қўлига қараб сарғайиб, мустарликда қисинди бўлиб яшайдир? Кўришганда нима дейишни, қандай юпатишни ҳам билмаймен... — Амир Темур қаср томонга қаради. — Қулоғимга етдики, айримлар уни боши очик деб ўйлаб, оғиз солмоқчи ҳам эмишлар. Аммо мен ундайлар қадам изи босишмасун, деб буюрдим...

— Қизи бор уйга, боши очик бўлса, одам келаверади, таомил-да бу...

— Тўғри дедингиз... Уни тутиб туриш ҳам инсофдан эрмас... Ёш умрига завол бўлмоқ эса гуноҳи азимдур... Не қилмоқ керак? Кўнгли ярим қизимнинг холи не кечадир энди, Опа?..

Бояни айланиб келишаётиб ҳовуз ёнида тўхтадилар. Шу ерда Амир Темур ўнг оёғида зирқираган ёқимсиз оғрик турганини сизди. Узоқ вақт тик туриб қолса ёки совуқ ўтса, оёғи дарров билинтиради.

Қутлуф Туркон оқа ўйланганча феруза лаппакчаларга тикилиб қолди. Бир оздан кейин ғамгузор эгачи укасини юпатиб дона-дона қилиб бундай деди:

— Бошларида юрт ташвиши, мулку мамолик, раоё-ю бароё ташвиши бисёрдур, Темурбек... Маликам ҳали ёшлар, Муҳаммад Султон амирзода эса — гўдак... Уч-тўрт йил ўтмоғи аниқдур. Бу ҳақда қўп ўйланмасунлар! Буни биз аёлларга қўйиб берсунлар. Худо бир йўлга бошқаргай, бунга шак-шубҳа йўқ. Ота-боболардан қолган удумлар бор... Хонзода хонимни ҳеч қаёққа бермаймиз, асло ўқситмаймиз! Маликани бошқа ёққа узатсак, куппа-кундузи ўтга ташлаш бўларди. Укажоним, кўнгилларини тўқ тутаберсунлар!... Ха-а!..

Соҳибқирон ҳурмат бажо келтириб, меҳрибон эгачининг ўнг қўлини олиб ўпиб қўзларига суртди.

— Худо умрингизни зиёда қилсун, Опа! Амир Тарағай авлодлари бахтига, илоҳо, соғ-саломат бўлингиз!

Амир Темур енгил тортди. Елкасидан тоғ ағдарил-

гандай бўлмаса ҳам ҳар қалай ўрнидан силжиди... Атрофга қараркан, боғни шип-шийдам, файзсиз эмас, тасавурида ям-яшил либосга ўралган ҳолда кўрди. Ҳаво ҳам унчалар совуқ эмас экан, аммо ҳали шундай туюлганди. Ҳовуз, яхшироқ қарамаган эканми, суви бўлмаса ҳам, феруза рангда ажабтовур чиройли товланиб тураркан...

— Амир соҳибқирон! Кенгашиёғиз лозим бўлгон гап бор... Ичкарида Хонзода хоним олдида бу ҳақда сўзлаш ўнғайсиздур... У мотамда ўлтирибди, гап эса тўй ҳақидадур... — Қутлуғ Туркон оқа пичирлагандай деди. — Оқа Беги хоним бўй етиб қолди... Тўй ҳам бир ҳавас. Сароймулкхоним билан Орзумулк оқа мени ҳол-жонимга қўймайдурларки, ўзларидан тўй ризолигини олсам... Атай Шаҳрисабздан келибди. Муҳаммадбек ибн Мусога узатсак, бошларини қовуштириб қўйсак, дейишяпти. Амир Мусо жаноблари ҳам шундоқ дермишлар...

Амир Темур ҳалим табиат, юмшоқ кўнгил, тортинчоқ, кўхликкина, қора кўзлари ҳамиша мунгли боқадиган кизини жуда ҳам ардоқлар, ҳар куни ҳолидан хабар оларди. Оғаси вафот этгач, қаттиқ қайғуриб юборди, уриниб ҳам кетди. Энди сал ўзига келгандек... Кўпдан бери бу гап бор ўзи. Қиз ўн саккиз ёшга кирди, Муҳаммадбек ҳам яхши йигит мақомидадур. Шу миш-миш чиққандан бери, гапнинг сираси, Амир Темур пинҳона бўлғувси куёвни назардан қочирмай юради. Жетага отланишда Умаршайх Мирзо сардорлигида бир неча амирларни чапдаст навкарлар ҳамроҳлигида ўзидан аввалроқ юборган ва ўшал сафга Муҳаммадбек ибн Мусони ҳам қўшган эди.

Амир Темурнинг ўйланиб қолганини кўрган Қутлуғ Туркон оқа:

— Тенгини топсанг текинга бер, деган экан ота-боболар... — деди кулиб. — Тенги чиқиб турибди. Қандай йўл тутгайбиз?

— Ўзингиз биласиз, Опа... Нима десалар шу бўлур...

— Нима десам шулми?.. — Қутлуғ Туркон оқа жилмайганча савол назари билан Амир Темурга тикилди. — Нима десам-а?.. Лафз — лафз... Бўпти! Ундай бўлса... Амир соҳибқирон, куёв муборак бўлсун!..

Амир Темур «Қуллук!» дегандай бош эгди.

ЕТТИНЧИ БОБ

I

Соҳибқирон келини Хонзода хоним учун совға-саломга даставвал икки сандиқ тайёрлатишни буюрди... Биринчи сандиқ тилла исирға-ю билакузуклар, ёкут кўзли шоҳонаклару кумуш камарлар, зар тақинчоқлару маржонлар, олтин зебигардону тиллақошлар, қашқар балдоғи-ю ойбалдоқлар, кўзмунчоғу туморлар, Яман ақиқи, жавохиру забаржад, лаълу ёкут, дурри Адан, гавҳару марваридлардан иборат бўлсин. Иккинчиси, шойи либослару ғўзапўчоқ нусха ғижим рўмоллар, шол рўмоллару баркут нимчалар, заррин чопонлару пушти авра тўнлар, чунки Хоразм маликаси кўпинча пушти рангли тўнлар киярди, пишиқ саҳтиён маҳси кавушлар, кимхобу турфа хил атласлар, катону занданача ва ҳоказо тоза матоларга тўлдирилсин. Тағин упа-эликлар учун яна бир нақшиннигор сандиқча олинсин, унга пардозандоз буюмлари — мушку анбар, Бағдод сурмаси, Эрон атири, Ҳиндистон хиноси, Хўтан уфори, боққанда хуснга хусн кўшадиган зарҳал гардишли ойдай тиниқ кўзгулар, сурмадонлар, қошқаламлар, «олтин варақ» деб аталмиш хол ва қошга суриладиган қора бўёқлар солиб қўйилсин...

Соҳибқирон тухфасини Муҳаммад Чуроға додхоҳ олиб кирганида малика сандиқларни кўриб қувониб кетди, шаҳло кўзлари нурланди. Сароймулкхоним билан Оққиз тухфаларни кўришда Хонзода хонимга кўмаклашдилар. Малика сандиқларнинг чиндан ҳам тоза ва ноёб нарсалар, тансиқ моллар билан тўлиб-тошганлигини кўриб хайратда қолди... Ўткинчи дунё моли ўн етти яшар тул қолган кўнгли ярим келинчак хаёлини ўғирлашга қодир эди. Шундай бўлди. Соҳибқиронга ҳам шу керак эди аслида, мотамсаро келини андак овунса, дунёга сал кўнгли илиса бас...

Меҳмонхона остонасида Амир Темур билан Қутлур Туркон оқани қўлида заррин жиякли зангори бахмал кўрпачага ўралган Муҳаммад Султонни кўтариб олган Сароймулкхоним ва ўзига бир оз оро берган, чунки шундай қилишга уни Оққиз ундади, аввалги хусни камкам ўзига қайтаётган Хонзода хоним қаршиладилар.

Ажойиб бир ҳолат юз берди: бобо билан биринчи наби-
ра дийдорлашмакда эдилар!

— Келсунлар! Келсунлар!.. — эркалади соҳибқирон
бекасам заррин тўнча кийдирилган гўдакни қўлига олар-
кан. — Паҳлавонни кўрингиз, паҳлавонни!.. Паҳлавонни!..

Амир Темурнинг Муҳаммад Султонни расмана би-
ринчи марта кўриши эди. Жаҳонгир Мирзо вафотидан
кейинги паллаларда гоҳ-гоҳ тўғри келганда чақалокни
кўришга интилмас, кўзикиб қолмасин деб кишилар ол-
дида суюшдан қўрқар, фақат кўнгли увалганча бағрига
босиб қўйиш билангина чекланарди. Мана энди Муҳам-
мад Султон билан илк бор юзма-юз кўришиши... Бо-
нуйи кубро, маҳди улё ва малика соҳибқирон ёнида уни
кузатиб турар эдилар.

Ёпинчиғни очиб, тўйган қўзидай ухлаб ётган гўдакка
термилар экан, соҳибқирон қалбини алақандай туйғу
чулраб олди... Жажжигина гўдак дунё ишларидан мут-
лоқ беҳабар, ҳозир уни кўрмакка улуғ бобоси ташриф
буюргангани хаёлига ҳам келтирмай уйкуга фарқ ётарди.
Бирдан худди бобоси келганидан мамнун бўлгандай ши-
рингина кулиб қўйди... Унинг кулгуси шу қадар бе-
ғубор эдики, соҳибқирон кўриб алланечук холга тушди,
узоқ йиллар бундай мўъжизани учратмаганди! Гўдак-
нинг беғубор кулгуси чиндан ҳам Аллоҳнинг мўъжиза-
сидир! Халлоқи безаволга салламно!

Амир Темурнинг борлиғига нур югургандай бўлди,
кўнгли ёришгандан ёришиб кетди! Мана шу Муҳаммад
Султон — ўғлининг ўғли... Ана, отасига ўхшаб турибди,
қошлари, лаблари, бурунчаси, манглайи — бари худди
ўзи!.. Бас, ўғлининг номи ўчмайди, изи йўқолмайди!
Валиаҳднинг ўғли валиаҳд бўлгусидир!

— Кўрдингизму, паҳлавонни!.. — деб қўйди Сарой-
мулкхоним.

Амир Темур меҳр билан юзини оҳиста набирасининг
момикдай юзларига босганча бир лаҳза жим қолди...
Соқол санчилганидан безовта бўлган мурғаккина уйқу
аралаш тамшанганча ингранди-да: «Роҳатимга халал бе-
раётган ким у?...» дегандай, бошини бир-икки қимирла-
тиб қўйди...

Қутлуғ Туркон оқа болани соҳибқирон қўлидан олар
экан, эркалаб бола тилидан сўзланди:

— Хуш кейибсиз, бовойон! Сизни йуда соғиндим...

Мени қачон йангга обоясиз?.. Мен йангга тайёйман... Тайёйман! Фақат энагам йўйгагимни куйуклаб қўйсайай бўйди...

Ҳамма хандон отиб кулиб юборди. «Оббо, уни қаранглар-а!»», «Жангга тайёр эмиш!..», «Йўргагини курукласа бас эмиш...» қабилда сўзлар эшитилди. Хонзода хонимга ҳам нашъа килди, у овозсиз оғзини беркитиб куларди. Кулги садолари орасида Муҳаммад Чурога дод-хохнинг йўғон овози ажралиб турарди.

— Хўп, хўп, паҳлавон! Жангга боясиз! Жангга боясиз... — чақалокқа тақлид қилиб деди Амир Темур кўзларидаги ёшларни артар экан.

Сароймулкхоним эгачидан болани олди-да, бир ўпиб Хонзода хонимга узатди. Оққиз, бирор кўмак керак бўларми дея, ўша ерга шошилди. У гўдакни кўрмоқчи бўлиб дам-бадам бўйнини чўзар эди. Малика ўғилчасини бағрига босганча авайлаб ёпинчигини ёпиб қўйди, кейин нарироқда кутиб турган энага Холдона бибига берди...

Меҳмонлар устига башанг дастурхон ёзилган сандал атрофига, шоҳи кўрпачаларга ўлтирдилар. Соҳибқирон жияқлари барқут гулдор кўрпа остига оёқларини узатди. Ўт харорати дарров зирқираб оғриб турган ўнг оёғига, сўнг ўнг қўлига етиб борди.

— Мўғулистон томонларда қийналмадингизму, Темурбек? — сўради Қутлуғ Туркон оқа мийиғида табасум билан.

— Ёғийни қочирдик... Мақсудимиз ани тутмак, бир-варакайига иддаоларидан қутулмак эрди.. — деди Амир Темур. — Аммо Қамариддин яна жон сақлаб қолди, худонинг айтғони бўлар экан-да...

Сароймулкхоним соҳибқиронни кўпдан қийнаб келаётган ўша муртад Қамариддин ҳақидаги ёқимсиз гапларни тезроқ ўзгартиришни истарди. Маҳди улё деди:

— Амир соҳибқирон... Мол-хирож олиш ҳақидаги тузуқлардан фуқаро мамнун эмиш... Райят хурсанд, ҳам-манинг қўли дуода...

— Шундоғму?.. — хайратлангандай деди Амир Темур. — Рост, босқинчилар замонида кўп нарса издан чиқиб кетмиш эди... Райят оғир аҳволда, юрт пароканда, ҳар ёқда вайронагарчилик... Энди уни обод қилишимиз жоиз... Бу борада фуқародан мол-хирож олиш, солиқ ундириш жуда ҳам чирсиллаган муаммо ҳисобланади...

Хамма соҳибқиронда бу ҳақда гапириш истаги борлигини сезди:

— Барини изга солмак лозим бўлди... — давом этди Амир Темур. — Кимки бирон саҳрони обод қилса ёки кориз¹ қурса ё бирон боғ кўкартирса, ёки хароб бўлиб ётган ерни чаманга айлантирса, биринчи йили ундан ҳеч қандай солиқ олинмасун, дедим. Бу ўшанга ажр ҳисоблансун. Иккинчи йили фуқаронинг ўзи ҳиммат қилиб берганини олсунлар. Учинчи йили қонундагидек олсунлар... Бундан бошқа, ёзги, баҳорги ва кузги экин-тикинлардан олинган ҳосил раиятнинг ўзига қолсун... Лалмикор ерларга келганда учдан бир, тўртдан бир қондасига кўра иш юритсунлар... Яна. Кориз, булоқ, дарё ва сойлар суви билан суғориладиган ерларни ҳисобдан ўтказсунлар ва ундай ерлардан олинган ҳосилдан икки ҳиссасини раиятга, қолган бир ҳиссасини олий саркорлик² учун ажратсунлар... Яна. Раият етиштирган ҳосилнинг бир харвор³ буғдойини беш мисқол⁴ кумуш, бир харвор арпасини икки ярим мисқол кумуш миқдорида баҳоласунлар... Яна. Буюрдимки, солиқни яхшиликча олсунлар, калтак, арқон ишлатиб, ишни уриш-сўқишгача олиб бормасунлар, ҳеч кимни банд этиб, занжир билан кишанламасунлар...

Амир Темур, мол-хирож масаласида батафсил тўхта-ларкан, адолат тамойилларига риоя қилиниши зарурлиги, раиятни қашшоқлантириб қўймаслик кераклиги ҳақида гапирди. Акс ҳолда бу салтанат хазинасини камбағаллашишга олиб келишини урғулади. Хазина камайса, сипоҳни тутиб бўлмайд қолади. Сипоҳсиз салтанат салтанатми?..

— Аъло дедингиз! Сипоҳсиз ҳеч қандай салтанат узокқа боролмайдир, Амир соҳибқирон! Кам бўлмангиз! Улус-халқнинг дуосига қолибсиз... — маъқуллади Қутлуғ Туркон оқа. У мавзуни ўзгартириш учун, гарчи хабари бўлса ҳам, билмагандай сўради: — Айтгандай... Жўжи улуси шахзодаси қошингизга келаётгон эмишму...

— Ҳа, Мангқишлоқ ҳокими Тўйхўжа ўғлон фарзан-

¹ *Кориз* — ер ости сувларини йиғиш ва уларни юзага чиқариш учун қуриладиган ер ости иншооти.

² Яъни, салтанат хазинаси.

³ *Харвор* — уч юз килограммга тенг оғирлик ўлчови.

⁴ *Мисқол* — Тахминан 4,8 граммга тенг.

ди Тўхтамиш ўғлон шундоқ истак билдирибдур... — Соҳибқирон узун қўлларини кўрпа остидан чиқариб сандал устига қўйди. — Дашти Қипчоқ томондаги вазият мамлакатимиз учун бағоят муҳим... Жўжи улуси бизга дўст эрмас... Ва улар бизларни ёқтирмайдурлар, чунки юз эллик йилдан бери бу юртни Чингизхон авлодлари бошқардилар, эзгу одатларимизни топтадилар, мамлакатимизни хароб этдилар... Уларнинг фикрича, шундоғ давом этабермоғи лозим эди... Энди эса Туроннинг ўзидан чиқсон, подшоликка дахли йўқ, қандайдир шухрат таратмагон бир бекнинг ўғли юртга эгаллик қилиб турибдур... Ана шу салтанат тизгинини ўзимиз қўлга киритганимизга чидай олмайдулар... Улар давру даврон суришлари керак, биз эса хизматкорликдан нари ўтмаслигимиз лозим эди... Ундан кейин ҳеч ким, мана шу Темурбекнинг ишлари бир юришиб кетсун, Турон мамлакати гуллаб-яшнасун, деб бизга меҳрибончилик кўргизмайду. Ҳеч қачон! Аксинча, иложининг борича халал етказадилар, тўскинлик қиладилар. Юрт ичида тескаричилар бор, бузғунчи унсулар кўп... Улардан фойдаланадилар... Бас... Шимолий чегараларни мустақкамлашимиз даркор, бизга йўлдошу қўлдошлар керак. Шу маънода Тўхтамиш ўғлон келишига умидлар боғлайдурмен, Опа... Қани келсунчи, кўрайлик-чи... Аллоҳ ноумид қўймасин ишқилиб... Барчаси суннати Аллоҳдандур, албатта...

— Худо ёрингиз!.. Тилагимиз — юртимиз тинч бўлсун... Ҳам ўзларини эҳтиёт қилсунлар, Темурбек!

— Аллоҳ ўз паноҳида асрасун!... — қўшилди Сароймулкхоним.

— Худо пошшо эгам, деганлар... — деб қўйди ўз ўзига айтгандек Муҳаммад Чуроға додхоҳ.

— Қуллуқ... Мана яқинда хабар етдики, қариндошимиз хоразмшоҳ Юсуф Сўфи Кот билан Хеваққа яна чопқун уюштирибдур... — деди вижингандек Амир Темур...

Сароймулкхоним ҳайратда Қутлуғ Туркон оқага кўз ташлади. Бу қарашда: «Ҳазрат Хоразм ҳақида гапириб юбордилар-ку... Сал сабр қилсалар бўлармиди... Бунга Хонзода хоним қандай қарайдир энди?.. Шўрлик келинимиз ўз дарди билан ўзи эзилиб, азоблар тортиб юрибди-ку?..» деган маъно яширинган эди. Хонзода хоним эса хотиржам ерга қараб турарди...

Малика бунга ўрганиб қолган. Амакиси Юсуф Сўфининг қайинотаси валинеъматни Амир Темур Кўрагон билан таранг муносабатларини ўйлаганда хамиша шўрлик маликанинг юраги қон бўлади... Нега энди икки ҳукмдор келиша олмайдилар, мураса отини тутмайдилар? Ахир шунинг учун куда-андачилик ришталари билан бир-бирларига боғландилар-ку!.. Оҳ, бу қандай қисмат эканки, суйганига тегиб бахтли бўлолмаса, икки салтанатни хешу ақрабога айлантиришда хизмат қилиши керак бўлган тўйи ҳали роҳатини туюб улгурмай азага айланса!.. Амир соҳибқирон Жаҳонгир Мирзо билан Хонзода хонимлар ақди никоҳини «салтанат хужжати» деб атаган эдилар... Агар Самарқандга келганига уч йилдан ошаётган бўлса, «Ана, яна Юсуф Сўфи жанг қилибдур!..», «Тагин Хевақни форат этибдур!..», «Бухорони босибдур!..» қабилдаги пана-пастқамлардан отилган ҳар хил дашномлардан қулоғи бўшамди, хоразмшоҳнинг ҳам босқинлари тўхтамади... Икки салтанат ўртасида илиқлик пайдо бўлишини дил-дилдан истаган малика бунинг учун нималар қилиш лозимлигини ўйлаб ўйига етолмайди. Ҳаммасига ўзини айбдордай хис қилади, ўз ёнига ўзи қоврилади...

— Назаримда, Хевақ билан Котга чопқун уюштириш Юсуф Сўфининг иши эрмас... — сўзга аралашди Қутлуг Туркон оқа оҳиста Сароймулкхоним ёнида кўрпа жиякларини ўйнаб ўтирган Хонзода хонимга бир қараб қўяр экан. — Ахир шундай қилса, у қудасига қарши борган бўлади-ку! Қариндошга қилич кўтарган бўлади-ку, Темурбек? Буни худо кечирмайдур!

— Шубҳасиз, хоразмшоҳ ундай йўлга юролмай-дур... — эгачини сезилар-сезилмас қўллаб-қувватлади Сароймулкхоним... — Барчаси фитначилар ишидур...

Бонуйи кубро билан маҳди улё шундай дер эканлар, Юсуф Сўфи ҳақидаги адолатни айтиш эмас, балки кўпроқ малика Хонзода хонимни ёлғиз қолдирмаслик, унга, биз ёнингиздамиз, соҳибқирон гапирсалар қудаларидан ўпка қилиб гапиряқдилар, яқин кишидан ўпка қилинади-да, буни тўғри тушунингиз, дейишмоқчидай эдилар.

Амир Темур бирдан бошини эгиб ўлтирган Хонзода хонимга қаради, унинг руҳан эзилаётганини кўриб, шу ҳақда сўз очганидан ичида койинди. Нима қилар эди бу ҳақда сўз очиб? Энди вазиятни ўнгламоқ лозим... Аммо

қариндошчилик, қуда-андачилик бошқа, давлат муносабатлари бошқа... Ҳуртадаги рангларнинг хилма-хил товланишларини ўзгартириш жуда қийин... Касални яширсанг иситмаси ошқора қилади, деганларидай, пинхон тутиб бўлмайдурғон нарса. Ахир жуволдизни қопнинг ичида ҳеч сақлаб бўладими?

— Хонзода хоним, қизим... Ўғлим ўрнида ўғлим... — деди Амир Темур. — Унинг кўнглини ҳамиша авайлаб келамен... У менинг дилбандимдур, юрагимнинг бир парчасидур, тобақай тирик эканмен, қўлим унинг ёруф манглайини силашдан, тилим бемисл ақлу идрокини мақташдан, кўзим кўрку хуснани кўриб қувонишдан асло толмайдур! Озор чекдириб қўймасмен. Асло! Билсунларким, Хонзода хоним Амир Темур хонадони муртазойи муқаррама маликаларидандур ва шундай бўлиб қолгувсидир!..

— Аллоҳ умрингизни зиёда қилсун, ҳазратим!.. Толеимизга дунё тургунча турингиз, илоҳо!

Хонзода хоним шундай дегаҳ, шарт ўридан туриб тавоф айлаб соҳибқирон тўни пешини ўпди... Амир Темур қизалоғини эркалаб бағрига олган отадай малика бошини оҳиста кучоқлаб ўзига тортди... Бонуйи кубро билан маҳди улё, Муҳаммад Чуроға додхоҳ, ундан нарида Муҳаммад Султонни кўтариб олган Холдона биби ва Оққизлар Амир Темурнинг катта-катта кўзлари ёшга тўлганини, икки томчи ёш маликанинг бошига томиб тушганини кўриб турардилар. Валинеъматининг бағрига бош қўйган Хонзода хоним ҳам унсиз йиғлар эди... Эй, дунёи бевафо!.. Шу топда Амир Темурнинг ҳам, Хонзода хонимнинг ҳам кўнгилларида тугён урган армонларни, — малика учун суюкли ёридан айрилиш, соҳибқирон учун ишонган тоғидан жудо бўлиш ҳасратларини таърифлашдан... — бу бағоят мушкул юмуш эканлигидан, — ўзимизни тиямиз.

Шу пайт Холдона биби қўлидаги гўдак нимадандир йиғлаб қолди. Хонзода хоним соҳибқирон бағридан сирғалиб чиқиб ўғилчаси томон талпинди... Энага сўзланар эди:

— Қойинчангиз очдиму, шаҳзодам?.. Қойинчангиз очдиму?.. Вой, қойинчаси очибди...

Холдона биби шаҳзодани эмизгани қўшни бўлмага йўналди.

II

Меҳмонхонага жимлик чўкди.

— Аллоҳдан унинг қилган ишлари ҳақида, нега шундай қилдинг, деб сўралмас экан, Опа, ҳали ўзингиз шу ҳақда сўйлагон эрдингиз... Ҳа-а... — деди жимликни бузиб Амир Темур. — Муҳаммад Султон, Аллоҳдан умидим бор, менинг суянчиғим, валиаҳдим бўладур!..

Хонзода хонимнинг шўрлик қалби қандайдир ғурудан ожизгина титради. Ростдан ҳам, унинг фикрича, — буни бировга айтгани йўқ, — Жаҳонгир Мирзо соҳибкироннинг шаръий никоҳдан туғилган фарзанди бўлганлиги сабабли валиаҳд саналган эди, у тахт вориси ҳисобланарди. Муҳаммад Султон эса ўша валиаҳднинг ўғли...

— Худо хоҳласа, суянчиғингиз бўладур!.. Валиаҳд бўладур! — деди эгачи. — Қандай суянчиқ, денг? Чинордай суянчиғингиз бўладур, ҳа!

— Яқиндагина шахзодам йигит бўлиб ёнингизга кириб қоладур, ҳазратим!.. — Сароймулкхоним қувончини яширмади. — Иншоолло, келин қидиришга туш-гоймиз...

— Бандаси айтгани бўлавермас экан-да... — деди оҳиста Амир Темур, бу «вазиятни ўнглаш»нинг давоми эди. — Қуда-андачилик ришталарини боғлашимиздан катта ниятлар қилгон эрдик... Бу дунёда бирлашмак улур ҳикматдир, бўлингони бўри ер, дейдилар. Агар хоразмшоҳ Юсуф Сўфи билан яқин бўлсайдиқ, агар у оқилона кенгашларга қулоқ солсайди, қудалар бир бўлиб юртимизни ёғийлардан асрай олар эдик-ку!.. Мана ҳозир мен билмагон, синамагон чингизийлардан бирига умид боғлаб ўлтирибмен. Йироқдаги қуйруқдан яқиндаги ўпка яхши эмасмуди?.. Агар қудамиз билан тил топишганимизда Жетани ҳам бир ёқли қилмасму эрдик, Дашти Қипчоқ томонлар ҳам осойишта бўлмасму эрди?.. Юрт-эл, улус эмну омонликда кун кечирмасмуди?.. Ёғийларни тинчителиш ўрнига, ўзимиздан чиққан балолар билан савашмоғим лозим бўлиб турибди... Гоҳ Бухорога чопамен, гоҳ Хеваққа, гоҳ Андижонга... Холбуки, Аллоҳ Қуръони каримни ўқимақдан ва фақиру мискин ғамини емақдан ўзга ташвишни менга раво кўрмагон... Чорасиз-

мен, ўзга иложим йўқ, тагин гуноҳ остонасида турибмен, тагин қўл ихтиёрсиз қилич қабзасига чопадур...

Амир Темур сандал устида турган қўлларини дамбадам бир-бирига ишқаркан, хаёлга чўмди...

Маҳди улё, Амир соҳибқиронни чалғитишим керак бўлиб қолди, деди ўзича ва шикаста овозда сўради:

— Агар оёқларини уқалаб кўйсам, майлими, хазратим?..

У хозир соҳибқироннинг ўнг оёғи бир пайтлар санчилган найза асорати туфайли зирқираб оғриб турганини сезди, хазрат оёқларини Сароймулкхонимнинг уқалаб кўйишини истар эди-ю, аммо барчанинг олдида жони қийналганини кўрсатгиси келмади, деб ўйлади ва ортиқ қистамади. Рости, маҳди улё эсласа, фақат хос хонада ёлғиз бўлганларидагина Сароймулкхоним хазратнинг ногирон оёқларини уқалаб кўяр экан...

— Йўқ, Биби... Қудамизда ҳам балки айб йўқдур...

— Амир Темур яна ўз фикрини давом этдираркан, қўли беихтиёр иягига чўзилди. — Ҳамма гап унинг ёнига тўпланиб олгон сотқин фитначи, ифвогарларда!.. Барини биламен!.. Анови Кайхусравнинг ўғли Султон Маҳмуд, Маҳмудшоҳ Бухорий, Абу Исҳоқ Ясовурийлар хоразмшоҳнинг кўйинини пуч ёнроққа тўлдириб, бизга қарши гижгижлағони гижгижлағон... Уларнинг мақсади юртни пароканда қилмак, кейин бир бўлагига эга бўлиб олиб даврон сурмак холос...

Хонзода хоним соҳибқирон чекаётган азоб-уқубатларни яхши ҳис этиб турарди. Шубҳасиз, Хоразм маликаси билади — ўн етти ёшли келинчакка қийин, бошига оғир савдо тушди — Жаҳонгир Мирзоси кетди... Аммо Хонзода хоним, ақлу идрокининг теранлиги, фаҳму фаросатининг ўткирлигидан кўрдикки, Амир Темурнинг дарди-ю ташвиши уникидан кўра залворлироқ экан!.. У бунини энди тушуниб етди... Малика қайинотасини шунчалар яхши кўрар ва эъзозлар эдики, унга тикон киришини ёки совуқ шамол эсишини ҳам раво кўрмасди. Дунёда унга яқин уч одам бор холос: Амир Темур, Сароймулкхоним ва волидаси Шакар бика... Қошки эди, қўлидан келса-ю, Амир соҳибқирон дардларини енгиллатса!..

Бирдан унинг хаёлига мавзуни ўзгартириш лозим,

деган фикр келди. У шундай фикр бўлсинки, бу гапларни эсдан чиқарсин, Амир Темур кўнглига ёруғлик олиб кирсин...

Хонзода хоним Сароймулкхонимга ўғринча назар ташлади, маҳди улё сезилар-сезилмас «Ҳа!» дегандай бош ирғаб қўйди. Амир Темур кузатар экан, улар ўртасида қандайдир сир борлигини фаҳмлади.

Чиндан ҳам сир бор эди.

Боғи Чинорга кўчиб ўтганидан кейин, малика кўп дамларини маҳди улё билан бирга ўтказарди. Кунлардан бир кун суҳбатлашиб ўлтиришарди, ўз-ўзидан гап айланиб, соҳибкироннинг ўғиллари, қизларига келиб қолди. Аслида эса бу Сароймулкхонимнинг иши эди.

— Аллоҳнинг кўрсатғонига шак келтириб бўлмай-дир, фақат тан олмак лозим... Жаҳонгир Мирзо мусибати салтанатга бало-офатдай ёпирилиб тушди... Ҳаммамизни шу алам чулғабдур, қўллар ишга бормайдур, кўнгишлар гаму андуҳдан зада... Жудолиқнинг исқанжаси барчамизни, бутун салтанатни чирмаб олғон...

Сароймулкхоним уф тортди... Хонзода хоним бош экканча тинглар эди.

— Бонуйи кубро эгачи дедиларки, ҳаммаси пешонадан, фақат соҳибкиронга қийин, ота-оналари вафотидан сўнг валиаҳд деб атағон жигарбандини тупроққа қўйиш унга энг оғир кулфат бўлди... Унинг устига фарзандлари ҳам унча кўп эмас. Бандаси эртанги кунни ўйламоғи фарздур...

Хонзода хоним маҳди улё сўзларини тушунолмай ўлтирса-да, гоҳ-гоҳ «тўғри» дегандек бош ирғаб қўяр, Сароймулкхонимнинг нимадир демоқчи бўлаётганини, ийманиб, ниятини очиқ айтолмаётганини кўриб турар, аммо буни сездирмасди.

— Бир нарсани ўйлағон эрдим... — давом этди Сароймулкхоним. — Муҳтарама эгачимга кенгаш солдим, ул зот ниятимни жўяли топдилар... Маликам, билурсиз, ҳазратим сизни бағоят ардоқлайдурлар, авайлайдурлар. Кўнглингизга бирон хиралик тушиб қолмаслигини хамиша уқтирадурлар...

— Аллоҳга шукур... Биламен... Мартабалари бундан ҳам зиёда бўлсун!

— Энди...Амирзодам маросимларини ўтказдик... Кун

кетидан кунлар келмакда... Агар сизга мақбул бўлса, бир кенгашим бор эди-да...

— Кулоғим сизда... — Ўнг қўлини кўксига қўйиб таъзим қилди Хоразм маликаси.

— Амир соҳибқирон ўғиллари Умаршайх Мирзо шиддатлари баланд, Мироншоҳ Мирзо бўлса ҳали ёшлар... Аммо қизлари бўй етиб турибди... Айниқса, Оқа Беги хоним... Ҳам унашиб қўйилгон...

— Ох, Оқа Беги хоним меҳрибон қайинсинглим!.. — ёришди бирдан Хонзода хонимнинг юзлари. — Ҳалим табиат, юмшоқ кўнгил, тортинчоқлигини айтсангиз... Ҳамиша маънос ҳолда кўрамен, қоп-қора мунчоқдек кўзлари хамиша мунгли... Амирзодамга қаттиқ қайғурди, юпатгонга кўнмайди. Кечалари ҳеч кимга билдирмай йиғлаб чиқади...

— Шундоқ акасидан жудо бўлади-ю йиғламайдирму? Айниқса, сингил ака учун ёмон куядир...

— Чора йўқ экан-да, эвоҳ!.. — Хонзода хоним бошқа сўз қўшмади.

— Оқа Беги хонимни, биласиз, Муҳаммадбек ибн Мусога унашилгон эди...

— Биламен...

— Кўнглингизга малол келмаса, уларнинг тўйини қилсак, девдим...

— Вой, нега малол келсун?.. Вой нега ундоғ дейсиз?.. — Хонзода хоним астойдил ўпка қилар эди. — Жуда яхши ўйлабсиз, маҳди улё жаноби олиялари!.. Қандай яхши! Бечора синглим ҳам сал қайғу-аламларни нарига қувадур...

— Кам бўлмангиз, маликам... — Сароймулкхоним бир лахзага жим қолди. — Бирок...

— Нечун ўйланиб қолдилар?

— Мотамдан ҳали узоқ кетганимиз йўқ... Тўй ҳақида фақат бир одамгина оғиз очиши мумкин. Агар бизлар шундоқ тўй қилурмиз, десак, ул зот сизни аяб, ранжитиб қўймасмиканмиз... демасмиканлар?.. Ҳазратим сизни жуда авайлайдилар-да...

— Нега?.. Ундоғ демасалар керак... — Хонзода хонимнинг шахло кўзлари Сароймулкхонимга синчков тикилди. — Ҳим-м... Тўй ҳақида оғиз очиши мумкин бўлган одам ким экан?

— Тўй ҳақида оғиз очиши мумкин бўлган одам... бу

фақат — сиз... маликам! Борди-ю, Оқа Беги хоним тўйини ҳазратимга... сиз айтсангиз, қандай бўларкин... Фақат сиз айтишингиз мумкин-да...

Гапнинг рости, Хонзода хоним бу ҳақда ҳеч ўйламаганди. Лекин муҳтарама Орзумулк оқа уни кўргани келганида гап орасида, ўгай ўғлини Оқа Беги хонимга унашиб қўйганларини айтиб ўтарди.

Дунё шунақа экан... Ўтган қайтиб келмаскан, қисматга бўйсунмай чора йўқ, деб ўйлади Хонзода хоним, подшо-ю гадони, асилзода-ю фақирни бир хил баҳога сотиб оладиган қудратли харидор — ўлим от солар экан, бандаси ҳеч қаерга қочиб қутулолмайдур. Энди Аллохдан умид улдурки, амирзода руҳларини бихишту ризвон уфорлари ила сийласун, мағфират чечаклари хуш бўйи ила обод этсун...

— ...Фақат мен айтишим мумкин... дедингизму?

— Албатта, маликам! Сиз айтсангиз, Амир соҳибқиронга малол келмайди, аксинча, келиним қайинсинглисига меҳрибонлик кўргизаётир, дея мамнун бўладурлар, ҳимматингизга тағин қойил қоладурлар... Шу билан ўзингизни ҳам, соҳибқиронни ҳам аяган бўлурсиз, бу фақат савобли юмушдир, маликам!

Хонзода хоним, индамасдан, розимен, дегандай бош эгди...

Хонимларнинг мусибатли воқеалардин кейин тўйлар ҳақида илк бор сўзлашишлари эди. Орадан бир оз парда кўтарилгач, ҳар иккиси ҳам ўз кўнгилларида яшириниятларини бир-бирларига айтиб бердилар. Сароймулк-хоним Жаҳонгир Мирзо вафотидан олдин бўлиб ўтган воқеадан оғиз очди. Гап шундаки, ҳазратнинг мулозими Муҳаммад Чуроға додхоҳнинг сулув энага Холдона бибига майлу рағбати бор экан. Бу ҳақда энаганинг ўзи маҳди улёга ёрилибди...

Сароймулкхоним табиатан ёрдамга муҳтож кишилар ҳожатини чиқаришни яхши кўрар, ҳамиша ўзини шундай савоб ишларга урар эди. Синчков назар ташлаб юрар экан, ўз мулозиму канизаклари орасида шундай тақдирга муносиб кишиларни дарров илғаб олар ва тўйларини ўтказиб берарди. Боғи Чинор атрофидаги маҳалларда доим мана шундоқ тўйларга бош-кош бўлади, етим-есир, бева-бечоралар ҳолидан хабар олиб туради. Бир куни қирқларга кирган муштипар аёл маҳди улёга ке-

либ, биргина ўғли борлиги, маҳаллада номи чиққан зангин одам кизига ошиқ бўлганлиги, аммо у одам рўйхушлик бермаётгани, ёлғиз ўглининг эса озиб-тўзиб бораётгани ҳақида йиғлаб арз қилди. Сароймулкхоним ҳалиги кизга совчи бўлиб борди, тўй ҳам бўлиб ўтди... Муштипар аёлнинг ҳали-ҳануз дуодан қўли бўшамайди...

Йигирма бирга кирган Холдона бибини уч йил аввал суйган йигитига узатган эканлар. Қиз тақдирдан жуда ҳам мамнун экан, чақалоқлари бўлибди, бўлибди-ю, афсуски, беш ойлик эканлигида кетиб қолибди. Ўша йили фалокат юз бериб, куёви ҳам Хоразм юришида ҳалок бўлибди... Қайғуга чўмган бебахт киз, ўшандан бери, бошқа эр отини атамаймен, деб келаркан. Муҳаммад Чуроға додхоҳ сулув энагани суюб қолибди... Додхоҳнинг хотини бир неча йил аввал оламдан ўтган бўлса-да, ҳали хануз уйланишни истамас экан... Ўшанда Сароймулкхоним саъй ҳаракат кўргизиб, уларнинг тўйини ўтказиб берди. Тўрт ой аввал Холдона биби билан Муҳаммад Чуроға додхоҳ ўғил кўрибдилар...

Хонзода хонимнинг айтганлари ҳам қизик эди. Жаҳонгир Мирзонинг ўнбошиси Ахий Жаббор баҳодир билан маликанинг канизаги Окқиз ўртасида шаффоф кўнгил пардаси бор... Улар бир-бирларини жуда яхши кўрадилар. Амирзода баҳодирга энг яқин мулозимларидан бири сифатида қарар, унга ишонарди. Баҳодир ҳам ҳеч қачон панд берган эмас, ўзини аямай амирзода хизматини адо этарди. Хоразмда Қайсария карвонсаройидан кейинги муюлишда Зангорикўл бўйига боришаётган Хонзода хоним ва унинг дугоналарини «қарокчи»лардан «қутқариб» қолган ҳам шу баҳодир эди...

Мотам кунларидан кейин, баҳодир юқуниб келиб: «Малика жаноби олиялари, амирзодам хизматкорларимен... Ижозат берсалар, амирзодам ҳурматлари, хизматингизда қолсам... Сизни худо ўз паноҳида асрасун, мени бошқа ёққа бериб юбормангиз!..» дея илтижо қилди. Тўғри, қолса — амирзода ҳурматлари, айни бир пайтда уни бу ерга боғлайдиган бошқа сабаб ҳам бор, бу — баҳодирнинг Окқизга муҳаббати... Хонзода хоним йиллар ўтиб канизакликдан сирдош дугонага айланган Окқизнинг баҳодир номини эшитганда титраб кетишини ҳам яхши билади...

— Оқа Беги хоним билан Муҳаммадбек ибн Мусо тўйлари бўлса, бошқа тўйларга ҳам йўл очилади... — деди Сароймулкхоним. — Раияту фукаро мотаму гам тўрига ўралиб қолди...

— Аллоҳнинг буюргани шу экан-да... — деди холос малика... — Не десалар, розимен...

Хонзода хоним Сароймулкхонимнинг уни қанчалар авайлашини яна бир бор ҳис этди. Таклифни ҳам узоқдан олиб келиб айтдилар. Ҳа, одамни авайлаш — Аллоҳнинг иноятларидан бири, пайғамбаримиз суннатларидандир...

...Ана шуларни эслар экан, Хонзода хоним ийманганча Амир Темурга деди:

— Эй меҳрибон падари бузрукворимиз! Валинеъмат соҳибқиронимиз... Бир нарса сўрасам бўлурму?..

— Сўрангиз...Сўрангиз...—

«Хайрият... — деди ичида Амир Темур. — Нима сўраса, адо этгумдир. Кўнгли сал ёзилсин...»

— Ҳусну сийратда ва суратда ягона қайинсинглим Оқа Беги хонимнинг тўйлари... қачон бўладур?..

Кутилмаган бу саволдан нафақат Амир Темур, балки Қутлуғ Туркон оқа ҳам, бошқалар ҳам ҳайратга тушдилар. Хоразм маликасининг ҳимматини кўрингиз! Ўзи азада ўлтирибди, шу нарса қайинсинглиси бахтига зомин бўлиб турибди, тўй ахир баҳорда бўлиши мўлжалланганди-да. Қолиб кетди. Бу ҳақда оғиз очишга ҳеч ким ботина олмаётир... Энди олийжаноб малика ўз хасратларини қалбининг бир пучмоғига жойлаб сасини чиқармасликка тиришмакда ва қайинсинглиси тўйи ҳақида ўзи тараддуд кўргизмакда, айтмакда...

Сароймулкхоним ерга қараганча мийиғида сезилар-сезилмас жилмайиб ўлтирар эди.

— Бўладур, қизим, албатта бўладур, яқинда бўладур!.. — жавоб қилди соҳибқирон.

Амир Темур Хонзода хонимни энди кўриб тургандай, тикилиб қолди...

Уч ойдан кейин Оқа Беги хонимни «ёр-ёр»лар билан Муҳаммадбек ибн Мусога узатдилар. Соҳибқирон суюкли қизига бир ҳафта тўй берди. Оққиз билан Ахий Жаббор баҳодир тўйлари унга уланиб кетди.

Аббос баходир билан Муҳаммад Мираклар Қизилқум саҳросини кеза-кеза ниҳоят бир кўҳна хароб қалъа ичидан Тўхтамиш ўғлонни топишга эришибдилар ва иззат-икромини жойига қўйиб соҳибқирон ҳузурига олиб келибдилар... Бу ҳақда соҳибқиронга хабар қилинганда, ҳумоюн ўрдудан, келганлар бир-икки кун ҳордиқ олсунлар, деган фармойиш берилди.

Кўксаройнинг чиройли кўринишхонаси, ундаги маҳобатли тахт бугун ўзгача маъно касб этгандек эди, оқиллар назарида. Жаҳонгир Мирзо вафотидан кейин бир неча ойлар тахт бўш турди, соҳибқирон Кўксаройга қадам изи босмади. Ниҳоят бугун улуг амирнинг муборак нафаслари салтанатнинг олий кошонасига етиши ҳамма учун тонг отиши сингари аниқ ва муқаррар бўлиб қолди. Қиш ўртаси бўлса ҳам қор йўқ, Самарқанд кўчаларида қора совуқ изиллар эди.

Кўксарой дарвозаси олдида бутун аркони давлат вакиллари ҳозир бўлдилар. Аввалги йилда Бухородаги Арслонхон минорасидан иқтибос олиниб, дарвозанинг икки ёнида иккита маҳобатли баланд минора тикланди. Ўралган беқасам нақшли кўш минора шаҳарнинг барча бурчакларидан, узоқ-узоқлардан кўриниб турар, Кўксарой салобатига салобат кўшарди. Минораларга саккизтадан фонус осилган бўлиб, ҳар куни кеч кирганда қоровул уларни ёқиб тушарди.

Ўндаги минора ёнида Мир Саййид Барақа, — уч ойдан бери Андхойда бўлган пири муршид икки кун аввал Самарқандга қайтиб келган эди, мамлакат хони Суюрғатмишхон, узун чўққи соқоли кўксига тушиб қолган Амир Жоку барлослар, чапдаги минора тагида Амир Улжайту опардий, кўзлари ирғиб чиққан Шахрисабз ҳокими Амир Мусо, — у ушбу лавозимга тайинланганига бир йил бўлганди, — яқинда шайхулисломлик мансабини эгаллаган машҳур Шайх Бурхонидин Марғиноний авлодларидан «Исомий» таҳаллуси билан пинҳона ғазаллар битиб турадиган фақиҳ Хожа Абдулмалик Самарқандий, вазири аъзам, қозикалон, доруға ва салтанатнинг бошқа аъёнлари жамулжам кутиш-

моқда эди. Бир четда машшоқлар оҳиста кўҳна наво-лардан чалиб турардилар.

Бир палла йўлда икки юз қадамлар олисликда соҳиб-қироннинг бўз оти Хонўғлон кўринди. Барча соҳибқи-рон истиқболига пешвоз юрди.

Хонўғлонни Амир Довуд дуғлат билан Муҳаммад Чу-роға додхоҳ етаклаб келишар, Умаршайх Мирзо ва Амир Сулаймоншоҳлар рикоббоши¹ мақомида эдилар.

Беш-олти қадам орқада изма-из Амир Оқ Буға най-ман, Амир Шохмалик, Муҳаммадбек ибн Мусо, Ахий Жаббор баҳодир ва яна кўп лашкарбошиларнинг қора-лари кўзга ташланарди.

Кўксарой дарвозасига етиб келганларида барча соҳиб-қиронга отдан тушишга кўмаклашишга шошилди. Амир Темур даставвал пири муршид билан ҳамоғуш бўлди. Уларнинг илк бор кўришишлари эди.

— Хуш келдингиз, Амир соҳибқирон! Қадамларига ҳасанот! — қутлади Мир Саййид Барака.

— Хуш келибсиз, соҳибқирон ҳазратлари! — қўл қовуштириб таъзим бажо келтирди Суюрғатмишхон.

— Аллоҳга шукур, дийдорлашиш насиб этди! — қувончини яширмади амирул умаро Амир Жоку бар-лос.

— Қадамларига ҳасанот, соҳибқирон! Дунё тургунча турингиз! — тилак билдирди Амир Мусо.

— Аллоҳга шукур...

— Аллоҳга шукур...

— Еткурганига шукур!..

Салтанат аъёнлари таъзим қилиб, юқоридагидек шод-лик ва шукроналик сўзларини нисор қилишдан чарча-масдилар.

— Куллуқ! Куллуқ! — деб қўяр эди мамнун Амир Темур.

Барча ўзини хушнуд ва масъуд онлар оғушида сезар-ди.

Кўксаройнинг чиройли кўринишхонасига йўналдилар.

Иккинчи ошёнанинг ўнг томонини банд этган кўри-нишхона узунлиги олтимиш қадам, эни ўттиз қадам кела-диган шифти баланд барҳаво бир хона бўлиб, деворла-рига файзиёб манзаралар чизилганди, ҳарир ипак пар-

¹ Рикоб — узанги.

далар тутилган ўн иккита кенг деразаси Чорсу майдони-га қараганидан ёруғ ва чароғон эди.

Амир Темур одатича оқсоқланганини билдирмасликка ҳаракат қилиб, шошилмай битта-битта қадам ташлаб, тўрдаги тахтга бориб ўлтираркан, пири муршид билан Суюрғатмишхонни тахтнинг икки тарафида беш қадамлар нарида қўйилган нақшинкор курсиларга таклиф этди. Салтанат аҳлининг қолган аъзолари хона ўртасида ярим ёй шаклида давра қурдилар.

— Илоё, парвардигорнинг ўзи ушбу қутлуғ хонадоннинг салтанат офтобини тонгла маҳшаргача завол чангалидан асрасун ва устивор қилсун! Яратганнинг беадад лутфи, адоқсиз карами ила азиз бошларига нусрат тожи инган Амир соҳибқирон умрлари узоқ бўлсун! Алхамду лиллаҳи раббил оламин!..

Пири муршид Мир Саййид Бараканинг залворли овозидан бир неча ойдан бери бундай дуоларни эшитиш насиб этмаган кўринишхона ичи бамисли янграб кетгандай бўлди.

Қўллар фотиҳага кўтарилди.

Пири муршид давом этди:

— Амир соҳибқироннинг қалби очун¹ ҳодисаларини ўзида акс этдиргувчи кўзгу, бамисли жоми жаҳоннамодурки, унда барча бўлиб ўтган ва бўлажак воқеалар ҳам аён кўриниб турур. Унга назар ташлаш жанобингизга муяссар бўлғони учун шукурлар қиламен!.. Алқисса, бу оташин қалб садоларига қулоқ тутайлик...

Амир Темур пири муршиднинг юмалоқдан келган қип-қизил юзлари ҳаяжондан яна ҳам қизара бошлаганини кўрди. Бир оз сукут сақлагач, аркони давлатни Мўғулистонга юриш тафсилотларидан бохабар этиб қўйиш ниятида сўзга оғиз очди:

— Ноўрин даъво қилгувчилар ва тухматчилар тилини кесмоқ учун кўп далилу исбот келтира олғоймиз... — деди Амир Темур. — Ажабо, денгизни ғалвир билан қуритмакчи, тоғни елпиғич билан елпиб юриб текисламакчи бўлибдурлар... Шер уясига бош сукқан кўппак Қамариддиннинг худоға айтғони бор экан, жаноблар, уни тутиб найзага илиб келишни қаттиқ ният қилғондим... Бу сафар ҳам қутулиб қолди...

¹ *Очун* — дунё, жаҳон.

— Хафа бўлмангиз, Амир соҳибқирон, вақти соати келади!.. — деб қўйди қаттиқ дардга чалиниб яқингинада оёққа турган, анча озиб кетган Суюрғатмишхон... — Худонинг буюрғон куни бордур...

Амир Темур ҳали йўлдалигидаёқ, Тўхтамиш ўғлоннинг келган-келмагани ҳақида сўраб-суриштирганди. Аббос баҳодир қипчок билан Муҳаммад Мираклар Хоразмдан икки фарсах масофада жойлашган Жўйи Қовун суви бўйида турганларида юборган чопарлари хабарига қараганда, ўшанда ҳали Тўхтамиш ўғлонни топа олмаган эканлар.

Кўп ўтмай мулозимнинг:

— Авлоди Чингиз, шавкатли Тўйхўжа ўғлон дилбанди Тўхтамиш ўғлон жаноблари зиёратингизга мунтазирдурлар! — деган овози кўринишхонани тутди.

— Кирсун! — ижозат берди соҳибқирон.

Ҳамма гўёки фавқулудда мўъжиза юз бериши кутилаётгандай бир алфозда беихтиёр кўринишхонанинг нақшинкор эшигига юз бурди...

Даставвал Муҳаммад Чуроға додхоҳнинг Амир Темурниқидан чоғроқ жуссаси кўринди. Одатда узокдан келган меҳмонларни олиб кириш унинг зиммасига юклатилган эди. Бир оз фурсат ўтгач, йигирма ёшлардаги дуркун йигит кўринишхонага дадил кириб келди. Эгнига этаги ер супурган узун қора чакмонни елвагай ташлаб олганидан бўйи яна ҳам баландроқ, салобатлироқ кўринарди. У остонадан икки қадамча ўтиб тўхтади ва турган жойида тахт томонга қараб эгилиб таъзим бажо келтирди...

Бу Тўхтамиш ўғлон эди.

Ортидан Аббос баҳодир қипчок, Алибек кўнғирот, Ўрун Темур, Оқ Буға баҳрин ва Муҳаммад Мираклар пайдо бўлдилар. Улар, кўринишхона маҳобатиданми ёки рўбарўда эллик қадамча нарида ҳашаматли олтин тахтда кўр тўкиб ўлтирган Амир Темур салобатиданми ўзини бир оз йўқотиб қўйган Тўхтамиш ўғлон қулоғига ниманидир шивирладилар. Чамаси, улар Тўхтамиш ўғлонга ўзини қандай тутиш, соҳибқирон билан кўришганда нима дейиш ҳақида маслаҳатлар беришганди. Меҳмон шу захотиёқ қад ростлади, кўринишхонага қандай дадил кириб келган бўлса шундай алфозда олтин тахтга қараб юрди.

— Хўроздай йигит экан... — пичирлади Амир Довуд дуглат ёнидаги амирул умарога.

— Фарзиндай қоматига қарангиз... — Чингизхон авлодидан кўз узмай деди Амир Жоку барлос.

— Қадам олишига боқингиз! Бургутдай шиддатли!.. Тушундик... — сўз қўшди Амир Мусо ҳам.

— Доно йигит кўринадир... — ўзига ўзи дегандек пичирлади шайхулисом.

Хожа Абдулмаликнинг саллали боши узоқдан қараганда савоғи пастга қилиб қўйилган нокка ўхшаб кетарди, юзи иягига қараб кичрайиб борган, учли иякда тўртта-бештагина соқол кўзга ташланарди. Хамиша чиройли гулдор тасбеҳни қўлдан қўймас, ҳатто дуога ҳам тасбеҳ билан қўл кўтарар, «хожаи коинот» сўзларини яхши кўрарди.

— Хон авлоди-да, палак тоза... палак... — қойил қолди Амир Улжайту опардий.

Амир Оқбуға найман қўлини тўлдириб кетмон соқолини силаб қўяркан, «маъкул!» дегандай бош тебратиб қўйди.

Аммо Суюрғатмишхон Тўхтамиш ўғлон ташрифидан хурсанд эмаслигини яшириб ҳам ўтирмади. Ўзи қотмадан келган, кейинги пайтларда сал озиб қолган хон ўтирган жойида қимирлаб-қимирлаб қўярди. Тўйхўжа ўғлон валоди ташриф буюрармиш, деган гап чиққанидан бери у оромидан айрилди. Рақиб келмоқда эди, рақиб! Қорасини ўчирсин эди ўша Дашти Қипчоқ томонларда!.. Гарчи ўзи ҳам чингизийлардандир, лекин бугунги кунда уларга ишониш қийинлигини тан олади. Аммо буни у Амир Темур Кўрагон ҳазратларига қандай айтади? Амир соҳибқирон содда одам, бирон кимса кўз ёши қилиб келса, нима деса ишониб кетаверадилар.

Тахтнинг чап томонида ўлтирган Мир Саййид Барака меҳмонга боқаркан, беихтиёр кўнглига қандайдир нохуш нарса сояси ғимирлаб кириб олганини сезди. Нега шундай бўлганини англай олмади. Ғолибо, Амир Темурга нигоҳ ташлаганди, Абулмансуру Абулмузаффарнинг чехрасида қувонч ва мамнунлик аломатларини кўрди-ю кўнглидан ҳар хил гумонларни нари қувди. «Амир соҳибқирон одам танлашда асло адашмайдилар...» — кўнглидан ўтказди пири муршид ва хотиржам бўлди.

Амир Темурга узоқдан келаётган Тўхтамиш ўғлоннинг такаббуруна қадамлари негадир ёкмади. Аммо буни билиб билмасликка олиши, нисбатан яхши муомала қилиши, иложи бўлса, салтанат йўлида ундан фойдаланиши керак. Қани, кўрсин-чи...

Тўхтамиш ўғлон тахтга ўн қадамча қолганда: «Ассалому алейкум, жаноби олийлари!» деди, сўнг бориб тиз чўкди-да, Амир Темурнинг чеккаларига нақшиннигор зар босилган оқ банот тўни пешини уч марта ўпиб кўзларига суртди. Кейин ортга чекинди-ю тўхтади ва бош эгиб таъзим қилди:

— Отасизмен, Амир соҳибқирон, отасиз қолганмен... Отам ўрнида ота бўлингиз! Мен тутинган ўғлингиз бўлай! Ўғил бўлай деб келдим!..

Мехмонни яқиндан кўрган Амир Темур ёқа тутар даражада хайратда қолди. Одам ҳам одамга шунчалар менгзар экан-а!.. Вожаба! Тўхтамиш ўғлоннинг Жаҳонгир Мирзоникидек залварли эмас, ингичкароқ, бир оз ёкимсизроқ овозини демаса, Тўхтамиш ўғлон қуйиб қўйгандай... Жаҳонгир Мирзонинг нақ ўзи эди! Бўйи ҳам, келбати ҳам... Халлоқи безаволга салламно!

Тўхтамиш ўғлон ҳали ўсмирлик нуқси сезилиб турган, дуркун, тиниқ юзли, ёрқин кўзли эди, илк сабза урган мўйлаби ҳам ўша улуғ амирзоданикидек... «Тутинган ўғлингиз бўлай, демакда... Ўғил қилиб олсам-чи... Ўғил! — пичирлади ичида Амир Темур. — Ўғлим, десам... Жуда ўхшайди... Ё Раббий! Бир бандангга қандай синовларни раво кўрмакдасен?..»

Соҳибқирон кўнгли увалиб:

— Хуш келибсиз, ўғлим! Хуш келибсиз!.. — деб юборди беихтиёр...

Одатда катталар ёшларни кўрганларида эркалаш, яқин олиш ниятида танимаса ҳам: «Ўғлим!», «Қизим!» дея мурожаат қилишади. Лекин Амир Темурнинг илинж билан айтган ҳозирги сўзларида ўзгачароқ маъно-мазмун яширинган эди. Буни ҳамма сизди. Айниқса Амир Жоку барлос ўзгача ҳолга тушди, юраги булқиллаб, бир лаҳза аъзои баданига титроқ кирди. Соҳибқирон «ўғлим» деганда, чамаси, амирзода Жаҳонгир вафотидан сўнг бўмбўш бўлиб қолган бағри тўлгандай, ўғли ўрнига ростдан ҳам ўғил келаётгандек ҳис этарди ўзини... Ҳа, бу аниқ ва равшан эди!

Тўхтамиш ўғлон бошини кўтарди, қараса, Амир Темур Кўрагон ҳазратлари тахтдан тушиб у томон келмоқдалар! Яна «Ўғлим!» дейишлари бағоят кўнгилга ёқимли! Валинеъмат Тўйхўжа ўғлон қатл этилиб, етимлик машаққатини тортиб, мустарликда юрган бир бечора хонзодани энди Темурбекдай шавкатли подшо ўзига фарзанд санамоқда... «Тутинган ўғлингиз бўлай деганимга лаққа ишонибди!» — деди ичида мамнун Тўхтамиш ўғлон. Шериклари берган маслаҳатга кулоқ солиб яхши қилибди. Подшоларга ўғил бўлай десанг ёқар экансан...

Амир Темур беихтиёр қулочини ёзганча хонзодага яқинлашди ва Чингизхон авлодини бағрига олди. Сарой аъёнлари таажжубда тикилиб турардилар. Оқ банот тўн кийган Амир Темурнинг қора чакмонга ўралган, бўйи соҳибқирондан бир оз паст Тўхтамиш ўғлон билан ҳам-оғуш бўлганидан кўзлари ичига тортиб кетган Суюрғатмишхоннинггина кўнгли хижил, гаш эди. Қордай оқ банот тўн билан мумдай қоп-қора чакмоннинг ёнма-ён туришини кўрингиз! Бамисли Амир Темур кўйнига қора илон кириб олгандай... Иложи топилганда эди, хон шу заҳотиёк бориб, уларни ажратиб, соҳибқиронга яхшилаб тушунтирар, Тўхтамиш ўғлонни эса рўй-хотир қилмай аччиқ-аччиқ сўзларни бетига айтиб, ҳайдаб юборишга фармон берган бўларди! Аммо соҳибқирон ҳазратларининг кайфиятлари олий даражада эканлигида Суюрғатмишхоннинг бундай тутуми бошқача англашилиши мумкин. Хон Чингизхоннинг ўзга авлодига кўрсатилаётган ҳурмат-эътиборга ҳасад қилаётир, ичикоралик билан қараётир, кўролмаётир, демайдурларму? Албатта, дейдилар. Амир Темур бандасидаги мана шу ожизликни — ҳасад балосини асло кечира олмасди, Суюрғатмишхон буни яхши биларди. Шу сабабдан хон ўзини босишга мажбур бўлди, бирон нима дейишдан тилини тийди.

Барчанинг мақтов ва олқишлари остида соҳибқирон меҳмонни етаклаб тахт пойига олиб келди ва ёнма-ён ўлтиришга таклиф этди. Унинг чингизий подшоҳзода паноҳ истаб келганидан мамнун эканлиги кўриниб турарди.

— Подшоҳзода Тўхтамиш ўғлоннинг ҳузуримизга келиши салтанат парвози йўлидаги қутлуғ қадам бўлғувсидур, жаноблар! — деди аркони давлату сарой аъёнлари-

га соҳибқирон. — Уни ўғиллик рутбасига муносиб кўрдук, умид улким, бир фарзанди солиҳ мисоли сояи давлатимиздан баҳраманд бўлғувси ва камол топғувсидур. Илоҳо, бизни подшоҳзоданинг азиз бошини силаш ҳимматидан дариг тутмасун!..

— Илоҳо, омин! — дуога қўл очди Мир Саййид Барака.

— Омин! — тасбеҳли қўлини юзига тортди шайхулислом Хожа Абдулмалик Самарқандий.

Ўзгалар ҳам «Илоҳо, омин!» дея шарият пешволарига жўр бўлдилар.

«Чингизхон авлоди — хонлар авлоди, — хаёлидан кечирди Амир Темур, — улар бизларга нописандлик билан назар ташлайдилар. Одам ўрнида кўрмайдилар, буну-қу биламиз... Қўлингдан келса яхшилик қил, деганлар пайғамбаримиз. Подшоҳзоданинг эъзоз-икромини шундай баландга кўтарайки, туша олмай қолсун. Кўмак берсам, қўлласам, иншооллоҳ, ўғлимиздек бўлур... Юртнинг Дашти Қипчоқ томонлардаги сарҳади тинч бўлади. Сўғин, қарздор ҳам қилиб қўйиш керак-да... Бу ҳам кишиларни боғлаб олишнинг бобо-лардан қолган усули...»

Шу палла хаёлларга фарқ Тўхтамиш ўғлонга кўзи тушиб қолган эди, унинг ерга маъюс қараб туриши яна Жаҳонгир Мирзони ёдга туширди-ю вужуди енгилгина жимирлаб қўйди.

— Мамат!

— Қулоғим сизда, соҳибқирон ҳазратлари! — қўй кўзларида ўт чақнади Муҳаммад Чуроға додхоҳнинг.

Амир Темур мулозимини кейинги пайтларда иложининг борича соҳибқирондан йироқ кетмасликка, ҳамиша ёнида бўлишга тиришди. Қайғуга чўмган дамларда соҳибқиронни юпатиш, чўккан кўнглини кўтариш йўлларини кидирди. У шундай йўлларни топа олишга мохир эди ҳам. Одатда, киши бошига оғир кунлар тушганда ўтган умр, босилган қадамлар, яхшилигу ёмонлик, қувончу ташвишлар ҳақида беихтиёр хаёлларга берилади, ўзига паноҳ излайди. Худди шу нарсани соҳибқирон ўз бошидан кечирмоқда, ўзи шунинг шоҳиди бўлиб турибди.

Ўхшаш руҳий укубатли паллаларнинг бирида Муҳаммад Чуроға додхоҳ Амир Темурга бундан йигирма беш йил муқаддам, ўша Шайх Шамсиддин Кулолнинг

Шаҳрисабз чеккасидаги кенг-мўл чорбоғига боргани-ю кичиккина ариқ бўйида дафъатан сочлари майда-майда ўрилган қизга дуч келиб қолганини эслатди... Мулозим мўлжални тўғри олганлигига шу заҳотиёқ имон келтирди: ғамнок Амир Темурга бамисли жон кирди, юлдуздай ярқ этиб бир кўриниб Боғи Эрам париларидай ғойиб бўлган офатижон қирқ кокил ойимча кўз олдига келди. Астагина «Воҳ!..» деди, аммо бу сўз қалбидаги надомат тафтини пасайтира олмади шекилли, чуқур хўрсиниб қўйди. Шахло кўзли, ажабтовур суюклик, юзлари ширмой нондай хушрўй бу қиздан, ажабо, кейин бирон номнишон топилмади... Ё Раббий! Бу қандай адолатсизлик! Суйган кимсангни қушпа-кундузи йўқотиб қўйсанг, хоҳлаган вақтингда эмин-эркин кўра олмасанг!..

Орадан йиллар ўтиб кетди, аммо ўша юзлари ширмой нондай хушрўй қизнинг нурафшон сиймоси хануз соҳибқирон кўнгил оинасини безаб турибди, ғойиб жамоли дил лавҳига оро бериб келмоқда...

— Подшоҳзода Тўхтамиш ўғлон, ўғлимиз ташрифини улуғлаб Боғи Нақши жаҳонда шоҳона тўй тадорики кўрилсун! Амирул умародан вазирларгача, амирлару нўёнлар, сардорлар ул жойга йиғилсунлар! Подшоҳзоданинг тенгқурлари бўлган амирзодаларни чорлангиз, танишсунлар, келгусида қўлдошлик, елкадошлик қилсунлар! Зеро, умр пиллапоялари тикдур, ёлғиз ўтмак бағоят мушкул, шунини эсдан чиқармасунлар! Муганнийлар ўз чолгуларини созласунлар! Фароғат паллалари етди! Андоқ тўй-базм қилингизким, жаҳонда ғам оти йўқ бўлсун, базми жамшид доврўғи дунёларга ёйилсун!

— Дунёларга ёйилсун!

— Ёйилсун!

— Ёйилсун! — қабилида овозлар янгради кўринишхонада.

Мир Саййид Барака соҳибқирон қалбида юз берган кўтаринки рух мавжларини ҳис қилди-ю ўзи ҳам тўлқинланиб кетди. Чиндан ҳам ҳаётнинг аччиқ ҳақиқатини англаб, қазойи кадарга тан бериб, муборак назарини олдинга, ёруғ кунларга қаратишга ўзида куч топа олган одамгина бахтлидур, Аллоҳ суйган бандадур. Бундай инсонларнинг ҳиммати баланд бўлади, шижоати комилликнинг юксак чўққиларидан кўзини узмайди...

У сохибқиронга қўлловчи икки овиз калом айтиб қўйиш заруратини сезди ва беихтиёр жилмайиб турган Тўхтамиш ўғлонга бир қараб қўйди-да, бундай деди:

— Амир сохибқирон! Оре, рост. Хорликда қолган бир кас паноҳ излаб қошингизга келганда, ҳимматингизнинг сарбаланд кошонасидан жой кўрсатмак сизга одатдир. Аллоҳ таоло сизга шундай табиату сийратни ато қилгон. Бари худодан... Мустафо ҳазратлари ҳадисларида дейилмишки, чиндан ҳам парвардигор олий ҳимматлилигу хуш табиатлиликка боғлиқ шижоатларни хошиш этади ва ушмундоқ инсонни дўсту хабиб тутади. Алғараз, кимки бундан чекинса, кўргизилган иззату икромнинг қадрига етмаса, паст ҳимматлиликка юз бурса, у албатта охир-оқибатда хор бўлади. Кимки толенинг бундай бемисл марҳаматини англай олса номи шарафу шавкатларга бурканади... Алҳамду лиллаҳи раббил оламин!

Пири муршид фикрини ўзгачароқ, юмшоқроқ йўсинда ифода қилмоқчи эди, лекин камоли тўғрисиўз эканлигидан тили бошқа ибораларга айланмади. Суюрғатмишхон ичида мамнун бўлди, аммо чехрасига чиқармади. Амирлар бир-бирларига маъноли қараб қўйдилар.

Ноқулай бир вазият юзага келгандай эди.

— Ҳимматимиз, иншооллоҳ, яхши самаралар тухфа этгай! — дархол деди Амир Темур ҳеч нарса сезмагандай. Ичида пири муршиднинг сўзларини маъқуллар экан, ҳушёр бўлиш, жуда ҳам ишониб кетавермаслик, кўнгилда озгина шубҳага ҳам ўрин қолдириш кераклигини англади. Мир Саййид Барака ҳазратлари ана шунга ишора этмоқдалар. Ростки, мана шу чингизийзодага ўхшаб салтанат остонасига бош уриб келганларнинг бошларини баланд қилди, иссиқ-совуғидан хабар олди, ўзи емай едирди, киймай кийдирди. Оқибатда-чи, кўплари барибир хиёнат йўлига кириб, сохибқирон кўзига чўп суқиб, қилич ўқталдилар...

«Кимсаки валинеъматни юзига тик қарагай ва неъмат ризосини унутгай, Аллоҳнинг қаҳрига учрагай!» деган эди пири муршид бир куни. Ажабо, сен одамларга беғараз яхшилик қилурсен, эвазига улардан фақат ёмонлик кўрурсен... Ҳа, ёмон — ёмон... Ҳатто пайғамбаримиз айтган эканларки, ёмон одам унга яхшилик кўргизган одамга ёмонлик қилмагунча бу дунёдан кетмас эмиш!

Водариг! Бари дунёи бевафонинг тескари иши. Соҳибқирон мана шуни тушунолмайд келади, булар ношукур инсон табиатининг бир-бирига зид бўлган хусусиятлари, кўринишлари, албатта... Раҳматли Жаҳонгир Мирзо худди мана шундай юзи қора бебахт хиёнаткорларга жазо бериш керак, эшакнинг боласи эшак бўлади, итнинг боласи — ит, деб бекорга ёзгирмас эди-да... Бечора ўғли! Сиз ҳақсиз, амирзодам, лекин давлат сиёсатининг талаблари ўзгача, хийла ишлатишга ҳам мажбур этади, йўллари эгри-бугри... Буни ҳисобга олмаслик мумкин эмас... Ўшанда, афсуслар бўлмайким, шуни Жаҳонгир Мирзога яхши тушунтириш фурсати топилмади...

Мамнун соҳибқирон Тўхтамиш ўғлонга юзланди:

— Узоқ йўлдан хориб, укубатлар тортиб келдингиз, ўғлим... Қиш охирлаб қолди, оз муддатдан кейин йўллар қурийди. Марди майдонликни кўрсатмак учун офтобли кундан яхшиси йўқ. Ҳеч қачон селу ёмғирда жангга киргулик қилмасун! — Амир Темур бундан ўн икки йил аввал юз берган «лой жанги»ни эслади, соҳибқирон кўшини ўшанда умрида илк марта мағлублик аламини тотган, душмандан қочиб қутулган эди. Айниқса, уларнинг жуфтакни ростлаб қолганларини кўриб, ёғийнинг осмонни тутган: «Қочди! Қочди!..» деган ғолибона ҳайқириқларини эслаганда ҳали-ҳали кизариб кетади. — Бир оз истироҳат қилингиз! Зинҳор мусофирчилик азиятини чекмағайсиз! Мамат! Фармонимизни еткурғилким, хазинадан подшоҳзода Тўхтамиш ўғлон ва унинг тобеъларига тўққиз-тўққиз пешкаш қилинсун! Ҳадсиз-саноксиз сийму зар, зебу зевар, чодире ўтов, молу мато, ногора-ю туғ, оту ҳачир, аскару навкарларга ола боргоҳлар ҳам кўшиб тортиқ этилсун!

— Бош устига, ҳазратим! — қўли кўксида жавоб килди Муҳаммад Чуроға додхоҳ.

Атрофдан ҳамду санолар янгради:

— Ҳимматларига офарин!

— Илоё, давлатларига давлат кўшилгай!

— Беқиёс саховатларига тасанно!

Амир Темур бир оз ўйланиб турди-да, давом этди:

— От — йигитнинг йўлдоши, дейдилар. Машхур Хонўғлон отимни ҳам азиз ўғлимга бахшида айладим! Ўғлим азиз! Узовини яқин қилсун, илоҳо! Жонига ярасун! Тўхтамиш ўғлонга Хонўғлон йўлдош бўлсун! —

Сўнг Тўхтамиш ўғлонга юзланди. — Ўғлим, бу отни асрангиз, куни келиб яраб қолади...

«Офарин!», «Офарин!» деган сўзлар эшитилди.

Хадя-ю инъомлар, совға-саломлар, кўриниб турган хушрўйлик, очикчехраликларга қарамай, подшоҳзода кўнглига аллақандай шубха-гумонлар соя ташлаб турарди. Амир Темур барибир унинг отаси ўрнини боса олмайди, донғи чиқмаган бир амирбачча. Чингизхон авлоди, келгусида Жўжи улусига — ҳа, у бунга қатъий ишонади! — подшолик қиладиган ўғлонга нечук ота бўлсин? Майли, у ҳозирча ўзини садоқатли ўғил қилиб кўрсатиб турсин...

Соҳибқироннинг учқур оти овозаси Тўхтамиш ўғлоннинг ҳам қулоғига етган эди. Довруғи дoston дулдулини хадя этиб юборганини кўриб боши осмонга етгудай қувонди, Амир Темурнинг қўли очиклигига тан бермай иложи қолмади, гумонлар ҳам чекингандай бўлди. Сабаби, ашаддий от жинниси Тўхтамиш ўғлон мана шундай тулпорлар гадоси эди, от деса жонини ҳам берарди...

Подшоҳзоданинг тили ечилди:

— Бағоят миннатдормен, соҳибқирон ҳазрати олийлари! — Тўхтамиш ўғлон ўрнидан турди-да, таъзим бажо келтирди. Пири муршиднинг хали айтган сўзлари уни бир оз сергаклантириб қўйди, лекин бу ҳақда жиддийроқ ўйлашга фурсати йўқ эди. Барини ичига ютди-да, давом этди: — Каминага бир умрга етажак химмат кўргиза ётирсиз... Ўғлим, деб бошимни кўкларга еткурдингиз! Билингизким, Чингизхон бобомизнинг бирон авлодидан ҳам бунчалар яхшилиқни кўрмағонмен! Отам қилмағон яхшилиқни сиз қилдингиз, Амир соҳибқирон! Отам ўрнида отамсиз, валинеъматимсиз!..

«Билингизким...» унинг яхши кўрган сўзларидан эди. Ўғлоннинг ёрқин кўзлари ёшланди, яшириш учун беихтиёр тиз чўкиб такрор соҳибқирон тўни пешини уч бор ўпди ва кўзларига суртди. Кейин ёлворгандай деди:

— Ўрусхон отамни ўлдирди... Агар қўшин берсангиз, ўғлингизмен... ёрдам берсангиз, Олтин Ўрда тахтини олар эдик, соҳибқирон ҳазрати олийлари... Тузингизни оқлаймен... Душманларнинг додини берардик... соҳибқирон ҳазрати олийлари...

Тўхтамиш ўғлон қийинчилик билан бўлса-да, ўз ния-

тини баён қилди, аммо сўзларининг Амир Темурга қанчалар таъсир қилганини билолмади.

Шу пайт остона олдида кузатиб туришган Аббос баходир қипчоқ, Алибек қўнғирот, Ўрун Темур, Оқ Буға баҳрин ва Муҳаммад Мираклар шитоб подшоҳзода қошига йўналдилар.

— Ўғил муборак бўлсун! — қутлади соҳибқиронни пири муршид.

— Муборак бўлсун!

Амир Жоку бурлос қутларкан, соҳибқироннинг саволатига яна бир бор тан берди, бироқ инъом қаторида Хонўғлон отини ҳам бериб юборганига ичи ачиди. Чунки соҳибқирон бу отни жуда ардоқларди. Кейин қадри ўтмасмикин, соҳибқирон тулпорини қўмсаб қолмасмикин, деган фикр кечди унинг хаёлидан. Кўп гувоҳ бўлган: Хонўғлон Амир Темурни кўрди, дегунча кўзлари ёниб, гижинглаб, ер тепиниб, бошини турли тарафга силкитиб хурсандчилигини ифода қиларди.

Милодий 1372 йилда Ҳирот малиги Малик Ғиёсуддин соҳибқиронга мулозамат кўргизиб, давлатхоҳлик маъносида сара отлару хачирлару тевалар, қумошу¹ зардан иборат совға-салом юборди.

Ўша ҳадялар ичида Хонўғлон ҳам бор эди, уни алоҳида тақдим этдилар. Хушқомат, абжир, суксурдай бўз от соҳибқирон диққатини ўзига тортди. Манглайига осиб қўйилган кўзмунчоқлар ила безалган жигарранг бахмал тумори қуйиб қўйгандай ўзига ярашиб турарди. От Амир Темурни биринчи бор кўрганида сира бегонасирамади, аксинча, мамнун бўлгандай «боши-боши» қилиб соҳибқирон томонга бир қадам ташлаб ҳам қўйди. «Одамдай ақлли, фақат тили йўқ холос...» дер эди Амир Темур Хонўғлон ҳақида. Шу-шу, Хонўғлонни назардан қочирмади. Жуда кўп сафарларга шу отда йўлга чиққанди, музаффарият ила пойтахтга қайтар экан, ҳар гал отнинг олтин узангиси, тилла югани офтобда ялтираганча, ўзгача бир наъма билан кишнаб, пишқириб ўйноқлаб кириб келишини кузатар, ҳайратланарди. Хонўғлоннинг чиройли кишнаши, муносиб йўрғаси ҳаммага ёқар, болалар эса олдига тушиб олиб сурон солиб кўчани тўлдириб чопишгани чопишган эди.

¹ Қумош — қимматбаҳо мато.

Энг мухими, Амир Темур «сини бошқа» Хонўғлон-сиз туrolмасди. Хоҳ Самарқандда бўлсин, хоҳ сафарда у хамиша сайисхонага бориб тулпордан бир хабар оларди. Келиши Хонўғлонга ёкишини отнинг тутумидан биларди. Амир Темур тулпорнинг манглайини, гўё хали замон афсонавий канотлари ўсиб чиқадигандай товланиб ажралиб турган парқинини¹ силаб-сийпалар, узун бўйни, зўр ўмгани, ялтираган сағрисига шапатилаб уриб-уриб кўяр, юз-кўзидан ўпиб эркаларди. Хонўғлон учун энг ширин лаҳзалардан бири — соҳибқирон кўлидан киши миш еб, қанд ялагани эди.

Амир Жоку барлос Тўхтамиш ўғлоннинг шундай бебаҳо, насли тоза, зотдор от қадрига ета олишига шубҳа қиларди.

— Оҳ, оҳ, отаси қилмаган яхшиликни қилибдилар, Амир соҳибқирон! — хайратини яширмасди Амир Улжайту опардий. — Ростдан ҳам ҳимматлари улуг-да!..

Амир Довуд дуғлат, Амир Оқбуға найман ва бошқа амирлар ҳам соҳибқиронни «Тўхтамиш ўғлон»дай фарзанд билан чин дилдан муборақбод этдилар.

Тўхтамиш ўғлон бир томондан Аббос баҳодир қипчоқ ва Муҳаммад Мирак, иккинчи томондан Алибек Қўнғирот, Ўрунг Темур ҳамда Оқ Буға баҳринлар қуршовида улуг амир ҳузуридан чиққанларида Кўксарой ховлисида шундай манзарага кўзлари тушди.

Умаршайх Мирзо иниси ўн бир яшар, лекин ёшига қараганда дуркун Мироншоҳ Мирзо билан суҳбатлашиб турар эдилар. Нарироқда Жаҳоншоҳ ибн Жоку ва Амир Сулаймоншоҳлар сўзлашишмоқда, яна ҳам нарироқда Амир Шохмалик ўн тўққиз-йигирмалардаги дуркун Шайх Нуриддин баҳодирга ниманидир тушунтиришга уринарди, Муҳаммадбек ибн Мусо бош тебратганча қулоқ солиб турар, гапга қўшилмасди.

Хумоюн ўрдудан чиққан, базми жамшид қилинсун, деган фармоннинг нималигини яхши тушунган амирлар Боғи Нақши жаҳон сари йўллана бошладилар. Марказий Боғқўча бошида карнай-сурнай овозлари ҳам қулоққа чалиниб қолди. Бундай ҳолнинг Жаҳонгир Мирзо вафотидан сўнг пойтахтда илк марта юз бериши эди.

— Амир Темур соҳибқирон этакларини маҳкам ту-

¹ Парқин — от кўлиғи.

тингиз, хонзодам! Бу Аллохнинг буюк илтифотидур... — шивирлади мамнун Алибек қўнғирот Тўхтамиш ўғлонни узангидан ушлаб отга миндирар экан. — Асло кам бўлмагайсиз!

— Ҳазрат этакларини маҳкамроқ, маҳкамроқ тутингиз, подшоҳзодам! — қўллаб-қувватлади Оқ Буға баҳрин бошка узангидан қўлини олмай. — Омадимиз мана шунда!..

— Омадимиз шунда!.. — тасдиқлади Ўрунг Темур ҳам.

— Ҳа-ҳа!.. Омадимиз шунда... Шунда-а-а...

Тўхтамиш ўғлон шундай деди-да, узоқ-узоқларга кўз тикди...

II

Боғи Накши жаҳон уч кун давомида меҳмонлардан бўшамеди. Ноз-неъматга тўлиб-тошган дастурхонлар ёзиғлигича турди, не-не бўрдоқи қўйлар сўйилди, майи ноблар ариқ бўлиб оқди. Кониғил ўлангзорига ҳам чиқиб келдилар. Амирзодалар, амирлар ва нўёнлар, аркони давлат вакиллари подшоҳзода кўнглини олиш ниятида уни бир лаҳза ҳам холи қолдирмадилар, «Меҳмон — отангдай улуг» мақоли мақомини баланд тутдилар.

Жаҳонгир Мирзо вафотидан кейин Боғи Накши жаҳонда биринчи бор мусика садолари янгради, шоду хуррамлик суронлари теварак атрофга баралла эштилди. Барчаси, оғир мусибатдан сўнг Турон мамлакатида ҳаётнинг яна ўз йўлига тушиб олганлигини, қоим маромини топганлигини кўрсатаётгандай, унинг мангулик ва дахлсиз эканлигини, шиддатли одимларини ҳеч нарса тўхтата олмаслигини, инсон фақат кўрганига тан бериб яшаш лозимлигини уқдираётгандай бўларди.

Юз бераётган воқеаларнинг нимасидир Умаршайх Мирзога ёқмас, шундан кўнгли хира эди. Унга гўё душманни кўра-била туриб, дўстлардай қарши олинганидай туюлар, бундан ичида кимдандир койинарди. Кўксаройдан чиққанларидан кейин ҳам, Боғи Накши жаҳонда ҳам Тўхтамиш ўғлоннинг феъл-атвори, такаббурлиги, тутуми тегиб кетдими, фаши келганини яширолмай қолди. Амирзода назарида Тўхтамиш ўғлон очилиб-сочилиб

ўлтирмади, у нимадандир норизодай эди, калондиморлик ила атрофга боқиб: «Кимлар билан ўлтирибмен ўзи?.. Кимларга куним қолди?..» деяётгандай, бўлаётган иззатикромларга ҳам беписандлик билан қараётгандай кўринди... «Чингизхон авлоди эмиш! Нима бўпти! Ана, тутни силкитсанг, Чингизхон авлоди тўкилади. Қанчаси сарсон-саргардон бўлиб юрибди, хасдан хор... Итнинг калласини тобоққа солсанг юмалабдир!..» — хаёлидан кечирди амирзода...

— Амир сохибқироннинг бемисл химматларидан кўнгиллари тўлмадими, дейман... Подшоҳзода ёзилиб ўлтирмадилар?.. — деди Умаршайх Мирзо атай овоз қўйиб Жаҳоншоҳ ибн Жокуга, ўзидан уч одам нарида ипак тўшакка омонатгина чўнқайган Тўхтамиш ўғлонга кўз кирида қараб қўяркан. Амирзоданинг чехрасида мазахга ўхшаш ифода қотиб қолганди. Ажабо, неча кундан бери улар бирга базми жамшид қилишмоқда, аммо подшоҳзоданинг бирон марта ҳам мамнуну масрур бўлиб ўлтирганини кўрмади-да. Бошини эгганча ўйлангани ўйланган, гапга кам аралашади. Жаҳоншоҳ ибн Жоку Дашти Қипчоқ ҳақида сўраган эди, минғирлаб бир-икки сўз айтди холос...

Амирзодага малол келганини кўрган Жаҳоншоҳ ибн Жоку сўзга шошилди:

— Хориган бўлсалар керак подшоҳзодам... Сихатлари ҳам нодуруст шекилли...

— Шубҳасиз, йўл хоритган... — вазиятни андавалашга турди Амир Сулаймоншоҳ. — Кишининг жони оғриб турса, ҳеч нарса ёқмай қолади... Ҳеч нарса! Таомдан олсунлар, подшоҳзодам! Майи нобдан келтур, эй косагул!

Унинг ёқимли дўриллоқ овози хонада ҳукмрон оҳангда жаранглади.

Пойгакроқда ўлтирган Муҳаммадбек ибн Мусо билан Муҳаммад Мирак шивир-шивир суҳбатларини тўхтатишиб, даврага қулоқ сола бошладилар. Шайх Нуриддин баҳодир Амир Шоҳмаликка маънодор қараб қўйди, аммо ҳеч нарса демади. Чап қўли қилич дастасига таянган эди. Ўтган кунлар давомида даврага оқсоқол бўлиб бошқариб келган Аббос баҳодир қипчоқ эса, хумоюн ўрдудан олинган фармонга кўра, қуловуз ва тинғчиларнинг келтираётган нохуш хабарлари нечоғлик тўғри-нотўғри-

лигини текшириш ҳамда вазият билан теран танишиш учун бугун Хоразмга жўнаб кетган эди.

Тўхтамиш ўғлоннинг ўнг томонида ўлтирган Алибек кўнғирот Жўжи улусининг фаросати ўткир амирларидан ҳисобланарди. У гап нохуш томонларга бурилиб кетмасин дея ташвишлана бошлади. Подшоҳзодада ҳам отаси Тўйхўжа ўғлонга ўхшаб охирини ўйламай бир юмушга қўл уриб қўйиш, бемаврид сўз айтиб юбориш одатларидан борлигини яхши биларди. Буларга тоқатсизликни ҳам кўшиш мумкин, ёш-да... У Тўхтамиш ўғлон қулоғига ниманидир шивирлади, кейин гуноҳқорона жилмайганча Умаршайх Мирзога изох берган бўлди:

— Хонзодамизнинг мусибатлари янги, биласиз, амирзодам... Тоғдай таянчлари падари бузрукворлари Тўйхўжа ўғлон хазратлари яқингинада Ўрусхон қўлида шикаст топдилар. Фироқ аламини асло унутолмайдилар...

— Дард оғир келди... — қўшилди Амир Оқ Буға бахрин.

— Ҳа. Ҳеч кимнинг бошига солмасун... — деди Тўхтамиш ўғлонни кузатиб келган амирлардан Ўрунг Темур.

Алибек кўнғирот, хали айтдим-ку, бўлингиз, дегандай подшоҳзодани оҳиста туртиб қўйди. Тўхтамиш ўғлон секин бош кўтарди:

— Маъзур тутсунлар, амирзодам! — Умаршайх Мирзога қараб иложининг борича табассум қилишга тиришиб, таъзим айлаб деди Тўхтамиш ўғлон. — Бошимиз осмонда, кўнглимиз тоғдай баланд... Амир соҳибқироннинг ҳимматлари жаноблари сиймосида намоён бўлиб турибди...

Подшоҳзода яна кўзларини ерга тикди, хаёлида эса турфа хил ўйлар гужғон ўйнарди... У Чингизхон авлоди бўлса, дунё салтанатини барпо этган жаҳонгир авлоди! Улар эгаллаб турган Турон замини ҳам асли Чингизхон забтида эди-ку! Улар ким бўлибди ўзи? Хон авлоди эмаслар, шунчаки амирлар, ювуксиз ялангоёқлар, ювиндихўрлар!.. Уларга азалдан фақат амирлашқарлик, сипохсолорлик мерос қилиб берилган, Чингизхон авлодига хизмат қилишдан нарига ўтмасликлари шарт. Бу билдирилаётган иззату икромлар, базми жамшидлар ҳам бари — уларнинг вазифаси, бу ҳашамлар подшоҳзодага эмас, кўпроқ уларга керак. Шундай қилиб ўзларини чин-

гизийларга якин кўрсатмоқчилар, суйкалиб юриб бу га-долар одам бўлиб олмоқчилар!

Аммо, подшоҳзодага шунча илтифотлар кўргизган Амир Темур Кўрагоннинг ўзлари Боғи Нақши жаҳонга бир марта ҳам қадам ранжида қилмадилар-ку! Тўхтамиш ўғлонни одам ўрнида кўрмадилар шекилли... Ул зот умуман чингизийларни писанд қилмайдилар. Мана, Суюрғатмишхонни кўғирчоқдай тахтга ўтказиб қўйибдилар-ку! Унинг қўлида «хон» деган сўздан бошқа ҳеч вақо йўқ. Ландавур «хон»нинг ўзи ҳам ўйламай-нетмай чингизийларга номуносиб иш қилиб шунга рози бўлиб ўлтирибди... Тўхтамиш ўғлон ҳеч қачон кимларнингдир қўлида кўғирчоқ бўлмайду, балки ҳаммасини кўғирчоқ қилиб ўйнатаду! Ҳали шундай ўйнатсунки!.. Фақат қўлига тахт жилови тегсин! Унгача уларга ялиниб туришга, дардини ичига ютишга мажбур, мажбур... Бошқа пайтлар бўлганда-ку, Умаршайх Мирзодай калондимоғ амирзодаларга кучини кўрсатиб қўяр эди-я! Аммо ҳозир кучсиз, ожиз, ночор бир хонзода, на ёнида лашкар бордир, на таркашида ўқ... Амир Темур қошига панох тилаб келишининг сабаби ҳам чорасизликдан, соҳибкирон билан «ота-бола» бўлиш ҳавасидан эмасдир. Асло!

Ота-бола бўлиш — Амир Темур олдида Тўхтамиш ўғлон ўзининг тобеълигини тан олиши, деганидир. «Ота» — давлат эгаси, «бола» — унга бўйсунувчи ҳукмдор... Бу салтанатлар сиёсатидаги нозик нуқталардан бири. Бундай қилинса, буюк Чингизхон шаънига дов бўлиб тушадир. Тўхтамиш ўғлон асло буни истамайду! Ҳозир унга куч керак, лашкар керак! Чўкаётган илонни ушлар экан... Нафас ростлаш учун лозим бўлса, ғанимининг олдида бориш, ялиниб-ёлвориш, пойини ўпиш даркор, сабр-тоқат қилиш, чидаш даркор, чидаш!.. Ахир Амир Темурнинг ўзи ҳам бир пайтлар Мўғулистон хони Туглуқ Темурхоннинг олдида ана шундоқ юкунуб борган эди-ку! Кам бўлгани йўқ...

Умаршайх Мирзо подшоҳзода сўзларининг нечоғлик самимий эканлигини билиш ниятида Тўхтамиш ўғлон кўзларини кидирди, лекин фақат эгилган бошни кўрди холос. Оқ Буға баҳрин Тўхтамиш ўғлон қулоғига нима-нидир шивирларди.

Шу пайт мулозим кириб, хумоюн ўрдудан чопар келганлигини эълон қилди. Барча сергакланди. Амир Те-

мурнинг энг якин мулозими Муҳаммад Чуроға додхох Боғи Нақши жаҳоннинг меҳмонлар хонасига тантанавор кириб келди-да, сўзларига залвор жойлашга ҳаракат қилиб, бундай деди:

— Хумоюн ўрдудан қутлуғ фармон содир бўлди! Фармонга кўра, подшоҳзода Тўхтамиш ўғлонга Ўтрор ва Саброн¹ вилоятлари тақдим этилгай! Унга зафарнишон лашкар, аскарларга тағор ва укалко², отларга улуфа ажратилгай! Лашкарнинг мақбул соатда ўз вилоятига йўл олмоғи зикр қилинмишдур... Муборак бўлсун, подшоҳзодам!

Унинг йўғон овози хонани тўлдиргандай бўлди.

Меҳмонхонани қийқириқлар тутди.

— Муборак бўлсун! — қутлади Амир Сулаймоншоҳ.

— Қутлуғ бўлсун! — қўшилди Жаҳоншоҳ ибн Жоку...

Умаршайх Мирзодан бошқа барча подшоҳзодани муборакбод этишга шошилди.

Алибек қўнғирот барқ мисоли олий фармоннинг ўз вақтида етиб келганига шукурлар қилди, азбаройи қувонганидан қарсақ чалиб юборганини билмай қолди. Оқ Буға баҳрин ҳам, Ўрунг Темур ҳам, Муҳаммад Мирак ва бошқалар ҳам Тўхтамиш ўғлоннинг бахти очилганлигини, Аллоҳ унга бемисл илтифот кўргизганлигини эътироф этар эдилар.

Халитдан бери ерга қараб ўтирган Тўхтамиш ўғлон бошини кўтарди. Умаршайх Мирзо аниқ кўрди: бу, бояги подшоҳзода эмас, мутлақо бошқа одам эди! Подшоҳзода мамнунлигини яширмас, тиниқ юзларига табассум ёйилган, ёркин кўзлари аллақандай умиддан чакнаб ёнарди! Чиндан ҳам, Тўйхўжа ўғлон фарзанди худди ана шу фармонни кутарди! У тезроқ бобо юрти Дашти Қипчоққа қайтгиси, отасининг умрига завол бўлган ўшал Ўрусхон билан яхшилаб ҳисоблашиб қўйгиси келар, қаттиқ алам ўчи бутун вужудини қуйдириб, ёндириб кул қилмоққа шай эди. Шу важдан бўлса керак, еган-ичгани ҳам ичига тушмас, шоҳона базми жамшид ҳам татимасди. Амир Темур Кўрагондан шитоб қўшин олса-ю, қаттолу баттол ёғийлари томон ўқдай елса!.. Бало-қазодай бостириб борса, саваш қурса, мўрмалахдай кирса, яна

¹ Ўтрор, Саброн — Сирдарёнинг ўнг соҳилида жойлашган шаҳарлар.

² Тағор ва укалко — тағор — лашкар учун овқат; укалко — аскарларга бериладиган пул-иньом.

қирса!.. Ўрусхонни кунпаякун қилиб тахтини қўлга киритиб олсин, у ёғини ўзи билади...

Тўхтамиш ўғлон шарт ўрнидан туриб шитоб бордида, таъзим қилганча Муҳаммад Чуроға додхоҳ қўлидан кутлуғ фармонни олди ва азизлаб тавоф этди.

Сўнг Умаршайх Мирзога қараб деди:

— Амирзодам, Амир Темур Кўрагон хазратларининг олий химматлари шунчалар улуғ эканки, уларни мактамоқ кундузни кундуз дегандек сўз бўлур! Тоғнинг тоғ эканлигига шубҳа бўлиши мумкинму? Асло! Амир соҳибқироннинг умрлари узун, давлатлари зиёда бўлсун! Беадад яхшиликларини қайтариш учун ҳамиша бир жоним омода! Мендан қайтмаса худодан қайтгай! Ҳазратга фарзанд, сизга оға-ини бўлиб от суражакмен Дашти Қипчоқ томонларда! Саодатлари боқий бўлгай, амирзодам!..

Умаршайх Мирзо хиёл бош эгиб қўйди-ю жавоб қайтармади, унинг ёқимсиз ингичка овози гашига тегди. Ажабо, шунча тухфа-ю инъомлар, сийловлар, Хонўғлондай дулдул, — гапнинг очиги, амирзода ҳам бу отни жуда ёқтирарди, аммо бу ҳақда ҳеч қачон ҳеч кимга бир нима деган эмас, — дабдабали базми жамшидларга эътиборсиздай караган подшоҳзода нега Ўтрор билан Сабронни тақдим этилиши, айниқса зафарнишон қўшин берилиши ҳақидаги фармон ўқилганда беҳад хурсанд бўлиб кетди? Ўтрору Саброн ва қўшин ҳам юқоридагидек инъому ҳадяларга кирмайдирму? Унга нима керак эди ўзи? Тухфа-ю инъомлар зарурмиди ёки ёлғиз юрту қўшин, бошқача айтганда, куч-қудрат керакми эди холос?..

Бу ёғи амирзодага қоронғи қолди.

Кувончдан ўзини осмонда сезиб, фурсатни қўлдан беришни истамаган Тўхтамиш ўғлон кишининг ўрталари эканлигига қарамай, борғунимизча баҳор ҳам кириб қолади, деган умидда Сабронга жўнашга қарор қилди. Бу милодий 1376 йилда юз берди.

Т Ў Қ Қ И З И Н Ч И Б О Б

I

Боғи Баланд меҳмонхонаси одатдагидек шинам, осойишта... Самарқанд азалдан қаттиқ совуқлари билан маш-

хур эди. Киш чиккан бўлса ҳам ҳали сочбоғини йиғиштириб олмаган — ташқарида қора совуқ изиллар, гоҳ-гоҳда қор учқунлаб кўярди.

Бозиллаган танчага оёғини киритиб шоҳи кўрпага ўраниб ўлтирган соҳибқирон деразага тикилганча узоқ хаёлларга чўмганди... Паноҳ истаб келган Тўхтамиш ўғлон сабаб худди Жаҳонгир Мирзони кўргандай бўлди. Худоба шукур. Иккинчи томондан, уни кўпдан ташвишга солаётган нарса — мамлакат шимолидаги Жета ва Дашти Қипчоқ билан боғлиқ муаммолар ҳал қилинди ҳисоб. Ҳа, соҳибқирон, чамаси, бунинг чорасини топди, сопини ўзидан чиқарди... Бас, энди у ёқларга бориб ҳам юрмайди, ҳаммасини ўғли Тўхтамиш ўғлон ўзи тинчитади, Жўжи улуси тахтини ҳам олади, Қамариддин, Анқо Тўра сингари муртадлар ҳам гумдон бўладилар, икир-чикирларга гўла жанжалларга асло ўрин қолмайди, фақат Амир соҳибқирон вақтида йўл кўрсатиб, кенгашлар бериб, «ҳа-ҳа!» деб турса бас... Шундан кейин у мамлакат ободончилиги билан бемалол шуғуллана олади... Тўғри, кўнглида, Тўхтамиш ўғлон беоқибат чикмасмикин, деган шубҳа ҳам бор, лекин унга қулоқ солишни истамайди...

Олдига кўк дафтарини кўйиб алланималарнидир ёзаётган хос мунший Мавлоно Убайд ҳам ўз хаёллари ила банд бўлганча, гоҳ ёнидаги жузвдонни титкилар, гоҳ рисоалардан бирини олиб варақлашга тушарди.

Соҳибқирон ўйлаб қараса, Самарқанд ҳақида унчамунча билар экан, билмайман деса адолатдан бўлмайди... Самарқанд эли пок мазҳаб, тамом сунний, расули акрам, ҳазрат рисолатпаноҳ саллаллоҳи алайҳи васаллам замонларидан бери бу заминда машҳури офоқ имомлар, дин пешволари истиқомат қилганлар. «Сахиҳи Бухорий» соҳиби Хожа Исмоил Хартанг, Шайх Абумансур, Шайх Бурҳониддин... Хожа қабрлари Хартангда, икки марғуб шайх хоки турбатлари шаҳарда, Чокардиза қабристонидан...

Хайру саховат соҳибалари бўлган эгачи Қутлуғ Туркон оқа билан малика Сароймулкхоним бу табаррук жойларда ўз ақчаларига хонақоҳлар қуришмоқда, қабрларини обод этишмоқда, барчасининг савоби чексиздир. Ҳаммасидан соҳибқироннинг хабари бор, бонуйи кубро билан маҳди улёнинг шундай ниятларини билиб бағоят хурсанд бўлди, ҳатто ўзи қўллади ҳам... Қурилаётган имо-

ратлар хазинадан эмас, ҳар кимнинг ўз ҳисобидан бўлиши белгилаб қўйилганди. Айниқса, амирзодалар ва маликалар, хонимлар ва оқалар бири-биридан улги олиб мамлакатнинг турли депараларида — кимдир мадраса, кимдир хонақоҳ, раббат, кўприк, йўл ва ҳоказо — қуриш ёки таъмирлаш билан шуғулланардилар...

Холисанилло айтганда, бунёдкорликка ҳавас салтанатда урф даражасига кўтарилган эди. Ҳатто Амир Темурнинг ўзи хали юрт бошига келишдан хийла муқаддам амирлардан бири рутбасида юрган чоғидаёқ милодий 1362 йилда Қарши қалъаси деворини тиклатганини эслади. Чунки у «экаман-тикаман» деган халқнинг боласи-да. Ўшанда ҳам мана шундоқ киш фасли эди...

— Валлоҳи аълам биссаваб... — бирдан ўртадаги жимликни бузди Мавлоно Убайд ҳамиша кулиб турадиган қисқ кўзларини соҳибқиронга тикиб. — Маъзур тутгайлар, Самарқанди фирдавсмонанд тарихидан сўрагон эрдилар-да...

— Сўрагон эрдим...

— Камина дабдурустдан жавоб бера олмай лол қолиб мулзамликдан бошқа чора тополмадим, Амир соҳибқирон... Ижозат берсалар...

— Ижозат берилур! Самарқанд тарихи борасида тузукроқ билимимиз йўқ-да... — тан олиб деди соҳибқирон. — Кўп нарсани билгимиз келадур...

— Ташаккур... Мўътабар шаҳримиз бешинчи иқлимдан ҳисобланур. Шаҳарнинг бошидан кўп савдолар ўтгон, Амир соҳибқирон, сўзланса узок вақт лозим бўлур. Инчунин, мухтасар қилурмен. Унинг аталиши ҳақида шундай ривоят бор. Самарқанд «Самаркент» сўзининг арабчалашганидур, Самар қишлоғи маъносини беради. Самар — турк хонларидан бировининг исми, бу қишлоқни ул зот жуда қадим замонда барпо қилгон экан... «Тарихи Табарий» китобида ҳам келтирилибдурки, Самар отлик бир хон ушбу шаҳарни бино қилдирибди, энг аввал «қанд» деган турк аймағи бунда ўрнашиб ўлтирибди, шунинг учун шаҳар «Самарқанд» аталибди...

— «Тарихи Табарий»да шундоқ ёзилганму?..

— Шундоқ ёзилган, Амир соҳибқирон! Сўнг турк подшоши Афросиёб, яъни Алп Эртўнга пойтахти бўлгон... Искандар Зулқарнайн шаҳарни забт этиб, унинг деворини тиклагон. Сўғедиёна пойтахти бўлгон. Рисолаларда

«Девори қиёмат» қабилида зикр этилмишдур. Жанубий девори «Девори кўндаланг» деб аталмиш... Шаҳар ташида, Навбоғда Қутайба ибн Муслим бир ҳовуз қаздирибдур. Олти юз йиллар муқаддам шаҳримизда биринчи масжид бино этилгон, бу Ҳазрати Хизр масжиди бўлгон, Кўк мачит ҳам дерлар. Нақл бор, кимки қирқ душанбани бир-бирига улаштириб шу масжидда намоз ўқуса, Хизр алайҳиссаломни кўрар эмиш... Афсуслар бўлсин-ким, Чингизхон босқинида шаҳар харобага айланибдур, ўрнида култепалар қолибдур... Валлоҳи аълам биссавоб.

— Ҳов анови куни Боғи Нақши жаҳонга йўлим тушганди, — деди ўйланиб Амир Темур. — Шимол ёқдаги баланд адирлар, демак, адир эмас эски Самарқанддан қолган тепалар экан-да...

— Шундоқ, ҳазратим! Яна. Мотурид кишлоғида Шайх Абу Мансур боғчасида бир дарахт бор эмиш, «лисон ул-асфур», яъни «чумчуқ тили» отлиғ. Самарқанд ажойиботларидан бири дейдилар. Меваси чумчуқ тилига ўхшар эмиш, шифобахшлигидан кўп дорулар анинг билан тайёрланар эмиш... — Қиссахон жим қолди. — Аслан, Самарқанд бағоят гўзал кент саналгон. Мавлоно Истахрийнинг бундан тўрт юз йиллар муқаддам ёзган рисоласини мутолаа қилдим ва иқтибос ҳам айлагон эрдим... Фикри ожизимча, дейди у, Самарқанд Аллоҳ мамлакатларининг энг унумдор еридур...

— Араб муаррихи Истахрийму? Қани, нималар битгон экан, билайлик-чи... — Амир Темур Мавлоно Убайдга тикилди.

Мамнун қиссахон шитоблик билан жузвдонидан бошқа бир саҳифа қоғоз олди ва дона-дона қилиб ўқий бошлади:

«... Самарқанд зикр этгонимиз барча диёрлару масканларнинг энг аълосидур. Хушманзаралик касб этгон шаҳар бағоят файзиёбдур. Яқинида чанги кўқиб ётган чўллар, қул-қуруқ қоя-тоши ялтираб турган тоғлар йўк....Сўғд дарёсининг икки қирғоғида кўм-кўк дарахтлар, мазраъ-экинзорлар бисёрдур. Баланд адир кифтига чиқиб назар солгондим, кўзим кўкаламзор яхлит боғларга кўмилган шаҳарга тушди. Ҳамиша сувлари лиммолим ариқлар билан ўралгон боғлар яшнаб ётмишдур. Боғлар шаҳардан тошиб ён қишлоқларга чиқиб кетмиш-

дур. Ҳамма жойда боғлар, оқар сувли ариқлар... Боғлар кетидан боғлар...»

— Боғлар кетидан боғлар... эрканму?.. — сўради бирдан ҳайратлангандек Амир Темур. — Боғлар кетидан боғлар... денг?..

Соҳибқирон азалдан боғларни яхши кўрар, қаерга борса янги-янги гуллар уруғини топтириб олиб келар ва боғларга эктиришни буюрарди. Боғи Чинор билан Боғи Нақши жаҳонда ана шундай гуллар ҳар йили баҳорда чаман-чотир очилиб турфа бўйлар таратади. Болалигида гулларга кўп ўралашганидан, онаизори Тегина хотун кўриб: «Боғбон бўласен шекилли, ўғлим!..» деб кўярди. Ҳа, у катта боғбон бўлишга иштиёқмандлигини яширмасди, лекин тақдир унинг пешонасига «Туркистонзамин» деган боғ яратмоқни битганлигини албатта билмас эди.

Мавлоно Убайд соҳибқироннинг сўз айтиш ҳаваси борлигини кўриб, патак соқолини силаганча тўхтаб қолди. У Истахрийнинг сўзлари Амир Темур қалбининг қаерларигадири тегиб кетганини сезди.

Соҳибқирон деразадан ташқарига қараб ўйлашиб турди-да, деди:

— Боғлар кетидан боғлар... Мавлоно Истахрий адолатли баҳо берибдур. Боғлар — Аллоҳнинг мўъжизаси... Чиндан-да, юртимиз Аллоҳ мамлакатларининг энг унумдор еридур. Рубъи маскуннинг ҳам қоқ ўртасида жойлашғон, хатти устивога¹ яқиндур. Бас, Самарқандимиз дунёнинг энг обод ва кўркем шаҳрига айланғувсидур! Жаҳон шаҳарларини унинг атрофига маржондай тизиб қўйғумиздур ҳали! Пойтахт теварагида шаҳарлар курғоймиз, уларни Миср, Дамашқ, Бағдод, Шероз, Султония деб атағоймиз, бари Самарқандга тумор янглиб безак ва қувват бўлғувсидур. Самарқандда шундай боғлар барпо этайликки, кўрғонлар ҳайратдан ёқа тутсунлар. Ҳар шаҳарда мухташам иморатлар, масжиди жомеълар бино қилғоймиз. — Соҳибқирон тин олди. — Бизнинг қудратимизга шубҳа қилғонлар бунёд этғон биноларимизга боқсунлар! Яшнаган боғларимизга назар солсунлар!

— Ё Раббий! Қудратимизга шубҳа қилғонлар ҳам борму, Амир соҳибқирон?..

¹ *Хатти устиво* — экватор чизиги.

Киссахон шундай дер экан, кўк дафтарга тинимсиз нималарнидир ёзарди. Амир Темур кўпдан юрагида йиғилиб қолган гапларини айтишга пайт пойлаб юрган ва ниҳоят имкон топилганидан мамнун кишидай завқу шижоат билан сўзда давом этди:

— Шубҳа қилгувчилар топилмоғи равшандур, мавлоно. Инсон зотида куфрони неъмат ила ношукурлик балосидан ёмонроқ иллат бўлмас... Ўз саодатининг юзини тирнашдан тоймаган бадбахтлар йўқ дейсизму? Ўзини билмай садоқату ихлосдан дам урадигонлар-чи? Кофир бор, фосиқ бор, ёмон бор, тубан бор, нокасу нотавон бор... Ва улар қудратимизни кўриб, Амир Темурнинг қудрати қиличида, деб боғимизга тош отадилар, камситишгача борадилар. Ҳа!.. Билсунларким, бизнинг қудратимиз қиличимизда эрмас! Шундай деганлар, давлат ишларининг ўндан тўққизини кенгашга қўйғонлигимизни билмайдиларму? Огоҳ бўлсунларким, бизнинг қудратимиз — Аллоҳ каломини дилимизга жойлагонимизда, кишига эзгулик тилагон хуш феълимизда, майли иморату хайру эҳсонга бағоят ружу қўйғонимизда! Киндик қони тўкилгон ерни эъзозлагонимизда! Хуббул Ватани минал иймон! Бизнинг қудратимиз — умр деган савдонинг меъморликдан иборат эканлигини теран англагонимизда, тер тўкишни ардоқлагонимиз ва гўзалликка мафтун бўлгонимизда, ишончу иймон мамлакатига зийнату равнақни раво кўрғонимизда!..

— Офарин, Амир соҳибқирон! Офарин!.. Офарин!..

Кўп йиллар Амир Темурга ҳамнафас бўлган Мавлоно Убайд ҳозир уни биринчи марта кўриб тургандай хайрон бўлиб қолди. Қуюқ қошлари чимирилган, каттакатта кўзлари чақнаган, кенг пешонасида битта-ярим терлар ҳам пайдо бўлди... Соҳибқиронда мисли йўқ қудрат қўзғолишга келган, шахту шижоат ўзини намоён этмоққа шайланганди. Бунга пири муршиднинг Андхойдан юборган муборак мактуби ҳам кучли таъсир қилгани аён эди. Амир Темур ёнбошлаган жойидан туриб, бўлмада у ёқдан бу ёққа юрар, борлигини фавқулодда бир ҳаяжон чулғаб ташлаганди...

Соҳибқироннинг фикри шиддатли эди; у тезроқ янги боғлар барпо қилишга киришиш лозим, деб ҳисоблади ва бу нозик юмушни Амир Сайфиддин некўзга юклашга қарор берди. Боғларнинг тарhini чизишда муҳандис-

ларга ўзи бош-қош бўлади, қасрлар шакл-шамойили қанақа бўлиши, қандай дарахтлар ўтказилиши, чорчаманлар бунёд этилиши, гуллар экилиши, йўлкалар қурилиши йўсинлари — барча-барчаси, албатта, соҳибқирон назоратида кечади...

Амир Темурнинг бўлмадан ташқарига чиқиб турган ўктам овозини эшитган мулозим ичкарига мўралади:

— Маматни чорла! — буюрди Амир Темур нимадир эсига тушгандай.

Бир оздан кейин Муҳаммад Чуроға додхоҳ кириб келди.

— Самарқанд атрофида боғлар шодасини барпо қилгайбиз! Биласенму, бу боғлар ўзгача бўлгай! Семирамида боғларини биласенму? Ўша Бобилдаги осма боғлар улар олдида ип эшолмай қолсунлар!..

Соҳибқироннинг ёш боладай хурсандлигини кўрган Муҳаммад Чуроға додхоҳ ҳайратда Мавлоно Убайдга қаради, кейин деди:

— Улуғ савоб иш, Аллоҳга ёқадуруғон иш, Амир соҳибқирон!

— Амир Сайфиддин некўзга боғлар мутасаддилигини тобшурсак, не дейсен?.. У бундай юмушларда жуда зийрак, фаросати ўткир инсон. Бориб ўзим боғлар ўрнини белгилаб берамен... Зудлик бирлан Амир Сайфиддин некўзни бу ёнга чорла!

— Айни муддаодур, лекин...

— Хўш?..

— Амир Сайфиддин некўз жаноблари... ҳаж сафаридалар-ку... Ўзим ҳам ҳузурингизга келаётган эдим...

— Э... Тагин ёдимдан кўтарилибдур... — хижолат бўлгандай деди Амир Темур. — Некўз жаноблари сафардалар... Назаримда, кетмагондай. Доим ёнимда юрондай... Ҳамиша кадри ўтадир...

Амир Сайфиддин некўз соҳибқироннинг энг кадрдон, сидку ихлос камарини белига қаттиқ боғлаган маърифатли дўстларидан ҳисобланарди. Сеистонда ўнг оёғига ўк текканда Амир Жоку барлос билан шу дўсти унинг ёнида эдилар, улар бўлмаганда, эҳтимол, соҳибқирон ўша ерда ёғий қўлига тушиб қолармиди. Амир Хусайннинг синглиси Улжой Туркон оқага уйланганда, шу дўсти ёнида куёвжўра бўлиб борганди... Мохонда Амир Хусайн иккиси Алибек Арғуншоҳ туркман қўлида бургаси кўп бир

коронфу хонада асир бўлиб ётдилар. Буни эшитган Тус ва Абивард шаҳарлари ҳукмдори соҳибқироннинг эски дўсти Муҳаммадбек туркман укаси Алибекка дашномлар берди, уларни озод этишни тайинлаб, совға-ю ҳадялар юборди. Аммо Алибек мурувватсизлик кўрсатди — тухфаларни олиб қолиб асирларга ориқ от ва озгин туя берди-да, ҳибсдан озод этди...

Амир Хусайн билан хайр-хўшлашиб Жайхун бўйига келдилар. Кун бағоят иссиқ, офтоб тиккага келганча еру жаҳонни беаёв забтига олган... Соҳибқирон эслай олмайди. Қайсидир бир китобда ўхшаш жазирама иссиқ таърифини ўқиганди. Ўша ерда ёзилишича, иссиқ шундай баланд эдики, дарё ичидаги балиқни, кон қаъридаги лаълни, устихон ичидаги илиқни куйдирар, кинда турган қилични мумдек эритар эди... Шу алфозда тўқайга чекиниб, қамишлар соясида бир ой жон сақладилар. Дарёдан шундоқ ўтилса Қаршигача бир кунлик йўл холос...

Бироқ кутилмаганда кунботарда бир тўда душман қораси кўринди. Қолмоқ хатарли эди. Ҳамма Жайхунга юз бурди. Улжой Туркон оқа ҳам Аллоҳга таваккал қилиб соҳибқиронга эргашиб дарёга от солди! Ўшанда Улжой Туркон оқанинг нариги ёнида муҳофаза қилиб келган ҳам Амир Сайфиддин некўз эди...

Йиллар ўтиб қанча сувлар оқиб кетди, бу нозик дидли, чиройли юзли, ҳамиша соқол-мўйлаби бир текис қирқилган, хушбичим дўсти саъжиясида бирон ўзгариш рўй берганини кўрган эмас.

— Амир Сайфиддин некўз жанобларини эслаганингиз бежиз эмас шекилли... Худонинг ўзи кўнглингизга солибди-да... — деди маъноли Муҳаммад Чуроға додхоҳ.

Амир Темур таажжубланганча мулозимга қаради:

— Нечун ундай деётирсен?..

— Худо — пошшо эгам, деганлар, Амир соҳибқирон... — давом этди Муҳаммад Чуроға додхоҳ. — Амир Сайфиддин некўз жаноблари Шероздан чопар юборибдилар, Лўлахожа отлик...

— Халлоқи безаволга салламно!.. Чопар юборибдиларму? — қувончу хайратда сўради Амир Темур.

— Ўзи гунг-соқов экан... Ғўлдираб узук-юлуқ гапира олади, лекин гапни тушунади. Бирдан равон гапириб

хам юборади. Қийинчилик билан айтган сўзларидан Амир Сайфиддин некўз элчиси эканлигини билиб олдик... Мактубни ҳам кўрсатди.

Мухаммад Чуроға додхоҳ учун бундай одамларнинг салтанат остонасига бош уриб келиши янгилик эмасди. У турли тоифадаги, бир қарашда қаланғи-қасанғи бўлиб кўринадиган, аммо аслида зеҳни тоза оқил одамларнинг соҳибқирон олдига тез-тез келиб туришларини яхши биларди ва уларни доим ўзи олиб кирарди. Улар салтанатнинг олис-яқиндаги «кулок»лари эдилар-да. Одатда, шундай кишилар соҳибқирон хузурига кирганларида албатта Мавлоно Убайд қўлда қалами-дафтари билан шай бўлар, ўзга эллар ҳақидаги турфа янгиликларни, мамлакатлар, тоғлар, дара-водий йўллари, боди-ю саҳро, оби-ҳаво, мазраъ-ю экинзорлар, чорва, боғ-роғ, мадраса-ю масжидлар, шароит, раоё ва бароё, улус ҳамда қўшни музофотлар борасидаги маълумотларни, жуғрофий рақамларни бир-бир ёзиб олар эди. Кейин соҳибқирон барини амирул умаро Амир Жоку барлос, Амир Сайфиддин некўз, Амир Довуд дуғлат, вазири аъзам, шайхул-ислом, қозикалон ва яна лозим топилган умаро вакиллари билан биргаликда синчиклаб кўриб таҳлил этиб чиқар, оқибатда сиёсий мақомлар, салтанатнинг ҳозирги вазияти, ҳарбий юришлар йўсини, ҳар бир босилажак қадамнинг фойда-зиёни ҳақида машваратлар ўтказар эди... Шу сабабдан ҳам Мухаммад Чуроға додхоҳ Амир Сайфиддин некўз элчисининг гунг-соқов эканлигини табиий деб билди, чунки ўхшаш кишиларнинг аксарияти ё кар, ё кўр, гунг-соқов, мункиллаб қолган чол ёки гапи оғзидан тушиб кетадиган кампир, эвос қаландар, таскара-ю таъвия дарвиш, «бир қайнови ичида» одамлар қиёфасида бўлар эдилар-да.

— Ие!.. Чопар ҳам гунг-соқов бўладими?.. Кўп ғалати...

Соҳибқирон ҳайрон қолди-ю ортиқча эътибор бермади, унинг учун чопарнинг дўсти хузуридан келгани муҳим эди. Хийладан бери Амир Сайфиддин некўздан хабар кутарди. Сеистон, Қандаҳор, Хуросон, Журжон, Мозандарон, Форс, Ирок, Шом, Ширвон... Бу мамлакатларда олам вазияти нечук даражада?.. У томонлардан мамлакатга таҳдид ҳаракатлари йўқму? Баридан яхши хабардор бўлиб турмоқ даркор. Шундай юмушлар би-

лан шуғулланадиган хос идора сустлик кўргизаётир, тингчи, куловуз ва айғоқчилар, хабаргирларни яхшироқ ишга солмоқ жоиз... Бусиз ҳеч қандай салтанат олға қадам босолмайди...

II

Мухаммад Чуроға додхоҳ, соҳибқирон ҳозир тез чопарни олиб кир, дейдилар, деб кутиб турганди, бироқ мутлақо бошқа фармонни эшитиб танг қолди:

— Мубашшир баҳодирни буюр!

Соҳибқирон қўлларини орқасига қилганча ҳамон ўз хаёлига фарқ у ёқдан бу ёққа бориб келарди.

Мавлоно Убайд кўк дафтарга ёзишда давом этар экан, бу жонининг роҳатини билмаган яримжон одамнинг шунчалар ўзини ўтга-чўкка уришини ҳеч тушуна олмас эди. Бир ой бўлдими, икки ой, Аббос баҳодир қипчоқни Хоразмга дарвиш мақомида куловузликка жўнатди. Амир Сайфиддин неқўз бўлса, мана, ҳаж сафарига кетган, яна кимдир қаёққадир юборилган... Вилоятларда пинҳона кезиб, аҳволни билиб юрадиган вакиллар ҳар уч ойда келишиб соҳибқиронга учрашиб кетадилар. Сарҳадларда қоровуллар ҳамиша уйғоқ, кун ора хабарлар етиб туради. Ора-орада хорижий мамлакатлардан келадиган элчиларни ҳам айтиб ўтиш керак.

Бошқа томондан, ҳумоюн ўрду, эгачи-сингиллар, ҳарам, хонимлар ва оқалар, фарзандлару набиралар ташвиши... Исмат пардасидаги қизлари Оқа Беги хоним билан Султон Бахт бегимларни тенгини топиб эгаларига узатиш керак. Яқинда Умаршайх Мирзони, раҳматли Амир Муайяд арлотнинг ўғли Мирзо Алибекни уйлаб қўйдилар, тул қолган синглизиси Ширин биканинг кўнгли чўкиб қолмасин ахир. Сирасини айтганда, соҳибқирон фарзандлар ташвишини жуда яхши кўради, айниқса уларнинг тўйларини ўтказиш унга бамисли ҳайитдек фараҳли. Қайси бирининг бўйи етиб қолди экан, деб кўз ташлаб, пойлаб юради. Ишқилиб, тиним йўқ.... Хос мунший фикри ожизича, яқин тўрт-беш қарн¹ичида ҳеч бир турк ўғлони бундай шону шавкатга ва иззату икромга эриш-

¹ Қарн — аср. Алишер Навоий замонида, қарн ўттиз йил маъносида ҳам тушунилган.

маган... Ҳозирги мартабаларига ҳам бировнинг нафаси етмоғи гумон. Бевафо умрнинг гаштини суриб, махлиқолар даврасида офтобдай балқиб, беш кунлик ўтар дунёда сал оёқни узатиб ҳам яшаш лозим-ку... Бундай ўз жонини ҳам бир оз ўйласин ахир?.. Мавлоно Убайд буни Амир соҳибқиронга ачиниб-куюнганидан дейди-да. Фурсати келганда, у ўз мулоҳазаларини ҳазратга албатта айтишни кўнглига тугиб қўйди.

Додхоҳ билан Мубашшир баҳодир кириб келганларида Амир Темур қўлларини орқасига қилиб хонада оҳиста кезиб юрар, хос мунший эса ўз юмуши билан машғул эди. Мубашшир баҳодир деганимиз ўрта бўйли, чайир, кўзлари тийрак, қулоқлари катта-катта, аммо шалпангқулоқ дейилса, таъриф бир оз ошиб кетадигандай ўттиз бешлардаги жасур йигит эди. Шу вайдан қулоқчинни катгароғидан танлар, саллани қалинроқ ўрарди. Иягининг учидаги кичкина қора соқоли ва текис қирқилган мўйлаби бежирим кўринарди. Мубашшир баҳодир ҳам Муҳаммад Чуроға додхоҳ сингари Амир Тарағай хонадонидан катта бўлган, соҳибқироннинг ишонган баҳодирларидан эди.

Мубашшир баҳодир шитоб келиб улуг амирни тавоф этди. Шундан сўнг Амир Сайфиддин чопари олиб кирилсин, деган амри вожиб бўлди. Муҳаммад Чуроға додхоҳ икки ясовул кузатувида пакана бўйли, бошида қора барра тақия, эғнида энги узун қора пашмина¹, кўзлари тиг билан очилгандай кичкина, юзларини малларанг соқол-мўйлов босган Лўлахожа деган одамни олиб кирди. У совуқда қунишиб қолганидан бошини ичига қилиб олган типратикандай кўринарди бир қарашда. Муҳаммад Чуроға додхоҳ кузатувида Лўлахожа эгилиб-букилганча тўрда турган соҳибқиронга таъзимга борди ва пойини ўпиб, сўнг энги ичида ўроғлиқ заррин қоғоз олиб ерга қараганча Амир Темурга узатди-да, орқага чекинди...

Улуг амир мамнун мактубни Мавлоно Убайдга тутди:

— Ўқусунлар, мавлоно!

Бундай найча мактубларга дуч келавериб, очишга уста бўлиб кетган қиссахон дарҳол нома ипини ечиб, мухрини бузди, мухр Амир Сайфиддин некўзники эди,

¹ Пашмина — жун чакмон.

Мавлоно Убайд уни яхши танийди, сўнг шошилмай ўқий бошлади:

«Ассалому алейкум, етти иқлим соҳибқирони, подшоҳлару султонлар жаҳонгири, иймону ишонч йўлининг қибласи-ю кутбул кироми! Мусофирлик китобидан аччиқ сабоқлар олишда давом этаётгон, Туронзамин йўлида кўзлари нигорон содиқ қулингиздурмен...

Алқисса. Аввал бошдан дарвиш сиёғида кўчалару гузарлару бозорларга назар солдим, гапларни кулоққа куйдим. Сўнг эғнимдаги жандамни ўзгартириб, ўшал жой ҳукмдори саройига бордим ва ҳажга кетаётгонимни айтиб, Амир Темур Кўрагон салтанати элчиси сифатида ҳар бирига иноқлик ва биродарлик борасиндаги муборак мактубларингизни тобшурдум...

Хуросон заминидан куртлар сулоласидан Малик Гиёсиддин комронлик курсисидан ўлтирмиш, Гургонда Тоға Темурдилар сулоласи вакили Амир Вали, Кирмон ва Исфаҳон музофотларини қамровга олгон музаффарийлар сулоласидан Шох Шужоъ Шерозда салтанат туғини кўтармишлар, Сабзавор шаҳрида Хожа Али Муайяд сарбадорий давлат идорасида банддурлар ва ҳеч бири, чамамда, кучли ҳукмдорлар сирасига кирмағай... Аммо бирлашсалар катта кучга айланурлар... Улар орасинда чигалликлар ҳам бисёрдур, фаҳмимча, иноқликка томон юришга раъйлари кўринмайдур. Бу ҳукмдорларнинг раоёга ва бароёга¹ зулмлари чегара билмас экан. Зулм алар туғидур. Уларга балки ишонч бўлмағай...

Алқисса. Ферузкўх, Ардабил, Бўружард, Табриз, Султония, Хуррамобод, Кичик Лур, Домғон, Журжонда бўлдум. Хирот яқинидаги Фўшанж қалъаси аҳли йўлтўсарлар тоифасидан экан, мўмин-мусулмонларга тинчликни раво кўришмайдур. Карвонимиз алар тарафидан хийла азиятлар чекди... Хуррамободда қароқчилар ин куриб олишгон, юмушлари ёлғиз беадаблик кўргизиш, ҳажга боргувчиларга босқин қилиш, озор беришдан иборатдур... Хўш... Ул муфсид жамоалар илдизини қирқмак, балки, лозим бўлғай...

Кўрган-кечирганимларимни баён этиш имкони йўқдур, қоғоз саҳифалари етмас. Барчасини хотира саҳфасига битмишмен, иншоолло, дийдорлашғонимизда нақл қилинур...

¹ Раоё-бароё — авом халқ, фуқаро.

Аммо, баъд... Чахоршанбаи муродбахш, илло, тонг-эрта карвонимиз Шероздан Маккаи мукаррамага йўлга чиққусидур.

Аллох панохида жумла мўъмин-мусулмонлар каторида тўрт мучаси соғ-саломат юрган аддои биродарингиз...»

Номада битилган жойлар Амир Темур кўз ўнгидан бир-бир ўтди. У ҳали бу жойларга боролгани йўқ... Бу лиқиллоқ замонда дунёдан бохабар бўлган подшоининг гина ошиғи олчидир. Бунга соҳибқироннинг имони комил. Пири муршид ҳам ўз мактубида шу ҳақда ёзган эдилар. Бас, мамлакат ва раият вазири қошидаги хабаргирлик шўъбасига Мубашшир баҳодир сардор этиб тайинланади... Кўндан шу ҳақда ўйлаб юрган эди, Амир Сайфиддин некўз мактубидан кейин бу фикр яна ҳам қатъийлашди. Шўъба деб аталса ҳам, елкасидаги юки вазириликниқидан кам эмас, балки ортиқроқдир...

— Мубашшир баҳодир! Тинғчи, кўз, қуловуз ва воқеанависларни бир-бир кўриб чиқасен, садоқатлиларига диққат қиласен, илғор айғоқчи саф тузасен. Ишга зўр бера-сен. Харажатларни хазинадан олурсен. Токи жумла оламдан қўлингга хабарлар оқиб келсун, Жўжи улусидан, Чинмочиндан, Хуросондан, Мозандарондан, Хиндистондан... Ҳар жойда кишинг бўлсун. Салтанат қулоғи бўл!

Соҳибқироннинг гапларини эшитиб Муҳаммад Чуроға додхоҳ кулиб юборишига оз қолди. «Салтанат қулоғи бўл!» деганларида Амир Темур Мубашшир баҳодирнинг ҳушёрлигига ва... шалпангқулоқлигига ишора қилмадиларму экан?.. Албатта, йўқ, чунки ҳазрат ҳазилни, айниқса ўринсиз ҳазилни асло ёқтирмайдилар. Бошқа томондан, у соҳибқироннинг нима учун Амир Сайфиддин некўз элчисидан олдин Мубашшир баҳодирни чорлатгани сабабини тушунгандай бўлди. Айғоқчи саф идораси бошлиғига муҳим мактубдан воқиф бўлиб қўй, де-моқчи эдилар соҳибқирон...

— Амрингизга ҳар дам тайёрдурмен, жаноби олийлари! — бош эгди Мубашшир баҳодир... У ҳаяжоннинг зўридан қулоқларигача қизариб кетганди.

Амир Темур кўп жўяли маслаҳатлар берди. Соҳибқирон фикрича, тинғчи-қуловузлар ўзларининг жонларини гаровга қўйиб юрт эмну омонлиги, салтанат равнақи учун иш юритадилар. Чаканафурушу йирик тужжорлар, кураш тушиб юрган бадфеъл полвону майнавозликка

мохир бадахлоқ дорбозлар, сохта мунажжиму хушмуомала этикдўзлар, гап терувчи дарвишлару саёқ кезган қаландарлар, зарофатли сайёҳлару латофатли маллоҳлар¹, мулозаматли мешкоблару фасохатли сартарошлар, ялмоғиздай фирибгар кампирлару гадойсифат чоллар... Яъни ҳеч кимнинг кўнглига шубҳа солмайдиган кишиларга суянмоқ даркор...

— Хумоюн ўрду эшиги ҳар қачон очикдур, сенга бизни олам вазиятидан огоҳ этиб туриш вазифаси топширилур! — амр этди соҳибқирон. Сўнг Амир Сайфиддин некўз номасини олиб, ўқиб, мазмунини ақлу идрок тарозисидан ўтказишни буюрди.

Бирдан чопар Лўлахожа ёдига тушиб қолди. Лўлахожа бу пайт ясовуллар ёнида қўл қовуштирганча таъзимда қотиб қолгандай ерга тикилиб турарди. У ҳеч кимнинг юзига тик қарамасди. Амир Темур Муҳаммад Чуроға додхоҳга деди:

— Чопар йўлдан азиятлар тортиб келибдур. Эгнига зар чопон ташлансун, совға-саломлар иноят этилсун! Хамроҳлари ҳам қатордан қолмасун! Дастурхон ёзингиз, меҳмон этингиз! Мубашшир баҳодир, улар ахволидан огоҳ бўл!

— Бош устига!

Буни эшитган Лўлахожа миннатдорчилик билдириш маъносида кўлини кўксига кўйиб таъзим қилди, кейин нимадир деб гўлдираб кўйди-да, соҳибқирон чопони пешини ўпишга шошилди... Мубашшир баҳодир, ажабо, жойида туриши керак бўлган ҳолда, ўз-ўзидан беихтиёр Амир Темур томон бора бошлади... Мавлоно Убайд ёзиш билан банд, Муҳаммад Чуроға додхоҳ сеҳрланиб қолгандай жойидан жилмасди... Лўлахожа соҳибқиронга уч қадамча қолганда, авзои ўзгариб узун енгидан нимадир чиқаришга уринди... Мубашшир баҳодир ялт этган нарсани кўриб қолди-ю авзои бадани жимирлаб кетди! Лўлахожа кўлида пичоқ бор эди! У даставвал тавоф қилган киши бўлиб соҳибқирон тўни пешини ўпмоқчи, кейин эса шартта пичоқ урмоқчи эди. Шу палла соҳибқироннинг газабнок кўзларига кўзи тушди-ю негадир шиддати кесилди, пичоғини ҳам енгидан чиқара олмай қолди. Лип этиб унинг ёнида ҳозир бўлган Мубашшир баҳодир со-

¹ Маллоҳ — қайиқчи, кемачи.

ковнинг қўлини тепиб юборди ва соҳибқиронга балогардон бўлди!

Воқеа кўз очиб юмгунча рўй берди. Бу орада хос қўриқчилардан беш ясовул шитоб меҳмонхонага кирди... Каловланиб қолган Лўлахожа орқасига гандираклаб кетди, қараса, эшик тагида ясовуллар, олдинда Мубашшир баҳодир қиличини суғурганча хезланиб келмоқда... Тигда кесилгандай кўзлари пакиллаб атрофга боқар, нима қилишни билмас, ҳеч қаерда нажот кўринмасди. Нияти амалга ошганда ҳам, ошмай қолганда ҳам уни бирдай қисмат — даҳшатли ўлим кутарди, у бошиданок ўлимни бўйнига олиб бу йўлларга кирганди...Шернинг уясига ёмон ниятда кирган яхшилик билан чикмаслигини англаб етарди, албатта.

Мубашшир баҳодир шартта қиличини кўтариб урмоққа шайланди!

— Тўхта! — деди соҳибқирон бирдан. — Тўхта!.. Қилич солма! Бу иддао кимники эканлигини билиб олиш лозим!..

Баҳодирнинг тўхтаганидан фойдаланган Лўлахожа чекиниб, деворни орқасига пана қилиб олишга улгурди...

Шу ерда ҳеч ким ўйламаган, етти ухлаб, бировнинг тушига кирмаган ҳодиса рўй бердики, бундан нафақат амирлар, ҳатто Амир Темурнинг ўзи ҳам ҳайрат бармоғини тишлаб қолди. Мўъжиза юз бериб, соқов чопар Лўлахожа бирдан бийрон тил билан гапириб юборди!

— Мени танимадингиз шекилли, Амир соҳибқирон ҳазратлари?!.. Аҳ-а-а!.. Аҳ-а-а!.. Мен ўша сиз Кўксаройнинг тор катагига тикиб ташлаган... Зиндачашм опардиймен!..

Бу сўзлар бамисли куппа-кундузи тиниқ осмонда сурон солган момақалдиروقдай жаранглади!

— Зиндачашм опардий?!.. — деди хайратда Амир Темур... — О, шайтони лаъин!.. Ортиқ менинг олдимга йўлатмангизлар, қорасини кўзимга кўрсатмангизлар, деган эдим-ку?!.. Ким йўлатди?!..

— Зиндачашм опардий!? — қичқириб юборди Мубашшир баҳодир. — Ия! Наҳотки!.. Ахир ўлган эдинг-ку, лаънати?!.

— Зиндачашм?!.. Ҳали тирикмусен?! Хиёнатчи!! Соткин!!! — Мухаммад Чуроға додхоҳнинг қўли шитоб бегидаги қиличига югурди.

Мавлоно Убайд ҳам хайрату қўрқувдан ўрнидан туриб кетган эди.

Кутилмаган янгилик ҳаммани хангу манг қилиб қўйди. Муҳаммад Чуроға додхоҳ «Лўлахожа»нинг нега кўзгатиқ қарамаганига, ўзини соқовга солганига энди тушунди, аммо танимагани, яхши диққат этмагани, хавфли душманни соҳибқиронга юзма-юз қилиб қўйгани учун ўздан ўзи қаттиқ ғазабда эди. «Типратикан» энди ўз бошини чиқарганди: рўбарўда ўша пакана бўйли, кўзлари йўқ даражада қисик, малларанг соқоли офтобда қовжираб кетган яккам-дуккам майсалардек дикрайган Шибиргон ҳокими турарди!

— Ҳа-ха, ўшамен!.. Ҳали тирикмен!.. Шайтонмен!.. Шайтони лаъинмен! Мени чириб-чуриб йўқ бўлиб кетди, деб ўйладингизму, ҳазратим?.. Йў-ў-ўк, мени ҳеч ким ўлдирди олмайди! Менга ўлим йўқ!.. Хо-хо-хо!..

Телбаларча кулгусидан мағрур Зиндачашм опардий энди бошини кўтариб гапирар, чап қўлида ҳам пичок пайдо бўлганди. Унинг ҳозирги тутуми ўлар хўкиз болтадан тоймас, мақолини эслатарди.

— Мен ўша, бутун умр Хуросон салтанатини қуришни орзу қилган Шибиргон ҳокимимен! Неча марталар сизни гумдон қилишга бел боғлагондим, Қаросмонда ўзим сизни панадан отиб ташлаб бир хумордан чикмоқчийдим, афсуски, бўлмай қолди... Ҳозир ҳам сизни асфало-софилинга жўнатишга келгондим. О... сизни ўлдириб ўлсам армоним бўлмасди, бўлмасди!..

Ш

...Лўлахожа, ўзини соқов қилиб кўрсатган чопар, — чиндан ҳам бир пайтлар Шибиргон ҳокими бўлган, қўп марта хиёнат қилиб Амир Темур томонидан кечирилган Зиндачашм опардий эди. Қаросмон воқеасидан кейин, ҳамма унга қандай жазо бериларкин ёки яна кечирилармикин, дея қизиқиб кутарди...

Қўл-оёғи боғланиб Кўксаройнинг тор хужрасига ташланган Зиндачашм опардийни даставвал умрбод хибсда сақланиши керак, дея тушундилар, чунки Шибиргон ҳокимига осилсун ёки ясоққа етказилсун, деган аниқ ҳукм чиқарилмаган эди. Аммо кўпни кўрган кадхудолар Амир Жоку барлос билан Амир Улжайту опардийлар ўзаро

кенгашиб, фармон Амир Темурнинг саъжиясидан келиб чиққан ҳолда меҳрибончилиги-ю мурувватпешалиги туфайли берилганлигини ҳисобга олиб, вазиятни, Зиндачашм опардийнинг беқарор феъл-атвори ҳамда кирди-корларини тарозига солиб кўриб, уни тирик қолдириш салтанат учун хатарлидир, агар бир кунмас бир кун тасодифан соҳибқирон кўриб қолсалар, бунинг учун ким жавоб беради, яхшиси ими-жимиди у дунёга жўнатиш керак, деган қатъий қарорга келдилар... Амир Хусайн воқеасида ҳам шундай бўлганди. Зиндачашм опардий ундан ҳам бадбин, дучандон ёмон... Хуллас, уни қатл қилиш хибсхона мутасаддиси қаттиққўллик билан ном чиқарган паҳлавон келбатли Салмон опардийга топширилди ва икки кундан кейин у: «Хукм кечаси ижро этилди», дея далолат қилди... Бу гап атрофга яшиндай тарқалди. Эшитганлар, бадбахт қилмишига яраша жазосини олибди, деяр эдилар...

Аmmo... Салмон опардийнинг амирларга айтган жавобида фақат «кечаси» сўзигина ҳақиқатга мос келарди. Чиндан ҳам бу иш кечаси, қоқ ярим тунда рўй берди, фақат... Зиндачашм опардий ясоққа етказилмади, балки эл қаттиқ уйқуга кетган вақтда, кечаси... пинхона қочиб юборилди...

«Шибирғонда мендан кўрган яхшиликларинг эсингдан чиқдиму?.. Ҳаммасига, Зиндачашм опардийни ясоққа етказдим, дейсен, вассалом... — аврарди Салмон опардийни Шибирғон ҳокими. — Хор қилиб нимталаб ташладим, де! Энди Зиндачашм опардий йўқ, ном ҳам топиб кўйдим, мени ҳеч ким кўрмайди, бу ердан чиқишим билан Лўлахожа бўламен... Шерозлик Лўлахожа!..»

Зиндачашм опардий кўп зору таваллолар қилди. Салмон опардий охир-оқибат Шибирғон ҳокимининг иддао-ларига дош беролмади...

Милодий 1372 йил ёзида Зиндачашм опардий Лўлахожа бўлиб пана-пастқам йўллардан юриб Марвга етиб борди, у иложи борича Самарқанддан йироқроққа, уни танимайдиган жойларга кетишга тиришарди. Ким сўраса, шерозлик хонавайрон бўлган амирнинг ўғлимен, дерди. Йўлларда ўзининг ўлгани ҳақида хабарлар эшитди. Машҳадда карвонсаройда мовароуннаҳрлик бир тужжорнинг ўз шерикларига шу ҳақда гапириб бераётгани қулоғига чалиниб қолди. Эмишки, соҳибқирон: «Ортиқ кўзим-

га кўрсатманглар!» деганларидан кейин, хумоюн ўрдудан олиб чиқишибди, уни бошини танидан жудо қилишибди. Бошини соҳибқиронга олиб бориб кўрсатишибди... Соҳибқирон: «Лаънатлар бўлсун!» деб бошни тепаб юборганмиш!.. Бунга эшитган Зиндачашм опардий мушти қисилганча аламли тиржайди.

Машхаддан сўнг кеза-кеза Шерозга келиб қолган Зиндачашм опардий фақир киши панада, қабилида иш тутди, ўзини ҳеч кимга билдирмади. Тирикчилик деб, ҳар кўчага кириб чиқди, гўлахи бўлди, ҳаммоллик аробасини тортди, боғларга қаради, бозор супурди, пода боқди, тезак терди, карвонсаройларда қоровуллик қилди... Ит ётиш, мирза туриш, деган ибора атай унинг учун тўқиб чиқарилгандай эди... Ҳатто бир марта, нега Кўксаройдан чиқдим, Салмон опардий қўлида ўлиб кетсам бўлмасмиди, барча азобу укубатлардан қутулардим, дея афсус ҳам чекди. Унинг устига, ҳамма жойда катта-кичик Амир Темур салтанатининг нуфузи ортиб бораётгани ҳақида гапирар, ана Хоразмни олибди, мана Мўғулистонни забт этибди, дея хавосат қилардилар. Аста-аста буюк Хуросон давлатини тузиш орзуси ҳам қўл етмас нарса эканлигини ҳис қила бошлади. Зиндачашм опардий подшолик қиладиган Хуросон давлати ҳеч қачон рўёбга чиқмайдиган орзу экан холос... Барчаси бўлмайдиган нарса, сароб экан, унинг умрини совуриб адои тамом қилган сароб...

Йиллар ўтарди.

Бир куни ҳамма нарса жонига теккан Зиндачашм опардийнинг хаёлига мудҳиш бир фикр келди: «Амир Темурдан ўч олиш! Ноҳақ кетган Амир Кайхусрав ва бошқа дўстлар қасосини олиш!..Қасос! Қасос! Қасос!..»

Зиндачашм опардийнинг қисик кўзларида ёқимсиз нур йилтиради. Амир Темурни ўлдириш ҳақидаги фикр унинг миясига қаттиқ ўрнашиб олди ва қасос палағда ҳаётининг бош мақсадига айланди. Бу мушкул иш учун у албатта Самарқандга бориши керак... Соҳибқиронни ўз кўзи билан кўриши, унга бир-иккита айтадиган гапларини айтиб олиши ва ўз қўли билан... ўлдириши керак!!! Ўх-хў!.. Самарқандга бориш... Қандай боради? Қандай кўради? Кўксаройга қандай киради?..У ўйлаб ўйига етолмасди, аммо ҳар гал соҳибқиронни ўлдиргандан кейин

юз беражак вазиятни тасаввур қилганда кўнгли яшнаб кетарди...

Зиндачашм опардий ана шундай хаёллар оғушида шаҳар марказидаги улкан карвонсаройнинг чап томонини супуриб-сидириш билан кун кечириб юрарди.

Жавзо бошлари эди, шом маҳали, иттифоқо, хужралардан бири олдидан ўтаётганда кутилмаганда шундай сўзларни эшитиб қолди:

«...Самарқанддан чиққанимизга қанча бўлди, Амир Сайфиддин жаноблари?...» — деб сўради кимдир.

«Хўш... эй Хинду Қарқара, кун ўтаберар экан, бир йилдан ошиб қолди ...» — жавоб қилди иккинчиси.

Хужрадагилар, чамаси, суҳбатни хийла аввал бошлаган эдилар. Зиндачашм опардийнинг кулоқлари динг бўлди. «Ие! Самарқанд, дейдирму?... Амир Сайфиддин?! Темурбекнинг қалин дўсти?... Хинду Қарқара кипчок?... Бу ерларда нима қилиб юришибди? Улар ҳам бадарға қилинибди-да?... Хайрият, ёлғизгина Зиндачашм саргардон бўлиб юргани йўқ экан...»

У супургини ушлаганча деворга қапишиб астойдил суҳбатга кулоқ сола бошлади.

«Энди, йўқ демайсиз, Сизга бир юмуш бор, Хинду Қарқара кипчок жаноблари!»

«Амрингизга тайёрмен! Овозимиз бир оз кўтарилиб кетди. Секинроқ гапирайлик, биров эшитмасун... Ахир деворда ҳам...» — деди нимагадир Хинду Қарқара кипчок.

«Бе... Ким эшитади? Бегона юртда бўлсак... Бизни ким ҳам танирди. Бир мактуб битдим...»

Шу палла, Зиндачашм опардий, аксига олиб, бир неча одамнинг дарвоза томондан шошилмай гурунглашиб келаётганини кўрди-ю ноилож девордан куловини олди ва ер супуришга тутинди. Ниҳоят имиллаган одамлар ўтиб кетишди.

«... Сўзларимни укдингиз-а! Амир соҳибқиронга ўз кўлингиз билан топширурсиз. Бировга инонмангиз. Иншооллох, Самарқандда кўришгаймиз...»

Зиндачашм опардий хайратда қолди, худонинг унга раҳми келиб, ол кулим; ниятингга ет, бу ёғини энди ўзинг ўйла, дегандай эди... Ҳа, соҳибқиронга Амир Сайфиддин некўз мактубини Хинду Қарқара кипчок эмас... Зиндачашм опардий — «Лўлахожа» етказиши керак!..

Шибиргон ҳокими эртаси куни Ҳинду Қарқара қипчоқ билан қорама-қора Самарқандга жўнади...

* * *

— Ижозат берингиз, Амир соҳибқирон! Буни тилка-порасини чиқарай, ит эмганни!.. Дунёга келганига пуншаймонлар есин! — деди кўзи қонга тўлган Мубашшир баҳодир...

— Яқинлашма!! Яқинлашма, деяпман!! Хо-хо-хо!..
— Зиндачашм опардий гезариб кетган эди. — Тилка-порамни чиқарармиш!.. Чиқарасен-а чиқарасен!..

Мубашшир баҳодир ортиқ чидаб туролмади, Амир Темурдан ишора кутганча ҳам бўлмади Зиндачашм опардийга яқинлаша бошлади. У томонда ясовуллар буйруқ кутиб сергак турардилар.

— Тирик ушлансун! Ўлдирилмасун! — амр этди шу палла соҳибқирон...

Зиндачашм опардий телбаларча хоҳолаб юборди:

— «Тирик ушлансун! Ўлдирилмасун!...» Хо-хо-хо!.. Мени тирик ушлармишлар!.. Аҳ-а-а! Кел! Кел... Ўламен десанг, келавер!.. Келавер!!! — У ялтираган икки пичокни ўйнатиб атрофдагиларга таҳдид қилар эди.

Мубашшир баҳодир ясовулларга: «Тиг ишлатилмасун! Ўраб келинсун!» дея қичқирди ва... кутилмаганда қоплондай Зиндачашм опардийга ташланди! Лекин айна шу палла, балки бир лаҳза олдинроқ, Зиндачашм опардийнинг қаттиқ инграб юборгани эшитилди! У қўлида ялтираб турган пичокни шартта ўзининг чап кўксига санчган эди!.. Мубашшир баҳодир ерга қулаётган Зиндачашм опардийнинг жонсиз танаси устига бориб тушди!..

Бир мўйи ҳам титрамаган Амир Темур жойидан жилмай хотиржам кузатиб турарди.

Бу воқеа худди тушда юз бергандай бўлиб ўтди... Ҳеч ким ҳеч нарса демади.

Ясовуллар Зиндачашм опардий жасадини ташқарига олиб чиқа бошладилар.

— Шайтони лаъиннинг бунчалар ўзига пичок урар даражада мардлигини билмагон эканмен... — Истеҳзоли деди Амир Темур, хаёлидан эса: «Халлоқи безаволга салламно!.. Қабохат бандаларига дучор қилиб омон сақлаганингга шукур!..» — деган сўзлар кечди.

— Жуфтакни ростлаб қолди бадбахт!.. — деди Мубашшир баҳодир. — Тирик тутғонимда... Эҳ! Фурсатни қўлдан бериб қўйдим!..

— Мансабга тайинланганингдан сени парвардигор синовдан ўтказмакчи бўлди шекилли... Ушбу бадкорни бизларга рўбарў қилмишдур. Хушёрлигингни намоён этдинг, баҳодир! Баракалла!.. — Амир Темур илиқ сўзларини аямади.

— Бахтимизга узоқ йиллар омон бўлингиз, валинеъ-мат соҳибқирон!.. — Мубашшир баҳодирнинг кўнгли тўлиб кетди. — Бир жонимиз эмас, минг жонимиз йўлингизда фидо бўлсун!

— Фидо бўлсун, ҳазратим!.. — сўзга қўшилди Муҳаммад Чуроға додхоҳ.

Икки бармоғи билан соқол учини эзғилай бошлаган соҳибқиронни кўрган Муҳаммад Чуроға додхоҳ хушёр тортди.

«Ажабо, кимсаларнинг ўзга иши йўқмикин, — дер эди ўзига ўзи Амир Темур. — Чакчак дарасида Амир Хусайн алдаб олиб бориб қўлга тушириб ўлдирмакчи эди... Қаросмонда Амир Мусо билан Зиндачашмлар шикорда гумдон қилишмакчи бўлишди... Амир Кайхусрав эса ҳамиша пайт пойлаб юрарди... Мана, яна Зиндачашм маълуннинг фитнаси юзага чиқди... Чиндан ҳам, «Эшакнинг боласи эшак бўлади, итнинг боласи — ит, деганида Жаҳонгир Мирзо ҳақ экан...»

Соҳибқирон хаёлга чўмганча у ёқдан бу ёққа юра бошлади. Хийла вақтдан кейин:

— Мамат! — деди бирдан.

— Қулоғим сизда!.. — бош эгди Муҳаммад Чуроға додхоҳ кўзга тик қаролмай. У қаттиқ дашном эшитишига асло шубҳа қилмас, қўрқувдан титраб-қакшаб турарди.

— Бир нарсадан таажжубдамен... Дўстимиз Амир Сайфиддин некўзнинг келиб-келиб анови шайтонни топиб, элчи қилиб юборғонига не дейсен?..

Муҳаммад Чуроға додхоҳ соҳибқироннинг мутлақо бошқа нарса сўраганидан бир оз дадилланди:

— Амир соҳибқирон! Амир Сайфиддин некўз жаноблари бағоят оқил ва инсофли, садоқатли инсондурлар... Мен ул зотнинг шундай қилишларига асло ишонмаймен! Бу ерда бир сир яширинмаганмикин?..

— Қандай сир?.. Нималар деяпсен?.. Мактубни Амир Сайфиддин некўзнинг ўзи бермаса Зиндачашм қайдан олиши мумкин ахир?.. Бу ерда фитна борга ўхшайди. Балки уларнинг аввалдан борди-келдилари бордир. Аммо ҳеч қачон бунинг шарпасини ҳам сезмагондим...

— Кўнглим, бир сир бор деб турибдир... Сир бор, Аллоҳ биладир, илло айтмайдир... — деди ишонч билан Муҳаммад Чуроға додхоҳ.

— Амир соҳибқирон! Ул зот ҳақида зинҳор ёмон хаёлларга бормангиз... — Мубашшир баҳодир сўзлашга журъат этди. — Ул зотнинг ҳеч айби йўқ... Фидойиликларининг, ҳақиқий дўстингиз эканликларининг кўп бор шоҳиди бўлганмен. Бари найрангбоз Зиндачашм опардийнинг кирдикорларидур. Амир Сайфиддин некўз қайтганларидан кейин ҳамма нарса аён бўлади, бу офтобдай равшан!

— Ҳа, айтгандай, Амир Сайфиддин некўз шериги Ҳинду Қарқара қипчоқ эди, ҳазрат... — бирдан эслаб қолди Муҳаммад Чуроға додхоҳ. — Ўзим кузатиб қўйгондим...

Амир Темур соқол учини эзғилашда давом этар экан, бунга диққат қилишни истамади.

Бўлиб ўтган синоатдан ҳанг-манг Мавлоно Убайд Амир Сайфиддин некўз номасини ўраётиб, бирдан қоғознинг энг четидаги майда ёзилган хатга кўзи тушиб қолди. Ўқиб кўрди-ю ғалати янгилик топганидан ҳаприққанча деди:

— Амир соҳибқирон! Амир соҳибқирон! Номанинг бир четида бундай ёзув ҳам бор экан! Кўзим тушмабди, узр... Мана: «Ушбу нома Ҳинду Қарқара қипчоқдан бериб юборилди...»

Атрофдан: «Ие!..», «Ие!..», «Ҳинду Қарқаранинг ўзи қаерда экан?..», «Нега ўзи опкелмади?..» «Зиндачашмдан бериб юборибдими?..», «Ана холос!..» қабилида сўзлар эшитилди. «Ё Рабб, бу қандай кун ўзи? Ўнгми, тушми?..» — дер эди ичида ўзига ўзи Муҳаммад Чуроға додхоҳ.

Ҳамма ҳайратда Амир Темурга қаради.

— Ҳа-а... бу шайтон Ҳинду Қарқара қипчоқни гумдон қилиб номани олиб келгон... — деди Амир Темур. — Амир Сайфиддин некўзнинг бундан хабари йўқ. Мард ва жасур йигит эди Ҳинду... Бировга сўзини бермасди.

Увол кетди. Аттанг... — Сохибқирон бирдан Муҳаммад Чуроға додхоҳга юзланди: — Мамаг!.. Қани менга айтчи: Зиндачашм пайтида Кўксаройда хибсхона бошлиғи ким эди?..

— Салмон опардий...

— ...Ашаддий душманни қочириб юборган лаънати Салмон опардий ясоққа етказилсун!!! Бола-чақалари кўчириб юборилсун, мол-мулки мусодара этилсун!

— Фармонингиз бош устига!.. — деди шошилинича Муҳаммад Чуроға додхоҳ, деди-ю қотиб қолди: фармонга кўра ясоққа етказилиши лозим бўлган хибсхона бошлиғи Салмон опардий... ярим йил аввал ёмон дардга чалиниб оламдан ўтган эди!..

Буни эшитган Амир Темур соқолини қаттиқ тутамларкан, қатта-қатта кўзларида ғазаб ўти чақнади...

Халигина, бу беш кунлик дунёда сал оёқни узатиб ҳам яшаш лозим-ку, деб хаёлидан кечирган Мавлоно Убайднинг ўз мулоҳазаларини сохибқиронга айтиш ҳақидаги қарори яна ҳам қатъийлашди.

Ўша кунни эртасига Зиндачашм опардийнинг терисига сомон тикишиб бозор дарвозасига осиб қўйдилар.

ЎНИНЧИ БОБ

I

Нохуш хабар Ҳожитархонга етиб келганда милодий 1376 йил куз ўрталари эди. Жўжи улуси ҳукмдори Ўрусхоннинг фиғони нақ фалакка чиқди. Саброн ёнида Тўхтамиш ўғлон билан бўлган даҳшатли жангда лашкар тортиб борган ўртанча ўғли Қутлуғ Буға ҳалок бўлибди!..

Хоннинг умиди шу ўғлидан эди, уни жуда ардоқлар, ўзига валиаҳд ҳисобларди. Шу сабабдан ҳам Амир Темур даргоҳига қочиб, Жўжи улуси шаънига кетмас қора доғ туширган, чингизийларга хиёнат қилиб кетган валад Тўхтамиш ўғлонни бир ёқли қилишни шу ўғлига топширишни ўйлаганди. Тўхтамиш ўғлоннинг Ўтрор билан Сабронга келиб ҳокимлик маснадига ўлтиргани ва бу шаҳарларни мустаҳкамлаш йўлида бошлаб юборган саъй-ҳаракатлари Ўрусхонни ғазаб отига миндирди. Темур оқсоқ, — хон уни фақат шундай деб атарди, — чингизийларнинг

орасига нифоқ солмоқчи, ўзини ўзига қайрамоқчи, бир-бирининг гўштини бир-бирига едирмоқчи... Тўхтамиш ўғлон ҳам ҳадя-ю тансуқотларга, ёлғон ваъдаларга учиб, бўлмағур даъволар этагидан тутиб бу йўлга кирибди. Унинг бошлаб таъзирини бериш керак, думини тугиб қўйиш керак!

Сабронга қўшин юбориш ҳақида гап кетганда, ўртанча ўғли Қутлуғ Буға отилиб чиқиб, Тўхтамиш ўғлон билан ҳисоб-китоб қилгани мен борамен, мени жўнатингиз, деб туриб олди. Бу хонга маъкул бўлди, чунки ўзи ҳам шундай ниятда эди. Қутлуғ Буға ул ножинсни албатта енгиб қайтмоғи зарур! Бу зафар Қутлуғ Буға обрўсини оширган, валиаҳдлик мавқеини тахтга қўз тикиб турган оғаси олдида ҳам, улус олдида ҳам мустаҳкамлаган бўларди, албатта.

Қутлуғ Буға кўркмас, чапдаст йигит эди. Аёвсиз бошланган жангда, айрим навкарларнинг ношуду суст, қўшиннинг парокандалигини кўриб сабри чидамади.

Чағдовулда¹ туриши ва жанг равишини кузатиши ҳамда бутун лашкарни бошқариши керак бўлган ҳолда, жаҳл устида ҳайқирганча майдонга тушиб кетганини билмай қолди. Ҳатто унинг ёнида бўлган отабеги Идику манғит ҳам рафлатда хонзоданинг ноўрин қадамини сезмабди. Хуллас, Қутлуғ Буға бир пайт қараса, манглайда² юрибди! Ортга чекиниш мумкин эмас... У ўнгга ҳам, чапга ҳам қилич солар, душманни ер тишлатарди.

Олагасир муҳораба-тўполонда Тўхтамиш ўғлон лашкарининг манглайда жанг қилаётган Оқ Буға баҳрининг кўзи фавқулодда хонзодага тушиб қолди! У яхшироқ тикилди. Кўзи ўткир Оқ Буға баҳрин адашмагани: ўша орқа-олдига қарамай саваш қилаётган шоввоз Ўрусхоннинг ўртанча ўғли Қутлуғ Буға эди! Оқ Буға баҳрин шитоб ёйига ўқ жойлаб яхшилаб нишонга ола бошлади. У моҳир мерганлардан ҳисобланарди. Энди отаман, деганда хонзодани кўздан қочириб қўйди. Шундай ҳол икки марта юз берди, Қутлуғ Буға навкарлар орасида бир кўриниб, бир ғойиб бўлиб қоларди. Оқ Буға баҳрин пайт пойлашга тушди... Ниҳоят, мана, хонзода ёлғизланди, атрофида ҳеч ким йўқ... Оқ Буға баҳрин ёй

¹ Чағдовул — лашкарнинг ортки қисми.

² Манглай — лашкарнинг олди қисми.

тортди... Жон олар ўқ шувиллаб бориб Қутлуғ Буға кўксига санчилди! Шу захотиёқ Жўжи улусининг вали-аҳди отдан қулаб тушди ва тил тортмай жон берди...

Қўшинда бир неча лаҳза саросималик аломатлари кўринди. Навкарлар лашкарбошининг ўлиmidан кейин пароканда бўлиб нима қилишни билмасдилар...

Оқ Буға баҳрин тез ўрдугоҳга бориб Тўхтамиш ўғлонга бу хушхабарни етказишга ошиқди. У бағоят мамнун эди, от бошини буриб, камчи солмоқчи бўлиб қўлини кўтарган ҳам эдики, аллақайдандир дайди бир ўқ икки курагининг ўртасига келиб санчилди! Салгина олдин Қутлуғ Буғанингни отдан учиб кетганини кўриб қувонган Оқ Буға баҳрининг ўзи ҳам шу аҳволга тушди — асфаласофлинга равона бўлди. Отдан ерга юзтубан қулаган Тўхтамиш ўғлон амирининг елкасида санчилган найза тикраийиб турарди...

Қутлуғ Буғанингни ўлими лашкарга оловни пуфлаб ўчирмоқчи бўлганларида баттар лангиллаб ёнгандай акс таъсир қилди: жўшу хурушга тушиб ёғий қўшини устига офатдай ёпирилди. Жазаваси чиққан наварлар шиддатидан Тўхтамиш ўғлон аскарлари юрагига қўрқуву ҳарос оралади, оқибатда қўшин синчига дарз кетди. «Чингизхон авлоди» деган шарафли номдан бошқа бирон фазилати бўлмаган, ҳарбий салоҳиятда тажрибасиз Тўхтамиш ўғлон қўшинни ташлаб қочиб қолишга улгурди. Қутлуғ Буға наварлари уни юртни оралаб қолган, қувилган кашқир ҳолига солдилар. Ўтрор ва Саброн, — Тўхтамиш ўғлон вилоятлари, — Жўжи аскарлари томонидан талон-торож қилинди, эркаклар қиличдан ўтказилди, кўп болалар ва аёллар, қизлар асир қилиниб Сифноққа олиб кетилди...

Жўжи улуси хони Ўрусхон бу тафсилотни эшитганида фавқулодда ғазабдан тили боғланиб қолди. Фақат пишиллаганча «Пуф!», «Пуф!» қилар эди холос. Бир оз ўзига келгач, Қутлуғ Буға ёнида бўлган Идику билан Қозончи баҳодирларни хузурига чорлатди.

— Нега Тўхтамиш ўғлонни қўлдан чиқариб юбординг?.. — зуғум билан сўради хон Идикуга қаттиқ тикилиб, унинг киприклари кошларига қўшилиб кетган эди.

Идику манғит улусининг забардаст, жасур амирларидан бири ҳисобланса ҳам ерга қараганча индолмай қолди.

— Нега Тўхтамиш валадни тутиб келмадинг, деяп-

мен?! — яна сўради хон Қутлуғ буға отабегисидан. — Гапир! Гўштингни канорага иламен, даюс!

— Фафлатда қолдим, ҳоқоним! Нас босди бизни! — деди йирламсираб Идику. — Нас босди-и-и!..

— Қутлуғ Буғани асрай олмадинг, Тўхтамишни қочириб юбординг! — давом этди куйиб-пишиб хон. — Отнинг думига судратиб саргардон қиламен сен манғитти! Пешонангни итлар искаб ётади!!.

Хон Идикудан жавоб кутмай Қозончи баҳодирга юзланди:

— Қани Тўхтамиш? Қани сен ваъда қилган Тўхтамиш?.. Душманни енгиб, саркардасини қочириб юборадурму? Менга ўша валад керак эди, ўша валад!.. Қани у?! Қани деяпмен? Қутлуғ Буға ўғлимнинг аламини олар эдим!.. Пуф-ф!.. Юрагини тириклай суғуриб олиб ковуриб ер эдим! Юрагини ер эдим-м!.. Юрагини!..

— Олампаҳо! Ўшанинг пайдан бўлдум... Бўйнидан итдай боғлаб хор қилиб қошингизга олиб келмоқчи эдим. Роса тавбасига таянтирмоқчи эдим... — Қозончи баҳодир хоннинг этагини ўпганча ўзини оқларди. — Шунинг билан овора бўлиб мен галварс Қутлуғ Буғадан беҳабар қолибмен...

— Тўхтамишнинг пайида бўлдум, дейсен... Пайида бўлсанг, қани Тўхтамиш?.. Гапир, итти боласи!..

— Изидан қувдим! У майдондан чиқиб қочди! Аммо оти учқур экан, Амир Темур совға қилган, дейишади, улуғ ҳоқоним, сира етказмади. Отимни роса қамчиладим эса... Олиб келамен, ҳа!

— Пандавақилар! Оғзидан ошини олдирганлар! Галварслар! Сенларни сўқимга тортиш керак!..

Қозончи баҳодир бир оз бошини эгиб турди-да, кейин деди:

— Олампаҳо! Қуруқ келганим йўқ... Тўхтамиш ўғлонни олиб келмаган бўлсам ҳам, бир нуфузли амирини қўлга туширдим...

— Нима дединг? Бир амирини қўлга туширдим, дедингми?.. Пуф-ф!..

— Ҳа! Бўйнидан боғлаб хузурингизга олиб келдим! Ўрусхоннинг қисик кўзлари очилди, ғазабдан чимирилиб бир-бирига тутшиб кетган қошлари ёзилди. Бу кутилмаган янгилик эди.

— Келтирилсун! — деган фармон бўлди.

Қозончи баҳодир шу лаҳзадаёқ айиқдай тайпанглаб бориб қўл-оёғи боғланган асирни олиб кирди. Бу жанг вақтида ярадор бўлиб, майдонда ҳолсиз ётиб қолган йирик гавдали, кўсанамо Ўрунг Темур эди.

— Ўрунг Темур?! Сенмисен?..

Ўрунг Темур оқсоқланиб келиб хон оёғига йиқилди.

— Бир қошиқ қонимдан кечингиз, ҳоқоним!

— Нима бўлди?.. Қўл-оёғини еч буни! — буюрди Ўрусхон.

— Гуноҳкор кулингизни афв этингиз, эй валинеъмат! Жоним қўлингизда... — тиз чўкиб таъзим қилди Ўрунг Темур.

— Сўзла!

— Мен... Тўхтамиш ўғлон билан байъат¹ қилган эдим... Воз кечолмадим...

— Ҳим-м-м!.. Байъат қилиб воз кечолмадим, дегин?..

— Афв этингиз!.. — бошини экканча хон кўзларига қаролмади, соғ қолишидан умиди йўқ Ўрунг Темур.

Сарой ичи сукунатга чўмди.

— Хўш, айт-чи, Темур оқсоқ саройида не воқеалар содир бўлди?.. — сўради хон.

Ҳаяжондан ҳали ўзига келиб олишга улгурмаган Ўрунг Темур Самарқандда кечган воқеаларни қўшмай-чатмай айтиб берди.

Ўрусхон лом-мим демай эшитиб ўтирди. Тинглаганлари унга маъқул бўлдими, йўқми, Ўрунг Темур буни унинг чехрасидан билолмади. Хон узоқ вақт бир нуқтага тикилиб қолди, Ўрунг Темурнинг мантиқли гапларига ишонмаслик иложи йўқ эди.

Қаёқдандир саройга кириб қолган бир қовоқари ташқарига чиқмоқчи бўлиб гўнғиллаб ўзини ойнага урар, сукунатга ҳалал берар эди.

— Байъат қилиб, сўзингда турганинг учун, ростини айтганинг учун гуноҳингдан ўтдим... — деди Ўрусхон кутилмаганда.

Идику ҳоқоннинг ҳимматидан хайратда лол эди.

— Салтанатлари бардавом бўлсун!..

Шундай деди-да, омон қолганига ҳали ҳам ишонмаган Ўрунг Темур хон оёғини ўпа бошлади.

¹ Байъат -- аҳд-паймон, ваъда.

Бирдан уч марта қарсақ чалинди. Хон кириб келган мулозимга:

— Тез Тўқтақиёни бу ён чорла! — деб буюрди. У бир қарорга келган эди. — Айт! Кунчи ўғлон, Темур Қутлуғ ўғлон, Сотқин баҳодирларни ҳам бирга олиб кел-сун!

Мулозимнинг шитоб чиқиб кетишини кузатиб қолган хон келганидан бери бурчақда манглайи дўнграйиб мум тишлагандай жим мулзам бўлиб ўлтирган Идикуга юз бурди:

— Ҳой, манғит!

— Лаббай, ҳоқоним!

— Гуноҳингни қандай ювишни биласенму?

— Буюрингиз, ҳоқоним! Буюрингиз! — Идику жонланиб қолди. — Сувга кир десангиз, сувга кирамен, ўтга кир десангиз — ўтга...

Хон манғит амирининг жасурлигини ҳам биларди, маккорлигини ҳам.

— Сўзни бежаб ўлтирмаймен. Ундоқ одатим йўқ. Тез Темур оқсоқ саройига жўнайсен! Ўша оқсоққа тушунтириб айтасен... Биз билан ҳазиллашмасун!.. Чингизхон уруғимиз! Буни билиб қўйсун! Улимни ўлдирган Тўхтамиш валадни яхшилиқча бизнинг қудратли қўлимизга тобшурсун! Йўқ эса, савашини жойини айтиб юборсун! Уқдингму?..

— Уқдим, ҳоқоним, уқдим! — бош эгиб жавоб қилди Идику...

— Адолатли талаб бўлди, шавкатли ҳоқоним! — Фурсатдан фойдаланиб сўзга аралашди Қозончи баҳодир. — Ҳар қанча талаб этсангиз ҳақлидурсиз! Ким бўлибдир Темур оқсоқ сизни қудратингиз олдида? Ўҳ-хў!.. Агар рози эсангиз, Идику манғит жанобларига шерик бўлиб боришга тайёрмен...

— Йўқ, манғитги ўзи навкарлари билан боради, сен шу ерда бўласен, сенга юмуш бор... Пуф-ф!..

Вазиятни кузатиб турган Ўрунг Темур, барибир Амир Темур Тўхтамиш ўғлонни топширмайди, уни ўғлим деб сийлади-ку, деб юборай деди, аммо маслаҳат сўралмаган жойда беҳудага бурнингни тикма, деган хикмат эсига тушиб, сўзга қўшилишдан ўзини тийди.

Шу пайт Тўқтақиё келганини билдирдилар. Жуссаси отасига тортган, бўлалик, қирқни қоралаб қолган, сарик-

дан келган хонзода падари бузруквори Ўрусхонни тавоф этди ва қўл ковуштирганча ортга тисариларкан, деди:

— Фармонингизга мунтазирмен, ҳоқоним! Баходирлар ва ўғлонлар ташқарида туришибди...

Хоннинг ота бир она бошқа фарзандлари бир-бирларига унчалар меҳр-оқибати йўқ, ичиқоралик билан қарайдиган, офтобнинг холис шуъласини ҳам ўзгасига раво кўрмайдиган бўлиб вояга етдилар. Хукмдор буни ҳар лахзада сезар, эртанги кунни ўйларкан, ич-ичидан эзилар эди. Айниқса, Қутлуғ Буға ўлимидан кейин бақувват соппа-соғ қўли кесиб ташлангандай бўлди, маъшум хаёллар залвари яна ҳам ортди.

— Афсуски, Тўхтамиш қочиб қутилибди, мана бу ландовурлар лалайиб қўлдан чиқаришибди. Қутлуғ Буға эса, ўзинг биласен, нобуд бўлди... Шу кўргулик ҳам бор экан... — оғир сўлиш олди Ўрусхон. — Жон улим! Тез қўшин тўпла, амирларни чақир! Буртос, Саройчик, Бошқирд ила Қримга одам юбор! Тўхтамиш амирлари кўнглига ҳам қўл солиб кўр. Алибек кўнғирот... Мана, Ўрунг Темур бор...

— Бош устига, ҳоқоним! — деди Ўрунг Темур. — Хонзода ёнида бўлурмен!..

— Мол-дунё деса ўзини томдан ташлайдигани бор, мол деса мол бер, ақча деса ақча... Ол, хазинадан! Синноқ томонга бориш керак! Темур оксоқ ҳали бизнинг кимлигимизни, кучимизни билмайди чоғи... Хомтама бўлиб, яна Тўхтамишни югурдак қилиб лашкар билан юборади. Юбориши аниқ! Шай туриш керак. Тўхтамишни қўлга туширасенлар! Аммо билиб қўй: тирик олиб келасенлар! Пуф-ф!.. Уқдингму?..

Тўқтакиё отасининг куйиб-ёнаётганини ҳам унчалик сезмаётгандай бепарво, хотиржам кўринарди. Хаёлидан: «Нуқул «Қутлуғ Буға!», «Қутлуғ Буға!» дердингиз. Ой туғса ҳам унга, кун туғса ҳам унга эди. Ҳатто ҳов анов кунги қурултойда, бунинг олдида оғаси бор, демасдан, уни Жўжи улуси валиаҳди, деб ҳам юбордингиз! Бизга ҳам ишингиз тушар экан-ку! Энди Тўқтакиё керак бўлиб қолдиму?..» каби сўзлар ўтди. Гап келганда отангни ҳам аяма, деган акидага кўра, падари бузрукворини бир ўйиб олмоқчи эди, бу фикридан қайтди ва мутлақо бошқа нарсадан гап очди:

— Агар... Тўхтамиш ўғлонни тутиб келсам...

Тўқтақиёнинг жим қолганини кўрган хон кўзларини катта-катта очиб унга қаради:

— Хўш... тутиб келсанг... Гапиравер! Сўзинг ичингда қолмасин!

— Агар Тўхтамиш ўғлонни тутиб келсам, — давом этди Тўқтақиё тап тортмай, — Менга Ҳожитархон вилоятини берасиз-да, ҳоконим!..

Нозик пайтда шундай қилиб ўз ҳақини ундириб ол-маса, тўнғич ўғил, хонзода бўлса ҳам сандироқлаб юра беради шекилли... На бир вилоятга ҳоким, на саройда обрўси бор...

Ўрусхон ўзининг куйиниб айтган гапларини ўғли ло-қайду беғам эшитганидан ичида афсусланиб ўлтирган эди, унинг бемаврид даъвосини кўриб қаттиқ ранжиди. Шундоқ довлашишнинг ҳозир пайтимики, душман осто-нада турган бўлса...

— Мен нима дейман, кўбизим нима дейди, деган экан бир куйган банда... — алам билан деди Ўрус-хон. — Қассобга мол қайғи, эчкига — жон... Хўп, хўп... Ҳожитархон сеники бўла қолсун, сеники бўла қолсун. Ола қол!.. Оббо, улим-е! Ахир бутун Жўжи улуси сизларники-ку, тентаклар!.. Мен нима қиламен, гўримга олиб кетаменму, бир-икки кунлик умрим бор-му йўқми...

Тўқтақиё хон сўзига эътибор бермади, Ҳожитархон вилояти жилови ҳозироқ унинг қўлига теккандай қуво-ниб кетди. Хайр-маъзурни ҳам насия қилиб, фармонни адо этгани ташқарига чиқаркан, тезликда Кунчи ўғлон, Темур Қутлуғ ўғлон, Сотқин баҳодир ва бошқаларга одам юборишни ўйлар эди.

II

...Раҳматли Шер Баҳромнинг ўғли, Хутталон хоки-ми Муҳаммад Мирак ҳумоюн ўрдудан: «Шитоб подшоҳ-зода Тўхтамиш ўғлон олдига жўнасун, унга салтанат юмушларида жасоратли бўлиши лозимлигини, ёғийни як-сон қилиш мард учун ҳамиша вожиб эканлигини укдир-сун!», деган қутлуғ фармон олди. У аввалроқ Муҳаммад Чуроға додхоҳга, Амир соҳибқирон ижозат берсалар, камина Тўхтамиш ўғлондан хабар олиб келсам, деган истакни билдирганди. Мардона отилиб чиққанларни Амир

Темур ҳамиша қўллаб-қувватлар, улар шаънига илик сўзлар айтарди.

Тўхтамиш ўғлон иккинчи марта ёғийдан «калтак» еб хузурига қочиб келганида, Амир Темур олийжаноблик ва валламатлик одатига кўра, хатоларини унинг юзига солмай, аввалгидан ҳам ортиқроқ сийлаб, кўнглини кўтарди. Қўшин бериб, Амир Улжайту опардий каби кадхудони ҳамроҳ қилиб такрор Саброн томонга юборди. Мўлжал бўйича, Тўхтамиш ўғлон аллақачон у ерда ҳокимиятни ўрнатиб, пойтахтга музаффарият муждасини етказмоғи лозим эди. Бироқ икки ойга яқинлашиб бормоқда, ҳали бирон хабар йўқ... Шундай пайтда юқоридаги таклиф соҳибқиронга маъқул тушди.

Тўладан келган, кўринишидан хушрўй, йигирма уч ёшга кирган ёвқур йигитга назар солганда соҳибқирон худди эски кадрдони Шер Баҳромни кўргандек бўларди. Шер Баҳром анча-мунча хиёнатларга йўл қўйган эса-да, табиатан очиқ одам эканлигидан, соҳибқирон уни яхши кўрарди. Зурёди ҳам унга ўхшайди шекилли...

Муҳаммад Мирак ғаройиб саъжияли, йўғон овозли, юзлари бугдойранг, сермўй, лаблари қалин, қошлари қуюқ, гўё хайратга тушиб бақрайиб қолгандай катта-катта кўзларини тез-тез пирпиратиб турадиган бир йигит эди. Кўнглида нима борлигини билиш қийин, «ичимдагини топ» хилидан бўлиб, давраларда ўлтирганда ҳам гапга кам аралашар, доим ўз ўйи билан ўзини банддек тутарди. Чап қулоғи йўқ, айтишларича, чақалоқлигида мушук еб қўйган экан... Бу ҳазилми, чинми, биров билмайди. Орқаворатдан «қулоқсиз» ҳам дейишарди. Меҳмондорчилик жони-дили, таом гадоси, икки-уч кишининг насибасини бир ўзи еб қўя оларди. Ўн тўрт ёшлигида гаров бойлашиб беш қадоқ гуруч ошини паққос туширганини, кетидан тўртта тухумни хомлигича ютиб юборганини ҳали-ҳали гапиришади...

Олтамишга яқин йигитларни ўз ёнига олган Муҳаммад Мирак чўлу маликлар ошиб Сабронга етай деганда Сирдарёнинг Арис суви деган чуқур, эни юз эллик қадамлар чиқадиган шўх ирмоғига дуч келди. Уни тезоқар эканлигидан Довдирсой ҳам дейишарди. Яқин атрофда кўприк кўринмади. Бирон кечик топиш ниятида сувнинг оёғига қараб юрдилар. Бир пайт туронғи, йинғилу қора-

варақлардан иборат чакалакзор ўрмон олдидан чиқиб қолдилар. Аммо хануз бирон кўприк ёки кечикдан нишон йўқ... Йўлни давом этдирайликми ёки дарёга от солиб ўтайликми, деб турганларида, бирдан Муҳаммад Миракнинг чап қулоғига, — ўнгидан кўра ўша мушук еб кетган қулоғи яхши эшитарди, — кимнингдир инграб ётган овози эшитилди... Овоз чакалакзор ичидан келарди. Кўнгли алланечук безовта бўлган амир бировни юборишга ҳам сабри чидамай дарахтлар ичига ўзини урди. Йўлни қийшайиб қулаб тушган йўғон туронги тўсиб ётарди. Шу палла қандайдир от ҳам кучсизгина пишқириб қўйгандай бўлди унинг назарида...

Муҳаммад Мирак не кўз билан кўрсинки, дарахтлардан холи, унча катта бўлмаган сайҳонликда, хас-хашак устида... подшоҳзода Тўхтамиш ўғлон яланғоч, ўзидан кетиб қонга беланиб ётарди! Даставвал у кўзларига ишонмади, кейин подшоҳзода эканлигига амин бўлгач, аста яқинлаша бошлади...

Ўнг қўлига теккан ўқ захми, очлик, ташналик бари бир бўлиб Тўхтамиш ўғлонни батамом ҳолсизлантириб қўйганди. Нарирокда эса дарахт ёнида тилла қошли эгари қийшайган, кумуш югани ер ўпган Хонўғлон маъюс қараб турар, кўзида ёш филтилларди. Амир Темурнинг машҳур бедови! Ёпирай! Муҳаммад Мирак умри бино бўлиб отнинг йиғлаганини ҳеч кўрмаганди, ақлли жониворнинг оқибатидан ёқа тутгудай ҳайратга тушди.

— Подшоҳзодам! Нима бўлди?.. — хаприкиб сўради Хутгалон ҳокими Тўхтамиш ўғлон устига эгиларкан.

Аббос баҳодирга шерик бўлиб борган Муҳаммад Мирак даставвал Қизилқум саҳросидаги кўҳна қалъада подшоҳзода билан илк бор кўришди ва то Самарқандга келгунча йўлда яхшигина танишиб олди, кейин Боғи Нақши жаҳондаги базми жамшид пайтида яна ҳам кадрдонлашиб кетдилар. Ўшанда унга Тўхтамиш ўғлоннинг нимасидир ёкиб қолди, чамаси, ўзини ўзгалар олдида такаббуруна тутиши, атрофдагиларга беписанд боқиши унга фориом келди. Шер Баҳромнинг ўғли ҳам шундай бўлишни орзу этарди, иложи бўлса кибру ҳавони от қилиб миниб олса, калондимоғликнинг жиловидан маҳкам тутса... Жумла жаҳон пошнасининг остида бўлса!.. Албатта, бунинг учун мустаҳкам замин лозим, у истаган такаббурилик тахтига чиқмоққа Хутгалон каби ҳассанинг

тагидеккина вилоят ҳокимлиги шарафи камлик қилади... Тўхтамиш ўғлоннинг йўли бошқа, у — Чингизхон авлоди!

Подшоҳзода базўр кўзларини очди. Ким у, келган? Дўстми?.. Душман босиб келдими?!.. Ғира-шира туман ичида қандайдир башара кўринди, у чамаси, Қозончи баходир эди.

— Келдингми, а!.. Қозончи... қаттол!.. Душман!..

Тўхтамиш ўғлон апил-тапил қиличига қўл чўзмоқчи эди, бемисл оғриқдан инграб юборди, тиниқ юзларини изтироб пардаси қоплади.

— Менман, мен!.. Муҳаммад Мирак! Душман эмас, подшоҳзодам! Бзовга бўлмангиз... Овқат ейишимни кўриб «полвон» дегандингиз-ку зиёфатда... «Полвон!..»

— Полвон?.. Қанақа полвон?.. Йўқол!.. Ихм-мм мм!..

— Менман, Хутгалон ҳокими амир Муҳаммад Мирак! Дўст, дўст ёнингизда!.. Амир...

— А... амир жаноблари... Полво-о-он... Бундай демайсизму... Қозончи деб ўйлабмен...

— Йўқ, Қозончи эмасмен, Амир Муҳаммад Миракмен!..

— Муҳаммад Мира-а-к... Худога шукур... Ха-а... Чинакам дўст экансиз...

— Дўстмен! — ҳаприқди Муҳаммад Мирак. — Дўстмен!.. Ҳамиша ёнингизда бўламен!.. Менга суянаверингиз, подшоҳзодам! Содик кулингиздирмен!

— Ха-а... Ҳамиша ёнимда бўлурсиз... Ёнимда-а-а... содик кулим...

Подшоҳзоданинг ортиқ сўз айтишга холи қолмаганлиги кўриниб турарди.

Мамнун бўлган Муҳаммад Мирак одоб вазифасини ўринлатди — йигитларни чорлади, дархол чодир урдилар ва подшоҳзодани кийинтиришиб, авайлаб кўтариб чодирга олиб кириб ётқиздилар. Қўлига малҳам қўйиб боғладилар ва шарбату хўрак билан сийладилар. Тамадди қилганидан сўнг Тўхтамиш ўғлоннинг жони сал тинчиди. Шундан кейингина, бу ерларда нима қилиб юрибсиз, дегандек савол назари билан «полвон»га қаради.

— Сизни қоралаб келдим, подшоҳзодам! Амир соҳибқирон хавотир олиб изингиздан юбордилар. Аслида ёнингизга келишни ўзим тилаб олдим... Сизни ўйлаб, кўнглим

нотинч бўлди. Содик кулингизмен-да... Йўлим Сабронга тушмиш эди. Соҳибқирон амр эдиларки, жаноблари салтанат юмушларида жасоратли бўлурсиз, душманни яксон қилишни ҳамиша ўзингизга вожиб деб билурсиз...

— ...Салтанат юмушларида жасоратли бўлурсиз, душманни яксон қилишни ҳамиша вожиб билурсиз... — такрорлади мазахнамо овозда Тўхтамиш ўғлон. Ёки Муҳаммад Миракка шундай туюлдими... — Падари бузрукворимизнинг меҳрибончиликларидан бошимиз осмонда... Афсус, биз солих фарзанд бўлолмаётимиз... Эҳ!..

Кўзлари юмилиб бораётган Тўхтамиш ўғлон, ортик гаплашгим йўк, дегандай жойга чўзилди, уни уйқу элтарди. Муҳаммад Мирак, подшоҳзода озгина ором олсунлар, деди-да, хос навқарига Хонўғлонга сув-ем бер, деб тайинлашга турди.

* * *

Амир Темур бир марта ўзи Ўрусхонга қарши жанг қилди, тутинган ўғли Тўхтамиш ўғлонга икки марта қўшин бериб Сабронга жўнатди. Подшоҳзодага Хонўғлон ҳамроҳ бўлди... «Ох, Хонўғлон! От эмас, бамисоли тўрт оёкли дев! — дер эди Тўхтамиш ўғлон ўзига ўзи. — Парқинидан қанотлари отилиб чиқаман, деб туради. Қуюндай елади, қуюн ҳам ортда қолади!..» Подшоҳзода бўз отни ана шундай ардоқларди.

...Тўхтамиш ўғлоннинг иккинчи жанги шиддат билан бошланди, лашқар даставвал вазият измини қўлда тутиб, майдон марказини ишғол эта олди. Тўқтакиё қўшини адади негадир кам эди, шунга қарамай биринчи куни устунлик ҳеч кимга насиб этмади. Иккинчи куни ёғий қўшини кутилмаганда суст ҳаракат қилди, улар худди чекинишни аввалдан мўлжаллаб қўйгандек ҳолатда эдилар. Душманнинг бундай тутумини тушуниб бўлмасди. Душман чекиниши — Тўхтамиш ўғлон зафари!..

Чиндан ҳам, кўп ўтмай майдон узра «Ёғий қочди!», «Ёғий қочди!..» деган музаффар садолар янгради. Тўхтамиш ўғлон қувончдан еру кўкка сифмай, тепаликдаги қароргоҳидан туриб:

— Зафар ёр бўлсун, йигитлар!.. Ёғий қочди! Қочди-и-и!!! Ёғий изидан! Изидан бориб мажақлаб ташлаш керак!.. Ёғий изидан!!! — дея қичкириб юборганини бил-

май қолди. Унинг ўткир ингичка овози ҳамманинг қулоғига етиб борди.

Шу палланинг ўзида:

— Ёғий изида-а-ан!..

— Ёғий изида-а-ан!..

— Ёғий изида-а-ан!.. Қочди!... Қочди!... Ёв қочди-и-и!.. — садолари еру кўкни тутиб кетди.

Амир Улжайту опардий жонҳолатда шитоб келди-да, айюҳаннос солиб бораётган навкарларни кўзларида ўт чақнаб кузатиб турган мамнун Тўхтамиш ўғлонга ёлвориб бундай деди:

— Подшоҳзодам! Чакки бўлди! Бу душманининг ҳийласидур! Ёғий изидан бормак хатарлидур! Тез фармон қилингиз, аскарлар ортга қайтсунлар! Эртани шу ерда кутмак лозимдур!.. Фармон қилингиз, подшоҳзодам!.. Фармон қилингиз!..

Бирок кўпни кўрган амирнинг илтижоларга тўла овози отлар дунур-дупури, волиб лашкар суронлари остида эшитилмай қолиб кетди... Чекинган Тўқтақиё кўшинини қувиб етиб кунпаякун қилишга шайланган зафарқарин лашкар, ортида чағн-тўзонларни муаллақ қолдириб, бир зумда кўздан ғойиб бўлди...

Тўхтамиш ўғлоннинг қувончи кўпга чўзилмади. Лашкар қайтишини хотиржам кутиб турганда, Тармочук бирдан чап томондан, ҳов анови баланд қир ортидан қандайдир кўшиннинг бостириб келаётгани ҳақида хабар қилди. Хайрон қолган подшоҳзода қир томонга қараган ҳамоно:

— Ҳай-йо! Ҳай-йо!!!.. Бос! Бо-о-ос!!!.. — садолари қулоғига чалинди.

— Бу қандай кўшин?.. — сўради хайрон Тўхтамиш ўғлон...

— Билмадим... — вужудига титроқ кирган Тармочук бир нима дейишга ожиз эди.

— Тўқтақиёники бўлса, уни қувиб кетдилар-ку?.. Ҳали замон енгиб қайтишади... — ўзини ўзи овуtgандек деди подшоҳзода...

Муртига ўпкалаб турганда, соқол чиқди, деганларидай, энди ўнг томондан дара ичидан ҳам бир лашкарнинг ҳайқириқлар ила ёпирилиб келаётганини кўриб қолдилар!

— Ҳай-йо! Ҳай-йо!!! Ҳай-йо-о-о!.. Бо-о-ос!..

Дара ичи шиддатли садолардан жарангларди.

Тўхтамиш ўғлоннинг қаттиқ кўркувдан аъзои бадани музлаб кетди! Даюс Тўқтакиё! Бари унинг ҳийласи экан! Амир Улжайту опардий айтганидай бўлиб чиқди. Жангга ташланган қўшин сонининг камлиги, ҳаракат сустлиги, гўё енгилгандек қочиб қолишлар, бари — ёғийни маккорлик ила алдаб узоққа олиб кетиш, тузоққа тушириш, кейин пистирмада турган баронфору жавонфори сўпайиб ёлғиз қолган Тўхтамиш ўғлон устига ташлаб, асир олиш ва ғофил лашкарни ҳалқа ичида қириб ташлаш учун ўйлаб топилган экан! Нега Амир Улжайту опардий сўзига кулоқ солмади, нега?.. Рост айтадилар, ҳали ғўр ва думбулбачча экансен, эй Тўхтамиш ўғлон!..

Шу палла Тармочук узоқдан кимнингдир шиддат билан от чоптириб келаётганини илғаб, бит кўзлари каттакатта очилиб кетди:

— Подшоҳзодам! Кўрдингизма?.. Ҳов узоқдан кимдир ёмон ниятда келаётир! Ортида бошқа навкарлар ҳам бор! Тезроқ қочиш керак! Қараб турамизма?.. Қочмаймизма?.. Кетдик!

Кутилмаганда:

— Тўхта, нокас! Пир урган!!! — деган ҳайқирик янгради. Подшоҳзода икки юз қадамлар нарида от қўйиб келаётган суворийни кўрди ва... уч ой аввал бўлган биринчи жангга уни қувиб етолмай аламда қолган Қозончи баходирни таниди!

— Подшоҳзодам! Ёлворамен! Отга минингиз! Тез! Тез!.. — қуйиб пишарди Тармочук...

«Энди афсусдан фойда йўқ, зудлик билан чора топмоқ керак! — деб ўйлади Тўхтамиш ўғлон. — Чора — қочиб қолмоқликда! Қочиб қолиш — ҳали енгилиш дегани эмас!..»

Подшоҳзода икки қўшин ўртасида ҳасдек топталишини ҳис этди, беихтиёр, айни шундай қилиш зарур, деган мажбурият остида отига минаркан, Хонўғлоннинг вазиятни англаб турганлигини кўриб ҳайрон қолди. Безовта тулпор «Ҳа!..» дейишга маҳтал ҳолда, дам-бадам кулоқларини қайчи қилиб йироқдан елиб келаётган отларга қараб пишқириб, ер тепиниб қўярди...

Хонўғлон аслида Самарқандни соғинган эди. Пойтахтда эҳтимол Амир Темурни ҳам кўрармиди, одатдагидек, суйканармиди, қўлидан кишмиш ҳам еярмиди... Самар-

қанд кўчаларидан малолсиз, сувдай текис йўрғалаб ўтган пайтларида атрофда, йўл бўйларида одамлар унга ҳайрат билан қарашар, кичкириб сўзлашар, Хонўғлон туншунмаса-да, уларнинг чехраларидан мактов ва олқиш айтаётганларини англади.

Яқин ойларда шаҳар кўрмади, фақат қир-адир, дала-сой, нотекис йўллардан ўтишга тўғри келди... Тош-шағаллар туёғига азоблар берди, аммо бировга билдирмади...

Мана энди соҳибининг иши юришмаганини, душманлар кирдикорини, оқибатда бу ердан тезроқ қочиш лозимлигини шуурсиз англаб етган Хонўғлон камчининг учи тегиши билан қуюндай елиб кетди! Йўллар танобини тортишга орзуманд тулпор шу кетишда тоғу даралар, чўлу қишлоқлар оша Самарқандга етиб оладигандай алфозда эди. Арғумоқ еларкан, худди учкур куёнга ўхшаб бутун гавдаси билан чўзилиб борарди. Тўхтамиш ўғлон кумуш юган жиловини маҳкам ушлаб, тилла қошли эгарга ётиб олган, узоқдан қараганда от худди чавандозсиздай кўринар, подшоҳзода қулоғида шамол ғувиллаб ҳеч нарсани эшитишга қўймасди...

Тўхтамиш ўғлоннинг навкарлари ҳам майдонни ташлаб отларини унинг кетидан бурдилар, аммо ҳар қанча чиранмасинлар, жуфтак ташлаб, ирғиб, учиб бораётган Хонўғлондан ортда қолиб кетдилар. Душман отликлари уларга етиб олай деб қолишди. Шунда Тўхтамиш ўғлон кўрди: Тармочуқ шерикларига жон ҳолатда: «Тарқал! Тарқ-а-а-ал!!!..» деб бақирди... Навкарлар, ёвни чалғитиш учун бўлса керак, шитоб ўнгга, чапга ёйилиб кета бошладилар.

Қизиқ манзара содир бўлди. Ортда бир тўда аскарлар «хай-ё хай»лаб отларига зўр бермоқда. Ўртада ҳар томонга сочилган, сочилиб кетаётган отлиқлар. Олдинда эса ўқдай учиб бораётган ягона бўз тулпор...

Амир Улжайту опардий ва бошқа ўн-ўн беш аскарлар ҳам Тўхтамиш ўғлон изидан Довдирсой ёкка қараб от солдилар. Шу палла душмanning баронғоридан йигирма-ўттиз чоғли аскар ажраб чиқди ва қиялаб подшоҳзода йўлини тўсмоққа чоғланди. Жавонғордаги кўшин эса ялписига Тўхтамиш ўғлонни қувмоққа турди.

Хонўғлон елиб бораётганда, йироқдан яна Қозончи баҳодирнинг таҳдидли болохонадор сўзлари эшитилди.

Бу орада Амир Улжайту опардий бошлиқ навкарлар уларга етиб олишган ганим лашкари билан савашинга киришдилар. Кучлар тенг эмас эди.

Амир Улжайту опардий қаттиқ жанг қилди, бир неча душман аскарини ер тишлатди. У қилич солганда ёшлардай ҳайкириб қўяр, олдидан келганни ҳам тинчитарди, орқадан келганни ҳам. Қозончи баҳодир уни илғад-ю шартта шу томон бурилди. Отини қаттиқ елдирганидан эғнидаги жавшан шириқлаб борарди. Озгина даҳанаки жангдан кейин найзабозликка ўтдилар, аммо пистокси найзалардан бир иш чикмади. Навбат қиличбозликка етди. Ажабки, иккиси ҳам бу ҳунарда устозлардан саналарди. Амир Улжайту опардий пайт пойлаб, рақиб бошини мўлжаллаб шиддат билан қилич урар, Қозончи баҳодир усталик билан чап берар, нафасни ростлаб, душманнинг яқинда эканлигидан фойдаланиб силтаган қиличи заранг қалқонга тегиб қайрилгудай бўларди... Қозончи баҳодирнинг шувиллаб келаётган қиличига Амир Улжайту опардий ўзининг кескир қиличини қалқон қилиб улгурди. Кейин қаттиқ зарба беришга шайланган эди, рақибни ортга чекиниб жон сақлаб қолди. Қиличлар ҳар сафар бир-бирига урилганда зорлангандай ингроқ жаранг саси эшитиларди.

— Ўлгинг кепти шекилли... Кел! Кел!.. Жонингдан умидингни узавер, болакай!.. — қилич соларди Амир Улжайту опардий.

— Кунинг битди, қари кузғун! Гуноҳинг ўз бўйнинг-да! Лошинг шу ерда қоладур!.. Қолмаса, отимни бошқа қўямен!.. — зуғум қиларди Қозончи баҳодир...

Савашин қизигандан қизиб борарди.

Кутилмаганда Амир Улжайту опардийнинг қилич тутган қўли нечундир холсизланиб қолгандай бўлди: ўн йилдан бери холис хизмат қилиб келган зулфиқор қиличи — уни Исфаҳондан олдирган эди, — панд бериб, қабасининг ёнидан чўрт узилиб кетди! Буни кўрган Қозончи баҳодир рақибининг ёшини аяб, раҳм-шафқат этиб ўлтирмади: шартта қилич солиб кекса номдор амирнинг не-не жангларда мағрур бўлган бошини танидан жудо қилди...

Қозончи баҳодир энди елдай учиб бораётган Тўхтамиш ўғлон изидан от қўйди. Унинг бу сафар алмаштириб олган пойгачи тулпори чакки эмасди, жайдари от-

ларнинг икки-уч қадамини бир қилиб босарди. Баходир дулдулига қамчи солди, кеча ёғиб ўтган ёмғирдан юмшаган ер чопишга халал берса ҳам, жонивор Хонўғлонни мўлжал қилиб ўқдай елиб кетди.

Хонўғлоннинг олдида яна биринчи жангдагидек Довдирсой пайдо бўлди. Бу сафар худо асрагур тулпорнинг шиддати шу қадар тез эдики, агар тўхтаيمان деса ҳам, хийла жойга бориб секинлай оларди холос. Бўз тулпор буни асло ўйламас, аксинча, суръатига суръат қўшарди! Олдинда катта сойнинг яна қўндаланг келганини кўриб Тўхтамиш ўғлоннинг кўзи қинидан чиқиб кетаёзди! Лекин шу палла у отни тўхтатишдан мутлоқ ожиз эди. От устида шавкатли Чингизхон авлоди Тўхтамиш ўғлон эмас, гўё оддий бир жонсиз буюм, балки лаш-луш солиб тўлдирилган, оғзи бўшгина боғланган эски қоп елиб борарди...

Шу пайт подшоҳзода қуловига: «Тўхта, Тўхтамиш!.. Энди думингни тугиб қўямен, қонингни ичамен, аблах!..» деган сўзлар чалинди. У овознинг хийла яқиндан келганига ҳайрон бўлди. Қараса, ёлғиз қувиб келаётган Қозончи баходир билан ораси юз қадамча қолибди!

Ортдаги душман нафасини сезган Хонўғлон қўрқувни писанд қилмай чақиндай шувиллаб Довдирсойга сакради!.. Қозончи баходир қирғоққа етиб келганда, Хонўғлон лойқа сув гирдобиде етмиш қадамлар нарида сузиб борарди. Узоқ ўйлаб ўтиришга фурсат йўқ. У мохир мерган эди, осмондаги пашшанинг кўзидан уради, деб таърифлардилар, тезда камонга ўқ жойлаб Тўхтамиш ўғлоннинг нақ бошини мўлжалга олди... Ёй тортишига бир баҳя қолганда, бирдан олампахоқ Ўрусхоннинг Тўқтақиёга: «Тўхтамишни тирик олиб келасен!..» деб тайинлагани эсига тушди. Ҳа, уни ўлдириб қўймаслик керак, ўқ тегсин, аммо захри қотил бўлмасин. Мерган дарҳол мўлжални ўзгартирди... Чақиндай тез борган ўқ подшоҳзоданинг ўнг билагига тегиб, тирсаги тепасида шапалоқдай этини суягидан ажратиб қўйди. Тўхтамиш ўғлон эгарга ётиб қолди. Қўлдан оққан қон сувни қизартириб борарди. «Ханжарни қиздириб босиш керак эди... — инграркан ўйланди Тўхтамиш ўғлон. — Қон тўхтарди... Хайриятки, ўқ қўлига тегди, сал чапроққа тегса борми, тамом эди...»

Қозончи баходир сувда наҳанг балиқдек сузиб бораётган отнинг бир оздан кейин, кифтида суворий, битта-

битга юриб нариги ўқ етмас қирғоққа чиқаётганини кўриб турар, танасига номуносиб каттароқ боши хиёл олдинга эгилган эди...

Ў Н Б И Р И Н Ч И Б О Б

I

Зиндачашм опардийнинг маъшум воқеаси бутун Самарқандда шов-шув бўлиб кетди. Махалла-кўйларда хийла вақтгача одамлар хаёлини банд қилган янгилик вазифасини ўтади. Ҳамма бозорга киришда ҳам, чиқишда ҳам кўрқинчли тулумга қараб ўтарди. Бозордан нарироқда ўнг қўлда пастқам бир ҳовлида жойлашган такяхона томон борар эканлар, Ахий Жаббор баҳодир бошлик йигитлар дарвоза олдида одатдагидек бир кўп одам уймалашиб турганини кўрдилар. У ерда чоллар, кампирлар, толиби илмлар, турли бозорчиларни учратиш мумкин эди.

«Ажаб қипти!»,

«Бадтар бўлсин!»,

«Буям кам!...»

«Балога гирифтор бўпти!...»

«Ажалингдан беш кун бурун ўлмайд ўл!...»

Одамлар шундай сўзлар билан Шибирғон ҳокимини айблашар, лаънатлашар, айни пайтда қарашдан кўрқиниб шарди.

— Кўрдингми, Йанал... ёмонликни ўзига тилаб олган ноқасни... — деди Ахий Жаббор баҳодир ёнидаги йигитга. — Кимки бировга чоҳ қазиса, ўшанга ўзи тушадир...

— Бу пешонадан... — деди барваста Йаналтекин ўзини донишмандлардай тутиб. — Бадбахтнинг пешонасига шу ёзилган экан-да...

— Тўғри айтасен, пешонада ёзилгани бўлади. Ҳеч ким қисматдан қочиб қутула олмайди. Аммо парвардигор бандасига яхши кунларни ҳам, ёмон кунларни ҳам ёзиб қўйғон... — эътироз билдирди Ахий Жаббор баҳодир. — Бир куннинг ярми кундуздан, ярми тундан иборат ахир. Қайси бирисига интилиш эса бандасининг қўлидир... Зиндачашм опардий фақат ёмонига интилди...

— Қилмишига яраша бўлди, бу ҳам оз эди пир урганга... — сўзга қўшилди Учқора. — Нодон экан-да, отангнинг арвойи. Ўзим Амир Жоку барлос жаноблари қайсар Зиндачашми олиб келиш учун Шибирғонга борганларида ўша сафдайдим... Кўрганмен, гуноҳимни Амир соҳибқирондан сўраб берингиз, деб роса амирул умарога ялинди, лаънати. Бошига қоп ташлаб бўйнига қиличини осиб Амир Темур ҳазратларига сивиниб келди. Ҳимматни кўрунги, худо қарғагани гуноҳи кечирилибгина қолмасдан, унга тўй ҳам қилиб бердилар, тухфаю тансукотларга кўмиб ташладилар! Ана шундай яхшиликлардан кейин... онаси даладан топган Қаросмонда ҳазратга ўқ отишни мўлжаллаб ўлтирибди-ку!... Вой, ношукур банд!..

— Нима учун бошига қоп кийиб, қиличини бўйнига осиб оладир? — сўради Йаналтекин.

— Шунини ҳам билмайсанму, гушна?.. — Учқора шеригига кулиб жавоб қилди. — Бўйнига қилич осиб келгани — агар мени ўлдирмоқчи бўлсангиз, қилич қидириб юрманг, мана қилич, олингу бошимни кесинг, деганидир. Бошига қоп кийиб олгани — менга кафан излаб юрманг, кафанга арзаймаймен, шу қопга солингу кўмиб ташланг, дегани бўлади...

— Оҳ, оҳ!.. — хайратта тушиб деди самимий Йаналтекин. — Жуда чуқур маъно бор экан-а!

— Ҳазир бўл, ўзингни ҳам бошингга қоп тушиб қолмасин, дастингдан кетай!

— Гапинг ўзингдан бери келмасин, гушна бўлмай ўл! — астойдил хафа бўлди Йаналтекин. — Нафасингни сал иссиқ қил-е!

— Ҳа, ҳа... Бунда теран маъно бор, йигитлар! — тасдиқлади Ахий Жаббор баҳодир. — Ҳеч кимнинг бошига бундай кун тушмасин!

— Агар бошимга шундай кун тушса, ўзимни бир нарса қиб қўямен! — чиранди Учқора... Кейин ўзининг яхши кўрган қўшиғини хиргойи қилишга турди:

*Ер тўймайди ёмғирга,
Хотин эрга... тўймайди...*

Ғала-ғовур ичида Ахий Жаббор баҳодирлар энди жилмоқчи эдилар, хийла узоқда бозорга келишадиган

Шайх Нуриддин баҳодир билан Амир Шоҳмаликларнинг қоралари кўринди. Улар ўзларини атрофларида ҳеч ким йўқдек бир алфозда тутганларича, бамайлихотир юриб келардилар. Шайх Нуриддин баҳодирга ҳумоюн ўрдудан бозорлар муҳассиллигини¹ бошқариш вазифаси топширилганди. Чамаси, бозорни айланиб ўз кўзлари билан кўриб нарх-навони назорат қилишга келишмакда. Жаҳонгир Мирзо ўнбошисининг кўп йиғинларда кузатишига кўра, бу шахту шиддати баланд мағрур амирлар салтанатда яхшигина нуфузга эга эдилар. Бироқ кўпинча бирга юрсалар ҳам, бир-бирига дўстдай туюлсалар ҳам, улар аслида бошқа-бошқа одамлар эканликларини Ахий Жаббор баҳодир ич-ичидан сезарди.

Шайх Нуриддин баҳодир жуссаликкина, ўрта бўйли, юмалоқ юзли, сийрак қошли, бурни хиёл яссидан келган, қисик кўзлари ҳамиша чақнаб турадиган жасур ва серғайрат йигит бўлиб, бетакаллуф кулганда ингичка овози ҳамманикени босиб кетарди. Кийган чопони қорнида учмауч турар, қадамни катта ташлаб юрса ҳам кўполлиги билинмас, юрганда чап ёнидаги қиличи, эмин-эркин боғланганиданми, қадам билан бирга бориб келарди.

Ахий Жаббор баҳодир унинг отасини яхши биларди. Амир Сорибуға жалойир гоҳ соҳибқирон ёнида, гоҳ эса унга қарши душманлар сафида от суришлари, танг вазиятларда ташлаб кетаверишлари билан машхур эди. Умуман, жалойирлар салтанатда беқарорликлари билан ном чиқаргандилар. Хўжанд ҳокими Амир Боязид жалойир, Баҳром жалойир, Одилшоҳ жалойир, Амир Сорибуға жалойир... эҳ-ҳе, улар кўп, — барчасининг ҳам хиёнаткорликлари борасида талай мисоллар келтириш мумкин...

Амир соҳибқироннинг кечиримлилиги, кенгфёллиги, меҳру муруввати хато қилган, адашган кишилар такрор сизиниб келсалар асло кўкракларидан нари итаришга йўл бермасди, душманни ҳам дўстга айлантириш йўлида ўз ниятларидан қайтмасди. Ахий Жаббор баҳодир фикрича, Шайх Нуриддин баҳодир ана шундай дўстга айланган душманлардан бири... У ясси бурнини жийириб тикилганда, кўзларида: «Хўш, сиз дўстмисиз, душманмисиз?.. Кўнглингизда нима бор? Ҳаммасини кўриб турибмен!..» деган маъно яширингандай эди. Амир

¹ *Муҳассил* — солиқ йиғувчи, ундирувчи.

Сорибуға жалойир ўгли отасининг тутумларидан хабардорлиги боис, ҳамиша ўзини Амир Темурга фидойи қилиб кўрсатишга иштиёқмандлигини бўрттиришга уринар эди. Буни Ахий Жаббор баҳодир аниқ билади.

Амирлар ўртасида вақти келса ҳеч нарсадан ҳазар қилмайдиган, шафқатсизлиги билан ном чиқарган Шайх Нуриддин баҳодир ҳақида ҳар хил нақллар юрарди. Жетага юриш чоғида ўлжага тушган гўзал мўғул қизларидан бирини ёқтириб қолиб, руҳининг пойдорлиги пуртурдан кетиб, дарҳол бутанинг ортига олиб ўтибди-ю нафсини қондиришга киришибди... Шу палла қайдандир келиб қолган мўғул навқари унга ташланибди. Баҳодир чап қўлини гўзал қизнинг қуймичидан олмай ўнг қўлида қилич тутганча, ҳалиги навқар билан саваша бошлабди. Икки томонлама жанг авжга чиқибди... Соҳибқирон аскарлари бундан хабар топиб етиб келибдилар ва бир лаҳзада ҳалиги мўғулни орқасидан қилич уриб ўлдирибдилар. Жазавага тушиб қолган Шайх Нуриддин баҳодир атрофдагилардан изо тортмай ишини давом этдирар эмиш...

Машҳур бўлиб кетган бу воқеа кўп ҳазил-мутойибаларга сабаб бўларди. Айримлар, нуфузли амирлардан бирининг бунчалар фосиклигидан ирганиб гапирардилар, бошқалар буни жасоратга, ботирликка йўярдилар. Орқаворатдан шу ҳақда сўз чиққанини эшитиб қолса, баҳодир гап эгасини албатта топиб орани очик қилишга тиришгани тиришган эди.

Амир Шохмалик эса Ахий Жаббор баҳодирга нимаси биландир ёқади, нимаси биландир хушбичим, ҳамиша ораста кийиниб юрадиган Амир Сайфиддин некўзга ўхшаб ҳам кетади. Ўртачадан баландроқ бўйли, хуш тавозеъ, андишали, жасур, чаққон ва абжир бу йигит, доим одоб доирасида муомала қилади. Сиртдан қараганда нозикроқ, аммо аслида чайир, хушёр, ёш бўлишига қарамай кўзи пишган дейиш жойиз. Овозини кўтариб гапирмайди. Қорамтир юзлари чўзинчоқдан келган, бурни сал каттароқ бўлса ҳам ўзига ярашиб туради. Кўзлари катта-катта, қошлари қуюқлигидан қовоқлари қарийб йўқолиб кетгандай туюлади...

Ахий Жаббор баҳодир улар билан саломлашмоққа чоғланди. Лекин шу палла бозор ичидан чиқиб келган бир кўп одамларнинг шовқин-сурони унинг хаёлини

бўлди-ю ўша томонга қаради. Олдинда ўн икки ёшлар чамасида бир бола кўйлаги белигача тушириб қўйилган холда келар, ёнида эркаксабзига ўхшаган, манглайи тиришларга тўла бир одам қўлидаги хипчин билан гоҳ-гоҳда шўрликнинг елкасини савалаб кўяр, ора-орада: «Ҳали яна ейсан!..» дер, боланинг эса кўзларидан ёшлар оқарди. Уларга эргашган ўн бешга яқин бекорчихўжалар ўзларини гўёки ҳеч нарса юз бермаётгандай тутишар, ҳеч ким болани ажратиб олиш ёки ҳалиги эркаксабзига ўхшаган одамнинг таъзирини бериб қўйиш ҳақида қайғурмасди... Фақат текин томошадан завқланишгандай, ҳар хипчин тушганда, «Ҳа!..», «Ҳа!..» деб қўйишар эди холос.

Ахий Жаббор баҳодир бир оз ханг-манг бўлиб турди. «Нега ёш болани уради?..», «Ҳеч кими йўқ болани нега уради?..», деди ўзига ўзи! Болалигида Марғионда бир бойнинг уйида қароллик қилиб юрганида худди шундоқ ноҳақдан калтак егани эсига тушди. Ўшанда уни ҳам хипчин билан савалашган, уни ҳам ҳеч ким ҳимоя қилмаганди... Болага тушаётган хипчиндан унинг елкаси ачишаётгандай бўлиб кетди. Ахий Жаббор баҳодир нарироқда келаётган амирларни ҳам, улар билан кўришиш зарурлигини ҳам унутди.

— Тўхтангиз!.. Бу қандай гап? Ёш болани урасиз?.. — жаҳл билан деди Ахий Жаббор баҳодир, изма-из Учқора, Йаналтекинлар ҳалиги одамга яқинлаша бошладилар. — Хипчинни бу ёққа берингиз! Синдириб ташлай, қани!.. Инсоф борми ўзи?

— Ёш болани топганини қаранг! Уришсанг биз билан уриш, дастингдан кетай! — яниб деди Учқора.

— Уялмаганини! Вой, отангни арвойи!.. —қўшилди Йаналтекин.

Атрофда одамлар шовқини тинмасди. Ҳалиги одам дағдаға билан келаётган Ахий Жаббор баҳодирни асил-зодалардан деб ўйлади-ю ҳайрон бўлиб тўхтади.

— Ҳовлиқмасинлар, бек... Бекорга калтак емаётир бу... Бекорга эмас... — тушунтиришга ҳаракат қилиб деди у...

— Нима, ўғирлик қилибдими?.. Бозордан бирон нарса ўғирлабдими? Тутиб олдингизми?.. Уни урасиз...

— Йўқ... Унақа эмас... Мен сизга тушунтирай, бек... Бизлар читгарлармиз...

- Читгарлар?..
- Ҳа, читгарлармиз...
- Хўш... Читгар бўлсангиз нима?..

Эркаксабзига ўхшаган одам босиқ деди:

— Бизлар читгарлармиз... Дастгоҳимиз Чокардиза мозорига етмасдан берирокда чапдаги маҳаллада жойлашган. Ўзимизнинг расму русумимиз, қоидамиз бор. Ота-боболардан қолган-да... Касб низомимизда тўғри йўриқлар кўрсатиб қўйилган. Ҳалол бўлиш, инсоф билан ишлаш лозим... Дастгоҳнинг олдига, бисмиллохир раҳмонир раҳийм, деб таҳорат қилиб бормак керак... Фирромлик қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ... Бу бола шогирдим, билсангиз... У низомни бузиб қўйди, юзимни ерга қаратди. Тандачилар олдида уялиб қолдим... Чит тўкиётди тандасига тоза ип ўрнига билдирмай қаноп аралаштириб юборибди. Арқоғига сифати паст ипдан қўшибди. Бу харидор ҳақиқа хийнат-да... Читгарлар шаънига иснод... Ҳеч мумкин эмас. Унда егани ҳаром бўлади...

Ахий Жаббор баҳодир ҳайрон бўлиб қараб турарди.

— ... Шундай гуноҳ қилганлар бозор куни елкаси яланғочланиб хипчин билан саваланган ҳолда бозор ичидан олиб ўтилади... Токи унга сабоқ бўлсин, ҳамма кўрсин... Одатимиз шунақа. Биз ор учун курашамиз... Бундан кейин бунақа иш қилмайди...

— Шунақами... — деди Ахий Жаббор баҳодир тарвузи қўлтиғидан тушиб, дам елкалари қавариб кетган болага, дам хотиржам устага қарар экан.

Ҳалиги одам: «Яна ейсан!..» деди-да, шогирдига навбатдаги хипчинни урди ва текин томоша ишқибозларини эргаштириб Шайх Нуриддин баҳодир билан Амир Шоҳмаликлар келаётган томонга қараб йўлида давом этди...

Нохуш воқеадан кейин Ахий Жаббор баҳодирнинг негадир амирлар билан кўришгиси келмай қолди ва Учқорага буйруқ охангида деди:

- Тез такяхонага кетдик!.. Тез!..
- Устаникига! — деди Йаналтекин.
- Такяхонага, дастингдан кетай, такяхонага!.. — оғзининг таноби қочиб сўзланди Учқора...

Улар бозор ичига ўзларини урдилар.

II

Одамлар тўпланиб улфатчилик қилиб турадиган такяхонада турли табақадаги кишиларни — амирлару баҳодирлар, ахли тижорат вакиллари, яширинча келган давлат одамларини ҳам учратиш мумкин эди. Такяхонанинг кўкнорихоналик вазифаси ҳам бор бўлиб, айримлар наъки тортиш, кўкнори ичиш, таряк тотиш, ҳатто қора дори ейиш учун ҳам кириб ўтардилар.

Гох-гоҳда «шайъанлилло»ни айтиб ридоий муҳаммадийга бурканган, бошига кулоҳи аҳмадий кийган, елкасига кашкул илган, белларига анвойи латталар боғлашиб олган қаландарлар ҳам жўшу хуруш ила келиб колардилар... Бир четда уларнинг ҳам ўз жойлари бор эди.

Одамлар бу ерда ўзларини эркин сезишар, ҳар ким ўз даврасида нақ подшо мартабасига минарди. Кўпинча, такяхоналар соҳиблари хориждан келганлардан бўларди. Аммо бу такяхона ургутлик бир бадавлат одамга қарашли эди, уни ўша одамнинг Уста Шунқор деган гушаштаси бошқарарди. Одатда номини айтиб ўтиришмас, қискагина қилиб: «Устанинг такяхонаси» деб аташар, бориш ҳақида гап кетса: «Устаникига!..» деб кўйишарди. Самарқандда бундай жойлар анчагина бўлиб, энг машҳури Ахий Жаббор баҳодирлар йўналган мана шу такяхона ҳисобланарди.

Уста Шунқор исмига яраша тўладан келган, паҳлавон сифат, қайғу-ғамдан кейинроқ туғилган жуда ҳам хушчақчақ бир одам бўлиб, каттагина бурнининг учи ҳамиша қизариб юрар, келбатига қараганда қадам олиши чаққонроқ эди. Такяхона ҳовлиси ёз вақтларида жаннатга айланарди, айниқса, ҳовлидан каттагина ариқнинг оқиб ўтгани бутун атрофни файзли қилиб юборарди. Қиш вақтларида ҳамма бўйи йигирма, эни ўн беш қадам чиқадиган каттагина хонага кириб олар, ўнта сўри доим банд бўлар, атроф ғала-ғовурга тўлиб кетарди.

Ахий Жаббор баҳодир шериклари билан такяхонага кириб келганда хонада бўш сўри қарийб йўқ эди.

— Ассалому алейкум, уста!.. — деди баҳодир.

— Ва алейкум ассалом!

Уста Шунқор одатдагидек хушчақчақ тарзда меҳмонларни қарши олди.

— Ўнг бурчакдаги сўрига ўтаверингизлар, баходир жаноблари!.. Тишимни қавагида сақлаб турибмен...

Авваллари тез-тез кириб турадиган Ахий Жаббор баходир Оққиз билан тўйлари бўлиб ўтгандан бери бу ерга қадам изи босмади. Чунки, унинг бор роҳат-фароғати Боғи Чинордан янги келин-куёвларга теккан мўъжазгина хонада эди. Аммо Учқора, Йаналтекин ва бошқа сипоҳлари: «Муборак бўлсин! Қачон бизга ўтириш қилиб берасиз?..» деб ҳол-жонига кўйишмади. Унинг устига, ўзи ҳам валламатилиги тутиб кетиб: «Зиёфат қиламен!», деб ваъда бериб юборган экан.

Икки сўри нарида уч киши ўлтирарди. Йўғон овозли, чап кўзи сал вилайроқ ориқ одам гап бермоқда, у бошқалар олдида нозик кўринмаслик учун кун иссиқ бўлса ҳам доим учта чопонни устма-уст кийиб юрарди. Ёнидаги пакана хўппасемиз киши дам-бадам унга нимадир дейди-да, суҳбатдошининг елкасига енгил уриб, ингичка овозда кулиб қўяди. Учинчиси гапга аралашмайди.

Ахий Жаббор баходир орқа ўтириб ўлтирган одамни ҳисобга олмаганда қолганларини авваллари ҳам бу ерда кўп кўрган. Зарофат эгаларидан бўлган Ориқ билан Пакана, давраларда ҳамиша қизиқ гаплар айтиб атрофдагиларни кулдиришар, янгиликлардан бохабар этиб туришар эдилар.

— ...Мен сенга айтсам, Амир соҳибқирон хотамтойлик кўргизди, бошини силади, тириклик кўзини нурлантиришга ҳаракат қилди... — деди ориқ одам йўғон овозда.

Баходир гап Зиндачашм опардий ҳақида эканлигини фаҳмлади. Гапирган киши унинг исмига ишора қилаётган эди. Чамаси, хийладан бери шу ҳақда мунозара бораётган кўринарди.

— Тириклик кўзи нобино бўлди... Қилмиш-қидирмиш... Бас қилайлик бۇ гапларни! Тагин бизга касофати тегиб юрмасин, ака! — қўлини шоп қилди ингичка овозли пакана одам...

— Гапинг тўғри, ука... — деди Ориқ. — Қўй уни. Лекин бошқа нарсадан ташвишдамен...

— Нимадан экан, ака?

— Олтин Ўрда хони билан уруш бўлади-ёв... Уруш бўлса ёмон-да... Ишқилиб, баттолнинг юзини тесқари қилсун...

— Рост айтасиз, ака... — тасдиклади Орикнинг сўзи-ни Пакана. — Эшитдимки, Қамариддин дурлат Анди-жонга бостириб келаётган эмиш...

— Оббо, лаънати-ей! Яна-я?

— Хоразмшоҳ Бухорога хужум қилибди. Маҳмуд-шоҳ Бухорий дарвозани очиб берибди...

— Маҳмудшоҳ Бухорий кетворган ўйинчи эди, — деди Орик. — Амир Кайхусравнинг ўғли Султон Маҳ-муднинг тўйида роса ўйнаган... Ўзим кўрганмен...

— Барини адабини бериш керак! — деб юборди шу пайтгача гапга қўшилмай орқа ўгириб ўлтирган одам.

Уларнинг нариги ёнидаги сўрида эса беш-олти киши дунё билан ишлари йўқ, иккига бўлиниб берилиб нард ўйнашарди.

Чап томондаги кунжакда энг охирги сўрида Наддоф-лар маҳалласидан бўлган, Самарқандда таниқли, ёши саксонларга борган, аммо ҳали тетик, бақувват Эсон бува улфатлари билан гаштак қиларди. Улфатларнинг бири Зоминдан, иккинчиси Ургутдан бўлиб машҳур напшаванд-лардан эдилар. Улар шакаргуфторлик қилиш учун атай ўша ёқлардан тез-тез Эсон бува олдига келиб туришар-ди. Учовлари тўпланишиб дам-бадам чилим тортишиб, кўкнори ичишар, чархи кажрафторнинг шевалари ҳақида мириқиб суҳбатлашишар, дунёнинг нақ тагига етишган-дай бўлишарди.

Мана ҳозир ҳам Эсон бувалар улфати чор бўлиб ўлтиришган экан. Эсон бува сархонага тамаки-ю наша солиб наяки тортишга турди, чилим хўриллаб садо берарди. Ҳар тортганда: «Ўх-хў! Ўх-хў!..» деб йўталиб кўяр, ортидан «Қиршо-о! Қиршо-о-о!..» сўзлари эшити-ларди. Бу унинг ёқтирган сўзлари бўлиб, аммо маъноси-ни биров тушунмас, тушунишга уринмасди ҳам. Эсон бува ёнидаги Ахий Жаббор баҳодирларга орқа ўгириб ўлтирган одамга чилимни узатди. У одам ҳам сархонани хўриллатиб бир-икки тортгач, шеригига берди... Чилим давра айлана бошлади.

— До-од, поёнсиз дунё!.. Торга тор-у кенга — кенг дунё! — деб юборди навбатдаги наякини тортиб Эсон бува. — Аллоҳ қудратини кўрай десанг — баланд тор-ларга бор! Ўх-хў-ў!.. Ўх-хў-ў!.. Туби йўқ денгизларга бор, такадай сакраб, учқур тойдай ўйноқлаб оқадиган шошқин сойларга бор... Қиршо-о! Қиршо-о-о!..

Ахий Жаббор баходирлар дастурхонида ҳам егуликлар пайдо бўлди, кейин бўйи беш қаричча, қорнига айлана қилиб гул солинган кулокли кўзада бўза ҳам келди. Учқора апил-тапил хизматга киришди. «Хушбод ва нушбод» дея бир коса-бир коса бўзадан отилди. Димоғлар исий бошлади...

Ахий Жаббор баходир кунжақдаги бангиларга қараб турар экан, нимадир эсига тушиб қолдими, уларга ишора қилиб шерикларига деди:

— Бир куни Эсон бува кўкнорининг хали пишмаган кўм-кўк кўсакларидан бир нечасини олиб косанинг устига ёпилган дастрўмолга солиб ивитибди, кейин дастрўмолни яхшилаб тугиб обдан эзиб ширасини чинни косага тўлдириб қуйибди... Жигарранг қахрабодай тип-тиник кўкнорига термилиб хаёлга берилиш — дунёнинг энг ажойиб лаззатларидан бири экан-да... Кўкнорини ичишдан эмас, балки уни ичиш, ичганда қандай завқларга берилиш, энг муҳими, хали бу завқлар олдинда эканлиги хаёли гашти маст қилади уларни...

— Оҳ, оҳ!.. — деб юборди чап томонда ўтирганлардан бири.

— Алқисса, Эсон бува чинни косани олдига қўйиб кўзларини юмганча, ана шу косадаги кўкнорини ичсам, нечоғлик роҳат қиларкинман, дея хаёлга берилибди... Шу палла бирдан катта семурғ қуш учиб келиб, Эсон бувага : «Оёқларимдан ушла!..» дегандай ишора қилибди. Эсон бува апил-тапил қушнинг оёқларидан ушлаб олибди. Семурғ кўтарилай деганда, қаёқдандир зоминлик улфати пайдо бўлиб қолиб, у ҳам Эсон бува оёғидан тутибди. Осмон-фалакка парвоз қилган семурғ учиб кетаверибди, учиб кетаверибди, ниҳоят бир жойга бориб қўнибди. Қарашса, хумда тилла қайнаб ётган эмиш!..

— Қаердайкин, биз ҳам борардик... — деди кимдир ўнг ёқдан.

— Тағин борсангизлар мени ҳам олиб кетингизлар!.. — кўшилди яна биров.

Гап қизиб, хонада ҳамма Ахий Жаббор баходирга кулоқ сола бошлади. Эсон бува бундай хазилу тегажоқликларга ўрганиб қолган, уларга кулиб қарарди.

— ...Эсон бува улфати билан роса тилладан олишибди, чўнтакларнинг бари тиллага тўлиб кетибди! — давом

этди баходир. — Семурғ яна парвоз қилибди. Осмон-фалакларга етганда Эсон бува зоминлик улфатига:

«Хумни қара катталигини!.. Бунақасини ҳеч кўрмагандим!.. Во-о-о!.. Худо берди-да!..» дебди мамнун.

«Жудаям катта эмас эди... — дебди зоминлик. — Йўқ... Катта эмас эди... Оддий хумлардан-да...»

«Катта эмас эди, дейсанми? Қўйсанг-чи! Жуда катта эди!..»

«Ўзим кўрдим-ку, хум кичкина эди! — бўш келмабди улфат. — Қў-е! Ҳатто оғзига қўл ҳам сиғмасди... Роса қийналдим-ку қўлим сиғмасдан...»

Баҳс қизигандан қизибди. Эсон буванинг фигони фалакка чиқиб:

«Хай!.. Ие!.. Одамни бундай бўлма!.. — дебди. — Хумнинг катталигини кўра била туриб йўқ дейсан-а! Мен сенга айтсам, хум тандирдай эди, билдингму?.. Ха, тандирда-а-ай эди! Ўзинг кўрдинг-ку! Катталиги нақ мана бундай келарди!.. » — Эсон бува жаҳл ичида қулочини ёзиб кўрсатаман, деб семурғнинг оёғини қўйиб юборибди! Иккиси ҳаш-паш дегунча осмон-фалакдан ерга қулаб шувиллаб тушиб кетишибди!.. Жон ҳолатда кўзини очган Эсон бува ҳушига келиб қараса, олдидаги коса қийшайиб ётганмиш, ичидаги қахрабодай кўкнори ерга тўкилиб кетганмиш... Хаёлда туртиб юборган экан...

Ҳамма қаҳ-қаҳ отиб қулиб юборди!.. Овозлар ичида Ориқ билан Пакананики йўғону ингичка бўлиб алоҳида ажралиб турарди.

Эсон буванинг ўзи ҳам яйраб, маза қилиб қулди. Шу палла Ахий Жаббор баходирларга орқа ўгириб ўлтирган киши ялт этиб қаради. Баходир ҳайратда қолди: у — Амир Мусо эди! Ўнбоши аввал эшитганди: қаршилиқ амир ўзининг жўралари Амир Кайхусрав, Зиндачашм опардий ва бошқалар билан вақти-вақтида чилим тортиб туришар экан. Чамаси, қадимдан ўрганганидан, Шахрисабздан пойтахтга келган пайтларида ҳам бу ерга кириб турарди. Амир Мусо ўғлига соҳибкирой кизини олиб бергандан кейин хотиржам шундай гаштакларга ружу қўйган шекилли...

Ахий Жаббор баходир ўзини кўрмаганга олди, дастурхонга эгилиб у-бу еган бўлди.

Шу палла нард ўйнаётганлар тепасида турганлардан бири сўз очиб қолди:

— Ундан аввал ҳам қизик ҳодиса бўлган экан...
Бир куни Эсон бува уч-тўрт жўралари билан кўкнорини эзиб косага қуйиб, ўшандай ширин хаёллар оғушида ўтирган эканлар. Қаёқдандир бир мушук хонага кириб қолибди. Улар «Ҳай! Ҳай!..» деб ҳайдай бошлабдилар. Ўзини қаёққа уришни билмаган мушук қочиб кетаётиб бир оёғи косага тушиб қолибди! Жўраларнинг бошлари қотибди:

«Ие! Энди нима бўлади? Кўкнори ҳалолми, ҳаромми?.. Ичса бўладими?..» — дебди Эсон бува. Илгари бунақаси ҳеч учрамаган экан.

«Кўкнорини ичиб бўлмаса керак...» — дебди бошқаси.

«Имом домладан сўраш керак, имом домладан!..» маслаҳат берибди учинчиси.

Имом домлага одам юборибдилар.

Имом домла: «Тез ўша мушукни топинглар ва косага тушган оёғини... кесиб ташланглар! Ҳаром бўлди...» деб ҳукм чиқарган экан...

Тагин гуриллаган кулги овозлари эшитилди.

Кулгилар таъсириданми Ориқ билан Пакана ҳазил-мутойибани бошлаб юбордилар.

— Сен паканасан, мен ориқман, ука... — сўз бошлади Ориқ...

— Паканаман, ака...

— Худо бизларни шундай яратган-да, буни қара! — деди Ориқ. — Худди сенга ўхшаган пакана-ю менга ўхшаган ориқ одам бор экан...

— Шунақами... — деди мийиғида кулиб Пакана.

— Шу десанг, Ориқ доим Паканани ўйларкан, шу укамнинг кўнгли чўкмасин, дер экан-да. Бўйи паст-да... Кўнгли чўкмасин, деб доим олдига солиб юраркан...

Кулги кўтарилди. Пакана ҳам бўш келмади:

— Пакана ҳам анойи эмас экан, ака...

— Шунақами... — мийиғида кулиб қўйди Ориқ.

— Пакана ҳам анойи эмас экан. Бўйи айтганингиздай паст-да... Одамлар сўраса, сен пакана қандай қилиб катта бўлдинг, вояга етдинг, деса, ориқни кўрсатиб, шуни кетидан одам бўлдим, деркан...

Қийқириқ овозлари такяҳонани тутди. Ҳаммага нашъа қилгани кўриниб турарди. Одамлар: «Ҳа, Пакана улоқни олиб кетди, олиб кетди!..» дейишарди.

— Ориқ айтибди: менинг кетимдан одам бўлганинг тўғри, дебди. Энди биров сўраса, тортинма, мени шу одам қилган, деб айтавер!..

Кулгидан барчанинг кўзлари ёшга тўлди. Баъзилар юмалаб қолдилар. Ютқизаётганини сезган Пакана зарифларнинг чорасиз қолганда қўллайдиган усулига ўтди: ҳажв тигини рақибининг нуқсига қаратди.

— Зўр созанда эканлигингизни биламен, ака! — кулгуларни босишга ҳаракат қилиб кичкирди Пакана...

— Зўр созандамен, ука...

— Бу уйда чолғу асбоблари кўп экан, кўзингиз яхши кўрмайди шекилли... — чандиб олди Пакана. — Қўлингизга менинг асбобим тушиб қолганди, ўзимники деб маҳкам ушлаб олиб ҳеч қўйиб юбормайсиз-а, ака...

Тақяхона портлагудек бўлиб кетди. Пакананинг ингичка овози ҳамманикининг ичида баралла эшитиларди.

— Тўғри айтасен, сенинг асбобинг кўлимга тушиб қолибди... — бир оз ўйланиб деди Ориқ. — Айтдим-а, нега чоғроқ деб... Кўзимнинг филайлиги бор, яхши кўрмайди-да... Бу уйда чолғу асбоблари чиндан кўп экан, ўнгдаям, чапдаям асбоблар қалашиб ётибди... Мен камонни қидиряпман. Кўзим яхши кўрмайди-да... Айтиб юбор-чи: униси камонми, буниси камонми?..

Яна гуриллаб кулги кўтарилди. Барчани Ориқнинг закийлик билан берган нозик жавоби қойил қолдирди. Пакананинг бўйи яна ҳам пасайиб кетгандай бўлди. Амир Мусо кулгидан ёшланган кўзларини артарди.

Зарофатлар яна давом этиши мумкин эди-ку, аммо нард ўйнаётганлар ичида ихтилоф пайдо бўлиб, ҳамма нарсанинг белига тепди. Чамаси, улар хийладан бери баҳслашиб келар эдилар.

— ...Бекор айтибсен! Тўлиқнинг гули мана бунақа эди! — деди биринчиси овозини кўтариб.

— Билиб гапир!.. — сўзини кесди гунгурсдай одам биринчисига. — Унақамас, мана бунақа! Кўз борми?.. Ёки пўстакнинг йиртиғими?.. Нақши чиройлик, гули тепадан тушиб келган эди...

— Кўрганни эшитган енгибди!.. Тавба!.. Сен бундай гапирма-да! Гули пастдан чиқиб келган эди!

— Вей, тепадан эди, деяпман сенга!..

— Пастдан эди, пастдан эди!

— Тепадан, деяпман!.. Одамни хит қилма!.. Жинни-ми бу...

— Пастдан!.. Мен пастдан деяпман!.. Галварсни қаранг!.. Ха-ха!..

— Нима, жиннимисан ўзи?!

— Ўзинг жинни!!! Билдингму?..

Гунгурсдай одамнинг тоқати тоқ бўлиб кетди:

— Астаффурилло!.. Амир Темур Кўрагон боши билан қасам ичаманки, тўпикларнинг нақши чиройлик, тепадан тушиб келган эди!.. — деб юборди аччиқ устида!

Буни эшитиб Ахий Жаббор баҳодирнинг юзига қон тепди! Дик этиб ўрнидан турди-да, «хе» йўқ, «бе» йўқ, бориб ҳалиги гунгурсдай одамнинг сокол аралаш юзига тарсаки тортиб юборганини билмай қолди!

— Эй ножинс, кирчи хотиннинг ўғли! — бақирди Ахий Жаббор баҳодир. — Оғзингга қараб гапир! Ажалинган беш кун бурун ўлмоқчимисен?..

Сўридаги одамлар ҳайратда донг қотиб қолдилар. Ҳамма: «Нима гап?..» дегандай шу томонга қаради.

— Ие! Ие!.. — дер эди гунгурсдай одам ханг-манг бўлганча юзларини силаб, Ахий Жаббор баҳодир орқасида хезланиб турган Учқора ва Йаналтекинларга қараб кўяркан. — Мен... нима-а дедим?..

Ҳамма ялт этиб уларга қаради.

— Эй, кирчи хотиннинг ўғли, бадкирдорнинг валади! — фиғони чиқиб давом этди Ахий Жаббор баҳодир гунгурснинг ёқасидан силтаганча. — Бефаросатлигингни қара, сен бу шаккоклигинг билан худди Мусо алайҳиссаломни Одам отадан аввал кўйгандек бўлдинг! Яхё алайҳиссаломни сўйиб, Закариёни дарахтга кўшиб арралагандек иш тутдинг! Ҳазрат Амир Темур Кўрагон номларини тилга олишни сен девонага ким кўйибди?.. Қандай журъат этдингки, сен, телба, Ҳазратнинг муборак бошлари билан қасам ичасен?.. Сен кимсен ўзи?.. Қаллангни олиб қўлингга тутқазиб кўяйми?.. Нотавон кўнгилга кўтир жомашов! Сен ҳатто табаррук изларини ўпишга ҳам нолойиқсен, билдингму? Ул зот шундай олиймақомдадурларки, сену бизнинг лафзимизга асло муҳтож эмаслар! У Мағрибу Машрик жиловини тутган Искандар Зулқарнайн, Кайхусравдек, Хорун ар-Рашиддек улғувордир, Бухтаннасуру Шаддоддан кўра ҳайбатлироқдир!..

Атрофдан: «Хой, урушманглар!..», «Муросага келин-лар!..», «Айб бўлади!..» деган овозлар эшитилди.

— Тавба қилдим, бек! Тавба қилдим!.. Тавба қилдим!

Гунгурсдай одам шундай дер экан, Ахий Жаббор баҳодирнинг чангақдай қўлидан ёқасини бўшатишга ури-нарди. Амир Мусо мийиғида жилмайганча қараб турарди.

Одамлар ўртага тушиб уларни ажратиб қўйдилар.

*«Ер тўймайди ёмғирга,
Хотин эрга... тўймайди...» —*

минғирлади ўз севган қўшиғини Учқора... Йаналтекин эса «Маъкул!» дегандай бош тебратар эди.

Ахий Жаббор баҳодир ҳаяжондан ҳали ўзига кела олмаган эди. Улфатларнинг истироҳати бузилиб, ўти-ришдан ҳам файз кетганлиги аён бўлиб қолди. Улар тақяхонани тарк этдилар.

Ў Н И К К И Н Ч И Б О Б

I

Ў русхоннинг элчиси Идику Самарқандга ташриф бу-юрганда Амир Темур Бухорода эди.

— Бухорога борғоймиз, Кўка... — деди Идику аф-суслангандек Кўкаманга. — Хон тез бориб кел, деган бўлсалар ҳам, Амир Темур ҳазратларини кўриб кетмай иложимиз йўқ...

Кўкаман ичида хурсанд бўлди, чунки Бухорони кўрма-ган эди, баҳонада машхур шаҳарни ҳам томоша қилади. Идику шу заҳотиёқ йўлга тушишга буйруқ берди.

Соҳибкирон Бухорони жуда эъзозлар, унда қурила-ётган мадраса-ю хонақоҳларни зиёрат айлаш, фуқаро-ю мискин ҳолидан хабар олиш учун тез-тез бу ерга қадам ранжида қилиб турарди. Ахир онаизори муҳтарама Тегина Хотун туғилган шаҳар-да! Дил тортиб туради. Маҳди улё Сароймулкхонимнинг она шаҳри. Унинг устига, Бу-хоро атрофида бўлган Занжирсарой томонлардаги поён-сиз яйлов-ўтлоқларнинг баҳорда ям-яшил майсаларга бур-канишини яхши кўрар, қишларда эса бу кенгликларда турли илвасинларни ўраб, қамраб келиб шикор қилиш-ни бағоят ёқтирарди. Соҳибкирон мамнун бўлди. Жўжи

улусининг нуфузли амирларидан бири элчи мақомида келаётгани унинг назарида яхшилик аломати эди.

Жўжи улусида манғитлардан чиққан номдор амир Идику ҳақида соҳибқиронга баъзи маълумотлар етиб келганди. У ҳақда тинғчиларидан кўп ва ҳар хил гаплар эшитганидан, хаёлида Идикунинг сиймоси шакллангандай ҳам бўлди: бу ниҳоятда маккор, устомон, жасур, тегирмонга ташласанг тирик чиқа оладиган, зийрак ва ақли бир одам... У ўзини Тўхтамиш ўғлонга яқин олади, лекин Тўхтамиш ўғлон бошида булутлар пайдо бўлса, булутсиз жойга интилиб қолади, аммо устомонлигидан буни подшоҳзодага билдирмайди. У Ўрусхонга суйкалиб келади, лозим вақтда юз ўгириб ҳам кетаверади... Хоннинг ўғиллари Қутлуғ Буғага, Тўқтақиёга, Темур Малик ўғлонларга ҳам бирдай жонкуярдай кўрсата олади ўзини... Агар бошқа бир ҳукмдор жаҳон майдонига қадам қўйса унга ҳам талпиниб боради... Қўчқорларни бири-бирига гиж-гижлаб уриштириб қўйиб, томошасини маза қилиб кўришни яхши кўрадиган фосик одамлардан бири... Табиийки, у Амир Темурга ҳам шундай муносабатда бўлишга ҳаракат қилади, деб кутиш мумкин...

Амир Темур Идикуни Бухоронинг шимолидаги хушманзара чорбоғлардан бирида қабул қилди.

Чорбоғнинг атрофида ўн икки минг қилич осган аскар соқчилик қиларди. «Тузуқлар»да белгилангани бўйича, қаердалигидан қатъий назар, соҳибқирон бўлган ерда, хоҳ у Кўксарой бўлсин, хоҳ Боғи Баланд, хоҳ Қаросмон, хоҳ Тошкент, барчасида шунча аскар ўнг ва сўл тарафларда посбонликни адо этардилар. Ҳар куни кечаси минг норғул навкар соқчиликда банд бўларди, ҳар юз қиличли устига бир юзбоши нозирлик қиларди. Келган-кетган одамлар махфий сўзлар, яъни ўронлардан фойдаланар эдилар.

Элчи ва унинг ҳамроҳлари чошгоҳ палласида чорбоққа яқинлашдилар.

— Аллоҳ улуг, Амир Темур Кўрагон унинг ердаги соясидур! — деб қичқирди дарвоза тагида Идику манғитнинг одамларидан бири...

— Амир Темур Кўрагон Аллоҳнинг ердаги соясидур!.. — деган жавоб бўлди дарвоза ортидан.

— Олтин Ўрда ҳокони Ўрусхон элчиси Идику жаноблари киришга ижозат сўрайдилар!..

Мубашшир баҳодир билан Муҳаммад Чуроға додхоҳ элчини чорбоғ дарвозасида кутиб олдилар-да, соҳибқирон турган қаср томон йўналдилар.

Қаср эшигида ясовулар Ҷурсхон элчисига белидаги қилич ва шамширини топширишини сўрадилар.

Аслида сипоҳийлар, амирлар, мингбоши, юзбоши, ўнбошилар девонхонага, базм-мажлисларга қулоқчинсиз, этиксиз, сармузасиз¹, бўрк ёқа чакмонсиз киришлари мумкин эмас. Ёнларида албатта бўқда² ва қилич бўлиши шарт... Лекин Зиндачашм онардий воқеасидан кейин салтанатда саройга, Амир соҳибқирон ҳузурига кирганлар — бошқа мамлакатданми, шу ерданми фарқи йўқ, — тигдан холи бўлишлари лозимлиги қатъий белгилаб қўйилди. Идикунинг бундан хабари бор эди, у эгнидан пашминасини ечди-да, кўринишхонага кирди, юкунуб бориб заррин тахтда ўлтирган Амир Темурни зиёрат этди ва Жўжи улуси ҳоқони номасини топширди.

— Аллоҳ мартабаларини бундан ҳам улуғ қилсун! — таъзим бажо келтирди эгилиб-букилиб Идику...

Амир Темур гарчи Жўжи улуси амири билан илк бор кўришиб турган бўлса ҳам, ажабки, уни аввал қаердадир кўргандай эди. Идикунинг тутуми унга жуда таниш туюлди...

Соҳибқироннинг икки мулозими ўртасида ўлтирар экан, Идику тахтда савлат тўккан Турон подшосига ҳасад билан тикилди. У Амир Темур тахтга мингандан бери шу салтанатга келиш, унинг соҳиби билан учрашиш ниятида эди... Амир Темур шахрисабзлик оддий амирнинг ўғли, у на авлоди Чингиз, на авлоди Искандар, ёлғиз ўзининг теран ақли-идроки билан мамлакат маснадига чиқди, чиғатойлардан ҳукмфармоликни олди, она юртини Чингиз элидан тозалади, энди Турон унинг қўл остида... Ҳеч қаерда тарихда шундай ҳол юз бермаганки, улуснинг ичидан, раоё-бароё орасидан шундай ҳукмдор чиққан бўлсин... Бу фаройиб ходиса...

Идику ҳам ўшанга ўхшаган, раоё-бароё орасидан чиққан, Жўжи улусида таниқли амир Болтачокнинг ўғли... На авлоди Чингиз, на авлоди Искандар... У ҳам Амир Темурга ўхшаб жўжийлардан тахтни тортиб олмоғи ке-

¹ *Сармуза* — қавушнинг бир хили.

² *Бўқда* — дудама.

рак! Аммо, қандай қилиб?.. Амир Мамоқ¹ ҳам ана шундай иддаолари борлигини яширмайди. Энди бўлса Тўхтамиш ўғлон ўртага чиқди. Хожитархондаги қурултойда тўс-тўполонда Тўхтамиш ўғлонни Идикунинг ўзи қочиб юборганди. Нима қилар эди ўшанда меҳрибонлик кўргизиб?.. Энди билса, ўзига рақиб орттирган экан. Идику бу ҳақда кўндан афсус чекиб юради.

Узоқ мулоҳазалардан сўнг манғит амири шундай фикрга келдики, у душманнинг ташида эмас, ичида бўлмоғи лозим, ўзини Ўрусхон доирасига урмоғи керак экан! Шунинг учун ҳам у Қутлуғ Буғага отабеги бўлиш мансабини тилаб олганди. Ахир отаси амир Болтачоқ ҳам Жонибекхоннинг отабеги эди-да. Отасининг садоқати афсонага айланиб кетганди. Жонибекхон ўлдирилганда душманлари нуфузли амир Болтачоққа: «Агар Жонибекхондан юз ўгириб, бизга қўшилсанг, иззат-икромда бўласен, молу мулк оласен, юртни бошқарасен!», дейишибди. Идикунинг отаси бундай жавоб берибди. «Агар кўлоғимни боғламаганларингда эди, бошқача жавоб берган бўлардим. Жонибекхон ўлди... Аммо мен, фақат унинг навкаримен! Сенларни хоқон ўрнида кўргунча бу кўзларим кўр бўлсин, дейман! Фармон кил: шу лаҳзадаёқ бошимни олсунлар! Аммо бир илтимос: подшоҳим бошини бошимга қўй, жасадини жасадим устига жойла, токи ундан кейин ўлган бўлсам ҳам, ерга олдинроқ кирайин!» Болтачоқнинг илтимосини бажо келтирибдилар...

Бу воқеа Жўжи улусида, Туркистонда машхур бўлиб кетганди. Соҳибқирон элчининг ўша жасур Болтачоқ ўғли эканлигини ҳам яхши биларди.

Амир Темур Ўрусхон мактубини Муҳаммад Чуроға додхоҳга узатди. Даромадсиз бошланган қисқагина нома беписандлик намунасига ҳам ўхшаб кетарди, унда такалдуфларсиз беш-ўн қаторгина сўзлар битилганди: «Мақсуд буким, сизга қочиб борғон Тўхтамиш менинг суянган тоғим, чақнаган юлдуздек ўғлимни нобуд қилди... Бас, у менинг душманимдир! Ўғлимнинг хуни унинг бўйинида... Уни менга тобшурингиз! Йўқ эса, уруш ерини айтиб юборингиз..»

Амир Темурнинг кўнгли «булк» этди: Ўрусхон ҳам ўғлидан айрилибди!

¹ Рус тарихида: Мамай.

— Ўғли неча ёшда экан?.. — сўради соҳибқирон беихтиёр.

— Йигирма ёшда, Амир соҳибқирон... — кутилмаганда берилган саволдан шошиб қолди Идику. — Яхши ўғли бор эди...

«Унинг отабегиси эдим...» демоқчи бўлди, негадир тили айланмади.

«Жаҳонгир Мирзога тенг экан... Худо сабр берсун...» деб қўйди ичида соҳибқирон ва Муҳаммад Чуроға дод-хоҳга юзланди:

— Вазири аъзамга айт, назорат қилсун... Мавлоно Убайд бир нома битсунки, мурувватлилик қоида-русуми ва салтанат арбоблари одатларида бирор давлатдан паноҳ истаб келган кишини душман қўлига тобшуриш зинҳор раво кўрилмайду. Тўхтамиш ўғлон бизга сизиниб келиб турур. У бизга меҳмондур, меҳмон дахлсиздур. Ани ҳеч кимга бермасбиз! Бундоқ қилмак амримаҳолдур. Аммо уруш десангиз, тайёр турубтурбиз!..

— Маъзур тутадилар, Амир соҳибқирон! — ўрнидан туриб таъзим қилар экан деди Идику. — Чопар бўлиб шундай ташвишли нома олиб келганимдан хижолатдамен. Зинҳор буни истамас эрдим... Пошшолиқ ҳукми экан-да... Менга юклаб қўйдилар... Ниятим бошқачароқ эди ўзи...

Идику, соҳибқирон бирон нима дермикин, деб оғиз пойлади, шундай бўлганда ўз-ўзидан гап-гапга уланиб кетарди.

Амир Темур сўзга оғиз очмоқчи эди... Бирдан у нима учун Ўрусхон элчисини қаердадир кўргандай бўлаверганлигини, тутуми таниш эканлигини эслади-ю тўхтаб қолди. Ё Раббий! Идику ўз саяжияси, рафти-ангори билан... Амир Мусога ўхшаб кетарди! Агар Амир Мусонинг ирғиб чиққандай кўзлари борлигини, Идикунинг эса кўзлари қисик эканлигини демаса, Ўрусхон элчиси айни қаршилиқ амирнинг нақ ўзи эди! Бўй-бастлари ҳам, дўнгманглайликлари ҳам бир-бирларига жуда ўхшардилар...

Кўринишхонага жимлик чўқди. Шу палла чап томонда деразадан олисларда қандайдир отнинг, чамаси, қулунини излаб кетма-кет зорланиб кишнагани эшитилди. Амир Темурнинг юраги орзикди, Хонўғлон оти эсига тушиб, негадир ўша от ёнига боргиси келиб кетди...

Ортиқ сўзга хожат йўқ эди. Идику ҳали замон таъзим бажо келтириб кетмоқ онлари яқинлашаётганини сезди. Ҳолбуки, у соҳибқирон билан суҳбатлар қурмоқ, шу баҳонада қудратли амир ишончига кирмоқ, унга яқин бўлмоқ орзусида юрарди. Аммо элчиликнинг ўз русуми, чегаралари бор, ундан чиқиш мумкин эмас...

Идику чорасиз қолди. Унинг Сарой-Беркага Амир Темур жавоб номаси билан қайтиши замонанинг икки қудратли подшоси ўртасида уруш бошланганини билдиради эди.

Кўкаман хожасининг қисик кўзлари қисилиб, мангалайи яна ҳам дўнграйиб кетгандай кўринганига боқди-ю, яхши кайфиятда чиқмаганини фаҳмлади, билинар-билинамас, қалин тук билан қопланган жигарранг холи бор бурнини жийириб қўйди.

II

Орадан бир неча ой ўтди. Ўрусхоннинг Жўжи улусини йиғиштириб Сигноққа келиб тушгани хабари Амир Темур қулоғига етганда, соҳибқироннинг катта қўшини аллақачон Ўтрорга кириб келиб улгурганди. Сигноқ билан Ўтрор ораси йигирма тўрт йиғоч¹ йўл чиқарди.

Келишган куни ҳаво булутланиб ёмғир ёғишга турди, кечаси қорга айланди. Қаттиқ совуқ тушиб, ерлар музлади. Тунд об-ҳаво юракларни сиқар, лашкарларнинг суръат кўргизишга хоҳиши ҳам, мажоли ҳам йўқдай эди. Ҳеч ким жанг бошлашга журъат этмасди... Икки қўшин бир-бирига рўбарў саф тортганча уч ой ўтиб кетди.

Нихоят, хут ўрталарида кунлардан бир кун хумоюн ўрдудан Мубашшир баҳодирни беш юз кишига бош қилиб, Ёруқ Темур, Хитой баҳодир сингари жангари, жасур амирларни қўшиб душманга қарши илғор қилиш ва шабихун уриб боришга фармон берилди. Амир Темур омад ҳамиша қутлуғ яловларга йўлдош эканлигига, бахт-саодат ёрлигига асло шубҳа қилмасди. Тунда шиддатли кечган жанг соҳибқирон лашкарига зафар олиб келди. Душман қўшини парокандаликка юз бурди. Тонг ёришганда Мубашшир баҳодир Жўжи улуси шахзодаси

¹ *Йиғоч* — Бир йиғоч салкам олти км.га тенг.

Темур Малик ўғлонни нишонга олиб ўқ отган эди, ўқ оёқдан ўтиб отга санчилди!..

Афсуски, бу қоронғида тусмолдан бўлган жангда Ёруқ Темур билан Хитой баҳодирлар шаҳид бўлдилар...

Сохибқирон отни совутмай Тўхтамиш ўғлон ғажарчилигида¹ Ўруسخонни таъқиб қилишда давом этди. Ўн беш кун деганда Жайрон Қамиш мавзеига етдилар. Шу ерда бир оз нафас ростлаб турган эдилар, қутилмаганда Ўруسخоннинг дунёдан ўтгани, ўрнига катта ўғли Тўқтакиё тахтга ўлтиргани ҳақида хабар тарқалди.

Сохибқирон жангни давом эттиришда маъни қолмаганини англади. Тўхтамиш ўғлонга Дашти Қипчоқ подшоҳлигини бериб, фатҳу нусрат, эъзозу икром ила пойтахтга қайтди. Бу тарих етти юз етмиш саккиз илон йили бошида, милодий 1377 йил март ойида юз берди.

Бироқ, Тўхтамиш ўғлон яна вилоятни кўлида ушлаб қололмади. Отаси ўлимидан кўп ўтмай вафот этган Тўқтакиёдан кейин кенжа ўғил Темур Малик ўғлон Жўжи улуси тахтини эгаллади. У оёғидан ўтиб отга санчилган ўқ захмини ҳам, аламини ҳам ҳали эсдан чиқармаган эди. Катта лашкар тўплаб Тўхтамиш ўғлон устига Ўтрорга юриш қилди. Амир Темурнинг тутинган ўғли қўшини пароканда бўлиб, тўртинчи бор валинеъмати олдига қочиб келди...

Турон султони Боғи Баландда каср олдидаги ҳаворанг шийпонда ўлтирар, кўк дафтарга туширилган саҳифаларни Мавлоно Убайдга ўқитар экан, келтирилган фикру мушоҳадаларни таҳлил этар, айрим жойларига ўзгартиришлар киритар, гоҳ-гоҳ ёнида суҳбатни жим тинглаб ўлтирган Муҳаммад Чуроға додхоҳга нималарнидир тушунтирар, аммо хаёлининг бир четида Тўхтамиш ўғлон турарди. Табиатга куз нукси уриб қолган, аини пишиқчилик авжида...

Нарирокда нақшинкор хон устида сипоҳлари терилган ҳолда шатранж тахтаси кўринарди, афтидан, сохибқирон одатдагидек номи чиққан ўйинчилардан бири Муҳаммад Чуроға додхоҳ билан ўйнамоқ ниятида эди. У шатранж билан овни жуда ҳам ёқтирарди. Ҳар иккиси ҳам дунё ташвишларини бир оз унутишга кўмак берарди, аини пайтда ҳарбу майдон санъатини ёдда сақлашда

¹ *Ғажарчи* -- йўлбошловчи маъносига.

аҳамиятли эди. Кўз олдида шатранж эди-ю аммо хаёлида улкан жанг майдонлари жонланарди. Фурсат бўлди дегунча, Ибн Ақил, Зайн ал-Яздий сингари замонанинг мохир шатранжчиларини йиғиб «жанглар» ўтказарди. Лекин, албатта, барча шатранжчилар ҳадисчи ва фикҳчи аллома Хожа Али Шатранжий олдида кўл қовуштириб туришарди. Аллома ўйнаганда ҳеч чуқур ўйланиб ўлтирмас, шартта-шартта юрар, бир вақтнинг ўзида бешолти ракиб билан дона сура оларди. Қувваи ҳофизаси зўрлигидан тахтага қарамаса ҳам ракиб доналарининг аҳволи, вазият манзараси унга аён эди. Унинг Зайн ал-Яздий билан ўйнаганда битта пиёдасини бериб қўйиши, Ибн Ақилга эса битта от қўйиб, устига «миниб» олиши (яъни енгизиши), ҳатто филини ўрмонга «бўшатиб» юбориши (яъни филсиз ўйнаши) ҳаммининг оғзида эди. Хожа Али Шатранжий тушида Ҳазрат Алини кўрган, амирал мўминийн унга бир халтада шатранж тутқазган экан, дейишади. Шундан Хожани енгиз жуда қийин эмиш. Амир Темур ва Хожа Али Шатранжийлар катта шатранж ўйнардилар. Шундай ўйинлар вақтида майдон атрофида жуда кўп тўпланган одамлар алломанинг узоқ-узоқ ўйланиб қолганларининг шоҳиди бўлишар, соҳибқирон шижоатига тасаннолар айтардилар.

Нихоят Амир Темур ва Муҳаммад Чуроға додхоҳ шатранж ўйинига ўлтирдилар. Соҳибқирон шоҳ олдидаги пиёдани олға сурди...

Соҳибқирон бу гал Тўхтамиш ўғлонни ҳузурига кiritишга шошилмади, илк марта Тўхтамиш ўғлонни ўғил тутиб, унга умид боғлаб қилаётган ҳаракатлари нечоғлик тўғри-нотўғри эканлиги ҳақида ўйланиб қолди. Нега бирдан шу ҳақда ўйлаб қолди ўзи?.. Подшоҳзоданинг такрор қочиб келганими? Ҳа, дарвоқе, бунга Муҳаммад Чуроға додхоҳнинг ушбу ҳикояси ҳам туртки бўлди шекилли... Воқеа бундай бўлган экан.

...Тўхтамиш ўғлон Сияноқ томонлардан қайтганидан кейин бир печа кун ўтса ҳам негадир ҳеч ким ундан хабар олмади. Гўё уни унутиб юборган эдилар. Одатда Амир Темур дарҳол ҳузурига чорлар, ҳол-аҳволни суриштириб, ҳеч нарсани юзига солмай яна қўшин берар, сафарга йўлларди. Аммо бу гал тўрт кун ўтди, ҳали ҳеч кимдан дарак йўқ. Тўғри, Муҳаммад Мирак бир келиб кетди, аммо ундан не наф?.. Подшоҳзоданинг юраги си-

қилди. Энди соҳибқирон ёрдам бермасмикин? Тўхтамиш ўғлондан кўнгли қолдимикин?.. Уч марта қўллаб-қувватлади, аммо не қилсинки, омад юз ўгирди. Энди бу ёғи нима бўлади?.. Кеча Муҳаммад Чуроға додхоҳни кўриб қолиб, бутун номаи аъмолини сўзлаб берди, зинҳор чўчитиш учун айтмаётганини, бу аҳволда ўзини бир нима қилиб қўйиши мумкинлигини таъкидлади. Йиғламсираб, агар соҳибқирон хузурларига чорласалар, оёғига йиқилиб узрлар сўрашини урғулаб гапирди... Чиндан ҳам унинг аҳволи ночор эди.

Муҳаммад Чуроға «Худо пошшо эгам...»дан бошқа ҳеч нарса демади...

Орадан яна икки кун ўтгач, бирдан Тўхтамиш ўғлонни тенгқурлари Боғи Нақши жаҳонга меҳмонга таклиф этишди, кўнгил сўраб, Жўжи улуси хони билан савашини тафсилотлари ҳақида саволлар беришди. Подшоҳзода мартабасидан паст тушгиси келмай, ўзини гўё ҳеч нарса юз бермагандай тутди, кейин хотиржамлик билан жанг жуда оғир кечганини, душманнинг қўшини ўн чандон кўплигини, шунингдек, ёғий номардларча ҳийла ишлатганини, даставвал камгина қўшин билан жангга кириб бир оз фурсат ўтгач, қочиб қолганини, буларнинг эса улар кетидан қувганликларини, оқибатда пистирмага тушиб қолиб, лашкар қирғинга учраганини гапириб берди.

Охирида унинг лашкари душманниқидан кўра чўғи паст эканлигини, агар навкарлари икки минг эмас, ўн минг бўлганда, душманни бемалол енгиши мумкинлигини ҳам афсус билан гапга қистириб ўтди...

Тўхтамиш ўғлонни тишини тишига қўйиб эшитиб ўлтирган Умаршайх Мирзо шу ерга келганда ўзини тутолмай қолди.

Умаршайх Мирзо асли подшоҳзодани биринчи кўрган куниданоқ ёқтирмаган эди. Унинг кўнглида, такаббур ва калондимоғ, устомон подшоҳзода Турон салтанатига ҳеч ҳам суд қилмайдир, фақат зиён келтирадир, деган фикр муқим туриб қолди. Тўхтамиш ўғлоннинг кейинги қадамлари, кетма-кет қочиб келишлар тобора амирзода фикрининг тўғрилигини кўрсатарди. У шундай одамга ишониб қолганидан падари бузрукворига ачинар, айтай деса андиша қилар, подшоҳзодага эса пинҳона нафрати ортиб борарди.

— Сизга қўшин... камроқ берилгон эрканму, подшоҳзодам?.. — захархандалик билан чўзиброқ сўради Умаршайх Мирзо... У қўйники сингари кўзлари қисилганча Тўхтамиш ўғлонга караб турарди.

Амир Сулаймоншоҳ ялт этиб Жаҳоншоҳ ибн Жокуга қаради, у шундай бир машмаша чикмасин, деб чўчирди. Подшоҳзода билан амирзода ўртасида азалдан сирка бор бўлиб, вақти-вақти билан бижғиб турарди, буни ҳамма биларди. Шайх Нуриддин баҳодир Амир Шоҳмалик билан кўз уриштириб олдилар, Муҳаммад Мирак йўқ чап кулоғини силар экан, «Ана, бошланди!.. Бу ёғи қандай бўларкин?..» дегандай Муҳаммадбек ибн Мусога бақрайган кўзларини тикди... Чамаси, улар икки кўчқорнинг бир-бирига калла ташлашларини кўришга ишқибоз эдилар.

Тўхтамиш ўғлон ўзини эшитмаганга олди ва ёрқин кўзларини амирзодага қадаганча талмовсирагандай сўради:

— Нимани... камроқ, дедилар, амирзода жаноблари?.. Эшитолмай қолдим...

Ҳамма подшоҳзоданинг амирзода гашига тегиш учун атай ўсмоқчилаётганини сезди. Амир Шоҳмалик подшоҳзода тутумига афсуслангандай қаради, Муҳаммад Мирак эса, аксинча, ичида: «Бошла, азамат!..» деб қўйди.

— У ҳолда... Кулоқларини очиб қўймак керак эркан... — деб юборди ногаҳон Умаршайх Мирзо! Амирзоданинг чап қўли қилич дастасига бориб қолган эди.

Тўхтамиш ўғлоннинг тиниқ юзлари қизариб кетди:

— Шундоғму?.. — базўр жилмайган бўлди Тўхтамиш ўғлон, кейин бирдан жиддий тусга кирди: — Бизнинг кулоғимизни очиб қўядурғон... ҳали онасининг қорнида ётибдур...

Умаршайх Мирзога тиф теккандай бўлди! Подшоҳзоданинг гаплари унга ботиб кетди, юмалоқ юзларига қон тепди. Бағоят қазабланганидан шарт ўрнидан ирғиб турди-да, қиличини суғурганини билмай қолди!

— Мана, мен очиб қўямен! Очиб қўйишни кўрсатамен сен товукмижоз лапашангга!.. Ҳа-ҳа-а!.. — деб бақирди бирдан.

— Ҳақорат қилмангиз!! — Тишларини ғижирлатиб ўшқирди Тўхтамиш ўғлон, у аллақачон қўлида қилич жангга гайёр турарди. — Ҳақорат қилмангиз, деяпмен!!!

— Ноинсоф! — деди яна Умаршайх Мирзо, унинг жирракилиги тутиб кетди. — Отилмагон сопқон ҳам бош-

га тегадур, ҳам кетга!.. Ҳа!.. Неча марта Амир соҳибкирон қўшинни созлаб бердилар. Барида ҳам маъракаи майдондан тиррақи эчкидай шаталоқ отиб қочиб қолдинг! Уят борму?.. Тагин қўшин кам берилди, деб нолийсен! Номуси йўқ, инсофсиз! Қўрқоқ!..

— Бу гапларни кимга сўйлаётирсиз, ҳей амирзода! Ўйлаб гапирингиз! Билингизким, мен подшоҳзодамен, Чингизхон авлоди! Бунни эсингиздан чиқармангиз!.. Эсингиздан чиқармангиз! Индамаса гапираверасизму?..

— Подшоҳзодалигинг бир дирҳам, билдингму?.. — қайтмас эди Умаршайх Мирзо. — Сенинг ландовурлигинг туфайли Амир Улжайту опардий, Шодравон найман, Ёруқ Темур, Хитой баходир каби шерюраклар, афсуски, нобуд бўлдилар. Тўртта навқарни бошқара олмагон сендай подшоҳзодани қара-ю! Таъзирингни ейсан энди, нодон!

— Пешонасида шундоқ ёзилгон! Менда не айб? Менда не айб?.. — ўзини оқлар эди Тўхтамиш ўғлон. — Йе!.. Ҳали мен нодонму?.. Хо-хо-хо!.. Нодонлигимни бир кўрсатиб кўяр эканман-да!..

Унинг аламли овози чинқириб эшитилди.

Қўчқорчалар бир-бирига хезланиб кела бошладилар. Ҳар иккисининг ҳам қўлида қилич ўйноқларди. Аввал Умаршайх Мирзо қиличи ярақлади, кейин Тўхтамиш ўғлон намоийшқорона қиличини кўтариб жангга шайланди.

— Ҳай-ҳай! — қичқирди ҳайратда Амир Сулаймоншоҳ. — Тўхтангизлар!

— Ундок қилмангиз! — аралашди Жаҳоншоҳ ибн Жоку. — Айб бўладир! Айб бўладир!..

— Маъзур тутингиз... Сизларга асло ярашмайду, амирзодам! — уялтиришга уринди Амир Шоҳмалик. — Асло ярашмайду...

Муҳаммад Чуроға додхоҳнинг йўғон овози барчани сергаклантирди.

— Тўхтангиз!!! Жаҳл келганда ақл кетадур! Шайтонга ҳай берингизлар! Подшоҳзода жаноблари! Сизни танимай турибмен!.. Лоҳавла вала қуввата! Амирзодам, агар бу гап Амир соҳибкирон қулоқларига етса нима бўладир? Ҳеч оқибатини ўйладингизму?.. Жаноби амирлар! Нега қараб турибсизлар? Уларни тез ажратингиз! Ёки ҳаммамиз подшоҳзода билан амирзодани бир-бирига уриш-

тириб томошасини кўрдилар, деган маломатга қолиб ўлтирайликму? Худо пошшо эгам, деганлар!...

Шайх Нуриддин баҳодир шитоб Умаршайх Мирзо олдини тўсди, Муҳаммад Мирак Тўхтамиш ўғлонга ўзини қалқон қилди. Қолганлар ҳам ҳай-хайлашиб ўртага тушдилар ва амирзода билан подшоҳзодани ажратиб қўйдилар. Зиёфат ҳам захарга айланди...

— Майли, ҳисоб-китоб кейинга қолди... Ҳисоб-китоб қиламен ҳали сен билан! Ҳали сен билан якка-ёлғиз кўришажакмен, подшоҳзодам! Эсингдан асло чиқарма! — зуғум билан деди алами ичида қолган Умаршайх Мирзо.

Шундай дер экан, амирзода пайт топиб бу ҳақда соҳибқиронга мурожаат қилишни кўнглига тугди.

Тўхтамиш ўғлон бир ҳўмрайиб қараб қўйди-ю индамади...

Муҳаммад Чуроға додхоҳ узок ўйлаиб, тўртта пиёдасини бир-бирига боғлаб қалқон қилиб майдон ўртасидан ёриб ўтишга интилган оқлар фарзинига мустаҳкам тўсиқ қўйди. Хаёли Тўхтамиш ўғлонда бўлган соҳибқирон энди ўйин бошлангандан бери «қантарик»да ётган отини ўйинга ташлади...

Боғи Нақши жаҳондаги нохуш ҳодиса Амир Темур ўйларини тағин чигаллаштирди. Демак, Тўхтамиш ўғлонни тенгқурлари унча хушламайдилар... Бунга, албатта, унинг тутуми сабабчи... Лекин Дашти Қипчоқ томонларни тинчитмак керак, бу нарса салтанат учун бағоят зарур... Шу маънода, хўш, Тўхтамиш ўғлонга умид боғлаб тўғри қилаётирму, йўқми?.. Мушкул жойи шундаки, соҳибқирон Тўхтамиш ўғлон ҳақидаги ўйларини бировга айта олмайди, айтишга уялади ҳам. Ахир сарой аъёнлари олдида уни ўғлимга ўхшайди, ўғлим деб, кўкларга кўтариб, мартабасини осмон-фалакка чиқариб қўйди-ку! Жўжи улуси, Дашти Қипчоқ томонлар ташвишини бартараф этиш мақсадида сопини ўзидан чиқариб, Тўхтамиш ўғлонни ўзининг одамига айлантирмоқчийди. Лекин сопининг нобпроғини танлаб қўйибди шекилли... Не-не уринишлар, саъй ҳаракатлар, лашкарлар, мол-мулклар, умидлар, илинжлар, ниятлар бамисли кумга сепилган сувдек зое кетди...

Умаршайх Мирзонинг торинганича бор. Наҳотки унда ҳарбий салоҳият йўқ, лашкар бошқариш лаёқатига эга

эмас?.. Чингизхон авлоди-ку ахир! Нахотки, у кўлидан хеч иш келмайдургон подшоҳзодалардан бўлса? Амир Темур бу кетган молу мулк, саъй ҳаракатларга эмас, кадрига куюнадир, кадрига! Умидларига, орзуларига ачинадир. Унинг тутинган ўғли маъракаи майдондан фақат қочишни ўзига касб этиб олган, деган дашномлардан изо тартадир холос!

Ёки... Тўхтамиш ўғлон хизматларидан воз кечиб қўяқолсинму?.. Эҳтимол, ҳеч рўёбга чикмайдургон ишга уриниб ётгондир?.. Осмондаги юлдузни нарвонсиз олмақчи бўлаётгондир?.. Ундай бўлса, Амир соҳибқирон, сизга ҳазор уят, ҳазор уят!.. «Аттанг!» дея манглайингизга бир урингиз-да, эс-хушингизни ўнглаб олингиз! Умид узиб, чингизий подшоҳзоданинг жавобини бериб юборингиз!..

Шундай ёқимсиз хаёлларга фарқ, руҳи тушиброқ турганда Ўрунг Темурнинг унинг қошига келаётгани ҳақида хабар етди. Бироқ Тўхтамиш ўғлон амирининг келишидан олдин кутилмаганда гаройиб ҳодиса рўй берди-ю соҳибқирон хаёлларини тумтарақай этиб юборди:

— Амир соҳибқирон!.. Амир соҳибқирон!.. Хушхабар!.. Хушхабар... — деди мулозим билан дарвозадан ҳаллослаб кириб келган Ахий Жаббор баҳодир ўзини Амир Темур пойига отаркан...

Изма-из Амир Жоку барлос, Амир Довуд дуглат ва девон котиби Давлатшоҳ бахши уйғурлар ҳам ташриф буюрдилар. Хаворанг шийпон атрофи аста-секин одамга тўла бошлади.

«Илоё, хушхабаридан берсун!..» деб қўйди ичида Амир Темур... Жаҳонгир Мирзонинг ўнбошиси ҳаяжоннинг зўридан гапира олмасди. Барча қандайдир саросимада унга қаради.

— Ўзингни бос, баҳодир! Ўрнингдан тур! — тинчлантирди Амир Темур. — Сўйла, не хушхабар экан?

Ахий Жаббор баҳодир Амир Темурни фавқулудда меҳр билан ҳурмат қилар, агар жонингни бер, деса шу лаҳза беришга тайёр эди. Қувончдан йиғлаб юборган баҳодир ўрnidан турди-да, апил-тапил юз-кўзларини артиб, таъзимда орқасига тисарилди:

— Суюнчи берсунлар!.. Суюнчи берсунлар, Амир соҳибқирон!.. Пошшолик осмонида бир ёруғ юлдуз чарақлаб жамол кўргизмиш! Муборак юзлик фарзанд гайб

пардасидан ошкор бўлмиш!...Салтанат сандиғидаги дуру гавҳарларга яна бир дурри бебаҳо қўшилмиш!.. Жумла жаҳонга маълуму машҳур бўлсинким, муҳтарама Билқиси замон Тағой Туркон оқа ҳазрати олийларига бир ўғил тухфа этмишлар!..

Бу чиндан ҳам ажойиб мужда эди.

Қувонч устига қувонч деганларидай, шу пайт Тошкент томонга юборилган Муҳаммадбек ибн Мусо Чингизхон босқинида вайрон бўлган кўҳна Банокат соҳибқирон фармони билан қайта тиклангани, Сирдарё бўйида гўзал шаҳар қад кўтаргани ҳақида хушxabар етказди.

- Ўғил муборак, Амир соҳибқирон!
- Шаҳар қутлуғ бўлғай!
- Шавкатларига шавкат қўшилибдур!..
- Илоё, умри билан берган бўлсун, ҳазратим!..
- Офарин! Офарин!

Ана шундай қутлов овозлари ҳаворанг шийпондан бутун бокқа таралар, барча соҳибқиронни ҳам ўғил, ҳам янги шаҳар билан қутларди.

Халлоқи безаволга салламно! Ҳаммаси яхшилик аломатидур!

— Худо ўғил ато этибдур, Жаҳонгир Мирзо ўрнига ўғил!.. Аллоҳга шукур!.. — пичирлади ичида соҳибқирон кўзларига ёш келиб... Бир томчи ёш сирғалиб қора соқолидан ерга тушди. Шатранж тахтасига бокқанди, мужмалу мубҳам йўллар ногоҳ равшан тортгандай бўлиб кетди. Муҳаммад Чуроға додхоҳ майдон ўртасини эгаллаган, нафас олишга қўймаган бир ҳолатда соҳибқирон қутилмаганда вазиятни буткул ўзгартириб юборадиган, икки-уч юришдан сўнг рақиб шохини мот айлайдиган фавқулодда зўр йўл топди: руҳи билан қоралар шохига хужум қилди!

Муҳаммад Чуроға додхоҳ узоқ ўйланиб қолди...

— Бонуи Кубро Қутлуғ Туркон оқа эгачи жаноби олиялари, Амир соҳибқирон шарафли ўғил исмини қўйиб берсунлар, деб ўтиндилар... — деди Ахий Жаббор баҳодир шу палла.

Амир Темур худди шу ҳақда ўйлай бошлаганди. Асида, буни кўпдан ўйлаб келарди-ку.

— «Шоҳруҳ» бўлсун! Шоҳруҳ Мирзо! Руҳи ҳамиша шохлар сингари сарбаланд бўлсун! — хитоб қилди Амир

Темур мамнун ва Мавлоно Убайдга ўғирилди. — Тарих дафтарига битиб қўйингизким, Шоҳруҳ Мирзо ҳижрий 779 йил рабиус-сонийнинг ўн тўртида¹ дунёга келмишидир!.. Амирзода шарафига янги шаҳар ҳам «Шоҳруҳия» деб аталсун!

Ҳамманинг тилида «Шоҳруҳ Мирзо», «Шоҳруҳия» сўзлари янграб эди.

— Суюнчисини ол, баҳодир!

Соҳибқирон ёнидан ақча тўла халтача чиқариб Ахий Жаббор баҳодирга ташлади. Шошилиб қолган Ахий Жаббор халтачани ила олмай тушириб юборди. Динорларнинг бир қисми шийпон атрофига ташланган гиламга сочилиб кетди. Ахий Жаббор баҳодир уларни теришга тушди...

Қутловлар тугамай, боғнинг дарвозасида Ўрунг Темур кўринди.

Тўхтамиш ўғлон биринчи марта соҳибқиронга ташриф буюрганида унинг ҳамроҳлари ичида ўзининг кўрқмаслиги билан донг таратган амир Ўрунг Темур ҳам бор эди. Беомон жанг майдонида Қозончи баҳодир уни отнинг тагида йиқилиб қолганидан фойдаланиб асир олди ва Ўрусхон хузурига келтирди. Ўшанда Ўрусхон унинг гунохидан ўтганди. Ўрунг Темур Сифноқда сабртоқат этагидан тутиб оғирликка чидаб яшади, кўнгли пинҳона соҳибқирон томонга талпинар эди, чунки кўрилган кўп илтифотлар хумориси тутарди. Ниҳоят қочишга фурсат топди. Тўхтамиш ўғлондан кейин кўп ўтмай у ҳам салтанат остонасига бош уриб келди.

Кайфи чоғ соҳибқироннинг кўнгли яна ҳам ёришиб кетди. Бу йирик гавдали, кўсанамо, садоқатли, тўғрисўз амирни биринчи кўргандаёқ унинг ҳалол одам эканлигига амин бўлганди. Қани, ундан душман томондаги вазиятни яхшироқ билиб олсин-чи, шунга қараб фикр қилсин-чи, худо бир йўлга бошқарар...

— Ҳозир Жўжи улуси Темур Маликхон тасарруфидадур, — деди соҳибқирон одатий ҳол-аҳвол сўралгандан кейин. — Хоннинг ҳолу авзойи нечук?..

Ўрунг Темур даставвал шундай қутлуғ соатда қадами етганига шукурлар қилиб, соҳибқиронни ўғил билан муборакбод этди. Кейин бундай деди:

¹ Яъни, милодий 1377 йил 20 август.

— Тўхтамиш ўғлон енгилиб қочиб келгандан сўнг Темур Маликхон гуругга берилиб ўзини жуда қўйиб юборди... — Ўрунг Темур жилмайди. — Ҳоқоннинг кенжаси-да... Дунё билан иши бўлмай қолди... Қаттиқ айшишратга берилгон. Кечаю кундуз шароб ичиш билан банддур. Чошгоҳгача ухлаб ётадир, дунёни сув босиб кетгон бўлса-ю сув хон ётгон ерга киришига оз қолгон бўлса ҳам унга биров айтиб уйкусини бузишга журъат этолмайдир. Салтанат ишлари ўлда-жўлда... Юрту эл ундан батамом умидини узиб қўйгон. Жўжи улусида, Тўхтамиш ўғлон ундан юз чандон яхшироқ, Тўхтамиш ўғлон келсун, дерлар, Тўхтамиш ўғлонни тиларлар...

Амир Темур эшитиб ўйланиб қолди... Чиндан ҳам, қайси хукмдор салтанат низомига риоя қилмаса, ёлғиз ўз жони хузурини ўйласа, мамлакат биноси дарз кетмоғи аёндир. Соҳибқирон шу палла давлати қўлидан кетиб хор-зор бўлган подшоҳлардан бири ҳақида эшитган нақлини эслади. «Салтанатингиз завол топишига нималар сабаб бўлди?» — сўрабдилар подшоҳдан. «Ҳар куни оқшомда шароб ичиш билан банд бўлардим, — дебди подшо. — Май дарё бўлиб оқарди... Тунда айшу ишрат этагидан маҳкам тутардим, ҳурилиқолар билан базм айлаб чиқар эрдим. Куннинг биринчи ярмини, табиийки, ҳориб-чарчаб маст уйқуда ўтказардим... Оқибатда салтанат беқарорликка дучор бўлди, давлатим либоси чокчокидан сўкилиб кетди...»

Темур Маликхоннинг давлат ишларига қарамай айшишратга берилиб кетганлигини эшитгандаёқ, соҳибқирон фавқулодда идрок билан толе Темур Маликхондан юз ўгирганлигини фахмлади. Тўхтамиш ўғлоннинг бахтиёр соатлари энди келибди! Бас, фикр қатғийлашди: соҳибқироннинг ўзи Дашти Қипчоққа отланмайди, балки ўғли боради! Подшоҳзода энди Жўжи улуси тахтига минадир! Тўрт марта жангда мағлуб бўлган бўлса ҳам, бешинчисида албатта салтанат тожини бошига киядир! Бу офтоб чиқиши янглиғ муқаррар нарса! Чунки Темур Маликхоннинг тез кунда давлати қўлидан кетган подшоҳ ҳолига тушмоғига шубҳа йўқ! Унинг аҳволи шундан далолат бериб турибди.

Хумоюн ўрдудан, зудлик билан черик йиғилсун, Тўхтамиш ўғлон иззату икромларга сазовор этилсун, Амир Довуд дувлат бошлиқ Амир Ўрунг Темур, Мухам-

мадбек ибн Мусо, Гиёсиддин тархон, Муҳаммад Миракларни кўп лашкар билан Сифноққа юборилсун, Тўхтамиш ўғлонни тахтга ўтказиб қайтсунлар, деган олий фармон бўлди. Соҳибқирон бу сафар Тўхтамиш ўғлоннинг Оқ Ўрда тахтига минишига асло шубҳа қилмасди, чунки Дашти Қипчоқда ҳозир унга бас кела оладиган куч йўқлиги равшан бўлиб қолганди.

Шоҳруҳ Мирзо таваллуди муносабати билан мамлакатнинг турли пучмонларидан қутлаб келгувчилар қадами узок вақт хумоюн ўрду остонасидан узилмади...

Ў Н У Ч И Н Ч И Б О Б

I

Гарчи Тўхтамиш ўғлон ишлари бир қараганда юришиб кетгандай кўринса ҳам, соҳибқирон назарида ҳали оламга жар солгудай даражада эмас эди. Юрт дорилмонлик палласига кирди, энди мамлакат ободончилиги билан шуғулланишга фурсат етди. Юртни фарзандлар обод этмоғи лозим, ишни Кешдан бошлаши керак... Кўндан шундай паллаларни кутар эди соҳибқирон...

Бироқ Хоразм томонларга вазиятни ўрганиш учун пинҳон юборилган ва салкам олти ойча Хоразмда бўлган Аббос баҳодир қипчоқ нохуш хабарларни олиб келди. У Хоразмдан қайтганидан сўнг қаттиқ бетоб бўлиб ётиб қолди, оёққа турганча бир оз вақт ўтди... Кейинги икки йил ичида хоразмшоҳ Юсуф Сўфи бир неча марта Бухорога ва Котга кўшин юбориб, ғорат қилибди, қўлига нима илинса олиб кетибди. Умуман, хоразмшоҳда ҳали ҳам аввалгидек ёғийлик кайфияти ҳукмрондир, хатто бу нарса бадтар кучайгандек ҳам туюлади...

Амир Темур бунга ортиқ чидаб бўлмаслигини, хоразмшоҳга зудлик билан расмият юзасидан бир элчи юбориш лозимлигини англади. Элчи нуфузли кишилардан бўлмоғи керак... Унинг фикри Давлатшоҳ бахши уйғурда тўхтади. Соҳибқирон Давлатшоҳ бахши уйғур билан Умаршайх Мирзонинг Жаҳонгир Мирзо ҳарами Бахт Малик оқага уйланиш тўйида кўришди. У хоразмшоҳ Юсуф Сўфи билан нималар ҳақида гаплашишни

тайинлади. Милодий 1377 йил кузида мезон бошида Давлатшоҳ бахши уйғур Хоразмга жўнаб кетди.

Бахт Малик оқа ҳали ҳануз амирзода вафотидан сўнг ёлғиз яшарди. Қутлуғ Туркон оқа соҳибқиронга шу маслаҳатни берди, эски удумларимиз бор, ака ҳарами унинг вафотидан кейин укага раво кўрилса мақбулдир, деди у. Чунки набира Пирмуҳаммад Жаҳонгир катта бўлмоқда, валиаҳднинг ўғли ахир... Наҳотки етим бўлиб энди кимсанинг қўлига қараб қоладир?..

Соҳибқирон эгачи маслаҳатига рози бўлди.

Тўйдан кейин, саратоннинг ўрталари эди, Амир Темур қурбон ҳайити арафасида Кешга боришга қарор қилди, Сароймулкхоним, Хонзода хонимларни, Муҳаммад Султонни ўзи билан бирга олиб кетди... Икки яшар Муҳаммад Султон Холдона биби кўлида маофада эди.

Амир Темур Шайх Шамсиддин Кулол, Тарағай баҳодир ҳамда Жаҳонгир Мирзо мазорларини зиёрат этишни кўнглига тукканди. Ўтганларнинг пок руҳларига қурбонликлар қилиниб жонликлар сўйилди, худойиларда дуо-ю тиловатлар янгради. Шаҳрисабз аҳли оқиб келди, соҳибқирон мискину бечораларга хайру эҳсонлар кўргизди, хайитликлар тарқатди, фуқаро-ю мустаҳикларга ҳадя-ю садақалар улашишда саховатда ягона бўлди. Шаҳрисабз ҳокими Амир Мусо ҳамиша соҳибқирон ёнида юрди. У Шайх Шамсиддин Кулол ҳовлисига кўшни уйда истиқомат қиларди. Ҳоким ўз уйига таклиф этганда соҳибқирон негадир рад жавобини берди.

Маликалар зиёрат сўнгида Жаҳонгир Мирзо қабри томон йўналдилар. Сароймулкхоним Хоразм маликасининг сағана бошига ёлғиз кириш одати борлигини яхши биларди, шунинг учун зиёратни ўзи бошлаб берди. Кейин Хонзода хонимга навбат етди. У Самарқандда эканликларида икки йилдан бери кўз қорачиғидай асраб келган, Жаҳонгир Мирзонинг доимо юрак устида такиб юрадиган уч бурчак қора бахмал туморини йиғлай-йиғлай икки ёшли ўғилчасининг бўйнига осиб қўйди...

Малика бу гал ёлғиз эмас, Муҳаммад Султонни етаклаганча сағанага яқинлашди. Қурбон туширгач, қабрининг совуқ тошларига гунчадек лабларини босди, нозик қўллари билан сағанани силаб чиқди, у-бу губорлардан тозалади... Кўзларидан эса тинимсиз ёшлар оқарди.

Шу ерда ҳали ҳануз учрамаган бир ҳол юз берди.

Ҳар гал тиловат тушириб, қабрни тавоф қилиб, йиғлаб-йиғлаб чиқиб кетаверар эди. Бу сафар нечундир биринчи марта бошини кўтариб тепага қаради. Шифтда Муҳаммад Мустафо ҳадисларидан бири ёзиб қўйилган экан: «Ал-оқилу яъатамиду ала амалиҳи, Вал-жоҳилу яъатамиду ала амалиҳи»¹... Хонзода хоним унинг маъносини тушунди, тушунди-ю бутун аъзои бадани жимирлаб кетди! Рост, хою ҳаваслар қайдадир қолдилар, уларга ишониб яшамок нодонлиқдир, ақлли бўлмоқ керак, ақлли!..

Шўрпешона малика ёрининг сағанасини кучоқлаб, унсиз-унсиз йиғлади. Йиғлар экан, не-не армонлари унинг атрофида мунгсираб турганини хис этди... Муҳаммад Султон эса ҳеч нарсадан беҳабар мақбара ичида тетапоя ўйнаб юрарди...

П

Амир Темур кийимларини ўзгартириб, дарвиш бўлиб, бошида тит-питиси чиқиб кетган кулоҳ, эгнида уриниброк қолган жанда, бозору маҳалла-гузарларни айланиб чикди. Бу унинг одати эди, у ҳар гал келганда шундай қиларди, ҳамма нарсадан холи бўлишни, вақти-вақти билан танҳо кезиб, подшоҳ эмас, Аллоҳнинг гунохкор бир бандаси сифатида дунёга қарашни истарди. Самарқандда ҳам ҳеч кимга билдирмай, йилда бир шундай қилиб турарди, бозорлардаги нарх-навони кузатар, одамларга қарар, карвонсаройларга борар, такяхоналарга кириб гапларга кулок соларди... Шаҳрисабзда Симхона, Чақар, Дегрез, Кўкнорихона, Кунчиқар, Ҳазрати Имом ва бошқа маҳаллаларни кезди. Ҳамма жулдурвоқи дарвишга ҳайрат билан қарар, чурвақа болакайлар ортидан эргашишиб: «Дарвиш бобо! Дарвиш бобо!.. Таёфингизни беринг! Таёфингизни беринг!...» деб тегажоглик қилишар, гоҳ-гоҳда:

*Анави бовани-я,
Кўзи олани-я.
Хом ошқовоқ,
Елтиш товоқ! —*

қабелида қўшиқ ҳам айтиб қўйишарди.

¹ «Ақлли одам ўзининг куч-қувватига ишониб яшайди, нодон — хою ҳавасларга суюниб яшайди...» (араб).

Ҳазрати Имом маҳалласига борганда болакайларни кўрибми, болалигини эслаб кетди. Ўша пайтлар хов анови эски масжиднинг орқа томонидаги кенг майдонда жами болалар йиғилишиб «подшо-вазир» ўйнашарди. Темурбек подшо бўларди, бошқа болалар эса — доно вазиру жасур амир вазифасини адо этишарди. Ёғочу қамишдан «одам» ясардилар. Подшо унга ҳар хил иш буюриб, фармон қиларди. «Одам» ёрликка қулоқ солмай, гуноҳга йўл қўйгач, подшо томонидан: «Боши кесилсун! Токи жаҳон аҳли кўриб, бундан кейин бирон кимса ўзбошимчаликка юз бурмағай, шаҳаншоҳ ҳукмидан чикмағай!» дея фармон бериларди. Шундан сўнг ҳалиги «одам»нинг бошини кесардилар...

Кеш шахри... бурунлардан уламои исломнинг марказларидан эди. Бундан беш юз йиллар аввал яшашган машҳур муҳаддислар — Абу Муҳаммад аш-Кашший, Абдураҳмон ад-Дорамий, Муҳаммад ал-Бухорийлар бу ерни ватан қилганликларини соҳибқирон яхши биларди. У маҳалларда диний масалалар тагига етмоқ учун атроф олам — ҳатто Машҳаду Нишопурлардан ҳам кишилар бу ерга оқиб келардилар. Муҳаддисларнинг дарслари ҳамиша гавжум кечарди. Шу важдан ҳам Кешни «Қуббатул илм вал адаб» — илм ва адаб қуббаси, деб улуғлардилар. Баҳор вақти шаҳар атрофи кўм-кўк тусга киради, Шаҳрисабз деган ном шундан пайдо бўлган...

Ҳазрати Имом деб аталадиган зоти бобаракот Абу Муҳаммад аш-Кашший қабри худди мана шу ерда... Қабр атрофида бинолар қурилмоғи жойиз, масжид бунёд этилмоғи зарур. «Дорус-сиёдат» деб номланадиган бу маскан Амир Темурнинг ўз ҳазирасига¹ айланмоғи лозим. Инчунин, Жаҳонгир Мирзони шу ерда дафн этдилар, сўнг маҳобатли мақбара қад кўтарди. Нарирокда соҳибқирон ўзи учун бир дахма тиклатмоғи керак... Хеч ким бу дунёга устун бўлмаган, бўлолмайди ҳам. Вақти келиб, Аллоҳ хузурига қайтса, то рўзи махшаргача она шахри бағрида тинчгина ётсун...

Соҳибқирон ҳассасини дўқиллатиб кезиб юраркан, шаҳарнинг шимоли-шарқидаги бош майдонда, аслзодалар маҳалласи ёнида бир лаҳза тўхтаб қолди. У она

¹ Ҳазира — хилхона.

шаҳри Шаҳрисабзни яхши кўрар, дунёдаги энг доврукли шаҳарлардан бири бўлиши керак, деб ҳисобларди. Қараса, ҳали ундай бўлишига анча бор экан. Шаҳарларнинг кўрки — унинг мухташам бино-ю иморатларида... Бундай иморатлар эса ҳозирча Шаҳрисабзда йўқ. Соҳибкироннинг бир орзуси бор. Даставвал худди шу ерда маҳобатли сарой бунёд этилиши лозим. Амир Темур барини ўйлаб қўйган. У беихтиёр хаёлларга берилди...

Курилажак сарой жуда улугвор, буржлари гўзал бўлади, баландлиги олтмиш газдан ошади. Унда гумбазли девонхона, турли бўлмалар, ҳарам жойлашади. Деворлари, беҳисоб хоналари турли ислимий гириҳлар, нақшларни ўзида акс этдирган сиркор парчинлар билан қопланади. Гумбаз ичи ва ташқи айланаси нақшинкор кошин-ғишталар фусунидан ғаройиб манзара касб этади. Бурчаклардаги силлиқланган ғишт ва феруза парчинларда ёзилган куфий хатлар билан безанган миноралар худди йўғон маҳобатли кўк белбоққа ўхшаб кетиши лозим. Фақат куфий эмас, сулс ёзувлари ҳам ишлатилади, турли ранглар уйғунлашиб, жилвалар ичра инжа ёғдулар таратиб туради... Анвойи ранглар ой ёруғида ярқ-ярқ этиб жилланиб оқариб кўринадиган бўлсин, ярақлаши атроф борликни ёритсин, номи шундан «Оқсарой» деб аталсин... Сарой тепасида бунёд этиладиган ҳовуз доим зилол сув билан лиммо-лим тўлиб туради. Кўрғошин қувурларда Тахти Қорача довонидан олиб келинадиган сув ҳовуздан ошиб шаршара бўлиб пастга тушади... ва ҳовлидаги рангбаранг балиқлар сузиб юрадиган нақшинкор кошинлар билан қопланган ҳовузчаларга бориб қўйилади... У барчасини яққол кўриб турибди.

Амир Темур ширин энтиқди... У шу кунларда негадир маъюс эди, Тўхтамиш ўғлондан ҳали хабарлар йўқ, иши бу гал ўнгидан келдимикин, шундан яна кўнгли нотинч... Хоразмга элчи юборди-ю, натижаси қандай бўларкин?..

Соҳибкирон хаёлларни нари қувиб, атрофга назар ташлади. Ажабо, Шаҳрисабз чеккасидаги пирлари Шайх Шамсиддин Кулолнинг чорбоғига келиб қолибди. Бирдан бундан йигирма беш йиллар чамаси нарида юз берган воқеалар эсига тушди. Ўша чорбоғ, ўшанда ҳам саратон эди, шайхнинг уйига дарахтлару гуллар орасидан кириб бориларди, йўлак бошида ҳовлидан берирок-

да кичиккина ариқ оқиб ўтарди. Ариққа иккита энсиз ёғоч ташлаб қўйилганди... Ва унда қирқ кокил ойимча сув ўйнаб ўлтирарди...

Ҳа, бари хаёл бўлиб қолди, энди улар йўқ...

Боғ ҳамон ўшандай гўзалмикин, гуллар очилиб-сочилиб ётибдимикин?.. Киши ҳамиша болалигига қайтишни истайди, хотираларини титкилашни яхши кўради. Соҳибқирон беихтиёр йўлакка бурилганини билмай қолди. Юриб борар экан, шу палла йўлакнинг бошида уни нималар кутаётганини етти ухлаб хаёлига ҳам келтирмас эди.

Уни инсон ақли бовар қилмайдиган фавқулодда мўъжиза кутарди!

Йигирма беш йиллар муқаддам қўлида тол хипчин тутиб ўтган ўн беш ёшли йигит энди ҳассага суянган қирқ икки ёшли «дарвиш» бўлиб борарди. У фарқ пишган меваларга, олтиндай олмалар, нок-нашватиларга қарар, боғ ўша-ўша, аввалгидан ўзгармагандай эди. Соҳибқирон бундан ажабланди.

У бепарво йўлак бошидаги ариққа яқинлашди-ю қотиб қолди! Кўприкнинг ёнида кизил бахмал дўппи кийган, сочлари майда ўрилган ўн икки-ўн уч ёшлар чамасидаги бир қиз лим-лим тўлиб оқаётган ариқни томоша қилиб сув ўйнаб ўлтирарди. Қиз эгилганда уч-тўртта чилвир сочи сирғалиб сувга тушар, ҳар сафар ҳафсала билан уларни орқасига ташларди. Кўзлари шахло, суюкчук, юзлари ширмой нондай хушрўй бу ойимча киз бирам ширин эдики, Амир Темур унга бокди-ю кўзини ололмай қолди... Ойимчанинг жозибасиданми ёки кун иссиғида салқин сувга қўл ювиб бир оз роҳат қилмакчи бўлдими, ҳар қалай, кўприк устида чўнкайди-да, муздек сувга қўлини солди... Қирқ кокил ойимча шу пайт жилмайганча дарвишга бокди, унинг самимий табассуми ўзига шундай ярашдики, Амир Темур ҳайратга тушди. Ойимча кизнинг чиройли кўзларида кандайдир фавқулодда бир сеҳр, нур жилваланиб турарди. Амир Темурнинг юраги орзиқиб кетди, бутун вужудига фаройиб титроқ кирди!..

Халлоқи безаволга салламно! ...Бу — ўша қиз эди, йигирма беш йиллар аввал кўрган, ўзига мубтало қилиб ғойиб бўлган фаришта! Ўша қиз... Йўқ... У эмас, аммо ўшанинг нақ ўзи! Фақат унда дўпписи кўк эди, энди эса

қизилидан кийиб олибди... Яна худди шу ерда учраб турибди. Ўша қиз, аниқ ўша! Бу Аллохнинг кўргизган бемисл марҳамати эди! Орадан гўё шунча вақт ўтмагандек... Бировга айтса ишонмайди... Ё Раббий! Ё Раббий! Бу ўнги, туш?.. Туш бўлса керак... Мана ҳозир уйғониб кетади-ю кўриб турганлари бирдан ғойиб бўлади...Йўқ... Нималар юз бермакда ўзи?.. Барига ўзинг кодирсан, эй парвардигор!.. Ҳамма нарса кўлингдан келади, нима қилсанг ўзинг қиласен! Бунга асло шак йўқ!..

Чунон уринса ҳам, Амир Темур қандай қилиб шундай синоатнинг юз берганини ҳеч ўйлаб ўйига етолмасди...

— Исмингиз нима экан, ойим қиз?.. — сўради энтиқиб Амир Темур, аввал исмини билиб олмагани эсига тушиб.

Одатда, дарвишу қаландарлардан кўрқиб чўчимасдилар, уларга худонинг беозор бандалари деб қараларди. Қирқ кокил ойимча исмим дарвишга нима учун керак бўлди экан, деб ҳам ўтирмади, аввалгидан-да жозибалироқ жон офати табассуми ила жавоб берди:

— Туман оқа...

«Туман оқа... — ширин ютинди соҳибқирон... Қизнинг овози жуда майин эди, мойдай ёқиб кетди, кўнгил лавҳига маҳкамроқ муҳрлаб олиш учунми, беихтиёр такрор пичирлади: — Туман оқа... Кимнинг қизи, қаердан эканлигини ҳам билиб олишим керак...» Амир Темурнинг бу қизни илк бор кўриши эди, фавқулудда ҳаяжонга тушганидан ёш ошиқлардай тили боғланиб қолди. Шу палла қизнинг ўзи жонга ора кирди:

— Шаҳрисабз ҳокими Амир Мусо жанобларининг ожизасимен... Онамлар Хўжанд ҳокими Амир Боязид жалойир қизи Орзумулк оқа бўладилар... — худди ўргатиб қўйгандай деди одоб билан.

«Ие!.. Амир Мусо ожизасимен, дейдирму?.. Орзумулк оқа қизи?.. Вожаб!..» Унинг тобора ҳайрати ортиб борарди. Соҳибқирон азали тақдир хоҳиши шундай эканлигини дарҳол фаҳм этди. Йўқ эса, худо Амир Темур тилини боғлаб қўйиб, унинг сўрамоқчи бўлган нарсасини Туман оқа дилига жойлармиди!..

Ногаҳон бир воқеа соҳибқироннинг эсига тушди. Бундан ўн уч-ўн тўрт йил муқаддам Қарши қалъаси учун Амир Мусо қўшини билан жанг қилдилар. Бешафқат жангда инояти илоҳий шарофати, Амир Темур икки юз

кирқ уч кишидангина иборат чериги билан Амир Мусонинг ўн икки минг кишилиқ кўшинини енгиб тўзитиб юборди, шаҳар ҳисорини эгаллаб, аёлларини асир қилди... Талотўпда кўплар тумтарақай қочмокқа юз бурдилар. Иттифоқо, Орзумулк оқа, Амир Мусонинг ҳарамни, Боязид жалойирнинг кизи, канизаклари билан Малик баҳодир деганнинг чериғида қочиб борар эди. Соҳибқирон ёлғиз улар ортидан от қўяр экан, Малик баҳодирга кичқирди:

«Сенинг гуноҳингни кечдим! Хотинлар аросидан чик!..»

Малик баҳодир жон ҳолатда дарҳол тўдадан ажралиб бошқа ёққа кетди. Аёлларни кўриқлаб бораётган Ошиқ деган навқар орқасига ўгирилиб соҳибқиронга кўзи тушди ва ёйини тўғрилаб мўлжалга ола бошлади. «Оббо!.. Борди-ю бу навқар отса, ўқ тегса, кейин соҳибқирон бир хотин таъмаида ўққа учди дейдилар-да...» — деб ўйлади Амир Темур ўзи олдида ўзи хижолат... Бу эр киши шаънига ярашадурган иш эмас... Нима қилиш керак?.. Тўхтасинму? Ортга қайтсинму?.. Қайтса, кўрқди, дейди... Соҳибқирон учун бундай тавқи лаънатдан оғири йўк...

Шу пайт қаёқдандир Давлатшоҳ бахши уйғур етиб келди ва қалқон тортиб, Ошиқ ортидан от қўйди. Саросимада қолган Ошиқ шоша-пиша соҳибқиронга қараб ўқ отди ва, хайриятки, бу ишда беҳунарлиги ошқор бўлди: мўлжалга теккизолмади. Давлатшоҳ бахши уйғур «Хай-йой!..» деганча уларни қувиб кетди, аммо харчанд чиранса ҳам ета олмай қайтиб келди...

Парвардигорнинг чеварлиги шундан аён бўлдики, у пайтда Орзумулк оқа фарзанди саодатманд Туман оқага юкли эди, шу туфайли таадди¹ қўли уларга тегмади!

Соҳибқирон Туман оқани ҳарам соҳиббасига айлантиришни кўнглига тугди. Тамом! У шу малак сиймони ўз ақди никоҳига олади! Малак сиймо ҳарамининг беағи бўлади!

Чиндан ҳам, азалда ул давлатманд малакнинг ақди соҳибқирон толеи билан боғланган экан-да... Амир Темур Аллоҳнинг иноятдан хайратда ханг-манг эди...

Қўлларини сувга солган ойимча қиз соҳибқирон

¹ Таадди — тажовуз, зулм.

кўнглида кечаётган хаёллардан мутлоқ беҳабар жулдир-воқи дарвишга ҳамон табассум ила қараб турарди...

Амир Темур худди бошқа одамга айланиб қолгандай бўлди. Ўтганларнинг рухларини ёд этиб хайру садақалар қилганиданми ёки неча йиллар кутган армони ушалиб, қирқ кокил ойимчасини топиш насиб этганиданми, ҳар қалай дунё кенгайиб кетгандай туюлди назарида. У мамнуну масрур эди.

Ш

Сарой хонимлари бу янгиликни эшитганларида ҳар кимнинг кўнглида турли фикрлар уйғонди. Ҳурилиқо канизақлар алақандай ғаш ва ҳасад билан қарадилар, маликалар ҳаяжонга тушиб қолдилар. Сароймулкхоним барчасини кузатиб турарди. У Дилшод оқада катта ўзгариш сездди. Саҳройи офатижон Дилшод оқа куюнчаклиги ичида, шунданми камсукум эди, гапга ҳадеб аралаша-вермас, қоп-қора чиройли кўзлари кўпинча ерда бўларди. Аммо гапирса чакиб оларди.

— Ҳазратим... янги ғунчага қўл узотибдиларму, хоним ойим?.. — тортинибгина сўради маҳди улёдан Дилшод оқа. — Ким экан?..

Уч йил олдин соҳибқироннинг саҳройи офатижон билан тўйлари бўлиб ўтганди. Дилшод оқа кенжа малика ҳисобланарди. У ўзидан олдингиларни иложсиз тан олар, аммо кейин келаётганларга бефарқ эмасди.

— Ҳа... — деди маъноли қилиб маҳди улё. — Туман оқа бўламиз Амир Мусо жаноблари билан дугонам Орзумулк оқа зурёдлари... Бошига бахт қуши кўниб, олий назарга мушарраф бўлибди.

— Шунақа денг?.. Бўлангизнинг қизлариму ҳали?.. — ажаблангандай сўради Дилшод оқа. — Оқа Беги хоним қайинсинглиси?.. Ҳим-м... Бахтини берсун...

Дилшод оқанинг кўнглидан, хоним ойим соҳибқиронга ўз жиянларини топиб берибдилар-да, деган фикр ўтди. Бу Сароймулкхоним назаридан қочмади.

— Ҳа, бўламизнинг қизлари... Оқа Беги хоним куёви эса бўламизнинг биринчи хотинларидан... Бу ёғини сўрасангиз, ўзим ҳам янгиликни сиз билан бирга билиб турибмен... — Маҳди улё кулимсиб давом этди. — Маликам! Ҳазрати соҳибқироннинг учқур чавандоз эканлик-

ларини хўп биламиз-ку... Учқур чавандозга янги майдонлар керак... Тойчоқ чопамен, деса ким уни тутиб тура олади? Харам боғи янги гулгунчалар билан безалиб турмоғи ҳамиша лозим эрканлигини билмайдурму-сиз?..

— Узримни қабул айлангиз, хонимойим! Густохлик қилдум... Не ҳаддим бор эрдик, бундай саволни бериб кўйдим...

Дилшод оқа жилмайганча бош эгди.

Амир Қамариддин қизи кўнглида озгина ўксиклик борлигини Сароймулкхоним яхши биларди. Дилшод оқа харамга келганига уч йил бўлмоқда, аммо ҳамон фарзанддан дарак йўқ... Ўша кунларда анови канизак «лўп» этиб сухсурдай ўғил туғиб берса бўладими!.. Ёш малика шундан кейин кўп эзилиб юрди. Энди бўлса, устига янги кундош келаётир... «Ноумид шайтон, дейдилар... Худо бериб қолар...» деб юпантирди саҳройи офатижонни бу савдоларни ўзи бошидан кечириб куйиб кул бўлган Сароймулкхоним...

Маҳди улё бирдан Боғи Чинорда Наврўз кунлари сумалак сайли ўтказганини эслаб қолди. Барча маликалар, соҳибқирон қизлари ва келинлари жам бўлдилар. Боғ ўртасидаги тубига зангор лаппакчалар қопланган ҳовуздан чап томонда гулбоғчаларга яқин ерда дошқозон осилди. Кун ҳам ажойиб, ҳаводаги аллақандай илиқлик олдинда қайноқ ёз келаётганига ишорадай туюларди. Оқа Беги хоним билан Султон Бахт бегимлар толқучукдан баргак қилишиб сочларига боғлаб олганларидан ҳамма-нинг ичида ажралиб туришарди.

Ўн иккига кирган Мироншоҳ Мирзо икки ёшли амир-зодалар Муҳаммад Султон билан Пирмуҳаммад Жаҳонгирларни етаклаб олган, ҳовуз атрофида шовқин солишиб юришибди. Шохруҳ Мирзо эса энага қўлида йўргакда...

Ўчоқ бошида кайвонилардай ўтирган Кутлуғ Туркон оқа узун капкир билан дошқозонни дам-бадам кавлаб кўяр, сумалак таги кўймасин учун ташланган тошлар шалдираб овоз берарди. Бонуйи кубро маликалару келинчаклар, ёш-яланглари ўз оғзига қаратиб, расулил-лоҳ билан чорёрлар ҳаётдан, Биби Сешанба ривоятлари-ю Биби Ойша розияллаҳу анҳу фазилатларидан ҳикоялар сўйларди. Айниқса, Ҳазрат Али билан Биби Фоти-

ма онамиз тўйлари ҳақидаги киссалар ҳаммани ўзига махлиё этди қўйди. Биби Фотимани узатиб бораётганларидаги ёр-ёрлар жаранглаганда маликаларнинг кўнгиллари ийиб кўзларида ёшлар пайдо бўлди... Улус оқа, Дилшод оқа ва Тағой Туркон оқалар ўчоқ олдида ўтга қарашар экан, қулоқлари бонуйи куброда эди. Бахт Малик оқа бир неча канизаклар билан нарироқда бир эмас, ўн сумалакка етарли тахлаб қўйилган ўтинлардан танлаб олиб ўчоққа ташлаб туришарди. Сароймулкхоним, Орзумулк оқа билан Хонзода хонимлар рўпарада туриб қасрни томоша қилардилар. Хоразм маликасининг ҳам Боғи Чинорга кўпдан бери биринчи бор келиши. Улар ўнг томонда тарвақайлаб ўсиб кетган чинорга боқишиб, чапда бўлган, энди эса йўқ чинорни эслашар, аммо ҳеч нарса дейишмасди... Ҳовуз олдида ипак тўшаклар ташланган, паркув ёстиқлар қўйилган дастурхон ёзилган сўри... Дастурхон ноз-неъматларга тўла, айникса, Конирил ёқларга, адирларга чиқиб териб келинган исмалок, жағ-жағ, отқулоқ, ялшиз ва бошқа кўклардан пиширилган сомсалар диққатни ўзига тортарди.

Хонзода хоним икки сирдош дугонани ёлғиз қолдирай дедими, ёр-ёр эшитишни баҳона қилиб ўчоқ бошига шошилди.

Қорамағиздан келган Орзумулк оқа ёши ўтган сари сулувлашиб борадиган аёллар сирасидан эди. У қаддини тик тутиб юрар, ҳамон диркиллаган, қадди-комати келишган дўндик қизларни эслатарди.

— Тобора ёшариб кетяпсиз, қиз! — мақтаб қўйди дугонасини Сароймулкхоним...

— Ишрат замонида Амир соҳибқирон ўзларини... — деб гап бошлаган эди Орзумулк оқа, Сароймулкхоним шартаки дугонасининг нима демокчи эканини дарров фахмлади-ю тўхтатмоққа уринди:

— Вой, нималар деяпсиз, афтингиз қурмасун, қиз!

Орзумулк оқа чекинадиганлардан эмасди:

— Қиз, иккимизнинг сиримиз бир-ку... Амир соҳибқирон махрами бўлмоқ — худонинг улуғ марҳамати... Сиз Ҳазрат шабистонининг ёниб турган шами, шами эмас, офтоби эурсиз! Ҳаммага ҳам насиб этавермайди, ҳа... Одамнинг билгиси келар экан. Бунинг айби йўқ, Аллоҳ ҳар нарсани жуфти билан яратгон... Қовушиш ҳаммада бор, қиз...

Орзумулк оқа мийиғида кулиб қўйди, кейин мавзуга йўл очиш учун давом этди:

— Биласизми... Амир Қозоғон жанобларини ҳар куни тўртта канизак уқалар экан... Олампадох биттасини танлаб олар эканлар... У ёғига тонггача базм... Тармаширинхон гўзал қизларни бондаги тип-тиниқ сувли ҳовузда чўмилтириб томоша қиларкан. Ёқиб қолганига олма отиб чақиртириб оларкан. Кейин...

— Вой дугонажоним-ей! Шуларни ҳам биласиз-а!.. — ёйилиб бораётган Орзумулк оқанинг гапини кесди Сароймулкхоним.

Икки дугона ҳеч ким йўғида кўришганларида шундай кўнгил изҳорлари бўлиб турарди. Унчалар ҳам андишанинг сарига боравермайдиган шартаки Орзумулк оқа чиройли кўзларини ўйнатиб, Амир Мусодан нолиб қолар, ухлагани қўймайди, канизакка йўлласам ҳам, «Ўзинг яхшисан!..» деб охири эритади, қабилида мақтанарди. Кейин Чингизхон, Чигатойхон, Кепакхон, Амир Қозоғон ва бошқалар ҳарамидаги турфа хил ишқий хангомалардан сўз юритарди. Сароймулкхоним эшитаркан: «Ёмонсиз-а, қиз, ёмонсиз» дер, қистовга дош беролмай, баъзан сирларини айтиб қоларди. Дугонаси айтмаганига қўймас эди ҳам. Аммо айтиб берганлари Орзумулк оқанинг хангомалари қаторига қўшилиб бошқа ерларда ҳам жаранглашини билар, шу сабабдан меъёрни эсдан чиқармасди. Улар ўттиз олти ёшда эдилар, бу фаслда, албатта, дилкаш суҳбатга қизиқ мавзулар топиш мушкул иш эмас...

— Амир соҳибқирондан сўйлангиз, қиз!

— Амир соҳибқирон... бизларга жуда меҳрибонлар...

— Хўш... қўш хайдашлари қалай?.. — чиройли кўзларини айёрона қисиб тегажовлик билан сўради бирдан Орзумулк оқа.

— Вой, ўлай! Анови қизни уялмаганини кўрингиз! «Кўш...» эмиш-а! Вой, афтингиз қурмасун, сиз қизни!.. Доим шундай қиласиз!..

Маҳди улё шундай деса ҳам, бундай гаплар унга-да ёқиши сезилиб турарди, дугонаси буни биларди.

— Чуқур... хайдайдиларму?.. — қўймас эди тегажовлигини Орзумулк оқа...

— Йе!.. Вой, ўлмасам...

Сароймулкхоним чиройли қўли билан оғзини ёпди. У

«кўш»нинг нималигини бир лаҳза тасаввур қилди-ю, ёш қизлардай қизариб кетди.

Орзумулк оқа энди дугонасидан тундаги ҳангомалардан бирма-бир синчиклаб сўрамоқчи бўлиб турувди, ногоҳ юз берган ходиса қаймоқ боғлаб келаётган ширин суҳбатнинг белига тепади. Сароймулкхоним боғ этакроғида эгнига пушти тўн ташлаган Дилшод оқа билан кўк абришим либосдаги Тағой Туркон оқаларнинг бир-бирларига тиклашиб турганларини кўриб қолди.

— Тағин кундошлар орасида галва чиқди шекилли, киз... Тез борайлик... — оғриниброқ деди маҳди улё...

Орзумулк оқанинг чиройли чехрасида ранжиш аломатлари кўринди. Икки дугона ўша томонга ошиқдилар.

— ...Энди битта туғиб бердим, деб бошимизга чиқиб олмоқчимусен?.. — дерди Дилшод оқа титраб-қақшаб, овози сал кўтарилиб кетаётганини ҳам сезмай. — Чиқиб бўпсен! Сени чиқариб кўядирган лақма йўқ, билдингму? Ҳадеб битта туғиб бердим, деб...

— Туғиб бердим!.. Ажаб қилдим! Хўб қилдим!.. — тап тортмай тик қараганча тарсиллатарди Тағой Туркон оқа. — Яна туғиб берамен!.. Куйиб ўласен!..

— Беҳаё! Уятсиз! Қаланғи-қасанғи бўлмаёй ўл!

— Қаланғи-қасанғи эмасмен! Нуфузли маҳалла оқсоқолининг қизимен! Билмасанг, билиб ол!

— Шунақа де?.. Канизаклигингни унутма!

— Канизак эмасмен! Маъшуқаларимен, билдингму?.. Жа-а-а оқсуяклардан экансен, нега туғмайсен? — фиғони фалакка чиқиб деди Тағой Туркон оқа. — Алам қиялп-тими? Алам қилса, сенам туғиб бер! Билдингму?..

Бу гап Дилшод оқанинг жон-жонидан ўтиб кетди. Худди оғриб турган ярасига тиф теккандай ҳис этди-ю, шартта Тағой Туркон оқанинг сочига ёпишганини билмай қолди! Канизакнинг кўли эса малика ёқасига чўзилди!..

— Хай-хай!.. Бу нима қилиқ?.. Айб эмасму?.. — ҳаяжонланганча деди етиб келган Сароймулкхоним. — Хайриятки, атрофда эшитадиган одам йўқ, ҳамма ўчоқ бошида... Бас қилингиз! Биров кўрмасун тағин! Ҳазрат қулоқларига бу гап етса, нима деган одам бўламин?..

Сароймулкхонимнинг секин, шивирлашдан баландроқ босиқ овози дарров малика билан канизакнинг эс-хушларини жойига келтирди.

— Ундай қилманглар! Уят бўлади-я!.. — гапга қўшилди Орзумулк оқа ҳам.

Аламлари ортган малика билан канизак бамисоли тўлиб, тегсанг тўкиламан, деб турган косага менгзардилар. Тағой Туркон оқа чидамади, бошини маҳди улё тўни пешига буркаганча, ўқсиб йиғлаб юборди.

— Хонимойим! Ахир менда не айб?.. Ўтирсам ўпоқ бўлсам, турсам сўпоқ... Доим шунақа... Нима қилай ахир, нима қилай? Худо фарзанд берган бўлса менда не айб?.. Тўғри юрсанг ҳам эгрига чиқаверасен...

— Ким бўпти ўзи?.. Ҳаммани оёқ учида кўрсатади... Гердайиб юргани юрган... Худо бизга ҳам бериб қолар ахир... Бериб қолар...

Дилшод оқанинг охирги сўзлари йиғи аралаш чикди. У маҳди улё кўксига бош қўйганча чексиз изтиробларини ичига ютиб, унсиз-унсиз йиғлади...

Сароймулкхоним: «Ие! Ие! Айб бўлади!..», «Биров кўрмасун...», «Йиғламангиз!..» дея нечоғлик кундошларини юпатишга уринса ҳам, сўзлари кумга сепилган сувдек бесамар кетишини яхши тушуниб турарди... Фақат бу машмашалар Ҳазрат соҳибқирон кулоқларига етмаса бас...

IV

Амир Темур масъуд туйғулар оғушида Самарқандга қайтганида Сифноқдан ҳам чопар келиб турган экан. Тўхтамиш ўғлон ўз валинеъматига ёзган бахтиёрлик ҳисларига йўғрилган мактубида, ҳазрат аълога фатҳ муждасини етказиб, қутлаб, Темур Маликхон билан юзма-юз келиб бир ҳамладаёқ асфаласофилинга юборганлигини, волиблик камарини белига мардонавор боғлашга мушарраф бўлганлигини ва музаффарият ила Сифноқ тахтини эгаллаганлигини маълум қилганди.

Бу муждадан Амир Темурнинг чехрасига нур югурди, бағоят хурсандлиги ортиб, «Хайрият!.. Шу кунларга ҳам етдик...» дея Аллоҳга шукроналар келтирди. Энди унинг ўғли «Тўхтамиш ўғлон» эмас, балки «Тўхтамишхон» деган юксак номга эгадир! Бир лаҳза кўз олдида шимолий сарҳадлари кўрғонланган, хавфу хатарлардан холи, дориломон Туркистонзамин намоён бўлди... Энди юрт дориломонликка юз тутмоғи шубҳасиздир.

Соҳибқирон бир неча кеча-ю кундузни Боғи Чинорда айш-ишрат ва фароғатда ўтказди. Вазири аъзамга, хуррам айём шарофати билан, зиндондаги маҳбусларни озод қилиш ҳақида фармон тайёрлашни топширди. Тўхтамишхоннинг чопари Тармочукқа катта илтифотлар кўрсатиб, эгару от, заррин хилъату мурассаъ камар тухфа айлаб, иззату икром билан Сигноққа кузатиб қўйишларини буюрди. Иттифоқо, шу вазифа Амир Муҳаммад Мирак зиммасига тушди...

Орадан бир ой ўтар-ўтмас, сунбуланинг ўрталарида Кониғилда янграган карнай-сурнай садолари соҳибқирон Амир Темур Кўрагон билан Шаҳрисабз ҳокими Амир Мусонинг қизи Туман оқалар тўйлари бошланганидан хабар берди. Тўйнинг бутун тадорикини кўриш ҳаждан қайтиб келган, энди ҳожи бўлган Амир Сайғиддин некўзга топширилган эди.

Аркони давлат вакиллари, Самарқанднинг казо-казолари, вилоят ҳокимлари, маҳаллалар кадхудолари, атроф қишлоқлардан келган одамлар, турку тожик, арабу ажам барча-барчаси Турон подшосини шарафлаш учун Оқ уй тикланган Кониғилга ошиқдилар. Қирқ қулоқли дошқозонлар бир ҳафта ўчоқ бошидан тушмади, етти кеча-кундуз савту наволар тинмади, машҳур муғаннийлар хизматда бўлдилар. Дор, олов пуркаш, афсунгарлик, кўз боғлаш, чинни ўйин, ёғоч от ўйинлари барчани ўзига чорларди, хўроз ва кўчқорлар жангини томоша қилиш эса жуда мароқли эди. Бир томонда икки доирачи билан найчи нағма қилишмоқда, учта ёш бола эса рақсга тушишмоқда. Доирачилардан бири ҳазил қўшиқ айтарди. Болалар қўшиқ оҳангига мос муқом қилиб ҳаммани кулдираддилар.

Бошқа томонда — чўкки қалпоқли забардаст доирачи билан бошига хўкиз ниқобини кийиб, терига ўранган бақалоқ одам, уларнинг ёнида шолвор кийиб олган, бошида гулдор мўғулча қалпоқли киши — бари бир бўлиб атрофга одамларни йиғиб масхара ва муқаллид санъатини намойиш этишарди.

Ҳов нарироқда Кониғил ичкарасида эса пойга, кўпкари, қовоқ ўйин, тирандозлик, кураш, зўргарлик, чавгон томошалари бўлиб ўтмоқдайди. Чор атрофда сурон кўшган... Ҳар ёқдан қийқириклар, ҳайрат садолари эшитилади. Хосу ом катта-ю кичик ҳамма ўзини эркин сезар, дастурхонлар мўл-кўл эди.

Еттинчи кун, оқшом пайти, — кўк тоқида аллақачон тўйни томоша қилишга иштиёқманд порлоқ юлдузлар жам бўлишиб кўзлари нигорон кутишар эдилар, — оппоқ ҳарир либосга бурканган кичик малика Туман оқани «ёр-ёр ўлан»лар билан Оқ уйдаги гўшангага узатдилар. Сайхонликда катта гулхан ёниб турарди.

*Хай-хай ўлан, жон ўлан-о,
Киройи қиз, ёр-ёр...
Упа-элик кераксиз,
Чиройли қиз, ёр-ёр... —*

янграр эди ўлан садолари Конирил узра...

Туман оқа олтин юганли туя устига ўрнатилган маофада осмондаги ойдай балқиб ўлтирар эди. Олтин юган ой нурида ярақларди. Еру кўкда бу палла фақат икки ой ҳукмронлик қилар эдилар, холос... Кўкда — ой, Ерда — ҳурилиқо келинчак... Куёвнавкарлар қуршовидаги Амир Темур эгнига зар ёқаси шуъла таратиб турган оқ авра чопон ташлаб олганди.

Ёр-ёр садолари яқинлашиб келгани сари жигарсўхта куёвнинг юраги гурс-гурс ура бошлади... Ниҳоят маофа яқинлашди... Ярим йил аввал кўрган тушида фаройиб ҳодиса юз берганди — осмондан ой тушиб соҳибқироннинг қўйнига кирган эди... Туши ўнгидан келганидан боши осмонда Амир Темур суюкли ойимчасини маофадан кучоклаб даст кўтариб олди ва «ёр-ёр»лар, қий-чуву қийқириклар остида гулхан атрофини уч бор айлангач, гўшанга томон йўналди...

Ў Н Т Ў Р Т И Н Ч И Б О Б

I

Хали тўй авжида эканлигидаёқ соҳибқирон элчиликка юборган Давлатшоҳ бахши уйғур ва унинг ўн кишидан иборат ҳамроҳлари Хоразмга етиб борганлари-ю хоразмшоҳ Юсуф Сўфи томонидан зиндон қилинганлари ҳақида хабар етиб келган эди. Аммо буни Амир Темурга билдирмадилар...

Тўй ўтгандан кейин Амир Сайфиддин некўз билан

Мухаммад Чуроға додхоҳ қандай йўл тутиш, вазиятни соҳибқиронга қандай билдириш ҳақида ўзаро кенгаш қурдилар.

— Ҳазратга бу гапни ким айта олади? — сўради Мухаммад Чуроға додхоҳ кўй кўзлари жавдираб, унинг овози одатдагидан ингичка тортиброқ чиққандай туюлди Амир Сайфиддин некўзга. — Хоразмдан яхши хабар келади, Юсуф Сўфи албатта инсоф этагидан тутади, адоват-низолар орадан кўтарилиб кетади, деб юргандилар соҳибқирон. Энди нима бўлади?..

— Аслида-ку, бор хусуматларни сулҳу сафога айирбош қилиш вақти аллақачон етгон... Киши англамаса кийин экан... — деди Амир Сайфиддин некўз. — Хўш... Ким айта олади?..

— Бонуйи кубро улуғ эгачи айтсалар-чи?.. — маслаҳат берди Мухаммад Чуроға додхоҳ бир оз ўйланиб.

— Давлат ишлари бағоят зил-замбилдур, аёл кишига офирлик қилмасмукин... — Амир Сайфиддин некўзга таклиф унчалар маъқул бўлмагани сезилди. — Бу вазифа пири муршид Мир Саййид Барака ҳазратларига таллуқли, назаримда... Хў-ў-ш...

— Қариндош бўлгондан сўнг не заруратки, мухолифат этагини тутадир?.. — деди афсус билан пири муршидга Амир Темур нохуш хабарни эшитар экан. — Тақдирда ёзилғони бўлар экан-да... Кимники ферузбахту саодатманд айлади, у жаҳон ичра тахт соҳиби бўлди. Кимники хору ғамнок қилди, унга хосу ом баб-баравар баҳраманд бўлиб турган офтобнинг ҳам нури тегмади...

— Амир соҳибқирон! Бандасининг тутумларига ҳайрон қолмағайсиз... — таскин бергандай давом этди Мир Саййид Барака. — Ҳаракатга тушган азим тоғлар йўлини тўсғувчи қумтепалар илгидан не келур?.. Аллоҳ кўриб турибди, ўз саяжийангизга муносиб кечиримлилиқ этагини тутиб келмақдасиз... Кенгашим шулдурки, Юсуф Сўфига яна бир мактуб битилсун. Қариндошимиз-да, ҳамиша инсофга келиб қолар деган умид дилимизни ёритиб турадир. Ахир бегуноҳ қонлар тўкилмоғи жоизму?.. Алҳамду лиллаҳир раббил оламин!

«Маъқул дедилар!», «Айни муддао!» қабилида пири муршидни қўллаб-қувватлашди Амир Сайфиддин некўз билан Мухаммад Чуроға додхоҳ.

Ғазаб отига миниб келаётган соҳибқирон бу сўзлар-

дан кейин ўйланиб қолди. Сўнг Мавлоно Убайдни чорлатиб, яхши мактуб ёздирди ва шу кунёқ Ахий Жаббор баҳодирни Хоразмга элчи қилиб жўнатди.

Бу сафар энди соҳибқироннинг кўнгли тўқ эди, Юсуф Сўфи мактубни олгач, албатта адолат сасига кулоқ осадди, инсоф йўлига юз буриб Давлатшоҳ бахши уйғурни зиндондан озод қилади ва омон-эсон юртга қайтаради...

* * *

Ахий Жаббор баҳодир ўз йигитлари билан мезоннинг охирларидагина Хоразмга етиб келди.

Даставвал Гурганждан чиқаверишдаги машҳур Шайх Нажмиддин Кубро макбарасини зиёрат қилдилар, сўнг аср намозини шайхнинг ҳамиша гавжум зовиясига¹ кириб адо этдилар. Наврўздан сўнг киш бўлмас, мезондан сўнг ёз, деганларидай об-ҳавонинг бир оз совиб қолгани сезилди.

Хоразмшоҳлар пойтахти Гурганжда Ахий Жаббор баҳодир кўп бор бўлган. Қутлуғ Темур минораси ёнгинасида жойлашган Қайсария карвонсаройи шаҳарга алоҳида кўрку салобат бахш этиб туради. Бу ер билан Султон Такаш макбараси орасида карвонсарой ва бозор жойлашган. Хоразмшоҳлар саройига боришда карвонсарой чапда қолади, бозор ўнгда... Олти йил аввал келганда бозор кичикроқ эди, энди кенгайиб, дарвозаси ҳам ўзгарибди — жез дарвоза ўрнига нақшиннигор дарвоза ўрнатилибди... Зангори кўлга боришаётган малика Хонзода хоним ва дугоналарини «қароқчи»лардан кутқариб қолганлари ҳов анови муюлишда юз берган эди-да...

Ахий Жаббор баҳодир ўша кунларни эсларкан, мийи-вида кулиб қўйди.

Хоразмшоҳ Юсуф Сўфи Ахий Жаббор баҳодирни келганларининг еттинчи куни — пайшанбада қабул қилди. Одатда шу куни элчилар қабулга кирар эканлар.

Элчилар кўп эди. Ҳеч ким ҳеч ким билан гаплашмас, барча хоразмшоҳ ҳузурига чорлашларини кутарди. Ахий Жаббор баҳодир бирдан тўртта одам нарида яшрингандай бўлиб ерга қараб ўлтирган Тармочукқа кўзи тушди-ю анграйиб қолди! У кейинги пайтларда Тармочукнинг Тўхтамишхон қиличини чопиб юрганлигини яхши

¹ Зовия — хонакоҳ.

биларди. Бу бетайин кимларнинг қиличини чопмади-я. Лекин қандай эҳтиёж туғилдики, Амир Темур Кўрагонга тутинган ўғил бўлган Тўхтамишхоннинг элчиси соҳибқирон билан уруш ҳавосидаги хоразмшоҳ Юсуф Сўфи қошига келади?.. Яқингинада Самарқандга борган эди-ку? Бу ерда нима қилиб ивирсиб юрибди?..

Шу палла Тармочукни ичкарига чорлаб қолишди. Ахий Жаббор баҳодир, хоразмшоҳ кўринишхонасига кириб чиққач, албатта Тармочук билан учрашишни ўйлаб кўйди. Ундан сўрайдиган нарсалари бор.

Амир Темур элчисига бешинчи бўлиб навбат етди. Сарой кўринишхонаси узунлиги ўттиз газ, эни йигирма газ келадиган, шифти баланд деворлари инжа нақшлар билан безатилган кенг хона эди. Мехроб олдида заррин тахтада хоразмшоҳ Юсуф Сўфи ўлтирар, ўнг томонда уламо-ю фузало, чап томонда амирул умаро, бекларбеги ва нўёнлар саф тортиб туришарди. Ахий Жаббор баҳодир улар орасида бекларбеги Хожа Шайхзода, шайхул-ислом Киромиддин ас-Самарқандийларни кўрганига ҳайрон қолмади. Аммо эски танишларини бу ерда учратаман, деб асло ўйламаганди. Сафда... ўзларини Амир Темурдан азият чеккан деб ҳисоблаган, шундан бир-икки йилдан бери шу ерлик бўлиб қолган Маҳмудшоҳ Бухорий, Абу Исҳоқ Ясовурий, Султон Маҳмуд ибн Кайхусравлар аёну ақобирлар қаторида қад ростлаб турардилар.

Уни, айниқса, ажаблантирган нарса Султон Маҳмуд ибн Кайхусравни бу ерда учратиши бўлди. Ажабо, у нима қилиб юрибди? Баланд бўйли, шокоса кўз, шошилиб тупук сочиб гапирадиган, бир гапни икки марта такрорлайдиган бу нокас беш-олти йил аввал Алуфа тавочи билан ҳам бирга келганди. Ўшанда ҳам кимлар биландир учрашиб, пичирлашиб юрганди.

Ахий Жаббор баҳодир юкунуб бориб хоразмшоҳга таъзим бажо келтирди ва соҳибқирон мактубини узатди... Юсуф Сўфи мактубни шу заҳотиёқ ёнидаги мулозимга берди ва «Ўқи!» ишорасини қилди. Юзи япалоқдан келган хоразмшоҳ сал озганиданми ёноқ суяклари бўртиб қолган, соқолига битта-ярим оқ ҳам оралаган эди.

Амир Темур Кўрагоннинг Хоразмшоҳга мактубида даромаддан кейин шундай сўзлар битилганди: «...Под-

шоҳлардин раво эрмаским, боргон элчини банд қилгайлар... Сабабки, аларда гуноҳ бўлмас, алар ҳолис кишилардур... Подшоҳлик русумида бундоқ одат йўқдур. Бас, лозимдурки, элчи Давлатшоҳ бахши уйғурни бизга йиборгайсиз, ортиқ бундай ишларга қўл урмагайсиз, то пушаймон бўлмагайсиз...»

Кўринишхонадаги жимликни фақат хоразмшоҳ Юсуф Сўфининг тишғижирлатишлари бузиб турарди холос.

Ҳеч ким чурқ этмасди.

— Подшоҳлик русумини бизга ўргатибдилар-да... — бир оз жимликдан кейин деди мазах қилиб Юсуф Сўфи. — Элчини юборайликму?.. Бундай ишларга қўл урмайликму?.. Пушаймон бўламизму?.. Оқсоқ подшонинг меҳрибончилигини кўрингиз! Хо-хо-хо!.. Бир насихат айлай дебдилар-да...

— Насихатларини кўрингиз!

— Меҳрибончиликларини ўзларига қилсунлар!

— Хо-хо-хо!.. Ана, Темур оқсоқнинг марҳамати!

— Шохимиз насихатга муҳтож эмаслар!..

Атрофдан ана шундай сўзлар ёвилар, Ахий Жаббор баходир ўзини игна устида ўлтиргандай сезарди. Бир муддат шундай сурон давом этди, ҳар ким нимадир деб ўз норизолигини, таажжубини ошқор айлади.

Даргазаб бўлган Юсуф Сўфи уч бор қарсақ урди. Эшикдан аввал мулозим, кейин икки ясовул кириб келдилар.

— Тездан Тўй Буға ўғрини бу ён чорла! Уни тўхтата оладиган куч йўқ. Фармон қилғилки, Бухоро томонларга от солсун! Вилоятни ғорат этсун, турку тожикнинг мол-мулк, теваларини суриб қайтсун!..

Ахий Жаббор баходир қотиб қолди! Нахотки Хоразмшоҳ бундай тутумнинг беокибатликка олиб келишини идрок этмаса! Қариндошнинг юзига оёқ қўйиш Аллоҳга ҳам, бандасига ҳам ёқмаслигини англамаса! Мадҳиябоз хушомадгўйлар сўзига қулоқ осса!.. Амир Темур элчиси Тўй Буға ўғрини ўтакетган шафқатсиз каллакесар деб эшитган эди.

— Мана бу элчини бўлса... — Ахий Жаббор баходирни кўрсатиб деди бирдан Хоразмшоҳ. — Банд этиб, зиндоннинг энг чуқур катагига ташла! Каналарга талашиб ётсун!.. Бундан кейин дардағали мактублар олиб келмайдургон бўлади!..

Ахий Жаббор баходир Хоразмшоҳнинг охирини ўйламай қилинган кутилмаган фармонидан ханг-манг эди. У бирон нарса деб ҳам улгурмади. Икки ясовул унинг қўлларини қайриб диканглатиб олиб чиқиб кета бошладилар. Ахий Жаббор баходирнинг кўзи, иттифоқо, Султон Маҳмуд ибн Кайхусравга тушиб қолди: у мийиғида кулиб қараб турарди.

Султон Маҳмуд ибн Кайхусрав Хоразмшоҳга юзланди:

— Ҳимматларига офарин! Ҳимматларига офарин! — Унинг шодлиги чексиз эди. — Шавкатли подшоҳнинг тутуми шундоқ бўладир! Кўнглимизда худди шуни тилафон эрдик... Бу бадбахтнинг тўғри жазосини бердингиз!

— Темурланг нимасига чиранади?.. — озғин, новча, эркаксабзига ўхшаган, тепакал Маҳмудшоҳ Бухорий битта ҳам сочи қолмаган тақирбошга айланганди. — Ўзи яримжон, бир оёғи чўлоқ, бир қўли ишламайди... Ҳе-хе-хе... Агар жанг қилсам борми, бир ўзим саранжом қилиб ташлардим. Ваҳмаси бор холос. Ундан асло ҳайиқмаслигимиз керак, подшо хазратлари!

Абу Исҳоқ Ясовурий ҳам нимади деб минғирлади, аммо гапини ҳеч ким тушунмади.

— Нима десам... — сўзга қўшилди барвастандан келган бекларбеги Хожа Шайхзода. — Тўхтамишхон элчисининг келгани аъло иш бўлди. Чунки Амир Темурдай подшо билан ёлғиз туриб курашиб бўлмайди, бизга шериклар керак... Тўхтамишхон билан иттифоқ қўлимизни узун, белимизни бақувват қилгусидур...

Бошқалар гапга кулоқ солиб туришар, аллақандай истиҳолада сўзга қўшилишмасди.

Юсуф Сўфи тишларини бир ғижирлатиб қўйди, бу Хоразмшоҳнинг сўзга оғиз очишидан далолат эди. Барча унга юз бурди.

— Бир ой аввал Тўхтамишхон жанобларига элчи юборғон эрдим... — деди Юсуф Сўфи. — Ва унга таваккал қилиб ашаддий душманамиз оқсоқ Темурга қарши бирга курашишни таклиф этгандим... Албатта, у тутинган ўғил, лекин ўғиллар... айниқса, тутингани отага энг биринчи душмандир. Буни билишимиз керак... Ҳе-хе-хе... Ахир «ота» соҳиби давлат, ўғил эса қарам ҳисобланади... Шайхулислом жаноблари не дейдилар бунга?

«Офарин!», «Мантиқнинг теранлигини кўрингиз!», «Ақлу идрокларига ҳасанот!» сингари мактовлар эшитилди.

— Подшоҳим... — шу пайтгача жим ўтирган шайхулислом Киромиддин ас-Самарқандий сўзга қўшилди. У «Амир Темурни ота тутиб, унга вафо қилмагон одамга ишониш мумкинмикин?.. Ҳар нечук, хушёр бўлмак жойиздур...» демоқчи эди, негадир фикридан қайтди ва қўлини кўксига қўйиб деди: — Биздан кўра ўзлари йирокни авлороқ кўрадурлар, биз ақли қосирлар илғамаган ерларни фахму идроклари ила осонроқ илғаб оладурлар... Ақлу идрокингизга тан бермай илож йўқ, хо-размшоҳ ҳазратлари!..

Киромиддин ас-Самарқандий ортиқ бирон сўз демади.

Шайхулисломнинг аждодлари асли Самарқанддан келиб қолгандилар. Муҳаммад Хоразмшоҳ замонида бешинчи бобоси шайхулисломлик мартабасида эди, падари бузруквори тақводор Жалолиддин ас-Самарқандий эса энг буюк сўфийлардан бўлиб, шаҳардан чиқаверишда Шайх Нажмиддин Кубро мақбарасига яқин ердаги зовияда шайхлик қиларди. Машҳур араб сайёҳи Ибн Баттута милодий 1338 йилда Хоразмга келганида айнан шу шайх уйида меҳмон бўлганди.

— Тўхтамишхон ҳозир Сарой мамлакатига борди, амир Мамоқ элини мусаххар қилди, Жўжи улуси барчаси унга муте бўлди... — давом этди Хоразмшоҳ. — У энди Мангқишлоқ ҳокими Тўйхўжа ўғлон фарзанди эмас, балки бир пайтлар Ўзбекхон тасаруф этган Олтин Ўрда хони! Ўрусхонни тахтдан ағдарган валлакат! Кейин улуг Чингизхон авлоди бўлган Тўхтамишхон қандайдир даштдан чиққан номсиз амирнинг ўғли бўлиб қола олмайдур. Олтин Ўрданинг хони бировга муте бўлар эмишму?.. Ҳеч жаҳонда шундоқ бўлганму?.. Асло! Асло!

Хоразмшоҳ Юсуф Сўфининг гаплари мантиқли эди, бу хаммани ўйлантриб қўйди.

— Шохим! — Яна мурожаат этди Султон Махмуд ибн Кайхусрав таъзим бажо келтириб. — Шохим!.. Ўзингиз биласиз, падари бузрукворимиз Амир Кайхусрав Хутталоний Кўрагоний худо раҳмати хоразмшоҳ Ҳусайн Сўфи жаноби олийлари билан эскидан садоқатли дўсту кадрдон эдилар, дўсту кадрдон эдилар... Улар бизга ибрат-

дир... Тўхтамишхон жаноблари билан «борди-келди» мизни яхшилашимиз даркор! Эҳтимол доимий бир одамингиз унинг хузурида бўлсун, дер эдим, хузурида бўлсун, дер эдим... Лозим топсангиз, каминани ўша юмушга юборингиз, у ерда кўз-қулоғингиз бўлайин, ҳамма нарсадан хабарлар етказиб турайн, жону имонимни бериб хизматингизни қилайн, хизматингизни қилайн!.. Тўхтамишхонга ахир Туркистонзаминга борса гажарчи¹ ҳам керак бўлар... Амир Темур падари бузрукворимиз Амир Кайхусрав Кўрагон Хутгалоний хизматидан роса фойдаланиб тахтга минди, фойдаланиб тахтга минди... Кейин уни қатл этдирди... қатл этдирди... Ха-а... Хаммаси эсимда...

Султон Маҳмуд ибн Кайхусрав жануб ёқдаги деразага тикилганча негадир Юсуф Сўфига ўхшатиб тишларини вижирлатиб қўйди.

Хоразмшоҳ «Маъқул!» дегандай билинар-билинмас бош ирғади.

II

Тарих 780-хижрий кўй йили, шаввол ойи² кун Хут буржиги борганда Амир Темур зафарқарин кўшинини бошлаб Хоразмга отланди. Хоразмшоҳ Юсуф Сўфининг кажбахслиги, кераксиз ғурудан ҳаво пайдо қилган тутумлари, элчиларга ўтказган ўринсиз зугумлари, Кот, Хива ва Бухоро вилоятларига чопқунлар уюштиргани, мусулмонларнинг молларига тама кўзи билан қарагани бунга сабаб бўлди. Соҳибқирон ёнида подшоҳлик бўстонининг гули, жаҳон амирзодаси Умаршайх Мирзо, Амир Жоку барлос, Амир Сайфиддин некўз ва бошқа амирлару баходирлар шиддат билан борардилар. Ададсиз лашкар Хоразм қалъасини ўраб олди, атрофдаги барча йўлларга қоровуллар қўйилди. Лашкар кеча-ю кундуз сурон солиб ваҳима қилиб чиқар, олам зилзила бўлгандай титрарди...

Хоразмшоҳ Юсуф Сўфи пойтахт остонасидаги улкан лашкарни кўриб турар, юрагини тобора кўрқув-ҳарос камрар, умидга жила бўлсин жой қолдирмасди. У Амир

¹ *Ғажарчи* — йўл бошловчи.

² Милодий 1379 йил, март-апрел ойлари.

Темурнинг шундоқ кўшин билан келади, деб асло ўйламагани.

Баридан ҳам, қалъа қаршисида катта иморат тиклашга киришганлари ошиб тушди. Очикдан-очик ҳисор солишмоқда! Тингчилар, Турон султони бу саройни ўз хосаи шарифи учун қурдираётганини айтишди. Шунчалар беписандлик бўладими? Эшигининг тагида душман келиб хотиржам ўзига уй қура бошласа!.. Бу билан Амир Темур икки қуённи урмоқчи. Аввало, мен Чигатой улуси ворисидурмен, бу жойлар меники, хоҳласам уй қурамен, хоҳламасам йўқ, демоқчи; сониян, Турон султони хоразмшоҳни жилла бўлсин назарига илмаслигини кўрсатиб кўймоқчи! Юсуф Сўфини ғазаб исканжага олди. У бетиним тишларини гижирлагарди.

Шошилич машварат чакирилди...

— Нима десам... — биринчи бўлиб сўз олди бекларбеги Хожа Шайхзода. — Нима дейишга ҳам хайронмен... Шоҳим! Тан олиш керакки, бу беаёв кўшинга ҳеч нарса бас келолмайди... Чора — сулҳ тузмакда... дейишга журъат этамен...

— Жанг қиламиз! Сулҳ тузмаймиз!.. Ўлсак — ўламыз, қолсак — қоламыз! — деди ғазабда Маҳмудшоҳ Бухорий.

Ўз хаёллари билан машғул Юсуф Сўфи индамасди. Шайхулислом Киромиддин ас-Самарқандий гапга аралашди:

— Хоразмшоҳ хазратлари! Бу тўфонга рўбарў бўлмакдан худо асрасун! Кўнгилни чўқтирмангиз! Қадим паҳлавон подшоҳлар тутумини қилмак керак...

Шайхулислом нимадир айтмоқчи бўлди-ю негадир жим қолди. Шу палла Султон Маҳмуд ибн Кайхусрав дадил сўз олди:

— Шайхулислом жанобларини тушунгандай бўлдим, шоҳим! Фикримча, рост дедилар! Қадим паҳлавон подшоҳлар тутумини қилайлик! Хоразмнинг паҳлавон подшоҳи эурсиз ахир... Эски тажрибалар доим кишига қўл келадур... Мен сизга айтсам, ҳеч тап тортмай Амир Темурнинг ўзини жангга чақирингиз!.. Ҳа-ха, ёлғиз ўзини жангга чақирингиз!

Ҳамма ялт этиб хоразмшоҳга қаради. Султон Маҳмуд ибн Кайхусрав давом этди:

— Уни албатта жангга чақирингиз! Бу мардоналик белгиси бўлур! Ул киши яримжон, бир оёғи чўлоқ, ногирон,

юрганда ҳам оқсаб зўрға юради. Ўнг қўли майиб, ишга ярамайди... Яримта одам-да, яхши биламен! Қандай жанг қилади?... Йў-ў-ў-ўқ! Қилолмайди! Ахир қилични ўнг қўлда тутиш боболардан бизга мерос-ку! Аввало, у жангга чиқмайди, жуда ориятли одам, шарманда бўлишдан кўрқади. Борди-ю чиқса ҳам, сиз ўз шижоатингиз билан бешубҳа уни енгасиз, енгиб чиқасиз!.. Нима жони бор!..

Шайхулислом бу сўзларни эшитаркан, ичида бундай ўйларди: «Адолатли бўлади... Агар икки хукмдор жанг қилса, нари борса бир одам нобуд бўлади... Юрт, элу халқ омон қолади-ку!..»

Таклиф оҳанрабодай барчанинг диққатини ўзига тортди.

— Тўғри айтдилар... — деди Маҳмудшоҳ Бухорий гапга пишанг бериб. — Тўғри айтдилар! Шундай қилингиз, подшойим! Бир шарманда бўлсун ҳамманинг олдида! Оҳ, сизнинг олдингизда товукдай писиб қочганини, эмаклар тўнингиз пешини ўпиб, ялиниб-ёлворганини бир кўрсам эди, армоним қолмасди!.. Кўрсам эди!.. Аммо у кўрқади, чиқмайди, мана кўрасиз!..

Маҳмудшоҳ Бухорий бўркини олиб, терлаган тепакал бошини хузур қилиб артар эди.

— Агар шоҳим ижозат берсалар, ўзим чиқар эдим ўша оқсоқ билан саваш қилгани! — гердайганча макта-ниб юборди шу палла Султон Маҳмуд ибн Кайхусрав. — Ўзим гумдон қилар эдим, гумдон қилар эдим! Унинг мучали сичқон-ку!.. Хе-хе-хе! Сичқондай қочирардим, чийиллатиб!.. Ха!..

— Уники сичқон бўлса, сизники йўлбарс, подшойим! — орага гап қистирди Маҳмудшоҳ Бухорий...

Бошқалар ҳам кўпдан орзу қилиб юрган нарсасига энди эришган одамдай мамнун Хоразмшоҳга тикилдилар... Ҳамма бу таклифга олий ҳазрат жаноблари қандай қарар эканлар, деб жонҳалак эди.

Чошгоҳга бормай Амир Темур хоразмшоҳ Юсуф Сўфидан шундай мазмунда қисқа мактуб олди: «...Биз икки кишини деб, қачонгача мусулмонлар азоб чекадурлар, икки одам деб бир жаҳон хароб бўладур? Бас, Ҳаққа таваккал қилиб, эл олдида ялғуз иккимиз майдонга тушиб урушқайбиз!.. Кўрайлик-чи, тақдир кимга жабру кимга меҳр инъом айлағай, кимни сарбаланду кимни хор қилғай...»

Амир Темур мактубни ўқиб қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди. Бу кулгуга аччиқ заҳарханда оҳанг қоришиб кетганини ҳамма сезиб турарди. Амир Жоку барлос ичида: «Аттанг!..» деб қўйди. Амир Сайфиддин некўз кўп бор кузатган, бундай ҳол соҳибқиронда камдан-кам юз берарди. Атрофдаги беклар барча соҳибқиронга таажжубда қарадилар.

— Худодан ушбуни тилар эрдим, жаноблар! Халлоқи безаволга салламноки, тилагимга еткурди!.. Жангларга кирмагонимга хийла бўлди... Кудамиз менинг ташвишимни чекиб, жанглар русумини унутмаслигимни истабдур, майдонга чорлабдур... — Мамнунлиқдан Амир Темурнинг катта-катта кўзлари чарақлаб ёнарди. — Хоразмшоҳ Турон султони билан ёлғиз жанг қилмакчи бўлибдур!.. Ўзим ҳам шундай орзуда эрдим, бироқ қариндошлиқ эҳтироми юзасидин бунга андиша қилардим холос. Тездан уруш анжомимни келтурингиз!..

Соҳибқирон шиддат билан отга минди ва ҳисор томон юра бошлади. Ҳанг-манг бўлган беклар йўлни тўсишга уриниб: «Амир соҳибқирон! Бу феълингиздан қайтингиз!», «Тўхтангиз!..» «Бормакка маслаҳат бермас биз!..» қабалида ёлвордилар, аммо улуғ амир ҳеч бирига илтифот қилмасди.

Умаршайх Мирзо илтижоли кўзларини Амир Жоку барлос билан Амир Сайфиддин некўзга тикди, ҳушёр Амир Сулаймоншоҳ ҳам улар ёнига етиб келди. Амир Жоку барлос жойидан жилмади, чунки бундай ҳолларда соҳибқиронни йўлдан қайтаришга уриниш бефойдалигини яхши биларди. Амирзода билан икки амир беихтиёр боришиб, соҳибқирон отининг жиловидан тутишиб, йўлга туриб олдилар.

— Ҳазрат соҳибқирон! Шафқат айлангиз! — зори тавалло қилди Амир Сайфиддин некўз... — Фалокат оёқ остида, дейдилар. Бизни гуноҳга ботирмангиз! Катта гуноҳнинг тагида қолғоймиз! У дунё-ю бу дунёмиз куйиб кетадур! Аллоҳга шукур, ҳали ўлғонимиз йўқ! Ёнингизда турибдурмиз!.. Куллари тирик туриб ҳазратнинг урушқали бормоғи раво эрмасдур!..

Амир Сайфиддин некўзни Амир Темурнинг ўнг қўли ногиронлигидан жангда мушкуллик туғилиши мумкинлиги ташвишга соларди.

— Раҳмингиз келсун, эй валинеъмат соҳибқирон! —

ялинди Умаршайх Мирзо... — Мени юборингиз! Мен борурмен!.. Ахир мен бормен-ку!.. Мен!..

Амир Сулаймоншоҳ ҳам қараб турмади:

— Мен чиқамен, Амир соҳибқирон!.. Мен!.. Нега қараб турар эканмен!..

«Биз бормиз!», «Биз бормиз!..» — дейишарди бошқа амирлар ҳам илтижолар ила соҳибқирон отини ўраб олишиб...

Амир Темурнинг кўзларида фавқулодда қаҳру ғазаб учқунлари чақнади. Унинг чехрасида ҳалиги мамнунликдан асар ҳам кўринмасди.

— Четланингиз!!! Турон султони Амир Темур Кўрагонни шарманда-ю шармисор қилмакчимусенлар?! Майдонга тушмакка журъат этмади, жангдан қочди, қўрқди, писди, деган тавқи лаънатни унинг бўйнига илмакчимусенлар?! Ҳар қандай қудратли бўйин ҳам бундай тавқи ланъатни кўтармакка ожизлик қилур!.. Бундоқ бўлгандан кўра майдонда мардона ўлмак афзалдур! Бас! Қочингиз йўлдан!.. Четланингиз!.. Четланингиз, деяпмен!!!

Амир Темур отига шиддат билан қамчи урди! Қанча қаттиқ тутмасин, отнинг жилови Амир Сайфиддин не кўзнинг қўлидан силтаниб чиқиб кетди! Атрофни қамраган Турон кўшини, амирлару баҳодирлар, навкарлар барча юракни ҳовучлаб соҳибқиронни кузатиб туришарди. Чунки кўзи пишган жанг кўрган саркардалар ҳам шундоқ — худди эртақларда бўлганидай икки подшоҳнинг куппа-қундузи лашкарлар кўз ўнгида жанг қилганларини эслай олмас эдилар.

Бир зумда хандаққа етган Амир Темур ҳисор томонга қараб қичқирди. Унинг ўктам овози борлиқни жанранглатиб юборгандай бўлди:

— Хоразмшоҳ Юсуф Сўфига айтингиз: биз унинг сўзи билан келиб турубтурбиз! Унинг шавкат соҳиби эканини билурмиз! Бас! Ваъдага вафо қилсун, шаҳардан чиқиб маъракаи майдонга тушсун! Кўрайлик, худо кимга нусрат бергай!..

Бутун борлиққа сукунат чўкди. Атрофни қуршаган Хоразм ва Мовароуннаҳр аскарлари нафас ҳам олмай вазиятнинг нима билан тугагини кутарди. Осмон тип-тиник, вақт чошгоҳдан ўтганди.

Аммо ҳисор томондан ҳеч ким чиқмади, бирон садо ҳам бўлмади. Соҳибқирон, оти бир жойда тўхтамасдан

сабрсизлик билан ер тепиниб у ёқдан-бу ёққа юрганидан, дам-бадам жиловни тортиб-тортиб кўярди. Атрофдан ҳеч қандай сас эшитилмас, хандақ ёнлари, теваарак майдон сув сепилгандай жимжит эди.

Хануз хоразмшоҳ Юсуф Сўфидан жавоб келмасди.

Бир оз фурсат кечди.

Амир Темур юқоридаги даъватини яна такрорлади.

Яна натижа бўлмади...

Хоразмшоҳ барини ҳисордан кўриб турарди. У таваккалчиликка бориб, Амир Темур зинҳор урушга чиқмайди, деган ўйда катталик қилиб юборганди. Соҳибқироннинг майдонга дадил кириб келиши, унинг ҳайбати хоразмшоҳнинг кўнглига қаттиқ кўрқув солди, ичида ўз қилмишидан пушаймон бўлди. Аммо энди кеч эди. Уни бу жангга гижгижлаб маслаҳат берганлар эса лом-мим дея олмасдилар.

Амир Темурнинг:

— Ҳар кимки сўзига вафо қилмас, тирик юрғондан кўра ўлғони яхшироқдур!.. — деган сўзлари хоразмшоҳ кулоғига етди шу палла...

Соҳибқирон курашга тушиб талабгор чиқмаган полвондай мағрур майдонни яна бир неча бор айланди, сўнг қийқириклар остида кўшин ёнига голибона қайтиб келди. Барча амирлардан тортиб навкарларгача соҳибқироннинг журъату жасоратидан ҳайратда қолдилар. Сурон кўлди:

— Соҳибқиронимиз омон бўлсунлар!

— Баҳодирлиқларига офарин!

— Офарин! Ур-хо-о!..

— Аҳсанта! Аҳсанта!..

— Амир соҳибқирон пойдор бўлсунлар!..

— Дунё тургунча турсунлар! Ур-хо-о-о!..

Беклар келишиб ботир ва кўрқмас Амир Темур узангисига лаб қўйишар, доводий совут пешини тавоф айлаб ўйишар, фахру ифтихор туйғуларини аён этишарди.

Атрофдан ёғилаётган олқиш садолари қулоқларни тешгудай бўлиб ҳисор девори оша Юсуф Сўфига ҳам баралла эшитилиб турарди.

Шу пайт мамлакатнинг жанубидан — Термиздан «омонлиқ-сомонлиқ»қа эрта пишган илк қовундан юборганларини маълум қилдилар. Юртда йилнинг энг биринчи пишган меваларини Турон султони Амир Темур Кўрагонга илиниш одат тусига кирганди, илк меваларни энг

аввал соҳибқирон татиб кўрарди. Хоразмда ҳали қовун пишмаган эди. Амир Темур хурсанд бўлиб кетди:

— Бу яхшиликкадур. Юсуф Сўфи бизга ўтру ўлтирибдур. Ўринсиз муҳолифатга боргон бўлса ҳам, қариндош эканлигимизни унутмайлик. Биринчи қовунни усиз ёлғиз ўзимиз тановул айласак бўлмас... — деди. — Қовунни олтун табаққа солиб қудамизга ҳам юборилсун!

Хоразмшоҳ тутумидан кўнгли зада бўлган Амир Сайфиддин некўз эътироз билдиргандай деди:

— Бир қошиқ қонимдан кечасиз, Амир соҳибқирон. Олтун табақ ҳожат эрмас шекилли... Хў-ўш... Ёғоч табаққа солиб берсак кифоя қилур, балки...

Соҳибқирон норизо бўлгандай қовоқларини уйди:

— Йўқ... У ҳолда ҳимматимиз қусурли бўлиб қоладур... Юсуф Сўфи хоразмшоҳ эмас, энг аввало менинг қудам бўладур, некўз жаноблари! Буни унутмангиз!

— Узр сўраймен, Амир соҳибқирон! — таъзим қилди Амир Сайфиддин некўз...

«Юсуф Сўфи бундан кейин бизга дўст бўлиб қарамоғи аниқдур! Худо инсоф берсун... — хаёлидан кечирди Амир Темур. — Ёғийлигу адоват унсу улфатга айлансун, орада ширинлик бўлсун, деб қовун йўлладим... Дарҳол таъзиму ҳурмат мақомида узр сўрайдур ва қучоқ очиб келадур, чандон тухфа-ю инъомлар қиладур...»

Амир Сулаймоншоҳ қовунни соҳибқирон айтгандай қилиб хандақ бошига элтиб қўйди-да, ҳисор томонга қараб кичқирди. Унинг бўйдоқларникидек дўриллоқ овози хийла салобатли эшитилди:

— Амир соҳибқирон хазратлари биринчи қовунни қудаларига юбордила-а-а-ар!.. Юсуф Сўфи жаноблари насибаларини олсунл-а-а-ар!

Барча узилган ипни улаш, қариндошчиликни тиклашнинг яхши имкони туғилганидан мамнун энгил нафас олди...

Хоразмшоҳ Юсуф Сўфи бу пайт алам ичида қоврилиб ётар, ўзи жангга чорлаб туриб кўркиб чиқмай шарманда бўлганидан, ўйламай қилган тутуми душмани шуҳратига шуҳрат қўшганидан ўзидан ўзи қаттиқ ғазабда, нима қилишини билмасди. Шундай ҳолатда шайтон киши ҳушини ўғирлаб, ақлини терс ишлатиб қўяди... Орага ширинлик солиши керак бўлган қовун худди захарлангандай Хоразмшоҳ қаҳрини бадтар аланга олдирди. Унинг

назарида, Амир Темур унинг устидан кулаётгандай бўлиб кетди. Кулганда ҳам масхара-ю мазах қилиб кулмоқда! Қовуннинг юборилиши гўё ит олдига сўнтак ташлагандай туюлди хоразмшоҳга... Гўё, мана бу қовунни егину сасингни чиқарма, дарров бўйин эгиб қалъангдан чиқ, деяётгандай эдилар. Юсуф Сўфининг сабр косаси тўлди: тоқай у, Хоразм эли оқсоқ Темурдан азоб чекадур, харосу кўрқувда титраб қақшайдур? Хавфу ҳадикда кун кечирадур?..

— Биз оқсоқ Темурнинг илтифотига мухтож эмасмиз! — деб юборди бирдан Юсуф Сўфи ғазаб билан тишларини гижирлатиб. — Қовунни хандакқа отингиз! Олтун табақни дарвозабонларга ташлангиз!.. Мухтожлигимиз йўқ!.. Билмаганлар билиб қўйсун: мени хоразмшоҳ дейдилар! Бекларбеги Хожа Шайхзода жаноблари! Дарвоза очилсун! Урушқа отланиб турган номдор мардлардан иборат Хоразм лашкарини жангга бошлангиз! Ёғийга омон йўқ!.. Омин, Аллоҳу акбар!..

Шайхулислом Киромиддин ас-Самарқандий: «Хай! Хай!..» деганча сўзи оғзида қолди. Хожа Шайхзода ичиди: «Аттанг... Ярашмоқлик фурсати келган эди, яхши фурсат эди-я!..» деб қўйди... У аламдан бирон нарса деб юбормаслик учун тишини тишига қаттиқ босди, орага қириб қолган қалин лаблари қонаб кетди.

Ҳар томонда: «Ёғийга омон йўқ!», «Ур-ҳо! Ур-ҳо!..», «Омин, Аллоҳу акбар!..» сингари хитоблар янграрди.

...Амирзода Умаршайх қўшини Хожа Шайхзода лашкарига рўбарў чикди. Қирғину қатли ордан олам қоронғу бўлди.

Шаҳар қамали уч ярим ой давом этди. Бу орада соҳибқирон ўз хоссаи шарифи учун барпо этаётган сарой ҳам битиб қолди. Учинчи ойга борганда Хоразм қўшинининг шиддатлари сусая бошлагани сезилди. Егулик-озикнинг чўғи ҳам камайиб борарди... Катта манжаниқдан отилган тошлар хоразмшоҳнинг кўрғон буржида жойлашган қасрини кўпоришга турди. Нақшиннигор дарвоза қулагандан кейин Амир Темур қўшининининг зафари аён бўлиб қолди.

Юсуф Сўфи аҳволни кўриб, руҳан эзиларди. Оқибатда бедаво дард унинг ёқасидан тутди, ададсиз ғаму андуҳда жон омонатини ўз эгасига топширди.

Соҳибқирон бу хабарни эшитиб изтиробда қолди. Ҳар-

нечук, куда-қариндош эди... Инсон қисмати ҳақида ўйлар экан, хаёлидан шундай ўйлар кечди: «Эй инсон, худонинг бечора бандаси! Сен ўзингни биласенму? Сен вужуд қафасида бир сониялик нафасдурсен холос. Умринг чохи адам сари бир қадамга жо бўлади. Кечадан кундузга, кундуздан кечага ета олишингга асло ишонч йўқ бўлган ҳолда, нечуи ўз вужудингни хирсу хузурларга чирмайсен, қалбинг тубини гардуннинг бўлар-бўлмас хою ҳаваслари билан тўлдирасен?...»

Бу гаплар, барчага, жумладан Юсуф Сўфига ҳам, ўзига ҳам тегишли эканлигини соҳибқирон юракдан ҳис қилди.

Зафарқарин қўшин шаҳарга ёпирилиб кирди. Ҳисор деворининг кўп жойларидан раҳналар очилди. Гуриллаб яшнаб турган Гурганж харобага айланди, кўп одамлар асир олинди, талон-торожда ҳадсиз молу манол гоилилар қўлига тушди.

Хумоюн ўрдудан бўлган фармонга кўра, Амир Сайфиддин некўз билан Умаршайх Мирзоларга шаҳар донишмандлари, ҳунарманд ва касб-кор усталарини биронтасининг ҳам бурнини қонатмай Самарқанд билан Шаҳрисабзга кўчириш вазифаси топширилди. Соҳибқирон режаси бўйича, Шаҳрисабзда мустаҳкам қалъа солиниши ва ҳашаматли Оксарой иморати қурилиши керак...

Ў Н Б Е Ш И Н Ч И Б О Б

I

Ушбу воқеалардан йигирма уч йил муқаддам Амир Темур Шаҳрисабзда Бобо Али Шох деган авлиё зиёратига борганда, авлиё унга: «Тангри таоло букюрганки, агар кўкда икки худо бўлса жаҳоннинг иши бузилур!», деганди. Ва шу захоти Куръони каримдан фол очганда: «Инна жаалнока халифатан фил арз!», яъни: «Сизларни Ер юзида халифа қилдук» ояти чиққанди. Йигирма тўққиз ёшли амирлашкар ўшанда хайратидан ёқа ушлаб қолган, шижоати ортиб, кўнглидаги мақсадлар йўлида интилишлари қатъийлашган эди. Соҳибқироннинг фикрича, дунёда бир подшо бўлса, эл, улус, раоё ва бароё хотиржам яшайди, чунки бир-бирига дахл этгувчи, ид-

дао қилгувчи подшолар йўқ , урушнинг дасти қирқилади, олам бузилмайди, адолат устунлари устувор қолади.

Амир Сайфиддин неқўз ҳаж сафаридан қайтиб келганда Хуросон, Эрон, Мозандарон ва бошқа мамлакатларда ҳар музофотда бир кас бош кўтариб подшоҳлик қилишини, ҳар бир кенту шаҳар фитналар уясига айланиб қолганлигини, юртлар бесаранжомлик ва жанжаллар тўрига чулғанганини айтиб берди. Айни пайтда Эро-ну Хуросон тарафлардан юртимизга таҳдидлар ҳам бўлиши мумкин, деб қўшиб қўйди. Бунинг, албатта, олдини олиш лозим...

Амир Темур буни эшитгач, саъжиясига кўра дарҳол Хуросон томонларга отланиши керак эди, бироқ Турон мамлакати тўла мусаххар бўлмаганлиги сабабли ҳали бунинг фурсати келмаганлигини идрок этди. Бас, жаҳонгирлик масъулияти энди уни дадил қадам ташлашга ундамоқда...

Хуросон тарафларга мутаважжих бўлишдан аввал, соҳибқирон ўн тўрт ёшли амирзода Мироншоҳ Мирзони Хуросонга юборди ва музофотда ўзининг ноиблигига номзод қилди. Амир Сайфиддин неқўз, Амир Шохмалик, товоқ юзли, кетмонсоқол Амир Оқ Буға найман, Мубашшир баҳодир ва бошқа кўп номи чиққан амирлару баҳодирлар ҳазрат шаҳзода мулозаматига бел боғладилар. Амирзода Мироншоҳ Мирзо қишни Балхда ўтказди.

Тарих милодий 1381 йил баҳорида, табиат ям-яшил либосга ўранган, анвойи гуллар билан безанган бир фаслда соҳибқирон Хуросон томонга юз буришга қарор берди. Товуқ йили эди, бу лашкар орасида бир оз мутойибага ҳам сабаб бўлди: «Ҳазрат соҳибқирон душманларини қувишга борадилар, улар товукдай қочиб қоладилар!..» сўзлари навкарларга жуда нашъа қиларди. Лашкароҳга айланган Қарши чўли чодире байроқлар, оқ уйлару боргоҳлар, олачику шомиеналардан обод бўлиб кетди. Ҳар ёнда лашкару сипоҳ гуррас-гуррас кезиб юрар, йўлга чиқиш ҳақидаги олий фармонни интиқлик билан кутарди.

Ниҳоят чўл осмонида бурғулар овози янгради ва беҳисоб қўшин йўлга чиқди. Омуя¹ сувига етганда кечув-

¹ Амударёни ўрта асрларда шундай деб ҳам атардилар.

дан олдин қўшинга озгина дам берилди. Кун исиб кетди. Ташна бўлган навкарлар дарёдан қалқонларда сув олиб ичардилар. Отлар худди онасининг елинини туртиб-туртиб эмган қулундай, она дарёга тумшукларини тикиб чанқовини қондиришарди.

Қўшин уч кундан кейин Андхойга етиб келди. Андхой пири муршид Мир Саййид Баракага хумоюн ўрдудан суюррол қилиб берилганди. Қайси юртга борса, энг аввал азиз-авлиёлар зиёратини одат қилган соҳибқирон, пири муршиднинг Самарқандда берган кенгашини эсда тутиб Андхойда Бобо Сангув деган авлиёни тавоф этишга борди.

Замона авлиёларидан саналган, дунёдан Холиқи аъзамга муҳаббатдан ўзга илинжи йўқ Бобо Сангув етмишларга бориб қолган нуруний бир мўйсафид эди. У шаҳар четида, ташландиқ боғ этагидаги вайрона янглиғ кулбада гўшанишинликда ҳаёт кечирарди. Парвардигорнинг ўзига така қилган авлиё азбаройи ишқининг оташноклигидан тез-тез жазаба ҳолатига тушар, шавқ билан айтилаган такбирлар садоси кўчага ҳам эшитилиб турарди. Соҳибқирон кулбага яқинлашиб келар экан, шундай сўзлар қулоғига чалинди:

— Ёлғиз ўзингтагина сифинурмен, ҳеч нарсани шерик қилмасмен!..

Бобо Сангув соч-соқоллари ўсган, ўртача жуссали одам бўлиб, унинг бутун шижоати ёшига муносиб бўлмаган чарақлаган катта-катта кўзларида мужассам эди. У соҳибқиронга бамисли вужудини тешиб юборадиган алфозда кўзларини қадади:

— Баракалло!.. Сидқу ихлослари пок қалбларида мужассамдур! Аён! Аён... Ота-онам сизга фидо бўлсун! Бир қатим зиёрат қилғонларига қуллуқ!..

Амир Темур бу сўзлардан қалбида меҳр туйди. У авлиёнинг қўлини ўпди, этаklarини кўзларига суртди.

Шу палла қутилмаган воқеа юз берди. Бобо Сангув ўрнидан турди-да, кулба ичидан янги сўйилган қўй тўшини олиб чиқиб, соҳибқирон томон узатди... Амир Темур тўшни оларкан, буни яхшилик аломати деб билди, авлиёнинг тутуми сабабини тушунгандай бўлди-ю беихтиёр:

— Хуросонким, ер юзининг тўши эзур, иншооллох, тангри бизга бергувсидур!.. — деди кўнгли ёришиб.

Авлиёнинг қўй тўшини узатиши — Хуросон қўлингиздадур, деган маънони англатарди... Бобо Сангув соҳибқиронни кўндан-кўп дуолар билан сийлади.

Амир Темурнинг юрт сардори сифатида Хуросон томонларга илк бор чиқиши эди, илк қадамнинг бундай қутлуғ келиши уни бағоят руҳлантириб юборди.

Ногаҳонда Ҳирот яқинидаги йўлтўсарлар ва қароқчилар макони бўлиб қолган Фўшанж қалъасида бебош бир жамоа мухолифат изҳор этиб, қиличларини қинидан чиқаришга тайёр турганликларини хабар қилдилар.

Зафарқарин қўшинга Ҳирот сари юришга фармон берилди. Ҳамма, Фўшанж қалъасига ҳужум бўлади, чунки соҳибқирон хали Самарқандда эканликларидаёқ, Ҳирот малиги ушбу итоатсиз қалъани саранжом этишни сўраб мурожаат қилган, деб турганда, қўшин Ҳиротни шимол ёқдан четлаб ўтиб, Амир Темурнинг пири Зайниддин Абубакр Тойбодий қишлоғи томон бурилди.

Хуросоннинг саромади замона шайхларидан, пок эътиқодли мавлоно, улуг шайхулислом Зайниддин Абубакр Тойбодий умр бўйи Ҳерируд водийсидаги Тойбод қишлоғида муқим яшаб келаётган зоти бобаракот эди. У ўзининг боғида меҳнат қилар, номи Эрону Туронда маълуму машҳур бўлиб кетганди. Узоқ-яқиндан тез-тез келиб турадиган меҳмонларнинг оёғи узилмасди.

Темурбекнинг азалдан азиз-авлиёларга ихлоси баланд эди, қаерга борса қадамжоларга иззату икром кўрсатиб зиёрат қилар, тавоф этарди. Йигирма уч ёшдалиги пайтида тойбодлик донгдор шайхнинг ҳам этагини тутган, муридлик ҳирқасини эғнига илган эди. Ўшандан бери пири билан мактублар ёзишиб турадилар. Закий қалбли шайх Зайниддин кешлик Темурбекни илк бор кўргандаёқ, фавқулодда шуур билан унинг манглайи порлоқ эканлигини англади... Қўлини Темурбекнинг кенг пешонасига қўйиб, узоқ хаёлга чўмди. Манглайига нималар ёзилганлигини пайпаслаб билиб олмоқчи эдим... Темурбекнинг яхши эсида, ўшанда бошини бағоят маҳобатли оғир бир юк босиб тургандай бўлди... «Ҳа, фурсат келиб, ҳимматли бу ёш амирзода, — деб ўйлади шайх, — иншооллох, худонинг ердаги сояси бўлмай, салтанат соҳиби, дину дунё қутбига айланмай, ҳамини расулиллох амалларини адо этмай, расулиллох фарзандлари Биби Фотиманинг кўз қоралари бўлмиш саййидларга юксак

иззат-икром кўргизгай, ҳамма жойда адолат русумини устивор қилгай...»

Машҳури офоқ шайх шу сабабдан муридига ёзган мактубларида, нафи тегиб қолар деб, давлатни бошқариш хусусида бебаҳо кенгашлар берар эди. «Абулмансур Темурбек, салтанат ишларида тўрт нарсга рию қилсунлар, — деб ёзган эди пири комил ўз мактубларидан бирида. — Биринчиси — кенгаш; иккинчиси — машварат, маслаҳат; учинчиси — қатъий қарор, тадбиркорлик ва ҳушёрлик; ва ниҳоят, тўртинчиси — эҳтиёткорлик... Инчунин, салтанат бошқаришда машварату маслаҳат ва тадбиркорликни икки ёнларидаги икки устун деб билсунлар, токи оқибатда афсусга юз буриб пушаймон бўлмағайлар... Тагин билмаклари лозимдурки, салтанат ишларининг бир улуши сабру тоқат билан бўлғай, яна бир улуши эса билиб-билмасликка, кўриб-кўрмасликка солмак ила битгай... Вассалом!..»

Шайх Зайниддин Абубакр Тойбодийнинг пурмаъно сўзларини соҳибқирон қулоғига жо қилиб олганди, салтанат ишларида жуда қўл келди. Давлат ишларининг бир эмас, икки эмас, тўққиз улушини кенгашга, фақат бир улушинигина қиличга қолдирди. Ҳар қандай душман билан дуч келганда ҳам ишни кенгашдан, кечиришдан, олийҳимматлиликдан, уни дўстга айлантиришдан, қуда-қудағай, дўст-қариндош бўлишдан бошлайди. Иложи бўлмаган ҳолдагина қиличга суянишга тўғри келади холос... Агар соҳибқирон бир киши бўлиб, минг кишига, балки туманга иш буюрар экан, бу ўша оқил кенгашлар ҳосиласидир. Амир Темур фикрича ҳам, соҳиби шижоат, азми қатъий, тадбиркор, мард, уддабурон ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кимсалардан аълороқдир.

Соҳибқирон ҳар қадамда пири комил кенгашларининг ниҳоятда тўғри ва адолатли эканлигига шоҳид бўларди. Тарих милодий 1361 йилда Мўғулистон хони Туғлуқ Темурхон Мовароуннахрга бостириб кирганида, Хўжанд суйидан¹ мамлакатнинг номдор амирларига ёрликлар юбориб, шитоб ҳузурига етиб келишларини талаб қилди. Амирлар шошиб қолдилар. Хўжанд ҳокими Амир Боязид жалойир билан Кеш ҳокими Ҳожи Барлос Хуросон

¹ Сирдарёни баъзан шундай атардилар.

томонга қочдилар... Темурбек ҳам иккилана бошлади ва маслаҳат сўраб пири комилга мактуб юборди. Шайх ўз жавоб мактубида бундай дебдилар: «...Ҳазрат Алидан сўрабдурлар: «Агар осмон — камон, ер — камон ипи, бало-қазолар — ўк, инсонлар ул ўк-ёйларга нишон, отгувчи — Аллоҳ бўлса, бандаси қаерга қочмоғи керак?..» деб... Тангрининг қошига қочсунлар, деб жавоб берибдур халифа жаноблари... Бас, сиз ҳам Туғлуқ Темурхон хузурига қочингиз! Ва қўлидаги ўк-ёйини тортиб олингиз!..»

Шундан кейин соҳибқирон юраги қувватланиб, дадил Мўғулистон хони хузурига боришга ўзида шижоат сезди ва адашмади...

Қўшин Ҳерируд водийсини манзил қилди.

Шайх Зайниддин Абубакр Тойбодий етмиш бешлардан ошган ўрта бўйли, калладор одам эди, қалин оппоқ соқоли селкиллаб кўкрагига тушиб турарди. Бошидаги кичкина кўк салла, эғнидаги оқ ридо ўзига жуда ҳам ярашганди. Ғайратли шайхнинг нуроний чехрасига боққан кишининг кўнгли ёришарди.

Шайх Зайнидин Абубакр Тойбодий Амир Темурни бағрига босар экан, узоқ қўйиб юбормади, икки қўлини соҳибқирон кураклари устига қўйди, катта-катта кўзларига лим-лим тўлган севинч ёшлари эрталабки офтобда ялтирар эди. ... Кейин Амир Темур шу ҳолатни эслаб Мухаммад Чуроға додхоҳга бундай деганди: «Мамат... Худо бир сақлади, агар шайх зудлик билан қўлларини орқамдан олмаганда, босиб колармиди. Худди осмон узил-либ тушгандай, ўзим эса тарикдай майда-майда бўлиб кетгандай ҳолни бошдан кечирдим...».

— ...Алқисса... Аллоҳга шукурки, ўзи етказди, дийдорлашиб турибдурмиз, Амир соҳибқирон! — ишқом тағидаги чорпояга таклиф қилар экан, деди мамнун пири комил.

Фотиҳага қўл очдилар.

Соҳибқирон Турон мамлақати мусаххар этилганлиги ҳақида сўйлаб берди, Хуросон музофотларига отланганини айтиб, пири комилдан фатво тилади.

— Ҳа... Ҳа... Турону Эрон ҳали ҳеч кимнинг ақду никоҳига кирмаган икки бўй етган санамдек гўзалдур... — деди шайх. — Уларни забт этмак учун адолатли сиёсат лозимдур. Алқисса... бу бешак-шубҳа, жаҳонгирлик ибтидоси бўлур!..

Шайх аллақандай таважжухда кўйнига кўл солиб ридоси ичидан нимадир олди. Бу катта, қизил ёқут кўзли чиройли олтин узук бўлиб, унга «Рости-ю русти»¹ сўзлари ўйиб ёзилган эди...

— Ташрифингизни фаҳм этдим... — пири комил жилмайди. — Бир туш кўрдумки, нақ Дажла соҳилида турғонмишмиз. Дажлалиги аниқ, ҳозиргидек кўз олдимда... Айқирғон сув бўйида кулиб қарадингиз... Сув — йўл, кулишингиз — келишингиз... Алқисса... Ушбу узукни номи чиққан машҳур заргарга ясаттирдум. Келиб қолсалар, сизга тухфа бўлмай деб...

Олтин узук соҳибқирон кўлига қуйиб қўйгандай мос тушди.

— Рости-ю русти... Куч адолатда... — шивирлади Амир Темур аллақандай таважжухда узукдан кўз узмай оҳиста силар экан. Ақиқдай ёқут кўзи ярақлаб ёнган узук кун нурида хилма-хил товланиб кўринарди. — Куч адолатда!.. Адолатда...

— Илалабад адолат этагини тутсулар! — деди шайх худди муриди кўнглидагини сезиб тургандек. — Аммо адолатни ушлаб турмак осон эрмас... Афсуски, осон эрмас! Не қилайликки, адолат ҳам аслида нисбий нарса... Бу узук ҳамаша кўлингизда бўлсун. Агар адолатдан чекинсангиз, кўзи хира тортиб қоладур...

— Бағоят миннатдормен, пирим! Куллуқ! Куллуқ!..

Соҳибқирон узукка тикиларкан, хаёлидан, шайх ҳазратлари ҳазиллашаяптиларми ёки чин гапиряптиларми, деган сўзлар ўтарди.

Шайх бир зум ўйланиб турди-да:

— ... Ҳазил қилмакчи эрсам, бошқа гап топилмай эрди... — деди бирдан! — Дилингизда иштибоҳлар бўлма-сун, деб ташвишланамен...

— Узр сўраймен, пирим!.. — Амир Темур шайх тўни пешини ўпиб кўзига суртар экан, унинг кўнглида кечган гап пирига аён бўлганидан ҳайратда эди. — Шак-коклитим учун кечирингиз, пирим!.. Гуноҳкор бир бандамен!..

— Амир соҳибқирон! Агар биз шайхлик мартабасини маҳкам тутғонимизда ўзгаларга мурид қолмагон бўлур эрди... — Шайх ўтган гапларга парво қилмагандай да-

¹ Яъни — «Куч адолатда».

вом этди. Бу билан, кечирдим, демокчидай эди. — Аллохга шукурки, ниятимиз беадад мурид орттириб оламга мактанмоқдан мутлоқ йирокдур!.. Ниятимиз мўмин-мусулмонларни зулму зуғумдан ҳимоя қилмакдин иборатдур холос. У дунёдан ҳам, бу дунёдан ҳам умидимиз бордур, иншооллоҳ. Ушбулар важҳидин, биз соҳиби салтанатлар, подшоҳлар билан дийдорлашувимиз, уларнинг қаҳру ғазаб ила лутфу марҳамат қоришиқ қалбларини кашф айламагимиз лозимдур. Ана шунда мўмин-мусулмонлар ҳифзу ҳимояда бўлурлар. Ана шунда биз ҳам ислом талабларини адо этгон бўлурмиз...

Улуғвор сўзлар Амир Темур кўнглига ғурур ҳиссини бағишлади. У шайх ҳазратларини яхши билади, ул зот сўфийликни қаттиқ ушлаган донишманди замоналардандурлар. Сўфийлар дунё ташвишларидан ёлғиз ўзларинигина халос этмайдилар, бу халослик дунёни қутқармоқлари учун даркор...

Орага бир неча лаҳзалик жимлик чўкди.

— Ажабки, шайхларнинг раоё ва бароё ташвишлари туфайли подшоҳларга арзи ҳол этгонлари жуда кам учрайдур, Амир соҳибқирон! — давом этди пири комил. — Аммо бизнинг йўриғимиз бошқа.... Ҳирот малиги Ғиёсиддин Курт шаҳарни ўрамоқ учун янги девор тиклатиб, қалъани ўратди. Ҳирот халқи кўп машаққатларга дучор бўлди. Кўнглимиз тилинди. Дарҳол Малик Ғиёсиддин Пир Али Куртга бундай мактуб йўлладим: «Билгилким, ҳеч қандай девор билан Аллоҳнинг бало-офатидан қутула олмағайсен! Кўнглингдаги ҳавоий ғурурдан юз ўгиргил! Бас, элга ортиқ азоб бермагил!» Малик Ғиёсиддиннинг жавоби жанобингизни ғазаб отига миндурди! Малик бундай дебди: «Имомларнинг салтанат юмушларига аралашинларига асло ҳожат йўқдур...» Бағоят дарғазаб бўлдум! Тунда ой ёруғида мазористонга бориб Аллоҳга ёлвордимки, Малик Ғиёсиддинни тахтдан мосуво этгил, Амир Темур Кўрагонга ато айлагил, деб... Алқисса... Пайгамбарлар иши — мўъжиза, авлиёлар иши — каромат...

Шайх Зайниддин Абубакр Тойбодий ойдин кечаларда тез-тез қабристонга бориб турар, унга шу ерда Аллоҳ билан мулоқот қилиш осондай туюларди. Атрофда ётган не-не одамлар орасида, уларнинг гувоҳлигида Бирубор билан гаплашиш шайхга бемисл саодат эди.

— Кам бўлмасунлар, пирим! Ҳамиша хизматингизда-
дурмен!..

— Амир соҳибқирон! Огоҳ бўлсунлар: Ҳиротни забт
этгонларида, буюрингизким, шаҳар бузилишига йўл
қўймасунлар! Авомунносга азоб бермасунлар!.. Маъкул-
му?..

— Пирим! — сўради Амир Темур саволига савол
билан жавоб бериб. — Нега Малик Гиёсиддинга ҳам
шундай насиҳат этмадилар?

— Насиҳат этдим, этдим!.. Қулоқ солмайдур... Мана,
ахволи энди не бўлур... — Шайхулислом бир оз тўхта-
ди. — Аллоҳ сизнинг шамингизни ёндурди. Ўзларига
ҳам насиҳатим: Ҳирот аҳлини изтиробга солмасунлар!
Йўқ эса, худо кўрсатмасун, маликнинг ҳолига тушиб
колурлар...

Амир Темур бош эгди. Бу пири комилнинг каттик
ўтинчи эди.

Соҳибқирон ўтган йили Ҳирот малигини аввал ба-
ҳорда бўладиган қурултойга таклиф этганини эслади. Зо-
ҳрида бағоят миннатдорчилик билдирган малик хумо-
юн ўрду элчисига: «Агар Амир Сайфиддин некўз келса-
лар, унинг билан бирга остона ўпишга етиб борғумдур»,
деб юборибди. Соҳибқирон ҳар бир одамнинг ичидаги-
ни билиб турса ҳам, сабр-тоқат қилар, зора у инсофга
келиб қолса, деб умидвор бўларди. Тезда Амир Сай-
фиддин некўз Ҳиротга бориш ҳақида буйруқ олди. Ма-
лик: «Пешкашларим ҳали бут эмас...», «Сиххатимни ях-
шилаб олайин...», «Яқинда йўлга чиққоймиз...» қабил-
даги баҳоналар билан элчини тутиб турди. Аммо шаҳар-
ни шитоб девор билан ўратаётгани, ичини ола мушук
татаётгани Амир Сайфиддин некўз назаридан кочма-
ди. У ўшанда билдирмай Ҳиротдан чиқиб кетган, бориб
соҳибқиронни Ҳирот малигининг афъоли ва кирдикорла-
ридан огоҳ этган эди.

«Ўзи асли гумроҳлардан эркандур... — хаёлидан
кечирди Амир Темур. — Улуғ шайхулисломдай зотни
ранжитгон бўлса, дуоибадга қолмоғи аниқдур. Бир
йилдан бери бизларга ҳам мулозамат кўргизмай-
дур...»

Метиндай Фўшанж қалъаси олингандан сўнг Ҳиротга
юз бурган соҳибқирон шаҳар дарвозаларининг худди
юзга ёпилгандай тақа-тақ берклигини кўриб хайрон қол-

мади. Малик Гиёсиддиннинг чиндан ҳам ўринсиз гурурга берилиб кетгани, қалъасига бино қўйиб ўзини қўл етмас, осмони фалакда фаҳмлаётгани аён бўлди.

II

Чоршанба куни чақинқадам черик бурғулар чалиб Ҳирот қалъасига яқинлаша бошлади. Ҳайбатли қўшин тездаёқ ясол тортиб қалъанинг яқиндагина тикланган баланд деворлари рўпарасида бўй кўрсатди. Ўша куни жанг бўлмади. Амир Темури тўртбурчакнусха шаҳарнинг йигирма минг қадамча келадиган атрофини айланиб, кира-чиқар жойларни кўз остига олди, нозик нуқталарни белгилаб чиқди. Кечқурунги машваратда Мироншоҳ Мирзо, Амир Сайфиддин некўз, Амир Оқбуға найман, Мубашшир баҳодир ва Амир Муайяд арлотнинг ўғли Мирзо Алибекларга нималарнидир уқтирди.

Тонг отиши билан: «Тўш-тўшдан жангга кирилсун! Қалъа деворига чиқилсун!» деган фармон бўлди. Мубашшир баҳодир қўшини чап томондан, Мироншоҳ Мирзо қўшини ўнг томондан қалъага ташландилар. Амир Оқбуға найман навкарлари айланиб кунботар томонга ўтдилар, жануб тараф Мирзо Алибек чекига тушди. Амир Сайфиддин некўз лашкари рўпарадан ҳужумга киришди. Қалъа девори тепасида қулай жойлашиб олишган Малик Гиёсиддиннинг уришқоқ ва жангари аскарлари эса ён беришни хаёлига ҳам келтирмас эдилар.

Уруш оҳанглари авж олди.

Шоҳчодир олдида жангни кузатиб ўлтирганида соҳибқиронга Самарқанддан чопар келганлигини маълум қилдилар. Маҳди улёнинг хос мулозими Сароймулкхонимдан мактуб тутқазди. Амир Темури мактубни олар экан, суюкли хонимнинг гўзал чехрасини кўз олдига келтирди ва аллақандай титроқли туйғу билан мактубни очди:

«...Баландпарвоз шоҳбозимиз, тоғлардан ҳам ортиқ суянчимиз, кўнглимизнинг султони, дийдамизнинг оқ нури, умримизнинг сурури Ҳазрат соҳибқирон жаноби олийларига кўзлари йўлларида нигорон маликаи мухтарамаларидан деб билсунлар, — сўзлари билан бошланган эди мактуб. — «...Мен сизлардан бу учун ажр-мукофот сўрамаймен, фақат қариндошчиликдаги дўстлик-яқин-

лигингизни талаб этамен...»¹ деган ояти муборакнинг тегран мазмунини дилларига жо айлаган аҳли ҳарам раънолари сизга ўз дуои саломларини йўллайдурлар... Бонуйи кубро Қутлуғ Туркон оқа эгачимга дайди дард эпкинни бир оз тегиб, азиз бошларида бир муддат оғриқ турди... Хонзода хонимнинг ёлғиз юпанчлари амирзода Муҳаммад Султон... Амирзодам беш ёшга қадам қўйдилар, Аллоҳ умрларини берсун, андоқ ақлдилурларким, кўриб ихтиёрсиз яқо тутгаймен, ҳам кўнглимга харослар тушадур... Пирмуҳаммад Мирзо Туман оқа кўз қирида Боғи Биҳиштни суронга кўмиб юрибдур...Султон Бахт бегимни кўрганда, илоҳо, тенгини топиб узататурғон кунларга етказсун, деб яратганга илтижолар айлаймен. Каминангиз Шохруҳ Мирзо бўйларига қараб куним ўтадур. Тағин... Ҳазратим, айтмоғимни Қутлуғ Туркон оқа эгачимиз ҳам тайин этмушлар, исмат пардасидаги ожизамиз Оқа Беги хоним, бонуйи некужамол вужудлари чаманида озроқ малалати² пайдо бўлибдур... Аммо кўзи ўткир ҳозиқ табиблар саъий-ҳаракат кўргизуб турурлар... Ўзларига ҳамроҳ бўлиб юрган мухтарама малика саҳройи оташафзо Дилшод оқага соғинчли саломимизни еткурғайсиз, Аллоҳ паноҳида омон бўлсунлар... Тиллари санода, қўллари дуода аддои Бибингиз...»

Мактубни ўқиб Амир Темурнинг юраги сикилди. Ҳа, ўзи ўйлагандек, Самарқандда анча-мунча ташвишлар бор... Оқа Беги хоним ҳам, ёш нарса, негадир касалга чалиниб туради. Шу туфайли куёви Муҳаммадбек ибн Мусони Ҳирот сафарига қўша олмади. Набираси Султон Ҳусайн Мирзо Амир Мусо хонадониди Орзумулк оқа қўлида тарбияланади... Барча-барчаси соҳибқиронни қаттиқ ўйлантиради.

Ҳирот фатҳ этилгандан сўнг фурсат ўтказмай пойтахтга қайтмоғи керак. Тезроқ қайтмоғи керак... Ёш келинчак Туман оқани ҳам соғинди...

Амир Темур чодирда ўтиролмади, сабри чидамай чиқиб кетди ва қалъага қараб юрди. Гўёки шу ҳаракатлари билан савашиш тезроқ тугар эди унинг назарида. Қалъа теварагида юраркан, жон олиб жон бераётган навкарларни руҳлантириб ўтар, тасаннолар айтар,

¹ *Қуръони карим*. Шўро сураси, 23-оят.

² Яъни, дард, касаллик маъносида.

Ҳазратнинг ёнларида эканлигидан кўнгли кўтарилган баҳодирлар сурон солишиб жидду жаҳд билан ёғийга ташланар эдилар. Қалъа тепасидан тош ва ўқ ёмғирдай ёғиларди. Икки ўқ ногаҳонда соҳибқироннинг қалқонига келиб қарсиллаб урилди. Амир Темур парво қилмай олға борарди.

Бир оздан кейин отининг олдинги ўнг оёғига ўқ тегиб, оқсоқланиб қолди. Шу палла итирқин жанг гирдобада негадир бирдан Хонўғлон оти Амир Темурнинг эсига тушди. Хонўғлон! Қуюндай чопарди, унинг ақли-фаросати, номини ҳайвон демаса, одамникидай эди, ҳеч қачон ўзига ўқ теккизмасди, келаётган ўққа чап бериб ўтарди. Гоҳ-гоҳ Кўксарой ёнидаги сайисхонага борганда юраги орзиқиб қўяди. Хонўғлон от эмас, дўст эди. Айнан мана шу Ҳиротдан олиб борилганди, балки шунинг учун ёдига тушдим...

Дарров отни алмаштирдилар.

Амирзода Мироншоҳ Мирзо баҳодирлари аллақачон қалъа деворига чиқиб олган эдилар. Ахий Жаббор баҳодир, унинг ёнида Йаналтекин билан Учқоралар аёвсиз жанг қилардилар. Учқора рўпарадан келаётган душманни мазах қилиб: «Келақол, дастгинангдан кетай, келақол! Ўзи кўзим учиб турувди!..» дер, қилич солар, бўш вақти қолди дегунча, минғирлаб ўзининг суюмли кўшигини бошларди...

Бирдан Ахий Жаббор баҳодир наққарларга қарата қувонганидан:

— Баҳодирлар! Қарангиз, Амир соҳибқирон!.. Амир соҳибқирон ёнимиздалар! Амир соҳибқирон ёнимизда-а-ла-ар!.. Баҳодирлар, дадил бўлингиз! — деб қичқириб юборди. Унинг овози яқин-йироққа, қалъа ичида ўлартириларига қарамай савашишаётган ёғий аскарларига ҳам етиб борди.

— Амир соҳибқирон омон бўлсунла-а-а-ар!..

— Амир соҳибқирон! Амир соҳибқирон! — деган овозлар янгради наққарлар орасидан. Сурон кўтарилди.

Майдонда чарх уриб юрган ўн беш ёшли амирзода Мироншоҳ Мирзо падари бузруквори ёнига келиб илтижолар қилиб деди:

— Валинеъмат соҳибқирон! Сабру тоқат иззатгоҳида шохчодирда турсалар!.. Шохчодирга қайтсала-а-ар!..

Амирзоданинг овози суронлар ичига сингиб кетди.

Амир Темур эшитди, аммо жавоб бериб улгурмади, шиддатли тулпори қалъа атрофи бўйлаб ўқдай еларди.

Амир Сайфиддин некўз баҳодирлари қалқонларини пана қилиб узун шотилардан ўрмалаб юқорилаб боришар, ўқ теккан навкарлар нобуд бўлиб ерга қуларди. Мубашшир баҳодир қаноти соҳибқирон маслаҳатига кўра шаҳарга оқиб кирадиган тезоқар Ижал анҳоридан ичкарига йўл топди...

Қамал ҳамма томондан олиб борилганидан, мудофаачилар қўшинининг кучи қирқилиб, тарқаб кетган, шаҳар катталигидан бир-биридан хабар олиш мушкулликлар туғдирарди. Кўчаларда девордан ошиб ўтган, анҳордан битта-яримта кириб олган Мовароуннаҳр навкарлари пайдо бўла бошлади. Аҳволни кўрган Малик Фиёсиддин ҳарамии билан жон сақлаб ичкари ҳисорга кириб беркинди. Шаҳар соҳибқирон қўшинлари қўлига ўтгандай эди.

Намози асрга борганда жанг суронлари эшитилмай қолди.

Ҳирот навкарларидан икки минг асирни тутиб Амир Темурнинг қалъа ташқарисидаги чодирни олдига келтирдилар. Асирлар ичида мардона ўлимга тик қараб турганлар ҳам, кўзларидан ёш оққан, аччиқ қисматдан қочиб кетолмаган бечоралар ҳам кўп эди. Амирлару баҳодирлар ичида ҳеч ким ҳалигина тош ва ўқ отган, кўп навкарларни ер тишлатган бу қаттол душман битта ҳам қолдирилмай тигдан ўтказилишига асло шубҳа қилмасди. Аммо пири комил шайх Зайниддин Абубакр Тойбодийнинг насихати Амир Темурнинг эсида турарди. Соҳибқирон ўйланиб қолди. Атрофга жимлик чўқди... Гоҳ-гоҳда узоқдаги отларнинг пишқиришларигина сукунатни бузади.

Соҳибқирон асирларга нигоҳ ташлади. Турли ёшдаги одамлар, ёши бор, кексаси ҳам... Булар бегуноҳ одамлар... Гуноҳ қилганларигина жазосини олишлари керак! Фақат гуноҳга йўл қўйганлари! Лекин... Агар уларни омон қолдирай деса, у ҳолда жон олиб жон берган қўшин, нега ёвуз душман жазосини олмайди, деб норози бўлиши аниқ. Бу мақбул иш эмас. «Қатл этилсун!», қабилида фармон берилса, бу ёқда улуғ шайхулисломнинг: «Навкарларингиз Ҳирот аҳлига азоб бермасунлар!..» деган насихатлари турибди... Унинг устига, бандаларга жонни

худо берган, нега у олиши керак?.. Олса, худонинг ўзи олсун! Мана шу охирги фикрнинг асил ҳақиқат эканлигини соҳибқирон дил-дилидан сезади...

Шу палла пири комилнинг: «Не қилайликки, адолат ҳам аслида нисбий нарса... Адолатни ушлаб турмак осон эрмас!» деган сўзлари ёдига тушди. Адолатни ушламак осон эрмас... Нечоғлик доно сўзлар экан-а! Ажабо, агар асирларга жазо берилса, бу кўшин навкарлари назарида адолатли бўлади, агар жазога буюрилмаса — асирлар учун адолат тантанасига айланади. Қандай йўл тутмоқ керак? Биров учун адолатли туюлган нарса бошқа учун адолатсизликнинг ўзгинаси бўлиб туюлади... Ҳамма учун бирдай ардоқли, тан олинадиган ягона адолат қаерда?.. Қаерда ўша адолат?..

Икки ўт ўртасида қолган Амир Темур бирдан котибга ўгирилиб бундай хат ёзишни буюрди:

«...Ғофил қолмасунларким, шаҳар элидин кимки, ташқарига чикмай ўз уйида ўлтурса, жони-хонумони омонда бўлмай! Ва ҳар кишиким, чиқиб Амир Темур кўшинига тиг кўтарса барини ўзидан кўргай!..»

Одамлар асирларга жазо берилишини кутаётганда, унга ҳеч алоқаси бўлмаган бундай хатнинг ёзилишига ҳайрон қолдилар. Лекин алоқадор эканлиги кейин билинди.

Соҳибқирон асирларга қараб хатни кўрсатиб, баланд овозда деди:

— Барча асирларнинг гуноҳларидан ўтдук!.. Ҳар бирингиз ушбу хатдан олиб бутун шаҳар халқига тарқатиб чиққойсиз! Элга кўрсатғойсиз! Англатингизким, тўғри йўлни топиб олсунлар!..

Ҳали замон ўлимини кутиб турган асирлар соҳибқироннинг бундай ҳимматидан хурсандчиликлари ортиб, дунёлари ёруғ бўлиб, осмонни бошига кўтаргудек ҳайқира бошладилар:

- Амир соҳибқирон салтанатлари пойдор бўлсун!
- Соҳибқирон умрлари узоқ бўлсун!
- Худо ўз паноҳида асрасун, илоҳо!
- Соҳибқирон! Соҳибқирон!..

Майдон узра ана шундай дуолар янграрди.

Амир Темур кўлидаги узукка секин қараб қўйди: олтин узук ярақлаб турарди.

Асирлар, энди асир эмас озод қушлар, Аллоҳга шу-

курлар қилиб, шаҳар оралаб, учраганни огоҳ этиб, уйма-уй кириб чиқдилар. Хатни топширар эканлар, Амир Темур Кўрагон ҳазратлари уларнинг гуноҳларини кечирганлари ва шаҳар элига ҳам ҳиммат кўргизганларидан ошиб-тошиб гапиришарди. Кўчаларда ваҳима ичида нима қилишни билмай гангираб юрган одамлар ҳам хатни олишгач, шукур қилишиб, барчаси хотиржам ортиқ кўчага чиқмасликни кўнгилга тугиб уй-уйларига равона бўлардилар.

Ичкари ҳисорга беркинган қирқларга борган барваста келбатли, табиатан қўрқоқ ва ҳадик-гумонларга кўнгил бергувчи Малик Гиёсиддин бало-офатнинг остонада турганини қаттиқ ҳис этди. У оқибатнинг шундай бўлишини асло ўйламаган эди. Шайх Тойбодий сўзларига парвосиз қараганига, улуғ зотни ранжитганига ичида афсуслар чекди. Ҳа, шайхулисломнинг дуои бадига қолди!...У ўзини мағрур одам санарди, аммо бу ғурур шароитни ҳисобга олишга, вазиятни чамалаб ҳаракат қилишга ҳамиша халал берарди. Одатда, ғурур ўнг томонга бошласа, соҳиб-и ғурур жасоратлар майдонида жавлон уради, чап томонга юрилса телбалик саҳросига элтади... Ҳамма гап қайси тарафга қараб юришда...

Хирот малиги дарҳол шаҳар элини ҳисорни ҳимоя қилишга қақириб маҳаллаларга одамлар жўната бошлади. Аммо ҳисорга биронта ҳам одам келмаганидан тааж-жубланди. Кўчаларда ҳам ҳеч ким йўқ эмиш. Шу пайт унинг қўлига Амир Темурнинг шаҳар айланиб юрган хатини тутқаздилар... Малик Гиёсиддиннинг кўз олди қоронғилашди. Ҳайхот, душманга сифиниб боришдан бошқа йўл йўқ эди унинг олдида!

Малик олтмишларга бориб қолган онаси малика Султон Хотунга буюргандай деди:

— Муҳтарама волидам! Танг аҳволга тушиб қолдик... Мен борсам ҳисор қўлдан кетгусидур! Ҳисор қўлдан кетди — салтанатга фалокат етди, деган сўз...Сиз Амир Темур Кўрагон ҳузурига борингиз! Қудангиз ахир. Катта ўғлим Пир Муҳаммадни ёнингизга олингиз, соҳибкироннинг кувви... Бошқа чора кўрмайдурмен...

Малика Султон Хотун ажабсиниб ўғлига қаради.

— Бошқа чора кўрмайдурмен! — такрорлади малик онасига тик қараб.

— Ижозат берсалар, жанобингиз уларни кузатиб бор-

сам... — бирдан мурожаат қилди очик юзли, паҳлавон келбат Искандар Шайхий, маликнинг яқинларидан бири, Бижан авлодларидан чиккан баҳодир.

— Жуда маъкул! Борингиз, бирга борингиз! — деди хаприкиб Малик Фиёсиддин. — Ўзим ҳам айтмоқчи эрдим... Биргалашиб шафқат тилангиз!

— Нималар деяпсиз, подшойим?.. — эътироз билдирди хайрагда Султон Хотун чиройли шаҳло кўзларини маликка тикар экан. — Мен Амир Темур хузурига борар эмишманми? Аёл бошим билан-а?..

— Борингиз, онажон! Ҳозир бахслашишнинг ўрни эмас.. Кудангиз ахир... Ҳа, айтгандай, Пир Муҳаммад келинимиз Севинч Қутлуғ оқани ҳам бирга олсун. У Темурбек синглиси Ширинбиканинг кизи-ку! Жиянлари... Ахир уч йил олдин соҳибкирон таклифи билан куда бўлғонмиз. Ўзлари ўртада бегоналик, ётликни хеш-ақраболикка айлантиришни истагон эрдилар... Эсларига солингиз...

— Ахир... мен... қандай қилиб...

— Нега тушунмайсиз, онажон? Мен борсам ҳисор қўлдан кетадур, деяпмен-ку? Шуни истайсизму?..

Халокухон авлодларидан бўлган, милодий 1351 йилгача ўн йил салтанатни бошқарган Тоғай Темурхоннинг қизи, ёшлигида кўрку латофат соҳибаси эканлиги кўришиб турган Султон Хотун бошиданок ўғлининг тутумига қарши эди, Амир Темур билан довлашиш зинҳор керак эмаслигини айтганди. Ўғли қулоқ солмади. Энди бўлса юртга бостириб келган подшо олдига бориш маликанинг зиммасига тушиб турибди.. Қандай боради? Қайси юз билан боради?.. Мусулмончиликка ярашадурғон ишми бу?..

Малика Султон Хотун ўғлининг бу қадар кўрқок ва журъатсиз эканлигини билмаган экан. Кўнгли овриди. Аммо маликнинг аянчли аҳволини, изтиробларга тушаётганини кўрган онаизор чидаб туролмади. Ўғлига дашномлар бериш, ота-боболар шуҳратини эслатиш, шу билан фарзанди қалбида жасорат ва журъат уйғотишга уриниш бефойда эканлигига имон келтирди. Андишани бир чеккага йиғиштириб қўйиб, дарҳол набираси билан келинини олиб Искандар Шайхий кузатувида Амир Темур чодирига йўл олди.

Олий қароргоҳда, уларни чиндан ҳам қариндош си-

фатида очик чехралик билан қаршиладилар. Малика бундай бўлишини асло кутмаганди. Соҳибқирон барчага шафқат кўргизиб, иноятлар қилди, турфа тухфалар инъом этди; Султон Хотунни бир шода марварид билан сийлади, куёви маликзода белига олтин камар боғлади. Севинч Қутлуг оқанинг манглайдан суюб ўпиб қўйди. Унинг қулоғида пурқудрат тоға ҳадя қилган тилла балдоқ ялтиради. Малика Дилшод оқа қудалар атрофида парвона эди.

— Малик Фиёсиддинга айтингиз... — деди соҳибқирон Султон Хотунга. — Унга хусуматимиз йўқ. Ҳисордан чиқиб ҳузуримизга келсун. Келмаса уруш бўлур. Уруш бўлса, кўп одамнинг қони тўкилур, мусулмонларнинг аҳли аёли, хонумони хароб бўлур... Ва барчасининг ёзуқ-гуноҳи анинг бўйнига тушгай...

— Қуллуқ Амир соҳибқирон ҳазратлари! Ҳузурларига келади! Албатта, келади!.. Ҳимматларига қуллуқ!.. — деди миннатдор бўлган малика Султон Хотун, чиройли кўзлари ёшланиб.

Малик Фиёсиддин ичида зир титраса ҳам Амир Темурни тавоф қилиб келишга мажбур бўлди. Бу пайт соҳибқирон Ҳиротнинг хушманзара масканларидан бири Боғи Зоғон кўшикида эди. Малик ўзининг тутумларидан тамом пушаймон эканлигини, уни айрим нокаслар йўлдан уриб, нодуруст кенгашлар берганлигини айтиб, йиғлаб узру зорини қилди.

Амир Темур малик гуноҳидан кечди, хосса хилъатлару олтин камарлар билан сарафроз айлаб, шаҳарга қайтишга ижозат берди.

Тонг билан эса шаҳарнинг саййид ва қозилари, фузало-ю машойихлари, аёёну акобирлари жам бўлишиб Турон султони мулозаматига етишдилар. Кўп навозишлар ила хушвақт бўлган издаҳом шомгача давом этди...

Соҳибқироннинг қўлидаги узук ярақлаб турарди.

Ў Н О Л Т И Н Ч И Б О Б

I

Амир Темурнинг кичик қизи Султон Бахт бегим шунчаки қизларга ўхшамас, серғайрат, бир оз эркакшо-

дароқ бўлиб ўсди, сал қайсарлиги ҳам йўқ эмасди. Болалигидаги ерга урсанг осмонга сапчиши ҳали ҳам гоҳ-гоҳда аён бўлиб турарди. Шаддод қиз от минар, қилич чопар, лозим эса савашилларда қатнашарди. Бу маънода у раҳматли онаси Улжой Туркон оқадан ҳам ўтиб кетди. Табиийки, тўй ҳақида, куёвга узатиш борасида гап кетса, хуркак охудай дарров ўзини нари оларди.

Соҳибқирон қизини тергамасди. Асли фарзандга ташна амир болаларини авайлашни, ардоқлашни яхши кўрар, уларнинг кўнглини оғритиб қўйишдан чўчирди. Унинг ёлғизгина қизи қолди энди...

Вовайлолар бўлсинки, Хуросондан қайтганидан сўнг, кўп ўтмай соҳибқирон бошига қайғули қора кунлар тушди.

Катта қизи ҳалим табиат, камгап, юмшоқ кўнгил, тортинчоқ, поклик энагаси эмизган Оқа Беги хонимни — уни асил номи Тағайшоҳ хоним эди, аммо соҳибқирон яхши кўрганидан, чамаси эркалаб, оқалар бекаси бўлсин, деб шундай атарди — Муҳаммадбек ибн Мусога узатдилар, худо Султон Хусайн Мирзо деган ўғил ато этди. Бироқ, умр бевафолик қилди — Оқа Беги хоним раббоний қазо ҳукми билан шифосиз дардга чалиниб, мизожи заифлашди, сарвдай нозик адо қадди ниҳоли ногаҳонда букилиб фано тупроғига юз бурди...

Турмиш оқадан туғилган икки фарзанд Жаҳонгир Мирзо билан Оқа Беги хоним, ажабо, бири йигирма ёшда, иккинчиси йигирма уч ёшда, шундай ёш туришиб дунёдан кўз юмдилар. Оқа Беги хоним Жаҳонгир Мирзо вафот этганда оғасига куйиб-ёниб қуруқ суяк бўлиб қолганди. Энди эса ўзи ўзгаларни қоқ суякка айлантириб кетди...

Соҳибқирон шундай аламда қолдики, уни бирон нарса билан юпатиш мушкул эди. Тунда кўкка боқса, у ҳам қорага бурканганди, ой юзини йиртган, Зухро сочларини юлган, осмон кўк кийиб олганди... Илохий қазога рози бўлмай илож қанча?.. Оқа Беги хоним Амир Темур юрагида яна бир битмас чандик бўлиб қолди...

Кейинги воқеалар ҳам соҳибқирон юрагини тобора тошга айлантириб борарди. Улуғ амир одатича, сафарга чиқиш олдидан қайси хотинларини танлаш борасида қуръа ташлар, қуръа кимга чиқса, ўшани ўзига ҳамроҳ атарди. Қуръани инсоф намунаси деб билган маликалар шундай

дамларни ҳаяжон билан кутардилар. Ҳатто яширинча фол очтирганлари ҳам бўларди. Бу гал куръа Дилшод оқага илтифот кўргизган, сахройи офатижон ҳамманинг кўзини куйдириб Амир Темур ёнида сафарга жўнаб кетган эди... Соҳибқирон кўшини Эронда Туршиз қалъасини камал қилаётган пайтда Дилшод оқада мараз¹ пайдо бўлди, уни зудлик билан Самарқандга юбордилар. Аммо, афсуски, муолажалар наф бермади, сахройи оташафзо малика бандаликни бажо келтирди...

Олдинда эса соҳибқиронни яна ҳам мудҳишроқ воқеа кутарди. Энди соҳибқирон етти ухлаб тушига кирмаган ҳодиса юз берди: оқида эгачи, бонуйи кубро, улуг хотун Қутлуғ Туркон оқа вафот этди!.. Амир Темур бошига бало-қазо ёпирилгандай бўлди! Кечагина Оқа беги хоним мусибатида дунёдан умид узмак, кўнгилни чўктирмак бандасига номуносибдир, ғам-андухдан асло наф йўқдур, агар шундай давом қилсалар, олам чок-чокидан сўкилгай, дея соҳибқиронга далда берган эгачининг ўзи энди бу дунёдан умид узиб кетди...

Негадир бир ой олдин Қутлуғ Туркон оқа Кўксаройга соҳибқирон олдига келиб, келини Хонзода хоним йигирма тўртга кирганини, лом-мим демай, оғринмай етти йил ёлғиз ўтирганини айтиб қолди.

— Бир пайт Хонзода хоним ҳақида сўз кетганда, буни биз аёлларга қўйиб берингиз, дегандим... Ёдингиздаму?.. Энди фурсат етди, — деди эгачи. — Маҳди улё келинимиз Сароймулкхоним билан узоқ кенгашидик... Амир соҳибқирон! Ижозат берсалар, рози бўлсалар, Хонзода хонимни ота-боболар удумини килиб Мироншоҳ Мирзога никоҳлаб қўйсак... Ака оламдан ўтса, унинг аҳли аёли ука зиммасида бўлур!.. Амирзодам балоғат пиллапоясини босиб ўтди, ўн етти ёшга кирдилар ...

Амир Темур ҳеч қандай эътироз билдирмай катта-катта кўзларини эгачига тикди. Уларда ризолик аломатлари намоён эди. Соҳибқироннинг ўзи ҳам бу ҳақда кўпдан ўйлар, ўйлаб ўйига етмасди. Эгачининг таклифи унга маъқул келди. «Қизим эмас, ўғлим, деб атаганим, суйган келиним Хонзода хоним, хайрият, соҳибқирон даргоҳидан олис кетмайди, яна ўз бағрида бўлади, мустарлик тортмайди...»

¹ Мараз — касаллик.

— Мухтарама эгачим! Савобга қолибсиз! Худо умрингизни зиёда қилсун! — деди у. — Опа, ўзингиз айтдингизки, Мозандарондан бир бебок жамоа чиқиб мусулмонларни бесаранжому бехонумон қилмақдалар экан, деб... Сенстонга бориб, ундан Мозандаронга ўтиб бузғунчиларни бартараф этиб келишимни уқтирдигиз... Сиз...

— Йўқ, инижоним... — кутилмаганда сўзни кесишга журъат этди Қутлуғ Туркон оқа. — Тўйни ўтказиб олайлик, кейин борингиз...

Амир Темур эгачига қаради: илтижоларга тўла катта-катта чиройли кўзлар унга умид билан тикилиб турарди. Бонуйи кубро ҳеч қачон «инижоним» сўзини бунчалар синиқ ва ёлвориш оҳангида айтмаганди. Эгачи негадир маъюс эди.

Энди эсласа, бонуйи кубро жудолик онларининг яқинлигини, фурсат ванимат эканлигини, Хоразм маликаси муаммосини ҳал этмай туриб бу дунёдан кета олмаслигини сезгандай тутган экан ўзини...

Конибилда Хонзода хоним билан Мироншоҳ Мирзо тўйлари бўлиб ўтди... Бахти барқарор бўлгур Мироншоҳ Мирзога Хуросон мамлақати волийлиги топширилган эди, келин-куёвлар дабдаба-ю асъаса билан Ҳиротга йўл олишлари керак...

Келинлик либосидаги Хонзода хоним етти яшар Муҳаммад Султонни бағрига босар экан, ҳеч кимга билдирмай ич-ичида мунграб, ўксиб, бағри ўйилиб йиғлади, ўғлининг юз-кўзларидан тўймай ўпди, негадир ўзини у билан умрбод хайрлашаётгандай хис этди. Ёри жони олам амироздаси Жаҳонгир Мирзодан ёлғиз ёдгори энди Самарқандда қолади...

«Нима қилай, Аллоҳнинг хоҳиши экан, фақат ёдингизни ўзимга ҳамроҳ тутиб, бу дунёдан ёлғиз ўтишга тайёр эдим, Амироздам! — Муҳаммад Султонни бағрига босганча, хаёлан Жаҳонгир Мирзога мурожаат қилиб дерди шўрлик Хонзода хоним. — Ким биландир яна ёстикқа бош қўйиш ниятим ҳам, истагим ҳам йўқ.... Йўқ! Аммо хоҳишим бўлмаса-да, узатилмақдамен... Мендан сўрамасалар ҳам, Амир соҳибқирон хазратларини ўйлаб, ичимда бунга розилик билдирдим... Ҳиротга вужудим борадир холос, бироқ қалбим, руҳим сўнгги нафасимгача сиз билан биргадур, Амироздам...»

Муҳаммад Султон қандай воқеа юз бераётганини англаб-англамай ҳайрон, отасиникидай чақнаган кўзларини бир кунда бегона бўлиб қолган онасига тикканча индамай қараб турарди...

Амир Темурга буни айтганларида юрак-бағри эзилгандай бўлди. Дарвоза олдидаги катта сўрида меҳмонларни кузатиб ўлтирар экан, ҳар қанча тиришса ҳам кўзларидан томган битта-яримта ёшни тўхтата олмасди. Соҳибқирон Жаҳонгир Мирзо ва Хонзода хонимни ўйлаб аламдан йиғлар, Хонзода хоним билан Мироншоҳ Мирзоларга қараб қувончдан ёш тўқар, аламу қувонч ёшлари бир-бирига қоришиб кетаётганини асло сезмасди...

Бир йил ўтиб Хоразм маликаси соҳибқиронга Халил Султон отлик набира ҳадя қилди...

Бу кейин. Ўшанда Қутлуғ Туркон оқани Шоҳизинда қабристонида Қусам ибн Аббос мазорига яқин ерда дафн этдилар. Муқаррар кун етгач, бандасини ҳеч нарса асрай олмас экан — бунда молу мансаб ҳам ожиз, қавму қариндош ҳам, тожу тахт ҳам... Соҳибқирон кутилмаган бу фожиага ортиқ чидай олмасам керак, деб ўзидан қўрқарди... Чиндан ҳам соҳибқирон табиатида хиёл ўзгаришлар кўрина бошлади. Жудоликлар, ишонган кишилар хиёрати, оламнинг беқарорлиги дунёдан кўнглини совутишга ундарди. Унинг равшан дилига муборак хотирига ваҳшату нафратлар йўл изларди... Вужудини хорғинлик ва оғирлик қамрашга турди. Оромсизлик ўз забтига олди, изтироблар борлигини чирмаб ташлади. Умидсизлик дунёни кўзига қоронғи қилиб қўйди...

Қабристондан марҳуманинг Кўксаройдан унча узоқ бўлмаган ҳовлисига қайтишаркан, пири муршид Мир Саййид Барака билан шайхулислом Хожа Абдулмалик дилтанг бўлган Амир Темурни, унинг ёнида мунғайиб турган Амир Довуд дуғлатни юпатишга ҳаракат қилишарди. Аркони давлат, сарой аъёнлари, вазирлар, амирлар, беклар, Самарқанднинг казо-казолари, олис-яқиндан келган нуроний оқсоқоллар, кадхудолар ва калонтарлар қўл қовуштиришиб Арк кўчасининг бир томонида қатор бўлиб тизилишган, фотиҳага келган-кетганларни кутиб олишар, кузатишар эди. Келганлар фотиҳа ўқиб чиқишгач, кетишмас, балки аста-аста саф тортганларга қўшилишарди.

— Амир соҳибқирон! — деди пири муршид. — Ўзингизни эҳтиёт этингиз...

— Ҳазрат соҳибқирон! — қўшилди шайхулислом Хожа Абдулмалик. — Қайғурмангиз, уриниб кетмангиз... Хожани коинот амридуру...

— Дунё ишларига ҳам эътимодим қолмайдуру, пирим, ҳар нарсадан кўнглум совуғон... — сўзланди ҳолсиз соҳибқирон.

— Мискину фақир, авомуннос минг изтиробда сизга умид кўзини тикмишдуру, Амир соҳибқирон! Ғам уммонига чўкмак эмас, раоёнинг ғамини чекмак дардингизга энг аъло шифо бўлуру! Ҳа, ҳа, ғам уммонига чўкмак эмас, раоё ғамини чекмак, Амир соҳибқирон! Алҳамду лиллоҳи раббил оламин!

— Бағоят ҳақ гапни дедилар Мир Саййид Барака жаноблари! — қўллаб-қувватлади шайхулислом қўлидаги гулдор тасбеҳни оҳиста ўғирар экан. — Комронлиғлари ҳамиша олиймақом даражада бўлсун, илоҳо! Ахир фоний дунёда кимки хешу ақраболаридан кейин қоларкан, айрилиқ азобларини тан олмоғи лозим, бу Одаматодан бизларга меросдуру, Ҳазрат соҳибқирон!..

— Қазо ўқига қалқон йўқ экан, чора чорасизликда, Амир соҳибқирон жаноблари...

Пири муршид шундай дер экан, давлат ишларидан илик тортиб гўшанишин бўлиб ётиб олишга тайёр турган муриди-ю муҳибига қаттиқ ичи ачир, унга фақат яхши сўзлару насихатлар айтишдан ўзга ҳеч қандай ёрдам бера олмаслигини билиб руҳан эзилар эди.

Амир Темур уламолар сўзи шунчаки далда учун айтилмаганлигини, балки улар заминида ҳеч қаёққа силжитиб бўлмас аччиқ ҳақиқат ётганлигини ҳис қилди. Чиндан ҳам, чора — чорасизликда... У беихтиёр юзлари изтиробдан бўғриқиб кетган Амир Довуд дуглатга қаради:

— Сабр қилингиз, амир жаноблари!.. Сабр берсун... Сабр берсун... — поччасининг кўнглини кўтариб деди ўз дардини унутиб соҳибқирон ва ёнида турган кўзлари кизарган жияни Амир Сулаймоншоҳни оҳиста бағрига босди...

Дардлар эскирмай, соҳибқирон синглиси Ширинбика ҳам жон омонатини эгасига топширди...

Ғамларга чулғаниб, букилиб қолишлар эр кишига,

айниқса соҳибқирондай яғонаи замонга сира ярашмаслигини, дунёнинг ишлари эса тўхтамаслигини англаб етган Амир Темурда яна салтанат ишларига майл пайдо бўлди. Қалашиб ётган минг бир ташвиш соҳибқирон йўлида кўндаланг эди.

Уч кундан кейин Амир Темур отини ўз ҳолига қўйганча мулозимлар кузатувида Кўксаройга борар экан, кўча-кўйни тўлдирган фақир мискин, раоё ҳазратга таъзим қилар, кўнгил сўрарди. Амир Темур хиёл бош тебратиб борарди. У хаёлларга берилди.

Шундоқ экан... Соҳибқирон Аллоҳга шукурлар қилсун, зинҳор нолимасун. Шунчалар қилганига шукур десун. Жаҳонгир Мирзо ўғиллари валиахд Муҳаммад Султон етти ёшга кирди, Пирмуҳаммад Жаҳонгир ҳам... Эртани ўйламак керак, эртани...

Пайшанба кунни окшом, хали кечки салқин тушмаган эди, Боғи Чинорда Сароймулкхоним билан ўлтиришган палла, соҳибқирон маҳди улёга деди:

— Аллоҳ бизни қаттиқ синовлардан ўтказди, Биби... Бу дунё синов дунёси экан... Бу дунёнинг синови ҳам осон эмас...

— Кўнглингизни чўқтирмангиз, ҳазратим... Ўтганларнинг жойлари жаннатда бўлсун, қолганларнинг умрини берсун...

Амир Темур маъюс бош тебратиб қўйди:

— Биби... демак... ўзимнинг ҳам гуноҳларим бор... Қандай гуноҳларим бор, эй парвардигор?.. Ҳа, гуноҳкор бандамен... Бари гуноҳларимга берилгон жазо... Бандангни ўзинг кечир, Аллоҳим!.. На илож, Биби... Ожиздурмен, кўрдингизму, ожиздурмен...

Сароймулкхоним соҳибқиронни юпатишга уринди:

— Ҳазратим... Ундоқ демасунлар! Асло ожиз эмасдурлар! Ҳазратимнинг ожизликлари ўзгаларнинг баҳодирлигидан юз чандон ортиқдур! Минг чандон ортиқдур!..

Сароймулкхоним бирпас Амир Темурнинг ўнг елкасига юзларини қўйиб суянганча жим қолди. Кейин соҳибқиронга сўзлаш фурсатини бермай мавзуни ўзгартириб бундай деди:

— Султон Бахт бегим қизимиз вояга етибдур... Ёдингиздан чиқиб қолдиму, дейман. Аввалроқ ҳам айтгондим... Тенгини топиб узатсак, девдим... Айтгандай, Амир

Жоку барлос жаноблари ҳам шу ҳақда бир нима деб юрган эдилар шекилли...

Ялт этиб катта хонимга қараган соҳибқироннинг жонланиб, кайфияти ўзгаргани сезилди:

— Ҳа, ҳа, Биби... Деган эди. Деган эди... Султон Бахт бегим қизимнинг тўйини ўтказиш керак...

Шу пайт Холдона биби етти яшар Муҳаммад Султонни етаклаб кириб келди. Соҳибқирон ясангириб қўйилган валиаҳд набирасини қучиб бағрига босди. Манглайдан суюб-суюб ўпди. «Бошинг тошдан бўлсун, илоҳо!.. — дея пичирлади ичида... — Бошинг тошдан бўлсун! Амирзоданинг қолган умрини ҳам сенга берсун!..»

Кўзлари ёниб турган суҳсурдай бола қоплаб қўйилгандай Жаҳонгир Мирзонинг нақ ўзи эди! Жаҳон амирзодаси билан дунё маликасининг покиза зурёди чиндан ҳам султон бўлгудай шахту шижоатли, шўх, тиниб-тинчимас, кунлар келиб қадамидан ўтлар чакнаши ҳозирданок билиниб турарди. Унга боқиб олис келажак ҳақида ширин хаёлларга берилар экан, соҳир туйғулар соҳибқироннинг шикаста қўнглини майин аллалаб эркалаб ўтди.

Бобо билан набирани кузатиб турган Сароймулкхонимнинг ийиб кўзларига ёш келиб кетди.

...Орадан бир йил ўтгандан кейингина ёши йигирма тўртга бориб қолган Султон Бахт бегимни соҳибқироннинг эски дўстларидан амир Шер Баҳромнинг ўғли Муҳаммад Миракка узатдилар. Қизнинг рўзғор қилмакка ҳеч раъйи йўқ эди, розилигини олиш чўзилиб кетди. Тўй Кониғилда бўлди.

Амир Муҳаммад Мирак Хутталон вилояти ҳокими бўлса ҳам кўп вақти соҳибқирон юришларида ўтар, Самарқандда бўларди. Тўйдан кейин кўп ўтмай Боғи Баланд қасрида яшашаётган келин-куёвлар тарих милодий 1385 йил бошида пойтахтдан Хутталонга йўл олдилар.

II

Хутталон ҳокими Амир Муҳаммад Миракнинг саройи вилоят маркази Хулбук шаҳрида жойлашган эди. Вилоятнинг энг катта шаҳри бир пайтлар Мунк ҳисобланарди. Лекин Хутталон амирларининг қароргоҳи одатда Хулбукда жойлашарди. Йигирма-ўттиз йиллар аввал

бу мухташам иморатда Мовароуннахрнинг номдор зодагонларидан Амир Кайхусрав ва унинг иниси Амир Кайкубодлар яшардилар. Муҳаммад Миракнинг отаси Шер Баҳром машҳур амирнинг хешу акраболаридан эди.

Муҳаммад Мирак билан Султон Бахт бегим тўйларидан кейин соҳибқирон кўнгли бир оз таскин топди, чунки қизи муаммоси кўндан бошини оғритарди. Энди бу нарса ҳал бўлди. Ахир ёш нарсанинг ўқиб қолиши ҳамма нарсадан ҳам оғирроқ. Соҳибқирон бунга чидай олмайди.

Келин-куёвлар тўйи Хулбукда бир ҳафта давом этди...

Муҳаммад Мирак асли соҳибқирон қизини ёқтирмасди. Унча-мунчага бўйин эгавермайдиган қиз билан бир ёстикқа бош қўйиш мушкуллигини яхши биларди. Лекин подшо билан яқин бўлиш истаги бундан кучлироқ эди, эрта бир кун қачондир у шу Хутталондай чекка бир вилоятда қолиб кетмаса керак ахир. Ҳатто отаси Шер Баҳром Амир Ҳусайнга яқин бўламан, деб Хутталондан чиқиб кетди, ўзини ўтга-чўкка урди, гоҳ уни ташлаб Амир Темурга ёндошди, унинг ишончини қозонди. Соҳибқирон Шер Баҳромни яхши кўрарди. Кейин яна Амир Ҳусайнга борди. Икки кемани тутмоқчи бўлди. Охир оқибатда қатл этилди. Отасининг бир гапи доим эсида: «Ўғлим, — деган эди Шер Баҳром. — Ҳар бир амир ичида пошшо бўлмоққа интилади! Пошшоликнинг завқи бошқа... Пошшолик бамисли қуёш: жуда яқинлашиб кетсанг куйдириб юборади, узоқлашсанг совкотиб қола сен...»

Амир Кайхусравни Амир Ҳусайннинг навкарлари хун талаб қилиб у дунёга равона этганларидан кейин Хутталон ҳокимлиги бўш қолди. Соҳибқирон: «Бу жой Амир Шер Баҳром жойи эди, афсус... Энди унинг ўғли Муҳаммад Мирак ҳоким бўлсун!» деган фармон чиқарди. Шундай қилиб, Шер Баҳромнинг ўғли ўн тўққиз ёшида Хутталон ҳокими этиб тайинланди.

Ўша воқеалардан, чамаси, ўн йиллар ўтгандан кейин бир куни Боғи Баландда суҳбатлашиб ўтирардилар, Амир Сайфиддин некўз ҳам бор эди, гап айланиб фарзандларга келиб қолди-ю Умаршайх Мирзо, Мироншоҳ Мирзо, Султон Махмудхон ибн Суюрғатмишхон, Амир Сулаймоншоҳ, Мирзо Алибек, Жаҳоншоҳ ибн Жоку, Мубашшир баҳодир, Муҳаммадбек ибн Мусо ва Муҳаммад

Мираклар ҳақида сўз кетди. Соҳибқирон салтанатнинг эртаси бўлган амирзодаларнинг ҳар бири шавкати ҳақида тўлқинланиб гапирди. Амир Жоку барлос сўз орасида Шер Баҳромни эслаб ўтди. Кейин кутилмаганда бундай деди:

— Агар бир қошиқ қонимдан кечсалар, бир нарса таклиф этмоқчи эдим...

— Десунлар, эй амирул умаро! — соҳибқирон бундай дейиш билан гарчи ҳозир бошқа лавозимда бўлса ҳам салтанатда мард ва садоқатли Амир Жоку барлоснинг нуфузи ҳамиша баландда эканлигини таъкидламоқчи эди. — Буюрингиз!..

— Парвардигор ҳар бир махлукни ўз жуфти билан яратган... Гапни мухтасар қилсам... Муҳаммад Мирак билан қизимиз Султон Бахт бегимнинг бошларини қовуштириб қўйсам... Шер Баҳромнинг руҳи ҳам шод бўлур эрди... Ўзим совчилик вазифасини адо этурмен...

Бу таклифни эшитган Амир Темур даставвал бўлажак куёвини эмас, балки дўсти Шер Баҳромни кўз олдига келтирди. Шер Баҳром унга гўё: «Биздан ҳимматингизни дариг тутмангиз, Амир соҳибқирон! Муҳаммад Мирак ҳам ўз болангиз-да...» деяётгандай бўлиб кетди. Унинг устига Амир Жоку барлос илтижо айлаб турибди. Соҳибқирон розилик берди.

Афсуски, совчилик Амир Жоку барлосга насиб этмади... Кейинги пайтларда Амир Жоку барлос кўп сирқовланадиган одат чиқарганди, ёши ўтган сари сафарларга ҳам боролмайдиган бўлиб қолди. Соҳибқирон унга Кобулистон вилоятини берган, ўша атрофга кўз-қулоқ бўлиб туриш вазифасини юклаганди. Ёзга чиқар-чиқмас амирул умаро уч кун касалланиб кўрпа-тўшак қилиб ётди-ю бандаликни бажо келтирди. Соҳибқирон Жаҳоншоҳ ибн Жокуга Кобулистон вилояти ҳокимлигини топширди.

Келин-куёвлар тўйдан кейин икки ой давомида фароғатда яшадилар, меҳмондорчилик, сайру саёҳатдан бўшамадилар. Аста-аста Муҳаммад Миракнинг мизожида¹ хийла ўзгаришлар сезила бошлади. Лекин писмиқ амир барини яширишга уринарди.

Соҳибқироннинг қизи даставвал тўй завқу шавқидан маст бўлибми, кўп нарсаларга эътибор бермади. Назари-

¹ Мизож — киши табиати.

да, ўша паллалар куёви жуда меҳрибон эди, мулойимлик билан муомалада бўларди. Ёки тўйнинг нашу наъмоси сабабчи эдими бунга... Нохуш жойи, аёл зотига муккасидан кетганлардан экан, баъзан кундузлари ҳам қайлиғига иддао қилиб келиб қоларди.

Султон Бахт бегим ҳали куёвининг сийрату саяжиясини тузук англаб етиб улгурмай соҳибқироннинг Эронга уч йиллик юриши бошланиб қолди. Хумоюн ўрдудан барча вилоятларга сафарбарлик фармони тарқатилган эди. Хутталон ҳокими Муҳаммад Мирак ҳам ўз қўшинини жам этиб, фармонда айтилганидай Ҳирот яқинидаги катта лашкаргоҳга йўл олди. Ўзи билан негадир янги келинчак Султон Бахт бегимни олиб кетмади, балки кундоши хинд аёли Мадҳу бонунини ортидан ияртирди. Кундоши яхши аёл, ғайирлиги йўқ... Дарвоқе, бепарда гапларни ёқтирадиган Муҳаммад Мирак бу бечора аёлни минг азобга солар, «Ҳе, оғзингга фалон!» деб сўқар ҳам эмиш... Ёш келинчак буни қанизаклардан эшитди.

Даставвал, уни четлаб ўтганлари учун маликанинг жаҳли чиқди. Кейин ўйлаб-ўйлаб, куёви уни аяган, янги келинчак баланд-чақир йўлларда хориб қолмасин, уриниб-нетмасин, дея шафқат қилган, деган хулосага келди. Ўзини овутадиган яна бир сабаб топди. Ахир падари бузруквори Амир соҳибқирон ҳам сафарларга борганларида ҳамма завжалари, қанизакларини олиб кетмайдилар-ку. Гоҳ Туман оқани, гоҳ Дилшод оқани эргаштирадилар, аммо ҳеч қачон маҳди улё Сароймулкхонимни безовта қилмайдилар. Хонимойим доим Самарқанди фирдавсмонандда қоладилар, кутиб олишларда эса бош-қош бўлиб ҳазрат истикболларига пешвоз чиқадиладар...

Бир йилга бориб-бормай куёвлиги эътиборга олинди-ми ёки Хутталон вилояти ҳам муҳим чегара нуқталаридан эканлиги назарда тутилиб муҳофаза ташвиши чекилдими, ҳар қалай, хумоюн ўрдудан Муҳаммад Мирак қўшинига ортга қайтиш ҳақида ёрлиқ берилди. Эл оғзига элак тутиб бўлмас экан, навкарлар орасида: «Ҳар ким ҳам соҳибқирон куёви бўлсин экан, жангни ҳам эплаган эплайди, қайнотасига ёлвориб чиққанми мени қайтариб юборингиз, деб...» қабилида майда-чуйда гаплар, висир-висирлар ёйилиб кетди.

Султон Бахт бегим қанизаклари қуршовида ҳам падари бузрукворини тавоф айлагани, ҳам куёвини зиёрат

қилгани Эрон тарафга йўлга чиққанди. Сабаби, маҳди улё Сароймулкхоним унга чопар жўнатиб, Наврўз айёмига соҳибқирон хузурига отланганлари, кўришмаганларига бир йил бўлаётгани, амирзодалар Муҳаммад Султон, Шохруҳ Султон, Султон Ҳусайн ва Халил Султон баҳодирларни олиб бораётганларини айтиб, Султон Бахт бегимни ҳам шу сафарга чорлаб юборибди. Хонзода хоним ҳам шижоат кўргизиб Султониядан келаётган эмишлар... Хуллас, Хуросону Мозандарондан барча темурий маликалар ўша ерда тўпланишармиш...

Султон Бахт бегим қувониб кетди. Оҳ, қандай яхши! Барча билан дийдорлашади, дил ёзишиб гаплашади, дардлашади... Соҳибқирон эъзозли маликалар, оқа ва бегимларни Кўкча денгиз¹ соҳилига етиб келсунлар, деб буюрибдилар.

Бироқ маликага бориш насиб этмади. У канизаклари ва хизматкорлари билан Термизга етганда, куёви Муҳаммад Миракнинг қайтиб келаётгани ҳақидаги хабарни эшитди. Султон Бахт бегимнинг ҳафсаласи пир бўлди. Улар Термизда учрашдилар. Истикболига пешвоз чиққанимга хурсанд бўлсалар керак, деб ўйлаган эди келинчак... Султон Бахт бегим, соҳибқирон сафарлардан қайтганларида Сароймулкхоним, Туман оқа ва бошқа маликаларнинг Самарқанддан анча узоққа чиқиб кутиб олганларига ҳавас билан қарарди... Аммо Муҳаммад Мирак мамнун бўлиш ўрнига, бақрайган кўзларини пирпиратиб: «Нечун келдингиз? Ким сизга шундай қилгил, деди?..» деб ўшқириб берди, ноқулай вазиятга тушиб қолган маликага эса оғиз очирмади... Хуллас, палағда бир кайфиятда Хутгалонга қайтдилар. Бу нарса Султон Бахт бегимни таажжубга солмай қўймади.

Бир куни ярим тунда Муҳаммад Мирак уйку ичида алаҳсирай бошлади:

— Қоч! Қоч!.. Қоч! Ана! Ана... Ҳим-м! Ҳим-м!.. Ҳе, модарингни! Ушла! Ушла... Султон Маҳмуд! Тўхтамишхон қани?..

Келинчак кўркиб кетди. Қараса, куёви жикқа терга тушибди. Сал тинчлангандан кейин унинг бир маромдаги хурраги эшитилди. Шу палла ҳовлида бедор юрган қоровулнинг аста томоқ қириб қўйгани қулоққа чалин-

¹ Севан кўли.

ди. Маликанинг уйкуси ўчди. Бурчакдаги шам хонани хирагина ёритиб турарди. У куёвининг тутумига хайрон қолди, чунки авваллари ҳеч бундай ҳолни кузатмаганди. Тўғри, унда гоҳ-гоҳ ғамгинлик, бадғумонлик, нимадан-дир хавфсираш аломатлари, айрим ғайритабиий ҳаракатлар намоён бўлиб турарди. Малика барини ўткинчи ҳолатларга йўярди.

Бирдан куёв оғзидан алмойи-алжойи сўзлар чиқиб, яна алаҳсирашга тушди:

— Ҳа, ҳа, сенми?.. Сенми?.. Ким? Искандар Зулқарнайн?.. Хо-хо-хо! Мен Искандар Зулқарнайн! Мен!.. Сен?! Мен!! Сенми?.. Сен-а?!. Сен-а?!.

Муҳаммад Мирак сапчиб ўрнидан туриб кетди ва жойнинг бир четида чўчиб омонатгина ўтирган Султон Бахт бегимга ташланди:

— Сен-а?!.. Сен-а?!. Мен Искандар Зулқарнайн! Мен!.. Сен-а?!. Сени...

Султон Бахт бегим қараса, куёви билибми-билмайми, унинг томоғига ёпишиб бўғмоққа ҳаракат қилмоқда! Балки уни Искандар Зулқарнайн деб ўйлаётгандир? Нима, куёви восвос касалига учрадимиз, телба бўлдимиз, молихулиёликданмики, ўз қайлиғини ҳам танимас даражасига етибди?.. Малика даставвал бақирай деди, лекин шу ондаёқ тун-кечада бундай қилишнинг яхши эмаслигини идрок этди ва томоғидан Муҳаммад Мирак қўлларини қийинчилик билан бўлса-да бўшатишга уринди. У жасур қиз эди, авваллари савашилларда қатнашгани, бир оз эркакшодалиги ҳам қўл келди. Фавқулодда ғазаб унга куч-қувват берди, бақрайган кўзлари ортиқча чакчайиб кетган, йиртқичга айланган Муҳаммад Миракни қаттиқ силтаб жойга итариб юборди. Куёви боши ёстикқа тегиши билан ҳеч нарса бўлмагандай яна хуррак ота бошлади...

Малика эрталаб суриштирганда Хутталон ҳокими ҳеч нарсани эслай олмаслигини, кечаси уйкуда нима қилганлигини билмаслигини самимий тан олар, воқеани билиб ҳагто ҳайратларга тушар эди. Султон Бахт бегим авваллари бунга ишониб юрди-ю барибир куёвининг шайтон йўлига кирганлигини ҳис қила бошлади. Бунга бир воқеа қаттиқ туртки бўлди.

Орадан икки кун ўтиб, малика Хутталонга Тўхтамишхондан чопар келганини билиб қолди. Чопар Муҳаммад Мирак мактубига жавоб олиб келганди. Олтин

Ўрда хони салтанат ишлари яхши кетаётгани, бу томони Табриз, бу томони Московия унинг қўл остига ўтгани ҳақида ғурурланиб ёзганди. У «полвон»дан мамнун эканлигини билдирибди. Соҳибқиронга муҳолифлиги айни муддао бўлибди, чунки бундай саркардага қарши барча бирлашмай туриб кураш олиб бориш мушкул. Шижоатлар бир жойга қўйилмоғи керак. Худо хоҳласа, Туркистон салтанати Муҳаммад Миракники бўлғай. Фақат озгина фурсат бор. Тез кунларда Тўхтамишхон Хоразмга юриш қилади, деган ёлғон хабар тарқатилур. Амир Темури, албатта, бутун диққатини Хоразмга қаратади ва ўша ёққа жўнайди... Мамлакат холи қолади. Фурсат етгани шулдур. Муҳаммад Миракдан лозимдурки, шиддат кўргизсун, тарафдорларни йиғсун, Бухоро ва Самарқандга чопқун солсун, тахтни қўлга киритсун... Амир Темури Хоразмдан қайтгунча, бизлар Мовароуннахрни забт этиб бўлғаймиз... Дийдорлашув — Самарқанди фирдавсмонандда, Қўқсаройда...

Муҳаммад Мирак мактубни ўқиб чиқди, қувонганидан кўзлари ёшга тўлди. Лекин шу онда кўнглидан: «Тўхтамишхон айёрлик қилмаяптимикин? Тахтни шундай қилиб қўлга киритгандан кейин... тортиб олмасмикин? Муҳаммад Мирак яна Хутталоннинг ҳокимилигича қолиб кетмасмикин?.. Ҳатто ўз аканга, уканга ишониб бўлмайдиган бир замонда бу гапларга суяниш мумкинмикин?..» қабилда иштибоҳлар кечди. Қайта-қайта мактубни ўқишга киришди, ҳар ўқиганда шубҳа-гумонлар ортга чекинара эди. Дарров иниси ва сирдоши Абулфатҳни ёнига чорлади. Озгиндан келган укаси ундан олти ёш кичик бўлиб, ўзича ҳеч нарса қал қила олмайдиган, журъатсиз, кўрқоқ бир йигит эди. Акаси нима деса, шуни маъқулар, бирон марта ҳам эътироз билдирмасди.

Хутталон ҳокими Абулфатҳга Тўхтамишхондан мактуб олганлигини, унда ақс этган режаларни ошиб-тошиб гапириб берди. Барибир кўнгли тўлмади, мактубни олиб ўқий бошлади. Улар амирнинг уйида меҳмонхонада ўлтирар эдилар. Иттифоқо, Султон Бахт бегим меҳмонхона ёнидан ўтаётган эди, ичкаридан чиқиб турган гангиргунгур овозлар эътиборини тортди. Меҳмонхона эшиги зич ёпилганидан сўзларни англаб бўлмасди. Фақат ораорада «Тўхтамишхон...», «чопар», «Самарқанд» деган сўзларнигина эшитди холос.

Муҳаммад Мирак Тўхтамишхон билан қалин дўстлигидан гурурланганлигини яширмас, тездаёқ Амир Темур салтанатини эгаллашини мақтаниб сўйларди. Абулфатҳ бу гапларни юраги така-пука бўлиб эшитар, умуман оғасининг фосиқ одам эканлигини билса ҳам, ҳеч нарса демас, ундан кўрқарди.

— Биласенму, дунёнинг роҳати нимада?.. Йўқ, сен билмайсен... — деди бирдан Муҳаммад Мирак...

Шу палла меҳмонхона эшиги сал очилиб қолганми, Султон Бахт бегим энди гапларни аниқ эшита бошлади.

— Моҳичехраларни яхши кўрамен! Моҳичехраларни!.. — дерди Хутталон ҳокими. — Уларни оғушга олишдан кўра ҳам, қийнаш, қийнаш мен учун роҳатдир! Роҳат!..Оҳ!.. Яхши зиёфат бўлса... Кўй ёғида ош, казикарта...жигардан кабоб, каклик қовурдоқ... пўст думба сомса... Шароб ила май... Тўйиб есанг, ичсанг!.. Хо-хо-хо!.. Сархуш бўлсанг! Кейин жононни кучоққа олсанг, қийнасанг, гулдай эзсанг, азоб берсанг, қийнасанг...Айниқса, Амир соҳибқирон қизини... Ахир соҳибқироннинг жигарини қийнапман-ку! Қийнаш... қийнаш... Яйраб кетамен-да! Завқ-шавқларга тўламен! Жоним кирадир! Жононни қийнасам жоним кирадир!.. Хо-хо-хо! Уларни қийнаганимдан сўнг иштиёғим беҳад ортадур, билдингму, ҳа... Оҳ!..

Муҳаммад Миракнинг ёниб турган бакрайган кўзлари тез-тез пириллар, бемисл завқ-шавқни ифода этарди.

Абулфатҳ индамай эшитарди.

Султон Бахт бегим «Вой ўлай!..» дея юзларини тўсиб, уялганча меҳмонхонадан йироқлашди. Ўша-ўша, маликанинг ташвишлари кўпайди.

— Сиздан бир нарса сўрамоқчийдим, амирим... — деди бир куни Султон Бахт бегим мулоийм оҳангда куёвининг жаҳлини чиқариб юбормаслик ниятида. — Нима учун тушингизда ҳамиша кимдандир қочиб юрасиз?.. Жангларда от чоптирасизми-ей... Ҳамма нарсадан ҳадиксирайсиз, тавба... Нима бўляпти ўзи, амирим?..

— Ҳадиксирайсиз?.. Йўқ, йўқ...

— Кеча кечаси уйқунгизда яна алланималарнидир айтиб чиқдингиз... Авваллари ҳам кўп бор шундай бўлган... — Куёвига қийиқ кўзларини тикди Султон Бахт бегим.

— Нималарни айтиб чиқибмен?.. — йўқ қулоғининг

ўрнини силар экан нижиниброк сўради Муҳаммад Ми-
рак.

— «Осмон тушиб кетса нима қиламен?..», «Ер ютиб кетса нима қиламен?..». Гоҳ-гоҳ Амир соҳибқирон номларини ҳам айтиб қўясиз, «Подшо бўламен! Подшо бўламен!..» дейсиз. Қаерга подшо бўлмоқчисиз?..

Муҳаммад Мирак худди уят жойи очилиб қолгандай кўзлари чақчайиб кетди:

— Тафтиш этишни қайдан ўргандингиз, маликам?.. Ёки онангиз сизни шунга туққанмилар? Узатаётган вақтларида соҳибқирон қулоғингизга: «Тафтиш қиласен!» деб буюриб қўйганмилар? Завжамисиз? Тафтишчимисиз?.. А?.. Яна нималарни тайинлаганлар? Қайга борганимни, босган қадамимни санаб юришни ҳам айтганмилар? Қанча қадам босдим, нафас олдим, нима қилдим, нима қўйдим... Шундайму?.. Гапирсинлар, маликам!

Хутталон ҳокими бетоқатликдан кўзининг бурун томон бурчаклари қаттиқ ачишиб кетганини сезди ва кўп беҳузур бўлди. Қараши одамларникига эмас, йиртқичларникига ўхшарди... Чуқурлашиб бораётгандай туюлган кўзлари тез-тез пириллашга тушди. Эҳтиёж бўлмаса ҳам, қошларини дам-бадам қўли билан юқори кўтаришга уринарди... Бари молихулиё касаллиги белгиларига ўхшарди. Султон Бахт бегим бир пайт буларни Бу Али Сино китобида ўқиганини эслади. Бундай кишилар кўпинча қўрқоқлик, бадгумонликка бериладилар, бадфеъллик этагидан тутадилар, одамдан қочадилар, ўринсиз хавфсирайдилар, ўзларини гоҳ подшо, гоҳ шайтон, гоҳ хайвон деб хаёл қиладилар... Султон Бахт бегим шавҳарини танимай қолди. Наҳотки, куёви шундай касалликка чалинган бўлса?.. Унда шўрлик Султон Бахт бегимни худо уриб қўйибди-да! Э, худо!..

Куёвининг шаллақи эканлигини илк марта кўриб турганидан келинчакнинг тили боғланиб қолди:

— Вой, тавба! Нималар деяпсиз, амирим?.. — деди ниҳоят. — Бу асло сизга ярашадурғон иш эмас... Дунёда йўқ гапларни гапирасиз-а! Кошки, буларнинг ўндан бири тушимга кирган бўлса!..

— Ҳа, тушингизга кирсинму? Кирсинму?.. Шуниси тар экансиз-да, а?..

— Вой... мен...

Келинчакни гапиртиришга қўймаган куёв зуғумли деди:

— Келганингиздан бери фақат ишингиз тергашдан иборат... Тергаш, тергаш!.. Отингизни Султон Бахт бегим эмас, «Тергашхоним» қўйиш керак экан ўзи, маликам! Биламен, олган нафасимизгача ҳумоюн ўрдуга етиб турибди... Ёки Амир соҳибқирон сизни менга жосус қилиб юборганмилар?..

Кейинги гап Султон Бахт бегимга ботиб кетди. Шу ергача тишини тишига қўйиб келган малика энди чидолмай қолди. Унга алам қилгани — куёвининг ҳеч бўлмаган ишни рўкач айлаши, айниқса, соҳибқирон шаънига теккизиб гапириши, «Жосус...» деб кесатиши эди.

— Ие! Жосус?.. Сиз ким бўлибсизки, жосус қилиб юборадилар?.. — аламдан қаҳ-қаҳ солди Султон Бахт бегим. — Худо урди!.. Яхшиликка ёмонлик экан-да?.. Қандай яхшиликлар кўргиздилар сизга Амир соҳибқирон ҳазратлари! Сизгина эмас, эшитганмен, муҳтарам падари бузрукворингизга ҳам... Андишанинг отини кўрқоқ демангиз, амирим!..

— Нима-нима?.. Яхшиликлар кўргизди?.. Қанақа яхшиликлар?.. Хо-хо-хо!.. Яхшиликлар эмиш! Савашларда жонингни жабборга бериб жанг қиласен, ўлар-тириларингга карамай от сурасен, аммо шараф бошқаларда!.. Қурултойда отинг ҳам чиқмайди!.. Мана, Эрон юришида ўзимни ўтга-чўкка урдим. Аланжук қалъасини қамал этдим! Ўҳ-хў!.. Қандай қалъа! Шаддоди Однинг ўзи бино қилган, ҳа!.. Қалъага нақбалар¹ солиб, сувини сўриб олиб тўрт ёндан қамал қилиб мусаххар айладим! Қалъа доруғасини кўлига кишан солиб ҳумоюн ўрдуга келтурдим. Йў-ў-ў-ўк!.. Соҳибқирони комкор буларни кўрмадилар! На машваратда номимиз чиқди, на бирон ерни суюрғолга олдик... Менга қилсалар, қизларига ҳам қилганлари бўлади-ку! Адолат, адолат, дейдилар. Адолат! Қани адолат?.. Адолат осмонда!..

— Хутталондай катта вилоят ҳокими бўлиб турибсиз-ку! Бу камми?.. У ҳам бўлиб қолар... Соҳибқирон куёвиз-сиз...

Муҳаммад Мирак телбаларча хохолаб юборди:

— Вилоят ҳокими эмишмен!.. Вилоят ҳокими! Хутта-

¹ Нақба — лаҳим маъносида.

лон қадим-қадимдан бизнинг хеш-акраболар юрти, уни бизга биров бермаган... Бировдан олган эмасмиз! Отангизнинг зигирча ҳам ҳаққи йўқ!.. Ва у киши, айтиб қўйингиз, мен бердим, деб оғиз кўпиртирмасунлар! Соҳибқирон куёви эмишмен!... Соҳибқирон куёви бўлсам, мен уйланаман, деб кўзим учиб тургани йўқ эди!.. Ҳа-ҳа!.. Отангизнинг ўзлари бердилар! Ўзлари ялиниб бердилар!.. Ўтмас матосини бизга ўтказдилар...

Малика фавқулодда келган қахру газабдан телбалангандай бўлиб қолди, агар қўлида қилич бўлганда уриб юборармиди! Унинг назарида шунча гапни эшитиб, «ўтмас мато» бўлиб жим ўтириши мумкин эмас, у нимадир қилиши шарт эди.

Султон Бахт бегимнинг кўзларида ўт чакнади:

— Нима-нима?.. Вой, бевурд! Вой, бетамиз!.. — деб юборганини билмай қолди малика. — Юзсизликни кўрингиз! Уят ҳам йўқ ...Бет йўқ!.. Вой, ўл!.. Эркак бўлмай ўл!..

Муҳаммад Мирак қараса, малика Султон Бахт бегим газабдан қийиқ кўзлари қисилган, юзларига ол ранг югурган, чехрасида худди жаҳли чиққан ёш сулув қизчанинг гўзал ифодаси пайдо бўлганди. Куёвнинг бирдан меҳри товланиб кетди, гўзал маликага тикилганча чакчайган кўзлари хирсдан ёна бошлади... Шарму ҳаёсиз амир эркаклигини кўрсатиб қўймоқчи бўлдими, шартта келиб маликани қучоқлади ва типирчилатиб зўрлик билан хона ўртасидаги устунга олиб бориб боғлади... Сўнг бир пақир сув келтириб бошидан қуйиб юборди! Унинг тутумлари соғ одамниқига ўхшамасди. Маликанинг пуштиранг ҳарир қўйлаги хўлликдан чипша баданига ёпишди, унинг анордай сийнаси, хушбичим сонлари алоҳида-алоҳида ажралиб куёвнинг кўзларини ўйната бошлади. Узокдан томоша қилиб турган Муҳаммад Мирак, гўё бир оз олдин орада ҳеч қандай аччиқ-тирсик гаплар бўлиб ўтмагандек, «Маликам... Маликам... Қандай гўзалсиз, маликам!..» дея шивирлади, аллақандай хирс исканжасида устунга яқинлашиб келди-да, оёқлари билан ер тепинаётган маликанинг пуштиранг қўйлагини ёқасидан ушлаб икки томонга тортиб парчалаб ташлади! Бу унинг яхши кўрган қилиғи эди. Кейин алланималарни шивирлаганча, куёвининг ғайритабиий ҳаракатларидан ҳайратда қаршилиқ қилишдан ожиз, лом-мим демай тошдай қотиб

турган маликанинг ярим очилиб қолган, бундан бекиёс гўзаллик касб этган соҳир сийнасига очофатларча ёпишди...

Ў Н Е Т Т И Н Ч И Б О Б

I

Эронга бўлган уч йиллик юришдан қайтар экан, соҳибқироннинг кўнгли вaш эди. Тингчиларнинг хабарларига қараганда, унинг шарқдаги душманлари Қамариддин, Анқо Тўралар ҳамон қиличларини қинига солган эмаслар. Ўша ёқлар ҳали-хануз нотинч вa таҳликали... Устига устак, хоразмшоҳ Сулаймон Сўфи атрофига йиғилиб олишган Султон Маҳмуд ибн Қайхусрав, Маҳмудшоҳ Бухорий қабилар тинимсиз уни йўлдан уриб, Амир Темурга қарши қайраш билан бандлар...

Ўтзор яқинидаги Чукалак мавзеида бўлган жангда соҳибқирон кўшини пароканда бўлибди... «Ўғли» Тўхтамишхоннинг иддаолари ҳам кучайиб бораётир. Хоразмга босқин уюштиргач, Тўхтамишхон Хоразмшоҳ билан бузғунчилик ҳой-ю ҳавасларини бирлаштириб бир-бирлари кўнглига йўл топган эмишлар... Бухорони босибдилар, Занжирсаройга ўт қўйиб кетибдилар...

Кўксаройда ўтган машваратда арқони давлат вакилларида ташқари Чукалак жанги иштирокчилари бўлган амирлару навқарлар ҳам қатнашдилар. Соҳибқирон барчасини тафтиш учун чорлатганди. Даставвал Эрон юриши ҳақида сўз кетди.

...Амир Темур Калот йўлида Абу Муслим Марвазий мазорига тушди вa зиёрат қилди. Соҳибқирон умавийлар халифалигига қарши курашган, Мовароуннахрнинг мустақил бўлишини истаган, йигирма саккиз ёшда қатл этилган Абу Муслимни мард вa шижоат соҳибини эканлиги учун яхши кўрарди. У ҳақда «Абумуслимнома» қиссасидан кўп нарса билиб олганлиги эсида...

Арзинжон билан Арзирум ҳукмдори Тахуртан соҳибқирон ҳукуматини тан олди вa итоат камарини белига маҳкам боғлади. Гуржи подшоси Багрaт исломни қабул қилди. Ироқи Араб, Форс, Шероз вa Исфaхон шаҳарлари забт этилди...

Шулар ҳақида гапирар экан, соҳибқирон ҳаёлга чўнди-ю Шерозда Хожа Ҳофиз лақабли шоир билан бўлган учрашувни эслаб кетди. Ха, у Шерозга борганида бу шоирни топиб ҳузурига келтиришларини буюрди.

Хожа Ҳофиз машҳур шоир эди. Соҳибқироннинг улуг пойтахтида ана шундай шоирлар бўлишлари керак, туркигўй, форсигўй, арабий шоирлар! Ҳиротга борганида, ўзи ёш, аммо ҳозирдаёқ малик ул-калом дейишга арзигулик туркигўй бир шоирни айтиб қолдилар, аниқроғи, шайхулислом Хожа Абдулмалик қувониб деди:

— Ҳазрат, бир шоирнинг туркий ғазалини айтдилар, дилимга қаттиқ ўрнашмишдур. Бу ғазални кўча-кўйда айтиб юришибди. Содда ва ғўзал ифода этилмушдурки, руҳингиз ором оладур. Ўзи ёш, балки йигирмага ҳам ҳали бормаган, аммо худо берган соҳиби истеъдод экан, асли Шошдан, ҳозир Ҳирот ёнидаги Деҳи Канор қишлоғида яшармиш. Хайрият, ўз тилимизда шундай байтлар пайдо бўлмақдадур. Бари сизнинг шарофатингиз, Амир соҳибқирон...

Соҳибқирон шайхулисломнинг ўзи ҳам пинҳона ғазаллар машқ қилиб туришини, «Исомий» деган таҳаллусдан фойдаланишини эшитган эди.

— Хўш... Байтни айтсунлар-чи...

— Узримни қабул қилингиз, чўзиб юбордим... Байти мундоқ:

*«Аёқингга тушар ҳар лаҳза гису¹,
Масал борким: «Чароғ туби қоронгу»...*

Амир Темур шайхулисломга таажжубда қаради:

— Фақат бир байтму?..

— Бир қошиқ қонимдан кечсунлар... — деди шайхулислом ва ғазални бошидан ўқиб берди:

*Аёқингга тушар ҳар лаҳза гису,
Масал борким: «Чароғ туби қоронгу...»*

*Тутармен кўзки, кўрсам оразингни,
Ки дерлар: «Оққан ариққа оқар су».*

*Юзингни тутгум ортуқ ою кундин,
«Кишининг кўзидур, оре, тарозу».*

¹ Гису — ўрилган соч.

*Кўзинг қонимдин ийманмас, ажабтур,
Ки «Кўрқар, қайдаким қон кўрса ҳинду».*

*Тилар васлингни Лутфий, қил ижобат,
Ки айтурлар: «Тилагани тилагу»...*

Диққат билан тинглаган Амир Темур мамнун бош тебратди ва охиста деди:

— Лутфий... Тахаллусни танлашидан, бу шоирга лутф этса бўлур... Сўзи ҳам маънилик... Чароғ туби қоронғу... Оққан ариққа оқар сув... Ундан бохабар бўлсунлар, шайхулислом жаноблари! У бамисли бир ниҳол, унга парвариш лозимдур, у миллату улус шарафидур! Унутмангизким, ҳар бир салоҳият эгаси, Аллоҳ томонидан сийланадурғон сиймодур ва бу айрича лаёқат унга бежиз берилмағондур... Қадрига етмак керак!

Табиатан илму маърифатни хуш кўрадиган Амир Темур Низомий Ганжавий, Саъдий, Амир Хусрав Дехлавий ғазалларини мутолаа қилишни ёқтирарди. Икки йил бўлди, кунлардан бир кун соҳибқирон Ҳофиз Шерозий ғазалларини ўқир экан, гаройиб байтга кўзи тушиб қолди...

Кейин байтга такрор кўз югуртирди. Ҳа, адашгани йўқ, шоирнинг ўзгалар ҳисобига саҳийлиги жуда ҳам меъёридан ортиб кетибди! Саҳийлик ҳам эви билан-да... Соҳибқироннинг қўли иягига чўзилди. Амир Темур Самарқандни олам маркази қилишга бел боғлаган, меҳрибону мушфиқ онаизори Тегина Хотун туғилган Бухорои шарифни ислом динининг қувватига айлантиришга шахт айлаган... Самарқанд салтанат пойтахти, Бухоро волидаи мухтарамасининг она шахри... Бу қандай кўргулик-дурки, машаққатлар чекиб обод этган икки улуғ шаҳарини бир гўзалнинг холига бериб юборибдурлар?..

Шоирни туш маҳали шоҳқодирга олиб келдилар. Рўпарада етмишларга бориб қолган, бир пайтлар мағрур бўлган қаддини фоний дунёнинг азоб-уқубатлари букиб қўйган озғингина одам турарди. У Ҳофиз Шерозий эди, эғнига фақирона ҳирқа ташлаган, ҳассага таянган бу мўйсафид номи чиққан «Ринди Шероз»га сира ўхшамасди. Амир Темур оламшумул соҳир ғазалларни шу бечораҳол нимжон, мункайган одам ёзганига ишонинқирамай қаради. «Аллоҳнинг карами кенг-да...» деб қўйди ичида.

Бир оздан кейин соҳибқирон бирдан ғазал ўқий бошлади:

— *«Агар он турки Шерози ба даст орад дили моро,
Ба холи ҳиндўяш бахшам Самарқанду Бухороро...»¹*

Бу байтни сен иншо этганмусен, эй банда?.. Менинг шаҳарларимни тилга олишга қандай журъат этдинг?.. Албатта, сиз шоирлар худо билан гаплашиб турасизлар, илҳомни яратгандан оласизлар, сизларни тушуниш ҳам қийин...

Ҳофиз Шерозий қўлини кўксига қўйиб:

— Ҳа, каминаи камтарин битғонмен, соҳибқирон ҳазратлари, гуноҳкор бандадурмен... — деди-да, бош эгди. У жаҳонгирнинг ғазабидан қўрқиб турарди. Кўнглидан, «Ўксинма, эй Ҳофиз, ҳатто подшолар ҳам байтингни айтиб юрадилар...» қабалида фикр ўтди.

— Бир гўзалнинг қаро холига икки улуғ шаҳримни бахш этиб юборибдурсен?.. — сўради Амир Темур. — Саховатда Хотами Тойни ҳам ортда қолдириб кетибсен-ку?..

Шоир назар ташлаб, соҳибқироннинг жиддий қараб турганини кўрди. Кўнглига бир фикр келди. Шу заҳотиёқ ичида машҳур байтни янгича таҳрир қилди:

*«Агар он турки Шерози ба даст орад дили моро,
Ба холи ҳиндўяш бахшам як сарқанду ду хурморо»².*

Ҳофиз Шерозий байтимни душманлар ўзгартириб айтидилар, аслида мана бундай эди, деб янги таҳрирни ўқиб бермоқчи бўлди-ю аммо соҳибқироннинг унчалар ҳазилни ёқтирмаслигини эшитганидан, айтишга ботина олмади. Ўрнидан туриб таъзим қилди-да, ювилавериб ранги кетиб қолган ҳирқасини ечиб, яланғоч қоқ кўкрагини кўрсатди ва деди:

— Амир соҳибқирон! Рост дедингиз! Саховатда Хотами Той ҳам ортда қолиб кетганлиги рост. Ахир Хотами Той яланғоч юрмаган... Каминани кўрингиз! Қўлимнинг очиклигидан, сахийлигимдан шу қадар камбағал бўлиб қолдимки, ҳатто кийгани яктагим ҳам йўқ!..

¹ Агар кўнглимни ололса шерозлик турк жонони, Қаро холига бахш этгум Самарқанду Бухорони.

² Агар кўнглимни ололса шерозлик турк жонони, Қаро холига бахш этгум як сарқанду ду хурмони.

Амир Темур сезилар-сезилмас мийғида жилмайиб кўйди. У донишманд шоирнинг ҳозиржавоблигига тан берди ва жазосини карамга алмаштириб, Муҳаммад Чууроға додхоҳга юпун шоирни сарполар билан сийлашни буюрди...

Соҳибқирон ўшандан кейинги воқеаларни эслашни асло истамасди. Кошки эди, эсламасликнинг иложи бўлса!..

Кўксаройга жимлик чўкканди. Барчанинг кўзи хаёлга ботиб деразадан узоқларга тикилиб турган соҳибқиронда эди.

— Бу юришнинг изтироб чекадиган жойи бор... — деди ниҳоят Амир Темур. — Изтироб чекадиган жойи Исфаҳон воқеасидир, жаноблар, у ерда ноҳақдан қон тўкилди... Шундоқ бўлди...

Соҳибқироннинг хаёлга берилганини машварат аҳли ўзича мана шу маъшум воқеага йўйди.

Исфаҳон ҳодисаси аслида бундоқ юз берган эди.

Ҳамадон шаҳридан соҳибқирон лашкари Исфаҳонга йўналди. Одатда, Амир Темур ҳеч қачон шаҳарга қўшин билан кирмас, балки шаҳар яқинига келиб кўнар, даставвал кенгаш йўлини тутиб, элчи юборар, муаммони қон тўкишсиз адо этишга тиришарди. Шаҳар аҳли олдида шундай талаб қўйиларди: «Амир Темур салтанати тан олинсун ва бир йиллик хирож товон тўлансун... Шаҳар, бас, Амир Темур Кўрагон салтанати химоясида бўлур!.. Кимдаким ушмундоқ кенгашга қулоқ солмай, итоатдан бош тортса, гожлик этиб бўйсунмаса, муҳолифат кўргизса, вилоятини талон-торож қилсунлар; кимки вазиятни англаб етиб, эл бўлиб олдиларига келса, азиз тутиб ўзлари билан бирга олиб юрсунлар, вилоятига заррача зарарзаҳмат еткурмасунлар...» Бу соҳибқироннинг фармони эди.

Исфаҳон улуғлари кенгашга қулоқ осиб, шаҳар доруғаси Сайид Музаффар Коший бошчилигида жам бўлишиб соҳибқирон қошига келдилар. Шаҳар аҳли «Тақа баҳоси» дея моли омон тўлашга розилик билдирди.

Соҳибқирон мамнун бўлди, шаҳар улуғлари кўп сийловларга раво кўрилдилар, подшоҳона лутфу карамдан сарафроз этилдилар. Шаҳар доруғасига ўз хизматини давом қилдириш вазифаси топширилди. Барча мамнун эди. Сайид Музаффар Коший таъзим бажо келтириб,

Йармоқни¹ олиб кетиш учун муҳассиллар зарур бўлади, дея ўтинди. Олий фармонга кўра, ажратилган уч минг забардаст муҳассил маҳаллаларда мол йиғмакка тутиндилар...

Хамма бало кечаси бошланди. Чорсу маҳалласида қоқ ярим кечада қаёқдандир пайдо бўлган баланд бўйли, овози кучли Али Кўчапо деган бир киши ўз атрофига одамларни йиғиб, очикдан-очик соҳибқироннинг турли маҳаллаларда рафлат уйқусида ётган навкарларини жойида пинхона ўлдиришга чақирди. Кўпчилик ул беоқибат жохилни қўллаб гапирарди. Одамлар ўртасида гала-ғовур бошланди. Шошилинич етиб келган шаҳар доруғаси Сайид Музаффар Коший бошлик шаҳар улуғлари уни инсофга чорлаб, бузғунчиликни тўхтатишни буюрди.

Али Кўчапо бўш келмас, доруғанинг сўзлари, унга бамисли ўчираман деб пуфлаганда ланғиллаган оловдай таъсир қилар, овозини яна ҳам баландроқ кўтариб шовкин соларди:

— Нега Темурланга бош эгар эканмиз?.. Яна бир йиллик товон тўлаш керак эмиш... Йўқ, асло! Қарангиз! Душманнинг уч минг аскари қўлимизда... Худонинг ўзи кўмакка келиб турибди! Уч минг аскар-а! Уларни ўлдирсак, бас! Мовароуннаҳр қўшини пароканда бўлади! Кейин у ўз юртига қайтиб кетади!.. Ҳа, ҳа, қайтиб кетади...

Сайид Музаффар Коший дарҳол сўз олди:

— Кулоқ солманглар, эй мусулмонлар! Кўзингизни очинг! У шайтон йўлига кирган! Кўрмаяпсизму? Бошимизга бало олиб келиб, ҳаммани хонавайрон қилади!.. Амир Темур қўшинига бас келиш қийин!.. Сулҳ тузилгани аъло иш бўлди! Шайтонга хай беринг, хой мусулмонлар!..

— Бошимизга бало олиб келган биз эмас, мана шулар! — деб юборди бирдан Али Кўчапо шаҳар улуғларини кўрсатиб. — Мана шулар ҳаммани хонавайрон қилади, ҳа! Сулҳ, дейди... Ҳаммамизни сотиб келишди! Ҳайданг, бу сотқинларни! Ҳайданг буларни!!!.. Изини қуритинг!..

Туз ташласа сачрайдиган доғ ёғни эслатувчи чирсиллаб турган халойиқ гувиллаб доруға ва унинг шериклари томонга ўтирилди!

¹ Йармоқ — товон маъносида.

— Доруғани ур! Доруғани!.. — деб қичқирди шу палла кимдир. — Бизларни сотган шу!.. Сотқинларни ур!
— Нимага бизларни сотади?..
— Доруғани ур!..
— Ур!.. Жон жойига ур!.. Ур, баччағарни!.. — қичқира бошлади бошқалар ҳам...

Шу заҳотиёқ бир барзанги чиқиб Сайид Музаффар Кошийнинг ёқасидан тутди, «ҳай-ҳай!..» деганига қарамай, гарданига мушт туширди. Биров тўғри келган жойига тепди, иккинчиси унга кўшилди... Кейин бошқалар ёпирилишти. Бирпасда оломон орасида қолган бошдан оёқ қонга беланган доруға зарбаларга дош беролмай жон таслим қилди... Буни кўрган шахар улуғлари шитоб қочиб қолишдан ўзга чора топмадилар.

Фавкулудда ғазаб бирпасда вазиятни яхши англаб-англамаган исфаҳонликларни ваҳший оломонга айлантирди қўйди. Ноғоранинг тантанали садолари остида, қайси маҳаллада, қайси уйда бўлмасин, Турон одамларини излаб топишиб битта ҳам қолдирмай қўйдек бўғизлаб ташладилар, найзаларга илиб, нимта-нимталаб, хор-зор қилиб ўлдирдилар... Тасодифан шу кеча бедор бўлган бир неча муҳассилгина қочиб қутилди. Бир кечада черикдан уч минг киши зое бўлди...

II

Воқеани кўрқа-писа соҳибқиронга айтганларида, бундоқ бўлишини асло қутмаган Амир Темурнинг ғазаб томирлари кўзғолиб, бутун борлигини зирқирата бошлади. Авваллари ҳеч қачон шундай аҳволга тушган эмас... Тили калимага келмас, ўзини қўйгани жой тополмасди. Ғазоби тобора аланга олиб борарди. Тахтда ўтиролмай шоҳқодирдан ташқарига чиқиб кетди ва соқолини тутамлаганча Исфаҳон томонга тикилиб узоқ туриб қолди...

Сўнг амирлару баходирларни чорлатди. Ҳамма йиғилиб келди, ҳамманинг боши эгилган эди. Соҳибқирон ҳеч нарса демади, чунки бундай ҳолларда сўз айтиш аламни бадтар чуқурлаштириш билан баробарлигини биларди, фақат одамларнинг кўзларига қаради... Қутилмаган фожиа одамзоднинг кўзида ҳамиша бўладиган сўнгги шафқат учқунларини ҳам сўндириб улгурган эди. Амир-

лару баҳодирларнинг нигоҳлари қасос, ўч олиш хисси билан ёнарди...

Амир Темур аҳдни бузганларни жуда ёмон кўрарди. Аҳдни синдирган кишини эр санамасди. Доим: «Кимки ўз аҳдини бузса, фақат ўз зиёнига бузгай, дейилмиш эди каломуллода...» деб таъкидлаб юрарди.

Нима қилиш керак? Уч минг бегуноҳнинг қони кимнинг бўйнида бўлади энди?.. Бебоку бебошларга қандай жазо бериш лозим?.. Яна кечиримлилиқ йўлини тутсинму?.. Кўра-била туриб шундай ноинсофларни кечирса, уни худо кечирармикин, бегуноҳлар руҳи уни тинч кўярмикин?.. Бунга амирлару беклар, раоё нима дейдир? Қани адолат, адолат йўлини тутмадингиз, бузгунчилар жазосини бермадингиз, куч адолатда эди-ку, Амир соҳибқирон, демайдиларму?.. Исфаҳонликларнинг тунда маккорларча муҳассилларни ўлдиришларидан ҳам кўра уларнинг оқшомда аҳди паймон қилиб, офтоб чиқиб улгурмай поймол қилишлари, ўз сўзида турмасликлари, фирибгарликлари соҳибқирон дилини қиймалар, қаҳрини боз-боз оловлантирар эди.

Ногаҳон ўзи яхши кўрадиган нақл эсига тушди. Бир донишманд Хорун ар-Рашидга бундай деган экан: «Қайси фуқароки, подшонинг лутфу химмат, сийлову марҳамат ва раҳму шафқатидан баҳраманд бўлса-ю шунга била туриб нонкўрлик қилса, қабиҳликка юз бурса, у чиндан ҳам шайтондир. Қайси подшоҳки, ана шундай шайтоннинг қилмишларини кўриб, қаҳру ғазаб отига минса, бироқ журъатсизликдан беғайратлик ва шижоатсизлик кўргизса, у ростдан ҳам эшак ва хўкиз саноғидадир...» Ҳар гал эслаганда, Амир Темур ўша донишманд фикрига қўшилар: «Шайтоннинг жазосини бермаган подшо, шубҳасиз, эшак ва хўкиз саноғидадир!» дер эди ичида қатъий қилиб. У ана шу санокқа тушиб қолишни асло истамасди...

Соҳибқирон бирдан фармон қилди:

— Шайтоннинг жазосини бермоқ даркор! Шаҳарнинг тасхирига¹ юрилсун! Бузгунчилар бошларидан жудо қилинсун! Шайху уламолар уйлари сақлансун!

Шериклари ва сафдошлари хор-зор нобуд бўлганларидан дарғазаб тишини тишига қўйиб кутиб турган амир-

¹ Тасхир — забт этиш.

лару баҳодирлар шу заҳотиёқ шаҳарга от солдилар. Черик оломонга айланган эди. Чап томонда иниси шу тунда исфахонликлар томонидан ўлдирилган, бундан қаттиқ аламда қолган Мубашшир баҳодир қилич ўйнатиб борарди. Ўнг томонда ғазаб отига минган бешафқат Худойдод Хусайний черик бошида эди.

Қиёмат қойим кўпгандек, еру осмонни чанг-тўзон тутди. Одамларнинг оҳ-воҳи, дод-фиғонидан кулоқлар батанг бўлди. Бу пайт қатли омни соҳибқироннинг ўзи ҳам тўхтата олмасди. Кўчаларда каллалар сапчадек узила бошлади. Улар ичида оқибатини ўйламаган Али Кўчапо ва шерикларининг ҳам каллалари бор эди. Баридан минора яшаш қийин иш бўлмай қолди...

Икки навкар ўзаро сўзлашар эдилар:

— Бу нечук ахвол, хей гушна? — дер эди биринчиси. — Қонлар дарё бўлиб оқди, эл-юрт хонавайрон бўлди... Ўзимиз ҳам не-не каллаларни уздик... Наҳотки Амир соҳибқирон бу ҳангомалардан огоҳ эрмас?..

— Э, каллаварам, — жавоб қилди иккинчиси. — Билмайсенму, подшоҳлик жихати шуни талаб қилади-да. Сиёсатсиз эл тузалмайди. Мамлакат забти учун шу керак. Қаҳру ғазабни ҳам Амир соҳибқирон ўйлаб топмаюн, бу ҳам бир худонинг қудрати... Бир донишманд деган-ку: «Мулкни барқарор айлай десанг, тигни беқарор қилғил...» деб...

Сурон ичида уларнинг гапини ўзлари ҳам зўрға эшигардилар.

Кейин фожеа қандай юз берганини тушунтирганларида соҳибқирон сесканиб кетганди ўшанда... «Мусулмонлар бошини кесишларини буюрмагондим-ку, Мамат!.. — соҳибқирон баланд овозда қичқирди Мухаммад Чуроға додхоҳга. — Бузгунчилар жазоси берилсун, ўша ўлган кўрнамак бузгунчилар бошидан хавосатга бир кубба ясалсин, дегандим холос!..»

Аммо фишт қолипдан кўчиб бўлган эди. Мухаммад Чуроға додхоҳ ерга қараганча индамасди.

Соҳибқиронни алам хисси забтига олди. Э, аттанг!.. Ахир ўлганларнинг ичида қанчадан-қанча бегуноҳлар, билмасдан аралашиб қолган рофил бандалар ҳам бор эди-ку... Улар ахир салтанатнинг фуқаролари эдилар-ку... Ҳа, қуруққа кўшилиб хўл ҳам ёнди, бўлар иш бўлди, бўёғи синди...

— Агар Аллоҳ мадад бериб, тақдир ҳукми ақлу ид-рок билан бирикса, хўп-хўп, қилич билан қўшилса, эл ҳолига вой... — журъат этиб сукунатни бузди Амир Сайфиддин некўз. Ҳаммадан ҳам Амир Темур руҳиятини теранроқ тушунганидан у азиат чекиб турган соҳибқиронга кўмак беришга шошилди.

— Гап шунда, некўз жаноблари, тақдир ҳукми, афсуски, қилич билан қўшилди... Қуръони каримда дейилмишки, Аллоҳ ўзи хоҳлаган кимсаларни мана шундай йўлдан оздириб қўяр, деб... — вазмин оҳангда деди соҳибқирон сарой аҳлига карата. — Буни Аллоҳнинг ўзи истадими... Ҳазрат Жабборнинг хоҳиш-иродасидан ул шаҳар хароб бўлмоғи керакмиди... Шаҳар аҳлининг бирон гуноҳ-ёзуғи бор эдими... Билмакка ожиздурмен. Буни ёлғиз ўзи биладур... Не чорадурки, тушунмаган авбошлар туфайли ноҳақ қон тўкилди. Аввал уч минг мусулмоннинг қони, кейин эса ўн чандон...

Сарой ичига жимлик чўқди. Соҳибқирон ўзини оқлашга ҳаракат қилмасди, ҳақиқатга юз ўгирмай гапирарди. «Инсофли одам-да, Амир соҳибқирон... Бўлғон фалокатдан дили озурда...» — ўйлади ичида пири муршид ва фожиани эшитиб унинг ҳам кўнгли овриди. Қўллаш маъносида сўз оларкан, катта-катта кўзларини Амир Темурга тикди:

— Амир соҳибқирон! Гофил авомнинг бундоқ бир бора қилган шарру шўри, харажу маражи¹ ҳамиша эл бошига бедаво бало бўлур. Не чора борки, барига йўлдан адашган мусулмонларнинг ўзлари сабабчи бўлсалар?... — чертиб-чертиб деди Мир Саййид Барака. — Исфаҳонлик гажирлар иши бамисли саҳродаги саробга ўхшабдур, ташна одам уни сув деб ўйлайди-ю олдига келгач ҳеч нарса топмайдур... Гофил авомнинг билиб-билмай қилган шарру шўри шу-да...

— Уларнинг пешонасига битилғон, Амир соҳибқирон, таассуфки, бартараф этмакка бандаси ожиздур... Барчаси замона ҳолидан ғафлатда қолғон мардумнинг иши... Хожан коинот хоҳиши...

Бу Хожа Абдулмалик шайхулислом эди. Амир Темур унинг учли иягидаги тўртта-бешта соқолини силаган гулдор тасбеҳ тутган қўли хиёл титраётганини кўрди.

¹ Шарру шўр, харажу мараж — ёмонлик, бошбошдоқлик, бузғунчилик.

Барча жим, айтилган сўзлар маъзини чақиш билан банд эди.

Амир Темур бу ҳақда қанча сўз кетса шунча бағри ўйилишини, қўлини қиёқ қийиб кетгандай жони қийна-лишини идрок этарди. Бироқ Исфаҳон воқеасини машварат аҳлига билдирмаслик ҳам мумкин эмасди. Соҳибқирон салтанатида пинҳона ишларга ўрин йўқ, барчаси кенгаш билан ошқора қилинадур... У тезроқ мавзуни ўзгартириш керак, деган қарорга келди.

— Мухтарам машварат аҳли! Ўзимизда ҳам Исфаҳондан маъшумроқ ходиса юз берди...

Ҳамма хушёр тортди.

— Вожаб! — давом этди Амир Темур. — Бизнинг черигимизда қай маҳал кўрилардики, аскаримиз душманга орқа ўгириб, отининг эгари қийшайиб қочгон бўлсун? Ким сизга буни ўргатди? Ел қанотида тура олмоғон чибиндек кўркиб қочдингизму?.. Энди бунга не дейин?.. Ахир қаерга борсак, ул ернинг пастқамида эмас, ўркачида ўлтириш толеимиз эди-ку? Боргон еримиздан фатҳу нусрат билан қайтиш ҳамиша насибамиз эди-ку!.. Чиндан ҳам, туркларнинг хафсалалари кўзларидек тангдур... Қачон бу маъшум одатни аритасен?.. Қачон?.. Эй парвардигор!..

Умаршайх Мирзо бошлиқ Чукалак жанги иштирокчилари машварат аҳлидан этакроқда ўлтиришар, кўплар шундай аччиқ гапларни эшитиб тургандан кўра ўша жангда ўлибгина кета қолмаганларидан афсус чекардилар...

...Соҳибқироннинг Эронда эканлигидан фойдаланиб Тўхтамишхон Сиғноққа қўшин жўнатди. Умаршайх Мирзо зудлик билан Самарқандга чопар елдирди, ўзи эса Ўтрор ёққа отланди. Амир Сулаймоншоҳ ва Аббос баҳодирлар ҳам Самарқанд черигини жамлаб йўлга чиқдилар. Тошкентда уларга Амир Халил қўшилди.

Икки черик Ўтрордан беш йиғоч нарида кунчиқар томонда Чукалак деган ерда учрашдилар. Ясоллар тортилиб, баронғор ва жавонғор сафлари тузилди. Жанг бошланиб кетди.

Умаршайх Мирзо тез, шартаки эмасми, сабри чидамай баҳодирлиги тутиб ўзини ёғийнинг ғулига¹ урди! Шидатидан сафни ёриб ўтди, ўтишга-ку ўтди, аммо ўз чери-

¹ Ғул — халка, душман халқаси, маъносида.

гидан узилиб қолганини сезмади. Сардоридан айрилган черик эса ваҳимага тушди ва тездаёқ боши олинган танадек шижоати кесилди, орқа-олдига қарамай ҳар қаёққа қочишга турди. Аввалроқ Аббос баҳодирга ўқ тегиб захмлиқ бўлган эди, шундан жон омонатини эгасига топширди. Боши қотган Амир Сулаймоншоҳ эса қўлидан бир иш келмай ожиз эди...

Купша-кундузи танг аҳволга тушиб қолганидан Умаршайх Мирзонинг жиззакилиги тутиб кетди. Лапашанг, ландовур, деб койинар экан, ўзини ўзи ғажиб қўйгиси келарди. Савашиш санъатини ҳам билиш керак... Жанг русуми, қўшин ҳолати, майдонни бошқариш жуда муҳим экан. Тўғри, амирзоданинг мардоналиги, шаддодлиги бор, биروق ўсмирлигида аткаси харбий машқларни ўргатганида, у эркалик, ўйинқароқлик қилиб теранроқ ёндошишга вақт топмаган эди. Агтанг!.. Мана энди билдираётир. Хеч нарса изсиз кетмас экан. Энди соҳибқироннинг суянган ўғли, зафарқарин лашкар соҳиби Умаршайх Мирзо сахродаги ёлғиз йинғилдай шомирзаи қоққуруқ бўлиб ўлтирибди... Хали валинеъмат соҳибқирон кўзига қандай қараркин?..

Алами бисёр ортган амирзода пана-пасткам йўллардан юриб ит азобида Андижонга етиб келди... Қоронғи тушишини кутиб, ҳеч кимга кўринмай ўрдасига кириб олди. Дарҳол черик ғамлашни бошлаш лозим эди. Нафас ростлаб улгурмай, Анқо Тўранинг Жета ёқдан катта лашкар билан Сайрам ва Тошкент устига келиб мусулмонларни хонавайрон қилаётгани ҳақида хабар етди... Чидаб туролмади. Дарҳол Ўзганд черигини олиб Хўжанд томон юрди...

— Барингизни изза қилмак керак!.. — дарғазаб деди соҳибқирон. — Чехраларингизда ўлим ҳамиятини асрагудек шахту шижоатингиз қаёқда қолди? Номардлик қилиб қочғонларингиз дунёга ёйилди-ку! Қандай бош кўтариб юрасизлар?.. Мард Аббос баҳодирни кўрдингизму? Кўрдингизму?..

Соҳибқирон Аббос баҳодир қипчоқ билан фахрлангани кўриниб турарди. Қандай садоқатли йигит эди баҳодир! Сал кам йигирма йиллик кадрдони, дўсти!.. Самарқанд сарбадорлари орасида тинғчи бўлиб юрганининг ўзи бир дoston, Темурбек Бухорода Амир Хусайн билан бахслашиб қолганда, Арслонхон минорасидан «Ерга сакра!» деб буюрганда, ҳеч ўйланмай ўзини пастга отгани бир дoston... Шу шавкати учун у баҳодирлик унвонига

эришганди. Хамма хайратга тушган, Амир Хусайн эса ёқа ушлаб қолган эди ўшанда...

Ҳали Темурбекнинг қайсар амирлар бошини бириктираман, деб юрган пайтлари эди. Бир неча ой Балхга яқин Дараи Арсаф деган мавзе тарафларда қолиб кетдилар. Мўғуллар бостириб келган-келмаганини билиш учун Аббос баҳодирни Тошкент томонга юборди. Чинозга борганларида, мўғуллар эл оралаб, юртни талон-торож қилаётганларини кўрдилар. Шитоб Темурбекка хабар бериш лозим эди. Дараи Арсафга йўл Шахрисабздан ўтарди. Уйи яқинида оға-ини, қариндош-уруғлари кутиб олишди. «Уйингга тушиб ўт, болаларинг билан дийдорлашиб кет!..» деганларида, Аббос баҳодир ғойибдан хожасига садоқат кўргизиб: «Амир соҳибқирон уйидан йироқда бўлатуриб, унинг навқари уйини кўриши муносиб иш эмас...» деди ва уйига кирмай Дараи Арсафга йўналди...

— Мардни кўрдингизму?.. Чекинғондан, қочғондан кўра ўлмакни афзал билибдур... Соҳибқироннинг кўзига кўринмай кўя қолай, деган-да... Афсус... Ёш кетди, бир қанотимни қайириб кетди...

Амир Темур хийла куйиниб гапирди, кейин барча амирларни чўби ясоққа етказишни буюрди. Умаршайх Мирзо, унинг ортида эса Амир Сулаймоншоҳ бош эгганча жим қараб туришарди, фармон эълон қилинганча, иккиси бирин-кетин Амир Темурга бош эгдилар:

— Валинеъмат соҳибқирон!.. — деди Умаршайх Мирзо кўл қовуштириб. — Чукалак жангида қўшинимизнинг пароканда бўлишида каминанинг катта айби бордур... Душманга алданиб қолдук... Амирларим яхши жанг қилдилар, бироқ мен... Жазони даставвал мен олмоғим жониздур. Чўби ясоққа мен муносибдурмен... Амирларимга эмас, фақат каминага жазо берсунлар, деб талаб этамен..

— Амирзодамнинг айблари йўқ, соҳибқирон ҳазратлари! — эътироз билдирди Амир Сулаймоншоҳ. — Чукалак воқеаси каминанинг ландавурлиги оқибатида юз берди... Лақиллаб ёғийнинг дабдурустдан бостириб келганини сезмадик... Мени жазолангиз, шунда адолат қарор топғусидур... Ўтинамен!.. Фақат мен айбдормен!..

— Қулоқ солмасунлар, валинеъмат соҳибқирон ҳазратлари!... — деди яна Умаршайх Мирзо бош экканча.

— Мени жазолангиз, Амир соҳибқирон ҳазратлари!.. — такрорлади Амир Сулаймоншоҳ...

Икки амирзода бир-бирига гал бермай айбни ўзларига тилаб, ерга қараб тиз чўкиб турардилар. Машварат аҳли бундай манзараларни аввал кўрмаган шекилли, хайрат билан боқарди.

Амир Темура амирзодалар тутумидан кўкраги кўтарилгандай бўлди, бу инсоф намунаси эди. Аммо буни ҳеч кимга сездирмади, қовоғини солганча қараб тура берди. Ҳар иккиси ҳам «кўпга келган тўй»дан четда қолмадилар, чўби ясоқнинг нималигини умрларида илк бор татиб кўрдилар...

Маъракада кўрқоқлик намоён этган Амир Халилнинг эса соқолини қириб, юзига упа-элик суриб шаҳар айлантирдилар. Кўрганлар, шўрлик амирнинг холи ҳеч кимнинг бошига тушмасин-да, кейин қандай бош кўтариб юраркин, деб қўйишарди.

Бир кундан кейин Амир Халил ҳақида нохуш хабар тарқалди. Шўрпешона амир кечқурун уйига келгач, хотинлари-ю болаларига кўринишга ҳам уялиб гўшанишин бўлиб ётиб олибди. Ҳеч кимни ёнига йўлатмабди. Эрта-лаб ҳовлининг этагидаги отхонага кирганларида мудҳиш ҳодиса устидан чиқибдилар: Амир Халил шармандаи шармисорликка чидай олмай кечаси ўзини катта харига осиб қўйибди...

Ў Н С А К К И З И Н Ч И Б О Б

I

Дашти Қипчоқда «шимолий сарҳадларни муҳофаза этдим, сопини ўзидан чиқардим», деб юрган Амир Темура даставвал сабр қилиб, «ўғли»нинг қора ниятларини англамагандай иш тутди. Нафсиламарини айтганда, кўнглида Тўхтамишхонга қанча ишонч бўлса, шунча гумонларда бор эди, аммо катта умид боғлаганини ҳам яширмайди. Бир қараганда, бу умидлар рўёбга чиқаётгандек ҳам туюларди. Тўхтамишхон ўтган йиллар ичида қиблагоҳига мунтазам равишда элчилар, чопарлар, туҳфа-ю тансуқотлар юбориб, ҳар хил ёлғон маълумотлар бериб ўзининг садоқатини изҳор этиб турар, буларнинг бари соҳибкиронни хотиржамликка ундарди. Ҳарнечук «ўғил»лик бурчи адо этилаётир...

Бу орада Тўхтамишхон Олтин Ўрдани яна бирлаштириш, уни Ўзбекхон замонидagi сингари қудратли давлатга айлантириш қайғусини чекди. Калка дарёси бўйида Олтин Ўрданинг асосий даъвогарларидан бири — амир Мамоқ мағлуб бўлиб, Кафага қочди ва ўша ерда қатл этилди. Бошқа нуфузли амир Идику эса ўз иддаоларини бировга билдирмади... Янги хон мамлакат худудини кенгайтириш мақсадида, Мовароуқоқоз¹ ва Озарбойжон ерларига қўшин ташлади, Табризни босиб олди. Сўнг шимолга, тарқоқ рус князликлари ерларига кўз тикди, унча катта бўлмаган Московия шахрини талон-торож этиб, ўт қўйиб юборди. Шу тахлит Тўхтамишхоннинг давлати ортгандан ортиб, шавкатига шавкат қўшилиб борди, бемисл қудратга эга бўла бошлаган ҳукмдор ўзга элларга ғайир кўз билан қарай бошлаши ўз-ўзидан аён нарса...

Соҳибқирон бу ишлардан бохабар бўлиб турар, Тўхтамишхоннинг кучайиб боришини худди Турон салтанати қудрати ошаётгандек ҳисоблар, аммо гоҳ-гоҳда кун келиб барчаси ўзига бир бало бўлиб қайтмасмикин, дея ўйланиб қолса-да, бунга ишонинқирамайроқ қарарди. Турон султонидай қудратли султон билан баҳс бойлашишга Тўхтамишхоннинг юраги бетламаса керак ахир...

Тўхтамишхон даставвал соҳибқирон хузурига борганида, кейинроқ Оқ Ўрдани қўлга киритганида Жўчи улусининг оқил ва зукко амирлари Алибек қўнғирот, Оқ Буға баҳрин, Ўрунг Темур кабилар унинг ёнида ҳозир унозир эдилар. Улар ёш ғайратли хонзодага ҳамиша кўз-қулоқ бўлиб, вақти-вақти билан маслаҳатлар бериб турардилар. Алибек қўнғирот ҳамиша бундай дерди: «Ҳоконим! Амир соҳибқирон сизга кўп яхшиликлар қилди, эзгулик этагин тутиб, хор-зорлигингизда манглайингизни силади. Валинеъмат ҳаққини унутмаслик ҳам фарз, ҳам қарздор. Олий зот муруввати ва унга сидқидил ихлос туфайли давлатингиз байроқлари ҳилпираб балқидан асло тинмагай, олам аҳлининг таҳсинлари сиз томон йўллангай... Замон аҳли ўзгариб турадир, олам вазияти эса ҳамиша беқарор... Худо кўрсатмасин, агар бошингизга, ҳоконим, фалокат тушса фақат соҳибқирон ҳазратларига суянишингиз мумкин. Ҳар хил кўнгли бузук-

¹ Мовароуқоқоз — Закавказье маъносида.

лар сўзига кулоқ солмангиз! Ул зотни валинеъмат бузруквор сифатида мақомларини юксак тутингиз...» Уни Оқ Буға баҳрин билан Ўрунг Темур қўллаб-қувватладилар. Бу орада Оқ Буға баҳрин жангда ҳалок бўлди. Ўрунг Темур ҳам ҳақ раҳматига борди.

Шу пайтлар Тўхтамишхон атрофини манкутийлар қавмига мансуб Толиб деган жамоанинг беоқибат ва ёвуз кишилари ўраб олдилар. Улар хон хизматига йўл топиб нойиблик мансабига эришдилар. Бешафқат Қозончи баҳодир хон олдида катта нуфузга эга бўлди. Айни палла соҳибқироннинг эски муҳолифлари Маҳмудшоҳ Бухорий, Султон Маҳмуд ибн Кайхусрав, Абу Исҳоқ Ясовурий, Камариддин, Анқо Тўралар ҳам Тўхтамишхон саройида «кунда-шунда» эдилар... Уларни хон билан Амир Темурга бўлган нафрату ғазаб бирлаштириб турарди. Алибек қўнғирот эса саройдан четлаштирилиб, сўзи кесмайдиган бўлиб қолганди.

Олтин Ўрда қўшини милодий 1382 йилда Московияни ёндириб кулини совуриб голибона қайтиб келган паллалар эди, бутун мамлакатда шодиёна ҳукмрон... Ҳожитархондаги ҳашаматли ҳоким саройида улкан зафар шарафига зиёфат берилди. Унда улуснинг энг нуфузли нўён ва амирлари иштирок этди. Сарой ўша-ўша эди хон назарида. Йигирма деразали кўринишхона. Кунботишдаги деворда бугунинг сершоҳ калла суяги. Тўрда олтин тахт... Қизиқ экан-да. Худди шу ерда бўлиб ўтган қурултойда бор-йўғи ўн йил аввал отаси, Мангқишлоқ ҳокими Тўйхўжа ўғлон Московияга юришнинг ҳожати йўқ деб, Ўрусхонга қарши чиққан ва қатл этилган эди. Энди эса Тўхтамишхоннинг ўзи Московияга бориб кулини қўкка совуриб келди... Олтин Ўрданинг довуғи яна оламга ёйила бошлади. Элчилар қатнови кўпайди...

II

Ўттизларга борган бўлса ҳам илк сабза урган мўйлаби ҳали ҳануз сақланган, бир оз тўлишган Тўхтамишхон олтин тахтда мамнун савлат тўкиб ўлтирарди. У йирокдан кучга тўлган, йигитлик ўз забтига олган, ғайрати жўшган бир ҳолда кўринарди. Лекин яқиндан қараган одам унинг ғижимланган юзларида кеча ҳарамда янги дурри носуфта билан қилган айшу ишрат ҳор-

гинлиги изларини илгарди. Московиядан олиб келинган ўн икки ёшли ўрис гўзали уни маҳлиё этди. Хон олтинранг сочли, чарос кўзли диркиллаб турган дурри якто хурилиқонинг чаман-боғини бир неча бор сайр айлади...

— Буюк хоконим! Ўрусхон қила олмаган ишни сиз ўринлатдингиз — ўрисларнинг энг катта шаҳарини мусаххар этдингиз! Катта шаҳарини мусаххар этдингиз! — мактов сўзларини аямади Султон Махмуд ибн Кайхусрав. — Жаҳон қудратингизнинг шоҳиди бўлди, шоҳиди бўлди!..

— Жаҳон қойил қолди, хоконим! — ялтоқланди Махмудшоҳ Бухорий. — Салтанатингиз довруғи жумла жаҳонга кетди!..

— Ҳа, ҳа, жумла жаҳонга кетди!.. Ундан ҳам ўтиб кетди!.. — деб кўпиртиришди бошқалар ҳам.

Қаҳ-қаҳа овозлари янгради.

— Самарқандга ҳам етиб борсайди!.. — жўрттага оловга мой қуйгандай гап қистирди орага Амир Қамариддин... У кейинги пайтларда Мўғулистон хонлигидан айрилиб, куч-қуввати қирқилиб ноилож Тўхтамишхон хузурига паноҳ тилаб келган эди.

— Етиб боради!.. — қўллаб-қувватлади уни гунгурсдай Анқо Тўра. — Етиб боради! Борганда ҳам, нақ оксоқнинг ўзига етиб боради!.. Ҳа!.. Тўғри гапирдимми, Қозончи баҳодир жанoblари?..

Тўхтамишхоннинг улуғ беги Қозончи баҳодир мамнун мўғулистонлик амирларга боқди: улар диққатни ўзларининг ашаддий душманлари Амир Темурга қаратмоқчилар. Бу Қозончи баҳодирнинг дилидаги гап эди аслида, лекин Тўхтамишхонга бунга қандай айтишни ўйлаб қийнаиб юрарди. Бир марта Амир Темурга мактуб юбораётиб, синаб кўришга соҳибқирон ҳақида сал поядор гап қилганди, хон унга олайиброқ қаради... Тўхтамишхон Амир Темурнинг тутинган ўғли, отанга қарши чиққин, дейиш осон, аммо бунга буюк ҳоқон қандай қараркин?.. Баҳодирнинг ўзига қолса-ку, бу жуда қийин иш эмас... Мана ўзи: ҳали Ўрусхон замони эди, отаси унга бир нарсани илтимос этганди, нечундир эътиборсиз қолдирди, бажармади. Умидвор ота иккинчи марта ўз истагини билдирди, тагин натижа бўлмади. Танг қолган ота энди ўғлидан озгина ўпка-гина қилишга журъат этди... Қозон-

чи баҳодирнинг жаҳли чикиб кетди: «Отам мени тинч кўядими, йўқми! Неча йиллардан бери, менга у қилиб бер, бу қилиб бер, дегани деган! Жонимга тегди-ку!..» деди дарғазаб шафқатсиз ўғил ва падаркушлиқдан тап тортмай, шу ондаёқ жаллод юбориб шартта отасининг бошини танидан жудо қилдирди!.. Бу воқеа улусда дoston бўлиб кетган, ammo биров ишониб, биров ишонмасди.

Қозончи баҳодир хушёр кишилардан эди. Гарчи аввал мухалиф бўлса ҳам, замонлар ўзгариб, лиқиллаб қолган Жўжи улусининг тож-тахти Тўхтамишхонга юз бургандан кейин, у Темур Маликхонга бевафолик қилиб, Тўйхўжа ўғлон ўғлига мойиллик кўргиза бошлади. Қийинчилик билан алоқа боғлаб олгач, чопар юбориб Тўхтамишхонни вақти-вақти билан Олтин Ўрдадаги ахволдан огоҳ этиб турди. Сўнгги жангда, нозик вазиятда Қозончи баҳодир Темур Маликхонни чув тушириб, ўз бўлуғи билан шартта Тўхтамишхон томонга ўтиб кетди. Тўхтамишхон бу қадамнинг Олтин Ўрда тақдирини ҳал қилишдаги аҳамияти бебаҳо эканлигини кўриб турарди. Оқибатда Қозончи баҳодирнинг хизмати муносиб тақдирланди: у хоқоннинг ишончли одамига айланди.

— Ҳозир дунёда буюк хоқонимизнинг шаън-шавкатига етадигани йўқ! — деди Қозончи баҳодир. — Ахир хоқон Тўхтамишхон улуг Чингизхон тахтида ўлтурибдурлар! Ҳа-ҳа, соҳибқирони муаззам Чингизхон тахтида! Энди анови бир оддий бекнинг ўғли бўлган оқсоқ Темурга элчи юбориб, инъомлар қилиб итнинг кейинги оёғи бўлиб ялиниб-ёлбориб юришимиз эшитган кулоққа уят, уят! Керак бўлса, у юборсин, у инъомлар қилсин! Чингизхонга менгзайдиган буюк хоқонимиз бир амирнинг чўлоқ ўғлига бош эгадурму?.. Буюк хоқоним! Биз элчи эмас, лашкар юборишимиз шарт! Ҳа, ҳа, лашкар юборишимиз керак! Лашкарнинг ҳам зўрини!.. Энг зўрини!..

Таклиф барчага маъқул келди шекилли, ҳамма томондан қўллаб-қувватловчи садалар янгради:

— Лашкар юбориш керак!

— Катта лашкар юбориш керак!

— Элчи керакмас!..

— Тез! Тез!..

— Энг зўрини!..

— Эртагаёқ йўлга чиқсун!..

— Мени юборингиз, хоқоним! — Бу Амир Қамарид-

диннинг овози эди. — Мен борамен! Барини pistaпўчоқдай чакиб ташлаймен! Ҳисоб-китобим бор, ҳа!..

— Бориш керак! Бориш керак!.. — ҳаприқди Султон Маҳмуд ибн Кайхусрав. Маҳмудшоҳ Бухорий ҳайкириқларни эшитар экан, сувсар телпагини ечиб терлаб кетган тепакал бошини артиб роҳатланар эди.

Фикрлар бир жойдан чиққанга ўхшарди.

Кўзлар буюк ҳоқон Тўхтамишхонга қадалди...

Шу ерга келганда хоннинг сал ланжлиги кетгандай бўлди. «Ҳа... Гапираверинглар, гапираверинглар... — истехзо билан пичирлади ичида Тўхтамишхон. — Барингни дардингни биламен... Ҳамманг Амир Темурдан мушт егансен... Жойи ачишиб турибди... Энди мендан истифода этиб, ундан ўчингни олмоқчисенлар... Иккита бургутни уриштириб, сен қузғунлар, ўзингга ем топмоқчисенлар... Ҳаммасини биламен... Лекин билмаганга оламен...»

— Мени юборингиз, хоқоним!.. — ҳаприкиб деди яна Амир Қамариддин унинг хаёлини бўлиб.

...Московияга ўт қўйишга буюрганда ва, айниқса, ўрсининг ёғоч иморатлари ғасирлаб ёнганда лангиллаган оловнинг кўкка ғолибона ўрлаганини кўриб Тўхтамишхон ўзини бағоят қудратли сизди. Озарбойжонга босқин уюштирди, қўлини Табризга чўзди, бутун Дашти Қипчоқ оёғи остида... Тўғри, энди қиблагоҳи билан ҳисобкитоб қилиб олиши керак... Ортиқ қарамсифат бўлиб юрмаслиги лозим. Бой мамлакат бўлган Мовароуннаҳр Чигатойхон улусига қарарди, у ердан чингизийлар излари супуриб ташланди, Хуросону Мозандарон Ҳалокухон тасарруфида эди, у ердан ҳам чингизийлар қадами қирқилди... Тўхтамишхон буюк ҳоқон Чингизхон салтанатини тиклайди, Мўғулистону Дашти Қипчоқ, Мовароуннаҳру Хуросон томонларни ҳам ўз ҳукми қабзасига киритади. Аммо бунинг учун у энг катта тўсиқни олиб ташлаши керак... Бу — Амир Темур соҳибқирон...

Ана ўшанда йирик савдо йўллари Тўхтамишхоннинг қўл остида бўлади. Ахир сир эмас, милодий 1335 йилда элхонийлар салтанати пароканда бўлиб битирилгандан сўнг фаранг мамлакатлари билан Осиёни боғлайдиган савдо йўллари Чингизхон авлодлари қўлидан чиқиб кетди. У йўллардан олинадиган бож ҳамиша давлат хазинасини бойитарди. Бундай йўллар иккита эди: бири — Қора ва Қулзум денгизлари соҳиллари бўйлаб, иккинчи-

си, Шом, Онадўли, Мовароуқофқоз, Форс, Самарқанд ва Тошкент шаҳарларини қамраб ўтарди. Ҳозир бу йўлларнинг катта қисми Амир Темур қўлидадир. Бойи-са, унинг хазинаси бойимоқда... Ахир азалдан Амир Темур аждодлари ҳамиша салтанатда амирлашкарлик ва-зифасини адо этиб келганлар, ундан нарига ўтмаган-лар... Қандоқ қилиб Чингизхон авлоди Тўхтамишхон унинг хизматкори бўлади? Йўқ, у адолатни ўз ўрнига қўйиши, ўз ҳаққи-ҳуқуқини таниб олиши керак. Буюк Чингизхоннинг руҳи ҳам буни кечирмайди.

Олтин Ўрда хони даставвал Хоразмшоҳга қарши си-наб кўришга кичиккина қўшин юборган бўлди. У Хо-разм расман соҳибқирон салтанати доирасида бўлса ҳам, бироқ киши билмас мухолифатга юз бурганлигидан яхши хабардор эди. Самарқанд томондан бунга ҳеч қандай акс-садо бўлмади, чунки бу палла соҳибқирон Эрон юри-спида банд эди.

Тўхтамишхон Қозончи баҳодир қўшинига Султон Маҳмуд ибн Кайхусрав ғажарчилигида Мовароуннаҳр ичкарисига қараб юрилсин, дея фармон юборди. Бухо-рони ғорат қилдилар. Вилоятнинг элу халқи ҳар қаён қочиб жон сақлади. Айни шу палла Амир Темурнинг Эрондан қайтаётгани ҳақида хабар тарқалди ва қўшинга тезлик билан Занжирсаройни забт этиб, элини қатли ом айлаб, ўт қўйиб кулини кўкка совуришга, шундан ке-йингина орқага қайтишга фармон берилди...

Қозончи баҳодир ва Султон Маҳмуд ибн Кайхусрав фармонни ортиғи билан адо этдилар. Занжирсаройни Амир Темур бағоят ёқтиришини, у ерга қишлашга тез-тез келиб туришини, атроф яйловда шикор солишини яхши билишиб, шаҳарни ёндиришга астойдил киришди-лар. Обод шаҳар ўрнида пайдо бўлган култепаларни шамол тўзғитиб ўйнаганини кўрганда, Султон Маҳмуд ибн Кайхусрав кўнглида худди бутун соҳибқирон салта-натини ёндириб кул қилиб юборгандай ғурур ҳиссини туйди...

Шу кунларда Ҳожитархонда турган Тўхтамишхон Султон Маҳмуд ибн Кайхусравни Мўғулистонга ҳоким этиб тайинлади. Фармонни Мовароуннаҳрда эканлигида олган янги ҳоким Мўғулистонга равона бўлди. Хон чо-пари, шунингдек, бундай маълумот ҳам келтирди: буюк ҳоқон тез кунларда йўлга чиқадилар, Сигноқда жам

бўлган катта кўшин билан Мовароуннахрга бостириб бо-
радилар... Тошкент томондан Тўхтамишхон, у томондан
Амир Муҳаммад Мирак юртни забтга оладилар ва Са-
марқандни ишғол этадилар...

Ҳалигача Тўхтамишхон Мовароуннахрга кўшин юбо-
рар эди холос. Бу қудратли Олтин Ўрда хонининг икки
дарё орасига илк бор от солиши бўлади.

Ў Н Т Ў Қ Қ И З И Н Ч И Б О Б

I

Тарих милодий 1388 йил баҳори.

Олисдаги Ургут тоғларининг ёнбағирлари кўм-кўк май-
саларга бурканиб улгурган... Серфайз манзара Боғи Би-
ҳиштнинг меҳмонхонасидан шундоққина намоён бўлиб
турар, уни Амир Темур томоша қилишни яхши кўрар-
ди. Соҳибқирон мулозимга хос котиб Мавлоно Убайдни
пешиндан кейинга чорлашни буюрди. Пири комил Зай-
ниддин Абубакр Тойбодий ҳазратларидан бир ажойиб
мактуб олган, ҳали хануз ўшанинг завқ-шавқида юриб-
ди. Унда тарих дафтарига тушириладиган оқил кенгаш-
лар битилганди. Мавлоно Убайд Кўксаройда салтанат-
нинг илк куниданоқ очилган мухташам кутубхонада Абу
Наср ал-Форобий ат-Туркийнинг бир рисоласидан тух-
фа учун нусха кўчириш билан банд эди.

Соҳибқироннинг Боғи Биҳиштда Ургут тоғларининг
чиройли манзараларини томоша қилишдан бошқа ёқти-
радиган жиҳати ҳам бор. Бу — сўлим боғ маликаси
Туман оқа... У Туман оқани бағоят севади! Не-не йил-
лар йўқотиб қўйиб, ногаҳонда топиб олган маликаси!
Бошқа маликаларни ҳам севиб ардоқлайди албатта. Аммо,
Туман оқа — бошқа...

Муҳаммад алайҳиссалом ҳовли-ҳаёти ҳақидаги бир
рисолада, агар соҳибқирон ёдида бўлса, «Тафсири Таба-
рий» эди шекилли, айнан расулиллоҳ ҳазратларининг
оилавий турмуши, аҳли аёли билан муносабатлари таъ-
рифланганди. Рисола, аслида, Ферузкўҳда бўлган жанг-
да қалъа беги буюмлари қаторида ўлжага олинди. Ўшан-
да жуда кўп рисоалар кейин Кўксарой кутубхонасига
топирилди. Пайғамбаримиз Биби Ойша розияллаху ан-

хуга бошқа хотинларидан кўра кўпроқ меҳр қўйгандилар. Аммо хамиша навбатга риоя қилиб, адолатни қаттиқ тутишга тиришардилар. Шу рисолада расулиллоҳнинг ушбу изхори дил сўзлари ҳам келтирилганди: «Ё. Аллоҳим, иқтидорим борича хотинларим ўртасида адолат қилурмен. Аммо, сенинг қўлингда бўлиб, ихтиёримдан четдаги нарсага мени гирифтор этмагил, яъни (очиқ айтилса) ҳаммаларини бир хил сева олмаймен, мени афв этгил, чунки дили-нафсим ўз қўлимда эрмас...»

Бу сўзлар хамиша соҳибкиронни хаяжонга солиб келади.

Хонсолор эрталабки нонушта тайёрлади. Чеккалари зар хошияли дастурхон ташланган хонтахтанинг усти ноз-неъматлар билан тўла. Асалу мураббо, анжиркоқи-ю майиз дегандек... Иссиқ тахмон патирдан кейин меҳмонхонани тандирдан янги узилган кўк сомса ҳиди тутиб кетди. Пуштиранг қўйлак устидан кўк бахмал нимча кийган, сочларини одатдагидек қирқ кокил қилиб ўриб орқасига ташлаб олган — чунки бу соҳибкиронга жуда ёқарди — Туман оқа Амир Темурнинг чап томонида ўлтирар, гоҳ нон синдириб, сомса узатиб, хожасига илтифот кўргизар, гоҳ узум ёки ўрик шарбатидан қуйиб берарди.

Амир Темур Туман оқага назар солди. Кўзлари шахло, суюклик, юзлари ширмой нондай қип-қизил, ўша ўн йил илгари қандай бўлса шундай... Бироқ энди малика камолига етиб бир ҳуснига ўн ҳусн қўшилиб, сулувлиги ортиб, оламнинг дурри яктосига айланган, дилтортар бир балойи офатижон бўлган эди, қарашлари соҳибкиронни энтиктириб қўярди. У суюклисини бағрига олганида роҳат-фароғатларга чўмар, дунёнинг бор лаззати унинг оғушида мужассам эканлигига иймон келтирар, Аллоҳнинг бу қадарлик лутфу карамига шукроналар айтарди... Ишрат замонини ато этганингга шукур!.. Ох, хонтахта атрофида хотиржам, сўлим дилдорингга термилиб тўймай, янги келин-куёвлардай қимтиниб ўлтиришдан ортиқ завқу сурур бўлиши мумкинмикин?..

Ердан кўз олмаган Туман оқа соҳибкирон назарини сезиб турарди. Шундай ҳолларда у ҳам ўнғайсиз аҳволга тушади, ҳам бемисл бахтиёрлик туйғуларига йўғрилади. Ҳар икки ҳолда ҳам ўзини қўйгани жой топа олмай қолади. Чунки севгани, ардоқлагани унга меҳр билан қарамоқда! Ҳа, ҳа, мана йиллар ўтиб билдики, у соҳиб-

қиронни жонидан ортиқ севар экан! Севар экан! Шунинг учун малика хамиша соҳибқироннинг дуои жонини қилади. Ҳар доим саккиз қават ипак кўрпали жой солиғлик хобхонасига у ҳам Сароймулкхонимдан улги олиб, соҳибқирон сиймосини чиздирди. Унда Амир Темур худди ҳозиргидек жилмайиб маликасига қараб туради, «Ёнингиздамен!» дегандай боқади...

Ўтган куни ҳумоюн ўрдудан чопар хушхабар олиб келди:

— Эртага Амир соҳибқирон ҳазратлари Боғи Биҳиштга ташриф буюрадилар!

Туман оқанинг юраги ҳаприқиб, нозик вужудига ширин титроқ югурди... Хобхонага кирди-да, жойга чиқиб ўтирди ва девордаги соҳибқирон суратига тикилди. Кейин турли кийимларини кийиб кўрди, тақинчоқларини тақиб чиқди... Хаёлида эртага бўлажак висол айёми, ширин эркалашлар, қайноқ оғушлар сурури бир-бир жонланди. Шу лаҳза негадир тўй кечасида юз берган воқеани эслагиси келиб қолди. Туман оқа нафсини ҳазратга бахшида этган кечани эслаганда доимо ёқимли туйғуларга чулғанади...

... Соҳибқиронга тушганида эси йўқ, ҳеч нарсани ўйламайдиган бир қиз эди-да Туман оқа... Дуркунлигидан худди бўй етган қизларга ўхшарди. Аммо қурчоқ ўйнашни қўймасди. Жуда кўп қўғирчоқлари бор эди, катта, кичик, қора, кизил, олақуроқ... Тўй кечаси келин-куёвларга шоҳона жой солдилар, ўшанда ҳам ёнида энг яхши кўрган олақуроқ қўғирчоғи бор эди. Ҳали эсласа, кулади.

Янгалар жойга киритиб қўйдилар. Соҳибқироннинг ҳаяжонлангани сезиларди. Ёнида топиб олган ҳуриликоси, меҳр қўйгани, суюқлиси ётарди. Куёв энтикканча уни бағрига тортди ва юз-кўзларидан, нозик дудоқларидан муччилар олиб, силаб-сийпалаб эркалай бошлади. Ҳар ўлганда: «Худо берганим!..», «Худо қайтиб берганим!..» дея шивирларди ютоқиб. Туман оқа баҳор гулидай тоза, тонг насимидай майин, наво янглиғ хушбар эди... Гулгун қизнинг дами тошни эритарди. У қаршилик қилмас, иштиёқ ҳам кўргизмас, бефарқ эди, келин-куёвлик мана шундай ўпиш-эркалашлардан, навозишлардангина иборат бўлса керак, деб ўйларди. Кўп ўтмай қизнинг вужудида унга мутлақо нотаниш бўлган қандай-

дир ёкимли туйғулар уйғона бошлади... Ишқдан сармаст соҳибқироннинг эркалашлари хуш ёққанидан, нозик қўлларини оҳиста куёвтўранинг бўйнига ташлаганини билмай қолди. Бирдан унга нимадир қаттиқ урилди-ми, бағри ўйилди-ми, ҳар қалай кўзларидан ўт чакнаб кетди! Жони ҳалқумига келгандай бўлганидан ихраб юборганини биледи, у ёғи эсида йўқ... Хушдан кетиб қолган Туман оқа ўликдай жонсиз ётарди...

Куёвтўра қўрқиб кетди. Ўрнидан туриб янгаларни чақирди, ўзи ювиниш, таҳорат олиш учун ҳовлига йўналди. Янга Холдона биби тез совуқ сув олиб келди-да: «Ўзим айланай, қоқиндик!..», «Аллоҳнинг суйгани экансиз, гиргиттон!» дея келинчак юзига оз-оз сепи бошлади.

Анча вақтдан кейин келинчак ўзига келгандай бўлди, аммо қимирлай деса қимирлай олмасди, уриб-эзиб ташлангандай зил-замбил эди.

— Маликам! Ширин маликам!.. — дерди Холдона биби келинчакнинг оқариб кетган юзларини оҳиста шاپатилар экан. — Гўзал маликам!..

Овоз келинчак қулоқларига элас-элас чалинар эди.

Туман оқа кўзларини баъзўр очди.

— Менга... нима бўлди?.. — унинг ҳолсиз сўраган биринчи саволи шу эди.

— Келинчак бўлдингиз, жоним гиргиттон сизга! Ширин келинчак! Ҳарам маликаси бўлдингиз-да, қоқиндик! Малаклар фалакларда таҳсинлар ўқидилар!.. — деди Туман оқанинг қўллари ва оёқларини майин уқалар экан Холдона биби. Кейин ўзига ўзи дегандек, қўшиб қўйди. — Ҳа, ростдан ҳам қиз боланинг умри бир лаҳзалик-да...

Барини эсласа ҳали ҳозир уялиб кетади...

— Узум шарбатидан берайми, ўрик шарбатидан, ҳазратим?.. — шикаста овозда сўради Туман оқа соҳибқиронга жилмайиб боқаркан. Маликага ҳозир ҳамма нарса ярашар эди: шикаста овоз ҳам, сеҳрли савол ҳам, ерга қараб ўлтириш ҳам, жилмайиш ҳам, нозланиш ҳам...

— Меҳр шарбатидан берингиз, маликам! Меҳр шарбатидан!.. — тегажоғлик билан жавоб қилди Амир Темур. У ҳали ҳам маликадан интиқ кўзларини узмасди. Туман оқа шамани тушунди, тушунди-ю юзига қон тепиб қизариб кетди. Гарчи туни билан чавандозликни қойил қилган бўлсалар ҳам, соҳибқиронда яна иштиёқ борлиги Туман оқани ич-ичдан яшнатиб юборди.

Амир Темур кўринишдан жиддий одам эди, аммо хилватда маликалар билан гаплашганда тамоман бошқача бўлиб кетарди, у меҳрибон, хушчақчақ ва ҳазилкаш, суюкликларига тегажоглик қилишни ёқтирар, ширин сўзлар айтар, бундан кўнгли фароғатларга чўмарди. Зоҳирда эса ҳеч ким ҳамиша қовоғи солиқдай кўринадиган соҳибқиронни шундай хушчақчақ одам сифатида тасаввур қила олмас, у фақат қилич тутишдан бошқани билмайдиган саркарда бўлиб туюларди. Туман оқа ўз ҳадда туриб таннозларча қарашма билан сўради:

— Берилгонлари... камму, ҳазратим?..

— Кам, маликам! Кам... Айниқса, сизники, қирқ кокил ойимча!

Соҳибқирон мутолаа қилган рисоалардан бирида қайд этилишича, заифалар ўн ёшдан йигирма ёшгача амният ва умид соҳибаларидурлар; йигирмадан то ўттизгача толибларнинг ороми дили ва роғибларнинг лаззати жони, ўттиздан қирқгача молу фарзанд эгаси, қирқдан элликгача нангу номус ва ризқи солус¹ бандидадурлар; элликдан олтмишга борганда уларни қора меҳнат, қаттиқ офат кутади, улар бамисли ҳазон етган гулшан, ўти ўчган гулхан, кўзи кўмилган чашма, хароб бўлган қулбага менгзарлар...

Бас, Туман оқа, қирқ кокил ойимча, йигирма уч ёшда... Соҳибқироннинг ороми дили-ю лаззати жонидур... У жўшиб кетди, ҳозироқ маликани хобхонага олиб кириб кетмоқчи бўлди. Тунда ишрат замонида камон тобда, ўқ ҳам хаданг эди, отилган ўқлар бари мўлжалга бориб тегди... Аммо соҳибқирон ҳозир ўзини тийди. Уларнинг висол онлари ана шундай интиқлик билан кечарди.

Соҳибқирон суҳбат мавзуини ўзгартириб деди:

— Пирмуҳаммад Жаҳонгир набираимиз қалай?

— Аллоҳга шукур! Ўн икки ёшга қадам қўйдилар амирзодам...

— Муҳаммад Султон Мирзо, Пирмуҳаммад Жаҳонгир Мирзо... Суюкли ўғлимдан ёдгор улар... — маънос деди соҳибқирон. — Умидим катта... Оқа Беги хонининг ўғли Султон Хусайндан ҳам...

— Ҳазратим! Амирзода Пирмуҳаммад Жаҳонгирга Форс пошшосининг қизини сўратдиргон эрдингиз... —

¹ Солус (форс.) — тилёғламалик, ҳийла маъносиди.

деди Туман оқа. — Келиннинг сени билан келғонига уч йилча бўлди... Ёдингиздан чиқиб қолмадим у тагин?

— Рост, Форс ҳукмдори Шоҳ Шужоёнинг қизига оғиз очқон эрдим...

Туман оқанинг улар тўйини ўтказиш ҳақида муҳим гаплари бор... Хонимойим Сароймулкхоним билан келишиб ҳам қўйганлар. Ҳозир жуда айтмоқ фурсати эди, чунки ҳазратнинг кайфлари чоғ, қулфи диллари очилган, истироҳат онлари, салтанат юмушларини ҳам бир оз эсларидан чиқарганлар...

Малика энди оғиз очмоққа чоғланган эди, аммо яна айтишга фурсат бўлмади. Мулозим кириб, Хутталон вилоятидан соҳибқироннинг қизлари муҳтарама Султон Бахт бегим ташриф буюрганларини маълум қилди.

«Тагин куёвидан шикоятмикин?..» — хаёлидан кечирди соҳибқирон қизи келганини эшитиб. Аввалги сафар, оиланинг ўзига яраша сир-асрори, ташвишлари борлигини айтиб, маслаҳатлар бериб қайтариб юборганди. Ёшлиқда шундай ҳоллар учраб туради-да... Агар яна ўша машмаша бўлса, соҳибқирон қизига такрор насиҳатлар қилади, ётиғи билан тушунтиради ва уйига қайтишга ундайди, вассалом.

Туман оқа ижозат сўраб, меҳмон истиқболига ошиқди ва бир оздан кейин бегойимни бошлаб кирди.

— Ассалому алейкум, валинеъмат соҳибқирон!

— Ва алейкум ассалом...

Узун қора барқут авра тўн Султон Бахт бегимга бир ам ярашган эдики, хушбичимлигини яна ҳам бўрттириб юборганди. У чакқон келиб падари бузруквори чопони пешига лаб босиб, кўзларига суртди-да: «Давлатлари зиёда бўлсун, илоҳо!..» деб қўйди пичирлаб.

Соҳибқирон қизининг манглайдан ўпди.

— Хуш келибсен, қизалоғим! Қани, ўлтиргил!..

Соҳибқирон рўбарўга чўк тушган Султон Бахт бегимга назар ташлади. Қизининг юз-кўзларида катта безовталик излари кўриниб турарди. Ҳозир у йиғлаб юборарди-да, арзини айтади, деб ўйлади у ва беихтиёр юпатишга керакли сўзларни қидира бошлади. Нафсиламрини айтганда, шу қизининг ташвиши аримади, ўзи кеч уй қилди, тўйдан кўп ўтмаёқ оила нотинчликка юз бурди. Султон Бахт бегим ҳозиргача турмушидан икки марта нолиб келди... Фарзанднинг, айниқса, қизнинг пешонасини ху-

донинг ўзи ёрлақасин экан. Ёрлақамаса, бари бекор... «Нима учун норизосен?...» деб сўраганларида, кизи ҳеч қандай сабаб кўрсатмас эмиш, фақат йиғлаб: «У ерда яшай олмаймен...» дермиш холос. Ҳатто кейинги келганида маҳди улё Сароймулкхонимга: «Хонимойим, агар ахволимдан хабар олмасангизлар, мендан умидларингизни узингиз!..» деб очик айтганмиш. Гап куёвда шекилли... Нима бўляпти ўзи?..

Бегойим аммо бу гал мутлақо бошқа ташвиш билан келганди:

— Мухтарам падари бузрукворимиз! — деди у жиддий. — Куёвингиз Хутталон ҳокими қандайдир нохуш юмушларга бош қўшмақда чоғи... Хаёлида бузгунчилик ниятлари борга ўхшайдир. Бор, бор... Нияти бузук, аниқ бу...

— Нияти бузук?.. — Амир Темур ҳайрон бўлиб сўради. — Қандай нияти бузук бўлиши мумкин? Ахир куёвим-ку!..

— Ҳа, куёвингиз...

Султон Бахт бегим шу топда шавҳарининг барча кирдикорларини очиб ташлагиси келди, фитнага ружу қўйганини, ёмон одамлар билан бирлашиб қолганини, қайинотам демай соҳибқирон шаънига таъналар билдирганини, инсон сифатида фосиқ бир банда эканлигини, тутумлари зинҳор одам боласиникига ўхшамаслигини, ўзининг азобу изтиробда ўз ёғига ўзи коврилиб яшаётганини, соябони — отаси номига доғ тегмаслиги учунгина чидаб келаётганини, ададсиз аламларини — бари-барини бир-бир тўкиб солай деди-ю падари бузрукворини аяб гапирмади... Буларсиз ҳам соҳибқироннинг ташвишлари бошидан ошиб-тошиб ётибди. Куюнчак қиз барини яхши тушунарди.

— Ҳа, валинеъмат соҳибқирон, куёвингиз... Нияти бузук!.. Уйкусида гапирадиган одат чиқарган... Уйкусида шундай гапларни айтиб чиқадики, илонлар пўст ташлайди. Қайсарлик, телбалик аломатлари бор... Ўйламай гапирди. Яқинда Тўхтамишхондан чопар келганини эшитиб қолдим. Мактуб олиб келган эмиш... Тўхтамишхон мактубни ўзларига юборишлари лозим эди-ку, Амир соҳибқирон? Нечун чекка вилоят бўлган Хутталон ҳокимига юборади?.. Бирон фитна йўқмикин? Кўрқаменким, эй падари бузруквор, салтанатга қарши фитна қилмасунлар, деб... Шунга айтай деб ошиқиб келдим...

Амир Темур: «Биламен...» дегандек ишора қилди ва хаёлидан: «Тафтиш этмак жойиз, наҳотки шундай бўлса?.. Шер Баҳромнинг ўғли-я?.. Асли отаси ҳам сал шунақароқ эди... Қабиҳлик ҳам мерос бўлиб ўтармикин...» деган сўзлар кечди. Меҳрибон қизига ҳеч нарса демади, фақат пешонасидан ўпиб, бошини силаб-силаб бир неча лаҳза бағрига босиб турди.

Яқинда Мубашшир баҳодирнинг тинччилари Тўхтамишхоннинг Хоразмга бостириб келаётгани ҳақида хабар етказдилар. Энди ўз «ўғли»га қарши боради шекилли... Хоразмга бориши керак ўзи. Чунки Сулаймон Сўфи раҳнамолигида Хоразм яна фитначилар маконига айланиб қолди. Тўрт марта Хоразмга юришга тўғри келди, тўрт марта! Тинчлик учун уруш қилмоқ керак экан, ё рабий! Бас, марҳаматнинг, кечиримлиликнинг ҳам чегараси бор. Худо раҳмат қилгур Амир Жоку барлос жаноблари: «Малҳам наф бермаса ярага тиф урмай илож йўқ, бўлмаса бутун вужудга касри тегади...» дер эди. Малҳамлар наф бермаётир... Суюкли кизи рост айтади. Ўша фитначилар ичида Мухаммад Мирак йўқмикин?..

Султон Бахт бегим кетишга изн сўради. Туман оқа бегойимни кузатиб чиқди.

Соҳибқирон ўйга чўмди.

Бандасига ношукурлик, куфрони неъматлик хос экан. Ох, беақл инсон ўзига ўзи шундай ёмонликларни раво кўрадики, душман душманига бу ишни қилмайди. Форсдаги музаффарий Шох Шужоъ авлодлари шунга бир мисол, аммо уларнинг ирганч кирдикорлари ҳақида ҳозир соҳибқироннинг асло эслагиси йўқ...

Рост, маликанинг айтганича бор, уч йил аввал Балхга келганда Шох Шужоъ қизини набираси амирзода Пирмуҳаммад Жаҳонгирга сўратиб Алуфа тавочини Шерозга юборганди. Айри соқолли, чап кўзи кўрмайдиган тавочи келинни олиб келиши билан тафтиш қилинди ва қатл этилди. Ҳамма ҳайратда қолди. Сўнг маълум бўлдики, совчи сафар асносида ўзига бино кўйиб, ҳаддан зиёд дабдабага берилиб, одобсизлик каби ножўя ҳаракатлар қилгани ҳақида соҳибқиронга маълумот етган экан. Тўғри бўлиб чиқди... Бир пайтлар Хоразмга элчи бўлиб борганда ҳам шундай ҳолатлар юз берганди, аммо Амир Темур ўзини билмаганга олганди. «Алуфа тавочи кўзига қараб юрса бўлмасмиди?..» деди баъзилар эшитиб. Бош-

қалар: «Ахир бир кўз билан қараб бўлмайди-да!..» дея жавоб қилардилар. Ўшанда пири муршид Мир Саййид Бараканинг айтган сўзлари соҳибқироннинг эсида: «Подшоҳлар қошида ҳар киши одобу эъзозни шиор этсун, ўз ҳаддини билсун. Суяксиз тилни маънисиз каломдан, оч кўзни хиёнатдан, кўнглини нифоқу низодан йироқ тутсун. Ўшанда ўтар дунёнинг иззати, охиратнинг бахайрлиги меърожи уники бўлур!..»

Ҳа, замона одамлари мизожида хиёнат, ёвузлик, вафосизлик иллатлари азалдан бор экан... Тўхтамишхон ҳам бундан мустасно бўлмай қолди...

Тўхтамишхоннинг тутумлари Амир Темурнинг қулоғига етганда, у жуда мутаассир бўлди, илк марта кўнглига оғир олди. «Наҳотки, Тўхтамишхон туз қадрини билмас нокаслардан бўлса?.. Чингизхон авлоди-я?..» деб ўйлади соҳибқирон. Дарров тилига «кўрнамак» деган калима келди, аммо шайтонга ҳай бериб, шундай дейишдан ўзини тийди... Гапнинг сирасини айтганда, салтанатлар сиёсатида бундай ўғринча йўл — элчи юбориб муносабатни равшан этиб олмай, гафлатда қолдириб қўшин ияртиб келиш ўзини ҳурмат қилган ҳукмдорга номуносиб иш. Иккинчидан, Тўхтамишхон Амир Темурнинг ўғли эди-ку? Кўксаройда аркони давлат олдида: «Сиз отамсиз, валинеъматимсиз, отам қилмаган яхшилиқни қилдингиз!..» деб, соҳибқирон тўни пешини ўпиб уч бор кўзларига суртганди-ку? Ўшанда Тўхтамиш ўғлоннинг Жаҳонгир Мирзоникига ўхшаш ёрқин кўзлари севинч ёшларига тўлганди... Ё подшоҳзода фитнага алданиб қолганмикин?.. Аввал кўрмоқ керак, тафтиш қилмак керак, бу бузғунчиларнинг иши бўлиши ҳам мумкин. Бегуноҳнинг қонини тўкиш ҳеч қачон кечирилмайди...

Соҳибқирон шундай хаёлларда юрганда юз берган бир воқеа «ўғли» ҳақидаги фикрини қатъийлаштиргандай бўлди. Бир йил аввал, милодий 1387 йилда Амир Темур қўшини Бардаъа музофотида эди, Тўхтамишхон шуни била туриб, атай Дарбанд йўлидан Кура дарёсининг у томонига черик ташлагани ҳақида хабар келди. Ҳумоюн ўрдудан: «Жаҳоншоҳ ибн Жоку лашкар билан сувнинг нариги ёғига ўтсун!» деган фармон содир бўлди.

— Атрофни таҳқиқ¹ этингиз! — тайинлади Амир

¹ Таҳқиқ этиш — текшириб кўриш маъносига.

Темур. — Агар келганлар Тўхтамишхон кишилари бўлса, қилични қиндан чиқармангиз, ўкни ёйдан айирмангиз. Кўрайлик... Биламен, Тўхтамишхон Ҳалокухон улусини тиклаш никоби остида бу музофотга босқинлар қилаётир... Биз эгаллаган савдо йўлларини тортиб олмоқчи. Эронга уч йиллик юришимизнинг сабаби ҳам Тўхтамишхонни бу ерларга киритмаслик аслида...

Лашкар жўнаб кетгандан сўнг соҳибқиронни яна қандайдир гумонлар чулғаб олди, кўнгли тинчимай, жаҳон амирзодаси Мироншоҳ Мирзо билан Амир Сайфиддин некўзларни ҳам бир жамоат киши кузатувида улар ортидан юборди.

Жаҳоншоҳ ибн Жоку лашкари Кура сувидан ўтиб илгари силжирди. Олисдаги силлиқ қобирғалари тўлқинланиб кўриниб турган хушбичим адир томондан гоҳ-гоҳда сурон садолари эшитилиб қоларди. Тингчи черик Тўхтамишхонга тегишли эканлигини аниқлаб келди. Олдинда, ана, уч ўк отим ерда ёғий кўшинининг бўй-басти ҳам кўринди.

Олий ёрликқа кўра, Жаҳоншоҳ ибн Жоку лашкарга «қилични қиндан чиқармай» ортга қайтишни буюрди. Душман буни ўзича тушуниб, улар савашидан кўрқиб қочдилар, деб хаёл қилди ва майдонга от солиб ўк ота бошлади. Лашкарга урушмоқ ҳукми берилмагани учун навкарлар от чопмоққа жой танглигидан ўзларини, ким чангалзорга, ким сувга урар эдилар. Қирқдан ортиқ навкар талаф¹ бўлди.

Асло қочмоқ одатлари йўқ соҳибқирон баходирлари қочишга мажбур бўлганларидан ўзларидан ўзлари хижолат, бир-бирларига қарай олмас эдилар. Йўлда келатган Мироншоҳ Мирзо кўшинига дуч келиб қувончдан йиғламоқдан бери бўлдилар. Мансур черик энди Тўхтамишхон аскарлари устига от солди. Сурон авжга чиқди. Ёғийни Дарбанднинг тор еригача қувиб борган Мироншоҳ Мирзо кўп кишиларни асир олиб соҳибқирон хузурига қайтди.

Амир Темур бегуноҳ асирларни асло ўлдиртирмас, барининг худо олдида жавоби бор, дер эди. Душман томонидан бўлган навкар бизга қарши қилич кўтарган бўлса, ўз юртининг туз ҳақини ҳалоллаган бўлади. Шун-

¹ Талаф — ўлмок, йўқ бўлмок (араб).

дай кишилардан биронтаси жанг вақтида қўлга тушса ёки келиб хизмат қилишни ихтиёр этса, уни вафодор одам санаб, мартабасини ошириб, азиз тутсинлар, деб уқтирарди соҳибқирон ҳамиша... Бироқ жангу жадал пайтида ўз бегига хиёнат қилиб, туз ҳақини, бек ҳурматини, навқарлик бурчини унутса, ўз беги душманига ён босса, бундай кимсани хизматга йўлатиш ножойиздир. Худонинг ўзи бундайларнинг жазосини беради... Ахир ўз бегига вафо қилмаган душман бегига вафо қилармиди!.. Салтанатда шундай тартиб қаттиқ тутилди.

Соҳибқирон бандилар гуноҳидан ўтди, яхши муомала қилди. Ким билсин, балки бундан Тўхтамишхоннинг хабари йўқ, орани бузмоқчи бўлган нобакорлар ишидур... У асирларга кетишга ижозат берар экан, бундай деди:

— Бир нарсани сизларга айтишни истаймен. Тўхтамишхон билан орамизда ота ва ўғил ҳаққи турибдурки, уни унутмак мақбул эрмас... Нима сабабдан уйқуда ётган фитна-фасодни уйғотишимиз керак? Расулиллоҳнинг сўзлари бор: «Фитна ухлаб ётган кишига ўхшар, токи уни уйғотмасалар турмас... Уни уйғотган кишига Аллоҳнинг лаънатлари бўлсун!» деганлар. Унга айтингизлар, ортиқ бундай қилмасун, Аллоҳнинг лаънатидан қўрқсун. Бурунги аҳдимиздан ва мувофиқат йўлидан четга чиқмасун. Бориб анга сўзимизни айтғойсиз...

Тақдирнинг бу қадар илтифотидан шод-хурсанд бўлган асирлар, соҳибқирон сўзларини Тўхтамишхонга етказишга ваъда бериб йўлга равона бўлдилар.

Тўхтамишхоннинг кейинги ҳаракатлари ҳам билмасдан қадам босиб қўйган одамга асло ўхшамасди. Айниқса, соҳибқирон ардоқлаган шаҳарлардан бири, қайин отаси Қозон Султонхон бино қилган Занжирсарой шаҳрига ўт қўйиб кетганларидан кейин, у аниқ ишонди: Тўхтамишхон душманга айланибди! Афсуски, душманга айланибди...

Бу душман, Малик Гиёсиддин, Амир Қамариддин, Амир Вали ёки Шоҳ Мансур эмас... Алам қиладиган жойи шулки, бу душманни Амир Темурнинг ўзи ўз бағрида ўстирди, ош берди, нон берди, обрўй берди, одам қилди... Хонлик тахтига миндирди. Энди димоғига салтанат ҳиди уриб қолди шекилли... Агар Жаҳонгир Мирзога Тўхтамишхоннинг ношукурликларини кўриш насиб

этганда, амирзода куйиб-ёниб кетса керак эди. Падари бузрукворининг ишонувчанлиги, кечиримлилигидан яна дили оғрирди, «Эшакнинг боласи эшак бўлади, итнинг боласи — ит...» деганда тагин ҳақ чиқарди албатта...Энди Умаршайх Мирзо ҳам оғасига ўхшаб шундай деб юрибди...

Соҳибқирон чуқур энтикди. Хамон Дашти Қипчоқ муаммоси, бироқ энди аввалгидан ҳам кенгроқ кўламга миниб, даҳшатлироқ мақомда унинг олдида яна кўндаланг бўлиб турибди... Не-не саъй ҳаракатлар, самарасиз интилишлар, беҳуда шижоатлар, лузумсиз изтироблар, орзу-ҳаваслар барчаси бекорга кетди. Энди ишни бошидан бошламоқ керак... Бу дунёда ҳеч кимга, ҳатто ўзингга ҳам ишонишинг мушкулга ўхшайдир, фақат Аллоҳга ишо-ниш керак, фақат Аллоҳнинг ўзига!..

II

Мавлоно Убайд келганида эгнига заррин авра тўн ташлаган Амир Темур кўк либосдаги малика Туман оқа билан бирга боғда айланиб юрардилар. Маликага боғ парваришини қандай назорат қилиш ҳақида кенгашлар бераётган соҳибқироннинг Форсдан ажойиб анвойи гул уруғини олиб келганлигини, уни «Хатми Эрон» дейишларини, япроқлари хилма-хил чиройли товланишларини завқ билан гапираётганини эшитди. Амир Темур янги гулни экиш жойини кўрсатарди.

Боғда хийлагина айланишган шекилли, соҳибқирон Мавлоно Убайдни кўриши билан меҳмонхона томон йўналдилар.

— Мавлоно! — хос муншийга юзланди хонанинг қибла томонидаги тахтга ўлтирган соҳибқирон. Унинг ўнг оёғи сезилар-сезилмас зирқираб оғрир, хонтахта атрофида ўлтирса оғриқ кучаярди, шу сабабдан боғлардаги меҳмонхоналарда ҳам тахтлар қилдирилган эди. Бундан ташқари, бу ерларда элчилар, чопарлар кутиб олинар, машваратлар ҳам ўтказилиб туриларди.

— Қуловим сизда, Амир соҳибқирон!

Мавлоно Убайд соҳибқироннинг кайфияти унчалар яхши эмасдай туюлди, унинг ҳаракатларида бир оз сустлик бордай эди.

— Хуросону Сеистон, Форсу Мозандарон, Султо-

ния, Озарбайжон, Гуржистон мамлакатларини кўриб келдим, — ўйланиб давом этди сохибқирон. — Афсуски, барча ерда саййиду уламолар, машойихларнинг қадамжоларига дуруст эътибор йўқдур... Забт этилгон мамлакатларнинг саййидлари, шайхлари, олимлари, фузалоси, дарвишлари, хилватда ўлтургон зоҳидларининг аҳволи ночор, уларни суюрғол, юмуш ва маошлар билан сийламак жоиздур. Фақиру мискинларга нафақа лозим, мударрис ва шайхларга вазифалар берилмоғи даркор...

— Бағоят ўринли сўзладилар, бу кони савобдур, Амир сохибқирон! Ҳимматингизга офаринлар айтгимиз келадур! — қўллаб-қувватлади Мавлоно Убайд. — Валлоҳи аълам биссаваб!

— Пири комил Шайх Зайниддин Тойбодий ҳазратларидан мактуб етди... — деди Амир Темур. — Бағоят гаройиб! Аввал қайд этгон тузугимизни ўқисунлар-чи, мавлоно!

Мавлоно Убайд «Аъло иш бўлибди!», «Аъло бўлибди!..» деганча, жузвдонидан авайлаб кўк дафтарни олди, сўнг керакли саҳифани очиб ўқишга тутинди:

— «...Авлиёлар, дин пешволарининг мозорлари ва мақбараларига вақфдан маблағ ажратсунлар. У ерларни гилам, таом ва чироқ билан таъмин этсунлар. Даставвал Маккаи мукаррама ва Мадинаи мунаввара ҳарамайн вақфига маблағ хориж қилсунлар. Ва бу маблағ ҳар янги ой кўрингонда сохибларига етказиб бериб турилсун. Кейин. Амир ал-мўминин мард кишилар подшоси Али ибн Абу Толибнинг, унга Аллоҳнинг карами ва марҳамати бўлсун, муқаддас қабрларини яхши сақлаш учун Нажаф ва Хуллани вақф этиб берсунлар. Кейин. Имом Хусайннинг, Аллоҳ ундан рози бўлсун, нурга чўмилган муқаддас мозори; яна авлиёлар улуғи шайх Абдулқодир Жилонийнинг табаррук равзаси; яна Имоми Аъзам Абу Ханифанинг, унга Аллоҳнинг раҳматлари бўлсун, мақбараси; яна, Бағдодда нурга чўмган ўзга машойихлар, дин пешволари ва ақобирларидан ҳар бирининг мозорлари учун, баҳоли қудрат Карбало, Бағдод ва уларнинг атрофидаги кишлоқлар ҳамда бошқа ерлар вақфидан маблағу ақчалар ажратсунлар... Кейин. Эрон ва Турондаги табаррук шайхларнинг мозорлари ва турбатлари учун ҳар бирига алоҳида, номма-ном назру вақфлар белгиласунлар...»

— Мақбул... Халлоқи безаволга салламно! Энди бу қутлуғ юмушлар давлат хужжати тасарруфида бўладур!
— жиддий деди соҳибқирон, кейин ўйланиб қолди.

Хос котиб пири комил мактубини қоғозга туширишга шайланарди.

— Энди ушбу каломларни ёзиб олсунлар: — буюрди бирдан соҳибқирон. — «Ҳар бир мамлакат фатҳ этилгач, у ернинг гадоларини тўплаб, кундалик емиш-ичмишларини муҳайё айлаб, барчаси тамғалансунлар ва бирон вазифа тайин этсунлар, токи бошқа гадолик қилмасунлар... Гадоликдан воз кечмасалар, уларни узоқ мамлакатларга сотиб юборсунлар ёки ҳайдасунлар. Андоқки, гадо зоти мамлакатимдан йўқолсун...»

Сўз тугар-тугамас, мулозим Муҳаммад Чуроға додхоҳ келганидан хабар берди. Айни муддао, ўзи додхоҳни чақиртирмоқчи бўлиб турувди. «Кирсун!» деган ижозат берилди. Бир оздан кейин эғнига юпқароқ чакмон ташлаган додхоҳ кирди. У бекордан бекорга келмасди, фақат чақиртирилсагина ташриф буюрарди. Демак, муҳим янгилик бошини тутиб келган.

— Табриздан нохуш хабар етди, Амир соҳибқирон...
— деди чиндан ҳам Муҳаммад Чуроға додхоҳ саломаликдан кейин.

— Не ходиса юз берибдур?..

Соҳибқирон юзида ҳеч қандай ҳаяжон асари кўринмади.

— ...Шаҳарда қурғоқчилик ва очликдан юз минг нуфус одам нобуд бўлибди...

— Юз минг?.. — сўзни бўлиб сўради Амир Темур.

— Шундоқ, Амир соҳибқирон! Юз минг!.. Тагин хабар етдиким, Тўхтамишхоннинг Занжирсаройга ўт қўйган аскарлари ҳозир Хоразмда меҳмонда экан...

— Хоразмда меҳмонда экан?.. — чимирилди соҳибқироннинг қуюқ қошлари.

— Шундоқ, Амир соҳибқирон... Султон Махмуд ибн Қайхусрав Мўғулистонга ҳоким бўлибдир... Ҳожибек Жониқурбоний Тусда такрор исёнга бош урибдур. Амирзода Мироншоҳ Мирзо Тусга юриш қилибдурлар. Шаҳар ишғол этилибди, Ҳожибек қочиб жон сақлабди. Шаҳар аҳли жазоланибди, айрим исёнчиларни минорадан ерга ташлабдилар... Ҳожибек яна қўшин тўплаш ҳаракатида эмиш...

Соҳибқирон ичида ўз-ўзига деди: «Демак... вазият ростдан ҳам шундоқ экан-да... Хуфиёна келган аввалги икки хабар билан Маматнинг расмий маълумоти бир жойдан чиқмакда... Кеча оқшом ва бугун чошгоҳда келган икки хуфия ҳам — уларни фақат Амир Темур билади, кўчада улар дарвишу дайди кампир холос, бир-бирларини зинҳор танимайдилар, — худди шундай маълумот берган эди...»

— Тагин жазолар, минорадан ташлашлар, босқинлар... Ё рабб, бошқа юмуш йўқму? — хайратда деди соҳибқирон. — Мавлоно, кўрдингизму, бани башарнинг кирдикорларини! Табриз аҳли ҳам, Тус аҳли ҳам худонинг ғазабига учрабди-да... Бари худодан...

Амир Темур бошининг орқасида оғриқ турганини сезди, тахтдан узоқлашмай у ёқдан-бу ёққа юраркан:

— Тўхта... — деди бирдан. — Ҳожибек Жониқурбоний, дедингму? Алибек Жониқурбоний хешларидан? Булар ҳеч инсофга келмас экан-да... Бошимизга ит кунини солиб бурга босган зах ертўлада сақлади, бировнинг ҳимматини бизга кўп кўрди... бу Алибек... Майли, дедик, кенглик қилдик. Неча-неча бор алдаб кетгонига карамай, унга марҳаматлар кўргиздук... Набирасини амирзода Муҳаммад Султонга қалинлик¹ қилдук. Ўзимиз айтдук. Инсофга келарму деб... Келмади. Баски, Андижонда боши кесилди. Малик Ғиёсиддин билан ўғли Амир Ғурий яхшиликларимизга хиёнат билан жавоб бердилар... Кейин нима бўлди, Мамат?

— Малик Ғиёсиддин, укаси Муҳаммад Серахсий, ўғли Амир Ғурийлар... Икки ой аввал Самарқанд арки орқасида чорраҳада намозшомда Шайх Нуриддин баҳодир уларнинг бошларини олди, Амир соҳибқирон! — аниқлик киритди додхоҳ.

— Қанча вақт сабр-тоқат этагидан тутилди... Наф бўлмади... Амир Ғурий паҳлавон, кўркмас йигит эди, бир юртни обод қиларди... — деди соҳибқирон. — Афсус... Энди куёвимиз Пир Муҳаммадни ҳам Хиротда фитна-ю фасодни бошига салла қилиб ўраб олгон, дейишмакда... Амирзода Мироншоҳ Мирзо бир йилдан бери бу бузғунчининг фатвосини берсунлар, деб ижозат сўрағони сўрағон... Бермадук... Охир ижозат

¹ Яъни, унаштирдик маъносига.

бўлмагач, ўзи Хуросон волийси фармони билан яқинда Пир Муҳаммаднинг бошини танидан жудо қилибди... Афсус, афсус... Бандаларингга ўзинг тўзим бергин, ё Аллох!..

Мавлоно Убайд соҳибқироннинг ҳаяжонланганини кўриб, чалғитиш мақсадида оҳиста деди:

— Ҳазрат, пирларининг мактублари ҳақида сўзлагон эрдилар...

Амир Темур ялт этиб хос муншийга қаради:

— Ҳа, ҳа... Сўзлагон эрдим... — соҳибқирон тахтга ўлтираркан, оҳиста чўнтагидан найча қилинган қоғозни олди. — Ажабки, бу мактуб инсон зотининг қилмиш-қидирмишлари ҳақида ўзи... Кўк дафтарга туширингиз! Сен ҳам эшит, Мамат!

Шайх Зайниддин Абубакр Тойбодий ўз мактубида баландпарвоз, юксак руҳда битилган даромаддан сўнг бундай ёзганди: «...Бирон мамлакатда жабр-зулм ва фиску фасод кучайиб кетаркан, асл подшолар адолат ўрнатиб, фиску фасодни, зулмни йўқотиш ниятида ана шундай мамлакатга ҳужум бошлаши керак. Чинакам жаҳонгир подшоҳ ундай юрт устига босқин қилиши лозим...

Жаҳонгирликда тўрт нарсани ёдда сақласунлар: Биринчиси — қайси мамлакатни забт этмоқчи бўлсалар, тadbир ва кенгаш билан иш тутсунлар. Иккинчиси — ҳар қадамни кўп ўйлаб, сергак ва ҳушёр, эҳтиёткор бўлиб иш юритсунлар... Учинчиси — бошқаришга салтанат учун етарли асил зотли, тегли-тахтли, шижоатли ва ақл-фаросатли эр йигитларни атрофларига йиғсунлар. Балки, уч юз киши бўлар... Улар бирлик иттифоқлари мустаҳкам, ўзлари гўё бир тандек бўлсунлар... Тўртинчиси — бутунги ишни эртага қолдирмасунлар. Қайси ишни чора-ю тadbир билан битириш мумкин бўлса, асло қиличга йўл бермасунлар!

Билсунларким, замон тақозосига кўра, подшолар уч хил тоифага бўлинулар: даставвал, бутунлай лутфу марҳаматлар кўрсатувчи; кейин, бутунлай қаҳру ғазаб намоеън этгувчи; ва охири, бу фазилатларнинг ўрта даражасини танлагувчи. Бас, ўзлари учинчи йўлни танласунлар, сиёсатингизда лутфу марҳаматлар бўлсун, вақтида қаҳру ғазаблар ҳам...

Баъд... Худонинг мулкида адолат билан иш тутсунлар, магарамким, демишлар: «Мамлакат куфр билан ту-

риши мумкин, аммо зулм бор ерда туролмайдир...» Қабих хатти-ҳаракат, ёмон ишлардан худо мулкани тозаласунлар. Зулмнинг ном-нишонини қолдирмасунлар. ...Золимнинг дунёда узоқ ҳаёт кечиришини яхшилигидан, деб билмасунлар. Золим ва фосиқларнинг узоқ яшашига сабаб шуки, ўзларидаги бор ёмонликларни юзага чиқариб тугатмагунларича худо уларга муҳлат беради холос... Гоҳида бегуноҳ бўлган яхши, тўғри ва тақводор кишилар ҳам ёмонларнинг шум қилмишларидан бало-офатларга учраюрлар. Шундайким, тўқайга ўт тушса, ҳўлу қурукка қарамай, барчасини бирдай ёндиришига назар қилсунлар...

Кофирлар, золимлар, фисқу фасодчилар қанча кўп зулм-хиёнат қилсалар, ноз-неъматлари шунча кўпаяр экан, деб ўйламасунлар. Бунинг важҳини ақли қосиримиз дерки, яъни: «Эҳтимол, ноз-неъматлар бергувчи Аллоҳнинг иноятини кўриб, улар зора фисқу фасоддан қайтиб, имон-инсофга келсалар, шукрга юз бурсалар...» деб... Аллоҳга шукур айтишни унутар эканлар, Тангрининг даргоҳига қайтмас эканлар, худо ва унинг расули неъматлари ҳаққини билмас эканлар, охир-оқибат парвардигорнинг қаттиқ қаҳру ғазабига дучор бўлуриллар!..

Аммо, баъд: ушмундоқ фикру мушоҳада гуллари муборақ шуурингиз ва идрокингиз чаманида бешак мавжуд эканлигига зинҳор шубҳа қилмайдурбиз. Жанобингизнинг вазифаси яна бир қарра эслатиб ўтмақдан иборатдур холос...»

Меҳмонхонага жимлик чўқди. Мавлоно Убайд охирги сўзларни ҳам тарих дафтарига тушириб бўлди. Соҳибқирон билан додхоҳ мактубдаги теран мазмун, донишмандона фикр, маънолар маъзини чақишга уринар эдилар. Нечоғлик адолатли, қиличдек кескир, ҳаётдек аччиқ ҳақиқат яширинган эди уларда!..

Кўксарой кутубхонасига бориши лозимлигидан Мавлоно Убайдга кетишга ижозат берилди.

Соҳибқирон тахтдан тушди-да, одатича яна у ёқданбу ёққа юра бошлади. Муҳаммад Чуроға додхоҳ Холдона бибига уйлангандан бери рангига ранг кириб қолганди. Аввалги хотини вафотидан кейин узоқ вақт уйланишни ўйламади, марҳумани қаттиқ севар эди.

У Амир Темур нимадир демоқчи бўлаётганини фаҳмлади, чунки унга «Қол!» дегандай индамади. Додхоҳ

бугун муҳассил Шайх Нуриддин баҳодир билан бозорларни айланиши керак. Ундан кейин Холдона бибини олиб Кумушкентга бориб келишлари зарур. Бир неча кундан бери қолиб келаётган иш. Балки бугун ҳам қоладими ҳали...

Амир Темур юришда давом этаркан, додхоҳни унутиб юборгандай эди. Пири комил ушбу сўзларни худди соҳибқироннинг кўнглини кўриб тургандай ёзганлари уни ҳайратда қолдирди: «...Бирон мамлакатда жабр-зулм ва фиску фасод кучайиб кетаркан, асл подшолар адолат ўрнатиб, фиску фасодни, зулмни йўқотиш ниятида ана шундай мамлакатга хужум бошлаши керак... Чинакам жаҳонгир подшоҳ ундай юртга юриш қилиши лозим... Мамлакат куфр билан туриши мумкин, лекин зулм бор ерда туролмайдир!..» Подшоҳларнинг учинчи тоифасини танлаш ҳақидаги фикрлари жуда мақбул! Соҳибқирон ҳам шундоқ бўлишга интилади. Бағоят ҳақ гапни ёзибдилар пири комил Шайх Зайниддин Абубакр Тойбодий!..

Аслида соҳибқироннинг мақсади ҳам мамлакатларга юришлар қилиш эмас, зулмга қарши саъй ҳаракат кўргизишдир. Иккинчидан, Мовароуннаҳрни ихота айлаш, босқинчилардан муҳофаза қилиш. Соҳибқироннинг мақсади жаҳонда одамларни бахтли қилмак, адовату кудурат илдизини батамом қуритмакдан иборат... Тоқим эллар, раоё ва бароё бир-бирига ёру шафиқ бўлсунлар. Жаҳонгирлик шунинг учун керак. Аммо буни одамлар тушунармикин, жаҳон аҳли тўғри англармикин?..

— Нима учун одамлар бир-бирларини ёмон кўрадилар, хиёнат қиладилар, ёлғон сўзлайдилар, тўғри гапириб тескари иш кўрадилар, яхшиликка ёмонлик билан жавоб берадилар?.. — деди Амир Темур бирдан жимликни бузиб Муҳаммад Чуроға додхоҳга эмас, ўзига ўзи дегандек. — Тобақай мусулмонлар мунофиқлардан азият чекадилар? Нега? Нега?.. Кимгаки яхшилик қилдим, ундан фақат ёмонлик қайтди!.. О, бу инсон зоти!... Қачон одам бўлар экан! Тўғри, худо ёмонларнинг жазосини беради, аммо қачон?.. Барини ўйлаганда, одамзодга шундай нафратинг кўзғоладики, бу нафрат кўнглингни пучмоғида яшириниб қолган бир чимдим меҳрни ҳам ситиб чиқариб юборади. О, парвардигор! Бунинг чораси не ахир? Наҳотки, одамлар эс-хушини ўзига келтириш,

инсофга чақириб учун, уларга жазо бериш, қатл этиш, бадарға қилиш, дорга осиб шарт бўлса?.. Хоразм мисолидай, ишни тўғри хал этиш учун эгри қиличга суяниш керак бўлса?.. Жоҳилу ақли қосирга англатиш ва уни кўрқинч пардасида тутиш мумкин бўлмаса, қиличга мурожаат этишдан ўзга чора қолмаса!.. Кенгашнинг тўққиз эмас, тўқсон тўққиз улуши ҳам бундайларга қор қилмас!.. Водариф!..

Сохибқиронни қаттиқ хаяжон чулғанди. Муҳаммад Чуроға додхоҳ кўпдан бери уни бундай ҳолатга тушганини эслаб олмайди.

— Амир сохибқирон! Одамларни энди кўриб турибсизму?.. — юпатгандек сўз қўшишга журъат этди Муҳаммад Чуроға додхоҳ. — Замона найранглари олам остин-устин эканлигини билмасмудингиз?..

— Биламен, биламен... Билмағонимда яхшироқ эрди, Мамат... Шундай бошим қотиб қолган пайтларда Куръони каримни ўқиймен... Ундаги пурмаъно оятлардан хайратларга тушамен... — давом этди Амир Темур. — Халлоқи безаволга салламно! Барчасини ўзи айтиб қўйибдур! Мана, «Ҳадид» сурасида пайғамбарларни фоний дунёга аниқ ҳужжат-муъжизалар билан юборилгонлиги айтилгон, бандаларга адолатни барпо қилишлари учун Китоб, Мезон-тарози ва Темир туширилгонлиги битилгон, бани башар интизоми ва кишилар осойишталиги учун китоб, адолат тарозиси билан бирга темир(яроқ)га ҳам эҳтиёж бўлиши зикр этилгон... Аллоҳим бандаларни шундай огоҳлантиради. Ҳа, китоб ва адолат тарозиси билан бир қаторда, афсуски, темирга ҳам эҳтиёж бўлиб турибди... Улар хамиша ёнма-ён...Токайгача бу давом этадур, токайгача?..

— Рост... Рост... — сўзга қўшилди Муҳаммад Чуроға додхоҳ. — Темирга ҳам эҳтиёж бўлиб турибди...

Додхоҳ, фақат Исфаҳонда эмас, Сеистондаги, Сабзордаги воқеалар ҳам темирга эҳтиёждан юз бердими, деб сўрамоқчи эди, сохибқирон худди шуни кўриб тургандай деди:

— Бас, давлат ишларининг тўққиз улуши кенгашга, яъни китобга суяниб адолат тарозиси билан иш юритишга, иложи бўлмаган тақдирдагина бир улуши темир(қилич)га қолдирилиши лозим... Қашқирларнинг панжасини қисқа қилмоқ, золимларнинг қўлини мазлумлардан

калта этмоқ жойиз. Мумкин эрмаским, бирон зўргир, зўравон қайсидир заифнинг бурнини қонатсин... Жаҳонгирлик шунинг учун керак...

— Шундай, Амир соҳибқирон! Рост айтдингиз...

Амир Темур меҳмонхонадан кўриниб турган олисдаги Ургут тоғларининг оқшом пардасига ўралиб рангини йўкота бошлаган ям-яшил ёнбағирларига тикилди.

— Биласенму, Мамат... Пайғамбаримиз тўрт ёшдалик пайтларида кунлардан бир кун қўй боқиб юрган эканлар. Бирдан оқ либосларга ўралган икки одам келиб, уни ерга ётқизиб кўксини ёрибдилар, ичига қўл солиб юрагини чиқариб тилибдилар. Ундан қора қонни оқизиб ташлаб, бир жом кавсар суви билан ювиб чайқабдилар. «Мана, сендаги шайтон насибаси кетди, энди сенга шайтон йўл тополмайду», дебдилар ва қайтадан бола кўксини аввалгидек тикиб қўйибдилар... Шундоқ... — маъюс деди соҳибқирон ўйланганча тоғлардан кўзини узмай. — Ҳар инсоннинг юрагида қора қони бор... Жумладан, менда ҳам... Аммо ҳамма пайғамбар эмаски, фаришталар келиб унинг кўксини ёриб, юрагидан қора қонини оқизиб ташласа-ю, кавсар суви билан покласа!.. Шайтон насибасини йўқ қилиб, шайтон васвасаларига қулоқ солмайдиган даражага еткизса!.. Мен эсам ҳамма қатори инсонмен холос, хом сут эмган бандалардан биримен... Начора!..

Муҳаммад Чуроға додхоҳ забардасту пурвиқор соҳибқиронни шундай ожиз холда кўриб алланечук бўлиб кетди. Юраги ачишиб кўзларига ёш келди. Оҳ, салтанат юки! Салтанат юки!.. Турон салтанати юки!.. Осмон каби залворли, тоғлар сингари оғир юк бу! Ҳамма елка ҳам сени кўтаришга қодир эмас!..

Додхоҳ дастрўмолчасини олиб кўзларини арта бошлади.

Ҳеч қанча фурсат ўтмади:

— Мамат! — деди бирдан соҳибқирон худди уйқудан уйғонгандек. — Тезда фармон тайёрлансун! Черик жам бўлсун! Чоршанбаи муродбахшда Хоразмга йўлга чиқилсун!..

Муҳаммад Чуроға додхоҳ кўрди: бир неча лахза аввал ночору нотавон кўринган соҳибқирондан асар ҳам қолмаган эди! Кўз олдида яна шиддатли, қўрқмас ва қатъият соҳиби бўлган Амир Темур турарди!

ЙИГИРМАНЧИ БОБ

I

Тўхтамишхон катта қўшин билан Саброндан ўн фарсах шимолга келиб пастқам сайхонликда ўрда тикди. Ёз фасли бўлса ҳам, табиатга кузнинг нукси уриб қолган, онда-сонда майсаларнинг саргая бошлаганини кўриш мумкин эди.

У Хоразмдан хушхабар кутарди. Олтин Ўрда хони Хоразмга бостириб бормоқда, деган ёлгон хабар тарқатилгандан кейин, ҳоқон ўзи Сивноқ томонга отланган, энг номи чиққан лашкарбошилардан бири Элийғмиш ўғлонни эса катта қўшини билан Ҳожи Тархонданок Хоразмга жўнатганди. У ерда хоразмшоҳ Сулаймон Сўфининг лашкари билан қўшилиб қудратли кучга айланади.

Олтин Ўрда хонининг мўлжали аниқ ва қатъий эди. Унга кўра, Хоразм қўшини, бунга асло шубҳа йўқ, жангда ғолиб чиқади, Амир Темур лашкарини кунпаякун айлаб, хор-зор қилиб қувиб юборади. Балки... соҳибкироннинг ўзи ҳам асирга тушади! Албатта, тушади! Тўхтамишхон қаттиқ тайинлади: соҳибкирон фақат тирик қўлга олинсун, деди. Борди-ю шундай бўлмаса, Амир Темур пароканда навқарлари билан ҳориб-чарчаб Самарқандга қочиб жон сақлаши керак... Ҳали нафас ростлашга ҳам улгурмай турганда, Элийғмиш ўғлон билан Сулаймон Сўфилар — Хоразмдан, жангари амир Муҳаммад Мирак Хутгалондан Мовароуннаҳрни забтга оладилар. Тўхтамишхоннинг Саброн ёқдан бориши эса ҳамма нарсани ҳал қилади: улар Самарқандни эгаллайдилар... Бу орада Анқо Тўра, Амир Қамариддин ва Султон Махмуд ибн Кайхусравларга чопар юбориб, Амир Темур салтанатини ер юзидан супуриб ташлашдек қутлуғ юмушдан бебаҳра қолмасликларини, балки ўз ҳиссаларини қўшишлари лозимлигини ҳам уқтириб қўяди...

Бу кунларнинг яқинлигига Тўхтамишхон қаттиқ ишонди, ҳеч қандай гумонларга ўрин йўқ...

Бироқ кетма-кет юз берган иккита нохуш ҳодиса Тўхтамишхонга бу ниятларнинг замини бўш эканлигига ишоратдай туюлди.

Ўн кунлардан кейин ҳашаматли ўрдада, ҳоқон ҳузурида башанг зиёфат бошланиб кетди. Ўрданинг баланд чанг-

ғароғига кўнғироқ осиб кўйилган бўлиб, шамолда тебраниб, ёқимли сас бериб турарди. Дастурхон атрофида Қозончи баҳодир, Бек Ёруқ ўғлон, Исабек ўғлон, Сотқин баҳодир, амир Идику ва бошқа амирлар жам эдилар. Буюк ҳоконнинг кайфияти бошқаларга ҳам таъсир қилган, барча апоқ-чапоқ бўлиб чак-чаклашиб ўлтирардилар.

Тўхтамишхон пуркуч мамлакат кўшини, Олтин Ўрда келажиги, Амир Темур салтанати, Миср, Польша, Литва ҳукмдорлари билан муносабатлар ҳақида сўз юритди. Куни кеча Польша ҳукмдори Буюк Литва князи қудратли Ягайлдан самимий мактуб олганини ёйилиб айтиб берди. Буюк қирол Ягайло ўз мактубида Амир Темур ва Московияга қарши урушларда бирга бўлишини, Жўжи улусини тиклашда кўмагини асло аямаслигини ёзди...

— Амирлар ва нўёнлар! — май таъсиридан бўлса керак, титраброқ чикди ёрқин кўзлари ширакайфликдан қисилган бошлаган Тўхтамишхоннинг ингичкадан келган овози...

Барча сергакланди, кулгулар тўхтади, кўзлар ҳоконга қадалди.

— Билингизким... Олтин Ўрда давлати буюк ҳокон Чингизхон тузган улкан мамлакатнинг вориси эрур... Чингизийлар бир-бирларининг гўштарини еб, торлик қилиб, калтабинликка йўл кўйиб, афсуски, шу ахволга тушдилар. Бир пайтлар Чигатойхон, Ҳалокухонлар, элхонийлар давлати Мовароуннаҳрда, Хуросон ва Мозандаронда, Ироқ ва Эронда давру даврон сурмишлар эди... Энди қаерда ул салтанатлар?... Ёлғиз Олтин Ўрда давлати қолди холос. Дунё қўлдан кетди... Бас, Чингизхон салтанатини тикламоқ керак! Тикламоқ керак!.. Дашти Қипчоқда ҳам, Мовароуннаҳрда ҳам, Хуросон, Эрон томонларда ҳам Чингизхон ясоси амалда бўлсун!..

— Онҳазратим! Чингизхон ясоси амалда бўлмай! Амалда бўлмай! — деб юборди амир Идику ҳаммадан олдин.

Идику ўз вақтида Қутлуғ Буғанинг отабегиси эди, Ўрусхоннинг Тўхтамиш ўғлонни талаб қилиб ёзган мактубини ҳам Амир Темур ҳузурига у олиб борганди. Демак, Тўйхўжа ўғлон фарзандига душман ҳисобланади. Лекин у Ҳожи Тархондаги қурултойда, тўс-тўполон пайтида, бу ердан тез кетингиз, сиз кетмасангиз бошингиз кетади, деб Тўхтамиш ўғлонни огоҳлантирганди, шу тўфайли бўлажак хон ўшанда омон қолганди. Амир Идику-

нинг шундай одати бор эди, бир кун қайтар ахир, деган умидда кимларгадир яхшилик қилиб қўяр, узокни ўйлаб қадам босарди. Чиндан ҳам, бу «яхшилик» қайтди, Тўхтамишхон Олтин Ўрда тахтига мингач, жасур, қўрқмас, маккору хушёр амирни ўз ўрдасига қабул қилди. Идику фавқулодда кенгашлари, теран мулоҳаза юритишлари билан хоннинг ишонган кишиларидан бирига айланди.

— Жаҳонни олғаймиз, олампаҳо! — Амир Идикудан ортда қолганига бир оз гаши келди-ю овозини баланд қўйиб қичқирди Қозончи баҳодир.

Бошқа амирлар ҳам дарров уларга жўр бўлдилар.

Амир Идикунинг тобора бўй чўзиб келаётгани — нуфузи ортиб бораётгани Қозончи баҳодирга ёқмасди. Чунки хон сўнгги вақтларда кўпроқ манғитнинг сўзларига қулоқ солаётир, ундан кенгашлар олаётир. Мана, ҳозир ҳам баҳодир каловланиб қолди, манғит бўлса ҳоқоннинг сўзини ҳаммадан олдин илиб кетди... Баҳодирнинг уч-тўрттагина омонатдай соқоли тикрайиб турган энгаги титраб қўйди, муштуми қисилди...

— Бу йўлда энг катта тўсиқ бор... Тўсиқ бор... Бу — «қиблагоҳимиз» Амир Темур... — «қиблагоҳимиз» сўзига захархандали урғу бериб деди Тўхтамишхон. — Ул зотни бир тарафлик этмагунча, ниятимизга ета олмаймиз. Шул сабабдан Мовароуннахрга отландик... Билингизким, агар ҳозир Темурбек Хоразмдан енгилиб қайтгандай қулай бир фурсатда Элйиғмиш ўғлон билан хоразмшоҳ Сулаймон Сўфи, амир Муҳаммад Мираклар барчамиз Мовароуннахрни забт этмасак, кейин ҳеч қачон бу юмуш бизнинг қўлимиздан келмайдур!.. Омад қўлдан кетадур... Омад қўлдан кетадур!.. Билингизким...

Тўхтамишхон сармаст эди.

— Ундоқ демасунлар, хоқоним! Хоқоним!..

— Мовароуннахрни забт этғоймиз! Этғоймиз!..

— Омад ёр бўлсун, олампаҳо!

— Сизга тенг келгувчи куч йўқ оламда, онҳазрат!..

Ширакайф амирлару нўёнлар ана шундай қичқиради эдилар.

Дастурхондаги катта баркашдан яхши пиширилган қўй туёғини олиб ғажир экан, амир Идику хаёлидан шундай ўйлар кечарди: «Онҳазрат ўтгиздан ўтсалар ҳам ҳали ёшлар... У ердан қўл узатиб осмондаги ойни оламен, деб юрибдир. Яхшиликлар кўргизган Амир Темур

Кўрагонга ёмонликлар билан жавоб бермоқчи, беллашмоқчи... Чингизхон салтанатини тикламоқчи... Аммо, тиклай олармикин? Чигатойхондай хонга бу насиб этмади, Ҳалокухонга насиб этмади, Ўзбекхону Ўрусхонлар ҳам ноумид қолдилар... Ҳай... Бадбахт Қозончи баҳодир мени хонга ёмонлагани ёмонлаган. Баджаҳл ва шафқатсиз Тўхтамишхондан ҳар нарсани кутиш мумкин... Эски аламлари бирдан эсига тушиб қолса, бир лаҳзада қатл этдириб юборади... Маслаҳатчи-ю вазир, жавонғор қўшин саркардаси бўлсам-да, хушёр ва зийрак юришим керак... Балки, пайтини топиб қочиб кетсамми...»

— Ҳоконимиз филдурлар! — Амир Идику хаёлларини бўлиб қичқирди бирдан, хомсемиздан келган, басавлатга ўхшаб кўринадиган товоқ юзли Сотқин баҳодир. — Амир Темурнинг йили эса сичқон экан! Хо-хо-хо!.. Сичқон филга тенг келганму?.. А?.. Сичқон филга тенг келганму?.. Сичқон-а?.. Сичқонлардан мингтаси ҳам бизнинг филга бас келолмайду!.. Сичқон эмиш!..

Бу гап ҳаммага ёқиб тушди. Хурсандчилик, кулгу овозлари «сичқон», «сичқон» деган сўзлар жаранги билан қоришиб шохчодирни тутди.

Қийқириқлар ҳали анча давом этиши мумкин эди-ю бироқ бунга ҳокон халал берди, май таъсиридан қисилиб кетган кўзларини худди кимнидир қидираётгандай ҳаммага бир-бир тикиб чиқди ва Сотқин баҳодирда тўхтади.

— Нима-нима?!.. Нима-а-а... дединг?!.. Сичқон дедингму?!.. Ким сичқон?!..

Сотқин баҳодир, гапим ҳоконнинг жаҳлини чиқарди шекилли, деб ўйлади-ю қаттиқ қўркиб, кайфи ҳам тарқаб кетди. Сўзга ʻоғиз очмоқчи бўлди-ю, тили айланмади. Тўхтамишхон ғазабланса, оқибати ёмон бўлишини ҳамма биларди. Шундай зиёфатларнинг бирида Ўрусхоннинг ўғли Қўйричок ўғлон хонни ранжитиб қўйиб бошидан жудо бўлган эди.

— Ким... сичқон?!.. Ким, деяпмен сенга?!.. — такрорлади онҳазрат.

Амир Идику қараб туролмади, яхшилик қилгиси келиб қолди-ю, Сотқин баҳодирнинг жонига ора кирди:

— Ҳоконим!.. Кулингиз Сотқин баҳодир жаноби олийларини филдай қудратли, паҳлавон, деб мақтаняпти!.. Амир Темурни эса сизнинг олдингизда сичқондай ожизу нотавондир, деяпти!..

— Ҳа, ҳа, ҳоконим, шундай дедим!.. — жон кирди Сотқин баҳодирга ҳам. — Шундай дедим!..

Яна ортда қолган Қозончи баҳодир улоқни олиб кетмоқчи бўлиб деди:

— Улуғ ҳоконим! Амир Темурнинг сичқонлиги аёндур! Ҳозир у Хоразмда мушт еб, сичқондай Самарқандга қочиб кетди!.. Хо-хо-хо!..

Даврада ёлғиз баҳодирнинг кулгусигина эшитилди. Бошқалар дарҳол: «Қочиб кетди!», «Сичқондай қочиб кетди!..», «Сичқон экан!.. Сичқон!..» деб қичқира бошладилар.

— А-а-а!.. — деди Тўхтамишхон. — Сичқон эканму?..

Шу палла Хоразмдан шошилич чопар етганлигини маълум қилдилар. Онҳазратнинг чехраси бирдан ўзгарди. Буни ҳамма сизди. У мамнунлик билан чопарга киришга ижозат берди. Ҳокон кўпдан унинг келишини кутарди.

Чопар Тўхтамишхон пойини ўпиб ортга чекинди-да, деди:

— По-по-по-подшойи олам!..

Чопар негадир жим қолди, у ҳаяжонданми ёки ҳокон ҳайбатиданми, негадир қаттиқ дудуқланарди. Даврага сукунат чўқди.

— Сўйла! Нега соқовдай турибсен, галварс!.. — сабр-сизлик билан қичқирди Тўхтамишхон.

— Бир қо-қо-қо-шиқ қо-қо-қо-нимдан кечасиз, улуғ ҳоқо-қо-о-ним... М-м-м-моваро-ун-наҳр п-п-п-п-подшоси Амир Темур Хоразм ш-ш-ш-шаҳрини бузиб... ў-ў-рнига а-а-а-ар-па эктирди.. Элни ҳайдаб Сам-м-м-марқандга олиб ке-ке-кетди...

— Нима-а-а-а?!.. Нима-а-а-а... дединг?..

Тўхтамишхоннинг сармаст кўзларида ғазаб учқунлари чакнади. Назарида осмон тўнкарилиб қолгандай бўлди. Шартга ўрнидан туриб чопар ёнига келди ва маҳкам унинг ёқасидан тутди:

— Нималар деяпсен, шайтон?!.. Бу ёлғон гапни қаердан олдинг? Қаердан олдинг, сўтак?!.. Душман чопаримисен, ёлғон гапни айтиб бизни лақиллатасен?!.. Терингни шилдирамен, даюс! Элийғмиш ўғлон қани? Қани, деяпмен?.. Қани-и-и-и?!..

Шўрлик чопарнинг жонида жон қолмади. Томоғи бўғилганидан овози хириллаб чиқди:

— ... Элийғмиш ў-ў-ў-ўғлон билан Сулаймон Сў-ў-ў-ўфи жаноби о-о-лийлари йўлда келишмақда... п-п-п-подшойи олам...

— Олиб чиқиб тўрт нимта қилдирингиз! Тўрт нимта-а-а-а!!!.. — бақирди аламга чидай олмай Тўхтамишхон. Унинг овози яна ҳам ингичка тортиб кетди. — Сўтаклар!.. Пандавақилар!.. Анқовлар!..

Амирлару нўёнлар кутилмаган хабардан қотиб қолдилар. Ҳамма ҳайратда ўрнидан туриб кетган эди. Амир Идику Элийғмиш ўғлон тутумини тушуниб етди. Унинг аввалроқ чопар юбориши бежиз эмас... Ҳокон жаноби олийларини маъшум хабардан огоҳ этиб, «совутиб» олмаса бўлмасди, йўқ эса ўзи олампахоҳнинг қаттиқ ғазабига учрарди. Манғитнинг фикрича, чиндан ҳам, бу хабарни Элийғмиш ўғлоннинг ўзидан эшитса, ҳокон уни гажиб ташласа керак эди...

Элийғмиш ўғлон билан хоразмшоҳ Сулаймон Сўфи келганларида Тўхтамишхон ғазабидан тушиб, тақдирга тан бериб ўлтирарди. Ҳоконнинг пойини ўпиб, тавоф этганидан сўнг, Элийғмиш ўғлон ерга қараганча, Хоразмда бўлган жанглар тафсилотини сўзлаб берди... Жанг қаттиқ бўлди, Элийғмиш ўғлон ҳали умрида бунга ўхшаш савашинни кўрмаган... Амир Темур кўшини ёмғир томчиларидан ҳам кўпроқ, саҳродаги қумни санаш мумкин, аммо бу лашкарни ҳисоблаш мушкул, улар ўлар-тириларига қарамай бамисли чигирткадай ёпириладилар... Хоразм чериги барининг додини берди албатта, кўп навкарлар ер тишлаб қолди. Аммо кўп — кўп экан... Чекинишга тўғри келди...

Хоразмшоҳ Сулаймон Сўфи, бу йигирма беш-ўттиз ёшлардаги, ўрта бўйли келишган хушбичим йигит эди, у хонга тик қараб, Элийғмиш ўғлон сўзларини тасдиқлаб турди. Тўхтамишхон гоҳ хоразмшоҳга тикилар, гоҳ Элийғмиш ўғлон нигоҳини тутишга уринарди. «Икковинг ҳам одам эмас экансенлар!..» демоқчи бўлди-ю, бундан ҳеч наф йўқлигини билиб, индамади. Тўхтамишхон ақлли йигит эди, Хоразм юришининг барбод бўлгани унга қаттиқ ботди, ич-ичида салтанат умид боғлаб турган бир иннинг узилганлигини ва унинг касри ҳали узоқ таъсир кучида қолишини сизди. Агар пайтлар келиб Олтин Ўрдага путур етса, ўша Хоразм юришидан бошланганлиги чин ҳақиқат бўлиб қолади. Буни эсингда тут, эй Тўхтамишхон!

Воқеа эса сал бошқачароқ бўлганди. Амир Темур қўшини Хоразмдан анча берирокда, Жадрас ариғига етганда, кимдир ёғий тарафдан қочиб келди ва хоразмшоҳ Сулаймон Сўфи мамлакатдорликдан воз кечди, душман хавосатидан қўрқиб Элйиғмиш ўғлон билан қочди, кўп аъёнлар жонни хонумондан афзал кўрдилар, ҳамма нарсани ташлаб бош олиб кетдилар, деб хабар берди. Сохибқирон дархол улар ортидан Умаршайх Мирзо лашкарини юборди ва жаҳд ила Қумкент, Қира йўлидан юриб мухолифга қувиб етишни буюрди. Аммо чунон уринишмасин, хоразмшоҳ билан Олтин Ўрда лашкарбошиси уларга тутқич беришмади...

Турон юриши олдидан буюк хоқон Тўхтамишхонни ташвишга солиб қўйган нохуш ҳодисаларнинг биринчиси шу эди. Олтин Ўрда ҳукмдори ўйланиб қолди. Гўё бир қаноти қирқилгандай бўлди. Қирқилган қанотни патлар билан безамоқ учун фурсат ҳам йўқ, пат ҳам... Бари тўзғиб кетди... Ростдан ҳам, ўзинг учун ўл етим, деган мақол жуда топиб айтилган. Ўзинг учун ўзинг ўлишинг керак. Буюк хоқон бўлсанг ҳам, ўзинг бош қотиришинг лозим, энг катта қора меҳнатни аввало ўзинг қилишинг керак. Агар қўшин пода бўлса, чўпон ўзингсан, уюр бўлса — отбоқар... Олтин Ўрда салтанати учун хоқоннинг ўзидан бошқа қуядиган одам йўқ.... Ҳеч ким қуймайди, ўзинг қуясан, ўзинг ёнасан... Ишонган одамларинг ишончингни оқламайди, бир юмуш қўлидан келмайди, бари лапашанг, лакалов... Эйвоҳ!

Хоқон дархол Тармочукни чорлатиб, уни амир Муҳаммад Миракка юборди, энди асосий умид ундан эди. Муҳаммад Мирак лашкарни шайлаб, Амир Темур Хоразмда эканлигидан фойдаланиб, шитоб Самарқанд устига от суриши зарурлигини уқтирди. Ўзи ҳам пайтни ўтказмай катта қўшин билан Самарқанд томонга йўлга чиқди.

Кўп ўтмай хоқонни чиндан ҳам ўйлантириб қўйган иккинчи ҳодиса рўй бердики, буни хон ҳам амирлару баҳодирлар ҳам сира кутмаган эдилар...

Довдирсойга яқинлашар экан, Тўхтамишхон беихтиёр хаёлларга берилди. Ўн йиллар аввал худди шу ерларда илк жангларини ўтказди, Ўрусхон навкарларидан калтак еб, қочиб жон сақлади. Ҳов анови, чап томондаги баланд қир ортидан, ўнг томондаги мана бу дара ичидан пистирмадаги қўшинлар бирин-кетин отилиб чиқиб, уни

танг ахволга солиб қўйишди... Мана, шу остида йўрғалаб бораётган Хонўғлон бўлмаганда, Тўхтамишхон ёғийнинг қўлига тушиши аниқ эди. Амир Темур отни бераётиб: «Эҳтиёт қил, вақти келиб кунингга яраб қолади...» деганди, билиб айтган экан, ростдан ҳам кунига яради. Ўқдай учиб, туёғидан душман кўзига тупроқ сочиб, олиб қочиб дарёдан ўтиб кетди ўшанда...

Хоқоннинг руҳида сўниклик ва маъюслик пайдо бўлди. Мажмағил бир кайфият борлигини қамради, юришни истамас, бир жойда туришни хоҳламас, боши ичи бўмбўшдек, қўллари шалвираган, оёқлари дармонсиз... Ёрқин кўзлар ҳам хиралашган. Вожаб, бу қадар холсиз, ожиз бўлмаса! Остидаги ақлли от дарров унинг ҳолатини сезди, ундаги маъюслик отга ҳам ўтди. Хонўғлон суст, шиддатга чорловчи эмас, балки уйқуга мойил қилувчи сувдай майин йўрғалаб борарди, гўёки шу томонга юришни истамагандай...

«Бундай кайфият қўшинга ўтмасин ишқилиб, агар қўшинга ҳам ўтса ҳамма нарса барбод бўлади... — ўйлади Тўхтамишхон бирдан ўзини қўлга олиб. — Ҳеч ким сезмаслиги керак!..»

Шу палла узоқ-узоқларда билтанглаб оқаётган Довдирсойга кўзи тушди-ю фаройиб қарорга келди. Бир пайтлар у душманни ҳам қойил қолдириб, еткизмай бу сойдан от солиб икки марта қочиб ўтиб кетганди. Энди қочиб бораётгани йўқ. Энди яна Довдирсойга от солади, шижотнинг нақ ўзини кўрсатади, шошқин сойдан шиддат билан ўтиши бутун қўшинларига руҳ беради! Амирлару нўёнлар ҳам хоқон ортидан сойни кечиб ўтадилар...

Яшиндай келган бу фикр хоқонни руҳлантириб юборди. У дарҳол ёнидаги Қозончи баҳодирга деди:

— Билингизким, Довдирсойга от соламен!.. Нариги қирғоқда туриб барчангизнинг сойдан қандай ўтишингизни кўрамен! Мендан кейин ўтғойсиз!.. Англадингму?..

Кутилмаган фармондан шошиб қолган баҳодир, дарров куз кириб сойнинг хийла совиб қолган сувини эслаб жунжикиб олди ва бир қишлоқ нарида кўприк борлигини, ўша ердан ўтиш мақбулу қулайлигини айтмоқчи бўлиб оғиз жуфтлади:

— Хоқоним... шу...

— Оғзингни ёп!!! — ғазабдан чакнади хоқоннинг кўзлари...

Бу, яна бир сўз айтсанг, бошингдан жудо бўласан, дегани эди. Қозончи баҳодир буни аниқ билди, билди-ю бундойранг юзи докадай оқариб кетди. «Хоқоннинг сўзлари хамиша муҳокама қилиш учун эмас, ижро этиш учун айтилишини унутма, эй нодон!» — деди у ўзига ўзи...

— Тавба қилдим, хоқоним, тавба қилдим! — ёлворди отдан ўзини ерга ташлаб хоқон узангисини ўпаркан Қозончи баҳодир. У ҳозир миқти гавдали, кабарик кўкракли, паҳлавон келбат эмас, балки кичик пачоқ бир одамни эслатарди. — Гуноҳқор кулингизни кечиринг!.. Тавба қилдим!.. Тавба қилдим!.. Хоқонимиздан сўнг Довдирсойга от солиб ўтамиз! Довдирсойга от соламиз!.. От соламиз!..

Тўхтамишхон ҳеч нарса демади ва отга камчи босди! Хонўғлонни елдириб учар экан, Қозончи баҳодирнинг ҳанг-манг бўлган амирлару нўёнларга кичкириб нималардир деяётгани қулоғига чалинди.

II

Жуфтак ташлаб ирғиб бораётган Хонўғлон сағрисига камчи тушиб турса ҳам, негадир жон-жаҳди билан чопмас эди. У дунёни кезиб чиқди. Ҳожи Тархон, Сарой Берка, Московия, Кафа ва Табриз кўчаларидан ғолибона ўтди. Лекин ҳеч бир жой, ҳаттоки Сарой Беркадаги узун баланд отхона ҳам Кўксарой ёнидаги сайисхонага ўхшамасди...

Айниқса, Амир Темур уни кўргани келганида, қувониб кетиб, бўйнини гажжак қилиб суйкалар, тумшугини тираб хидлаб-хидлаб оларди. Сохибқирон унинг пешонасини силаб, ялтираб турган сағрисига суюб уриб-уриб кўярди. Ниҳоят, қўлини қўйнига солган сохибқироннинг ҳаракати тулпорнинг назаридан қочмасди: чунки у ҳозир ё кишмиш ейди, ё қанд ялайди...

Кўксарой олдида катта кўчада Тўхтамиш ўғлоннинг Сабронга илк марта жўнаб кетаётган куни эди. Хонўғлонга тилла қош эгар уриб, кумуш юган солдилар, ёллари ювиб-тарадилар. У катта сафарга борилишини фахмлади. Бироқ унга сохибқирон эмас, нотаниш бир ёш йигит минганида даставвал ҳеч нарса тушунмади. Уни сохибқирондан бошқа ҳеч ким минган эмас! Бедов қандайдир дахшатни сезди, чамаси, уни ўғирлаб кетмоқда эдилар! Ер тепиниб қўйди-ю орқа-олдига қаради... Кўп

суворийлар ҳам у ёнда, бу ёнда йўлга тушмоққа шай бўлиб, сабрсизлик билан пишқириб, сўлиқ чайнаётган отларини гижинглатишган ҳолда ниманидир кутишарди. Нарироқда эса қўл қовуштириб туришган аъёнларни кўриб қолди, уларнинг олдида... Амир Темур турарди! Хонўғлон кўзларини пирпиратиб юмди ва яна очди: кўрган сохибкироннинг ўзи эди! Демак, бу ишлардан Амир Темурнинг хабари бор!.. Демак, кимгадир уни бериб юборишмоқда! Ўшанда Хонўғлоннинг кўзларига ёш тўлганини ҳеч ким кўрмади...

Бирдан ўнг сағрисига қарсиллаб қамчи тушди! Хонўғлон сесканиб кетди. Амир Темур ҳеч қачон қамчи урмасди. Агар қаттиқ чопиш керак бўлса, икки марта югани силтаб тортса кифоя, елиб кетади; бир марта тортиб қўйса, бас, юриш керак... Ундан ташқари, узанги химоси ҳам шуни билдиради. Отнинг ўзи ҳамиша вазиятни сезиб турарди. Ёв қувиб келаётган бўлса, душман отларининг кишнашларидан, ҳаракатларидан дарҳол вазият танглигини сезиб оларди ва ўзи ҳам тоқатсизлик кўргизиб, турган жойида «Тезроқ кетайлик!» дегандай ер тепинишга тушарди. Хонўғлон қувсанг — етасан, қочсанг — қутуласан, деган дулдуллар сирасига кирарди.

Хонўғлоннинг онаси Бўзтарлон бўйни ингичкадан келган сер ёл, қуймичи кенг чиройли бия эди. У яйловларни тўлдириб чопар, чопганда сувдай оқиб кетарди. Хонўғлондаги шундай хислат албатта онасидан ўтган. Уюрда айғирлар кўп эди, аммо Бўзтарлон Оқтой деган айғирни хуш кўрарди. Бошқа айғирлар замзама билан унинг ёнига суйкалиб келишса, у назари билан Оқтойни қидириб қолар, қаердалигини аниқлагач, хираларни доғда қолдириб, ўша ёкка қочиб кетарди.

Оқтой ўмрови кенг, қовурғалари йирик, бўйни узун, сағриси катта зотдор отлардан эди. Уюрда юрар экан, узоқларга қараб, атрофни кузатиб чиқар, биронта бегона айғир ёки бўри келаётгани йўқми, дегандай кулоқларини чимириб қўярди. Бияларга назар ташлаганда, кўзи даставвал хушбичим Бўзтарлонга тушар, иттифоқо, шу палла бия ҳам бўйнини эгиб кулоқларини чимирганча айғирни кузатиб турган бўларди.

Кунлардан бир кун бегона кизил жийрон айғир уюрга ёриб кириб, ҳеч нарсага парво қилмай кўзлари ёнганча, қуймичи кенг, суйкумли Бўзтарлонга сакрашга ури-

на бошлади. Афтидан, шундай иддаолар қизил жийроннинг ёқтирган юмушларидан эди. Сулув бия туткич бермай нарига қочди, аммо жийрон қувишини қўймасди. Ниҳоят, у етиб олиб икки оёғини Бўзтарлон устига ташлади, аммо бия қочиб қолди, жийроннинг оёқлари санчилгудай бўлиб ерга тушди.

Бўзтарлон зорланиб кишнаб юборди, у гўёки: «Оқто-йим, қайдасан?..» демокчидай эди. Яйловнинг ичкарасида ўтлаб юрган, қандайдир рафлатда бегона отнинг уюрга аралашиб қолганини сезмаган Оқтой ноладай янграган кишнашни эшитиб, шарт бошини кўтарди. Қараса, бегона бир айғир андиша қилмай безбетларча Бўзтарлонга суйкалмоқда!.. Оқтойнинг таҳдидли кишнаши яйловни тутди. Бўзтарлон Оқтой томонга қараб қочди. Қизил жийрон бияга етиб олай-етиб олай, дерди.

Туёғидан ўт чакнаб учиб келган Оқтой касофати жийронни яғрини билан уриб суриб юборди!..

Юқоридан қараган одам шундай манзарани кўрарди: яйловнинг четида уюр, уюрдан анча узоқда икки от қаттиқ уришаётибди, бир от нарироқда турибди...

Қизил жийрон бегона уюрга келишдан ҳайиқмаганлиги бежиз эмаслигини кўрсатиб қўймоқчи бўлди. У ҳам ўмровлари кенг, кучли от эди. Орқа оёқларида туриб душманини тиккамачасига тепмоққа, тишлари билан ғажиб ташламоққа уринди. Ғазаб келганда, тулпорнинг тишлари қиличдан ҳам ўткир бўлиб кетади. Бироқ, Оқтой анойилардан эмасди, у жийроннинг сағрисидан олишга ҳаракат қилди, жийрон бўй бермади. Аксинча, ўзи Оқтойнинг думғазасига ташланди! Оқтой бир ҳинграб қўйдида, рақибининг тумшугига чап бериб, ёли аралаш чайир бўйнидан ғарчча тишлаб олди-ю пайт пойлаб хийла нарига отиб юборди! Бўйни қарс етиб мертилган қизил жийрон минг машаққатда оёққа туриб, ўзини ўнглаб қарши хужумга шайланган ҳам эдики, етиб келган Оқтой бир неча марта кетма-кет қарсиллатиб тепиб ташлади! Шиддати анчагина кесилиб қолган жийрон бу зарбаларга дош беролмади, бошини тутолмай, чалқанчасига гурсиллаб ерга қулади...

Бўзтарлон барини кузатиб турарди. Оқтойнинг мардона жангини кўриб ҳайратланган сулув бия қора терга тушган Оқтой ёнига келди ва «Миннатдорман...» дегандай ўмгани аралаш ёлига оҳиста бошини қўйди...

Яйлов ўртасида эса ўзга уюрлардан «роҳат излаган» кизил жийрон айғирнинг лоши қарға-қузгунларга ем бўлиб қолди...

Яйловнинг этагида кичкина сой оқадиган пасткам хушманзара сойлик бор эди. Кўпинча айғиру биялар ўша сойликда айланишни ёқтирардилар. Оқтой авваллари бир неча марта Бўзтарлонни ўша сойликка ияртириб бормоқчи бўлди, аммо яқин қолганда бия «ноз» қилиб қочиб қоларди. Оқтой негадир ҳозир ўша сойлик томон кета бошлади, ортига қарамади ҳам. Энди у Бўзтарлоннинг келишига аниқ ишонарди. Жонивор адашмади, сулув бия беихтиёр унинг ортидан эргашиганини билмай қолди. Оқтой билан Бўзтарлон аста-аста сойлик ичида кўринмай кетдилар. Уюрнинг бошқа отлари ҳам бирин-бирин улар изидан ўша ёкка йўналдилар...

Йилнинг охирига бориб, Бўзтарлон бир ярғоқ қулун туғиб берди. Ширинтой қулун тириккина кўринар, оёқда тебранмасдан турар, ўмровининг кенлиги, ковуғаларининг йириклиги, бўйнининг узунлиги, сағрисининг катталиги нақ Оқтойнинг ўзи эди. Қуббатуюёқ қулунни кўрган Малик Гиёсиддиннинг кўзи пишган йилкичиси, ундан ажойиб дулдул от чиқишига дарров ақли етди ва олти ой сағрисига кун туширмай, офтоб тегизмай ертўлада қоронғида боқди, кейин таблада сақлади, ихлос билан қаради. Сомону арпа аралаш еми фақат кечаси берарди. Ертўладан чиққач, дастлаб текис йўлда, кейин шудгорда, охирида эса тошлоқда юришга ўргатди. Ёлини гўзал қизларга силатди... Авжи кучга тўлган ғўнон бўлган пайтида бўз отнинг ёли қулоғидан ошиб, сағриси тошиб, гижинглаб, қараганларнинг кўзларини қувнатадиган бўлди.

Бу ғўнон Хонўғлон эди...

Тарих милодий 1372, сичқон йилида, авжи баҳор гуркираган палла Амир Темур Қаршининг чўлида ов солди. Ов ҳалқаси то Амударёгача майдонни эгаллаганди. Сохибқирон шикорни ёқтирарди, аммо асосий мақсад, қуёну илвасину кийик отиш эмас, балки келгуси жанглар русумини аниқлаш, машқини олиш, «савқ-ул жайш»¹ ва «таъбият-ул жайш»² йўллари назардан ўтказишдан иборат бўларди.

¹ *Савқ-ул жайш* – стратегия маъносиди (араб).

² *Таъбият-ул жайш* – тактика маъносиди (араб).

Хирот малиги Муъизиддин вафотидан сўнг подшолик мартабасига минган унинг ўғли Гиёсиддин соҳибқироннинг шу ердан узоқ бўлмаган жойда шикорда эканлигидан хабар топди. Дарҳол Ҳожи Вазир деган номдор лашкарбошисини жуда кўп кумошу отлар, хачиру тевалардан иборат маҳобатли тухфа-инъомлар билан Амир Темур хузурига юборди. Пешкашлар орасида олтин корсонли эгар урилган бўз от ажралиб турарди. Сарой аъёнлари назар ташлашиб: «Отмисан от эканда!..» деб қўйишарди ҳавас билан. Ҳожи Вазир таъзим бажо келтириб Амир Темурга бундай деди:

— Соҳибқирон ҳазратлари! Бу отни Хонўғлон дейдилар. Малик Гиёсиддин жаноби олийлари ўзларининг энг зотдор учқур тулпорини инъом этдилар!..

Амир Темур тулпорни кўриб, дарҳол кўнгли унга мойиллигини сизди. Тулпор чиндан ҳам кишининг ики суйдиган от эди, Турон ҳукмдорига ёқиб қолди. У Малик Гиёсиддинга нома битиб, Ҳожи Вазирни турфа хил пешкашлар билан сийлаб жўнатди. Амир Темур Хонўғлоннинг биринчи соҳиби бўлди, Самарқандда тулпорга биринчи марта эгар урилди...

— Ҳозир улуғ хоқон Довдирсойга от соладила-а-а-ар!.. — Қозончи баҳодирнинг қичқирганини эшитди Хонўғлон. — Амирлару нўёнлар! Кейин навбат бизларга-а-а-а!..

Даставвал Довдирсойни илғаб, Самарқандга борадиган йўлни таниган Хонўғлон тезроқ юришга ошиқди, аммо югани тортиб бунга имкон бермадилар. Энди эса сағрисига қамчи тушиб турса ҳам, негадир у жон-жаҳди билан чопгиси йўқ эди. Бунинг сабабини тушунгандай бўлди. Ақлли отнинг назарида ҳозир Тўхтамишхон Самарқанд томонга қочиб кетаётгани йўқ... Чунки аввалгидек қочиб кетса, ортидан кимдир, кимлардир қувиши керак... Ҳеч ким қуваётгани йўқ, балки одатдагидек катта кўшин савашишга отланган... Демак, жанг қилиш учун бостириб боришмоқда...

Донишмандлар отда фақат забон йўқ, лекин ақл, фаҳм-фаросат, сезгирлик, зийраклик, орият кучли эканлигини кўп гапирадилар. Хонўғлон ана шунинг фавқуллода ажабтовур тимсоли эди.

Тўхтамишхон тулпорнинг шахди ҳар кунгидан ҳам бугун пастлигини сизди. Аммо бундан кўрмади, бал-

ки айб ўзида эканлигини тан олди. Ўзидан ўзининг жахли чиқиб, аламини кимдан олишни билмай отга устма-уст қамчи солди! Зугум жонидан ўтди-ю Хонўғлон ўқдек елиб кетди! Манзилгача хоқоннинг қўли қамчидан бўшамади.

Шу ерда гаройиб ходиса рўй берди! Қаттиқ елиб бораётган тулпор тобора шиддатини ошириш, Довдирсойга келиб сакраш ўрнига, сойга яқинлашганда шартта чапга бурилиб кетди, хоқон ҳазратларининг эгардан учиб кетишига оз қолди! Ҳеч ким шундай бўлади, деб ўйламаганди. Амирлару нўёнлар, тез етиб келишиб: «От кўрқди, хоқоним!.. Парво қилмангиз, хоқоним!.. От кўрқди!.. Шунақаси бўлиб туради!..» деб хонни юпантирдилар. Хайрон бўлган хоқон иккинчи марта уринди, аммо яна юқоридаги ҳол такрорланди. Вазиятни тушуниш мушкул эди, тил-забонсиз махлуқ негадир қайсарлик қилиб, ўзи авваллари бемалол кечиб ўтиб юрган сойга ҳеч сакрагиси келмасди. Ҳолбуки, хоқон бу тулпор билан Довдирсойдан ҳам катта не-не айқирган дарёларни кечмаган...

Тўхтамишхон жуда хижолатда қолди, амирлару нўёнлар олдида, қўшин олдида шарафи бир пул бўлди... Унинг ғазаб ўти алангаланди, ёрқин кўзлари қаҳрдан қисилди, агар иложини топса эди, ана бу тоғни шартта кўтариб, мана шу бадбахт махлуқнинг устига ташлаган бўларди!.. Қаҳрини жиловлай олмаган хоқон тулпорнинг бош-кўзи аралаш аччиқ қамчи солганини билмай қолди! Қамчининг учи чаён чаққандай Хонўғлоннинг чап кўзига тегди ва ўт чақнатиб юборди! Оғриқ жонидан ўтиб кетган жонивор қаттиқ кишнаганча юқорига сапчиди! Буни кутмаган эгарда бамайлихотир ўлтирган Тўхтамишхон отдан қулаб тушди!..

— Жувозга қўшиш керак!.. Даюсни!.. — белини ололмай инграниб деди хоқон ётган жойида.

Ҳамма ўша томонга югуриб, хоқон ҳазратлари атрофида гирдиқапалак бўлиб қолди. Тулпор билан ҳеч кимнинг иши йўқ эди. Хонўғлон энгил тортгандай бир кишнаб осмонга сакради-да, сой бўйлаб Самарқанд томонга елдан ҳам тез учиб кетди ва бирпасда кўздан ғойиб бўлди...

ЙИГИРМА БИРИНЧИ БОБ

I

Сахар пайти Султон Бахт бегим учинчи ошёнада жойлашган хобхона деразасидан пастга қараган эди, сарой олдидаги бўйи юз, эни эллик қадамлар чиқадиган майдонда бир кўп навкарларнинг уймалашиб юрганларини кўрди. Хулбукда бундан бошқа катта майдон йўқ. Кўрибоқ, маликанинг юраги шув этиб кетди: Амир соҳибқирон Хоразм юришида эдилар, даставвал куёвини қўшини билан чақиртирмадилар, фақат қайноғаси Абулфатх ўша ёққа жўнаб кетди. Энди зарурат туғилиб, чопар юборибдилар-да, ана, навкарлар сафарга тайёрланишмоқда... Кўмакка боришади шекилли...

Соҳибқирон лашкари танг ахволга тушиб қолдимикин? Малика ҳамиша ана шундан қўрқади, қачон сафарга чиқсалар, бошқаларни билмайди-ку, аммо ўзи то падари бузруквори зафар билан қайтиб келмагунларигача, юрагини ҳовучлаб кун ўтказади. Холисанилло айтганда, Хоразм ёқдан чопар келганини билгани йўқ. Тўғри, йигирма кун олдин Амир Шоҳмалик соҳибқирон топшириғи билан Ҳиндистонга кетаётган экан, йўл-йўлакай тушиб ўтди холос. Ҳеч қандай жанг ёки қўшин жўнатиш ҳақида сўз бўлмади....

Аммо уч кун аввал яна Тўхтамишхон элчисининг Хулбукка келгани маликани ташвишга солиб қўйди. Биткўз Тармочук биринчи кўришданок Султон Бахт бегимга ёқмаганди. Бу ҳақда ўз вақтида куёвига ҳам айтган: «Бу сизга ҳеч қачон дўстлик қилмайди, кўзи ёмон...» деганди. Аммо сўзи унга таъсир қилдими йўқми, бу ёғини билмайди. Муҳаммад Мирак ўша элчи билан овра, биринчи куни меҳмонхонадан чиқмай нималарнидир гаплашдилар. Эртасига сахарда қаёққадир кетдилар, кеч қайтдилар... Куёви билан гаплашмоқчи эди, ажабо, ҳеч холи тополмай, жони ҳалак бўлди. Тагин меҳмонхона атрофида ўралашиб юришга тўғри келди. Барибир бундан ҳеч нарса чиқмади, эшик зич ёпилган эди.

Малика яна деразадан қаради: навкарлар сафи тобора куюқлашиб борарди. Негадир унинг юраги сиқилди. Шошилиб пастга туша бошлади. Биринчи ошёнадаги меҳмонхона бурчагига борган эди, у томондаги эшикдан

Муҳаммад Мирак билан Тармочуқнинг ўзаро гаплашиб чиқиб келаётганларини эшитди.

«Йўқ...Аввал Самарқандга борғойбиз... Бухорога кейин...» — деди Муҳаммад Мирак.

«Тўғри, улуғ ҳоқон Тўхтамишхон, Амир Темур Хоразмдалигидан фойдаланиб аввал Самарқандга юришингизни буюрғонлар... Қачон борғойбиз?...» — сўради Тармочуқ.

«Эртага отланғойбиз...Эртага...»

«Қараб турамизма, амирим?... Вақт кетмайми?... — норизо оҳангда деди Тармочуқ. — Тезроқ бормаймизма? Улуғ ҳоқон келганча Самарқандни босиб олмаймизма?... Кейин давру даврон сурмаймизма?...»

«Қўшин йиғиш керак... Қўшин...»

Улар ташқарига йўналишар эканлар, маликанинг панада турганлигини сезмадилар.

Султон Бахт бегим турган жойида қотиб қолди! Демак, булар Амир соҳибқиронга кўмакка эмас... Самарқандга отланишмоқчи, пойтахтни олишмоқчи! Тўхтамишхон ҳам юртга бостириб келар экан, ўғил тутинган эди-я!.. Ўғилдан келган оқибатни кўрингиз!

Нима қилиш керак? Тездан падари бузрукворига хабар бердириш лозим. Аммо бу айтмоққа осон... Чопар юборганда ҳам, Хоразмга етгунча фурсат кетади. Кошки эди, қушга айланса-ю ҳозироқ учиб бориб падари бузрукворига бу машъум хабарни етказса!.. Ҳа, бари ўзи ўйлагандай бўлиб чиқди, куёви Муҳаммад Мирак душманлик йўлига кирибди! Фитнага бош қўшиб, фанимларни атрофига йиғиб, ўзининг қайин отасига қарши қурол кўтармоқчи! Чиндан ҳам, унинг ақли жойида эмас, нокасу бетайин бўлмаса соҳибқирондай бир пуркудрат подшога қарши чиқармиди!..

Шу палла куёви маликанинг кўзига жинидан ҳам бадтар ёмон кўришиб кетди. Дарҳол канизақлари ва хизматкорларини чақиртирди. Энди бу ерда бир лаҳза ҳам қола олмайди! Хутгалонни бутунлай тарк этади! Падари бузруквори ҳам барини билгач, нега бундай қилдинг, оилангни бузиб, ташлаб келдинг, деб таъна қилолмайдилар...

Агар Муҳаммад Миракнинг қўшини эртага йўлга чиқса, улар бугуноқ жўнаб кетишлари керак. Шунда Самарқандга олдин етиб боришади ва, зарур бўлса, маликанинг ўзи ҳам қилич тутиб пойтахт ҳимоячиларига қўшилади. Албатта, қўшилади! Бир жанг қилсинки!..

Маликанинг кўнгли орзиқди, ўзининг совурилган гулдай умрига, бенафу беҳуда ўтган ёшлигининг бебаҳо йилларига ачиниб кетди. Ох, ўша йилларни қайтариб келишнинг иложи топилсайди!.. Подшонинг қизи чўрилардан ҳам хор бўлиб дўзахда кун кечирди-я... Э, аттанг!.. Пешонаси шундай экан-да...

Султон Бахт бегимнинг бир сири бор эди, унинг кўнглида пинҳона муҳаббат яшарди, албатта у бу ҳақда ҳеч кимга оғиз очмаган... Буни Аллоҳ ва ўзидан бошқа ҳеч ким билмайди. Хуш тавозе, андишали, жасур, кўзлари катта-катта, қошлари қуюқ Амир Шохмалик кўпдан унга ёқарди... Издаҳомларда, йиғинларда ёқтирганининг бошқа амир ва амирзодалар ичида мағрур юрганини кўриб қувониб кетарди. Узоқ-узоқ кўз узмай тикилиб турган пайтлари кўп бўлган. Кўп марта, ҳатто Амир Шохмалик бу дайди нигоҳларни тутиб ҳам олган... Буни Султон Бахт бегим аниқ билади ва, тахмин қилишича, амирнинг юраги ҳам титраб туради. Аммо бу муҳаббат тилга кўчмаган, фақат кўнгилнинг туб-тубида қолиб кетган, ҳеч қачон дунё юзини кўриши мумкин бўлмаган чорасиз туйғулар силсиласи эди холос...

Яқинда Ҳиндистонга кетаётган Амир Шохмаликнинг Хулбукка тушиб ўтиши яна маликанинг эски туйғуларини уйғотиб юборди. Айниқса, сирли муҳаббатнинг бир пайтлар учкур қанот бўлиб осмон-фалакларга кўтара олиш қудрати-ю сеҳри билан Хулбукдаги ҳозирги хору абгор ҳаёти, инсонийлик қадрининг топталиши ўз-ўзидан муқоясага келди-ю маликани чексиз афсус-надомат чулғаб олди. Фақат Амир Шохмалик бу ерга соҳибқирон топшириғи билан келдими ёки баҳона қилиб маликани кўргани кириб ўтдими, буни билолмади. Эҳ, Амир Шохмалик сўлиб хазон бўлган маликани кўриб, унинг устидан кулиб кетгандир?.. Йўқ, зинҳор кулмаган, балки юраги билан йиғлаб-йиғлаб кетган бўлса керак, малика бунга аниқ ишонади.

Султон Бахт бегим хос одамларига ими-жимиди йўл тадорикини кўришни буюрди. Бу орада майдонда тўпланган навкарлар сони беш мингдан ошиб кетди. Пешиндан кейин ҳамма қаёққадир, чамаси, лашкаргоҳ қилиб белгиланган Хулбукнинг жанубидаги кенг далага йўл олди, майдон бўшаб қолди. Бу худонинг буюк инояти эди, малика ана шу фурсатдан фойдаланиб

ҳозироқ бу зиндондан ҳам бадтар шаҳардан чикиб кетиши лозим...

Кўп ўтмай Султон Бахт бегим ўз канизақлари-ю хос одамлари билан отланиб Самарқанд томонга йўлга равона бўлди...

Ўзини Ҳиндистонга бораётган қилиб кўрсатган Амир Шоҳмалик, гарчи Султон Бахт бегимни кўришни истаса ҳам, аслида Хулбукка соҳибқироннинг топшириғи билан келганди. У Хутталондаги вазиятни ва ҳоким Муҳаммад Мирак саъжия-тутумларини яхшироқ билиб келиш учун юборилганди. Амир Темур, одатда, маълум ҳукм чиқаришдан ёки кимгадир жазо беришдан олдин албатта тафтиш ўтказар, турли йўллар билан текширтириб кўрар, шундан кейингина бир қарорга келарди. Амир Шоҳмалик Хулбукдан чикиб, Ҳиндистонга эмас, балки тўғри Хоразмга соҳибқирон ҳузурига жўнади ва Котдан беш йиғоч шимолга етганда ҳазрат дийдорига мушарраф бўлди...

II

Соҳибқирон Амир Шоҳмаликнинг сўзларини эшитиб, хаёлга ботди. Ҳа, Муҳаммад Мирак баланд мартабага чиқариб қўйилган, у ҳам ҳоким, ҳам куёв мақомидайдди... Уни тарбият этиб, иноятлар қилди. Ортиқча марҳаматлар кўргизиш ҳам одамзодга ёкмайди. Фафлат босган инсон йўлдан тойибди, бахти ундан қайтибди. Шармандалиқдан ор этмай, мухолифат яловини кўтарибди. Мамат анча йил аввал, ўша Тўхтамиш ўғлоннинг биринчи келган пайтидаёқ, Муҳаммад Мирак ҳақида ғалати фикрларни айтган эди. Аммо соҳибқирон бунга қулоқ солмади, ҳатто кейинроқ чуқурроқ ўйлаб ўтирмай қизини ўшанга берди... Аттанг... Ҳазор аттанг...

Бирдан Муҳаммад Миракнинг иниси Абулфатҳ черикдан қочиб кетибди ва ўзини чўл ичига урибди, деган хабар етди. Соҳибқирон куёвининг кичик биродарини атайлаб, гаров эмас-ку, ҳар қалай Хутталон ҳокимининг жиловини тутиб туриш мақсадида черикка олдириганди. Унинг қочиб қолиши ҳам Хутталон ҳокими Муҳаммад Мирак ҳақидаги гумонларни тасдиқлагандай туюлди.

Кўшин Котдан энди жилган ҳам эдики, Абулфатҳ Хутталондан Муҳаммад Миракдан бир мактуб олди. Мак-

тубда, у Амир Темурга мухолифат изҳор қилганини, бу қарори қатъий эканлигини, энди ортига қайтмаслигини, шунинг учун ҳокон Тўхтамишхон Мовароуннахрга бостириб келаётганини ва инисига зудлик билан Самарқандга қараб юришни тайинлаган эди.

Ахий Жаббор баҳодир унинг изидан тушди. Унча узоқ қидиришга ҳожат туғилмади. Бир кун аввал ғойиб бўлиб қолган Абулфатҳ эндигина Кот қалъасидан ўтиб биёбонга кирган, саксовулга ўхшаш қораварақ деган бута соясини топиб, қиличини бошига қўйиб ухлаб ётган экан. Қаттиқ чарчаганидан Ахий Жаббор баҳодирнинг борганини билмай қолди... Баҳодирнинг томоғи кичиб йўталиб юборганидан уйғониб кетган Абулфатҳ дарҳол қиличини олмоқчи бўлган эди, унинг аллақачон Ахий Жаббор баҳодир қўлида ўйнаб турганини кўрди.

— Ўзингни бос, ифлос!.. Чавақлаб ташлаймен, номард!.. Ичагингни бошингга салла қилиб қўямен, нас босган! — деди ғазабдан Ахий Жаббор баҳодир. — Амир соҳибкироннинг ҳиммати эҳсонларига бунчалар кўрнамакликнинг сабаби недур? Куфрони неъмат қилганинг, бу тутумни мақбул билганинг одам зотига ҳеч ярашурму?..

— М-м-менда айб йўқ!.. — кўрқувдан титраб деди Абулфатҳ. — Оғам Мирак... душман бўлибди, киши юбориб эди... Жонимни сақлаб кетаётирмен холос...

— Амир Муҳаммад Мирак салтанатга ёғий бўлибдими?.. — ҳайратда сўради Ахий Жаббор баҳодир...

— Шу-шу-у-ндай... — деди Абулфатҳ, сўрамасалар ҳам бидирлаб гапириб кетди. — Тўхтамишхон Мовароуннахрга бостириб келмакда экан. Ҳокон оғамга чопар юборибдилар...

— Нима-нима?!.. Э, оғзингга тош! Сўзлари ғалат, ипириски валад! — Ахий Жаббор баҳодир зуғум билан деди. — Барингни уруғинг битга сен пасткашларни!.. Терингга сомон тиқиб бозор дарвозасига осиб қўйиш керак, ярамаслар! Зиндачашм деган биттанг бир ой осилиб турди!.. Ҳамма тупуриб ўтди!..

Ахий Жаббор баҳодир бошқа ҳеч нарса демади, Абулфатҳни боғлаб отга миндирди... Умаршайх Мирзонинг Бухорода эканидан хабардор эди, икки кун олдин унинг чопари келганди. Соҳибкирон ёнига боргандан кўра, Бухоро унга яқинроқ туюлди-ю Умаршайх Мирзо ёнига йўл олди.

Амирзода ахволни билиб, ғазабдан қўйқўзларида ўт чакнади, жиззакилиги тутиб кетиб сўкиниб юборди. Амир Сулаймоншоҳ ҳам «Нокас!..» деди-да, чапаничасига ўз нафратини билдирди. Муҳаммад Миракнинг Тўхтамишхон билан сирли алоқасини эшитишиб, амирзодалар бадтар тутоқиб кетдилар. Умаршайх Мирзо сал ўзини босиб олди-да, Ахий Жаббор баҳодирга юзланди:

— Фурсат ўтмасун! Бу нонкўрни Амир соҳибқирон ҳузурига олиб борингиз! Жазосини ўзлари берсунлар! Ўзимиз ҳам Самарқандга жўнаймиз, деб турғондик... У ерда Амир Оқбуға найман бошлиқ қўшин бор... Эшитдимки, Муҳаммад Мирак Тахти Қорачадан ошиб пойтахтга йўналаётган эмиш... Иншоолло, подшоҳзода билан ҳам ҳисоб-китобни ўша ерда қилурмен!.. Подшоҳзаданинг мана шундай сотқин бўлишини, пайт келиб қутурган қўшпақдай ўз эгасини қопишини билардим-а!.. Билардим!.. Ҳеч Амир соҳибқиронга айта олмадим. Айтишим керак эди... Айтишим керак эди!.. Афсус!..

Амир Сулаймоншоҳ маъжуллаб бош тебратди.

Ахий Жаббор баҳодир шу куниёқ Абулфатҳни олиб Хоразмга жўнаб кетди.

III

...Хутталон ҳокими Муҳаммад Мирак, боргунимча Самарқандга албатта ҳокон Тўхтамишхоннинг ҳам пойи қадами егади, деган умидда жаҳд билан қўл остида бор лашкарни олиб пойтахт томон йўлга отланди. Ёлғиз Ороҷ мавзеига етганда, Самарқандга юборган чопари эндигина қайтиб келиб турган экан. Чопарнинг хабари Хутталон ҳокимини ҳанг-манг қилиб қўйди. Самарқанд эли гафлатда, хотиржам эмиш, ҳеч қанақа Тўхтамишхоннинг бостириб келаётганидан хабарлари йўқ, аксинча бугун-эрта Амир Темур Қўрагоннинг Хоразмдан зафар билан қайтишларини кутмоқда эканлар... Амир Оқбуға найман бошлиқ тиш-тирноғигача қуролланган лашкар шаҳар қалъасини мустаҳкам тутиб турибди...

Наҳотки, ҳокон ўзлари айтган фикрларидан қайтган бўлсалар?.. Наҳотки, Самарқандни забт қилиш нияти ниятлиғича қолса?.. Наҳотки, Мовароуннаҳр тахти Муҳаммад Миракка насиб этмаса?..

Хутталон ҳокими беҳуд бўлар даражада эди. Ҳайратга тушиб бақрайиб қотиб қолгандай катта-катта кўзлари

тез-тез пириллашга турди, керак бўлса-бўлмаса гўё тушиб кетгандай қошларини қўли билан силаб юқорига кўтариб кўяр, ғазабдан нима қилишини билмасди. Самарқандга бостириб бориш бефойда — бир сиким аскар билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Абулфатҳ келиши керак эди, уни кутишда ҳам бир маъни қолмади... Энди шитоб Термиз, Ҳисор, Хутталон ёқларга йўл олсун, ҳарқалай Амир Темурнинг дасти етмайдиган жойлар. Ўша ерларни горат қилсун, аскар тўпласин, бунгача Тўхтамишхон ҳазратлари ҳам етиб келадилар. Ана ўшанда Самарқандга бошқача бўлиб боради...

Муҳаммад Мирак Ёлғиз Оғоч мавзеидан қайтганча, холбуки Самарқандга ярим кунлик йўл қолганди холос, Темир дарвозадан ўтиб Термизга йўл олди. Муҳаммад Мирак бу шаҳарни осонликча қўлга киритаман, деб ўйлаган эди. Аммо кўчабандлар билан мудофаа қилинган, дарвозалари зич ёпилган шаҳар химоячилари битта ҳам душманни яқинларига йўлатмадилар...

Ноумид қолган Хутталон ҳокими Самарқанд ва Термиз аламини Ҳисордан олиб, бор элни талаб, горат қилди, уйма-уй кириб ҳисорликларнинг кўп молларини олиб, хонумонларини совурди. Қадимдан Ҳисор зарродхона'си машҳур эди. Тонгсахардан жарчи барчани ўша майдонга чорлади. Қиличу қалқон, совуту жавшан, дубулға ва бошқа ҳарбий кийимларга тўла зарродхона ҳаманинг кўз олдида очиб қўйилди. Муҳаммад Миракнинг ўзи саховат кўргизиб, бу ерда тўпланган етим-есир, палид, турли бебош бозорчопонийларга² жайба улашди, молу манол берди, оту тўнлар ҳадя қилди...

— Ҳали Самарқандни олурмиз, Самарқандни!.. — дер эди одамларга қурооллардан тутқазаркан...

Муҳаммад Мирак зирху совутга ўралган кишиларга қараб, кўнглида гурур туйиб, мамнун бўлиб турганида Умаршайх Мирзо кўшинининг бостириб келаётгани ҳақида хабар етди. Буни эшитиб Хутталон ҳокимидан ҳам аввал атрофда уймалашиб юрган ҳозиргина қуроолланиб сурон кўтараётган ҳали машқу майдон кўрмаган черикнинг руҳи тушиб кетди. Барчани кўрқув ҳисси чулғаб олди, ҳай-ҳайларга ҳам қарамай ҳамма хар ёкқа

¹ Зарродхона — совуту зирхлар, қуроол-аслаҳалар сақланадиган жой, ҳарбий омбор.

² Бозорчопонийлар — бу ерда: каланғи-қасанғилар маъносига.

қочишга турди. Муҳаммад Миракнинг ўзи сичқоннинг ини минг танга бўлиб Хутталонга қараб жўнаб қолди...

Умаршайх Мирзо бир нарсага доим тан бериб келади: худойи таоло валинеъмат соҳибқиронни азиз ва мукаррам қилиб яратган, кимки унга нисбатан бадхаёлликка борса, муҳолифатга юз бурса, охир-оқибатда хор, несту нобуд бўлади... Амирзода шундай ҳолларни кўп бор ўз кўзи билан кўрди. Санай деса, саноғи етмайди. Жимжилоғи билан тоғларни суриб юборишни хаёл қилган, осмон тушиб кетса елкасида тутиб қолишни орзу этган калондимоғлар ҳамон учраб туради. Бундай ношукурлар қандай қадам босишни, кимга қўл кўтараётганларини яхши тушуниб етишни, афсуски, билишмайди.

Ростдан ҳам, амирзода назарида худо қаттиқ адаштирган бандалардан бири Муҳаммад Мирак ҳисобланади. Агар у фаҳм-фаросат билан иш тутганда, бошқалардан соҳибқиронга яқинроқ бўлган Хутталон ҳокими — чунки у куёв! — муҳолифатчи эмас, балки ўзи шундайларнинг изини қуритиши лозим эди...

Ҳайратга тушган амирзодалар куёв изидан ўлжа кетидан елган оч йўлбарсдай қувишда давом этдилар. Ҳисордан Хулбукка қараб қочган Муҳаммад Мирак Вахш дарёсининг кўздан четроқда бўлган Тошкўприк кечигидан осонликча ўтиб олди. Бу ерларни яхши билмаган Умаршайх Мирзо билан Амир Сулаймоншоҳларга дарёга от солишга тўғри келди.

Қочиб борар экан, Муҳаммад Мирак Хулбукка бориш фикридан қайтди, агар шундай қилса, амирзодалар унга тез етиб олишлари мумкин. У, яхшиси, йўлни буриб, ортдагиларни чалғитиб, Дарай Ниҳон ва Дарвозлар¹ ҳокими Шох Жалололдин ҳузурига боради, чунки унинг билан ош-қатиклиги бор... У тоғларда жон сақлаши осонроқ.

Кутилмаганда Шох Жалололдин ўз паноҳига олиш ўрнига, бахти қайтган Муҳаммад Мирак юзига қалъа эшигини қарсиллатиб ёпди. Бу ҳам камлик қилгандай, аскарларига Хутталон ҳокимини тездан бу ердан қувиб юборишларини буюрди. Хору абгор бўлган Муҳаммад Миракни учинчи фалокат кутиб турарди: аҳволни кўрган

¹ Дарай Ниҳон — Ҳисор тоғи чўққисига жойлашган дара. Дарвоз — Хутталон шарқидаги мавзе номи.

хос навкарлару ғуломлари ҳамроҳлик ва ҳамрозлик ҳаққига риоя қилмай уни бир-бир ташлаб кета бошладилар. Ёнида уч-тўрттагина мулозимлари қолди холос...

Танг вазиятни кузатиб турган Тармочук, гарчи унга Тўхтамишхон, ўша ерда бирга бўласен, Самарқандда кўришгаймиз, деб тайинлаган бўлса ҳам, тезроқ кетиш ҳаракатига тушиб қолди.

— Мен... ҳоқоним ёнларида бўлишим керак, амирим... Менсиз ҳоқоним қийналиб қомайма?.. Бу менга каттиқ айб бўмайма?.. Тез жўнашим керак...

— Кетмасангиз яхши бўларди... — деди мўлтираб Хутталон ҳокими.

— Йўқ....

Тармочук қайтиб бориши зарурлигини, бу ерларда узоқ қолиб кетганини, шунинг учун бўлса керак, кеча Тўхтамишхон тушига кириб қолганини ва унга хафа бўлиб, бир оғиз ҳам гапирмаганини айтиб, кўзларига ёш олди.

Тармочук жўнаб кетганда Муҳаммад Миракнинг бир ёни ўпирилгандай бўлди, чунки битта таянчидан айрилган эди.

IV

Амирзодалар Ҳисор тоғигача қувиб келишгач, изни йўқотиб қўйдилар. Кейин нафас ростлаш мақсадида, Хутталонга қайтдилар ва Дараи Қипчоқ Саройдаги¹ Муҳаммад Миракнинг данғиллама кўшқига келиб тушдилар. Умаршайх Мирзо бир неча кунни фароғатда ўтказди, аммо қулоғи Муҳаммад Миракни ҳар томонга излаб кетган чапдаст йигитларда бўлди. Уларнинг ичида, роҳату ҳузурда ўлтиришни ўзига номуносиб билган, вақтни ўтказмай тўнгмўйин Хутталон ҳокимини тутиб келишни кўнглига туккан Амир Сулаймоншоҳ ҳам бор эди.

Ўн кунлар чамаси ўтса ҳамки, бирон-бир ердан: «Хутталон ҳокими Муҳаммад Мирак тутилди!..» ёки «...Қўлга олинди!..» деган хабар келмасди.

Амир Сулаймоншоҳ Хутталондаги Уқбаи Бута довоидан ўтганидан кейин бир булоққа дуч келди. Одам қадами етмаган файзиёб бокира жойлар экан. Атроф

¹ Дараи Қипчоқ Сарой — Хутталондаги хушманзара мавзе номи.

борлик жуда фусункор, жаннат пучмоғини эслатади. Амирзода дунёда шунақа кўркам жойлар борлигини кўриб хайрон қолди. Пастдаги дара томондан турфа хил қушларнинг ёқимли хонишлари эшитилади. Яна ҳам пастроқда шошқин сойнинг суви офтобда ялтираб кўринади... Мулозимларга муздай сувдан тотиб, ўтириб бир оз хордиқ чиқаришга ижозат берилди. Хориб-чарчаб ташна бўлган навкарлар ётиб булоқдан сув ичар эдилар.

Иттифоқо, Амир Сулаймоншоҳ булоққа келган от изларини кўриб қолди. «Биздан олдин ҳам бу ерларга кимлардир келган экан-да...» — хаёлидан кечирди Амир Сулаймоншоҳ... Изларни кўздан қочирмай, бир неча пушта ошиб борган эди, сал пастқамликда катта арча тагида... тўрт киши даврасида Муҳаммад Миракнинг ёйилиб ўтирганини кўриб қолса бўладими! Валлоҳи аълам! Хутталон ҳокими, гўё барча ишлари аъло, ташвиши йўқ одамдек беғам, бепарво ёнидагиларга нималарнидир завқ-шавқ билан сўзларди. Гоҳ-гоҳ эллик қадамлар нарида ўтлаётган отларнинг пишқиришлари кулоққа чалинарди.

Амир Сулаймоншоҳ мулозимларига шовқин қилмасликни тайинлади, аввал ими-жимиди уларнинг отларини тутмоқчи бўлдилар. Аммо бир от қаттиқ кишнаб юбориб ишнинг белига тепай деди, Муҳаммад Мираклар хавф келганини сезиб қуроқларига ёпишдилар. Хайриятки, улар атрофини кўпчилик ўраб олганидан бари чорасиз қолиб қўлга тушди...

Муҳаммад Мирак ҳар қанча уринса ҳам, сўз қотса ҳам, унга жавоб бермадилар.

Мухолифатчиларни бошларига қоп кийдириб ўз отларига миндириб Дараи Қипчоқ Саройга Умаршайх Мирзо хузурига етказганларида бошқа ёқларга кетган навкарлар душмандан ҳеч қандай хабар топмай қайтиб келиб туришган экан. Муҳаммад Миракнинг зориллаб, мени Амирзода Умаршайхга айтадиган гапим бор, у мени қутқариб қолади, кейин пушаймон ейсизлар, дейишларига ҳам қарашмади. Улуғ амирзоданинг ғазоби шу қадар оловланиб кетдики, сабр-тоқат қилмай дарҳол хоину сотқин Хутталон ҳокими ва шерикларини ясоққа етказишни буюрди:

— Жаҳон аҳли билсун, барча бадбахтларга панд бўлсунки, кимки валинеъматини билан ғанимликка борғай,

неъмат ҳаққини сақламағай, шундай қисматга дучор бўлмоғи муқаррардур!!!

— Куфрони неъматнинг оқибати ҳамиша бошга бало келтиришидан бутун олам яна бир бор огоҳ бўлди... — деди Амир Сулаймоншоҳ ҳам.

V

Айни шу паллаларда Хоразм бешинчи қатла забт этилиб, тамом элини Самарқандга кўчириш ҳақида фармон берилган, ҳамма кўчиш тараддудига эди. Муҳаммад Миранинг қатл этилганлиги ҳақидаги хабарни етказганларида, соҳибкирон бунга афсус билдирди: «Умаршайх Мирзо бир оз шошилибдилар... Ўттизни ортда қолдирди-ю, ҳали ҳам шошилади. Куёвни кимлар фитнага бошлаганини билмак лозим эди. Ҳамма сирни гўрига олиб кетди...»

От бошини вайрон бўлган Гурганжга бурдилар. Аъёнлар ўн қадамлар орқада жим келишарди. Муртазойи аъзам Шайх Нажмиддин Кубро мақбарасини тавоф этдилар, Қуръон туширилди.

Соҳибкирон сўник бир руҳда атрофга, узоқларга қаради, қаради-ю қалбини пушаймонлик ҳисси чулғади. Ана, Нажмиддин Кубро, Султон Такаш, Фахриддин Розий, Тўрабека хоним мақбаралари. Нарирокда соҳибкироннинг бундан ўн йил олдин ўз хоссаи шарифи учун қурдирган саройи ... Қутлуғ Темур минораси эса мағрур кўкка бўй чўзган.. Атроф узоқ-яқинда бузилган уйлар, йиқилган томлар кўзга ташланади. Кунчиқишда йирокда бир мўридан тутун ҳам чиқиб турибди.

«Наҳотки Гурганжни вайронага айлантирамен, деган бўлсам?.. Бундай истак ахир менда йўқ эди-ку!...» — алам билан деди ўзига-ўзи Амир Темур...

— Мавлоно Убайд жаноблари!

— Қулоғим сизда, Амир соҳибкирон! — Хос мунший бошқалардан ажраб соҳибкиронга яқинлашди.

— Тарих китобига ушбу номақбул ишларни очиқойдин ёзиб қўйингизким, келажак авлодлар билсунлар! Ҳали, пайтлар келиб, Амир Темур гуриллаб турган шаҳарни буздирди, деб тош отгувчилар ҳам топиладур...

Соҳибкирон жим қолди.

— Подшоҳ сиёсат қилмагунча вилоят тузалмайду, Амир соҳибкирон... — ўзини туюлмамай сўзга қўшилди

Амир Сайфиддин некўз. — Подшоҳлик талаби бу. Сиёсат учун қилинди...

— Афсуски, сиёсат учун қилинди... Сиёсат учун, ха... Аммо Аллоҳнинг ўзи кўриб турибди, чунон уриндимки, шундоқ жанг бўлмасун, деб... Неча бор элчилар юбордим, фитналарга ўралиб қолгон хоразмшоҳ Юсуф Сўфига, қудамизга хамиша дўст қўлини узатишга шай турдим, узатдим... Аммо узатган қўлим ҳавода муаллақ қолди... Кейин ҳам юртни ўзларига бердим. Фитналари тинмади, фитна устига фитна, босқин ... Сулаймон Сўфи оқил йигитлардан эди, сиёсатимизни тўғри англаб иш юритишига умид боғлағон эрдим, уни ҳам йўлдан урдилар. На чора... гуноҳлари ўз бўйнида... Афсус, шаҳар хароб бўлди...

Амир Темур мағриб томонга тикилди. Орага жимлик тушганидан фойдаланиб, Мироншоҳ Мирзо қўллари кўксида сўз қотишга журъат этди:

— Валинеъмат падари бузрукворимиз!.. Азият чекмасунлар! Ўзларининг ниятлари хамиша қурмок, бунёд этмокдан иборатдур, Аллоҳга шукур!..

— Хамиша бизларга бунёд этмоқликдан сабоқ берардилар... — сўзга кўшилди Амир Шоҳмалик.

Амир Сайфиддин некўз уларга: «Балли!» дегандай кўз қирини ташлади-да, деди:

— Амир соҳибқирон! Қурамен, деган одам уйни бузса, яхшироқ қуриш учун бузадур. Ўзлари Гурганжни бундан ҳам яхшироқ бунёд этиш учун буздирдилар холос...

Амир Темур ялт этиб Амир Сайфиддин некўзга қаради:

— Бешак-шубҳа янгидан бино қилдургаймен!.. Хоразм, иншооллох, салтанатимнинг гўзал шаҳарларидан бири бўлғувсидур!..

— Шижоатларига офарин!

— Илоҳо, ниятингизга етингиз! — қабилида соҳибқирон сўзларини маъқуллар эди амирлар.

— Янги шаҳар бўладур, Амир соҳибқирон! Барини китобда қайд айлагаймен! — қўл қовуштирди Мавлоно Убайд ...

...Умаршайх Мирзо Хоразмдан музаффарона қайтиб келган Амир Темур Кўрагонни тавоф айлагани Самарқандга отланди. Йўлда борар экан, Самарқандда Абулфатҳнинг қатл этилганлиги хабарини эшитди.

Хоразм сафаридан зафар билан қайтган соҳибқиронни зиёрат этгани салтанатнинг турли мавзеларидан амирзодалар, оқалар ва бегимлар тўпландилар. Султон Бахт бегим аллақачон пойтахтда эди.

— Аллоҳдан тилаб сенга «Султон Бахт бегим» деб от қўйғондим... Афсус, Султон Бахтсиз бегим бўлдинг-да, қизим... Бир бадбахтга раво кўриб хато қилдим... Хато қилдим... Аттанг деймен, аммо энди фойдаси йўқ...

Амир Темур қизининг бошини силаб манглайдан ўпаркан, узоқ вақт бағридан қўйиб юбормади.

— Майли, кўнглингни чўқтирма, қизалоғим...

Шўрликкина Султон Бахт бегимнинг кўзларида беҳол ёш айланди...

ЙИГИРМА ИККИНЧИ БОБ

I

Милодий 1390 йилнинг киши жуда ҳам совуқ келди. Яқин ўртада мардум бундай совуқни кўрмаганди. Аммо Самарқандда эканликларида об-ҳавонинг тез кунларда бунчалар ўзгариб кетишини, албатта, соҳибқирон тасаввур этмаганди. Қишни Тошкентда ўтказишга қарор қилинди.

Қаҳратон қиш бошланиб-бошланмай узоқ йўлга отла-нишнинг сабаби бор эди. Йўқ эса, Боғи Чинордами, Боғи Беҳиштда меҳмонхонада гупиллатиб ёғаётган қорни деразадан кузатиб, Сароймулкхоним, Туман оқа ёки суюмли кичик малика Чўлпон Мулк хонимлар билан шакарғуфторлик айлаб ўлтиришга не етсин эди...

Аслида бунинг тарихи узоқ.

Шу йил ёзининг куёш чарақлаб турган кунларидан бирида Хашка суйи¹ бўйидаги Оқёр мавзеида курултой чақирилди. Мамлакатнинг турли бурчакларига: «Ҳар вилоятга музофотдан тумоноту хазорижот беклари, доруға-ю оқсоқоллар Оқёрда хозир бўлсунлар!» деган фармон юборилди.

Кўм-кўк майсалар билан копланган майдонда ҳар тарафдан вакил бўлиб келган турку тожикнинг олий мар-

¹ *Хашка суйи* — яъни Кашкадарё.

табали азамат эрлари майдонталаб пахлавонлардай қурултой бошланишини кутиб гуррас-гуррас юрар эдилар. Тепалиқдаги маҳобатли саропарда олдида олтин тахт Амир Темур пойи қадамига мунтазир... Тахтнинг икки ёнида сарой аъёнларига мўлжалланган гулдор тўшаклар кўзни олғудай бўлиб ловуллаб ёнади. Кунчиқишда узоқларда қорли тоғлар Аллохнинг қудратига тан берган ҳолда таъзимда бир жойда қотиб турардилар...

Амир Темур саропардадан кўринганда сарой аъёнлари аллақачон тахтнинг икки ёнидаги ярим ой шаклида солинган тўшакларда ўлтиришарди. Чап томонда пири муршид Мир Саййид Барака, Умаршайх Мирзо, Мухаммад Чуроға додхоҳ, Амир Мусо, Амир Довуд дуғлат, Шайх Нуриддин баҳодир ва бошқалар кўр тўкишган. Ўнг томонда Султон Маҳмуд ибн Суюрғатмишхон, Амир Сайфиддин некўз, Амир Сулаймоншоҳ, Жаҳоншоҳ ибн Жоку, Амир Шохмалик, Мирзо Алибек ва бошқалар кўринишади... Улар қаторида Тўхтамишхоннинг муҳолифлари Жўжи улусининг номдор валламатлари Темур Қутлуғ ўғлон, Кунча ўғлон ва амир Идикулар ҳам ўтиришибди. Амир Идику соҳибқиронга, Тўхтамишхон саройида ҳамиша жонини ховучлаб яшаганини, ҳокондан ҳеч яхшилиқ келмаслигини, унинг қўлида бир кунмас бир кун ўлиб кетишини ҳис қилганидан кўрқиб қочиб келганини, айниқса, Довдирсой воқеасидан кейин, у аниқ Амир Темур томонга ўтишга қарор берганини билдирди ва соҳибқиронни кўп нарсалардан огоҳ этди.

Даставвал, Мир Саййид Бараканинг залворли овози майдон узра янгради. Пири муршид Куръон туширгач, Аллоҳ шаънига, расули акрам ҳақиға, чорёрлар ёдига ҳамду санолар келтирди; жумла мўъминлар қаторида Абулмансур Абулмузаффар соҳибқирони комкор Амир Темур Кўрагон ҳазрати олийлари салтанатини бардавом айлашини, азиз жонларини ўз паноҳида асрашини сидқидил парвардигордан тилади. Куръоннинг сеҳрли қаломлари, юрак тубидан олиб айтилган тилак-дуолар майдонни тўлдириб ўлтирган мардлар кўнглини кўтариб юборди. Қурултой жиловини Турон хони Суюрғатмишхон вафот этгандан сўнг унинг ҳаққиға риюя этиб хон қилиб кўтарилган ўғли Султон Маҳмуд қўлиға олди.

Қурултойда асосан Амир Темур гапирди. Соҳибқироннинг нутқи ўтган уч-тўрт йилдаги ишлар сарҳисоби-

га ўхшаб кетди. У гапирар экан, айна пайтда кўнгил пардаси ортидаги воқеалар ҳам кўз олдидан бир-бир ўтарди.

— Эй ахли қурултой! — сўз бошлади соҳибқирон. — Ўтган йили Тўхтамишхон кўшини Саброн ёқларда изғиб қолди. Кўшин манглайи Хўжанд суйидан ўтиб Зарнуққа¹ етди деган хабар келди. Буни эшитиб ким уйида тинч ётаркин?.. Дархол йўл тадорикини кўришга киришилди. Амир Сайфиддин некўз бошлиқ нўёнлар ва амирлар тиз чўкишиб, бир оз сабр этишларини, чор атрофдан кўшинлар жам бўлиб олишлари, хавонинг ҳам сал юмшаши лозимлигини айтишиб бизга маслаҳатлар бердилар... Буни албатта асло кутмаган эрдим... Ўшанда ҳам киш эди, қақиб оладиган совуқ шиддатларни кирқарди...

Ўшанда соҳибқироннинг кўнглига ногаҳонда, амирларим жангга боришдан чўчишмоқда, ўз жонларининг хузурини ўйлашмоқда, шундан бир оз тўхтаб турайлик, дейишяпти, деган нохуш фикр келди. Унинг кўнгилга энг оғир оладиган нарсаси — душманнинг юртга бостириб кириб эмин-эркин бошбошдоқликлар қилиб юриши эди. Бунга у ҳеч чидай олмас, эшитган заҳоти тунни тун демай, кунни кун демай, иссиқ-совуққа қарамай тезда фалокатни бартараф этишга ошиқарди. Фазаб томирлари кўзғолса-да, аранг ўзини босди ва деди:

— «Ат-таъхиру фил-офат» деган арабча мақол бор. Кеч қолмоқ офатдур, дегани бўлади. Оқил киши ҳеч қачон бугунги ишни эртага қолдирмайди. Эрта ўз ишини ўзи билан бирга олиб келади. Бир қудратли подшоҳ қандоқ хор бўлгани ҳақида эшитмаганмидингиз?.. Ундан шундай аҳвол сабабини сўраганларида: «Уч одатининг касофати тегди, — дебди. — Энг аввал, донишмандлар панд-насихатларига қулоқ солмадим; кейин, нафсим нима нарсагаки голиб келиб кўнглим рағбат кўргизса ўша ишни қилдим ва учинчиси, бу кунги ишни эртага қолдирдим...»

Фурсатни ўтказмай кишининг ўртасидаёқ салтанат кўшини Тўхтамишхон сари отланди. Тўхтамишхон Ясси шаҳридан ўтиб саҳро қўйнига чекинди, соҳибқирон келаётганини эшитиб, Дашти Қипчоқ ичкарасига қараб

¹ Зарнуқ — Арис дарёсининг Сирдарёга қуйиладиган жойида, чап томондаги мавзе номи. Хўжанд суйи — Сирдарё.

жуфтакни ростлаб қолди. Хумоюн ўрдудан, Умаршайх Мирзо ўз чериги билан душман кетидан борсин, деган олий фармон бўлди, соҳибқироннинг ўзи Оқсув¹ мавзеига қараб йўналди. Амирзода чериги Сарик Узан мавзеида душман қоровулига етганда ҳамма ҳар ёққа қочган, ёғий манзилида ҳеч ким йўқ эди...

Соҳибқирон Умаршайх Мирзоларнинг тил ҳам тута олмай қайтганларидан ранжиб турганди, Хуросондан келган хабар уни бадтар ғазаблантирди. Ҳожибек Жоникурбоний билан сарбадорлар яхши кенгашларга қулоқ солмай Калот ва Тус черикларини жам қилиб ёғийлик туғини баланд кўтарибдилар...

— Зудлик билан Хуросонга борсунлар, амирзодам! — буюрди Амир Темур Мироншоҳ Мирзога. — Фитналар ўтини дарҳол ўчирмак даркор!.. Зинҳор аланга олишига йўл қўймангиз! Шафқат қилинмасун! Шу лаҳзадаёқ йўлга чиқилсун!

Соҳибқирон душманларга нисбатан гапираётиб, биринчи марта «Шафқат қилинмасун!» деган сўзларни айтиб юборганига ҳайрон қолди. Демак, китоб ва тарозилар иш бермади, энди навбат темирга етди... Яна қиличга...

Амир Темур барини умумий вазиятни яна бир назардан ўтказиш ниятида эслаб ўтди. Соҳибқироннинг аччиқ-аччиқ гаплари қурултой аҳлини чуқур ўйларга толдирди. Амирлар ва нўёнлар ҳар ким ўз ичидан ўтганини ўзи билиб, индамай тинглардилар.

Хашка суйи шовуллаб оқарди.

Кейин эшитишича, ўшанда амирлару беклар даврасида ҳам шу ҳақда сўз кетган экан.

— Фикримча, — дебди залворли қилиб Шайх Нуриддин баҳодир. — Совутмасдан шартта Тўхтамишхон кейинидан от суришимиз керак...

— Бунга ўйлаб кўриш лозим... — сўзга қўшилибди Амир Шохмалик. — Ўйлаб кўриш керак...

— Нимасини ўйлайди?.. — Шайх Нуриддин баҳодирнинг гаши келгани билиниб қолибди. — Нимасини ўйлайди? Ашаддий душманми — йўқ қилиш керак, вассалом! Демак, бориш керак! Тез бориш керак!..

— Бориш керак, баҳодир! Фақат аввал Туғлуқ Темурхоннинг ўғли Хизр Хожа ўғлонни бартараф этиб,

¹ Оқсув — Бишкек ғарбида жойлашган мавзе, ҳозирги номи Беловодское.

кейин бориш керак! — муносабат билдирибди босиқ Амир Шохмалик.

— Хизр Хожа ўғлон?.. — ясси бурнини жийирганча суҳбатдошига тикилибди Шайх Нуриддин баходир. — Эс-хушингиз жойидами, амирим?.. Тўхтамишхон ҳақида сўз кетяпти, адашмангиз! Хизр Хожа ўғлон эса Олмалиғда...

Охири нима билан тугаши номаълум бундай муноқашаларни ҳамиша ўз вақтида бартараф этиш тарафдори бўлган Амир Сайфиддин некўз, аралашимиз керак шекилли, дегандай Мухаммад Чуроға додхоҳга бир қараб қўйибди...

— Адашаётганим йўқ!.. Хизр Хожа ўғлон мўғул кавмининг хони, яқиндаги улур душманлардан бири... — кесатикни сезмагандай давом этибди Амир Шохмалик. — Вазиятни англамак лозимдурки, идрок билан қаралса, ҳозир бу душманни бир ёқли қилиб, кейин Тўхтамишхонга борилса мақбул бўлармиди...

Шайх Нуриддин баходирнинг жаҳли чиқиб кетибди:

— Демак... сиз идрок билан қарадингиз... Биз эса қарамадик... Сиз вазиятни англадингиз, биз англамадик...

Амир Шохмалик Шайх Нуриддин баходирнинг доим унга қандайдир ғараз билан қараб юришини сезиб юрар экан. Унинг устига, бир жойда амир одамлар ўртасида баходир билан мўғул қизи воқеасини кулиб-кулиб айтиб берган экан, буни эшитган Шайх Нуриддин дарғазаб бўлибди. Шундан бери баходир амирни ўзига рақибу душман билиб, пайтини топиб орани очиқ қилиб олмоқчи бўлиб юрармиш.

— Ўйлаб кўриш керак, дедим холос... — катта-катта кўзларини тикиб хотиржам жавоб қилибди Амир Шохмалик...

— Демак, сиз ўйлаб кўрдингиз, биз эса ўйламадик... — қисик кўзлари бадтар қисилиб қарабди Шайх Нуриддин баходир... — Бизнинг ақлимиз йўқ, ўйламай иш қиламиз...

Худо билади, баҳс нима билан тугарди экан, аммо шу палла ҳумоюн ўрдудан олий фармон етибди:

«Барча черик жам этилсун!.. Баходур ва беклар Мўғулистонга отлансунлар, ҳар ерда мўғул қолғон бўлса, мусаххар айлаб қайтсунлар!..»

Ҳамма Амир Шохмаликка қарабди! Шайх Нуриддин баходир эса аламда ерга тикилганча қолибди...

...Ўшанда Амир Темур Хизр Хожа ўғлон томонга кўшин жўнатишга қарор қилди. Бу тўғри қадам эди. Соҳибқирон кўшини эса душман лашкарини кўп ҳисоблаб танг аҳволда онт ичиб сулҳ тузишга мажбур бўлибдилар... Шу нохуш ҳодисани ўз бошларидан кечирган Амир Сулаймоншоҳ, Жаҳоншоҳ ибн Жоку ва Шайх Нуриддин баҳодирлар қаттиқ дашномда қолдилар.

Амирларининг тутумидан соҳибқирон ғазаб отига минди! Ҳай-ҳайга ҳам қарамай, амиру баҳодирлар юзига тарсаки тортгандай, ўзи черик бошида Хизр Хожа ўғлон кейинидан тушди ва илғор юриб Самарқанддан икки ойлик йўл масофадаги Юлдуз¹ водийсигача от суриб борди. Муҳолифларни саҳро ва тоғларда ҳам тинч қўймай додини бердилар. Сон-саноксиз молу қўй, тева-ю от, соҳибжамол қизлар ва хотинлар ўлжага тушди. Ҳумоюн ўрдудан, бари черикка улашиб чиқилсун, тақсим этилсун, деган фармон содир бўлди. Қўрқинчдан мўғуллар қочиб қаён боришини билмас эдилар...

Мўғул қавмининг оти чиққан аъёнларидан Ҳожибекнинг ўн етти ёшли ҳурилиқо қизи Чўлпон Мулк оқани кўрсатганларида, замоннинг тескарилиги, душманлар кирдикори, амирлар ношудлигидан соҳибқироннинг тошга айлана бошлаган кўнгли юмшаб, фавқулодда нур ингандай бўлди, кўзлари гўзал малакнинг ойдай жамолидан ёришди... Ҳожибек мўғулнинг қизи, қиз эмас, бир ба-лоий офат парипайкар эди! Азал наққоши беармон сайқал берган бу дурри яктога қараганнинг, шубҳасиз, ҳайратдан ёқа тутмай иложи қолмасди. Нақшин олмадай юзлари нигоҳни ўзига тортиб олади, қийик кўзлари жозибали боқади... Самарқандга қайтгач, соҳибқирон қизни ўз ақди никоҳига олди ва шабистонига маҳрам этди, юрт олдида дастурхон ёзди, ош берди. Бу қутлуғ издиҳомга куёви ўлиб тул қолган Султон Бахт бегим билан Амир Сулаймоншоҳнинг тўйлари уланиб кетди...

Сирасини айтганда, торинадиган ишлар юз бераётирда... Бу қандай гап ўзи?.. Тўхтамишхон силлиққина кўлдан чиқиб кетди. Энди бузғунчиликларини тағин давом этдиради. Хуросонда бўлса бошқа тескаричилар ҳамон ёмонлик ниятларидан кеча олмайдулар... Давлат бошига келганига салкам йигирма йил бўлаётир, наҳотки

¹ Шаркий Туркистондаги мавзе номи.

улкан жаҳоний салтанат курмак, Аллоҳ буюрган бу салтанатда тинчлик, дориломонлик пайдо қилмак, одамларни бахтли этмак ўрнига, ана бу амир фитнасини барта раф айлаш керак, мана бу бузғунчини қувиш зарур қабилдаги майда-чуйда юмушлар билангина банд бўлиб юрaversа?.. Мехру шафқат, ҳиммат деб Хоразмда бўлганидай бир ишга беш марта уринишнинг нима зарурати бор? Жетага-чи?.. Жетага ҳам тўрт-беш бор юриш қилинди. На Қамариддинни тутди, на Анқо Тўрани! Ҳамон улар тоғлардаги эркин такадай тошдан тошга сакраб юришибди... Шундай ҳолнинг юз бергани учун соҳибқирон ўзини ўзи кечиролмайди...

Мана яна қурултойга тўпланиб турилибди. Энди Дашти Қипчоққа Тўхтамишхон изидан бориш керак! Сабаби, Олтин Ўрда хони билан орани очик қилмай туриб, ўз ниятларига эришмаги мушкуллиги аён бўлиб қолди. Тўхтамишхоннинг дўст бўлишига асло ишонч йўқ энди. Тамом! Олтин Ўрдани эгаллаб, қувватини кесиш, катта шаҳарларини яқин-ўртада тикланмайдиган қилиб бузиш, харобага айлантириш, оқибатда Чингизхон сулоласининг сўнгги давлатини ер юзидан супуриб ташлаш даркор!.. Йўқ эса, Турон салтанатига тинчлик йўқ!.. Соҳибқирон буни аниқ билади.

— Мухтарам қурултой аҳли! — давом этди Амир Темур тизгинсиз хаёлларини бўлиб. — Халлоқи безаволга салламноки, зиммамизга юклагон ишини адо этмакка бел боғлағондурбиз... Ҳақ таоло фақирга Куръони каримни ўқумак ва фақиру мискин ғамини емак, олам аҳлини бахтли қилмакдан ўзга ташвишни юкламағондур... Бас, тутингон ўғлимиз Тўхтамишхон оёғини адолат майдонидан четга қўйди, мардум унинг ёмон феълидан озурда... Кечиримлилик йўлидан боргондик... Ҳимматимиздан баланд мартаба-ю олий мақомларга етишмиш эрди, ана энди кўрингизки, тарбият ҳаққини эсидан чиқариб нопок ишларга қўл урибдур. Уни бошимизда тутгон эрдик, бошини қаерга қўйишни билмай қолибдур... Гарданини совутиб қўйиш зарурати туғилмакда...

Шу палла борлиқ атрофда ажиб бир сукунат ҳукм сураб эдики, Муҳаммад Чуроға додхоҳ назарида, шабада ҳам елмас, тепада қушлар ҳам учмас, узоқдаги қорли тоғлар ҳам жим тинглар, осмон ҳам диққат билан қулоқ солар, ҳатто қурултой бошланишидан олдин шовуллаб

окиб турган Хашка суйи ҳам тўхтаб қолгандай сокин эди.

Мир Сайид Барака Амир Темурга шундай сўзларни айтиш баёят оғир ва нохуш эканлигини тушунар, (ахир Тўхтамишхон унинг тутинган ўғли!) аини пайтда ичида уни қўллаб-қувватларди. Бундай кадамни аввалроқ ташлаш лозим эди!

Пири муршид шу палла Тўхтамиш ўрлоннинг илк бор Кўксаройда кўрганини эслади. Ушанда подшоҳзодага боқаркан, беихтиёр кўнглига қандайдир ёқимсиз нарса сояси кириб қолгандай бўлганди. Кейин раҳматли Суюрғатмишхон ҳам оқ банот тўн кийган соҳибқироннинг қора чакмонга ўралган Тўхтамиш ўрлон билан кучоқлашиб кўришганини, бу нарса унга худди Амир Темур кўйнига қора илон кириб олгандай туюлганини алам-ла айтиб берган эди... Ҳа-ха, қора илон эмас, аждаҳо! Юҳо демак мумкин!

— Бас, черик жам этилсун! Ҳар вилоятдин тумонот ва ҳазорижот беклари лашкарларини йиғсунлар! Ҳар бекнинг қўлида қанча навкар борлигини, неча кишини отлантира олишини муфассал¹ қилиш ва маълумотни бахшилару тавачиларга топшириш лозимлиги айтилсун! Агар бирон бек муфассал қилинган кишиларини черик қуни ҳозир этмаса, гуноҳи ўз бўйнида бўлиши уқтирилсун!.. Яқин фурсатда, иншоллоҳ, Дашти Қипчоқ сори мутаважжих бўлғоймиз!

- Мутаважжих бўлғоймиз!
- Мутаважжих бўлғоймиз!
- Мутаважжих бўлғоймиз!..

Ҳайқириқ овозлари борликни тутди... Сафар қилиш — барчанинг назарида, турфа ўлжа, мол-дунё, гўзал чўрилар дегани эди, буни ҳамма яхши тушунарди. Қийқириқлар орасида эллик-олтмиш кадамлар нарида қозиқлардаги отларнинг кишнашлари ҳам эшитилиб қоларди.

Муҳаммад Чуроға додхоҳ қараса, Хашка суйи шовуллаб окмоқда, қушлар тепада гужғон ўйнамоқда, тоғ тарафдан майин шабада эсмоқда, осмонда паға-паға ок булутлар кезиб юрибди...

Қурултой тугагандан сўнг, амирлар ва баҳодирлар, барча вакиллар нималарнидир ўзаро муҳокама қили-

¹ *Муфассал қилмоқ* — яъни аниқ рўйхатга олмоқ.

шар экан, аллақандай таважжухда дарё бўйида ёзилган башанг дастурхонга йўналдилар...

Уч ой Дашти Қипчоқ юришига тайёрланиш билан ўтди...

II

Шу орада соҳибқирон кўнглини эзган бир ҳодиса рўй берди.

Кўксарой сайисхонаси мирохури бир куни, ҳумоюн ўрдуга келиб: «Амир соҳибқиронга сўзи бор»лигини айтиб, киришга ижозат сўради.

— Амир соҳибқирон, бир қошиқ қонимдан кечасиз... — деди таъзим бажо келтириб мирохур, у ўттиз бешлардаги боши катта, йирик одам эди. — Сахар қарасам, дарвоза олдида... Хонўғлон турибди!..

— Хонўғлон?!.

Амир Сайфиддин некўз билан бўлажак савашишлар ҳақида сўзлашишиб ўтирган Амир Темур чакмоқ чакқандай ялт этиб мирохурга қаради ва тахтдан туриб кетганини билмай қолди.

— Хонўғлон дейсанму?.. Бўз тулпор?!. Тўхтамишхондаги от?!. Қаердан келибди?..

Мирохур яна таъзим қилди:

— Қочиб келибди шекилли... Жуда абгор бўлғон...

Соҳибқирон бошқа ҳеч нарса сўрамади. У тезрок суюкли отини кўришни истарди. Шу захотиёқ улар мирохурни олиб сайисхонага жўнадилар.

Сайисхона ҳовлисига кирганларида соҳибқироннинг кўзи боши теракка қаратиб боғлаб қўйилган Хонўғлонга гушди-ю вужуди титраб кетди. Воҳ-воҳ!.. Бир пайтдаги гижинглаган сулув тулпордан асар ҳам йўқ,... Рўпарада азоб-укубатларда қаровсиз қолган, ориқлаб кетган, қовурғалари туртиб чиққан бошқа бир от турарди... Чап биқинида аллақандай йиртқичнинг чуқур ботган тиш излари ҳали битмаган, ўнг оёғи тиззасида каттагина жароҳат кўринади. Бошини ерга экканча, худди қарашга ботинмагандай алпозда турган от бирдан соҳибқирон нафасини сездимми, шарт қайрилди! Амир Темурнинг бағри узилгандай бўлди: Хонўғлоннинг бир кўзи ... йўқ эди!

— Бечора жонивор!.. Бечора жонивор!.. — деёлди холос Амир Темур.

Хонўғлон Довдирсойдан қочганча чўлу маликлардан ўтиб, адирлар ошиб, ўр-қир кезиб Самарқандга қандай етиб келганини Аллоҳдан ўзга ҳеч ким билмасди. Ақлли от пана-пастқам йўлларни танлаб келган бўлса керак, албатта.... Йўлларда адашгандир. Кимдир, бир бўз отнинг Самарқанддан беш фарсах масофадаги Қангли қишлоғига яқин ерда итлар орасида қолганини кўрганмиш, дейишди. От итлар ҳалқасини ёриб чиқиб кетганмиш. Ўша, Хонўғлонми ёки бошқа отми, буни айтиш қийин. Ҳар қалай, тулпор олдинги оёғидан қаттиқ ярадор бўлганди. Тўхтамишхон урган қамчи зарби шунчалар кучли эдики, йўлдаёқ Хонўғлоннинг чап кўзи оқиб тушди...

Соҳибқирон бориб сеvimли отини силай бошлади. Силар экан, кўзларига тўлиб ёш келди. Отни бўйнидан кучоқлаганча қаттиқ бағрига босди... Беихтиёр ўзини гуноҳкор сизди. Хонўғлонни, тил-забонсиз бегуноҳ махлукни шу кўйларга солган Тўхтамишхон эмас, балки Амир Темурнинг ўзидир. Агар ўшанда меҳри ортиб уни тутинган ўғлига тухфа этиб юбормаганда шундай ҳол юз бермаган бўлармиди.

Ҳа, соҳибқирон ота-боболар удумини унутди. Ахир турклар ҳеч қачон миниб турган отини бировга бермайдилар-ку! Отнинг эгари — салтанатнинг тож-тахти. Лекин подшолар ўртасида мана шундоқ совға-саломлар бериш, ҳадялар қилиш русуми бор. Чунончи, Аббосий халифалардан бири Султон Жалолиддин хоразмшоҳга ҳадялар йўллар экан, эгар-жабдуқлари олтидан, туёқларига қиммати юз динор келарлик ҳалқачалар осилган уққур отни ҳам кўшиб юборганди.

Эҳ, шўрлик тулпор!.. Шўрлик тулпор!.. Шундай бўлишини билганида... билганида... Энди пушаймондан не фойда...

Соҳибқирон ҳамиша отлар ҳақидаги қиссалар эшитишни ёқтирарди. Мавлоно Убайддан кўп ривоятлар тинглаган. Муҳаммад алайҳиссаломни Меърожга олиб чиққан, жаннатдан келтирилган, «кўзи етган жойга оёқ кўя оладиган, илдам» Буроқ деган афсонавий оқ от борасида нақллар бисёр... Искандар Зулқарнайнинг Буцифол номли дулдуди ҳам жуда садоқатли бўлган экан. Искандар Ҳиндистон юришидан қайтаётиб, жанг-жадалларда дўсту ҳамроҳ бўлган асов дўнон отининг суякларини кўриб кетишни истабди. Дулдул ўлган ерга келиб, унинг

бош суягини топтириб кучоқлаб олиб йиғлаган экан... Султон Жалолиддиннинг учкурқанот Самани эса уни Чингизхон аскарларига тутқизмай Синд дарёсидан елдай олиб ўтиб кетибди...

Амир Сайфиддин некўз оҳиста ер тепинаётган Хонўғлоннинг омон қолган ўнг кўзидан ёш томчилари оқаётганини кўрди. Тулпор йиғларди...

Хонўғлон қандай қилиб қочиб келди, нимага, қаердан, — соҳибқирон чунон уринмасин, бу саволлар жавобсиз қолди. Икки кундан кейин мирохур «бир қошиқ қондан кечишини сўраб», вафлатда қолганини, эрталаб турса, Хонўғлоннинг ўлиб ётганини айтиб берди... Хеч ким билмабди. Узоқ йўл юриб ҳориб-чарчаган тулпор азобларга дош беролмаган кўринади... Амир Темур қаттиқ изтиробда қолди. Ҳали ҳануз тулпори Тўхтамишхонда бўлса ҳам қандайдир ўзида тургандек хис қилар, кўнгли тўқ юрарди. У сеvimли отини Чўпонотанинг этагидаги кичик бир тепаликка кўмишларини буюрди...

Куз охирларида, Амир Темур қўшини юришга отланган чоршанба куни пойтахт кўчалари одамлар билан гавжум бўлди. Бир кун олдин салтанат жарчилари, бутун маҳалла-ю гузарларда эртага соҳибқирони комкор Абулмансур Амир Темур Кўрагон жаноби олийлари Дашти Қипчоққа жўнаётганларини эълон қилдилар. Кўксарой олдидан то Боғи Баландгача Тошкент йўли атрофлари авомуннос, кекса-ёш, хотин-халаж, навкарларга ҳавас билан қараётган бола-бақраларга тўлиб кетди. Улар орасида тақяхона бошлиғи паҳлавон сифат Уста Шунқор, Эсон бувалар кўринарди. Аскиячилар Ориқ билан Пақаналарнинг атрофида эса кулгу овозлари эшитиларди. Барча салтанат кўшинини оқ йўл тилаб кузатишга чиққанди.

Икки бола бир-бири билан шундай суҳбатлашишарди:

— Вуй!.. — дерди бири. — Анови навкарни миниб олган отини қара! Зўр экан-а!..

— Зўр-да!

— Катта бўлсам, мен ҳам навкар бўламан! Ана шундай от минаман!..

— Аскар бўлармиш! Шилпиқсан-ку!.. — деди иккинчиси... — Шилпиқларни олишмайди...

— Нима-а?.. — хезланди биринчи бола...

Атрофдан, ўнгу сўлдан олқишлар янграр, уларга яна бошқалари кўшилларди:

- Оқ йўл, Амир соҳибқирон!..
- Ой бориб омон келинглари!..
- Худо ўз паноҳида асрасун!..
- Асрасу-у-ун!..

Сафар узок эди, даставвал маҳобатли сафга айланган отлик аскарлар жўнаб кетдилар, кейинидан улкан масофани эгаллаган пиёдалар оқими пайдо бўлди. Боварчилар¹, оризлар², сартарошлар, қуролсозлар, камонсозлар, оҳангарлар, дурадгорлар, йўлсозлар, карнайчилар, бурғучилар, хуллас, уруш деган ҳаёт-мамонт сахнасида зарур бўлган ҳоказо касб эгалари ҳам бу сафда бор эдилар. Кўчани тўлдириб гуррас-гуррас бораётган сафнинг суръатида дунёларни титратгувчи суронлар яшириниб ётар эди.

Кўшин охирида катта уғруқ йўлга чиқди. Сароймулк-хонимдан то кичик малика Чўлпон Мулк оқагача хонимлар бари жам бўлишган, изма-из эса аскарларнинг оилалари борардилар... Уғруқнинг энг охиридаги совутларга ўралган дубулғалар кийиб олган тўққиз соқчи қораси Чўпонота тепалиги ортидан кўринмай кетганда вақт асраб бориб қолганди.

III

...Тошкент соҳибқиронни худди йўлига оқ поёндоз солгандай оппоқ қор чойшабига бурканган ҳолда кутиб олди. Чилла кириб қолган, замҳарир қиш салтанати борлиқда ўз шукуҳини намойиш қилади.

Соҳибқирон Самарқанд дарбоза кўчасидаги ҳоким қароргоҳида тўхтади. Икки ошёнали уйнинг ҳашаматли меҳмонхонасига жойлашган Амир Темур, черикка Қаросмон мавзеига борилсун ва ўша ерда тегишли фармонни кутилсун, дея тайинлади. Ҳарам аҳли хайхотдай ҳовли этагидаги қатор уйларга йўналди.

Кутилмаганда соҳибқирон ўзини нохуш сеза бошлади. Қачонлардир Сеистондаги жанглardan бирида ўнг оёғига ва ўнг қўлига ўқ тегиб ярадор бўлгандан бери, гарчи жароҳатлар битиб суяк суриб кетган эса-да, вақти-вақти билан сирқираб оғриб туради. Аммо парво қилмайди...

¹ Боварчи — ошпаз маъносида.

² Ориз — кўшинда аскарлару мансабдорларга маош берувчи, хазиначи.

Тездан собиқ хос табиб Намозхўжа Шошийни чақиртирдилар. У шаҳарнинг Кўкча даҳасида турар экан. Машҳур табиб беш йил олдин кексалик палласига кирганини, умрининг колганини бола-чақалар, қариндош-уруғлар олдида ўтказиш истаги борлигини айтиб, минг истиҳола билан соҳибқирондан кетишга ижозат сўраганди...

Хўжандда, Шайх Маслаҳат мазорини тавоф этишга борганларида, — мазор ҳам бир тепалиқда жойлашган экан, — чамаси, тоғ томондан эсган қишнинг совуқ изғирин шамолида соҳибқирондан совуқ ўтиб қолди. Йўлда ҳам билинмади-ю Тошкентга қайтгач, ўша ушук заҳмати сезила бошлади. Ҳар қанча ипак кўрпаларга ўраб қўйсалар ҳам: «Яна кўрпа ташлангиз! Совқотиб кетяпмен!..», дер, бутун аъзои бадани дир-дир қалтирарди. Бошидан оёғигача ҳеч исимайди. «Ушук ебдилар-да... Ушук ўтибди... Парвардигор шифосини берсун! Шифосини берсун!..» дейишарди атрофда парвона бўлиб куймаланиб юрган табиблар... Ташқарида гупиллаб қор ёғарди.

Дори-дармонлар ҳар қалай фойда берди. Соҳибқирон саҳарга борганда сал жони ором олди, шекилли, мизғигандай бўлди. Аслида дарднинг зўридан бемор дармонсизланган, қўл-оёғини қимирлата олмасди. Бесаранжому безовта бўлган ҳарам маликаларидан тортиб фарзандлар, амиру баҳодирларгача барча: «Хайрият!.. Дард кетди! Дард кетди!..» деб турган эдилар, янги ташвиш чиқди. Кечга бориб, соҳибқирон тағин бетоқат бўла бошлади. «Исиб кетяпмен!.. Исиб кетяпмен!..» дер эди энди бемор устидаги кўрпаларни отиб ташларкан. Намозхўжа Шоший соҳибқироннинг кенг пешонасига қўлини қўйганди, худди қизиб турган темирни ушлагандай бўлди! «Ёпирай! Астафзурилло!..», деди хайратда, ҳарорат бағоят юқори эди.

Уч кеча-уч кундуз беморнинг аҳволи ўзгармади. Бедаво иситма уни қаттиқ исканжасига олган, ўзини билмай ётарди. Табиатан дардга оғир соҳибқирон иситманинг зўридан «Ох!..» деб юборар, алахсирар, ухлаб-ухламаганини ҳам билмасди. Турфа хил ўйлар уни қамраб келар, на уларни идрок қилишга қувват бор эди унда, на ўзидан нарига ҳайдашга... Гоҳида кўзи илиниб, рўёлар уммонига тушиб қоларди. Лекин тушини ҳеч туш деб ўйламас, кўраётганида улар рўйи рост ҳақиқат бўлиб туюларди...

Бирдан ўлим ҳақидаги фикрлар Амир Темур мияси-

ни чулғаб олди. Вафот этса... салтанатини ким бошқаради? Жаҳонгир Мирзо оламдан ўтиб кетди... Ўғиллардан қай бири энди валиахдликка муносиб, қай бирига салтанатни ишониб топширади?.. Қай бирига?..

Шундай деб турганда, тушига расулиллох кирибдилар. Аммо ердами, кўкдами, боғдами, тоғдами эсида йўқ эмиш. Расулиллох саллаллоҳи алайҳи васаллам: «Етмиш авлодинг подшолик қиладур, хотиржам бўл!» дебдилар. Дебдилару ғойиб бўлибдилар. Ногаҳон улкан дарахт кўринганмиш. Йирик-йирик япроқлари қуюқ соя ташлармиш, шохлари орасида ҳар хил қушлар чирқиллашиб яйрашармиш, ҳашаротлар ўрмалашармиш, бари дарахт меваларидан нафланармиш... Лекин меваларнинг айримлари ширин, ўзгалари нордон эмиш. Ўзи ҳам тагиб кўрганмиш... Шунда қайдандир ғойибдан сирли овоз эшитилибди:

«Эй соҳибқирон! Дарахт сенинг ўзингдир, шох ва барглари — авлодларинг бўладир. Меваларидан еган қуш ва ҳашаротлар эса неъматингдан баҳраманд бўлаётган халқлардир...»

Кейин туш ўзгариб кетибди... Тушида бепоён саҳро эмиш. Соҳибқирон атрофини ваҳшатли жинлару алвастилар, қобону бўрилар, бадбашара эркаклару аёллар, қушлару қурт-кумурсақалар ўраб олган эмиш. Кейин икки йил аввал оламдан ўтган пири комил Шайх Зайниддин Абубакр Тойбодий пайдо бўлиб қолганмиш... Шайх ўлмаган эмиш. Соҳибқирон дарҳол кўрган тушининг таъбирини сўрабди: «Тушларида аён бўлган даҳшатли махлуқлар — дебди пири комил, — қилғон ёзуқларидур. Узукка боқиб турсунлар... Тезда тавба, тазарру қилиб гуноҳларини ювсунлар!..»

Ниҳоят иситма йўқолди, аммо яна ушук егандай буткул аззои баданини қалтироқ тутди. Бир ҳафталардан кейин соҳибқирон ўзига келгандай бўлди, аммо энди бир пайт жароҳатланган вақти-вақти билан оғриб турадиган ўнг оёғи билан ўнг қўли безовта қила бошлади. Энг даҳшатлиси, беморда хол йўқ, дармонсизликдан қўлини ҳам қўтара олмас даражада эди. «Шунчалар дард берганиннга шукур!..» дея пичирларди Амир Темур мажолсиз шифтга қараб ётаркан.

Шу орада Самарқанддан Мир Саййид Барака етиб келди. Пири муршид муриди, балки мурид эмас, муҳиб, шавкатли баҳодир Абулмансур Амир Темурни ожи-

зу нотавон кўриб ҳеч кўзларига ишонмади. Соҳибқирон озиб қолган, ранглари ҳам заъфарон тусда эди...

— Аллоҳ суйган бандасига дард берадур, Амир соҳибқирон! — деди Мир Саййид Барака оҳиста беморнинг манглайига қўл қўяр экан. — Зинҳор кўнгилларини чўктирмасунлар! Дардини берган шифосини ҳам берадир, иншооллоҳ!

Тағин ташқарида ўн беш кун аввал бўлгандек гупиллаб қор ёғар эди.

...Соҳибқирон қирқ кун деганда беклару уламо, фозилу фузалолар дуолари, маликаларнинг илтижолари мустажоб бўлиб оёққа турди. Кечагина қоронғу ва тор кўринган олам яна ёришиб кенгайиб кетгандай туюлди. Ҳа, Аллоҳ тағин бир синовидан ўтказди. Рубъи маскунга ларза солиб турган қудратли подшоҳга бандаси нечоғлик ожизлигини, бу дунёнинг эса фоний эканлигини яна бир бор эслатиб қўйди-да... Буни англаб етмак керак...

Соҳибқирон Туркистонда донғи чиққан Зангиота авлиёни худди мана шу Самарқанд дарбоза кўчасида тугилган, деб эшитган эди. Ўзи араб наслидан, қоралигидан занги номи билан танилиб кетган, машҳур шайх Арслонбобнинг эвараси ҳисобланади. Ҳазрати Султон Хожа Аҳмад Яссавий қуддиса сирруҳунинг халифаси Ҳаким отага шогирд тушган.

Соҳибқирон Зангиотанинг олийҳиммат инсон бўлганидан Тошкент аҳли «Зангибобо Ҳимматий» деб ҳурматлашларидан ҳам хабардор эди. Подачилик қилиб, ҳалол ризқ топиб кун кечирган авлиё шаҳарнинг кунботиш тарафидан чек олиб боғ-роққа айлантирибди. Зангиота кишлоғи ана шундай пайдо бўлибди...

Дардан фориг бўлиб, қувватга кира бошлаган Амир Темур халлоқи безаволга салламнолар айтиб, мазкур қишлоққа борди ва авлиё қабрини зиёрат этди. Мир Саййид Барака қироат билан Куръон туширди, соҳибқирон егим-есир, бева-бечораларга ўн минг кепакий олтин хайру садақалар улашди.

— Авлиё мозори бошида мақбара қурилсин! — буюрди соҳибқирон Тошкент ҳокимига. — Гўрхона ёнида зиёратхона ва бошқа лозим хоналар бунёд этилсун! Элулуснинг суюб зиёрат этадиган маскани обод этилса бемисл савоб бўлур!.. Гуноҳкор бандамиз, зора бизларга ҳам савобнинг бир учи тегиб қолса...

— Бешак-шубҳа, Амир соҳибқирон! Тегадир, албатта тегадир!.. — мамнун деди пири муршид.

— Биби, ана бу кўрнамак Тўхтамишхон сорифа боришимиз шартдур. Салтанат вазияти ва талаби шунга тақозо этадур... — деди Амир Темур шаҳарга қайтишгач. У Зангиота зиёратидан сўнг руҳан ўзини енгил ҳис қила бошлади.

Улар меҳмонхонада ёлғиз эдилар.

— Бошлари тошдан бўлсун, илоҳо!.. Бир жонларини минг ўтларга урмоқдалар, Амир соҳибқирон! — одатдагидек оҳиста сўзланди Сароймулкхоним, Амир Темурнинг ногирон оёғини уқалар экан. — Аллоҳ ўз паноҳида асрасун!

Маҳди улёнинг мулойим қўлларидан соҳибқироннинг жони ором олар эди.

Тарих милодий етти юз тўқсон учда¹, сафар ойининг ўн иккиси эди, соҳибқирон от бошини Тўхтамишхон сари бурди. Черик яхши куролланган, лашкар аҳли сийланган эди. Кўплар йўрға отларга эга бўлдилар, зардўзи чопонлар кийдилар, ҳамёнлар ҳам динору дирҳамларга тўлди. Кўнгиллар тўқ эди. Амирзода Пирмуҳаммад Жаҳонгир билан Шохруҳ Мирзони мамлакатни идора этишга қолдирар экан, кичик малика Чўлпон Мулк оқадан бошқа барча бегим ва хонимларни Самарқандга қайтишларини буюрди.

...Қаросмонда Тўхтамишхондан элчилар келганлигини маълум қилганларида соҳибқирон ажабланмади. Эртами-кечми шунда ҳол юз беришини биларди. Бу Олтин Ўрда хонининг муҳолифат эълон қилгандан сўнг илк бор расмий элчи юбориши эди. Тўхтамишхон тўққиз от ва бир шунқор тухфа этганди. Элчилар бошлиғи одоб билан ер ўпиш вазифасини адо этди-да, таъзим бажо келтириб, нўёнлар кузатувида ҳоконнинг узр-маъзурларга тўла арзадоштини бундай баён қилди:

— ...Тўхтамишхон ҳазратлари дедиларки, Амир соҳибқирон билан ота-ўғил мақомидадурбиз. Валинеъматнинг ҳимматларига шукроналар келтурсак, ойлар-йиллар етмас... Аммо, бизга билдиришмай, бир неча ёмон бадбахту бахтиқаролар адабсизликлар кўргизубдурларки, ғафлатда қолибдурбиз... Уларга жазо бердук. Ўғлим

¹ 1391 йил 19 январда.

асло муҳолифатга борибдур, деб ўйламасунлар! Валинеъмат лутфу карам айлаб гофил ўғилларининг гуноҳларидан ўтсунлар. Ахир валинеъмат отамиз бўлурлар...

Амир Темур эшитар экан, кўли иягига чўзилганди. Мир Саййид Барака синчков кузатиб, вазиятни яхшироқ тушунишга тиришарди. Пири муршид Самарқанддаёқ сафарга бирга жўнамоқчийди, бироқ соҳибқирон ундан мамлакатда қолиб вазиятга кўз-қулоқ бўлиб туришни ўтинди. Тошкентга келгач, беморликдан эндигина турган соҳибқиронни сафарга ёлғиз жўнатгиси келмади, сирасини айтганда, ўзи ҳам бу ёкда қадрдони, дўстини соғиниб қолади... Майли, иссиқда ҳам, совуқда ҳам бирга бўлсинлар, вақт — ганимат ахир...

Барча беку амирлар, амирзодалар, соҳибқирон элчига не дер эканлар, дегандай зимдан кузатиб турардилар. Уларнинг ичида, сафарнинг қолдирилишини йстаганлар ҳам йўқ эмасди. Жўжи бекзолалари Қутлуғ Темур ўғлон, Қунчи ўғлон билан амир Идикуларнинг, айникса, кулоклари динг эди.

Амир Темур тасавурида баланд бўйли, дуркун, юзлари тиниқ Тўхтамишхон пайдо бўлди: ёрқин кўзлари масхара аралаш иржайиб турар, ёқимсизроқ ингичка овози эшитилганга ҳам ўхшаб кетди. «Айёру маккор подшоҳзода! — ўйлади соҳибқирон. — Шундай деб бизнинг кўнглимизни хотиржам этмоқчи. Ўзи эса ниятидан қайтмоқчи эмас, пайтдан фойдаланиб қўшин йиғиб кучайиб олмоқчи холос... Яна алдаб кетмоқчи...»

— Тўхтамишхон душманларидан яхшигина мушт еб, калтак еб, қочарга жой тополмай келганида иссиқ барримиздан жой бердик, отадай сийладик, — босиқ бошласа-да, Амир Темурнинг қаттиқ жаҳли чиққани билиниб турарди. — Шуни деб Ўрусхондай қудратли подшоҳга муҳолиф бўлиб чиқдим. Яроғ бердим, черик тордим, Жўжихон улусига подшо қилдум... Агарчи Аллоҳ уни сийлади, аммо сабабчи мен эрдим... Оқибатни кўрингим, йўғимизда юртга бостириб кирибди! Кўп жойларни хароб этибди!.. Келиб тавба ҳам қилмади... Феъли бузук кишилар фасодидан қутула олмаганининг холи войдур! Яна кенглик қилсам, қўрқаменким, худонинг ғазабини келтирамен! Энди ўзига ҳам, сўзига ҳам эътимодимиз қолмади!.. Ислом подшоси Султон Маҳмудхон фармони билан ул бадбахтга қарши йўлга

чикилди!.. Ортга қайтмасбиз! Кўрайлик, худойи таоло кимга нусрат бергай!..

Амир Темурнинг сўзлари залварли жаранглади.

Й И Г И Р М А У Ч И Н Ч И Б О Б

I

Хижрий 793¹ йил рабиул аввал охири пайшанба кунида Амир Темур қўшини Сариг Ўзан мавзеига кириб борди, отларни ўша ердаги дарёдан суғордилар. Бир ойдан бери дашти биёбонда юрганларидан сувсизлик кўп отларни нобуд қилди. Ташналик кучайиб борарди. Қўшинда танглик юз бера бошлади.

Амир Темур ҳайрон қолди, сафарга чиқмасдан аввал бу жойлар ўр-чақири, кўл-кўлоби, йўл-сўқмоғи яхши ўрганилмаган эканлигини кўрди. Демак, унга берилган маълумотлар унчалар тўғри эмас... Юришнинг, сафарнинг ҳам ўз расамадлари, қодалари бор, амал қилинмаса кейин панд беради... Салтанат тузуғи бўйича, уруш майдонини танлашда тўрт нарсага диққат қаратилади: энг аввало, у ернинг суви муҳим, кейин аскар сақлайдиган ер, яна қўшиннинг душман лашкари турган ердан тепарокда жойлашиши ва майдоннинг олди очик, кенг, баралла кўринадиган бўлиши керак...

Вазиятни кўрган айрим амирлар, Амир Темурга ортга қайтиш ҳақида шама ҳам қила бошладилар. Аммо соҳибқирон ўз аҳдида қатъий эди. У, аксинча, душман томонга янги чопарлар юбориб, йўл шароитларини яхшироқ билиб келишларини тайинлади.

Бирдан қаттиқ сел келди ва дарёда сув кўпайиб кетди. Кечув ер қидирилиб топилгунча, маълум муддат кўчмасликка қарор қилинди.

Шимол томонга қараб кўзғолганларида ғажарчилик қилиб бораётган амир Идикунинг Кулинчоқ пакана деган одами Тўхтамишхон тарафга қочиб ўтиб кетгани маълум бўлди. Кулинчоқ кўзлари кичик, қошлари қуюк, пакана бир одам эди. Бундан биринчи бўлиб амир Идикунинг ўзи огоҳ бўлди ва дарҳол ёнига икки навкарни

¹ Милодий 1391 йил 14 март.

олиб ортидан қувиб кетди, аммо ета олмади. «Кўзи кичик бўлса ҳам узокни кўради, даюс... — деди амир Идику от бошини ортга бурар экан, ёнидагиларга заҳарханда аралаш. — Қочиб кетибди, лаънати пакана!.. Бундайларга ҳеч ишониб бўлмайди...Тутганимда борми, қийма-қийма қилардим!.. »

Даштга чиқдилару бошларига яна сувсизлик балоси ёпирилди. Навкарлар онда-сонда ёғиб ўтган ёмғирларнинг чуқурларда тўпланиб қолган сувларини топиб ичишар, бир қултум-ярим қултум билан қаноатланардилар.

Йигирма кун деганда Кичик тоғдан ўтдилар. Олдинда яна бир тоғ кўринди. Уни Улутов¹ дердилар. Агар шу икки тоғни демаса, бу ерларда олам дашти биёбондан иборат экан-да, деб ўйлаш мумкин эди. Қўшин тўхтади.

Амир Темур тоғ тепасига чиқиб атрофга назар солди. Борлиқ олам кўм-кўк майсаларга ўраниб борарди. Шундагина соҳибқирон баҳор келганини билди. Бу учи кети йўқ саҳрода юраверасан, юраверасан, баъзан кун нима, чошгоҳ нима, оқшом нима билмайсан. Қайси тарафга бораётганинг ҳам номаълумдек... Офтоб жамолини кам кўрсатади... Устига устак, неча кунлаб давом этадиган кўнғирсалқин кулранг ҳаво юракларни сиқади.

Ана, жануб томонда олисда, жуда олисларда, гарчи кўринмаса-да, унинг юрти Самарқанд, Туронзамин ястаниб ётганини ҳис этади. Ногаҳонда соҳибқирон ҳукм қилди:

— Черикка буюрингизким, барча тош келтурсун! Бир нишона қилайлукким, биздан ёдгор қолғай!

Чор атрофдан: «Ёдгор қолғай!..», «Ёдгор қолғай!..» «Урҳо-ур!..» садолари янгради.

Икки юз мингга яқин навкарлар, амирлару баҳодирлар бари тош теришга тушдилар. Тезда фаройиб минора қурилиши бошланиб кетди. Амир Темур юздан ортиқ киши топиб юмалатиб келган улкан харсангтошга диққатни қаратди.

Сўнг Мавлоно Убайдга қандайдир сўзларни ёздирдида, деди:

— Она тилимизда тошга накш этилсун! Токи бу тарих авлодларга қолғай!

¹ Улутов — Ҳозирги Қозоғистондаги Жезқазғон шимоли-ғарбида жойлашган тоғ.

Тоштарош бир неча кунда ушбу сўзларни харсанг-тошга ўйиб чикди:

«Тарих етти юз тўқсон учда, қўй йил, қўкламнинг ора ойида Туроннинг султони Темурбек икки юз минг қўшин билан ислом учун Тўхтамишхон хонлигига юрди. Бу ерга етиб, белги бўлсин деб ушбу битигтошни ёздирди. Тангри нусрат бергай, иншоолло. Тангри фуқарога раҳм қилгай, (фуқаро) бизни дуо бирла ёд қилгай...»¹

Амирлару баҳодирлар, навкарлар ёпирилиб келишиб тошдаги хатни пичирлашиб ўқий бошлашди. Хар киши ўша «икки юз минг» деган санокда ўзининг ҳам бор эканлигини, пайтлар келиб соҳибқирон қатори уни ҳам авлодлар ёд этажагини ички шуур билан англаб етар ва кўнгли тоғдай кўтарилиб ортга чекинарди. Амир Темур барини кузатиб ичида қувониб қўярди.

Тўрт ойдан бери одам юрса оёғи, қуш учса қаноти қуядиган чўли биёбонда кетиб борардилар. Аммо хали душманнинг қораси кўринмасди, на йўлларда ёвдан бир из бор, на бир хабар...

II

Тўхтамишхон оҳиста шимолга қараб чекинар экан, хали ҳам кўнглининг бир четида Амир Темурга илтижолар билан юборган элчиларига умид боғлаб турарди. Соҳибқирон албатта кечиради, кечиримли одам, чунки Тўхтамишхон, тутинган ўғли умрида биринчи марта узр сўраб киши юборяпти... Аммо хийла вақт бўлди, элчилардан ҳам, Амир Темур қўшини ичидаги «кулоқ»ларидан ҳам дарак йўқ. Шундай мужмал вазиятда бирдан Тармочуқ амир Идикунинг одами келиб колганини билдирди-ю жонига ора кирди. Бу Қулинчоқ пакана эди.

— Сўзла! Темурланг ҳозир қаерда?.. Элчилар қайтмади-ку? Уларни кўрдингму?.. Нима бўлди?.. Нега қайтишмади?.. — дабдурустан саволларга қўмиб ташлади

¹ Уйғур алифбосида ёзилган матн асли қуйидагичадир: «Тарих йэти йуз тоқсан учта кой йил(и) йаз (кўклам) нынг ара ой(и) Тураннынг султаны Тэмур-бег ики йуз минг чэриг била ислам учун Токтамиш... ханыга йорыды. Бу йэрга йэйти бэлгу болсун тэб бу тобаны копарды. Тангри нусрат бэргай иншалла. Танги эл киши (фуқаро)га раҳмат қылгай (раҳм қылгай), (фуқаро) бизни ду'а била йад қылгай» (Олим Қ. Содиқов талқини).

халиги одамни Тўхтамишхон. Ёркин кўзлари пакананинг кичик кўзларига қаттиқ қадалган эди.

— Ҳоқон ҳазратлари! — деди ер ўпиб Кулинчок пакана ортига уч қадам чекинар экан. — Қочган пайтимда Темурланг кўшини Сариф Ўзанда турганди. Юборган элчиларингизни Темурланг қайта жўнатмади... У сиздан қаттиқ вазабда... Кўшини ҳам қатта, тумонот, нақ икки юз минг ботир лашкари бор, дейсиз...

— Икки юз минг, дейсанму?.. — Сўнг жавоб ҳам кутмай давом этди: — Манғит нима қилмоқда?..

— Идику жаноблари, сен бориб хоқон ҳазратларига аҳволни тушунтир, ўзлари ғажарчиликни қўлга олганлар, де, дедилар... Билинтирмай жуда қийин ва узоқ йўлдан бошлаб бораяпмен... Атай булоқ, дарё, кўлларни четлаб ўтамен, сувсиз ерлардан юрамен. Токи Ҳоқон ҳазратлари аскар тўплаб олишлари учун вақт бўлсин... Мақсадим, то жангга киргунча Амир Темур кўшини ҳориб-чарчаб адои тамом бўлсун, деб юбордилар...

— Ўзини эҳтиёт қилсун!.. Яна нима гапинг бор?

— Очарчиликдан гапир! — эсига солди Тармочук.. — Озиқ йўқлигидан қийналишяпти дединг-ку?.. Ўшалардан сўйласанг бўмайма?..

— ...Ҳа-ҳа, Темурланг лашкари сувсизликдан азоб тортяпти... Аскарлар қўлмак ва чалчиқ сувларни ичиб жон сақлашмоқда... Егани нарса йўқ... Бир кўйнинг боши бозорда юз олтин кепаки... Ўшайм топилмайди. Одамлар кўкатларни, қушларнинг тухумларини топиб еб юришибди. Еганлари оби ёвгон... Лашкарда очарчилик, қаҳатчилик бошланган...

Кулинчок пакана худди ишни қойиллатиб қўйгандай ёқимсиз илжайди.

— Ҳалиги аскарлар бир-бири билан уришди дединг-ку, нон талашибма-а... — эслатди Тармочук. У бу гаплар ҳоқонга ёқишини жуда яхши биларди.

— Ҳа-ҳа... Иннакейин, ҳамма оч, бир-бирининг гўшти-ни ейман, дейди... Ҳатто бир неча аскарнинг овқат талашиб бир-бирларига қилич ўқталганларини ўз кўзим билан кўрдим, хоқон ҳазратлари... Итдек талашишади. Очликдан барини силласи қуриган...

Тўхтамишхоннинг кўзларида ўт чақнади! Ҳа, унинг ўйлаганлари тўғри бўлиб чиқмоқда. Амир Темур кўши-

ни билан жанг қилгандан кўра, мана шундоқ чекиниб, хоритмоқ маъқул. Ҳориб-чарчасин, тинкаси қуриб, қилич кўтаришга ҳам холи келмай қолсин! Очлигу сувсизликдан ҳаммаси ўлиб-йитсин! Керак бўлса, Тўхтамишхон то дунёнинг тубигача чекинишга ҳам тайёр! Чекиниб бора-веради! Соҳибқирон лашкари қанчалар ўз юртидан узоқлашса, кўмаксиз қолса, танг аҳволга тушса, Тўхтамишхоннинг зафари шунча яқин бўлади...

Амир Темур кўшинда қаҳатчилик бошланишининг олдини олиш мақсадида буюрди:

— Туман беклари, кўшун амирлари кўмач ва бугра¹ пиширишдан тийилсунлар! Хамир овқатлар қилинмасун! Бошбалмоқ кўкати² ва паррандалар тухумларидан нафлансунлар!.. Нон унни тежаб ёпилсун! Ун махсус мучалко³ орқали берилсун!..

Эрталаб баковул: «Ўзларига қандай таом тайёрлатай, Амир соҳибқирон?.. Яқинда беморликдан оёққа турдилар ахир...» — деб сўраб кирган эди, «Лашкар таомидан таъминланурмен!», деган жавобни олди. Сўраганига нушаймон бўлган баковул тезда ортга чекинди... Шундай бўлишини биларди, чунки Амир Темур сафарларда ҳаминша ўзини амирлару навкарлар билан тенг кўрарди; лашкар нимани татиса унинг ҳам насибаси шу бўлар, навкарлар билан бирга ўлтириб тановул қилар, зинҳор ўзини юқори қўймас, имтиёз талаб қилмасди. Яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам доим лашкар ёнида эди. Шу сабабдан соҳибқиронни яхши кўришар, ўтга деса ўтга, сувга деса сувга киришар, жон фидо қилишга тайёр туришарди.

Бу гап тезда бутун лашкарга ёйилди. Барча соҳибқироннинг инсофу адолатига яна тан берди. Навкарлару баҳодирлар дилларида фахру ифтихор хиссини туйдилар.

Кўшин қийинчилик билан олға силжиб борарди.

Орадан бир неча кун ўтди.

Пешин намозидан кейин шоҳчодирда соҳибқирон пири муршид икковлон одатдагидек ҳамма қатори бошбалмоқ оби ёвғонидан тановул айлаб ўлтирар эдилар.

¹ *Кўмач* — ўчоқда қудда пишириладиган бир хил нон; *Бугра* — бугдойни оқлаб пишириладиган кўпчиликка тортиладиган овқат.

² *Бошбалмоқ ўти* — доривор ўсимлик.

³ *Мучалко* — махсус рухсатнома, ваколатнома.

«Еткизганингга шукур!..», — деб қўяр эди пири муршид косадаги овқатдан хўплар экан.

«Берган неъматингга шукур!..», — қўшиларди соҳибқирон...

Шу палла амирзода Муҳаммад Султон таъзим билан кириб келди...

— Ассалому алейкум!

Пири муршид амирзоданинг манглайдан ўпиб елкасига уриб-уриб қўйди:

— Аҳсанта, эй шери мард! Катта йигит бўлингиз, илоҳо!

— Келингиз, амирзодам! — қувониб кетди Амир Темур бўй тортиб бораётган набирасига суқланиб боқар экан. Соҳибқирон суюкли набирасига синчиклаб назар солди.

Эндигина ўн беш ёшга кирган дуркун амирзода Муҳаммад Султон, юзлари оқ-сарикдан келган тиниқ, кўзлари ёркин, бўйлари баландлигидан вояга етган йигитни эслатарди. Шаддодлиги шундоққина билиниб туради. Келишган йигит бўляпти-да. Мўйлаби ҳам билинар-билимас кўриниб қоляпти. Нақ отасининг ўзи, қошлари ҳам, кўзлари ҳам, аммо лабларининг юпқалиги онасидан... Сал нозикроқми... Лекин ҳали ёш, ўсмир-да, йигит киши қирққа борганда қирчиллама бўлади, худо хоҳласа... Ҳа, салтанат валиаҳди шу амирзода бўлади...

— Валинеъмат соҳибқирон!.. Бир қошиқ қонимдан кечасиз...

— Кечдим, амирзодам, кечдим...

— Муҳтарам амирлару баҳодирлар жам бўлишиб бир нарсани айтишимни ўтиндилар... — қўлини кўксига қўйиб деди амирзода. — Амирлару баҳодирлар, неча ойдирки йўл юрамиз, жангу жадалларни соғиниб қолдик, агар Амир соҳибқирони комкор ижозат берсалар, ов солсак, токи савашини машқимиз хотирдан кўтарилиб кетмаса... Яна таъкид айладиларки, Ҳазрат, зинҳор одамларим оч қолибдилар-да, нафс йўлини тутиб, бардош бера олмай гўшту хўрак илинжида бу таклифни қилибдилар-да, деган хаёлга бормасунлар, деб илтижо этдилар...

Амир Темур: «Эшитдингизму, пирим?.. Бунга не дейдилар?..» дегандай Мир Саййид Баракага қаради. Пири муршиднинг катта-катта кўзларида мамнунлик аломатлари сезилди. Гапнинг сираси, соҳибқироннинг ўзи ҳам

бир хафта олдин ўрнатилган қаттиқ тартибни бир оз бўшаштиришни ўйлаб турганди, амирзоданинг сўзлари айти муддао бўлди.

— Черикка ошкор этилсунким, шикор қилғоймиз!

Тавачиларнинг ҳар ёққа югуриб жар солганларидан фармон яшин тезлигида тарқалди. Каттадан кичик барчага жон кирди. Жангни соғиниб қолган навкарлар шердай отланиб майдонга ўзларини урдилар. Мудраб ётган ғайратлар уйғонди, завқлар жўшиб, ҳаваслар оловланди. Лашкар катта борлиқ-атроф майдонни қамраб олди. Сурон қоплаган саҳрода ов ҳалқаси тобора қисқариб борарди. Беҳисоб ўлжа тушди. Сановига биров етмасди. Овланган қулон, товушқону илвасинларнинг семизини ушлаб оригини кўйиб юборар эдилар. Ҳар бири буқадай-буқадай келадиган кийикларнинг бу ерларда кўплиги ҳам қўл келди. Узоқ кунлар лашкар озиғи ўшалардан бўлди.

III

Амир Темурнинг ички сезгиси унга, душманга юзмаюз келишга ҳам яқин қолди, деяётгандай эди. У ов баҳонаси билан бир оз оёқлар чигилини ёзиб олган лашкар яроғини кўриш лозим, деб ҳисоблади. Шикордан кузатишига қараганда навкарлару баҳодирлар шиддати ёмон эмас... Аммо яроғни атай синчиклаб назардан ўтказиш керак, қолаверса, лашкарнинг бўй-бастига бир назар солиб кўнгилни обод қилиш ҳам кўп яхши нарса-да.

«Йасол тузилсун!» деган фармондан кейин амирзодалар, беклару баҳодирлар навкарлар ҳали замон саваш майдонига кириладигандай бошдан-оёқ жавшану зирхларга ўралган, тиғу тирларни шай қилган ҳолда саф тортдилар. Ҳар бир баҳодир кўшини билан ўз жирғасида, мўрчили¹ ёнида жам бўлди. Шу палла тепадан қараган одам саҳрони тўлдирган саноксиз фавжларнинг² дарёдай тўлқинланиб турганини кўрар эди.

Соҳибқирон кўрикни амирзодалардан эмас, ўзга номдор амирлардан бошлади. Бунинг билан, менга барча амирлар ҳам, амирзодалар ҳам бирдай азиз, мен барча-

¹ Жирға — доира, доира бўлиб туриш; мўрчил — чуқур, окоп.

² Фавж — харбий бўлинмалар.

сини бирдай кўрурмен, деган маъно ётарди. Барча Амир Темурнинг шундай тенгпарварлигига қойил қоларди.

Турон султони ҳар бир фавжга йўналар экан, ўша ернинг амири дарҳол отдан тушиб, юкиниб, пешкашлар тортиб соҳибқирон эҳтиромига шошиларди. Амирлар таъзимларини:

«Ҳамиша Бирубор ёрингиз бўлсин!»,

«Сизсиз ҳеч бўлмасун бир дам замона!...»,

«Эй шоҳ, Сизга бўлсин замину замон!...» каби дилдан отилган сўзлар билан безардилар, ортидан гуриллаган «Ур-хо-о-о!» лар кўкка ўрларди. Соҳибқирон икки кун давомида саҳардан то шом юриб, эринмай ҳар бир бек, амиру амирзодалар фавжларини кўриқдан ўтказиб, кенгашлар бериб чикди. Бекларнинг Оқёрдаги қурултойда айтилгандан ҳам зиёда навкар тўплаганларини кўриб кўнглида мамнунлик хиссини туйди.

Олти ойдан бери сувсиз саҳрода саргардон бўлган Турон лашкари ҳориб-толиб бир жойга етиб келди. Барчани ҳайратда қолдирган нарса шу эдики, бу ерда намозшом бўлмай, шомни ўқиб улгурмай туриб, шафак ёришиб, офтоб жамолини кўрсатар, бомдод вақти етар, хуфтон намозини қачон ўқиш муаммо бўлиб қоларди.

Тарих милодий 1391 йил ражаб ойи ўн бешиди, душанба куни эди, соҳибқирон кўшини кўп машаққатлардан сўнг Қундузча¹ мавзеига кириб борди. Авваллари, ҳарчандки, қоровулларни бир неча бор душман изини топиб келишга юборсалар ҳам, аниқ гап олишолмай келишар, ҳар гал душман қоровули бир қорасини кўрсатиб яна қочиб қолар, кўздан ғойиб бўларди. Бу худди муштлашганда, зарба учун юборилган, аммо мўлжалга етмай ҳавода муаллақ қолган қўлнинг беҳуда ҳаракатини эслатарди.

Соҳибқирон амирлар билан кенгашиб, тўрт-беш киши эмас, душман ҳақида қандай бўлмасин жўяли маълумот олиб келиш учун Умаршайх Мирзо бошлиқ йигирма минг навкарни илғор жўнатишга қарор қилди.

— Албатта бир из топиб келинсун! — тайинлади Амир Темур.

Амирзода одамлари янгигина ёқилган ўчоқлар, ҳали

¹ Қундузча — Самара шаҳридан шимолда жойлашган мавзе, дарё номи. Жанг 1391 йил 18 июн куни рўй берган.

ўти ўчмаган гулханларни кўриб: «Из топдик!» дея қувондилар, туёқлар изини кўздан қочирмай олға юрдилар. Гоҳ-гоҳда узокларда товушқоннинг физиллаб қочиб бораётгани кўзга чалиниб қоларди. Бир жойда беш юз манқалга дуч келдилар, ажабо, худди эртақлардагидек, барининг ичида ўт бор эди-ю, бирор жонзот кўринмасди. Шундай алфозда хийла масофа босиб ўтилди. Ниҳоят, душман қорасини илғадилар, Тўхтамишхон қароргоҳи жойлашган Қундузча деган ерга бориб етдилар...

Амир Темур шу ёшга кириб ҳали бу қадар улкан жангни бошидан кечирмаганлиги ҳақида ўйлаб қолди. Ҳа, бу соҳибқирон ҳаётида биринчи улкан жанг, у шунчаки Амир Темур ва Тўхтамишхон ўртасида эмас, балки Турон салтанати билан Олтин Ўрда хонлиги ўртасида рўй бермоқда. Шу пайтгача Чингизхон юришларида лашкар, асосан, уч қисмга бўлинар, ўнг қўл, чап қўл ва қалбдан¹ иборат бўларди. Соҳибқирон узок ўйлаб ҳали жаҳон ҳарбий тажрибасида қўлланилмаган усулни танлади. У улкан қўшинини етти бўлакка ажратди. Бир қўлга Мовароуннаҳр хони Султон Маҳмудхонни бошлиқ қилди, иккинчисига Амир Сулаймоншоҳни... Шу палла олам аҳлининг амирзодаси, соҳибқирон дийдасининг нури валиаҳд Муҳаммад Султон тиз чўкиб ёлворди:

— Агар ижозат берсалар, каминани манглайга қўйсалар... Душман билан саваш курсам...

Соҳибқирон Муҳаммад Султоннинг ёш бўла туриб шундай қадамга журъат этганлигидан қувониб кетди, дили ёришди. Бу журъату жасорат, кўркмаслигу довиюраклик амирзода давлати икболининг яхши аломатларидай туюлди. Секин атрофга ғурур билан назар ташлади. Бутун лашкар, аркони давлат олдида валиаҳд амирзода ўнинг қаддини кўтариб қўйди... Манглай, қалб, бошқача айтганда марказда жанг қилмоқ жуда катта масъулият у маҳоратни талаб қилади, жангнинг тақдири кўп ҳолларда ана ўша манглайга боғлиқ. Ёлғиз жасоратгина етарли эмас, бунда шижоат, ҳарбий устакорлик, чапдастлик лозим, майдоннинг паст-баландига қараб иш кўра олиш керак...

— Салламно, амирзодам!... — деди Амир Темур. — Саваш қурингиз! Душманнинг додини берингиз!

¹ Қалб — қўшинда: марказ маъносида.

Амир Темур яна сўзга оғиз очмоқчи эди, аммо улгурмади. Бошига дубулға кўндирган катта ўғли Умаршайх Мирзо юкуниб келди-да, соҳибқирон жавшани этагига лаб босди ва чекинаркан, деди:

— Суюкли амирзодамнинг шижоатига ҳазор таҳсинлар бўлғай!.. Кўнглимиз чексиз фахру ифтихорга тўлғудур! Аммо, бир қошиқ қонимдан кечадилар, Амир соҳибқирон!.. Амирзодам ҳали ёшлар... Уни асрашимиз лозим. Биздай оғалари турганда ўз бўйинларига оғир вазифани олишлари мусулмончиликка тўғри келмас, дейман... Гуноҳга қолмайлик... Валинеъмат соҳибқирон! Мени манглайга қўйингиз, деб илтижолар қилурмен! Тўхтамишхон билан ўз ҳисоб-китобим бор!..

Унинг ортида совутга ўралган учинчи ўғли йигирма беш ёшли Мироншоҳ Мирзо шайланиб турар, чамаси, у ҳам шундай даъвосини айтишга навбат кутарди...

— Халлоки безаволга салламно! — деди Амир Темур бўйлари бир-бирига тенг саф тортиб турган амирзодаларга боқиб. — Умаршайх Мирзо, амирзодам! Сўзларингиз жуда ҳам ўринли, ҳимматингиз учун қуллуқ.... Муҳаммад Султон амирзодам чиндан ҳам ёш... Ёш бўлганлари учун уни асраб-авайламоқ лозимдур, рост дедингиз. Аммо шахти қайтиб қолмасун, шиддати синмасун... Шундай отилиб чиққанлари учун ташаккур! Майли, амирзода Муҳаммад Султон улуг қўлни — манглайни бошқарсун! Жаҳоншоҳ ибн Жоку, Амир Шоҳмаликлар унинг ёнида юрсунлар!

— Бош устига, валинеъмат соҳибқирон! — таъзим бажо келтирди мамнун Муҳаммад Султон.

— ...Умаршайх Мирзо — жаранғорга, унинг ёнида сулдуз ҳазораси бўлсун!..

— Бош устига, Амир соҳибқирон! — бош эгди Умаршайх Мирзо.

— ...Мироншоҳ Мирзо — баранғорга сардорлик қилсунлар! Худойод Хусайний, Ахий Жаббор баҳодир, Мирзо Алибек уларга ҳамроҳ бўлсунлар!

— Жоним фидо бўлсун, валинеъмат соҳибқирон! — деди қўли кўксида Мироншоҳ Мирзо.

— ...Амир Сайфиддин некўз курч бир йасол тузсун ва ўнг қанот қанбулида жойлашсун! Муҳаммадбек ибн Мусо, Шайх Нуриддин, Шайх Довуд туркманлар уларга шерик бўлсун! Баранғор ва жаранғорларда туман,

хазора ва сада амирларининг хар бирига муносиб жой ажратилсун!

Амир Темур тин олди. Номлари жаранлаган барча амирлару баҳодирлар ҳам: «Куллуқ!..» «Куллуқ!», «Бош устига!..», «Бош устига!..» қабилдаги сўзларни айтишиб таъзим бажо келтирар эдилар.

— Тагин... — давом этдирди соҳибқирон. — Етти фавждан сўнг, алоҳида йигирма бўлукдан иборат йасол тузилсун! Захирага Мубашшир баҳодир бош бўлсун! Улуғ қўлнинг ортида сабр-тоқат қилиб турадур. Жангга фақат менинг ижозатим билан қадам қўясен, эй баҳодир!..

— Фақат ижозатлари билан қадам қўямен, Амир соҳибқирон! — қуллуқ қилди Мубашшир баҳодир.

Фармонга кўра, хар бир навкар ёв билан ораликдаги таноб тортиб бўлиб берилган ерда хандак қазिशга киришдилар.

IV

Тўхтамишхон ниҳоят Амир Темур билан юзма-юз бўлишга аҳд қилди, чекинишни тўхтатди... Чопарларнинг айтишларига қараганда, жанг қилишнинг фурсати энди етди, соҳибқирон лашкари ҳориб-толган, роса абгор бўлган, шижоатидан айрилган, очлик исканжасида тинкаси қуриган, бир ҳамлада бари тутдай тўкилади...

Хоқон Жўжихон авлодидан бўлган шахзодалар, Тош Темур ўғлон, Элийғмиш ўғлон, Бек Ёруғ ўғлон ва Бек Пўлат ўғлонлар, беклардан Ҳасанбек, Окбўтабек, Исабек, хоразмшоҳ Сулаймон Сўфи ва бошқалардан иборат мустақкам йасоллар туздирди. Тиш-тирноғигача қуролланган, тўра ва говсипарларни такиб олган чакмоқдай навкарлар: «Душманингни кўрсат! Тилка-пора қилиб ташлайман!..» дегандай ёв томонга интиқомли боқади.

Жанг майдони Аллоҳнинг қудрати билан жуда ҳам ажойиб танланганди... Қундузча дарёсининг бўйларини парвардигор атай улкан жангларга мослаштириб яратганга ўхшарди. Минг-минг аскарларни сиедира оладиган кенг дала, аммо нотекис жойлари ҳам кўп, душман шиддат билан жанг қилолмайди, ўр-чақирларга қараб юриши керак...

Даштнинг икки тарафида қўшинлар саф тортган, ҳар икки томоннинг навкарлари ҳам, жиловни қўйиб юборсанг ўзимни майдонга ураман, деган тойлардай безовта эди. Шунда Амир Темурнинг тутуми барчани, дўстни ҳам, душманни ҳам ҳайратда қолдирди. У шижоатли ва юракли эканлигини кўрсатмоқчи бўлдим, ҳозиргина жангга киришни кутиб турган лашкарга бирдан чодирлар тикишни буюрди. Бир неча лаҳзада ердан чодирлар ўсиб чикди...

Буни узоқдан кўрган Тўхтамишхон, Амир Темурнинг хотиржамлиги-ю бепарволигига ҳайрон қолди. «Қудратли Олтин Ўрда қўшинини писанд қилмай, андишага бормай савашин олдидан жанг майдонида чодир тикиб ўлтирибди...» — дея хаёлидан кечирди Олтин Ўрда хони ўша ёқдан кўз узмасдан. Унинг ғазаби аланга олди. Аммо соҳибқирон тезда чодирларни йиғишни буюрди. Қўшини Қундузча дарёси билан «ўраб» олинганидан, орқа томондан кўнгли тўқ эди.

Шу палла қутилмаганда соҳибқирон отдан тушди, ерга жойнамозни ёздириб ихлос билан бамайлихотир икки ракаат намоз ўқишга тутинди, ҳақ субҳонаҳу таолодан нусрату зафар тилаб тавба тазарруъга юз бурди, зори таваллолар қилди. Салавоту такбирлар билан намозини тугатаркан, отга минди-ю, ҳайқирди:

— Ногоралар чалинсун! Нафирлар бонг урсун!!!

Даставвал Амир Сайфиддин неқўз қиличини яланғочлаб душманга рўбарў бўлди ва ёвнинг чап қанотдаги навкарлари ҳолини танг қилди. Душман қўшини соҳибқиронникидан хийла ортиқ эди. Шу важдан Амир Сайфиддин неқўзнинг кейинидан тушиб уни ўраб олмоққа уринардилар. Буни кўрган Жаҳоншоҳ ибн Жоку фавжини ўша ёққа буриб, кўмакка шошилди. Мироншоҳ Мирзо чапда, Умаршайх Мирзо ўнгда жавлон урардилар. Муҳаммад Султон марказда туриб бутун жон-жаҳди билан ёғий сафини ёриб ўтишга тиришарди. Қиличлар жаранги, шамширлар шиддати, отлар кишнаши, ўлимдан сўйлаётган найзалар тили, навкарлар сурони бари бир бўлиб қулоқни қоматга келтирарди.

Умаршайх Мирзо ўз лашкари билан душманнинг уч қўшинига қарши жанг қилар ва бундан кўнглида ғурур туярди. У ахир соҳибқироннинг катта ўғли, биринчи суянчиғи, ишонгани.... Энг катта оғирликни у ўз зимма-

сига олиши керак. Ишончни оқлай олса бўлди... Ҳамма унинг баҳодирлигидан ёка ушлар, кўрганлар «Рустам ҳам бундай ишларни қила олмайди!» дер эдилар. Ўнга ҳам, сўлга ҳам қилич сермаётган амирзода ўз жонини ўйламас, нима бўлмасин, ўша қаттол, жинидан бадтар ёмон кўрадигани лапашанг Тўхтамишхон лашкарини кунпаякун қилса бас...

Бирдан амирзоданинг отига ўқ тегиб, мункиб кетди. «Даюс!..» деб юборди амирзода. У эпчиллик билан ерга сакраб тушди, аммо пиёда қолганига қарамай мардона жангни давом этдирди. Тездан от етказдилар. Отга миниб олган Умаршайх Мирзо хезланганча шиддат билан яна савашишларга киришиб кетди.

Амир Темур юраги булжиллаб барини ўрдудан кўриб турарди. Савашишда жиддий силжиш бўлмаётганлиги уни ташвишга сола бошлади. Ногаҳон сулдуз ҳазораси қўшини пароканда бўлгани ҳақида хабар келди. Шу етмай турганди. Бу қўшин Умаршайх Мирзо қаноти билан ёнмаёن эди. Шайх Темур сулдуз деган лашкарбоши нобуд бўлибди. Калласи сапчадай узилиб тушганини чопар ўз кўзи билан кўрибди. Афсуски, бу лашкарбоши майдон низомини яхши билмас экан. Энди Тўхтамишхон шу ердан ёриб ўтишга интилади...

Чиндан ҳам, Олтин Ўрда ҳукмдори сулдуз ҳазораси қўшинини пароканда қилгандан кейин шу ердан душман ҳалқасини ёриб ўтишга қарор қилди ва ҳамма кучини йиға бошлади. Тўхтамишхон бир паллалар Самарқандда Боғи Нақши жаҳондаги зиёфатда ҳамманинг олдида дағал ва кўрс Умаршайх Мирзодан эшитган дашномларини ҳали унутгани йўқ... «Подшоҳзодалигинг бир дирҳам!..», «Товукмижоз лапашанг!..», «Ноинсоф!..», «Номуси йўқ, кўрқок!..» каби сўзлар ҳали-ҳали Тўхтамишхоннинг бағрини ўяди. Энди ўшанга жавоб бериб қўйиш вақти етди, Олтин Ўрда хони қарздор бўлиб қолишни истамайди. У хаёлида бир лаҳза юмалоқ юзли, хушсурат, аммо қўй кўзлари ғазабдан ёнган Умаршайх Мирзони тасаввур қилди.

Вазият бамисли симобдай тизгинсиз эди, омад гоҳ у томонга кулиб боқарди, гоҳ бу томонга... Тўхтамишхон ўнг ва чап қанотлари кучсизланиб бораётганини ҳис қилди. Энди ҳамма кучни йиғиб Умаршайх Мирзо лашкарига уриш, шу ердан ёриб ўтиб бутун соҳибкирон қўшини-

ни пароканда қилиб бўлиб ташлаш керак, деган қарорга келди. Бу унга осондай туюлди. Нафсиламрини айтганда, жон-жаҳди билан ишга киришган Тўхтамишхонга толе кулиб боқди: у Умаршайх Мирзо қўшинини ёриб ўтишга эришди. Буни Амир Темур амирзодадан келган чопардан билди. Умаршайх Мирзо бундай деб юборган эди: «Подшоҳ Тўхтамишхон ўз лашкарини саришта этиб, қалб, баранғор ва жаранғорини низомда тутиб ортимиздан келмакда...» Демак, Олтин Ўрда хони соҳибқиронни ажратиб олиб тор-мор этмоқни ният қилган...

Шу палла чап қанотнинг қанбулидан келган хабарларга кўра ҳам, душман Амир Темур лашкарининг орқа томонини эгалламоқда экан... Соҳибқирон аскарлари ҳориб-чарчаган, шиддатлари паст бўлиши мумкин, чекинаётганлари балки шундан... Фақат амирзода Муҳаммад Султон бошлиқ манглай қўшин душманга бўй бераётгани йўқ....

— Бос!!! Ёғийни бос, азаматлар!!! Ёғийни ўлдири!!! — каби чинқириқли садолар эшитилди душман ёқдан шу палла...

Соҳибқирон танг ахволда қолди. Ҳамма фавжларни бир жойга йиғаман, деса, фурсат кетади, чунки айёр душман жуда яқинда турибди, ҳали замон бостириб келиши аниқ. Бас, Тангрига таваккал қилиб, ортга чекинмоқ керак...

Ёнида барини кузатиб турган, узоқларга боқиб, жанг расамадини олаётган пири муршид Мир Саййид Барака кутилмаганда отдан тушди, «Алҳамду лиллаҳир раббил оламин!» дея ердан бир сиқим тупроқ олди-да, қайтадан отига минди.

— Зинҳор кўнглингизни чўқтирмангиз, Амир соҳибқирон! — пири муршид таскин бериб, қўлидаги тупроқни ўлар-тириларига қарамай савашаётган душман томонга қарата сочиб юборди! Кейин залварли овозда:

— Ёғий қочди!!!.. — дея қолибона ҳайқирди. — Ёғийнинг юзи қаро бўлсун! Истаган ерингизга оёқ қўйингиз, Амир соҳибқирон! Зафар биз тарафдадур!

Пири муршид шундай деди-да, отига қамчи урди.

Барча фавжлардан: «Зафар биз тарафдадур!..», «Зафар биз тарафдадур!..» деган садолар янгради. Амир Темур қўшини фавқулудда таважжух билан душман томонга юз бурди.

Энди пири муршид сўзларидан рухланган Амир Темурнинг ўзи майдонга тушди. Даставвал захирада турган Мубашшир баходирнинг йигирма бўлукдан иборат лашкарини жангга киритди, колган фавжларни жамлади, олисдагиларига келиб лашкарга қўшилишга фармон бериб, дадил ортга чекинди ва фавқулодда шижоат билан, черикнинг орқасига ўтиб олиб йасол тортиб турган Тўхтамишхонга юзланди. Осмонда бир парча булут йўқ, ҳаво очиқ, ортда Кундузча дарёси билтанглаб оқарди.

Черик бошида Амир Темур Кўрагоннинг ўзи келаётган экан, деган хабар Тўхтамишхон қўшини орасида ёйилиб кетди. Олисдан Турон лашкарининг туғи осмонга санчилгандай мағрур кўринар эди.

Соҳибқирон, ноғора ва карнай садолари дашту саҳроларни тўлдирсун, дея фармон берди. Сурон борлиқни тутди. Черикнинг ҳайбатидан еру само зирилларди.

Тўхтамишхон, ёғий қўшини жангларда нобуд бўлиб сийраклашиб қолган, кучи кирқилган, уни ўраб олинса кифоя, деб ўйлаган, бутун шижоатини шунга қаратганди. Аммо у Мубашшир баходир бошлиқ захирада турган йигирма бўлук қўшиндан беҳабар эди. Ажабо, бу черик ердан чиқдимми, осмондан тушдимми?.. Унинг устига, қўшинни соҳибқироннинг ўзи бошқариб келмокда экан! Ноғораларнинг ҳар бир садоси унинг бошига гурзи бўлиб тушаётгандай туюларди.

Душман ёқдан:

— Қочма!!! Қайт ортингга, беномуслар!!! Қайт, деяпмен!!!.. — сингари аламли хитоблар чалинди Амир Темур қуловига шу палла...

Жанг ўти алангаланди. Кўп ўтмаёқ, Тўхтамишхон қўшинларининг иддаоси пуч эканлиги билиниб қолди, парокандалик юз бериб, ҳамма ҳар қаёққа қочишга турди.

Олтин Ўрда хонини ваҳима чулғаб олди, жангни бой бераётганини ўз кўзи билан кўриб турарди. Шайтон кўнглида: «Қоч! Жонингни сақлаб қол! Йўқ эса, хор бўлиб ўлишинг аниқдур!..», дея васваса қила бошлади. Тошу тахт ҳам кўзига кўринмай қолди, жон кўрқинчи уни саросимага соларди. У қочиши керак, аммо қаёққа қочади? Албатта, шимолга, шимол томонга!..

Тўхтамишхон бир лаҳза аламда майдонга каради, кейин ҳеч кимга, ҳатто мулозимларига ҳам билдирмай,

гўё ўзини жангга ургандай, чап томондаги кўшиндан хабар олиб келмоқчи бўлгандай кўрсатиб, от бошини қочишга бурди... Бу пайт Амир Темур кўшинларининг зафарли набралари тобора осмонни тўлдириб борарди...

Олтин Ўрда хони, қочганимни ҳеч ким кўрмади, деб ўйласа ҳам, бу сезилмай қолмади. Манглайда саваш кураётган Умаршайх Мирзо майдонда жавлон уриб юрарди-ю, Тўхтамишхонни сира кўздан қочирмасди. Амирзода ғалаба яқинлигини, тез кунларда ашаддий душмани билан ҳисоб-китоблар қилиш фурсати келаётганини ва шунда Тўхтамишхонни тафтиш этишни соҳибқирондан ўзи сўраб олажагини ўйлаб ҳаяжонланарди. Унга энг алам қилган жойи, Тўхтамишхоннинг соҳибқирондан кўрган кўп яхшиликлари эвазига ёмонлик билан жавоб бергани, яна унга кўл кўтаргани эди. Бунчалар кўрнамакликни учратиш қийин...

Бир пайт амирзода қараса, майдонда чарх уриб юрган Олтин Ўрда хони жойида йўқ! Дабдурустан: «Қочиб қолибди!», деган фикр келди Умаршайх Мирзонинг кўнглига! У чор атрофга аланглаб қаради. Ҳеч қаерда ҳеч қандай из илғамади. Фақат шимол томонда, беш юз қадамлар нарида, тўқайзорга яқин ерда кимнингдир дарё томонга от чоптириб кетаётгани кўзга ташланди. «Бу, ўша — Тўхтамишхон!.. — деди ўзига-ўзи амирзода ёзиб бўлмайдиган сўзлар билан қаттиқ сўкиниб. — Ўша!.. Қочиб кетмоқчи!.. Қочиб бўпсан, лапашанг!..»

Умаршайх Мирзо фурсатни фанимат билиб хоқон изидан от қўйди...

Дарё бўйида паст, текис ерлар, увалар ястанган эди, вақти-вақти билан сув кўпайганда ўша ёқларга ҳам уриб кетарди. Бора-бора катта тўқайзор пайдо бўлган, бу овчилар учун ҳам, турли махлуқот учун ҳам қулай камгак — панарок ерларга айланиб қолганди. Дарёнинг шимол томонида эса адирликлар ястаниб ётарди.

Амирзода елиб борар экан, Тўхтамишхоннинг ўнг томонга қараб йўналганини кўрди. Унинг тўқайзорга кириш нияти йўқ, балки айланиб ўтмоқчи шекилли... Аник, у тўқайзорга кириб яширинмоқчи эмас, йўқ эса отни тўппа-тўғри тўқайзорга солган бўларди. Афсуски, амирзода бу ерларни яхши билмайди. Лекин унинг кўнгли тўқ эди, чунки Тўхтамишхон тўқайзорнинг орқасига ўтганда ҳам, чапгами ёки ўнгами бурилганда ҳам йўли бари-

бир дарёга бориб тақалади, бу кўришиб турган нарса. Уша ерда уни аниқ тутиб олади...

Умаршайх Мирзо учқур тўриқ отини тўқайзорнинг чап томонига бурди ва қамчига зўр берди. Тўриқ юганларини шақирлатиб ўқдай шувиллаб кетди. У подшоҳзоданинг олдини кесиб чиқиши керак!

Отини тинимсиз савалаб бораётган Тўхтамишхон ҳеч ортига қарамасди. Ногаҳон ўгирилиб қаради — олисдан жанг сурони эшитилар, чанг-тўзон еру кўкни қоплаб олганди.

Бирдан қандайдир отликнинг елиб келаётганини кўриб қолди! Яхшилаб тикилиб қаради: ростдан ҳам кимдир келарди! Наҳотки?!.. Наҳотки, ўзининг ашаддий душмани Умаршайх Мирзо бўлса?.. Нафсиламрини айтганда, ҳозир унинг жангари ва қўрқмас амирзода билан ҳеч кўришишгиси ҳам, савашингиси ҳам йўқ эди. Агар савашинса, амирзоданинг қўлида хор бўлиб ўлиши аниқ, чунки Тўхтамишхон ўзининг унга тенг кела олмаслигини билади. Ёки уни қўл-оёғини боғлаб бошига қоп кийдириб, бўйнига қиличини осдириб Амир Темур ҳузурига олиб боради. У шу палла хоразмшоҳ Юсуф Сўфининг мардоналик кўргизиб соҳибқиронни яккама-якка курашга чорлаганини, Амир Темурнинг ўнг оёғи ва ўнг қўли ногирон бўлишига қарамай майдонга чиққанини, хоразмшоҳнинг эса сўзида турмаганини ва Хоразм қўшини ҳамда Турон лашкари олдида юзи шувит бўлиб қолганини эслади. Эслади-ю, шу ондаёқ унутишга, ортига қарамасликка ҳаракат қилди.

Умаршайх Мирзо шиддат билан тўқайзорнинг чап томонидан чиқиб борди ва... дарёни кўргачгина қаттиқ янглишганини англаб етди! Ҳақиқатда ҳам, у бу жойларни яхши билмаслиги, устига устак шошилиб иш кўрганлиги аён бўлди. Эҳ, амирзода, амирзода! Олдинда Қундузча дарёси ястаниб ётар, тўқайзор эса дарёга лаб кўйган, у ерда Тўхтамишхон турган ўнг томонга йўл кўринмас, сув босган тўқайзор ичидан ўтишининг эса асло иложи йўқ эди...

Амирзоданинг пешонасидан муздек тер чиқиб кетди! Наҳотки, шундоқ ёнгинада турган ашаддий ғанимини қўлдан чиқариб юборса!.. Тўхтамишхонни лапашанг дер эди, аслида ким лапашанглиги энди билинди. Аттанг, фурсат қўлдан кетди...

Амирзода шарт отини орқага бурди, энди тўқайни айланиб ўтишдан бошқа чора йўқ... Буни қанча тез қилса шунча яхши.

Умаршайх Мирзо шиддат билан тўқайзорнинг ўнг томонидан дарё бўйига етиб келганда, Қундузча дарёси ҳеч нарса бўлмагандек хотиржам лиммо-лим тўлиб оқар, фақат дарёнинг нариги томонида жуда олисларда бир отличнинг ўқдай елиб кетаётгани элас-элас кўзга ташларди...

2004 йил 23 ноябр.

Иккинчи китоб тугади

МУНДАРИЖА

Биринчи боб.....	3
Иккинчи боб.....	15
Учинчи боб.....	26
Тўртинчи боб.....	35
Бешинчи боб.....	44
Олтинчи боб.....	59
Еттинчи боб.....	68
Саккизинчи боб.....	82
Тўққизинчи боб.....	101
Ўнинчи боб.....	123
Ўн биринчи боб.....	140
Ўн иккинчи боб.....	154
Ўн учинчи боб.....	170
Ўн тўртинчи боб.....	185
Ўн бешинчи боб.....	200
Ўн олтинчи боб.....	216
Ўн еттинчи боб.....	234
Ўн саккизинчи боб.....	247
Ўн тўққизинчи боб.....	254
Йигирманчи боб.....	274
Йигирма биринчи боб.....	288
Йигирма иккинчи боб.....	300
Йигирма учинчи боб.....	317

МУҲАММАД АЛИ

УЛУФ САЛТАНАТ

Тарихий роман

Иккинчи китоб

УМАРШАЙХ МИРЗО

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси

Бош таҳририяти
Тошкент — 2006

Мухаррир К. Усмонова

Бадий муҳаррир М. Самойлов

Техник муҳаррир Д. Габдрахманова

Мусаххихлар: Х. Абдусаматов, Х. Шарипова

Теришга берилди 05.10.05. Босишга рухсат этилди 03.01.2006.
Бичими 84x108^{1/32}. «Петербург» гарнитураси. Офсет босма. Шартли
босма табағи 17,64. Нашриёт-ҳисоб табағи 17,2. Адади 5000 нусха.
Буюртма № 1972. Баҳоси келишилган нархда.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмақонаси
700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон, 41.**